

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Молия институти

**Ё.АБДУЛЛАЕВ, Т.ҚОРАЛИЕВ,
Ш.ТОШМУРОДОВ, С.АБДУЛЛАЕВА**

БАНК ИШИ

Ўқув қўлланма

**ТОШКЕНТ
“IQTISOD-MOLIYA”
2009**

Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С.
Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009 йил, 548 бет.

«Банк иши» фанига бағишланган навбатдаги ўқув қўлланмамизда оддий ва содда тилда, савол ва жавоб тариқасида банк тизими тўғрисида тушунча, банк иши фанининг предмети ва объекти, унинг фаолиятидаги таваккалчиликни баҳолаш, банк кредитини бериш сиёсати, банкнинг инвестицион функциялари ва банк менежменти каби масалалар ёритилган.

Қўлланма “Банк иши” ва унинг назарий асослари ҳисобланган “Пул, кредит ва банклар” фанлари дастурлар асосида тайёрланган.

Қўлланмада банк ишига тааллуқли саволлар ва жавоблар билан биргаликда ҳар бир бўлим бўйича алоҳида таянч иборалар, тест ва назорат саволлари келтирилган. Қўлланмада масалалар тўплами ҳам мавжуд.

Мазкур ўқув қўлланмада «Сиз банк ходимлари аттестациясига тайёрмисиз?» туркумидаги саволларга жавоблар ҳам берилган.

Ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус таълим тизимида иқтисодчи мутахассислар, банк ходимларини тайёрловчи ўқув юртлари ва факултетларида ҳамда бизнес мактабларида ўқув машғулотлар, илмий семинарлар ва суҳбатлар, тренинглар уюштириш учун мўлжалланган.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент молия институти қошидаги илмий-услубий Кенгаш томонидан чоп этишга тавсия этилган (2009 йил 16 апрелдаги 3-сонли Кенгаш қарори).

Тақризчилар:

Ш.Абдуллаева – и.ф.д., проф;
С.Норқобилов – и.ф.н., доцент.

ISBN 978-9943-13-123-1

©«IQTISOD-MOLIYA», 2009
© Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев,
Тошмуродов Ш, С.Абдуллаева, 2009

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими локомотив вазифасини бажариши керак.

Ислом Каримов

КИРИШ

Дастлаб, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги банк тизими мустақилликка эришгунга қадар бўлган даврдаги банк тизимидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, ўша даврда банк тизимининг ўзагини:

- СССР давлат банки;
- Қурилиш банки;
- Давлат меҳнат жамгарма кассалари ташкил этар эди.

Иттифокдош республикаларда эса ушбу банкларнинг республика, вилоят конторалари ва туман (ташқи иқтисодий фаолият банкидан ташқари) бўлимлари фаолият кўрсатарди, холос. Бу банкларнинг жойлардаги бўлимлари фақатгина кўчирувчи оператор ролини бажарар эди. Бутун банк тизими марказдан бошқарилиб, кредитлаш лимитлари ҳам, нақд пул чиқариш лимитлари ҳам марказнинг рухсати билангина амалга оширилар, ҳамма масалалар юқоридан ҳал қилинарди.

Қисқаси, жойларда мустақил ижодий ишлашнинг ўзи йўқ эди ҳисоб. Бозор муносабатлари хусусида умуман гап бўлиши мумкин эмас эди. Республика аҳолисига фақат бир нарса маълум бўлиб, у ҳам бўлса, ўз қўлида бўш пулларни Давлат меҳнат жамгарма кассаларида қатъий белгиланган фоизлар олиш шарти билан сақлашлари мумкин эди. Боз устига, банк тизимини оммавий ахборот воситаларида ёритишга рухсат йўқ, бинобарин, банк фаолияти тўғрисида бирорта маълумот матбуотда ёритилмасди.

Фақатгина 1987 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, асосан Давлат банки негизида «Агросаноатбанк», «Уйжой ижтимоийбанк», «Саноатқурилишбанк» ва бошқа тармоқ банклари ташкил этила бошланди. Бирок бу ўзгаришлар ҳам кутилган натижаларни бермади. Чунки марказлашган бошқарув тизими ҳали давом этар ва ўз измини ўтказар эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши иқтисодий мустақиллик сари қўйилган илк қадам бўлди. Мустақил давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири банк тизимини ислоҳ қилиш ва уни тубдан ўзгартиришга қаратилди. Банк тизими-

ни ислоҳ қилиш ҳукуратимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўттиш дастурига мувофиқ амалга оширила бошланди.

Банк тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида 1991 йилда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бозор шароитларига мос банклар институтини вужудга келтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Мазкур қонунга мувофиқ СССР давлат банкининг ҳудудий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига айлантирилди ва у бевосита давлат бошчилигида банк тизимини ислоҳ қилишни бошлади.

Жуда қисқа муддат ичида икки поғонали банк тизимини вужудга келтириш борасида биринчи қадамлар қўйилди. Марказий банкнинг ташкилий структураси ва иш услублари қайта қурилиб, тижорат банклари акциялаштирилди ва бугунги кунда уларнинг сони 29 тага етди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ва тижорат банкларидан ташқари юзлаб нобанк кредит ташкилотлари ҳам фаолият юритмоқда.

2008 йилда юзага келган ва барча ривожланган мамлакатлар молия-кредит тизими ҳамда иқтисодиётини ларзага келтирган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз молия-банк тизимида изчил ислохотлар доимий равишда олиб борилиши лозимлигини яна бир бор исботламоқда.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳолат йўқ...”¹

Мазкур ўқув қўлланманинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ундан банк ишининг назарий асослари нақт пулсиз ҳисоб-китоблар, халқаро валюта-кредит муносабатлари ва пул муомаласига оид саволларга ҳам жавоб топасиз.

Қўлланманинг охирида келтирилган масалалар тўпламини тузишда доц. Х.К. Кашаповнинг “Банк иши” фанидан тайёрланган тўпламидан фойдаланилди.

Муаллифлар ўқувчиларни бугунги кунда банк тизимида бўла-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009 й., 7-бет.

ётган ислохотлар кўлами, шунингдек, «Банк иши» фани дастурига биноан ўзлаштирилиши лозим бўлган назарий ва амалий масалалар билан таништиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Ўқув материаллари жамланган ушбу ўқув қўлланма ўқувчилар билимини оширишга хизмат қилса, барча саъй-ҳаракатларимиз бекор кетмаган бўларди.

1-боб. БАНК ИШИ – МУСТАҚИЛ ФАН

1.1. Банк иши фанининг предмети ва объекти

[1]. «Банк иши» мустақил фандир. Чунки у ўзининг мустақил предмети, объекти ва методига эга. У:

- банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари;
- банкларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби;
- банк фаолиятини тартибга солиш;
- банкларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- банкларга васийлик қилиш тартиби;
- банкларнинг молиявий аҳволи;
- банк операцияларини амалга ошириш тартиблари;
- пул тизими ҳамда пул муомаласини ташкил этиш кондалари;
- валютани тартибга солиш ва халқаро резервларни бошқариш;
- банкларни назорат қилиш;
- банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот;
- банк менежменти;
- банкнинг ривожланиш тарихи каби масалаларни ўрганувчи фандир.

Айнан шу жараёндаги муносабатлар «Банк иши» фанининг предмети ҳисобланади. Банк ва унинг турли кўринишлари «Банк иши» фанининг ўрганиш объекти ҳисобланади (1-жадвал).

[2]. Ҳар қандай фан ўз объектини маълум усулларни қўллаш ёрдамида ўрганади. Банк фаолияти, ундаги сир-саноатларни илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилишда «Банк иши» фани куйидаги усуллардан фойдаланади (2-жадвал).

Илмий жиҳатдан асосланган таҳлил қайд қилинган усулларни чамбарчас равишда боғлаб олиб борилишини тақозо этади.

Банк ва унинг турлари

т/р	Туркумлаш белгилари	Банк турлари
1.	Ваколатига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • эмиссия қилувчи банклар • тижорат банклари • инвестицион банклар • универсал банклар
2.	Операцияларни бажариш характерига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • тармоқлар бўйича • мижозлар таркиби бўйича • миқдор бўйича • регионлар бўйича хизмат қилувчи банклар
3.	Мулк шаклига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • ихтисослашган (масалан, ипотека) банклар • давлат банклари • акционер (хиссадор) банклар • хусусий банклар • аралаш банклар
4.	Фаолият миқёсига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • банк консорциумлари • йирик банклар • ўрта банклар • майда банклар
5.	Хизмат қилиш соҳасига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • маҳаллий (регионал) банклар • регионлараро банклар • миллий банклар • халқаро банклар
6.	Шўъбалар сонига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • шўъбаси бор банклар • шўъбалари йўқ банклар

[3]. «Банк» сўзи италянча «Banca» сўзидан олинган бўлиб, «стол», аниқроғи «пулли стол» деган маънони англатади. XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни «Bancherii» деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончли оқламаса ва ўз ишига масъулиятсизлик қилса, у ўтирган столни синдириб ташлашган ва уни «Banco rotto», яъни «банкрот» деб аташган. Бугунги кунда бизга маълум бўлган «банкрот» сўзи ҳам италянча «Banca rotto» сўзидан олинган.

«Банк иши» фанининг таҳлил усуллари

т/р	Таҳлил усуллари	Мазмуни
1.	Тизимли ёндашув	<ul style="list-style-type: none"> • банк тизими яхлит тарзда олиб қаралади. Бу ёндашув турлича бўлиши мумкин: • тизимли-комплекс ёндашув • тизимли-функционал ёндашув • тизимли-таркибий ёндашув • тизимли-коммуникацион ёндашув.
2.	Комплексли ёндашув	• банк тизими бошқа объектлар билан ўзаро боғланишда ва алоқадорликда қаралади.
3.	Таркибий ёндашув	• банк тизимини таркибий қисмларга бўлиб ўрганилади.
4.	Вазиятли ёндашув	• банк тизимининг муайян шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб тегишли маъқул усул қўлланилади.
5.	Интеграцион ёндашув	• банк тизими юқоридаги усуллар (вазиятли, комплексли, таркибий ёндашувлар)ни биргаликда қўллаш ёрдамида таҳлил қилинади.
6.	Моделлаштириш усули	• банк тизимини таҳлил қилиш учун турли чизмалар, моделлар, хомаки материаллар тайёрланади.
7.	Иқтисодий математик ёндашув	• мақбул қарор қабул қилиш мақсадида математик услублар кенг қўлланилади.
8.	Кузатиш усули	• банк тизими тўғрисидаги маълумотлар режали, илмий, уюштирилган асосда тўпланилади.
9.	Тажриба усули	• таҳлил жараёнида банк тизимига нисбатан намунавий тажрибадан ўтган усуллар қўлланилади.
10.	Социологик кузатув усули	• турли анкетали сўровлар, суҳбатлар, тестлар, инфратузилмавий таҳлиллар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида банкка қуйидагича таъриф берилган:

«Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш;
- қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш;

- инвестициялаш учун фойдаланиш;
- шўловларни амалга ошириш¹.

Деяк, банк – бу пул маблағларини ўзида мужассамлаштирувчи ва жамъарувчи, кредит берувчи, пул ҳисобини олиб борувчи, пул ва кимматли қоғозларни эмиссия қилувчи, олтин ва чет эл валюталари билан операцияларни бажарувчи йирик муассасадир.

Кўпгина молия институтлари, шу жумладан, кимматли қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи дилерлар, брокер фирмалари, сугурта компаниялари кўпроқ ўзларининг кўрсатган хизматлари билан банкларга тенглашишга ва банкка хос ишлар билан шуғулланишга ҳаракат қиладилар.

Амал шундай молия институтлари ўзларини нобанк кредит ташкилотлари деб атайдилар (3-жадвал).

3-жадвал.

Нобанк кредит ташкилотлари (асосий муассасалар)

т/р	Нобанк кредит ташкилотлари	Машғулот
1.	Ипотека компаниялари	• тижорат мақсадида фойдаланиладиган бино ёки яшаш уйларида самарали фойдаланиш учун қисқа муддатли кредит бериш билан шуғулланадилар
2.	Факторинг компаниялар	• вақтинчалик молиялашни таъминлаш мақсадида (асосан дебиторлар счётидан) корхоналардан қисқа муддатли активларни сотиб оладилар
3.	Траст компаниялар	• корхона, хусусий шахслар ва зарар билан ишлайдиган ташкилотлар мулкларини бошқаради ва уларни химоя қилади. Мижозларнинг кимматли қоғозларини хусусий инвесторларга жойлаштирадилар
4.	Маълумотларни қайта ишлаш компаниялари	• маълумотларни компьютерда ишлаб, уларни узатиш билан шуғулланишади
5.	Сугурта компаниялари	• соғлиқни ва кишилар ҳаётини турли хавфлар ва бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш билан шуғулланади. Шу билан бир қаторда улар билан боғлиқ бўлган кредитларни берадилар

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 3-бет, Тошкент, “Адолат”, 2003 й.

6.	Қимматли қоғозлар савдоси билан шуғулланувчи брокерлик фирмалари	<ul style="list-style-type: none"> • опцион шартномалари, валютали молиявий фьючерслар, муомаладаги қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси бўйича миқозларнинг буйруқларини бажарадилар
7.	Молиявий масалалар бўйича маслаҳат берувчи фирмалар	<ul style="list-style-type: none"> • активларни бошқариш ва инвестиция масалалари бўйича миқозларга маслаҳат берадилар
8.	Қимматли қоғозларни тарқатиш билан шуғулланувчи фирмалар	<ul style="list-style-type: none"> • давлат ва муниципал заёмларни, корпорациялар акцияларини, қимматли қоғозларни, корпорацияларнинг қарз мажбуриятларини, миқозлар счётлари билан таъминланган қимматли қоғозларни сотиб олади, шунингдек, юқорида қайд қилинган қимматли қоғозларни инвесторларга такрорий сотишни таклиф қиладилар
9.	Молиявий компаниялар	<ul style="list-style-type: none"> • корхоналар ва хусусий шахсларга қисқа ва узок муддатли капитал миқдорларини аниқлаш билан шуғулланадилар
10.	Кредит қарточкалари билан шуғулланувчи компаниялар	<ul style="list-style-type: none"> • чакана савдо корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва хусусий шахсларга қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланадилар
11.	Лизинг компаниялари	<ul style="list-style-type: none"> • активларни сотиб олади ва муҳтож корхоналарга, хусусий шахсларга уларни ижарага беради
12.	Сугурта агентликлари	<ul style="list-style-type: none"> • кредит ёки молиявий хизматлар билан боғлиқ бўлган сугурта полисларини сотадилар ёки тала-тўқис брокерлик ва сугуртавий хизматларни бажарадилар
13.	Кўчмас мулк операциялари билан боғлиқ хизматларни бажарувчи фирмалар	<ul style="list-style-type: none"> • кўчмас мулкни баҳолаш ва улар билан боғлиқ бўлган тижорат лойиҳаларини молиялаштириш билан шуғулланадилар
14.	Ломбардлар	<ul style="list-style-type: none"> • Қимматбаҳо буюмлар гаровига кредит берадилар
15.	Кредит уюшмалари	<ul style="list-style-type: none"> • Омонатлар қабул қиладди ва кредит ажратади
16.	Микрокредит ташкилотлари	<ul style="list-style-type: none"> • Микрокредитлар ажратади
17.	Омонат, ссуда бериш билан шуғулланувчи ассоциациялар	<ul style="list-style-type: none"> • асосан хусусий шахслар ва оилаларга омонат депозитларга жамғариладиган маблағлар режаларини, шунингдек, уй-жой қуриш учун кредит таклиф қиладилар

80-йилларда қимматли қоғозлар олди-сотдиси ва брокерлик билан кенг фаолият бошлаган «Мерил Линч» ва «Дрейфус корпорейшн» фирмалари банк бўлмаган банкларга мисол бўла олади.

[4]. Товар-пул муносабатларининг вужудга келиши ва уларнинг ривожланиб бориши банкларнинг пайдо бўлишига асос солди. Ўрта асрларда банклар дастлаб пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида қарз сўраган субъектларга вақтинчалик фойдаланишга берган. Бу ҳол пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишга олиб келган.

Дастлаб, жиробанклар номи билан XVI асрларда (аниқроғи 1587 йилда) Флоренция ва Венецияда кичик банклар вужудга кела бошлаган. Улар турли шаҳарлар ва мамлакатларнинг пул белгиларини алмаштиришга ихтисослашган бўладилар. Кейинчалик шундай банклар Амстердамда (1605 й), Гамбургда (1618 й), Миланда, Нюрнбергда, Генуяда вужудга келган. Бу банклар асосан ўз миқозлари савдогарларга хизмат қилган. Улар асосан ўз миқозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни нақд пулсиз амалга оширишган.

Тарихда биринчи йирик банк 1694 йилда Англияда ташкил этилиб, унга давлат номидан банкнотлар чиқаришга рухсат берилган. У банк акциядор-эмиссион банк ҳисобланган. Кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, хусусан, саноатнинг ривожланиши натижасида банклар бошқа мамлакатларда ҳам ташкил қилина бошланади.

Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши, савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ёлланма меҳнатни борган сари кўп жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун ҳақнинг пул шаклида тўланиши донимий пул айланишини юзага келтиради. Пул айланиши эса муайян бошқарувни талаб қилди. Бу вазифани банклар бажара бошлади.

Шундай қилиб, банклар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орақали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади.


XX асрнинг бошларида йирик Европа мамлакатларида ўзининг кўп филиалларига эга бўлган, йирик саноат монополиялари билан узвий боғлиқ фаолият кўрсатаётган банклар вужудга келди. Булар жумласига халқаро пул, ҳисоб ва кредит муносабатларини олиб боровчи куйидаги халқаро банкларни киритиш мумкин:

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки;

- Халқаро валюта фонди;
- Халқаро Молия корпорацияси;
- Халқаро ҳисоб-китоблар банки;
- Европа инвестиция банки ва бошқалар.

Хорижий банклар тўлиқ ёки қисман чет эл инвестицияларига тегишли бўлган банклар бўлиб, улар ўз фаолиятини маҳаллий қонунлар доирасида олиб боради. Ҳозирги вақтда бундай банклар йирик банкларнинг шўъбалари сифатида фаолият кўрсатади.

Энг юқори даражада ривожланган банк тизимидан бири Германияда шаклланган (1-чизма).



1-чизма. Германия банк тизими.

[5]. Маълумки, мустақилликка эришилгунга қадар Ўзбекистон ҳудудидаги банк муассасалари собиқ Иттифоқ банк тизимининг таркибий қисмига кирар эди. Улар «Иттифоқ» банк тизими доирасидан ташқарида фаолият кўрсата олмасдилар. Банк тизими 3 турдаги банклардан ташкил топган эди (2-чизма).



2-чизма. Собиқ Иттифоқдаги банк тизими.


Собиқ Иттифоқ банк тизимида Давлат банки монопол мавқега эга бўлиб, ўз вақтида эмиссия институти, қисқа муддатли кредитлаштириш ва хўжаликларга ҳисоб-китоб операциялари бўйича хизмат кўрсатувчи марказ ҳисобланарди. Ҳам эмиссия, ҳам ҳисоб-китоблар, ҳам кредитлар бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш функцияларининг бир жойда монополлашуви Давлат банкни бошқарув ва назорат органига айлантирган эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши иқтисодий мустақиллик сари қўйилган илк қадам бўлди. Мустақил ёш давлатининг сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири банк тизimini ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида 1991 йилда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бозор шароитларига мос банклар институтини вужудга келтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур қонунга мувофиқ СССР давлат банкнинг ҳудудий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкга айлантирилди ва у бевосита давлат бошчилигида банк тизимини ислоҳ қилишни бошлади. Жуда қисқа муддат ичида республикамизда икки поғонали банк тизими вужудга келтирилди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошчилигидаги икки босқичли банк тизимини ташкил қилиш республиканинг иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш эҳ-

тиёжларига мос келади»,¹ яъни икки поғонали банк тизимининг юқори поғонасининг бош мақсади миллий валюта – сўмнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлган Марказий банк, қуйи поғонасини эса бевосита mijozлар билан ишловчи тижорат банклари ташкил этади (3-чизма).



3-чизма. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ихтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. «Ўзбекистон», 1999 й.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда банк тизими икки поғонали бўлиб, биринчи поғонада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг марказий аппарати ва вилоятлари бўйича Марказий банк бош бошқармалари турса, иккинчи поғонада тижорат банклари, уларнинг шўьбалари, чет эл банклари шўьбалари туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектлари ҳисобланади ва улар таркибига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобеъ бўлган муассасалар;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки;
- «Асака» ихтисослаштирилган давлат-акционер-тижорат банки;
- Республика акционер-тижорат Саноатқурилиш банки;
- Республика акционер-тижорат Пахта банки;
- Республика акционер-тижорат Микрокредит банки;
- Республика акционер-тижорат Мевасабзавот банки;
- хусусий банклар.
- бошқа банклар.

1.2. Банкнинг вазифалари

[6]. Кўпчиликнинг тасавурида банкнинг иқтисодиётда тутган ўрни фақатгина омонатларга маблағларни жалб қилиш ва кредитлар беришдан иборат. Лекин замонавий банклар ўзларининг рақобатбардошлигини сақлаш ва жамиятнинг талабларини қондириш мақсадида янги вазифалар бажаришни ҳам ўрганиши лозим. Бугунги кунда бу вазифалар қуйидагилардан иборат (4-жадвалга қаранг).

[7]. Банк ўз фаолияти жараёнида қуйидаги хизматларни кўрсади:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- омонатларни жалб қилиш;
- ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш, сотиш ва айирбошлаш;

Банкнинг ҳозирги замон вазифалари

т/р	Банкларнинг роли	Изоҳ
1.	Воситачилик роли	<ul style="list-style-type: none"> • жисмоний шахслардан қабул қилиб олган маблағларни янги бинолар, асбоб ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига инвестиция қилиш мақсадида кредит оладиган фирма ва корхоналар ўртасида воситачи вазифасини бажаради.
2.	Тўловларни амалга оширишда иштирокчилик роли	<ul style="list-style-type: none"> • товарлар, қимматли қоғозлар ва кўрсатилган хизматлар учун талабномалар, мажбуриятлар ва чекларни клиринг асосида ўзаро суриштиришга асосланган электрон тўловлар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб боради.
3.	Кафолатчилик роли	<ul style="list-style-type: none"> • банк кафолатчи сифатида товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлашга имконияти етмаётган банк мижозлари қарзларини аккредитив очиш йўли билан ёки факторинг операциялари орқали тўлайди.
4.	Агентлик (даллолик) роли	<ul style="list-style-type: none"> • банк мижозлар мулкани бошқариш ва ҳимоя қилиш, мижознинг топшириғига биноан унинг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш каби юмушларни бажаришда агентлик вазифасини ўтайди.
5.	Сиёсий роли	<ul style="list-style-type: none"> • ижтимоий мақсадларни ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишини кўзлаб давлат томонидан юритилаётган сиёсат тарғиботчиси вазифасини бажаради.

- пул маблаглари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини ишқассо қилиш;
- учинчи шахс номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахс номидан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- Қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобни юритиш ва сақлаш, уларни бошқариш ва бошқа операцияларни бажариш;
- давлат фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни кредит билан таъминлаш;
- траст хизматлари - ишонч қоғозлар орқали мижозлар активларини бошқариш;
- факторинг хизматларни амалга ошириш;
- молиявий лизингни бажариш;
- истеъмол кредитини бериш;
- молиявий маслаҳат ва ахборот хизматларини бажариш;
- нақд пул маблагларини бошқариш;
- юқори таваккалчиликка эга кредитлар бериш;
- сугурта хизматларини сотиш;
- қимматликлар билан бўладиган операцияларда брокерлик хизматларини амалга ошириш;
- инвестиция ва бошқа хизматларни адо этиш.

[8]. Барча замонавий банклар муомаладаги вақтинча бўш турган пул маблагларини тўплайдилар ва кредит берадилар.

Ҳозирги вақтда барча ривожланган йирик давлатларда товарлар ва хизматлар учун олинадиган ҳақ асосан чек кўринишида бўлади.

Чек ҳужжатларининг икки тури мавжуд:

Биринчидан, мижозга кредит берилганда, у оддий векселга имзо қўяди ва ўз ўрнида банк унга талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очади. Қарздорнинг оддий вексели пул ҳисобланмайди, ундан товарлар ва хизматлар учун тўлов сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Лекин банкнинг депозити пул ҳисобланиб, ундан мижоз хоҳлаган вақтда хоҳлаганча сарф қилиши мумкин. Шундай қилиб, банк қарз бериб, ўз мижозига депозит очади ва мижоз ундан эркин фойдалана олади.

Иккинчидан, банк тизимидаги барча банклар мижозларга кредитлар бериб, пул ишлайдилар. Бу кредитлар бошқа банкларга депозит маблаг бўлиб тушади. Амалдаги қонунийликларга кўра, банклар

қилган депозитларини кафолатлаш учун захиралар фондини ташкил қилади. Шундай қилиб, ҳар бир жалб қилинган депозит қўйилмаси захиралар ҳажмининг ортиб боришини таъминлайди ва бу маблағлар кредит сифатида ишлатилиши мумкин. Кредитлар бошқа банкларга депозит кўринишида оқиб ўтади ва янгидан кредитлар бериш имконияти юзага келади. Охир-оқибатда, банкларнинг кредит бериш вазифасига асосан, уларнинг депозит ҳисобварақларида турган пул маблағлари мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Банкларнинг пул ишлаш қобилиятига эга эканлиги улар фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиб турилишининг асосий сабабидир.

Банкларнинг ўзаро кредит олишларидан мақсад ўз ресурсларини ошириш улар ҳисобидан кредитлар бериш ҳамда қўшимча даромад олишдан иборат.

[9]. Банклар фаолиятидаги хизмат турларининг ортиб бориши ва кенгайиши яқин келажакда уларнинг ҳозирги банкларга қараганда бутунлай ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин. Бу ўзгаришларнинг содир бўлишига қуйидагилар таъсир кўрсатмоқда:

1. Хизмат турлари ва уларнинг сифатларига бўлган талабнинг ортиши. Баъзи бир замонавий банклар суғурта компаниялари фаолиятида иштирок этиш, суғурта савдосида брокерлик қилиш, лойиҳаларни инвестициялаш, қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларда брокерлик қилиш, молиявий режалаштириш, солиқ тизимига, хусусий шахсларга маслаҳатлар хизматини таклиф қилмоқдалар.

2. Рақобатнинг ўсиши. Банклар ва банкдан бошқа молия институтларида хизмат турларининг кенгайтириши натижасида улар ўртасидаги рақобат кучаяди. Бу рақобат келажакда банкларда хизмат турларини янада кенгайтирилишига олиб келади.

3. Технология соҳасидаги ўзгаришлар, яъни тўловларнинг янги интеграциялашган воситаларини юқори суръатлар билан шакллантирадиган банк операцияларини компьютерлаштиришнинг технологик инқилоби.

4. Банкларнинг хизмат кўрсатиш доираси ва унинг ҳудудий жиҳатдан кенгайиши.

5. Банкротлик (инқироз) хавфининг ортиши ва депозитларнинг, сугурта тизимининг кучсизланиши, ўсиб бораётган рақобат банкларнинг синишига олиб келади, бу эса сармоялар бозорида ва инвестициялар соҳасида янги шароитларни вужудга келтиради.

Мамлакат иктисодиётининг барқарор ривожланиши учун бан­лар самарали фаолият кўрсатишлари лозим. Чунки улар давлат кор­хоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар, хусусий шахсларни молиялаштирадилар ва давлатнинг пул-кредит сиёсати амалга оширилишини таъминлайдилар.

Бу ўринда, банкларнинг самарали фаолият кўрсатишларида банк бошқарувчиларининг тутган ўрни жуда катта эканлигини эсдан чи­қармаслик лозим. Банк бошқарувчилари қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:


- профессионализм, ишга ижодий ёндашиш, қатъийлик, ўзига ишонч ва ишга фидойилик;
- янгича фикрлаш, топқирлик, ташаббускорлик ва гоёларни ҳаёт­га татбиқ эта олиш қобилияти;
- одамларга руҳий таъсир кўрсата олиш салоҳияти;
- чиқишимли бўлиш ва ютуқни ҳисоб қилиш;
- ҳиссиётга берилмаслик ва руҳий зарбаларга чидаш;
- очиқ кўнгиллилик, тadbиркорлик ва юз бераётган ўзгаришлар­га осон мослашиш;
- вазиятни бошқара олиш ва корпоратив тузилмаларда шахсга хос гайрат-шижоат кўрсатиш;
- ўзини-ўзи ўстиришга ва ўзини сафарбар этишга ички эҳтиёж сезиш;
- сергайрат ва бардошли бўлиш;
- ўзини муваффақиятли ҳимоя қилишга мойиллик ва самарали ҳужумга ўта олиш;
- ўз иши ва қабул қилинган қарорлари учун масъулиятни ҳис қилиш;
- жамоада ва жамоа билан ишлашга ўзида эҳтиёж сезиш.

Бошқарувчи кенг билим соҳиби бўлиши, янгича фикр юрита олиши, уни қўллаб-қувватлаши ва психологик қобилиятга эга бўли­ши, оқилона иш юритиши, керак бўлганда, таваккалига иш кўра олиши лозим. Бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тузатишлар кири­тиш, маркетинг тадқиқотларини амалга ошира олиш, бозорталаб эҳтиёжларни олдиндан кўра билиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, ахборот ва умумий ахборот потенциали, вақт ва ходимлардан моҳирона фойдаланиб, уларнинг кўнгилдагини очиқ айтишга, гуруҳлар мунозарасини самарали ўтказишга рағбатланти­риш, қисқаси, моҳир етакчи бўлиш орқали юксак натижаларга эри­шишни таъминлашга ҳаракат қилиши лозим.

1.3. Банк фаолиятини ташкил қилиш ва банк таркиби

[10]. Банкларнинг бажарадиган вазифалари ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми уларнинг катта-кичиклигига, устав капиталининг ҳажмига ва ихтисослашувига боғлиқ. Улар уч хил бўлади: майда, ўрта ва йирик банклар (устав капиталининг ҳажмига қараб бўлиши мумкин).

Кичик ва ўрта банклар асосан майда ва ўрта ҳажмдаги хўжалик субъектларига хизмат кўрсатиб, бу банкларнинг асосий вазифаси хусусий шахслардан маблағларни депозитларга қабул қилиб олиш, майда корхоналарга турли кредитлар беришдан иборат. Бундай банклар кўп ҳолларда қуйидаги ташкилий чизмага эга (4-чизма).



4-чизма. Кичик ва ўрта банкларнинг ташкилий чизмаси.

Кичик ва ўрта банклар фаолиятини директорлар Кенгаши назорат қилади ва банк раҳбари мунтазам равишда уларнинг олдида ҳисобот бериб боради. Майда ва ўрта банклар фаолиятининг яхши-ёмон бўлиши уни оқилона бошқариш билан бирга улар жойлашган ҳудудга ҳамда миқозлар сифатига боғлиқ. Бундай банклар асосан жу-

да юкори бўлмаган таваккалчилик билан ишлайдилар.

Йирик банкларнинг тузилиши майда банклар тузилишидан уму-ман фарқ қилади (5 - чизма).

Улар одатда банк-холдинг компанияларига, яъни бир нечта йирик банклар ва молия институтлари уюшмасига бўйсунди. Уларнинг акциядорлари кузатув Кенгашини сайлайдилар ва бу Кенгаш банк-холдинг компанияларига қарашли молия институтлари устидан назорат олиб боради. Банк-холдинг компанияси Кенгашининг бир нечта аъзолари бу компанияга қарашли банклар Кенгашларининг аъзолари ҳам бўлиши мумкин.

Йирик банкларнинг энг катта муаммоси - бошқариш муаммоси-дир: раҳбарият ўзининг банки фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлади, лекин бўлимлар фаолиятлари билан яхши таниш бўлмай-дилар. Банк хизматлари кенг камровли бўлганлиги туфайли мавжуд жиддий муаммолар ҳафталар, ҳатто ойлар давомида сезилмаслиги мумкин. Йирик банкларнинг майда банклардан устунлиги шундаки, улар турли ва кўп сонли мижозларга, бозорларга хизмат қиладилар.

[11]. «Холдинг» сўзи (инглиз тилида “holding”) «эгаллик қилиш» маъносини англатади. Холдинг компаниялари турли молиявий субъектларни бирлаштириш мақсадида тузилади. Ушбу субъектларни бошқариш ҳуқуқини олиш, шу субъектлар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш орқали амалга оширилади.

Банк холдингининг икки тури бор: **соф холдинг** – фақат махсус назорат ва бошқарув мақсадларида тузилади; **аралаш холдинг** – назорат ва бошқарув вазифалари билан бирга саноат, савдо, транспорт, кредит-молия ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади.

[12]. Амалдаги қонунчиликка асосан, таъсисчилар янги банк очиш учун Марказий банкдан дастлабки рухсатномани олганларидан кейин таъсис шартномасини тасдиқлайдилар. Шундан сўнг, бир ой муддат ичида банк очишга рухсат сўраб, Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар тўпланини тақдим қиладилар:

- муассислар томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган уч нусхадаги таъсис шартномаси (асли ва икки нусхаси). Муассислар имзоси ва таъсис шартномаси нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши лозим;

- муассислар мажлисида тасдиқланиб, улар томонидан имзоланган банк Устави уч нусхада;

- банкни ташкил этиш тўғрисида, Устав сармоясини ҳажми ҳақи-

да, банк Уставни тасдиқлаш ҳақида ҳамда банк Кенгаши, тафтиш комиссияси ва банк Бошқарувини сайлаш тўғрисидаги қарор қайд этилган муассислар мажлиси баённомаси. Бу ҳужжат нусхалари банк Кенгаши раиси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Муассислар ҳақида қуйидаги маълумотлар келтиради:

- муассислар рўйхати; уларнинг тўлиқ номи, манзили, телефон рақами, тўлов реквизитлари, устав капиталига улуши, шу жумладан, фоиз ҳисобида.

Банкии ташкил қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг 5 фоизига эга муассислардан қуйидаги маълумотлар талаб қилинади:

- **жисмоний шахслар бўйича:** мутахассислиги ва касби тўғрисида тўлиқ ахборот, шу жумладан, яшаш жойи, телефон рақами, мазкур вақтгача ишлаган ёки акциядор бўлган корхона ва муассасалар номи, сўнгги икки йил учун солиқ декларацияси (жисмоний шахс – резидентлар бундан мустасно), шахсий баланс қайдномаси;

- **юримдик шахслар бўйича:** номи, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат, манзили, телефон рақами, тўлов реквизитлари, агар ўз акциясига эга бўлса, уларнинг сони, шунингдек, фоиз ҳисобида, солиқ назорати ва аудитор фирмаси томонидан тасдиқланган сўнгги икки йиллик баланс ҳисоботи.

Янги ташкил этилаётган банк Кенгаши аъзолари, унинг раиси ва ўринбосарларининг исми-шарифлари, яшаш жойлари, эгаллайдиган лавозимлари Марказий банк томонидан қўйиладиган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар битилган рўйхат.

Банк очиш учун амалдаги қонунчиликка биноан бизнес-режа, молиявий режа тузилган, сармоянинг таркиби таҳлил қилинган, тегишли банк бинолари ва усқуналари мавжуд бўлиши лозим. Қабул қилинган қарорлар, қонун ва банк фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органлар ҳамда банк хизматидан фойдаланувчи барча субъектлар талабларига жавоб бериши лозим.

[13]. 1995 йилнинг июль ойида давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизнинг деярли барча банкларини бирлаштирган Ўзбекистон банклари Уюшмаси дунёга келди. Республика ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган банк тизмини ривожлантиришнинг Комплекс дастури эндигина дунёга келган мазкур ташкилотнинг бош ҳужжатида айланди.



5-чизма. Йирик банкларнинг ташкилий тузилиши.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон банклари ассоциацияси олдида турган ва яқин йилларга мўлжалланган вазифалар, яъни:

- ривожланган банк инфратузилмасини яратиш;
- қулай инвестиция муҳитини шакллантириш;
- миллий банк тизимини жаҳон банклари ҳамжамиятига интеграциялаштириш кабилар ўз аксини топди.

Республика ҳукуматининг улкан ғамхўрлиги туфайли Комплекс дастурни амалга оширишнинг ишончли механизми яратилди.

Чунончи, республикадаги барча банклар 2 йил муддатга солиқлардан озод этилди, ундан бўшаган маблағлар эса Уюшма орқали дастурни молиялаш ва бевосита банкларнинг мустақил оёққа туриб олиши учун сарфланди. МДХ ҳудудидаги биронта ҳам давлатда, Ўзбекистондагидай, банк тизими ривожини учун бу қадар қулай шарт-шароитлар яратилган эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон банклари Уюшмаси ўз бағрида 24 та тижорат банкини бирлаштирган демократик тузилма бўлиб, мавжуд банклар манфаатларининг ўзаро мутаносиблигини ва давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг устуворлигини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишидир.

Ўзбекистон банклари Уюшмаси ўтган давр мобайнида ўз зиммасига қўйилган вазифаларни бажара бориб, мамлакатимизда биринчи марта молиявий хизматнинг тўла мажмуини кўрсатишга қодир ва халқаро андозаларга мос келадиган қуйидаги 12 та компанияни ташкил этди:

- «Омонат-молия» сугурта жамғармаси (1998 йил)
- «Ишонч» сугурта компанияси (1996 йил)
- «Барака» лизинг компанияси (1996 йил)
- «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси (1997 йил)
- «Ўзкейссервис» қўшма корхонаси (1997 йил)
- «Инвест-траст» компанияси (1996 йил)
- «Ахбор-рейтинг» рейтинг компанияси (1996 йил)
- «Ҳамроҳ-лойиҳа-инвест» инжиниринг – консалтинг компанияси (1996 йил)
- «Пластик-карт» инновация компанияси (1996 йил)
- «Молия-ҳуқуқ-хизмат» ҳуқуқий хизмат маркази (1996 йил)

Ўз Устав жамғармасининг ҳажмига кўра, бу компаниялар марказий Осиёдаги энг йирик нодавлат тузилмалари ҳисобланади.

Ўзбекистон банклари Уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- хўжаликларнинг устувор тармоқларини ривожлантириш динамикасини бошқаришга қўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикаси банк ишини ривожлантиришда, ҳокимият органлари ва бошқармалар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан иқтисодийни, пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган тадбирларда ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

- банк тизимида хизмат қилувчи инфратузилмани ривожлантириш;

- чет эл ва мамлакат тажрибасини ўрганиш асосида иқтисодий ислохотлар шароитида банклар ишини ташкил этишда ёрдам бериш;

- банк ишида халқаро андозаларни жорий этиш;

- йирик дастурларни бажаришда, банклар ресурсини таъминлашда банкларга қўмаклашиш;

- банк мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- ўзаро ишончни, банклар обрўсини, уларнинг раҳбарлари ва мутахассислари билан алоқасини, ишончлилиқ ва ҳалолликни, ўзаро ва миқозлар ўртасидаги муносабатларни, амалий шерикчиликни қўллаб-қувватлаш;

- банкларнинг халқаро ҳамкорлигини рағбатлантириш, халқаро молия институтлари, чет эл банклари, уларнинг иттифоқи ва бирлашмалари билан амалий алоқаларни ривожлантириш;

- ҳокимият, қонунчилик ва ижроия органларида, Марказий банкда, ҳуқуқни муҳофаза этиш ва молия органларида банклар тутган йўлни ифодалаш ва банклар амалий манфаатини ҳимоя қилиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш учун Уюшма:

- қонунчилик ва ижроия органлари томонидан банк тизимини ривожлантиришга қўмаклашувчи, уларнинг ишончлилиги ва мустақиллигини мустаҳкамловчи ҳужжатлар қабул қилиниши юзасидан тақлифлар киритади, банкларни уларнинг кундалиқ фаолиятини маъмурият ва назорат органларининг аралашувидан сақлайди;

- ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси банклари билан мувофиқлаштиради;

- ҳокимият органлари ва бошқармалар билан алоқа ўрнатади;

- пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича банклар ва бошқа кредит муассасалари фаолияти устидан назоратни такомиллаштиришга, пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган, кредит бозори ва банкларга нисбатан оқилона солиқ сиёсатини қўллаш бўйича тақлифлар киритади;

- иқтисодий, банк иши, кредит ва қимматли қоғозлар бозори-

ни ривожлантириш йўлида фаолият кўрсатади;

- банкларни тезкор, илмий-услубий ахборотлар билан таъминлайди;
- турли конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва кўрган-малар ташкил этади;
- халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва уларнинг бирлашмалари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- ташқи иқтисодий фаолият олиб боради ва бошқалар.

Тижорат банклари, қўшма, чет эл, инвестицион ва бошқа банк муассасалари, шунингдек, банк тизимига хизмат қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар Уюшма аъзолари бўлишлари мумкин.

Уюшманинг юқори бошқарув органи -- қатнашчилар курултойи ҳисобланади. Қатнашчилар курултойи уч йилда бир марта чакирилади. Кенгашга уч йил муддатга сайланадиган раис бошчилик қилади.

Уюшма фаолияти қатнашчилар курултойи қарори ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа асослар бўйича тўхтатилади.

[14]. Банклар ўзининг таркибий тузилиши хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги лавозимлар бўйича ходимларга эга бўлишлари мумкин:

- кредит мутахассиси;
- кредит тахлили бўйича мутахассис;
- кредитларни тўлаш (узиш) режаси билан шуғулланувчи мутахассис;
- банкнинг операцион фаолиятини бошқарувчи;
- бўлим бошлиғи;
- банк ахборот технологияси, яъни компьютерлар тахлили бўйича мутахассис;
- аудит ва назорат бўйича мутахассис;
- молиявий таҳлил мутахассиси;
- траст операциялари мутахассиси;
- банкнинг хусусий шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислари;
- хазиначилар;
- қимматли қоғозлар ва улар савдоси тахлили билан шуғулланувчилар;
- узоқ муддатли режалаштириш билан шуғулланувчилар;
- маркетинг бўйича мутахассис;
- кадрлар бошқарувчиси;
- халқаро молия ва бизнес масалалари бўйича мутахассис;

- хорижий валюта савдоси бўйича мутахассис;
- банк инвестициялари бўйича мутахассис;
- хавфсизлик бўйича мутахассис;

1.4. Банк иши ва унинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши

[15]. Банклар молия тизимида маблағларни истеъмолчиларнинг талаби, эҳтиёжи ва имкониятига кўра кредитлар бериш билан шуғулланадилар, шунингдек, фаолиятларини тартибга солиб турувчи «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа кўпгина меърий ҳужжатларга бўйсунилари лозим.

Янги ташкил қилинаётган ҳар қандай банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномасиз ўз фаолиятини бошлай олмайди.

Банклар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириб туриш зарурияти куйидагилар билан изоҳланади:

1. Банклар жамоатчилик маблағларининг энг ишончли сакланадиган жойидир. Лекин ўз маблағларини саклаш хоҳишига эга бўлганларнинг кўпчилиги банкнинг ишончлилигини баҳолашда ва молиявий масалаларда етарли маълумотга эга эмаслар. Шу туфайли, банклар фаолиятини мувофиқлаштирувчи органлар банклар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун керакли бўлган барча маълумотларни тўплашга масъулдирлар. Бу билан улар омонатчиларни ҳимоя қилиб, уларнинг моддий зарар кўришларининг олдини оладилар.

2. Давлат томонидан вақти-вақти билан амалга ошириладиган тафтишлар натижасида банк маблағларининг ноқонуний сарф қилиниши, фирибгарлик, қаллоблик, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш ва суниестеъмолликларнинг олдини оладилар.

3. Омонатчилар қўйилмаларининг асосий қисми қисқа муддатли депозитлардан иборат бўлади. Шу билан бирга, банклар йирик ҳажмдаги узоқ муддатли кредит бериш ва маблағларни инвестицияларга йўналтириш билан ҳам шуғулланадилар. Бу ўз навбатида банкларни ўз омонатчилари олдида жуда аянчли аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бу ўринда банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бошқаришни таъминлаш зарурияти юзага келади.

4. Банклар арзон нарҳдаги депозитларни кредитларга йўналтириш билан мамлакат иқтисодиётига жуда катта таъсир кўрсатадилар, чунки жамғарилган пул массалари иқтисодиёт билан чамбар-

час боғланган бўлиб, пул кадрсизланишининг олдини олади ёки унга имконият яратиб беради. Шунинг учун назорат органларининг муомаладаги пул ҳажмини назорат қилиши ўта муҳимдир.

5. Банклар хусусий шахсларнинг истеъмол ва инвестиция эҳтиёжларини қондириш учун маблағларни кредитга берадилар. Банкларнинг бу фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш ва тартибга солишнинг аҳамияти шундаки, хусусий шахслар манфаатлари ҳимоя қилинади ва уларнинг ҳаёт тарзи яхшиланиши учун имконият яратилади. Бизнинг мамлакатда кишиларнинг ёши, жинси, миллатига ва иркига қараб кредит бериш ёки бермасликни ҳал қилиш қаттиқ тақиқланган.

[16]. Нима учун банкларнинг фаолияти давлат томонидан қаттиқ назорат қилинади? Бунинг сабаби шундаки, банклар азалдан халқнинг, аввало, хусусий шахслар ва оилаларнинг маблағлари сақланадиган жойдир. Давлат банклар ишини назорат остига олиб ва тартибга солиш орқали ҳамиша омонатчилар ва кредиторларни молиявий йўқотишдан ҳимоя қилишга ва банкларнинг инқирозга юз тутиши туфайли келиб чиқадиган оқибатлардан сақлашга ҳаракат қилади.

Бир банкнинг инқирозга учраши туфайли ўнлаб ва юзлаб корхоналар, кўп минглаб оддий омонатчилар жуда қийин молиявий аҳволда қолишлари мумкин.

Банкнинг операциялари ва таклиф қилинаётган хизмат турлари, кредитларнинг сифати ва миқдори, банк сармоясининг етарлилиги, миջозларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифати доимо назоратчилар томонидан пухта текширилади.

Банклар кредитлар бериш ёки тўсқинликсиз сарф қилинадиган депозитлар ҳисобига ўз инвестиция фаолиятларини амалга ошириш йўли билан пул ишлаш имкониятига эга бўлганликлари туфайли ҳам қаттиқ назорат остида бўладилар. Ҳосил қилинаётган пул миқдорининг ўзгариши иқтисодиёт ҳолатига таъсир кўрсатади, яъни пул кадрсизланишининг кучайганлиги ёки ортганлиги аниқланади.

Банклар устидан кучли назорат борлигининг яна бир сабаби шуки, улар хусусий шахслар ва фирмаларга кредитлар берадилар ва бу йўл билан истеъмол харажатларини ва инвестиция талабларини қондирадилар.

[17]. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси банклар тизими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон-

ларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларга амал қилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун 1995 йил 21 декабрда, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун эса 1996 йил 25 апрелда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун 9 бобдан ташкил топган бўлиб, 60 та моддадан иборат.

Бу қонунда Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, бош мақсади ва асосий вазибалари, ҳисобдорлиги, мустақиллиги, ташкилий тузилиши, ҳуқуқат органлари билан муносабатлари, молиявий аҳволи, бошқарувнинг ваколатлари, пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари, тижорат банкларини қайта молиявий таъминлаш, валютани тартибга солиш, бажарадиган операциялар, мажбурий захира талаблари, банкларни назорат қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш ваколатлари, тижорат банкларига нисбатан қўллайдиган чора ва санкциялар ва банклар билан ўзаро муносабатлар белгиланган.

Марказий банк меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, бу йўналишда ўз фаолиятини жуда фаоллаштирмоқда. Марказий банк томонидан ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги банклар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар тўплами тайёрланган бўлиб, бу тўплам Республика банкларида банк ҳисобварақларини очиш тартиби, банкларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш, банкларнинг чет эл валюталари билан бажарадиган операциялари, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, факторинг, молиявий лизинг, консалтинг операцияларини амалга ошириш, қимматли қозғалар билан операцияларни бажариш тартиблари ва бошқаларни ўз ичига олади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун 8 бобдан ва 44 моддадан ташкил топган.

Бу қонунда банк фаолиятининг субъектлари ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асоси, банклар операциялари, банкларни ташкил қилиш ва тугатиш, банкларнинг мустақиллиги, давлат ва банкларнинг масъулиятини чегаралаб қўйилиши, уларнинг пул маблағларини захиралаш ва умумий иқтисодий меъёрларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари, банкка алоқадор шахслар билан тузиладиган битимлардаги чегаралар, банкларнинг ҳисобот ва бошқа ахборотларни тақдим этиш мажбуриятлари, банкларнинг ўз миқозлари олдидаги жавоб-

гарлиги, банкларда ҳисоб-китоб ва уларни назорат қилиш тартиблари белгиланган.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга кўра, банклар акциядорлик жамияти тарзида ташкил қилинади. Банк уставида банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва манзили, операциялари рўйхати, бошқарув органлари, уларни ташкил қилиш тартиби, банк аудитини ўтказиш тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

1.5. Таянч иборалар

• банк	• I погонали банк тизими
• банк иши предмети	• II погонали банк тизими
• банкрот	• холдинг
• Нобанк кредит ташкилотлари	• банк-холдинг
• халқаро банклар	• соф холдинг
• тижорат банки	• аралаш холдинг
• хусусий банк	• Чартер
• мини банк	• Банк Ассоциацияси
• йирик банк	

1.6. Тест топшириқлари ва масалалар

1. «Банк иши» фани:

- а) мустақил фан;
- б) мустақил предметиға эга;
- в) мустақил методига эга;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

2. «Банк иши» фани:

- а) банкларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартибини ўрганади;
- б) банкларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганади;
- в) пул тизими ҳамда пул муомаласини ташкил этиш қоидаларини ўрганади;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

3. Банклар ваколатига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- а) эмиссия қилувчи банклар;
- б) йирик банклар;
- в) тармоқлар бўйича банклар;
- г) давлат банклари.

4. Банклар операцияларни бажариш характериға қараб:

- а) тижорат банкларига бўлинади;*
- б) инвестицион банкларға бўлинади;*
- в) универсал банкларға бўлинади;*
- г) тармоқлар бўйича банкларға бўлинади.*

5. Мулк шаклиға қараб банклар:

- а) регионлар бўйича хизмат қилувчи банкларға бўлинади;*
- б) акционер (ҳиссадор) банкларға бўлинади;*
- в) ўрта банкларға бўлинади;*
- г) маҳаллий банкларға бўлинади.*

6. Фаолият микёсига қараб банклар:

- а) хусусий банкларға бўлинади;*
- б) давлат банкларига бўлинади;*
- в) майда банкларға бўлинади;*
- г) тижорат банкларига бўлинади.*

7. Қуйида қайд қилинган усулларнинг қайси бири «Банк иши» фанининг таҳлил усулларидан ҳисобланади:

- а) тизимли ёндашув;*
- б) таркибий ёндашув;*
- в) моделлаштириш усули;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

8. Хизмат қилиш доирасига қараб банклар:

- а) халқаро банкларға бўлинади;*
- б) шўъбаси бор банкларға бўлинади;*
- в) аралаш банкларға бўлинади;*
- г) эмиссия қилувчи банкларға бўлинади.*

9. «Банк» сўзи италянча «Банса» сўзидан олинган бўлиб:

- а) «стол» деган маънони англатади;*
- б) «пулли стол» деган маънони англатади;*
- в) алмаштириш шохобчаси маъносини беради;*
- г) б + в.*

10. Банк - бу:

- а) пул маблағларини ўзида мужассамлаштирувчи ва жамгарувчи йирик муассаса;*

- б) кредит берувчи йирик муассаса;
- в) қимматли қозғалар олди-сотдиси билан шугулланувчи муассасалар;
- г) а + б.

11. Банк - бу:

- а) юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қишувчи юридик шахсдир;
- б) қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит берувчи юридик шахсдир;
- в) тўловларни амалга оширувчи шахсдир;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

12. Қуйида қайд қилинган муассасаларнинг қайси бири иобанк кредит ташкилотлари деб аталади:

- а) ипотека компаниялари;
- б) кредит карточкалари билан шугулланувчи компаниялар;
- в) факторинг компаниялар;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

13. Даствлабки банклар жиробанклар номи билан XVI асрларда (аниқроғи 1587 йилда):

- а) Англияда ташкил топган;
- б) Флоренция ва Венецияда вужудга келган;
- в) Германияда ташкил этилган;
- г) Японияда ташкил топган.

14. Қуйида қайд қилинган банкларнинг қайси бири собик Иттифоқ банк тизимига кирган?

- а) Иттифоқ давлат банки;
- б) Иттифоқ қурилиш банки;
- в) Иттифоқ ташқи иқтисодий алоқалар банки;
- г) а + б + в.

15. Ўзбекистонда банк тизими:

- а) уч погоналидир;
- б) бир погоналидир;
- в) икки погоналидир;
- г) тўрт погоналидир (Республика, вилоят, туман, корхона).

**16. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»
ги Қонун:**

- а) 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган;*
- б) 1994 йил 21 декабрда қабул қилинган;*
- в) 1993 йил 21 декабрда қабул қилинган;*
- г) 1992 йил 21 декабрда қабул қилинган.*

17. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун:

- а) 1995 йил 25 апрелда қабул қилинган;*
- б) 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган;*
- в) 1994 йил 25 апрелда қабул қилинган;*
- г) 1993 йил 25 апрелда қабул қилинган.*

18. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси:

- а) 1992 йил июлда ташкил этилди;*
- б) 1993 йил июлда ташкил этилди;*
- в) 1994 йил июлда ташкил этилди;*
- г) 1995 йил июлда ташкил этилди.*

1.7. Назорат учун саволлар

1. «Банк иши» фани нимани ўрганади?
2. «Банк иши» фани қандай усуллардан фойдаланади?
3. Банк деганда нимани тушунасиз? Нобанк кредит ташкилотлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Банкларнинг ривожланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?
5. Ўзбекистон Республикасида банк тизими қандай ташкил этилган?
6. Банкнинг ҳозирги замон иқтисодиётидаги роли қандай?
7. Банк қандай хизматлар кўрсатади?
8. Нима учун банклар пул ишлайди, қарз олиш билан бирга қарз ҳам беради?
9. Сўнгги йилларда банк ишида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Банк бошқарувчилари ўзларини қандай тутишлари лозим?
10. Янги банк очиш учун нималар талаб қилинади? Чартер нима?
11. Майда ва йирик банк деганда нимани тушунасиз? Улар таркибан бир-биридан нима билан фарқ қилади?
12. «Банк холдинг» компанияси деганда нимани тушунасиз?
13. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?

14. Банкда қандай лавозимлар бор ва уларга қандай эришиш мумкин?

15. Банк фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириб туриш зарурияти нимада?

16. Банк фаолиятидаги қайси жиҳатлар ёки вазифалар давлат назорати остида туради?

17. Банк фаолияти тўғрисида Ўзбекистоннинг қайси қонунларини биласиз?

2-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

2.1. Марказий банк – юридик шахс

[18].

Марказий банкнинг асосий вазифалари

- Монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш.
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш.
- Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, уларга кредит бериш.
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан, келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва та-сарруф этиш.
- Давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан бирга-ликда ташкил этиш.
- Расмий олтин-валюта захираларини сақлаш, пул эмиссиясини амалга ошириш.
- Банк фаолияти билан шуғулланишга лицензия (рухсатнома) бериш. Ҳукуматнинг молиявий агенти вазифасини бажариш.
- Ҳисобга олиш, ҳисобот бериш, ҳисоб-китоб, ссуда ва валюта опера-цияларини амалга оширишнинг ягона қондалари ва. меъёрларини белгилаш
- Ташки иқтисодий фаолият операцияларини амалга ошириши ва ҳ.к.

Марказий банк ягона марказлаштирилган бошқарув тизими сифатида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тегишли хизматлар ва муассасаларни ташкил этади. У Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти, вилоятларнинг марказлари ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бош бошқармаларни тузади. Марказий банкка қарашли хизматлар ва муассасалар Марказий банк бошқаруви тасдиқлайдиган низомлар асосида фаолият кўрсатади. Марказий банк юридик шахс сифатида давлат мулкига асосланган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса сифатида харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан қоплайди. Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа бойликларидан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Марказий банк балансида акс эттирилади.

Марказий банк иқтисодиётни бошқариш ва банк тизимини назорат қилишда муҳим ўрин тутгани сабабли унинг фаолияти бутун дунё амалиётида қўлланиладиган Устав ва мазкур мамлакатда банк

соҳасида амал қилаётган қонун билан тартибга солинади. Ўзбекистонда амал қилаётган бундай қонун 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонундир.¹

Марказий банк ўз фаолияти жараёнида бошқа банкларга ўхшаб фойда олишни мақсад қилиб қўймаган. Шунинг учун ҳам, у молия бозорларида тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари билан рақобат курашини олиб бормади. Унинг бош мақсади мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашдир. Асосий мақсади – ҳўжаликларни узлуксиз тўлов воситалари билан таъминлаш (яъни уларнинг тўлов қобилиятларини етарли даражада бўлишига ёрдам бериш), ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш, бошқа банклар фаолиятини назорат қилишдир. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Марказий банк қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- тижорат банклари захираларини сақлайди;
- банкларга мавсумий молиявий узилишларни қоплашга ва бошқа қисқа муддатли эҳтиёжларига кредит беради;
- мамлакат миқёсида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилади;
- бошқа банклар фаолиятини ўрганеди, таҳлил қилади ва назорат қилади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида тижорат банклари ўзлари жалб қилаётган ресурсларнинг Марказий банк томонидан белгиланган бир қисмини Марказий банкда сақлайдилар. Бу захиралар миқдорининг юқори ва паст чегараларини Марказий банк белгилайди.

Марказий банк тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари учун энг юқори поғонадаги кредит берувчи орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқаради»- дейилган. Шу сабабли у банкларнинг банки деб аталади.

[19]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида Марказий банк ва Давлатнинг муносабатлари ҳақида шундай ёзилган:

«Марказий банк ўз ваколатлари доирасидаги қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир. Давлат Марказий банкининг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юза-

¹ – Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни / «Халқ сўзи». 1996 йил 13 январь.

сидан жавобгар бўлмайди, башарти, булар ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлмасалар ёки конунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса».

Марказий банк мустақил юридик шахс сифатида қуйидаги ваколатларга эга.

Унинг биринчи ва энг асосий ваколоти - бу давлат банк тизимининг маркази бўлиш ҳуқуқига эгалигидир. Бу ваколат доирасида у банк тизими соҳасида Низом, қоида, тартибларни ишлаб чиқиш, яъни банклар ва банкларга қарашли бўлмаган ташкилотлар учун бажарилиши шарт бўлган банк операцияларини амалга ошириш, банкларда ҳисоб-китоб юритиш, бухгалтерлик ва статистик ҳисоботлар тузиш ва тақдим этиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга.

Марказий банк ваколатининг асосий йўналиши унинг пул-кредит соҳасида давлат назоратини амалга оширишини ташкил этишдир. У ўз назоратидаги субъектларнинг оператив хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда банк фаолиятининг конунийлигини назорат қилади.

Марказий банк давлат бошқаруви органи сифатида давлат пул-кредит сиёсатини амалга ошириш бўйича фаолият юритади.

Қайд қилинган ваколатлар доирасида Марказий банк мустақил қарорлар қабул қилади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.

Марказий банк ҳукумат билан муносабатларга киришади ҳамда жаҳон амалиётига мувофиқ унинг банкири, фискал (ҳазина) агенти (вакили) ҳамда ўз ваколатларига кирувчи ҳамма муаммолар юзасидан маслаҳатчиси вазифаларини бажаради, шунингдек, иқтисодий ҳамда молиявий масалалар юзасидан давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маълумотни ҳукуматга тақдим этади. Марказий банкка бундай ваколатларни берилиши икки босқичли банк тизимининг унумли иш юритишини таъминлаш имконини беради.

[20]. Марказий банк кредит тизимида етакчилик ва бошқарувчи, яъни банк тизимини тартибга солиб турувчи вазифасини бажаради. Марказий банк тўғрисидаги конуннинг 3-моддасида таъкидланганидек, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Мазкур мақсад банк олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

Марказий банк мамлакатда муомалага пул белгиларини чиқариш борасида монопол ҳуқуққа эга бўлган органдир ва бу ҳуқуқ банклар фаолияти тўғрисидаги конунда белгилаб қўйилган. Марказий

банк бошқа барча банклар ва кредит муассасалари учун турли қоидалар ва йўриқномалар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг тўлалигича бажарилишини назорат қилади.

Марказий банк ҳукуматнинг бош банкири ва молиявий маслаҳатчиси ҳисобланиб, давлатлараро турли келишувларда барча молиявий ҳамда умумиктисодий масалаларни ҳал қилишда иштирок этади.

[21]. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида таъкидланганидек, куйидаги фаолият турлари Марказий банк учун тақиқланади:

– молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланиш;

– тижорат билан шуғулланиш;

– Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг, шунингдек, Марказий банк фаолиятини юритишни таъминловчи корхоналар ва ташкилотларнинг капиталларида иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахслар капиталида қатнашишга ҳақли эмас.

Булардан ташқари, Марказий банк тижорат банклари билан рақобат қилмаслиги учун унинг функциялари бироз чекланган бўлади, яъни Марказий банк фақат банкларга ва давлатга хизмат қилади.

[22]. Марказий банк хорижий банклар билан ҳамкорлик қилади. Унинг бошқа давлатлар банклари ва кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, банклараро битимларга мувофиқ амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида Марказий банк куйидагиларга (9-модда), яъни:

- бошқа давлатларнинг марказий банклари, халқаро банклар ва Ўзга молия-кредит муассасаларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилишга;
- молиявий операцияларни бажаришга, шу жумладан чет эл ҳукуматлари, чет эл марказий банклари ва пул-кредитни тартибга солиш органларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ташкилотларга банк хизмати кўрсатишга;
- хорижий давлатларда ваколатхоналар очишга;
- Ўзбекистон Республикасида чет эл банкларининг ваколатхоналарини аккредитация қилишга ҳақлидир.

Марказий банк мамлакатнинг иқтисодий, валюта ва бошқа турли манфаатларини таъминлашга кўмаклашган ҳолда:

давлатлараро савдо, тўлов битимларининг шартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

хорижий валютада акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли

қоғозлар (девизлар) сотиб олади, хорижий валютадаги фойда ҳисобидан валюта фондларини ташкил қилади;

бошқа турли тижорат банкларининг ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштиради;

миллий пул бирлиги «сўм»нинг хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилайди, тартибга солади, мустаҳкамлайди ва бу борада турли тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

2.2. Марказий банкни бошқариш

[23]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобот беради ва ўз ваколатлари доирасида қарорларни мустақил қабул қилади. Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув таркиби ўн бир кишидан иборат бўлиб унга Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, банкнинг асосий бўлимлари раҳбарлари киради. Марказий банк Раиси Бошқарувнинг Раиси ҳисобланади. Бошқарув аъзоларини Марказий банк Раисининг тақдимномасига кўра Олий Мажлиснинг Кенгаши тасдиқлайди.

Марказий банк Раиси:

Марказий банк ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлади;

Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қилади;

бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

Олий Мажлисида, ҳукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, халқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарларига, ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади;

Марказий банк Раисининг ваколат муддати беш йил.

[24]. Бошқарув қуйидаги ваколатларга эга:

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумладан, Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг

Марказий банкдаги мажбурий резервлари нормасини белгилайди.

Марказий банкнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал қилади.

Банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналарини, шунингдек, пул белгиларини муомалага чиқариш шартларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди:

Банклар учун иқтисодий нормативларни тасдиқлайди ва уларга риоя этилишини кузатиб боради.

Банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди.

Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди.

Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади.

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди.

Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди.

Марказий банк ходимларини ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, уларнинг кредитлар олиш ва акциялар сотиб олиш тартибини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

Булардан ташқари, Бошқарув Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

Бошқарув ўз мажлисларини ойига камида бир марта ўтказиб туради. Мажлисни Марказий банк Раиси чақиради. Мажлислар, шунингдек, Бошқарувнинг камида учта аъзосининг талабномаси бўйича чақирилиши мумкин. Бошқарув мажлисларига Марказий банк раиси, у бўлмаган пайтларда эса ўринбосарлардан бири раислик қилади.

Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган Бошқарув мажлиси ҳақиқий ҳисобланади. Бошқарув қарорлари қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келган тақдирда Марказий банк раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув мажлислари, одатда, ёпик тарзда ўтади. Бошқарувнинг тўхтаи эса қарор шаклида қабул қилинади.

[25]. Марказий банк Раисининг эгаллаб турган лавозимидан озод этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- ваколат муддати тугаганида;
- истетьфога чиқишни сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;
- жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганда;
- ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хулосаси асосида;
- эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилганида, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунни қўпол равишда бузганида ва Марказий банк манфаатларига катта зарар етказганида.

Булардан ташқари, Марказий банк Раиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин. Раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари эса Марказий банк Раисининг тақдимига кўра Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли кўмита ёки унинг топшириғига асосан аудитор ташкилотлар томонидан текширилиши мумкин.

[26]. Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиниши-ни таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади, тартибга солади ва банклар ўртасида ҳақиқий рақобат тамойилларига амал қилинишига хизмат қилади.

Тижорат банкларнинг ҳақиқий молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг миқдорлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк:

- капиталнинг монандлик коэффициентини;
- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;
- йирик кредит таваккалчилиги ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;
- ликвидлик коэффициентларини;
- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек, бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарз-

ларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;

– қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқиш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни;

– очик валюта мавқеи лимитлари каби меъёрий иқтисодий нормативларни белгилайди ва уларга асосланиб, банклар фаолиятини тартибга солиб туради.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади.

[27]. Марказий банк банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банк, банклар фаолиятини назорат қилиш бўйича қуйидаги ваколатларга эга:

– банкларнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан, операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

– олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

– банклар, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғланган юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш ва тартиббузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

– банкларнинг ички аудити бўйича қўйиладиган талабларни белгилаш;

– банк активларини уларнинг сифатига қараб тасниф қилиш ва активлар бўйича кутилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишни талаб қилиш;

– ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тартибини аниқлаш;

– банкларга уларнинг фаолиятида аниқланган тартиб бузилишларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

– банк акциядорлари банк акцияларининг 20 фоизидан ортигини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ва мавқеи тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

– банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларига нисбатан малака талабларини қўйиш.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Бир ёки ўзаро шартномалар билан боғланган бир неча шахслар,

шунингдек, шўъба ёки бир-бирига қарам бўлган юридик шахслар гуруҳи банк акцияларининг 20 фоиздан ортигини сотиб олиши учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиши талаб қилинади.

Акция сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда Марказий банк банк акцияларининг 20 фоиздан ортиғи харид қилиниши ва сотилишига розилик бермаслик ҳуқуқига эга. Марказий банк илтимоснома олинган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай, ариза берувчига ўз қарори тўғрисида ёзма равишда хабар беради.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, шу жумладан, тартиб ва услубиятларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек, улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

[28]. Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни 6 ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Агар йўл қўйилган тартиббузарликлар ёки банк ўтказаяётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирса, у ҳолда Марказий банк қуйидагиларга ҳақлидир:

- банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоиздан ошмаган суммада жарима ундириш;
- банкдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тadbирларини қўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилиш:
 - банк учун иқтисодий нормативларни 6 ойлик муддатгача ўзгартириш;
 - банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек, филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;
 - банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олиш.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақлари қониқарсиз аҳволда бўлган ҳолларда, Марказий банк банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадни қатъий тартибда ундириб олади, шунингдек, шундай миқдорда жарима солади.

2.3. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш воситалари

[29]. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг IV қисмида қуйидаги моддалар Марказий банкнинг пул-кредит операциялари сифатида қайд этилган:

23-модда. Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари.

24-модда. Пул массаси ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжаллари.

25-модда. Очик бозордаги операциялар.

26-модда. Марказий банкнинг ҳисоб операциялари.

27-модда. Ҳисоб ва кредит операцияларининг фоиз ставкалари.

28-модда. Мажбурий резерв талаблари.

29-модда. Мажбурий резерв талаблари нормасини бажармаганлик учун санкциялар.

30-модда. Марказий банкнинг банкларни қайта молиявий таъминлаши.

31-модда. Марказий банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиши.

Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишида камида ўттиз кун олдин Олий Мажлисга бу ҳақида ахборот беради.

[30]. Монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк қуйидаги асосий йўналишлар доирасидаги операцияларни бажаради. Бу операциялар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истикбол кўрсаткичлари;
- муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегаралари;
- пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан, Марказий банк ички активларининг ўзгариши;
- валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишлари;
- пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичлари.

Монетар сиёсат давлатнинг пул муомаласини тартибга солишдаги ғоят муҳим усулларида бири бўлиб, у пировардида жамиятда макроиқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган. Ўз навбатида, макроиқтисодий барқарорлик кенг қамровли тушунча бўлиб, қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

Макроиктисодий кўрсаткичлар

- нархлар умумий даражаси ва унинг ўсиш ёки камайиш суръатлари;
- халқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш ёки камайиш суръатлари;
- меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлик даражаси;
- тўлов балансининг ҳолати, миллий валютанинг барқарорлиги, унинг кадри даражаси.

Бир-бирига боғлиқ бўлган бундай кўрсаткичлар макроиктисодиётни тартибга солишнинг сеҳрли квадрати деб юритилади.

[31]. Банк тизимининг тараққий этишини ва ўз вазифасини ишончли даражада барқарор бажаришнинг асоси – бу иқтисодиётни пул-кредит воситасида тартибга солишнинг мосланувчан механизмини шакллантиришдир. Бу механизм Марказий банкка:


- хўжалик фаоллигига самарали таъсир кўрсатиш;
- муассасалар фаолиятини назорат қилиш;
- пул муомаласи барқарорлигига эришиш;
- нақд ва нақд пул бўлмаган жами пул массасининг ўзгаришини назорат қилиш;
- ўз фаолиятининг мақсадлари, устувор йўналишларини танлаш;
- пул-кредит сиёсатининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- қўйилган масалаларга эришишнинг муайян усуллари, дастаклари ҳамда воситаларини танлаш имконини беради.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини амалга ошириш жараёнида кредитлар ва пул массаси миқдорларининг зарур даражада кенгайтишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу эса ички нархлар барқарорлигига рия қилган ҳолда ўсиб бораётган иқтисодиётнинг узок муддатли эҳтиёжларига мосдир. Бирмунча қисқа муддатлар учун пул-кредит сиёсати, одатда, номатлуб инфляция ва дефляция жараёнларига қарши туриш мақсадида амалга оширилиши керак.

Пул-кредитни тартибга солишдан асосий мақсад нархлар барқарорлигини таъминлаш, ортиқча харажатларнинг олдини олиш, иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи шароитларни яратиш, номатлуб инфляция ва дефляция жараёнларига қарши тадбирларни ишлаб чиқшдан иборат.

Маълумки, пул массасининг ҳаддан ташқари кўпайиши мамлакатда ишлаб чиқарилган ёки четдан келтирилган товарларга қилинадиган харажатларнинг юқори суръатлар билан ўсишига, ёхуд нарх-навонинг кўтарилишига олиб келади. Мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг чекланган миқдорда тақлиф қилиниши туфайли пул маблағларининг талайгина қисмини четда ишлаб чиқарилган товарларга йўналтирилиши оқибатида тўлов балансида танг ҳолат юз беради.

[32]. Бозор иқтисодиёти шароитида Марказий банк пул-кредит сиёсатини рўёбга чиқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланади (6-чизма).



6-чизма. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини рўёбга чиқариш усуллари.

Маъмурий усулларга Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятига, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига нисбатан белгиладиган бевосита чекловлар (лимитлар) ёки тақиқлар киради. Маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллашда кўпинча қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

- турли тоифадаги қарзларни беришнинг ва кредит ресурсларини жалб қилишнинг энг юқори миқдор (ёки лимит)ларини жорий этиш;
- тижорат банкларининг филиаллари ва бўлимларининг очилишини чеклаш;
- воситачилик ҳақининг, ҳар хил хизматлар кўрсатганлик учун тарифларнинг, фоиз ставкаларининг миқдорларини лимитлаш;
- операцияларнинг, таъминотнинг айрим турларини, шунингдек, баъзи хил операцияларни амалга оширишга рухсат берилган банklar рўйхатини белгилаш.

Бу усуллар ёрдамида банкдан ташқари соҳада вужудга келаётган молиявий шароитлар, яъни фоиз ставкалари ва кредитлар устидан тўғридан-тўғри назорат амалга оширилади.

Иқтисодий усулларга асосан билвосита таъсир кўрсатадиган тадбирлар киради. Бу усуллар кўпроқ, бозор иқтисодиётига хос бў-

либ, бунда ўз-ўзини бошқариш жараёнларининг ривожланиши иккиламчи даражага мансуб ҳар бир кредит муассасаси томонидан микро даражада мустақил пул-кредит сиёсати амалга оширилишини тақозо этади. Бу сиёсатнинг натижалари ва самарадорлиги мазкур кредит муассасасининг банк тизимидаги аҳамиятини белгилаб беради ва рақобатни рағбатлантиради.

Бу усуллар банклар ва банкдан ташқари муассасаларнинг ҳаракатларига фақат бозор кучлари ёрдамида таъсир кўрсатиш йўли билан амал қилади. Ана шу мақсадда Марказий банк ўзининг ваколатларидан муомаладаги пул массаси ҳажмини белгилаш учун фойдаланади ва иқтисодиётга пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгаришига қараб иш тутиш имконини беради.

Маъмурий ва иқтисодий усулларга қуйидагича таърифлар бериш мумкин:

– маъмурий усуллар директив бошқарувчи ва меъёрий қоидалар шаклини олади, иқтисодий усуллар эса бозор механизми орқали билвосита амал қилади:

– маъмурий усуллар тижорат банклар балансининг ўзгаришларига бевосита сабаб бўлади, иқтисодий усулларнинг таъсири эса Марказий банк балансида билвосита акс этади;

– маъмурий усуллар тижорат банклари берадиган кредитларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, иқтисодий усуллар эса банкларнинг кредит имкониятларини камайтириб ёки кўпайтириб, уларнинг ликвидлигига билвосита таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, Марказий банк пул муомаласига икки йўл билан, яъни кредитлар ҳажмларининг ва улар бўйича фоиз ставкаларининг миқдорларини (ёки ўзгаришлар йўлагини) бевосита белгилаш ёки пул бозоридаги талаб билан таклиф шартларини тартибга солиш йўли билан таъсир кўрсатиши мумкин.

[33]. Фоиз ставкалари устидан назорат турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бинобарин, фоиз миқдорини маъмурий тартибда бевосита белгилабгина қолмай, балки банклар учун қайта молиялашнинг тартибга солинадиган **ставкалари** ва қатъий белгиланган **маржаларни** жорий этиш йўли билан ҳам назорат қилинади.

Молиявий муносабатлар соҳасида тижорат банклари билан уларнинг банкдан ташқаридаги мижозлари ўртасидаги депозит ва жамғарма омонатлари бўйича фоиз ставкалари мустақил белгиланади ва Марказий банк томонидан фақат меъёрий қоидалар ёрдамида бевосита назорат қилинади.

Марказий банк ўзининг ҳисоб ва кредит операциялари бўйича ставкаларни мустақил равишда белгилайди. (27-модда)

Пул бозоридаги фоиз ставкалари пул муомаласи тезлигига ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, муомаладаги пул массасининг кўпайиши пулни арзонлаштиради ёки фоиз ставкаларини камайтиради. Аммо фоиз ставкаларининг пасайиши амалда депозит ва кредит бозорларида кўпинча бир хил бўлмайди, яъни:

– банклар депозит ставкалари пасайганда кредит фоиз ставкаларини пасайтирмасликлари мумкин, бунда муомала тезлиги унча ўзгармаслиги ёки умуман ўзгармаслиги мумкин. Бу ҳол кўзланган мақсадларни барқарор қилиб қўяди.

– фоиз ставкалари бир текис пасайиб борганида депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пул маблағлари муомаласи тезлигига таъсири бир-бирини йўққа чиқариб юборади ва пул-кредит сиёсатининг амал қилиши тобора самарадор бўлади.

Пул таклиф қилиш мақсадлари билан фоиз ставкалари ўртасидаги номувофиқлик **мақсадлар дилеммасини** келтириб чиқаради. Бу дилемма раҳбар пул таклиф қилишни ҳамда фоиз ставкаларини бир вақтнинг ўзида барқарорлаштира олмаганида ҳам келиб чиқади.

Қарама-қарши **мақсадлар коллизияси** натижасида анча прагматик, мақсадли ўртача позицияни ишлаб чиқиш мумкин бўладики, бунда фоиз ставкаларига ҳам, шунингдек, пул таклиф қилишга ҳам маълум даражада эътибор берилади. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам очикдан-очик афзал кўрилмайди.

Молия бозорлари етарли ривожланмаган бир шароитда пул-кредит сиёсати воситалари билан фоиз ставкалари ўртасида боғланиш кучсизлиги айниқса аниқ кузатилади. Масалан, 1990-1995 йилларда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида пул-кредит сиёсати пул бозорларида фоизлар ҳосил бўлишига сезиларли таъсир кўрсатгани йўқ. Тижорат банкларини қайта молиялашда марказлаштирилган ва банклараро кредитларнинг устунлик қилиши, захира талаб қилишдаги юқори меъёрлар пул бозорларида фоиз белгилаш шакллантирилишига тўсқинлик қилди.

Молия бозори ривожланмаганлиги натижасида турли фоиз ставкалари ўртасида ўзаро кучсиз боғланиш мавжуд бўлиб турди. Бу ҳол Марказий банкнинг фоиз сиёсатида тўсқинлик қилган ва уни тижорат банклари кредити бўйича фоизлар белгилаш устидан назо-

рат қилишнинг бевосита чораларини қўллашга мажбур қилган эди.

Давлатнинг халқаро сиёсати ҳам фоиз ставкаларига ўз таъсирини кўрсатади. Фоиз ставкаларини **ошириш** мамлакатга чет эл молиявий инвестицияларни кўпайтиради, ички миллий валютага бўлган талабни кучайтиради. Миллий валюта қийматининг ошиши унинг чет эл валюталарига нисбатан курси ошишига, соф экспортнинг пасайишига олиб келади.

Фоиз ставкасининг пасайиши хориждан молиявий капитал киб келишини камайтиради. Бинобарин, миллий валюта курси пасаяди, соф экспорт эса ошиб боради. Шу сабабли, мамлакатда фоиз ставкасининг ўзгариши туфайли келиб чиққан капитал оқимлари мамлакат ичида пул-кредит сиёсатини кучайтиради.

[34]. Кредитнинг энг юқори миқдорий чегарасини белгилаш усули ёрдамида пул-кредит сиёсатини ўтказиш, одатда, иктисодиёт тузилмасини қайта куриш даврида муваффақиятли қўлланилади. Бундай кредит ресурслари биринчи навбатда устувор тармоқларга ажратилади. Бошқа тармоқлар учун чекланган кредитлаш тартиби жорий этилади. Кредитнинг энг кўп миқдорларини белгилаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади.

Биринчидан, иктисодиётнинг фақат устувор соҳаларига кўп миқдорда кредит ажратиш. Бундай кредитлаш танлаб амалга оширилган кредитлаш деб юритилади. Бу кредит қарзларнинг муайян турлари (масалан, истеъмол ва ипотека қарзлари) учун юқори даражани белгилашга асосланган **ижобий назоратга** ва иктисодиётнинг бир қатор устувор соҳалари (масалан, қишлоқ хўжалиги учун) қарзларнинг қуйи миқдорларини белгилашни ўз ичига оладиган **салбий назоратга** бўлинади.

Танлаб амалга ошириладиган **ижобий назорат** банкнинг эҳтиёткорлиги (иктисодиётнинг муайян соҳасига банк қарзларини беришни, уларнинг табақаланиши ва шу тариха кредит таваккалчилигининг қисқаришини рағбатлантириш учун чеклаш) нуқтаи назардан ёки макроиктисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Танлаб амалга ошириладиган **салбий назорат** макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун эмас, балки у микроиктисодий мақсадни, яъни мамлакатнинг иктисодий тараққиёти учун ҳаётий муҳим ва айни пайтда таназзулни бошидан кечираётган секторларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига нисбатан ана шундай усул қўлланилмоқда.

Иккинчидан, банк томонидан бериладиган кредитларнинг умумий суммасига нисбатан жорий этиладиган кредитнинг энг юқори миқдори. Бу миқдор, одатда, айрим банклар учун бир хил бўлмайди ва кўпинча ҳар бир банкнинг узилмаган кредитлар суммасига боғлиқ. Лимитларни белгилаш чоғида мезон сифатида банк сармоясининг миқдоридан ҳам фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, кредит экспансиясининг инфляция оқибатлари (уни молиялаш усули)га боғлиқ эканлигини ҳисобга оладиган кредитнинг юқори миқдорлари. Банклар ўз кредитларини узоқ муддатли қимматли қоғозлар чиқариш ёки узоқ муддатли жамгарма омонатларини жалб қилиш ҳисобига молиялашлари мумкин. Бу ҳол кредитларни жорий омонатлар ҳисобидан молиялашга қараганда инфляцияда камроқ акс этади.


2.4. Марказий банкнинг пул тизими ва пул муомаласини ташкил этишдаги ҳамда валютани тартибга солишдаги роли

[35]. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги қонуннинг 32-моддасида пул тизими тўғрисида куйидагича ёзилган:

«Ўзбекистон Республикасининг пул тизими расмий пул бирлигини, пул муомаласини ташкил этилишини ва уни тартибга солишни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади».

Умуман, пул тизими деганда турли мамлакатларда тарихан ву-жудга келган ва одатда қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган пул муомаласининг ташкилий шакли тушунилади.

Пул тизимини тавсифловчи энг муҳим таркибий қисмлар куйидагилардан иборат:



Муомаладаги пул турларига қараб вақт ўтиши билан пул муомаласининг икки тизими ажралиб чиқади:

- **Металл тангаларнинг муомалада бўлиш тизими.** Бунда пулнинг барча вазифаларини бажарадиган тўлақонли олтин ва кумуш тангалар муомалада бўлади, қоғоз пуллар эса пулларга биринчи талаб биланок металл (танга ва қуйма тарздаги)га айлантирилиши мумкин.

- **Олтинга алмаштирилиши мумкин бўлмаган кредит ва қоғоз пуллар муомаласи тизими.** Бунда олтиннинг ўзи муомаладан чиқариб юборилган бўлади.

[36]. Пул тизими ҳақида гапирилар экан, Томас Грехэм (XVI асрда яшаган англиялик банкир) қонуни ҳақида эслатмасдан кеч илож йўқ. Бу қонунга кўра саноат эндигина пайдо бўлган даврлардаёқ пул «ёмон» ва «яхши» пулларга бўлинган.

Ушбу қонунга мувофиқ «ёмон» пуллар «яхши» пулларни четга суриб чиқаради. Бунинг моҳияти шундаки, «ёмон» пуллар ва расмий белгиланган курсга нисбатан бозор қиймати ошиб борадиган пуллар муомаладан чиқиб кетади. Улар шунчаки хусусий уйларда, банк сейфларида яшириб қўйилади ёки пинхоний (хуфия) иқтисодиётга ўтиб кетади ва шу тариқа муомала муҳитидан четга чиқиб қолади.

XX асрда турли мамлакатларда кундалик пул муомаласидан олтинни четга чиқариб қўйган хилма-хил қоғоз банкнотлар «ёмон» пул ролини ўйнаган.

[37]. Металл пуллар тарихан металл тангалар шаклида икки кўринишда шаклланган (7-чизма).

Монометаллизмда пул метали роли фақат битта қимматбаҳо металлга бириктириб қўйилади. Биметаллизмда эса бу вазифани икки металл (олтин ва кумуш) бажаради.



7-чизма. Металл пуллар тизими.

Қиймати юқорилиги ва ихчамлиги туфайли олтин пул вазифасини бажаришга кўпроқ мос келади. Шу боис олтин монометаллизмни охириқабатда кумуш монометаллизмни ва биметаллизмни сиқиб чиқаради. XX аср охирига бориб у устувор пул тизимига айланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, пул муомаласида пул метали

деб қабул қилинган металлдан тайёрланган тангалар асосий ролни ўйнади: кумуш монометаллизмида – кумуш, олтин монометаллизмида – олтин. Булардан ташқари муомалада мис чақалар, шунингдек, қиймат белгилари – кредит ва қоғоз пуллар ҳам мавжуд бўлган.

Биметаллизм узок вақт сақланиб турди. Масалан, АҚШ да бутун XIX аср мобайнида кумуш билан олтин ўртасидаги расмий тенглик даражаси (паритет) бир унция олтин учун 15-16 унция кумушни ташкил этиб келган, лекин металлларнинг бозор курслари анча кенг ўзгариб борган. Бу эса доим ҳам олтин фойдасига бўлавермаган. Ўтган аср охирига келиб кумуш секин-аста майда танга ҳолатига ўтиб қолди. 1933 йил АҚШда биметаллизм тизими буткул тугатилди.

Ўша даврда, ўтган аср охирига келиб, олтин айниқса катта аҳамият касб этди. Олтин монометаллизми деб аталувчи тизим ёки олтин танга андозаси¹ капитализмгача маълум бўлган барча пул тизимлари орасида энг барқарор мавқени эгаллади. Биринчи жаҳон уруши оқибатида аксарият давлатларда бу тизим ҳам барҳам топди. Шу урушда қатнашган барча мамлакатларда (АҚШ дан ташқари) банкнотларни олтинга алмаштириш тўхтатилди, олтин тангалар муомаладан чиқиб кетди ва уларнинг ўрнида қадрсизланадиган қоғоз пуллар пайдо бўлди.

[38]. «Буюк депрессия» номи билан танилган 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий танглиги пул тизимларининг янги тури – кредит ва қоғоз пуллар тизимининг шаклланишига асос солди. Бу тизимнинг вужудга келиши қуйидаги заруриятлар билан изоҳланади:

- олтиннинг муомаладан тўла чиқиб кетиши;
- банкнотларни олтинга алмаштиришни тўхталиши ва улар қадрининг олтин билан ўлчанишини бекор қилиниши;
- давлат томонидан тадбиркорлик соҳасини кенг кредитлаш мақсадида пул эмиссиясининг кўпайтирилиши;
- нақдсиз оборотнинг сезиларли кенгайиши.

Бундан ташқари қоғоз пулларнинг пайдо бўлиши товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳамда металл пулларнинг едирилиши, ишдан чиқиши ва йўқолиши туфайли уларнинг ҳаддан зиёд қимматга тушиши ҳоллари билан боғлиқ.


¹ 1929-1933 йиллардаги Буюк депрессияга қадар жаҳонда олтин андоза тизими устувор эди. Бу тизимга мувофиқ ҳар бир пул тизими у ёки бу оғирликдаги олтин билан таъминланганди. Мамлакатлар орасидаги товар айирбошлашда вужудга келадиган сальдо (қолдик) олтин трансфери билан тўланарди. Чунки айни шу металл жаҳонда тўлов ва жамғариш воситаси бўлиб хизмат қиларди.

Қоғоз пулларни чиқаришга қилинадиган харажатлар металл пулларни чиқаришга қилинадиган харажатларга нисбатан кам даражададир.

У ёки бу давлатда ишлаб чиқариш кучлари ривожлангани сарин муомаладаги қоғоз пуллар тобора камайиб, улар ўрнини кредит пуллар эгаллай бошлайди.

Кредит пуллар – кредит ҳамда пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазибалари ривожланиши асосида вужудга келган тўлов ва муомала воситаларидир.

Кредит пулларнинг беш асосий тури бор (8-чизма).



8 - чизма. Кредит пуллар тизими.

Вексель – қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгаси (вексель тўловчи)га муддат тугаганидан кейин қарздордан ёки акцептантдан шу ҳужжатда кўрсатилган пул суммаси тўланишини қатъий талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Вексель¹ оборотида чекланмаган миқдордаги шахслар қатнашиши мумкин. Чунки вексель муайян пул суммасини талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тартибида берилади. Аксарият векселлар нақд пул иштирокисиз вексель мажбуриятларини ўзаро суришиш йўли билан қопланади. Бироқ нақд пул ўрнини вексель муомаласи билан босишнинг ҳам чегаралари бор. Бу чегаралар қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, тижорат кредити товар оборотининг фақат бир қисмини, асосан улгуржи савдони қамраб олади.

Иккинчидан, вексел мажбуриятларини ўзаро суришиши бўйича сальдо нақд пул тўланишини талаб қилади.

¹Бу ҳақда мазкур туркумнинг 2-сонига қаранг (Абдуллаев Ё. Қоралиев Т. Пул. – Т.: «Меҳнат», 1997.)

Учинчидан, векселлар чекланган соҳада айланади.

Тўртинчидан, векселлар айланиши уларнинг муддати билан чекаб кўйилади.

Шу муносабат билан тижорат векселлари айланиши чегараси уларни **банкнотларга** айлантириш йўли билан бартараф этилади.

Банкнот – эмитент банклар чиқарадиган ва кредит пулларнинг асосий турини амалга оширувчи фойсиз мажбурият (банк билети).

Классик банкнотлар вексель (товар) ва олтин (Марказий банкнинг олтин захираси) билан таъминланади.

Металл билан таъминланмаган эмиссия **фидуциар эмиссия** деб аталади.

Классик банкнотларнинг икки томонлама – кредит ва металл билан таъминланиши банкнотлар муомаласининг нисбатан барқарор ва мослашувчан бўлишига кафолат беради. 30-йиллардан бошлаб барча ривожланган мамлакатларда олтинга алмаштирилмайдиган банкнотларгина чиқарила бошланди. Ҳозир фақат айрим мамлакатлар қонунларида банкнотлар олтин билан таъминланиши кўзда тутилган. Аксарият давлатларда у қонун йўли билан бекор қилинган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тарихан пулнинг тўлов воситаси вазифасидан вужудга келган ва банк тизими юқори даражада ривожланган шароитда кенг қўлланиладиган кредит воситаси бўлган **чеклар** айниқса кўп тарқалган.

Чек – ингл. Check – банк (ёки бошқа кредит муассасаси) даги ҳисобварақ эгасининг чекда кўрсатилган суммани шу ҳисобварақдан чек ушловчига тўлаш ёки уки чек ушловчининг ҳисобварақига ўтказиш тўғрисидаги ёзма топшириғи.

Чеклар билан ҳақ тўлаш айниқса мамлакатнинг ички тўлов оборотида кенг ривожланган, бироқ улардан экспорт ва импорт, чет эл сайёҳлиги бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда носавдо тўловлари чоғида ташқи тўлов оборотида ҳам фойдаланилади. Чекдан фойдаланиш нақд пул билан қилинадиган ҳисоб-китобларни сезиларли даражада камайтиради.

Шуни таъкидлаш зарурки, чек оборотининг асосий унсурлари умумий бўлгани ҳолда айрим мамлакатлар қонунчилигида чек операция-

ларининг баъзи жиҳатларини турлича тартибга солиш кўзда тутилган. Чек бериш, унга пул тўлаш ва чек муомаласининг ягона қоидаларини белгилаш мақсадида 1931 йилда Женевада халқаро чек конвенцияси (Женева конвенцияси деб аталади) тузилди.

[39]. Чек муомаласининг ривожланиши чек дафтарчасига кўплаб имзолар кўйилиши билан боғлиқ бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, 50-йиллардан бошлаб, дастлаб АҚШда, кейинроқ эса ғарбий Европада чеклар кредит карточкалари билан алмаштирила бошланди.

Кредит карточкаси – банк ёки махсус кредит (савдо) муассасаси томонидан бирор киши номига берилган пул ҳужжати.

Кредит карточкасида пул эгасининг жорий ҳисобидаги сумма кўрсатилади. У эгасига чакана савдо тармоқларида пулсиз товарлар ва хизматлар харид қилиш ҳуқуқини беради. Кредит карточкасига биноан харидор ҳисобидаги пул суммаси унинг ихтиёридан олиниб, товар сотган корхона ҳисобига ўтказилади.

Ҳозир кредит карточкалари жаҳонда кенг тан олинган ва ўз эгаси обрў-эътиборининг ўзига хос белгиси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳам кредит карточкаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда пуллар табақаланмоқда, уларнинг турлари кўз ўнгимизда кўпайиб бормоқда. Чеклар ва кредит карточкаларидан кейин «электрон пуллар» деб аталувчи пул пайдо бўлди.

Электрон пул – ҳисоб-китобларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариш учун қўлланиладиган кредит пуллари-нинг энг сўнги тури, кредит карточкаларига ўхшаган пул.

Бу пуллар капиталистик мамлакатларда 80-йиллар охирида пайдо бўлган. Электрон пуллар компьютер операциялари ва пластик дебет карточкалари бўлиб, улардан бир депозитдан бошқасига пул ўтказишда фойдаланиш мумкин.


Ғарб иқтисодчилари келажакда қоғоз пуллар, банкнот ва чеклар бутунлай йўқолиб кетади ҳамда уларнинг ўрнини электрон банклараро трансакциялар (бланксиз шакл) эгаллайди, деб ўйлашапти. Бундай трансакциялар харажатлари қоғоз пул тайёрлаш чиқимларидан 3-4 марта кам. Бундай ҳолатда пул йўқолиб кетмайди, лекин у «кўринмас» ва «чаққон» бўлиб қолади.

Ўзбекистон бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига анча яқинлашиб олди. Республиканинг барча тижорат банклари электрон тўловлар тизимига қўшилган. 1996 йил март ойида комплекс дастурларни жорий этиш тугалланди. Бу эса банклараро тўловларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қарашли 13 та ҳисоб-китоб маркази орқали ўтказиш имконини берди. Мазкур ҳолат шу операцияларнинг вилоятлар ичида 1-2 соатгача, вилоятлар ўртасида эса 1 кунгача тезлашишига олиб келди.

[40]. Банк тизимининг тараққий этиши ва мунтазам суръатда ўз вазифасини барқарор бажариши кўп жиҳатдан пул муомаласини тўғри ташкил қилиниши ва уни оптимал равишда тартибга солинишига боғлиқ.

Пул муомаласи – пулнинг товар ва хизматлар олди-сотдиси жараёнида ўз функцияларини бажаришдаги узлуксиз ҳаракатидир.

Пул ҳаракати банкдан бошланади. Пул муомаласи нақд пул ва нақд бўлмаган пул муомаласига бўлинади (9-чизма).



9-чизма. Пул муомаласи турлари.

Нақд пул банкдан чиққач, корхона, ташкилотлар кассасига ва аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, яна банкка қайтади.

Нақд бўлмаган пул муомаласига фирма, корхона, ташкилотлар ва аҳолининг банкдаги ҳисобида турган пуlining ҳаракати киради ва бундай муомала:

- чек;
- кредит карточкаси;
- вексель;
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- аккредитив ва бошқа воситалар ҳаракати шаклида олиб борилади.

Хуллас, пул такрор ишлаб чиқаришга хизмат килади. У доимо

оборотда, муомалада (ҳаракатда) бўлади. Жамиятдаги пул муомаласи (оборот) моддий оборотни, яъни яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳаракатини билдиради. Муомаладаги пул ҳаракати пул муомаласи қонуни билан мувофиклаштирилади. Бу қонуннинг моҳияти қуйидагича:

Товар оборотига хизмат килувчи пул миқдори (ПМ) товар баҳосига (Б) тўғри пропорционал, пул обороти тезлигига (ПОТ) тес-қари пропорционал ўзгаради.
$$ПМ = \frac{Б}{ПОТ}$$

Айтайлик, қуйидагилар оборот (муомала)да бўлсин:

100 кг апельсиннинг нархи 1 доллар;

50 кг узумнинг нархи 2 доллар;

1 та эркаклар костюмининг нархи 100 доллар;

Шундан барча товарларнинг умумий баҳоси:

$$100 \cdot 1 + 50 \cdot 2 + 1 \cdot 100 = 300 \text{ доллар бўлади.}$$

Агар 100 доллар қайд қилинган товарларнинг ҳаракатини узлуксиз таъминлашга хизмат қилса, у ҳолда 100 доллар уч марта оборотда бўлиб, жами 300 долларлик товарларни сотишга хизмат қилган бўлади. Шундай қилиб, мазкур товар муомаласини таъминлаш учун 100 долларлик пул миқдори зарур бўлади:

$$ПМ = \frac{Б}{ПОТ} = \frac{300}{3} = 100$$

Пул қанчалик тез айланиб турса (оборот қилса), пулга талаб шунчалик қисқаради.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини (ПМ) янада аниқроқ ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$ПМ = \frac{\Sigma Б - \Sigma Т + \Sigma ТМТБ - \Sigma \dot{T}}{ПОТ}$$

Бу ерда,

- | | | |
|------------------|---|---|
| $\Sigma Б$ | – | сотишга мўлжалланган товар ва хизматларнинг жами баҳоси; |
| $\Sigma Т$ | – | мазкур давр доирасидан ташқарида бўлган товарлар учун тўловлар суммаси; |
| $\Sigma ТМТБ$ | – | тўлов муддати тугаган товарлар суммаси; |
| $\Sigma \dot{T}$ | – | ўзаро тўловлар суммаси; |
| $ПОТ$ | – | пул обороти тезлиги. |

Турли илмий мактаб вакиллари муомаладаги пул миқдорини аниқлашни турлича таклиф қиладилар. Масалан, америкалик иқти-содчи И.Фишер (1867-1947 й.) уни қуйидагича аниқлашни лозим топади:

$$МПМ \cdot ПОТ = Б \cdot ТХС$$

Бу ерда:

МПМ – муомаладаги пул миқдори;

ПОТ – пул обороти тезлиги;

Б – ўртача тортилган баҳо даражаси;

ТХС – товар ва хизматлар сони.

Бунда ПОТ ва ТХС узоқ муддатли доимий миқдор бўлганлиги сабабли ўзгармас миқдор сифатида фараз қилинади. Муомаладаги пул миқдорини бошқачароқ аниқлаш тартибини инглиз иқтисодчи А.Пигу (1877-1959 й. – Кембриж доктринаси) қуйидагича таклиф қилади:

$$МПМ = d_{\text{йд}} \cdot Б \cdot ИЧМ$$

Бу ерда:

$d_{\text{йд}}$ – йиллик даромад салмоғи (пул кўринишида); Б – баҳо даражаси;

ИЧМ – ҳақиқий ишлаб чиқариш миқдори.

Пул муомаласини тўғри ташкил қилиш ва уни тартибга солиш Марказий банкка хўжаликлар фаоллигига самарали таъсир ўтказиш, муассасалар фаолиятини назорат қилиш, пул муомаласи ва нархлар барқарорлигига эришиш, иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган шароитлар яратиш, пул-кредит соҳасида вужудга келган амалдаги вазиятни объектив баҳолаш имконини беради.

[41]. Пул дарров пайдо бўлган эмас, у дунёга келгунича ўзига ажратилган роль учун «пишиб-етилиш»нинг узоқ йўлини ўз шакллари эволюцияси орқали босиб ўтган. Тарих фанининг маълумотларига кўра Ўзбекистон товар-пул муносабатлари жуда қадимдан пайдо бўлган ва ривожланган камдан-кам давлатлардан бири ҳисобланади. Чунки бу ерда пул ишлатила бошланганига 2 минг йилдан ошган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ва қабилалар фойдаланган дастлабки пул белгилари ҳамда тангалар эрампиздан аввалги V-IV асрларда Аҳамонийлар салтанатида зарб қилинган олтин дариклар ва қумуш сикллар бўлган. Бироқ товар-пул муносабатлари бу ерда Искандар Зулкарнайн юришидан кейинги даврда, Саллавкий ва Юнон-Бақтрия давлати барпо этилганидан сўнг чинакамига ривожланди.

Ўрта аерлар бошларида Ўрта Осиё давлатларида олтин танга-

лар зарб қилинмаган. Бу даврда кумуш тангаларни номлаш учун юнонча «драхма» атамаси қўлланиларди, бронза тангалар эса сўғд тилидан «пани» ва ўзимизга таниш «танга» («деньга») сўзлари билан атала бошланган.

Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келиши бу ердаги танга зарб қилиш ишларини тубдан ўзгартирди. Бу даврда Ўрта Осиё давлатларида пул муомаласи мусулмонча пул юритиш ишлари қоидалари ва меъёрларига тўла-тўқис мослаштирилди. **Олтин динарлар** (Римдаги «динарин» сўзидан), кумуш дирҳамлар (юнонча «драхма» сўзидан) ва **мис фулуслар** чиқарила бошланди. Даствлабки мусулмон фулуслари Ўзбекистон худудида хижрий 143 йилда (760-761 йиллар) Самарқандда, беш йилдан кейин Бухоро, Ахсикент (Фаргона), Термизда чиқарилди.

Маълумки, IX аср охирига келиб, Мовароуннаҳрда амалда мустақил Сомонийлар давлати вужудга келди. Бухоро унинг маркази бўлиб қолди. Деярли бутун Ўрта Осиёни қамраб олган Сомонийлар давлати даврида пул чиқариш иши, айниқса, юксак даражада ривожланди. Кумуш тангалар, айниқса, таркибида кумуш жуда кўп бўлган синик деб аталувчи дирҳамишикастлар доналаб ёки вазни бўйича муомалада бўларди. Мовароуннаҳр билан кенг савдо алоқалари ўрнатган шарқий славян қабилалари бу тангаларни жуда юқори баҳолашарди. Мазкур савдо алоқалари кенгайиши натижасида кумуш оммавий равишда Европага ўтиб кета бошлади. Археологларнинг Уралдан то Англия ва Норвегиягача бўлган ниҳоятда катта ҳудуддан топаётган хазиналари шундан далолат беради. XI аср бошларида Сомонийлар давлати ўрнида турк қабилалари сулоласи пайдо бўлди. Натижада пул муомаласида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Шундай қилиб, кумуш билан олтин пул муомаласининг асосий унсурлари бўлиб қолди. Бироқ Европада XVIII-XIX асрларга келиб олтин ва кумуш тангалар билан бир қаторда қоғоз пуллар ҳам муомалада бўла бошлади. Қоғоз пулларни қадимги Хитой савдогарлари ихтиро қилган. Даствлаб сақлаш учун товар қабул қилингани, солиқлар тўлангани ва кредит берилгани тўғрисидаги тилхатлар қўшимча айирбошлаш воситалари вазифасини бажарган. Бундай тилхатларни, яъни қоғоз пулларнинг «қадимий аждодлари»ни заргар усталар беришган. Заргар олтинни қабул қилгач, қоида тариқасида патта (квитанция) берган. Ана шу ҳужжат қоғоз пулларнинг даствлабки вакиллари, шунингдек, биринчи шакли бўлган.

1501 йилда Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбек қабилалари бошли-

ғи Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандни забт этди. Гарчи у ҳукмронлик қила бошлаган дастлабки даврда теурийларнинг кумуш ва мис тангалари муомалада бўлса-да, 1507 йилга келибоқ тўла-тўқис пул ислохоти ўтказилди.

Олтин тангалар ашрафий ёки тилло дейилар, кумушлари танга, тангача, мислиги динори, фулус деб аталарди. Энг майда танганинг номи «пул» эди. Шунингдек, йирик номиналдаги тангаларнинг қисмлари, масалан, динорнинг учдан иккиси ва ҳатто олтидан бири ҳам зарб этилган. Кумуш танга оғирлиги 5,2 грамм бўлиб, расмий курс бўйича у шундай вазндаги 36 мис динорга алмаштирилган. Тангалар улкан давлатнинг кўплаб шаҳарларида, масалан, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Машҳад, Балх, Нишопур, Сарахс ва бошқа жойларда чиқарилган.

[42]. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг «Пул тизими ҳамда пул муомаласини ташкил этиш» номли бешинчи бўлимининг етти моддаси пул муомаласини ташкил қилишни ўзида акс эттиради.

• **33-модда.** Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари.

• **34-модда.** Пул белгиларини тайёрлаш ва сақлаш.

• **35-модда.** Муомаладаги пул белгиларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар.

• **36- модда.** Тўловларни амалга ошириш.

• **37- модда.** Шикастланган пул белгилари.

• **38- модда.** Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш.

• **39- модда.** Пул белгиларини муомаладан қайтариб олиш.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга (33-модда). Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг катъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади. Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек, уларнинг дизайнини Олий Мажлиснинг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангалар дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва

тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра бир номинал қийматдаги банкнот ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз алмаштириб беради. Муомаладаги пул белгиларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар хусусида мазкур Қонуннинг 35-моддасида қўйиладиганича ёзилган:

«Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларига ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниш, шунингдек, ҳисоб-варақ, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир».

Марказий банк банкнотлар босилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек, босма қолиплар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пулларни сақлаш, ташиш ва инкасса қилиш, шунингдек, уларни йўқ қилиб юбориш қоидаларини белгилайди.

[43]. Пул муомаласини ташкил этишда бир вақтнинг ўзида иккита бир-бирига қарама-қарши вазифани ҳал қилишга тўғри келади.

Бир томондан:

– муомаладаги пул массасининг ўзгаришини мумкин қадар қайишқоқ ва мосланувчан қилиш;

– хўжалик ҳолати (конъюнктураси)даги ҳар қандай ўзгаришларга тезкор муносабат билдира олиш;


– ўсиб бораётган амалий фаолликни қўллаб-қувватлаш.

Иккинчи томондан:

пул массасининг кўпайишини маълум даражада чеклаш:

муомалага ортикча тўлов воситалари массасининг тушишига йўл қўймаслик керак.

Пул муомаласининг ҳолатига кўпдан-кўп омиллар таъсир кўрсатади. Пул муомаласи назариясида пулнинг мувозанатлилиқ ҳолатига таъсир кўрсатадиган икки гуруҳ омиллар ажратилади (10-чизма).



10-чизма. Пулнинг мувозанатлилиқ ҳолатига таъсир қилувчи омиллар.

Пулга бўлган талаб билан пул таклиф қилишнинг бир-бирига мослашиш жараёни жуда мураккабдир. Бундай мослашишнинг салбий натижалари эса мамлакат халқ хўжалигида турли бузилишлар ва номутаносибликларга олиб келади. Пул муомаласининг мувозанатда бўлмаслиги қуйидаги сабаблар ва оқибатлар туфайли юзага келиши мумкин:

- товар оборотининг реал секторидаги ўзгаришлар;
- пул айланишининг тезлиги;
- ташқи иқтисодий омиллар;
- молия соҳасининг пулни ҳаддан ташқари кўп ёки кам таклиф қилиши кабилар туфайли пулга бўлган талаб ўзгаради.

Агар оборотга тўлов воситалари тушишининг асосий манбаи бўлган банк тизими, корхоналар ва аҳоли учун пул массасини кенгайтиришнинг талаб қилинадиган суръатларини таъминламаса, халқ хўжалигининг пулга бўлган эҳтиёжини қондирмаса, бу ҳол тўловга қобилиятли талабнинг қисқаришига сабаб бўлади ва ишлаб чиқаришнинг камайишига ҳамда иш билан бандликнинг қисқаришига олиб келади.

Аксинча, банк соҳаси муомалага ҳақиқатда керагидан ортиқча пулларнинг мунтазам келиб туриш манбаи бўлса, бу ҳол инфляция тазйқини кучайтиради ва миллий валюта харид қобилиятининг тушиб кетишига сабаб бўлади.

[44]. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида қоғоз ва кредит пуллар пул массаси асосини ташкил этади.

Пул массаси – бу муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (ҳазина ва банк билетлари) нинг жами миқдоридир.


Бошқача қилиб айтганда, пул массаси – бу ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, муассасавий мулкдорлар (корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, хусусий фирмалар) ва давлат эгалик қиладиган нақд ва нақдсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир. Алмашув ва тўлов операцияларини бажариш учун мавжуд бўлган пул массаси, энг аввало, банк сектори томонидан таклиф қилинадиган пулга ва пулга бўлган талабга, яъни нобанк секторнинг ўз ихтиёрида муайян пул массасининг бўлишига интилиши ёки талаб қилиб олинувчи омонатларга боғлиқ (11-чизма).

Кўриб турибмизки, пул массаси оддий тушунча эмас ва у умумий қабул қилинган тасаввурга мос келмайди. Одатда, кишилар пул-

ни аввало нақд маблағ – қоғоз купюралар ва майда чақа тангалар деб ҳисоблашга ўрганишган. Аслида эса нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши жуда кам бўлиб, корхоналар орасидаги, чакана савдодаги битимларнинг асосий қисми ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида банк ҳисобварақларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Мамлакатда ривожланиш ва пул муомаласи барқарорлиги даражаси билан пул массасидаги нақд пул улушини бир-бирига бевоСИТА БОғЛИҚ деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич «VISA» каби илгор тизимлар қанчалик кенг тарқалганига қараб 5 - 10 фоиздан ошмайди. МДХ давлатларида ва бизнинг республикамизда, хусусан, бу улуш даражаси 30 фоиздан ошиб, пул тизимини мослашувчанликдан маҳрум этган ва хилма-хил суиистеъмоликларга нисбатан таъсирчан қилиб қўйган.

[45]. Ҳар бир пул тизимининг асосий таркибий қисмлари тарихан шаклланган ва тегишли мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида расмий мустаҳкамланган. Пул массаси таркиби актив ва пассив қисмдан иборат (12-чизма).



12-чизма. Пул массасининг таркибий қисмлари.

Булардан ташқари, пул массаси бевосита харид ёки тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлмаган таркибий қисмларни ҳам қамраб олади. Буларга:

- муддатли ҳисобварақлардаги, жамғарма омонатлардаги ва тижорат банкларидаги депозит сертификатлар
- инвестиция фондларининг акцияларидаги маблағлар қиради.

Бундай таркибий қисмлар ҳозир Ўзбекистон Республикасида тобора кенгроқ тарқалмоқда. Бу таркибий қисмлар «квази-пуллар» номи билан бирлашган.



11-чизма. Пул массаси ва унинг унсурлари.

Квази-пуллар – бу тижорат банкларидаги муддатли ва жамғарма омонатларда турган нақдсиз шаклдаги пул маблағларидир.

Квази сўзи лотинча «quasi» - мавҳум, таги-туги йўқ, ўхшаш, деярли маъносини билдириб, Халқаро Валюта Фондининг методологияси бўйича тижорат банкларида муддатли ва омонат қўйилмаларида сақланаётган нақд бўлмаган пул маблағларини англатади. Бундай пуллар пул муомаласи таркибида анча салмоқли ва динамик ривожланаётган қисмини ташкил этади.

Квази-пуллар тўғри маънода пул бўлмаса-да, шунга қарамай, ликвид активлар, яъни қийматини йўқотмай, осонгина пулга айлантиса бўладиган активлар ҳисобланади.

Албатта, энг ликвид актив пулнинг ўзидир (мутлақ ликвидлик), бироқ қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, санъат асарлари кабилар бу борада у билан бир хил даражада туради. Бинолар, ускуналар, машина ва бошқалар ликвидлиги бироз камроқ. Одатда, бойликларнинг бу тоифаси **«музлатилган»** активлар деб юритилади. Квази-пуллар ҳам анча ликвидлидир. Чунки муддатли омонатлар, облигациялар ҳамда акцияларнинг айрим турлари ривожланган мамлакатларда қисқа вақт ичида нақд пулга айлантирилиши мумкин.

Айни пайтда тарихдан маълумки, давлатга қандайдир эҳтиёжлар учун катта пул маблағлари зарур бўлиб қолган ҳолларда пулнинг бу турини узок муддатга музлатиб қўйиш ҳоллари бўлган ва у бу тадбирни ихтиёрийдан мажбурий тадбирга айлантирган.

Одатда, сиёсий ёки иқтисодий танглиқдан чиқаётган мамлакатнинг пул сиёсати ана шундай **«музлатилган омонатлар»** ни индексация қилиш йўли билан аҳоли ишончини тиклашдан ҳамда шу тариқа иқтисодиётдаги инвестиция фаоллигини жонлантириш учун маблағларни жалб этишдан бошланади. Ўзбекистонда бу жараён Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли омонатларидаги ва давлат суғуртаси бўйича маблағларни индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 12 февралда чиқарган қарори билан бошланди. Бу қарорда 1992-1995 йиллардаги нархлар индекси ўсишини ҳисобга олиб, аҳоли пул маблағларини индексация қилиш ҳажмлари белгиланган.

[46]. Пул массаси таркибида M_1 ва M_2 каби жамлама таркибий қисмлар ёки пул агрегатлари ажратилади.

Пул агрегати деганда жамгарила бориб, харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари, яъни ликвидлик даражасига қараб пул массасининг барча бирлашган компонентлари тушунилади.

Пул агрегатларига нақд пуллар, маълум муддатга ва муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар киради (13-чизма).

АҚШда пул массаси куйидаги таркибий унсурларни ўз ичига олади:


$M_1 = \text{нақд пул} + \text{чек омонатлари}$

$M_2 = M_1 + \text{чексиз жамғарма ҳисоб} + \text{майда муддатли омонатлар варақлардаги омонатлар.}$


$M_3 = M_2 + \text{йирик миқдордаги муддатли омонатлар.}$

Буни куйидаги чизма ёрдамида изоҳлаш мумкин (14 -чизма).

Бизнинг мамлакатимизда пул массасининг куйидаги таркиби қабул қилинган (13-чизма).



13-чизма. Пул агрегатлари нисбати.



14-чизма. Пул агрегатларининг таркибий қисмлари.

$M_0 =$ накд пуллар, яъни муомаладаги металл ва қозғол пуллар

$$M_1 = M_0 + \begin{matrix} \text{Тегишли ҳисоб варақ-} \\ \text{лардаги пул қолдиқлари} \end{matrix} + \begin{matrix} \text{Маҳаллий} \\ \text{бюджет} \\ \text{маблаглари} \end{matrix} + \begin{matrix} \text{Бюджет, жамоат ва} \\ \text{бошқа ташкилот-} \\ \text{ларнинг маблаглари} \end{matrix}$$

$$M_2 = M_1 + \text{Банклардаги муддатли омонатлар}$$

$$M_3 = M_2 + \begin{matrix} \text{Чикарилайтган} \\ \text{сертификатлар} \end{matrix} + \begin{matrix} \text{Аниқ мақ-} \\ \text{садли заём} \\ \text{облигация-} \\ \text{лари} \end{matrix} + \begin{matrix} \text{Давлат} \\ \text{заём об-} \\ \text{лигация-} \\ \text{лари} \end{matrix} + \begin{matrix} \text{Хазина} \\ \text{мажбурият-} \\ \text{лари} \end{matrix}$$

15-чизма. Пул агрегатларининг таркибий қисмлари.

Мамлакатимиз бозор ўзгаришларини кенг ривожлантириш йўлидан олға бораётганини ҳисобга олсак, накд пул билан накдсиз пул орасидаги чегара секин-аста йўқолиши лозим. Пул агрегатларидан фаол фойдаланиш ҳам бунга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Тараққий этган давлатларда накд пуллар товар оборотнинг 1 фоизини таъминлайди.

[47]. Пул товар экан, у талаб ва таклиф таъсирида бўлади.

Пул таклифи – бу муомалага чикарилган маълум турдаги пул миқдоридир.

Пул таклифи талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин: кам бўлганда тўлов кризиси юзага келади. Пул таклифи унинг муомаласага чиққан миқдори билан ўлчанади, бу миқдор эса унинг оборот тезлигига қараб ҳар хил бўлади.

Пулга талаб – бу пул муомаласи, яъни хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёждир

Пулга талабни корхоналар, ташкилотлар, аҳоли ва давлат билдиради, чунки улар хўжалик субъектлари, ишлаб чиқарувчи ёхуд истеъмолчилардир. Пулга талаб пулнинг икки функциясида, яъни:

– муомала воситасидан, хусусан, кундалик харидларни ва битимларни амалга ошириш;

– жамғарма воситасидан, хусусан, пулдан қийматни сақлаш воситаси сифатида фойдаланиш ва ўз ихтиёрида етарли миқдорда ликвид пулларни йиғиш заруриятидан келиб чиқиш.

Ҳар иккала мақсадга эришиш учун пулнинг реал харид кучи барқарор бўлишига эришиш муҳим роль ўйнайди.

Пулга талабнинг миқдорий ўлчами бор. Уни ҳисоблаб чиқиш одатда айирбошлашнинг миқдор тенгламасига ($PM \cdot PO = H \cdot YIM$) асосланади. Умуман муомаладаги пул миқдори уч асосий омилга боғлиқ:

– нархнинг абсолют даражаси (P). Қанчалик нарх баланд бўлса, шунчалик пулга бўлган талаб кўпаяди (бошқа ҳолатлар тенг бўлган шароитларда);

– яратилган реал маҳсулот даражаси (Q). Бу кўрсаткичнинг ўсиши билан аҳолининг реал даромади ошади. Уларни тўлаш учун кўпроқ пул керак бўлади.

Пул обороти тезлигига (V), яъни пул йилига неча марта даромад бўлиб қайтади ва неча марта олди-сотдига хизмат қилади. Бу боғланишларни қуйидаги формулалар ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$V = \frac{P \cdot Q}{M}$$

Бу ерда:

V – пул обороти тезлиги;

P – нархнинг абсолют даражаси;

Q – яратилган реал маҳсулот;

M – муомаладаги пул миқдори.

Бу ерда:

$$M = \frac{P \cdot Q}{V}$$

$P \cdot Q$ – сотиладиган товарларнинг жами баҳоси.

Айтайлик, қуйидаги товар турлари тегишли нархларда муомалада бўлган (5-жадвал).

5-жадвал.

Пулга бўлган талабни аниқлаш тартиби

№	Товарлар тури	Товарлар		Товарларнинг жами баҳоси (p·q)
		Сони (q)	Нархи, \$ (p)	
1.	Апельсин (кг)	100	1	100
2.	Узум (кг)	50	2	100
3.	Костюм (дона)	1	100	100
	Жами	x	x	300

Агар 100 доллар уч хил товарни сотишга муттасил равишда хизмат қилса, у ҳолда 100 доллар жами 300 долларлик товарни сотиб 3 марта оборотда бўлади. Демак, товар муомаласи учун 100 доллар зарур экан:

$$M = \frac{P \cdot Q}{V} = \frac{300}{3} = 100 \text{ доллар}$$

Кўришиб турибдики, муомаладаги пул миқдори (M) товарларнинг жами баҳосининг ($P \cdot Q$) пул обороти тезлиги (V) га бўлган нисбатига тенг. Агар V билан M нинг ўрнини алмаштирадик, у ҳолда:

$$V = \frac{P \cdot Q}{M} = \frac{300}{100} = 3 \text{ марта}$$

Кейнсчилар пул миқдорига таъсир этувчи омилларга қўшимча тарзда яна уч омилни кўрсатиб ўтадилар:

- тўлов учун пул зарурлиги;
- ҳар эҳтимолга қарши пулни вақтинча бўлса-да, жамғариб, керак бўлиб қолганда бирдан ишлатишга интилиш;
- бойликни зарар кўриш хатаридан асраш учун пул шаклида сақлаш.

Кейнсчилар пул миқдорига бойлик эгаларининг субъектив хатти-ҳаракатлари, интилишларини ҳам таъсир этишини инобатга олганлар.


Энг сўнгги назарийетчилар, масалан, монетаристлар (М.Фридман, АҚШ) пул миқдорига таъсир этувчи омилларга айтилганлардан ташқари банк фойизи даражаси ва инфляция суръатларини киритади-

лар. Улар фоиз даражасини пул миқдорига икки хил таъсирини инобатга оладилар:

Биринчидан, фоиз нормаси пасайса, қарзга пул олиш кўпаяди, ишлаб чиқариш кенгайиб даромадлар ошади. Албатта, бу ўз-ўзидан пул миқдорини оширади. Фоиз камайганда бойликни банкда пул шаклида эмас, балки, масалан, акция, облигация шаклида сақлаш қулай бўлади. Фоиз ошганда бойликни пул шаклида сақлаш кучаяди, пулга талаб кенгайди, аммо ишлаб чиқаришга пул кам қўйилиб, даромад камайди, пулга талаб қисқаради.

Фоиз ставкаси билан пулга бўлган талаб ўртасидаги боғланишни куйидаги графикда ифодалаш мумкин (1-график).

Жамғариш истаги ёки молиявий активларни харид қилиш ва шунга мутаносиб равишда дивиденд олиш жараёни бевосита банкнинг фоиз ставкасига боғлиқ. Фоиз ставкаси пасайиб бориши билан пулга талаб ошиб боради ва аксинча. Бу ерда боғланиш тескари пропорционалдир.



1-график. Пулга талабнинг эгри чизиги.

Иккинчидан, инфляцияга келсак, у пул миқдорини тўғридан-тўғри оширади, чунки пул бирлигининг қадри тушиб, хўжалик обороти учун тобора кўпроқ пул талаб қилинади. Энг сўнгги пул назарияларида бойлик ортиши билан уни пул шаклида сақлаш иштиёқи ҳам кучаяди, иқтисодий конъюнктура ёмонлашса, акс ҳодиса юз бериши қайд этилади.

Кўриб чиқилган ҳамма назарияларда пул миқдори ишлаб чиқариш ҳолатига, нархга, пул обороти тезлигига боғлиқ эканлигига эътибор берилади. Пул миқдорининг ишлаб чиқаришга алоқаси пулнинг товар билан таъминлаш зарурлигини, пулнинг махсус товарлигини ва шу жиҳатдан боғлиқ бўлишини кўрсатади, унинг айланиши ишлаб чиқаришдаги омиллар – ресурслар ва шунингдек, яратилган то-

вар – хизматлар ҳаракатини билдиради.

Марказий банк пулга бўлган талабни аниқлашда қуйидаги асосий кўрсаткичларга амал қилади:

– базавий даврнинг нархларида ялпи ички маҳсулотнинг тахмин қилинаётган ўсиши;

– режалаштирилаётган даврда пул айланишининг тахминий тезлиги;


– тахмин қилинаётган даврда нархлар ўсишининг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаси.

Иқтисодий фаолликнинг юқори даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажми орқали тахминан ифодаланиши мумкин. Потенциал ЯИМ умумий ишлаб чиқариш имкониятига бериладиган баҳони акс эттириши керак. Марказий банк мутахассислари ушбу кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш чоғида Кобба-Дуглас шаклидаги ишлаб чиқариш функцияларидан, узоқ муддатга доир маълумотлар асосида регрессион моделлардан фойдаланади.

Келгуси йилда кутиладиган нархлар ўсишини Марказий банк нархлар динамикасининг аввалги ҳолати (тренди)ни ҳисобга олган ҳолда меъёр сифатида қабул қиладилар. Муомала тезлиги ҳам ушбу кўрсаткичнинг аввалги ҳолати асосида статистика усулларини қўллаш ёрдамида белгиланади.

Пулга бўлган талабни эмпирик баҳолаш олдинги даврларда мавжуд бўлган пул билан ЯИМ, инфляция, фоиз ставкалари ва бошқа омиллар ўртасидаги нисбатлар статистикасига асосланиши мумкин. Бунда, одатда улар ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамлигини баҳолаш имконини берадиган корреляцион-регрессион моделлардан фойдаланилади.

Пул таклифи Марказий банк томонидан қуйидаги чизмада бошқарилади (16-чизма).



16-чизма. Марказий банк томонидан пул таклифининг бошқарилиш чизмаси.


Мазкур чизма асосида Марказий банк пул таклифини назорат қилади ва кредитлаш шартларини белгилаб олади.

[48]. Пул бозори – бу шундай бозорки, у ерда пулга талаб ва таклиф таъсири остида фоиз ставкаси даражаси ва пул «баҳоси» шаклланади. Пул бозорида пул товарга ўхшаб «сотилмайди» ва «сотиб олинмайди». Айнан шу хусусияти билан пул бозори бошқа бозорлардан тубдан фарқ қилади. Пул бозорида пул номинал фоиз нормаси бирлигига эга бўлган муқобил ликвид восита билан алмашинади (2-график).

Графикдан кўриниб турибдики, таклиф чизиғи (S_m) вертикал тўғри чизиқ шаклига эга. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банк муомаладаги пул массасини назорат қилувчи орган сифатида фоиз ставкасининг ўзгариб туришидан қатъий назар пул таклифини ўзгармас даражада ушлаб туришга ҳаракат қилади. Ҳар қандай турдаги бозорга ўхшаб пул бозорида ҳам талаб ва таклиф чизиғи бир-бири билан кесишади. Графикимизда бу кесишиш нуқтаси E билан белгиланган бўлиб, аҳоли ва фирмалар фоиз ставкаси фақат 6,9 % бўлган тақдирдагина ўз ихтиёрларида 150 млн. сўмлик пулни сақлаб туришлари мумкин.

Фоиз ставкаси нисбатан паст бўлган ҳолларда улар ўз портфелларидаги пуллар миқдорини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар ва шу орқали қимматли қоғозлар баҳосини пасайтиришга, фоиз ставкасини оширишга интилиб, пул бозорида пулга бўлган талаб ва таклиф мувозанатига эришадилар ва аксинча.

Номинал фоиз ставкаси %



2-график. Пулга талаб ва таклифнинг типик эгри чизиғи.

Бу ерда:

D_m – пулга бўлган талабнинг эгри чизиги;

S_m – муомаладаги пул массаси (таклиф);

E – пулга талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтаси.

[49]. Муомаладаги пул массасининг кенгайишини икки босқичдан иборат жараён деб тасаввур қилиш мумкин:

– пул массасининг бирламчи ҳосил бўлиши. У Марказий банкнинг давлат органлари ва банк тизими олдидаги мажбуриятлари ортиши натижасида юз беради;

– пул массасининг депозит банкларда иккиламчи ўсиши. Бунга ушбу банкларда депонентда сақланаётган маблагларни «мультипликациялаш» йўли билан эришилади. Натижада ушбу маблаглардан берилган кредитнинг бир қисми қарздор томонидан фойдаланиб бўлинганидан кейин янги омонатлар тарзида депозит банкларга қайтади ва улар яна қарзга берилиши мумкин.

Пул мультипликатори – бу пул базасининг бир пул бирлигига кўпайиши туфайли (келиб чиққан) пул таклиф қилишнинг ўсишини ифодалайдиган коэффициентдир.

Буни қуйидагича ифодалаш мумкин: $T = \frac{ПБ}{M}$

Бу ерда:

T – пул мультипликатори;

$$ПБ = MO + BR$$

$ПБ$ – пул базаси (Марказий банк активи);

MO – банклардан ташқари очиқ бозорда муомаладаги пул маблаглари;

BR – банк захиралари;

$$M = MO + D$$

M – жами пул массаси;

D – омонатлар.

Агар пул мультипликаторининг миқдори ҳисоблаб чиқилса, пул базаси ўзгарганида пул массаси қанча ўзгаришини аниқлаш имкони туғилади. Бошқача қилиб айтганда, агар пул базасининг ва мультипликаторнинг ўзгаришлари маълум бўлса, жами пул массаси ва унинг агрегатларини башоратлаш имконияти вужудга келади.

Ҳозирги иқтисодиётда захира пуллар (BR)нинг ўзгариши билан пул мультипликатори (m) ўртасида кучли тесқари алоқа мавжуд. Масалан, очиқ бозорда муомаладаги нақд пулларни кўпайтиришга

(яъни, пул базаси ҳажмини ўстиришга) қаратилган операция кўпчилик ҳолларда бир қатор асосий фоииз ставкаларининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида:

- ортиқча захиралар даражасига;
- муддатли депозитлар билан талаб қилиб олинadиган депозитлар ўртасидаги нисбатга;
- пул муомаласи даражасига;
- пул мультипликаторига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда 90-йилларнинг биринчи ярмида вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш, тижорат банкларининг пул массаси кўпайишига таъсири ҳали жуда оз бўлганини кўрсатди.

Республика тижорат банклари жалб қилинаётган ресурсларнинг айланиш тезлигини етарлича таъминлашади. Бу ҳол пул мультипликатори қийматининг пастлиги билан тасдиқланади, у:

1994 йил бошидан то июлигача: $m = 1,4$ га;

2001 йилнинг ноябригача: $m = 1,7$ га;

1995 йилда пул мультипликатори: $m = 1,5$ доирасидан чиқмади.

Бундай паст мультипликация самараси маълум даражада кредитнинг юқори даражаси, кредитларнинг қайтиб келишининг суствлиги, аҳолининг нақд пулни афзал кўриши билан изоҳланади. Бу ҳол мазкур даврда муомаладаги пул массасининг Марказий банк томонидан вужудга келтирилганидан (яъни эмиссия қилинганидан) далолат беради.


Пул мультипликатори концепцияси пул базасининг қудратли кучга эга пул эканига катъий ишонтиради. Пул базаси (ПБ) билан пул массаси (М) ўртасидаги мультипликация алоқаси Марказий банкнинг пул массасини тақлиф қилиш жараёнига қай тарзда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунишга шароит яратади.

Марказий банк пул базасини аниқловчи асосий ташкилотлардан биридир. Шу билан бирга, у маълум мақсадларга мувофиқ пул базасининг миқдори ёки мультипликаторнинг миқдорига ёхуд бирга олинган иккала кўрсаткичга таъсир этиши мумкин.


Айни вақтда бозор иқтисодиётида Марказий банк **пул базасининг** миқдорини тўлиқ назорат қила олмайди ва бошқара олмайди. Тижорат банкларининг (Марказий банкдан кредит олиш), давлатнинг (ижтимоий сиёсат, товон тўлаш, солиқ сиёсати) ва аҳолининг (пулларнинг кириб келиши ва чет элга чиқиб кетиши), хатти-ҳаракатлари **пул базасининг** ўзгариши устидан тўлиқ назорат ўрнатишда маълум қийинчиликларни туғдиради.

Мультипликатор хусусида ҳам шуни айтиш зарурки, нақд пуллар коэффицентлари, ортиқча захира меъёрлари ва бошқа таркибий қисмлар аҳоли ҳамда тижорат банкларининг психологияси билан хатти-ҳаракатлари таъсирида ўзгариб туради: пул мультипликаторининг миқдори банкларнинг (захира меъёрлари орқали), шунингдек, банкдан ташқари соҳа ҳаракатига (нақд пуллар ва коэффицентлари орқали) боғлиқ.

[50]. Пул-кредит сиёсати иқтисодий пасайиш даврида харажатларни рағбатлантириш учун пул таклиф қилишнинг кўпайишига, инфляция даврида эса, аксинча, харажатларни чеклаш учун пул таклиф қилишнинг чекланишига олиб келиши зарур. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:



Конъюнктура жонланган, иш билан бандлик ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсган шароитда пулга талаб ошиши муносабати билан Марказий банк «арзон пуллар» сиёсатини ёки пул-кредит сиёсатида экспансияни қўллайди.



Бунда одатда:

- кредитлаш кўлами кенгаяди;
- муомаладаги пул миқдорининг ўсиши устидан назорат сусаяди;
- солиқ ставкалари қисқаради;
- фоиз ставкалари даражаси пасаяди.

Пул таклиф қилишнинг кўпайиши учун Марказий банк тижорат банкларидаги ортиқча захираларнинг ўсиши ҳақида қайғуриши керак. Бундай ҳолда қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилмоғи керак?

Биринчидан, очик бозорда қимматли қоғозларни сотиб олиш операцияларини кенгайтириш зарур;

Иккинчидан, захиралаш нормасини шундай пасайтириш керакки, бу ҳол ўз-ўзидан зарур захираларни ортиқча захиралар ҳолатига ўтказадн ва пул мультипликаторининг миқдорини кўпайтиради;

Учинчидан, тижорат банкларини Марказий банкдан қарз олиш воситасида ўз захираларини кўпайтиришга ундаш учун ҳисоб ставкасини пасайтириш муҳимдир.

Марказий банк томонидан қўлланиладиган бундай сиёсий қарорлар туркуми **арзон пуллар сиёсати** деб аталади. Бу сиёсатни амалга оширишдан мақсад жами харажатлар ҳажмини ва иш билан бандликни кўпайтириш учун кредитни арзон ва осон олиш мумкин бўладиган қилиб қўйишдан иборат.


Иқтисодиётдаги номутаносибликлар кучайиб, инфляция даражаси юкори бўлган, чайқовчилик кенгайган бир шароитда Марказий банк пул массасини чегаралаш ёрдамида конъюнктурани «қизиб кетиши»нинг олдини олишга ҳаракат қилади. Бунда Марказий банк қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

– тижорат банкларининг захираларини қирқиш йўли билан пул массасини қисқартириш учун очиқ бозорда тижорат банклари ва аҳолига давлат қимматли қоғозларини сотиш бўйича операциялар кенгайтирилади;

– тижорат банкларини ортикча захиралардан ўз-ўзидан озод қилиш ҳамда пул мультипликаторини камайтириш мақсадида захира-лаш меъёри оширилади;

– тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш воситасида ўз захираларини кўпайтиришга бўлган қизиқишни камайтириш мақсадида ҳисоб ставкалари кўпайтирилади.

Марказий банк томонидан қўриладиган бу чора-тадбирлар жами **«қиммат пуллар»** сиёсати ёки пул-кредит сиёсатининг рестрикцион тури деб аталади.



Бундай сиёсат тижорат банклари амалга оширадиган кредит операциялари шартларини қийинлаштиришга ва ҳажмларини чеклашга қаратилган. Уни амалга ошириш:

- солиқларнинг оширилишини;
- давлат харажатларининг қисқартирилишини;
- инфляцияни жиловлашга;
- бир қанча ҳолларда эса тўлов балансини соғломлаштиришга қаратилган бошқа тадбирларни ўз ичига олади.

Рестрикцион сиёсат инфляцияга қарши кураш мақсадларида фой-

даланишга қаратилган бўлиши ва амалий фаолликнинг даврий ўзгаришларини бараварлаштиришга қаратилиши мумкин.

[51]. Рестрикцион ва экспансион турдаги пул-кредит сиёсати ялпи ёки селектив тусда бўлиши мумкин.

Ялпи пул-кредит сиёсатида Марказий банкнинг тадбирлари банк тизимининг барча муассасаларини камраб олади. **Селектив пул-кредит сиёсатида** эса муайян кредит муассасаларини ёки уларнинг гуруҳларини, ё бўлмаса банк фаолиятининг муайян турларини камраб олади.

Селектив пул-кредит сиёсати Марказий банкка маълум йўналишда танлаб таъсир кўрсатиш имконини беради. Бу сиёсат амалга оширилганида қуйидаги воситалар тўпламидан ёки уларнинг хилма-хил уйғунлашувидан фойдаланилади:

– ҳисоб ва қайта ҳисоб операциялари лимитларини (масалан, тармоқлар, минтақалар ва ҳ.к. бўйича) жорий қилиш;

– банк операцияларининг (улар гуруҳларининг) айрим турларини лимитлаш;

– турли молия-кредит операцияларини амалга оширганда маржанинг энг юқори даражасини белгилаш;

– қарз олувчиларнинг ҳар хил тоифаларига айрим турдаги қарзларни бериш шартларини чегаралаб қўйиш;

– кредитнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва ҳ.к.

Ўзбекистонда 1994-1996 йилларда умумий турдаги воситалардан ҳам (масалан, тижорат банклари мажбуриятлари бўйича 30 фоиз захира талаблари), шунингдек, селектив турдаги воситалардан ҳам (масалан, кредитлар бўйича қайта молиялаш воситасининг энг юқори 50 фоизлик маржасини белгилаш) фойдаланилди.

Марказий банк ўтказиладиган пул-кредит сиёсати тартибга солишни амалга оширишнинг турини, шунга мувофиқ эса тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш воситалари туркумини танлаб олар экан, ҳар бир алоҳида ҳужалик конъюнктурасининг ҳолатини ҳисобга олади. Ана шундай танлаб олиш асосида ишлаб чиқилган пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари албатта қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланади.

[52]. **Олтин андозаси (стандарти)** – бу пул тизими бўлиб, унда олтин умумий эквивалент ролини ўйнайди ва эркин зарб қилинадиган олтин тангалар ёки олтинга алмаштириладиган қиймат белгилари муомалада бўлади.

Олтин андозаси (стандарти) қуйидаги бешта иктисодий ҳолатнинг намоён бўлишини англатади:

1. Олтин тангалар муомалада бемалол ҳаракатда бўлади.
2. Пулнинг барча вазифаларини олтин бажара олади.
3. Олтин тангалар эркин зарб этилади.
4. Қиймат белгилари олтинга бемалол алмаштирилади.
5. Жисмоний шахслар ва давлатлар ўртасида олтин чекланмаган миқдорда ҳаракат қила олади.

1976 йил 1 январдан бошлаб Халқаро валюта фонди томонидан олтиннинг қатъий белгиланган жаҳон баҳоси бекор қилинди. Унгача тўла қийматга эга олтин тангалар ҳақиқий муомалада бўлар, қоғоз пуллар чиқариш эса Марказий банк ёки хазинадаги марказлаштирилган олтин захирасининг миқдори билан қонуниан боғлаб қўйилган эди.

Олтин андоза шароитида пул муомаласини тартибга солиш тизими ўзининг анча кам ҳаракатлилиги ва мосланувчан эмаслиги билан ажралиб турар эди. Пул чиқариш жараёни мамлакат аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пулга бўлган объектив эҳтиёжи билан эмас, мамлакатга нодир металларнинг келиш ёки мамлакатдан чиқиб кетиши билан механик тарзда белгиланар эди.

Олтин стандарт механизмининг амал қилиши халқ хўжалигида пулнинг етишмаслигини кучайтирар эди, чунки танглик даврида мамлакатдан олтиннинг чиқиб кетиши пул эмиссиясига эҳтиёж энг юқори нуктага чиққан айни вақтда муқаррар суръатда кескин қисқаришига олиб келар эди.

Шунга қарамай, олтин андоза давридаги пул тизими миллий пул бирлигининг барқарорлигини ўз-ўзидан таъминлаб турганлигини қайд этиш керак. Бу барқарорлик қуйидагича таъминланар эди:

Олтин андоза олтиннинг барқарор ва қатъий белгилаб қўйилган нархини тақозо этади. Агар пул белгиларининг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетган бўлса, бироқ олтиннинг нархи белгилаб қўйилган даражада қолаверса, мижозлар учун «ортиқча» пулга хазинадан нисбатан арзонлашган олтинни сотиб олиш фойдали эди ва шу тариқа хазина ортиқча пул белгиларини муомаладан чиқариб олар эди.

Аксинча, пул белгиларининг сони ҳаддан ташқари камайиб, улар нормал хўжалик обороти учун етарли бўлмай қолганида олтиннинг нархи ошар ва одамлар хазинага ўзларининг қимматлашган олтинларини сотар эдилар.

1976-1978 йилларда Ямайкада тўртинчи жаҳон валюта тизимини юзага келтириш мақсадида ўтказилган давлатлараро келишувга асосан олтинни демонетизация қилиш, яъни унинг пулнинг барча вазифаларини бажаришдан маҳрум этишга қарор қилинди. Унинг ўрнини Мар-

казий банкларнинг пул сиёсати тамойилларига асосланган мураккаб ва кўп босқичли «пулни бошқариш» тизими эгаллади.

[53]. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасида валютани тартибга солиш хусусида қуйидагилар ёзилган.

Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир. Марказий банк:

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар чиқаради;

– банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валюта-сида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

– банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;

– миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради.

Марказий банк ўз номидан ёки ҳукумат топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси номидан чет элда жойлашган клиринг (товарлар, қимматли қоғозлар, хизматлар учун ўзаро мажбурият талабларини, яъни бир-бирига берадиган пулларни ҳисобга олиш билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими) муассасалари билан клиринг ҳамда тўлов битимлари, шунингдек, ҳар қандай шартномалар тузишга ҳақлидир (41-модда).

Марказий банк ўзининг баланс ҳисобварақларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради. Бу резервлар қуйидагиларни:

– олтин ва бошқа қимматбаҳо металларни;

– нақд чет эл валютасини;

– чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотларида ҳисобварақлар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси қолдиқларини;

– чет эл ҳукуматлари, банклари ва халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки кафолатлаган чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг ташқарисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ҳам-

да халқаро амалиётга мувофиқ чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир (43-модда).

2.5. Марказий банкнинг назорат функцияси

[54]. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 50-моддасида банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга доир қуйидаги вазифалар белгиланган:

– Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

– Марказий банк банкларни рўйхатга олади ва уларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензиялар бериш учун ҳақ олинади;

– Марказий банк банкларни давлат рўйхатига олиш дафтарларини юритади. Банкларнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши лозим.

Назоратни ташкил қилиш мамлакатнинг қонунчилик базасига ва халқаро банк ташкилотларининг тавсияларига асосланади.

[55]. – [27] га қаранг.

[56]. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 52-моддасида банклар учун мажбурий бўлган қуйидаги иқтисодий нормативларни қўллаш таъкидланган:

- капиталнинг етарлилик коэффициентини;
- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;
- ликвидлик коэффициентларини;
- активларни тавсифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек, бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;
- қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқиш ва уларни банк даромадлари ҳисоб варағига киритишга доир талабларни;
- очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади.

[57]. – [28] га қаранг.

[58]. Банклар фаолиятини назорат қилишнинг бир қанча турлари мавжуд (17-чизма).



17-чизма. Банклар фаолиятини назорат қилиш турлари.

Давлат назорати банклар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амалдаги тизими билан белгиланади. Ҳамма кредит муассасалари ва банклар, шу жумладан, Марказий банк ҳам қонунлар доирасида иш олиб боради. Банк назоратининг ташкилий тузилмалари жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Буюк Британия, Италия, Нидерландия, Россия каби мамлакатларда назоратни миллий марказий банклар амалга оширади.

Германия, АҚШ ва Японияда аралаш тизим мавжуд бўлиб, бунда марказий банклар назорат вазифаларини давлат органлари билан бўлишиб олган. Ўзбекистонда назорат органи вазифаларини кредит муассасаларни текшириш юзасидан тасдиқланган қондалар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва бошқариш департаменти бажармоқда.

Идоравий назорат Банк Бошқаруви, ички аудит ходимлари томонидан амалга оширилади. Идоравий назоратнинг вазифалари, мақсад ва чегаралари тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган.

Мустақил назорат – бу идоралардан ташқари мустақил ташкилотлар, яъни аудиторлик фирмалари томонидан амалга ошириладиган назоратдир. Тижорат банклари ишончлиликни ошириш ҳамда ўз ишларининг сифатли бўлишини таъминлаш учун ички банк назоратини, ёки ички аудитни ташкил этади ва амалга оширади. Ташқи аудит амалга оширилган вақтда ички назорат тизимининг мавжудлиги ва унинг нақадар самарали иш олиб бораётгани албатта текширилади.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишнинг ҳамма турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, унинг мақсад ва вазифалари тижорат банклари ва умуман бутун банк тизими фаолиятини барқарор ва безарар бўлишини таъминлашдан иборат.

[59]. Банк назоратини амалга ошириш мамлакатнинг қонунчилик базасига ва халқаро банк ташкилотларининг тавсияларига асос-

ланади. Қуйидагилар текширув объекти ҳисобланади:

- назорат қилиниши керак бўлган муассасалар турлари;
- банк операцияларини амалга оширишга лицензиялар бериш;
- бухгалтерлик ҳисоби, банк ва статистика ҳисоботининг андоза (стандарт) лари;
- банк фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияларни бекор қилиш ёки банк операцияларини чегаралаш тартиби;
- аудиторлик текширувларининг мажбурийлиги;
- банкни бошқариш бўйича муваккът маъмуриятни тайинлаш тартиби;
- банкни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш.


Назорат органининг асосий вазифаси келажакда банк ишида муаммолар вужудга келиш эҳтимолини аниқлашдан иборат. Назорат органлари ўз ваколатларини банк фаолиятига:

- лицензиялар бериш;
- бажарилган операциялар доирасини чеклаш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- ишлаб турган банклар устидан назоратни амалга ошириш жараёнида рўёбга чиқариши мумкин.

Банк фаолияти учун лицензиялар бериш чоғида устав капитали тўғри ташкил этилганлиги ва унинг манбалари, унинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади, банк бажаришни назарда тутаетган бўлажак операциялар доираси, шунингдек, банкнинг мақсади, вазифалари ва стратегияси аниқланади.

Банкларнинг иқтисодий нормативларга риоя қилиши устидан назоратни назорат органлари тақдим этилаётган ҳисоботларни таҳлил қилиш орқали амалга оширади. Белгилаб қўйилган нормативларга риоя қилинмаганда назорат органлари иқтисодий жазо чораларини қўллайдди.

Назорат органлари тижорат банклари фаолияти устидан назоратни жойларда текширув ишларини ташкил этиш йўли билан олиб боради. Текширувлар икки хил бўлиши мумкин (18-чизма).




18-чизма. Банкларни текшириш усуллари.

Комплекс текширув кўпи билан 30 кун муддатда амалга оширилади ва банкнинг барча асосий операцияларини, операция кунининг ўз вақтида тугалланишини ҳамда кундалик баланснинг тузилишини назарда тутаяди, ҳамма тижорат банклари икки йилда камида бир марта комплекс текширувдан ўтказилиши шарт.

Танлаб текшириш 15 кунгача муддат билан чекланган ва у банк фаолиятининг айрим (одатда, тартиббузарлик эҳтимол кўпроқ кутилган) соҳаларини қамраб олади. Текширув натижалари бўйича далолатнома 3 нусхада тузилиб, уларнинг ҳар бирини текширув раҳбари, текширилаётган банкнинг раҳбари ва бош бухгалтери ҳамда бошқа мансабдор шахслар имзолайди. Далолатнома нусхаларидан бири текширилаётган банк раҳбариятига топширилади.

Банкнинг мажбурий-иктисодий нормативларга риоя этиши амалдаги қонун ҳужжатлари ва иктисодий нормативларни ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақидаги кўрсатмалар асосида текширилади. Банклар фаолиятига қўйиладиган ягона талабларнинг мавжудлиги алоҳида олинган ҳар бир банкнинг ҳам, бутун банк тизимининг ҳам барқарор ва қатъий ишлаши учун шароит яратиб бериш имконини туғдиради.

[60]. Банкнинг кредит портфели қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича баланс ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқларидан ташкил топади. Бу мажмуа ўзининг мутлақ ва нисбий, яъни миқдорий ва сифат томонларига эга (19-чизма).



19-чизма. Банк кредит портфели миқдор ва сифат жиҳатлари.

Кредит портфелининг сифат жиҳатларидан банкнинг кредитларни қайтариб беришни таъминлашни баҳолаш ҳамда кредит таваккалчилигининг, яъни кредит бўйича асосий қарз суммаси ва улар бўйича фойзаларнинг қайтарилмаслигини қисқартиришни таъминлашни баҳолаш учун фойдаланилади.

Кредитни қайтариб беришни таъминлаш:

- маълум бир банкда кредит жараёнини ташкил этишга;
- қарз бериш ва уни узиш тартибига риоя қилишга;
- муддати узайтирилган ҳамда муддатда қайтарилмаган қарзларни ҳисобда тўғри акс эттиришга;
- банкнинг таҳлил ишига ҳамда қарзларнинг таснифлашнинг тўғрилигига;
- қарзлар бўйича кўриладиган зарарни коплашда фойдаланиладиган захиралар миқдорига;
- банклараро кредитлар бўйича ва марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича операцияларнинг қонунийлигига боғлиқ бўлади.

Банк назоратининг вазифаси ана шу қайд этилган йўналишларни текширишдан ҳамда ҳисоботларни тасдиқлашдан иборат.

Назорат органлари амалга оширган текшириш натижасида банк кредит портфелининг сифати ва банк кредит таваккалчилигининг миқдори тасдиқланмоғи керак. Бу миқдор (захира) етарли бўлмаса, улар уни ташкил этиш манбаларини кўриб чиқиб, тижорат банкига тегишли тавсиялар беради.

Кредит таваккалчилиги кредит бериш чоғида банк берган ҳар бир қарз бўйича ва ҳар бир ҳисобот бўйича баҳоланади.

[61]. Кредит деганда пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарз бериш тушунилади.

Қарзга маблағ (кредит) берувчи томон **кредитор** (давлат, корхона, банк, хусусий шахс ва б.), ссуда (қарз) олувчи томон эса **дебитор** (қарздор) дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади.

Кредитлар муддати бўйича икки хил бўлади:

қисқа муддатли (1-йилгача, айрим ҳолларда 2-йилгача);
узоқ муддатли.

Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қилади.

Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади. Амалиётда кредитнинг қуйидаги турлари мавжуд (6-жадвал).

Кредит турлари

№	Кредит турлари	Изох
1	2	3
1.	Бланк (расмий қоғоз) кредити	• бу таъминот манбаи бўлмаган кредит.
2.	Давлат кредити	• аҳолига сотиладиган давлат заёмлари, облигациялари билан амалга оширилади. Бунда давлат жисмоний ёки юридик шахслардан кредит олади.
3.	Истеъмол кредити	• аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам кассаси қарзлари ва б. кўринишларда бериладиган кредит.
4.	Кафолатли кредит	• банклар ёки ҳукумат органлари кафолати билан берилган кредитлар.
5.	Молия кредити	• тижорат кредити шакли; экспортёрларга айрим кредит битимлари бўйича импортёрларга сотиб оладиган товарларига тўлаши учун пул кўринишида бўлади.
6.	Товар кредити	• тижорат кредити шакли; экспортёрлар импортёрларга етказиб берилган товарлар учун тўловлар муддатини чўзиб беради.
7.	Қоплама кредит	• қарзни узишда пул (валюта) ўрнига олинган қарз ҳисобига қўрилган корхона махсулотлари берилади.
8.	Халқаро кредит	• муддатли, кайтимли ва фоиз тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган кредит, шунингдек, чет эл облигациялари, чет эл корхоналари акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига фойда олиш максаларида капитал кўйиш.
9.	Таъминлаган кредит	• реал қиймати қарзга тенг ёки ундан ортиқ бўлган ликвид гарови тарзидаги таъминотга эга ёки банк ёхуд ҳукуматнинг кафолатига эга ё белгиланган тартибда суғурталаб қўйилган кредит.
10.	Етарли даражада таъминланмаган кредит	• қисмаи таъминотга эга (қиймати жиҳатдан қарзнинг камида 60 фоизи миқдориди), лекин унинг реал қиймати ёки реализацияси шубҳали бўлган кредит.

11.	Таъминланмаган кредит	<ul style="list-style-type: none"> • таъминотга эга бўлмаган ёки таъминотнинг реал киймати қарз миқдорининг 60 фоизидан кам бўлган кредит.
12.	Андоза (стандарт) кредит	<ul style="list-style-type: none"> • биринчи гуруҳ таваккалчилиги жумласига кирадиган қарзлар бўйича асосий қарз, шу жумладан белгиланган тартибда муддати узайтирилган, лекин кўпи билан икки марта узайтирилган, шунингдек, 30 кунгача муддати ўтказиб юборилган таъминланган қарзлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланади. Тижорат банклари стандарт қарзлар учун эҳтимолдаги йўқотишларни назарда тутиб берилган қарзлар миқдорининг камида 2 фоизи миқдорида захира ташкил этишлари шарт.
13.	Ностандарт кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> • иккинчи гуруҳ таваккалчилиги жумласига 30 кунгача муддати ўтказиб юборилган етарли даражада таъминланмаган қарзлар, шунингдек, 30 кундан 60 кунгача муддати ўтказиб юборилган таъминланган тижорат банклари андоза қарзлар учун эҳтимолдаги йўқотишларни назарда тутиб, берилган қарзлар миқдорининг камида 5 фоизи миқдорида захира ташкил этишлари шарт.
14.	«Шубҳали кредитлар»	<ul style="list-style-type: none"> • учинчи таваккалчилик гуруҳига 30 кунгача муддати кечиктириб юборилган етарли даражада таъминланмаган қарзлар, 30 кундан 60 кунгача кечиктириб юборилган етарли даражада таъминланмаган қарзлар учун эҳтимолдаги йўқотишларни назарда тутиб, берилган қарзлар миқдорининг камида 30 фоиз миқдорида захира ташкил этишлари шарт.
15.	«Хавфли кредит»	<ul style="list-style-type: none"> • тўртинчи таваккалчилик гуруҳига 30 кундан 60 кунгача кечиктириб юборилган таъминланмаган қарзлар, шунингдек, 60 кундан 180 кунгача муддати кечиктириб юборилган етарли даражада таъминланмаган қарзлар киреди. Тижорат банклари стандарт қарзлар учун эҳтимолдаги йўқотишларни назарда тутиб, берилган қарзлар миқдорининг камида 75 фоизи миқдорида захира ташкил этишлари шарт.
16.	«Умидсиз кредит»	<ul style="list-style-type: none"> • бешинчи таваккалчилик гуруҳига 60 кундан 180 кунгача муддати ўтказиб юборилган таъминланмаган қарзлар ва 180 кундан ортиқ муддати ўтказиб юборилган барча қарзлар киреди. Тижорат банклари бундай қарзлар учун эҳтимолдаги йўқотишларни назарда тутиб, берилган қарзлар миқдорининг камида 100 фоизи миқдорида захира ташкил этишлари шарт.

Кредитни кредит таваккалчилигининг у ёки бу гуруҳига кири-
тиш тартиби қарз олувчининг:

доимий даромади борлигини;

ёшини;

саломатлигини;

илгари олган мажбуриятларини қандай бажарганлигини;

гаров (кафолат)нинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда белги-
ланади.

[62]. Назорат органлари томонидан тижорат банкларида бух-
галтерия ҳисобининг қуйидаги жиҳатлари текширилади:

– нореал (ишонарли бўлмаган) активлар ва пассивларни аниқлаш,
банк балансининг реаллиги ва ишончилигини тасдиқлаш;

– бухгалтерия ҳисоби ҳолатини, унинг ташкил этилишини тижор-
рат банкларининг амалдаги меъёрий низомларига мувофиқлигини тек-
шириш;

– иқтисодий нормативлар ҳисобининг тўғри чиқарганлигини тек-
шириш;

– хўжалик-молиявий фаолиятни таҳлил қилиш ва маслаҳат бериш.

Шунга мувофиқ банк менежментининг сифати, активлар ва пассив-
ларни бошқариш сифати текширилади.

Банк назорати органлари узоқ муддат кечиктириб юборилган
қарзларни ва улар юзасидан ёзилган фоизларни банкнинг нореал
активлар ва пассивлари деб ҳисоблаб, уларни баланс ҳисобидан
чиқариш ҳақидаги талабларни асосли равишда қўйишлари керак.

Текширувчилар, одатда, тижорат банки ходимларига маслаҳат-
лар беради ва уларга банк балансларини қарз операциялари ҳамда
фоиз даромадларини ҳисобга олиш жиҳатдан ишонарли ва реал қи-
ладиган ички йўриқномаларни тузишда ёрдам беради.

[63]. Даромадларни шакллантириш ва чиқимларни харажатга
ўтказишни амалга оширганда тижорат банклари маълум меъёрий ва
йўриқнома ҳужжатларга асосланади. Даромадларни шакллантириш ва
амалга ошириш бўйича операциялар банкнинг ички операциялари жум-
ласига киради ва бу операциялар тўғри амалга оширилганлигини тас-
диқлайдиган ҳужжатлар алоҳида йиғма жилдларда сақланади.

Фоиз ставкаси тижорат битимининг мақсади бўлиб, мижоз би-
лан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномасида қайд этилади.
Фоиз ставкаларининг миқдори, уларни ёзиш тартиби, даври, кўшиш
муддатлари ҳамда ундириб олиш тартиби тарафларнинг келишуви
билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш керакки, агар тижорат банки даромадининг 90 фоизини ўз бухгалтериясининг фармойиши асосида шакллантирадиган бўлса, у корпоратив одоб коидаларини бузган ва бундай ҳаракатлар ноқонуний деб ҳисобланади.

Банк назорати органлари ҳисоботда тўғри акс эттирилишини ва тасдиқланишини текшириш юзасидан олиб борадиган асосий иши куйидаги даромадларнинг ҳамма суммасини банк фойдасига тўғри ўтказилганлигини текширишдан иборат:

- акциялар;
- облигациялар;
- банкка қарашли бошқа қимматли қоғозлар бўйича олинган дивидендлар ва фоизлар;
- бошқа банклар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида улуш кўшиб қатнашишдан олинган даромадлар.

Марказий банкнинг услубий материалларида кўрсатилган харажатлар ва чиқимлар тижорат банклари фаолиятларининг бевосита молиявий натижалари жумласига киради. Банк назорати органлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши банк оладиган фойда ҳисобидан қопланиши керак бўлган харажатларнинг банк хизматлари таннархига киритилган харажатларга ўтказиш ҳолларининг олдини олишдан иборатдир.

Тижорат банкни солиққа тортиш ҳолатини текшириш олдида куйидаги вазифалар туради:

- банклар олган даромадларнинг тўғрилигини тасдиқлаш;
- банк хизматлари таннархига киритиладиган ҳамда солиқда солиқ тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган харажатларнинг тўғрилигини тасдиқлаш;
- солиққа тортгунига қадар фойда суммасининг, молиявий натижаларга киритиладиган даромадлар ва харажатларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилганлигини тасдиқлаш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаб бўлинганидан кейин банк томонидан фойда ҳисобидан қилинган харажатларнинг тўғрилигини тасдиқлаш;
- солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш муддатларининг тўғрилигини текшириш.

2.6. Марказий банкнинг молиявий аҳволи

[64]. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг II-қисми «Банкнинг молиявий аҳволи» деб аталиб, унда

10-14 моддалар ўз аксини топган. 10-моддада «Марказий банкнинг устав капитали» тўғрисида куйидагилар ёзилган:

Марказий банкнинг устав капитали миқдори 2 миллиард сўмдан иборат. Бу миқдор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ оширилади. Марказий банкнинг устав капитали бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

Бу устав капитали Низом жамғармаси деб юритилиб, у фақатгина Марказий банкнинг ўз фаолияти учун ишлатилиши мумкин. Марказий банк Низом жамғармасини хорижий давлат валютасида ҳам тузиши мумкин.

Низом жамғармасидан ташқари Марказий банк турли мақсадларга мўлжалланган жамғармалар ташкил қилади, уларни ўз Низомига асосан бошқаради ва улардан фойдаланади. Бу жамғармаларнинг манбаи бўлиб Марказий банкнинг олаётган фойдаси ҳисобланади.

Марказий банкнинг кредит ресурслари куйидагилардан ташкил топади:

Марказий банк устави;

захира ва бошқа ғамламалар;

тижорат банклари томонидан мажбурий ўтказилган ажратмалардан ташқари қўшимча равишда ўтказилган омонатлари;

бошқа мамлакат банклари ва ҳукуматларининг омонатлари;

Марказий банк уставига кўзда тутилган бошқа маблағлар.

[65]. Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун:

ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш заҳиралари шакллантирилгандан сўнг;

умумий қабул қилинган бухгалтерлик амалиётига мувофиқ амалда барча даромадлар ва чиқимлар ҳисобланганидан, шунингдек, активлар ва пассивлар баҳоланганидан сўнг аниқланади.

Марказий банкнинг фойдаси Бошқарув белгилаган тартибда, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда тақсимланади. Бошқарувнинг қарорига мувофиқ аниқ мақсадли турли жамғармалар ва фондлар шакллантирилиши мумкин.

Фондлар ва мажбурий ғамламалар белгиланган тартибда тўлдирилганидан кейин фойданинг қолган қисми республика бюджети даромадига йўналтирилади.

Йиллик ҳисобот кўриб чиқилмагунча фойданинг республика бюджетига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Марказий банк ва унинг муассасалари соликлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлардан озод қилинади (12-модда)

Марказий банкнинг ҳисобот даври 1 январь - 31 декабрь қилиб белгиланади. Йиллик ҳисобот 15 майдан кечиктирилмай, Олий Мажлис кўриб чиқиши учун тақдим этилади (13-модда).

Марказий банкда аудиторлик текшируви мустақил аудитор ташкилотлар томонидан ҳар йили ўтказилади (14-модда)

[66]. Банк томонидан кўрсатилган хизмат турлари, уларнинг ҳажми банкнинг молиявий ҳисоботида ўз аксини топади. Банк бошқарувчиси, мижозлар (айниқса, депозитлари сугурталанмаган йирик мижозлар) назорат ва мувофиқлаштирувчи ташкилотлар вакиллари энг аввало икки турдаги молиявий ҳисобот кизиқтиради:

- молиявий баланс (молиявий ҳолат бўйича ҳисобот);
- даромад, харажат ва фойда тўғрисида ҳисобот.

Молиявий ҳолат бўйича ҳисоботда пул маблағларининг ҳажми ва манбаларининг таркиби батафсил кўрсатилади. Улар молиявий оқимлар кирими ҳисобланади. Бу маблағлар банк томонидан инвестицион фаолиятни ҳамда кредитга бўлган ўзининг эҳтиёжларини молиялаш учун ишлатилади. Шунингдек, уларнинг бир қисми кредит бериш ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун сарфланади (молиявий оқимлар чиқими). Бу баланс ва ҳисобот куйидаги кўринишга эга (20-чизма).

Жалб қилинадиган молиявий омиллар ва даромад, харажат, фойда бўйича молиявий фаолият натижалари банк фаолияти учун ишлатилган депозитлар ва бошқа маблағлардан қай даражада фойдаланганлигини ифодалайди. Харажатлар қисмига омонатчиларга ва банкнинг бошқа кредиторларига тўланадиган фоизлар, иш ҳақи бўйича тўловлар, бино ва ускуналарни сотиб олиш, улардан, шунингдек, давлат хизматларидан фойдаланганлиги учун тўловлар қиради. Даромад, харажат ва фойда бўйича ҳисоботда кенг оммага кўрсатилган банк хизмати, лизинг операциялари, мижозларга кредит берилгани ва депозит хизматлари учун тушган даромадлар ёритилади.

Ва ниҳоят, бу ҳисоботда банкнинг соф даромадлари тўғрисида маълумот ҳам келтирилади.

Баланс (молиявий ҳолат бўйича ҳисобот)	
Актив ёки маблағлардан фойдаланиш (молиявий оқимлар чиқими)	Маблағлар манбаи ёки мажбуриятлар плус ҳиссадор капитали (молиявий оқимлар кирими)
<ul style="list-style-type: none"> • кредит ва ижара тўлови; • қимматли коғозларга инвестиция қилиш; • нақд пул ва бошқа институтлардаги депозитлар 	<ul style="list-style-type: none"> • хусусий шахслар депозитлари; • нодепозитив мажбуриятлар; • ҳиссадорлар капитали
<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; display: inline-block;"> Активлар = мажбуриятлар (пассивлар) + хиссадорлар капитали </div> <p>Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот</p>	
Молиявий фаолият натижалари (маблағлар ва бошқа ресурслардан фойдаланиш эвазига олинган даромадлар)	Жалб қилинадиган молиявий омиллар (хизматлар бажариш учун банкка зарур бўлган маблағлар ва бошқа ресурсларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар)
<ul style="list-style-type: none"> • Кредит операцияларидан тушган даромад; • Қимматли коғозлардан тушган даромад; • Бошқа институтлардаги депозитлардан тушган даромад; • Иккинчи даражали хизматлардан тушган даромад 	<ul style="list-style-type: none"> • Депозитлар бўйича фоизлар тўлови; • Ҳисобга олинмаган депозитлар бўйича тўловлар; • Иш ҳақи бўйича тўловлар; • Устама харажатлар • Солиқлар.
<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; display: inline-block;"> Банкнинг соф фойдаси = барча даромадлар - барча харажатлар </div>	

20-чизма. Баланс, молиявий ҳолат бўйича ҳисобот.

[67]. Банк балансининг **актив (А)** қисми қуйидагилардан ташкил топади:

$$A = C + S + L + M_A$$

Бу ерда:

C – кассадаги маблағлар ва «ностро» сўтдаги депозитлар;

S – очик бозордан сотиб олиннадиган давлат ва хусусий шахсларнинг қимматли коғозлари;

L – кредитлар ва истеъмолчилар таклифи билан молиялаштириладиган ижаралар;

M_A – иккинчи даражали активлар.

Кассадаги маблағлар (C), касса ва йўлдаги пуллар ва бошқа

банкларда жойлаштирилган барча депозитлар инкассация қилинмаган чеклар одатда **бирламчи захиралар** деб юритилади. Чунки айнан шу маблағлар кутилмаган ҳолатда мижозларнинг талаби билан уларнинг қарзларини қайтариш зарур бўлган тақдирда сарфланган маблағ ўрнини қоплашда «Тез ёрдам» вазифасини бажаради. Бу деган сўз активнинг мазкур қисми банкнинг **биринчи «ҳимоя чизиғи»** ҳисобланади. Бу қисм жами активнинг, одатда, 8 фоиздан камроғини ташкил қилади.

Инвестицияланадиган қимматли қоғозлар: (S) қопланадиган (ликвидли) қисм. Бу қисм ликвид қимматли қоғозларга капитал қўйилмалар ажратишга ва мавжуд талабни зудлик билан қондиришга сарфланади. Шу сабабли уни банкнинг **иккинчи «ҳимоя чизиғи»** ёки иккинчи ўринда турувчи захира деб юритишади. Бу захира мавжуд пул маблағи билан кредит ўртасида туради ва муайян даромад олишни таъминлайди.

Кредитлар (L) банк активининг 50-75 фоизини ташкил қилади. Бу қисм энг катта салмоққа эга бўлиб **кредит – брутто** деб номланади ва унинг таркибига қуйидагилар киради:

«Мен банкдан қарзман» номи билан аталиб, у ўз ичига истеъмол кредити, гаровга қўйилган қўзғалмас мулк, тижорат ва кишлоқ хўжалиги корхоналарига тўланиши лозим бўлган тилхатлар (кредитлар), шунингдек, дилерларга қимматли қоғозлар бўйича операциялар бажариш мақсадида ажратилган муддати чўзилган кредитларни олади. Аммо бу суммадан кредитлар бўйича жорий ва кутиладиган зарарлар чегирилиб ташланади.

Иккинчи даражали активларга амортизацияга тегишли ўзгартиришлар киритилганлигини ҳисобга олинган ҳолдаги бино ва ускуналарнинг соф қиймати, шўба корхоналарига қилинган инвестиция суммаси, сугурта полислари учун олдиндан тўловлар ва бошқа қийматлари киради. Моддий маблағлар қиймати, яъни бино ва ускуналарда ўз ифодасини топган активлар, одатда, банк активларининг жуда кам қисми (1-2 фоиз)ни ташкил қилади.

2.7. Таянч иборалар

- | | |
|--|-------------------------|
| • <i>Марказий банк</i> | • <i>ижобий назорат</i> |
| • <i>Марказий банк раиси ваколатлари</i> | • <i>салбий назорат</i> |
| • <i>Банк бошқаруви</i> | • <i>пул муомаласи</i> |
| • <i>монетар сиёсат</i> | • <i>пул эмиссияси</i> |
| • <i>фоиз ставкалари</i> | • <i>«ёмон» пуллар</i> |
| • <i>маржа</i> | • <i>«яхши» пуллар</i> |

- | | |
|------------------------|----------------------------|
| • мақсадлар дилеммаси | • монометаллизм |
| • мақсадлар коллизияси | • биметаллизм |
| • «Буюк депрессия» | • кредит пуллар |
| • вексель | • пул миқдори |
| • банкнот | • пул обороти тезлиги |
| • чек | • муомаладаги пул миқдори |
| • кредит карточкаси | • пул массаси |
| • электрон пул | • пул агрегати |
| • актив пуллар | • M_0, M_1, M_2, M_3 |
| • пассив пуллар | • пул бозори |
| • квази-пуллар | • пул мультипликатори |
| • пул таклифи | • пул базаси |
| • пулга талаб | • олтин андозаси |
| • арзон пуллар | • банкнинг кредит мажмуаси |
| • қиммат пуллар | • кредит |
| • банк назорати | • кредит турлари |
| • давлат назорати | • кредит ресурслари |
| • идоравий назорат | • банкнинг соф фойдаси |
| • мустақил назорат | |
| • активлар | |

2.8. Тест топшириқлари ва масалалар

19. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини:

- Президент девони бошқаради;
- Вазирлар Маҳкамаси бошқаради;
- Республика Марказий банки бошқаради;
- нотўғри жавоб йўқ.

20. Қуйида қайд қилинган вазифаларнинг қайси бири Марказий банк вазифаларига тааллуқли?

- расмий олтин-валюта захираларини сақлаш;
- пул эмиссиясини амалга ошириш;
- молиявий ёрдам кўрсатиш, тижорат билан шуғулланиш;
- a + б.

21. Марказий банк бошқа банклар фаолиятини тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичларнинг қайси биридан фойдаланади?

- капиталнинг монандлик коэффициентидан;
- ликвидлик коэффициентидан;
- қарзларга доир фоизларни ҳисоблаш ва уларни банк даромадлари ҳисоб варағига киритишга доир талаблардан;
- нотўғри жавоб йўқ.

22. Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан:

- а) 0,1 фоизгача жарима ундириш ҳуқуқига эга;*
- б) 0,2 фоизгача жарима ундириш ҳуқуқига эга;*
- в) 0,3 фоизгача жарима ундириш ҳуқуқига эга;*
- г) 0,5 фоизгача жарима ундириш ҳуқуқига эга.*

23. Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда Марказий банк уларга айрим операцияларни ўтказишни:

- а) 1 ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга;*
- б) 3 ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга;*
- в) 6 ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга;*
- г) 9 ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.*

24. Қуйида қайд қилинган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг қайси бири макроиқтисодиётни тартибга солишнинг сеҳрли квадрати деб юритилади?

- а) нархларнинг умумий даражаси ва унинг ўсиш ёки камайиш суръатлари;*
- б) халқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш ёки камайиш суръатлари;*
- в) меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлик даражаси;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

25. Пул-кредитни тартибга солишдан асосий мақсад:

- а) нархлар барқарорлигини таъминлашдан иборат;*
- б) ортиқча харажатларнинг олдини олишдан иборат;*
- в) номатлуб инфляция ва дефляция жараёнларига қарши тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

26. Қуйида қайд қилинган усулларнинг қайси бири пул-кредитни тартибга солиш усули ҳисобланади

- а) маъмурий-бевосита усул;*
- б) иқтисодий билвосита усул;*
- в) а + б;*
- г) математик усул.*

27. Пул-кредитни тартибга солишнинг маъмурий усули:

- а) бозор механизми орқали билвосита амал қилади;*
- б) директив бошқарув ва меъёрий қоидалар орқали бевосита амал қилади;*
- в) Марказий банк балансида ўз аксини билвосита топади;*
- г) банкларнинг кредит имкониятларини камайтириб ёки кўпайтириб, уларнинг ликвидлигига билвосита таъсир кўрсатади.*

28. Пул-кредитни тартибга солишнинг иқтисодий усули:

- а) тижорат банклар балансининг ўзгаришларига бевосита сабаб бўлади;*
- б) тижорат банклари берадиган кредитларга тўғридан- тўғри таъсир кўрсатади;*
- в) банкларнинг кредит имкониятларини камайтириб ёки кўпайтириб, уларнинг ликвидлигига билвосита таъсир кўрсатади;*
- г) директив бошқарув ва меъёрий қоидалар орқали бевосита амал қилади.*

29. Қуйидагиларнинг қайси бири кредит пуллари деб юритилади:

- а) вексел;*
- б) банкнот;*
- в) чек;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

30. Металл билан таъминланмаган эмиссия:

- а) фидуциар эмиссия деб аталади;*
- б) бир йилгача муддат билан чиқариладиган қисқа муддатли давлат заёмлари эмиссияси деб аталади;*
- в) узоқ муддат билан чиқариладиган давлат заёмлари эмиссияси деб аталади;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

31. Кредит карточкаси – бу:

- а) ҳисоб-китобларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариши учун қўлланиладиган кредит пулларининг энг сўнгги тури;*
- б) банк ёки махсус кредит (савдо) муассасаси томонидан бирор киши номига берилган пул ҳужжати.*

в) банкдаги ҳисобварақ эгасининг чекда кўрсатилган суммани шу ҳисобварақдан чек ушловчига тўлаш ёки уни чек ушловчининг ҳисобварақига ўтказиш тўғрисидаги ёзма топшириги;

г) нотўғри жавоб йўқ.

32. Товар оборотига хизмат қилувчи пул миқдори (ПМ)

а) товар массаси баҳосига (Б) тўғри пропорционал ўзгаради;

б) пул обороти тезлигига (ПОТ) тесқари пропорционал ўзгаради;

в) товар баҳосига (Б) тесқари пропорционал ўзгаради;

г) а + б

33. Пул массаси таркибига:

а) фақат нақд пуллар киради;

б) фақат нақдсиз пуллар киради;

в) нақд ва нақдсиз пуллар киради;

г) фақат актив пуллар киради.

34. Актив пулларга:

а) бевосита хўжалик фаолиятига хизмат кўрсатувчи пул маблағлари киради;

б) пул жамғармалари киради;

в) ҳисобварақлардаги қолдиқлар киради;

г) нотўғри жавоб йўқ.

35. Пассив пулларга:

а) ҳисобварақлардаги қолдиқлар, яъни потенциал ҳисоб-китоб маблағлари киради;

б) пул жамғармалари киради;

в) бевосита хўжалик фаолиятига хизмат кўрсатувчи пул маблағлари киради;

г) а + б.

36. Квази-пуллар – бу:

а) металл пуллар шаклидаги нақд пул маблағларидир;

б) тижорат банкларидаги муддатли ва жамғарма омонатлар-
да турган нақдсиз шаклидаги пул маблағларидир;

в) нобанк секторидаги нақд пул маблағларидир;

г) а + б.

37. Пул агрегати деганда:

а) жамғарила бориб, харид қобилиятини сақловчи барча пул во-
ситалари тушунилади;

б) ликвидлик даражасига қараб пул массасининг барча бирлашган компонентлари тушунилади;

в) $a + b$;

г) нақд пуллар йиғиндиси тушунилади.

38. Қуйида қайд қилинган унсурларнинг қайси бирлари пул массаси таркибига киради?

а) $M1 = \text{нақд пул} + \text{чек омонатлари}$;

б) $M2 = M1 + \text{чексиз жамгарма ҳисоб} + \text{майда миқдордаги муддатли омонатлар}$;

в) $M3 = M2 + \text{йирик миқдордаги муддатли омонатлар}$;

г) нотўғри жавоб йўқ.

39. Пул таклифи – бу:

а) муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдоридир;

б) пул муомаласи, яъни хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёждир;

в) муомаладаги пул массасидир;

г) $a + в$.

40. Пул мультипликатори – бу:

а) пул базасининг бир пул бирликка кўпайиши туфайли пул таклиф қилишнинг ўсишини ифодалайдиган коэффициентдир;

б) муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдорини тавсифловчи коэффициентдир;

в) муомаладаги пул массасини ифодаловчи коэффициентдир;

г) $b + в$.

41. Пулга бўлган талабнинг камайиши ёки пул массасини чегаралаш:

а) «қиммат пуллар» сиёсатини юргизишга олиб келади;

б) рестрикцион сиёсатни юргизишга олиб келади;

в) $a + б$;

г) «арзон пуллар» сиёсатини юргизишга олиб келади.

42. Пулга бўлган талабнинг ошиши ёки муомаладаги пул миқдорининг ўсиши:

а) «қиммат пуллар» сиёсатини юргизишга олиб келади;

б) «арзон пуллар» сиёсатини юргизишга олиб келади;

в) рестрикцион сиёсатни юргизишга олиб келади;

г) $a + в$

43. Қуйидаги назорат турларининг қайси бири банклар фаолиятини назорат қилиш турига киради?

- а) давлат назорати;*
- б) идоравий назорат;*
- в) мустақил назорат;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

44. Давлат назорати:

- а) банклар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амалдаги тизимига асосланиб амалга ошириладиган назоратдир;*
- б) Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилишни ўз ичига олади;*
- в) идоралардан ташқари мустақил ташкилотлар, яъни аудиторлик фирмалари томонидан амалга ошириладиган назоратдир;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

45. Қарзга маблағ берувчи томон:

- а) дебитор дейилади;*
- б) кредитор дейилади;*
- в) қарздор дейилади;*
- г) а + в.*

46. Таъминот манбан бўлмаган кредит:

- а) истеъмол кредити дейилади;*
- б) кафолатли кредит дейилади;*
- в) бланк (расмий қоғоз) кредити дейилади;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

47. Таъминотнинг реал қиймати қарз миқдорининг 60 фоизидан кам бўлган кредит:

- а) таъминланган кредит ҳисобланади;*
- б) етарли даражада таъминланмаган кредит ҳисобланади;*
- в) кафолатли кредит ҳисобланади;*
- г) таъминланмаган кредит ҳисобланади.*

48. Реал қиймати қарзга тенг ёки ундан ортиқ бўлган, ликвид гарови тарзидаги таъминотга эга ёки банк ёхуд ҳукуматнинг кафолатига эга ёндашиш белгиланган тартибда суғурта-лаб қўйилган кредит:

- а) таъминланган кредит ҳисобланади;*
- б) таъминланмаган кредит ҳисобланади;*

- в) етарли даражада таъминланмаган кредит ҳисобланади;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

49. Биринчи гуруҳ таваккалчилиги жумласнга:

- а) «Ностандарт кредит» тури киради;
- б) «Андоза (стандарт) кредит» тури ҳисобланади;
- в) «Шубҳали кредит» тури киради;
- г) «Хавфли кредит» тури киради.

50. 60 кундан 180 кунгача муддати ўтказиб юборилган таъминланмаган қарзлар ва 180 кундан ортиқ муддати ўтказиб юборилган барча қарзлар:

- а) «Шубҳали кредит» тоифасига киради;
- б) «Хавфли кредит» тоифасига киради;
- в) «Умидсиз кредит» тоифасига киради;
- г) «Ностандарт кредит» тоифасига киради.

51. 30 кундан 60 кунгача муддати кечиктирилиб юборилган таъминланмаган, шунингдек, 60 кундан 180 кунгача муддати кечиктирилиб юборилган етарли даражада таъминланмаган қарзлар:

- а) иккинчи гуруҳ таваккалчилигига киради;
- б) учинчи гуруҳ таваккалчилигига киради;
- в) тўртинчи гуруҳ таваккалчилигига киради;
- г) бешинчи гуруҳ таваккалчилигига киради.

52. 30 кунгача муддати кечиктириб юборилган, етарли даражада таъминланмаган, шунингдек, 30 кундан 60 кунгача кечиктириб юборилган қарзлар:

- а) «Умидсиз кредит» тоифасига киради;
- б) «Андоза (стандарт) кредит» тоифасига киради;
- в) «Хавфли кредит» тоифасига киради;
- г) «Шубҳали кредит» тоифасига киради.

53. «Андоза (стандарт) кредит» шароитида банклар берилган қарзлар миқдорининг камида:

- а) 2 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт;
- б) 10 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт;
- в) 30 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт;
- г) 75 фоизи миқдориди захира ташкил этилиши шарт.

54. «Умидсиз кредит» шароитида банклар берилган қарзлар миқдорининг камида:

- а) 75 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт;*
- б) 100 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт;*
- в) 60 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт;*
- г) 30 фоизи миқдориди захира ташкил этишлари шарт.*

55. Марказий банк ва унинг муассасалари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлардан:

- а) озод қилинмайди;*
- б) 50 фоизга озод қилинади;*
- в) озод қилинади;*
- г) 25 фоизга озод қилинади.*

56. Банк активинда биринчи «ҳимоя чизиги»:

- а) инвестицияланадиган қимматли қозғалар ҳисобланади;*
- б) кассадаги маблағ, бошқа банкларда жойлаштирилган барча депозитлар, инкассация қилинмаган чеклар ҳисобланади;*
- в) моддий маблағлар қиймати ҳисобланади;*
- г) гаровга қўйилган қўзғалмас мулк ҳисобланади.*

57. Кредитлар банк активининг:

- а) 50 - 75 фоизини ташкил қилади;*
- б) 8 фоиздан камрогини ташкил қилади;*
- в) иккинчи «ҳимоя чизиги» ҳисобланади;*
- г) биринчи «ҳимоя чизиги» ҳисобланади.*

2.9. Назорат учун саволлар

- 18. Нима учун Марказий банк банкларнинг банки деб юритилади?
- 19. «Марказий банк мустақиллиги» деганда нима тушунилади?
- 20. Марказий банкнинг бош мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
- 21. Нималар Марказий банк учун тақиқланган фаолият турлари ҳисобланади?
- 22. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Марказий банк нималарга ҳақли?
- 23. Марказий банк бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
- 24. Банк бошқаруви қандай ваколатларга эга?
- 25. Қайси ҳолларда Марказий банк раиси ўз лавозимидан озод этилади?

26. Марказий банк бошқа банклар фаолиятини қандай иқтисодий дастакларга асосланиб тартибга солиди?
27. Марказий банк банклар фаолиятини назорат қилишда қандай ваколатларга эга?
28. Қайси ҳолларда Марказий банк банкларга санкция ва чоралар қўллаши мумкин?
29. Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда Марказий банк қандай воситалардан фойдаланади?
30. Монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк қандай операцияларни бажаради?
31. Пул-кредитни тартибга солишнинг объекти ва мақсади нима?
32. Пул-кредитни тартибга солишнинг қандай усулларини биласиз?
33. Фониз ставкалари устидан назорат қайси шаклларда амалга оширилади?
34. Кредитнинг энг юқори миқдори чегарасини белгилашнинг қандай турларини биласиз? Улар қайси ҳолларда қўлланилади?
35. Пул тизими деганда нимани тушунасиз? У қандай таркибий қисмлар билан тавсифланади?
36. Томас Грехэмнинг пул тизими тўғрисидаги қонунининг моҳияти нимада?
37. Металл пуллар тизими тўғрисида нималар деяоласиз?
38. Кредит ва қозғалди пуллар тизими деганда нимани тушунасиз? Вексель, банкнот ва чек нима?
39. Кредит карточкалари «Электрон пуллар»дан нима билан фарқ қилади?
40. Пул муомаласини ташкил этиш ва уни тартибга солишдан мақсад нима?
41. Ўзбекистонда пул муомаласи қандай тарихга эга?
42. Марказий банк томонидан пул муомаласи қай тартибда ташкил этилади?
43. Пул муомаласига қандай омиллар таъсир қилади?
44. Пул массаси нима?
45. Пул массаси қандай таркибга эга? Квази пуллар деганда нимани тушунасиз?
46. Пул агрегати қандай таркибий қисмлардан иборат?
47. Пулга бўлган талаб қандай аниқланади?
48. Пул бозорида пулга талаб ва таклиф мувозанатига қандай эришилади?
49. Пул мультипликатори қандай аниқланади? Пул базаси нима?

50. Арзон ва қиммат пуллар сиёсати ёки пул-кредит сиёсатининг рестрикцион ва экспансион усуллари деганда нимани тушунасиз?

51. Ялпи ва селектив пул-кредит сиёсати нима?

52. Олтин андозаси нима ва у шароитда пул муомаласини тартибга солиш қандай амалга оширилади?

53. Марказий банк томонидан валютани тартибга солиш қандай амалга оширилади?

54. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича Марказий банк олдида қандай вазифалар туради?

55. Назорат вазифаларини бажаришда Марказий банкка қандай ваколатлар берилган?

56. Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган қандай иқтисодий нормативларни белгилайди?

57. Марказий банк банкларга қандай чора ва санкцияларни бериш ҳуқуқига эга?

58. Банклар фаолиятини назорат қилишнинг қандай турларини биласиз?

59. Банкларни назорат қилишда нималар текширилади?

60. Банкнинг кредит мажмуаси қандай баҳоланади ва текширилади?

61. Кредитнинг қандай турларини биласиз?

62. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ҳолати қандай текширилади?

63. Банк даромадлари ва харажатларини шакллантиришнинг тўғрилиги қандай текширилади?

64. Марказий банкнинг устав капитали тўғрисида нима дея оласиз?

65. Марказий банк фойдаси қандай аниқланади ва тақсимланади?

66. Марказий банкнинг молиявий ахvoli тўғрисида ҳисобот (баланс) қандай кўринишга эга?

67. Актив қандай таркибий қисмларга эга?

3-боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

3.1. Тижорат банклари тўғрисида умумий тушунчалар

[68]. Тижорат банклари – банк тизимининг куйи бўғини бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шarti асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк фаолияти деб ҳисобланадиган барча операцияларни бажарувчи тижорат ташкилотидир.

Ҳозирги даврда тижорат банкларининг фаолияти жуда ҳам хилма-хилдир. Улар пул муомаласи ва кредит муносабатларини ташкил қилишдан ташқари, халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш, суғурта операциялари, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, айрим ҳолларда воситачиликни ва мулкни бошқаришни амалга оширади. Шунингдек, маслаҳатчи сифатида халқ хўжалик дастурларини муҳокама қилишда иштирок этадилар, статистикани олиб борадилар.

Тижорат банкининг моҳиятини аниқлаш учун уларнинг:

- нима билан шугулланишини;
- қандай операцияларни бажаришини;
- қандай сифатларга эгаллигини;
- ўзига хос хусусиятларини;
- асоси нима билан белгиланишини;
- ички тизими қандайлигини тушуниб етмоқ лозим.

Демак, тижорат банки тушунчаси банк фаолиятини характерловчи тасодифий саволлар йигиндиси эмас, балки услуб бўйича қўйиладиган аниқ саволларни кўриб чиқишни талаб этади. Бундай ёндашиш банкка қуйидагилар нуқтаи назаридан таъриф беришга асос бўлиши мумкин:

- банк ташкилот ёки муассаса сифатида;
- банк корхона сифатида;
- банк тижорат ёки савдо корхонаси сифатида;
- банк воситачи корхона сифатида;
- банк биржа агенти сифатида;
- банк кредит берувчи корхона сифатида.

Банкка ташкилот нуқтаи назардан қараш кўз олдимишга бошқарув аппаратини гавдалантирса, корхона сифатида қараш эса уни ҳар қандай корхона сингари мустақил хўжалик субъекти эканлигига ишонч ҳосил қилдиради. Банк фаолиятини савдо билан қиёслаш ҳам тасодифий эмас. Ҳақиқатан ҳам, банклар ресурсларни «сотиб

олади», уларни «сотати», тақсимлаш соҳасида фаолият кўрсатиб, товарлар айирбошлашини амалга оширади.

Банк етарли миқдорда маблағ тўплаб, турли қарз олувчилар талабига қўра ҳар хил муддатли кредитларни танлаш имконини ҳосил қилади. Бу ҳолда банк икки субъект – қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида воситачи ролини ўйнайди. Лекин шунини қайд қилиш лозимки турли воситачилар бир қатор хизмат турларини: юридик, комиссия, почта каби хизматларни бажаришлари мумкин. Лекин бу билан улар банк бўла олмайдилар. Банк воситачи сифатида бир қатор оддий воситачилардан фарқ қилувчи, яъни ҳам қарз берувчи, ҳам қарз олувчи ҳамда улар ўртасида алоқа боғловчи, шунингдек, ҳисоб-китоблар воситачисидир.

Банкнинг муомала соҳасидаги фаолияти билан боғлиқ биржа агенти сифатидаги тасаввурлар 20-йилларда пайдо бўлган. Бунда банклар мустақил равишда биржа операцияларини амалга ошириши, қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларни бажариши мумкин.

Нихоят, банклар валюта айирбошлаши (олди-сотдиси) кредит савдоси, корхона ва аҳоли томонидан қўйилган бўш маблағларга тўловлар бериш ва уларни қарз олувчиларига «сотиш» билан боғлиқ операцияларни амалга оширади. Айтиш жоизки, банк аслида банк заминини яратган кредитнинг ривожланиш натижасида пайдо бўлган. Шу ерда банк фаолиятининг савдо ташкилоти сифатидаги таърифдан фарқини қайд этиш керак. Савдода товар ўз мулк эгасини ўзгартирса, кредитлашда эса мулк эгаси ўзгармайди.

Тижорат банклари бир-бирдан қуйидагилар билан фарқ қилади (7-жадвал).

Юксак ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг аксарият қисми мулк шакли бўйича акционер ва хусусий банклар ҳисобланади. Ва ҳозирги пайтда ҳам омонатчилар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарга хизмат кўрсатиш асосан унчалик катта бўлмаган хусусий банклар ҳиссасига тўғри келади. Хусусий банклар:

- иқтисодийга хусусий сармояларни жалб этиш орқали самардорлиги юқори илгор инвестиция-лойиҳаларига йўналтирилган маблағларнинг кўпайишига;
- кичик ва ўрта тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш савиясининг ошишига;
- янги турдаги банк инструментларининг ривожланишига ижобий таъсир этади.

**Тижорат банкларининг турлари ва уларнинг бир - бирдан
фарқ қилувчи жиҳатлари**

№	Туркумлаш белгилари	Фарқ қилувчи жиҳатлар
1	2	3
1.	Мулкчилик шаклига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат банклари • Акционер банклар • Кооператив банклар • Хусусий банклар • Минтақавий банклар • Қўшма банклар • Хорижий банклар
2.	Бажариладиган операцияларига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • Универсал банклар • Махсус банклар (инвестиция банклари, экспорт-импорт операцияларини олиб боровчи банклар, Замин банки ва х.к.)
3.	Фаолият кўрсатиш ҳудуди ёки жойлашган жойига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • Халқаро банк • Республика миқёсидаги банк • Минтақавий банк • Вилоят банклари
4.	Тармок йўналишига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • Саноат банки • Қурилиш банки • Қишлоқ хўжалик банки • Савдо банки ва х.к.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур жабада муҳим аҳамиятга молик бўлди. Фақат 1998-1999 йиллар ичида Тошкентда «Алп-Жамол-банк», «Туркистонбанк», «ХИФбанк», Андижонда «Ҳамкорбанк», Қарши шаҳрида «Ўктамбанк», Қорақалпоғистонда «Адилетбанк», Самарқандда «Парвинабанк» каби банклар ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида хорижий сармоялар иштирокидаги банкларни ташкил этишга давлат томонидан алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги пайтда Республикамиз ҳудудида «Ўзприватбанк», «КДФ банк», ва Ўзбек-Туркия «УТ-банк»и ҳамда Ўрта Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг Тошкентдаги шўъба банки, Эроннинг «Содерот» банки самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамизда 2 та давлат банки, 3 та акциядорлик тижорат банки, 10 та тижорат банки, 15 та хусусий банк, 3 та хорижий сармоя иштирокидаги банклар, 2 та шўба ва қатор минибанклар фаолият кўрсатмоқдалар.

[69]. Тижорат банклари ўз уставига эга бўлиб, шу устав асосида фаолият кўрсатади. Банк уставида:

- банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва қаерда жойлашганлиги (почта манзили);
- устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталидаги улушларнинг тақсимоли;
- банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;
- банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларга мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Банк уставида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида белгиланган юқоридаги талаблардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган қуйидагиларни, яъни:

- банкка юридик шахе мақомини бериш тўғрисидаги низом;
- банкка қарашли муассасалар рўйхати, уларнинг мақоми;
- банк ва унинг филиалларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;
- фаолият тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мажбурияти (тартиби);
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатларини ҳам ўзида акс эттирган бўлиши лозим.

Шерикчилик асосида тузилган банкнинг устави юқорида келтирилган талаблардан ташқари, акциядорлик жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштириши керак. Тижорат банклар уставига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўзгаришлар муносабати билан киритилади ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

[70]. Тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари анъанавий тарзда қуйидагилар ҳисобланади:

- вақтинчалик бўш пул маблағлари, жамғармалар ва йиғмаларни мужассамлаштириш;
- ҳисоб-китоб тўлов механизмнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш, халқ хўжалигида ҳисоб-китобни амалга ошириш ва ташкил этиш, тўлов муомаласини йўлга қўйиш;

- алоҳида ҳўжалик бирликлари, юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш, ички ва ташқи ҳўжалик айланмасига кредит хизмати кўрсатиш;

- векселларни ҳисобга олиш ва улар билан операциялар ўтказиш;
- молиявий ва моддий бойликларни сақлаш;
- мижозларнинг мулкани ишончли тарзда бошқариш (траст операциялари).

Замонавий банк вазифаларини чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин (21-чизма).



21-чизма. Замонавий банкларнинг вазифалари.

Тижорат банкларининг стратегик мақсади уларнинг стратегик вазифаларини белгилаб беради. Улар қуйидагилардан иборат:

- кадрлар сиёсатини кучайтириш;
- банк бизнесини олиб боришнинг халқаро андозалари ва принципларини жорий этиш;
- халқаро молия институтлари ва банклари билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш;
- банкнинг ички фонд бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, давлат қимматбаҳо қозғолалига қўйилмаларни кўпайтириш;
- туман филиаллари ва вилоят бошқармалари даражасида ва улар клирингини бош банк даражасига ягона корпоратив тармогини қуриш. Тўлов тизимини вилоят бошқармалари даражасида ва улар

клирингини бош банк даражасида ягона корреспондентлик тизими-га ўтказиш;

- электрон пластик карточкалар тизимни жорий этиш, банкомат ва электрон терминаллар тармогини кенгайтириш, кредит ҳисоб-китоб карточкаларига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш;
- ўз депозит базасини кўлайтириш;
- лизинг хизмати, шунингдек, иктисодиётнинг аниқ секторини тўғридан-тўғри кредитлашни кенгайтириш;
- банк маркетингини мижозлар базаси маркетинги билан мувофиқ ҳолда жорий этиш ва кенг қўллаш;
- кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ички қоида ва тамойилларни такомиллаштириш;
- банк инфратузилмасини ривожлантириш;
- банкка халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини бериш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш.

[71]. Банклар фаолиятида тижорат маълум қоидаларга асосланади. Улар орасида энг муҳими – хўжалик юритишдан фойда олиш қоидаси, иложи борича, катта фойда кўриш. Бироқ тижорат банкида кўп фойда олиш имкониятлари чекланган.

Биринчидан, катта маржа кетидан қувиш мижозлардан маҳрум бўлиб қолишга олиб келиши мумкин, чунки улар ҳаддан ташқари катта кўйилган ставкали кредитдан воз кечишлари аниқ, иккинчидан, банклараро рақобат шароитида бошқа тижорат банклари орасидан бир қадар самаралироқ ишлар учун анча арзон кредитлар тақлиф этилиши мумкин. Даромадлилик (фойда кўриш) қоида сифатида шуни англатадики, бусиз банк мавжуд бўла олмайди. Банк тижоратнинг бу қоидаси асосан «Арзонроқ сотиб олиш, қимматроққа сотиш» формуласи орқали амалга ошади. Бироқ бу қоидага маданий ёндашмоқ лозим. У қонунчиликка таяниши, унга асло зид келмаслиги, бинобарин, бунда шундай шарт-шароит яратилиш керакки, ҳар бир банк ўзининг тижорат ишларини амалга ошираётганда банк хизмати бозори ҳақида баб-баравар ахборот олиш имкониятига эга бўлсин.

Тижорат нуқтаи назардан қараганда, бекор ётган ресурслар бўлмаслиги керак. Бошқача айтганда, банкнинг ҳамма пуллари, барча ресурслари имкон қадар ишлаши лозим. Бироқ ҳақиқий аҳвол шундан иборат бўладики, маблагларнинг бир қисми захирага қўйилади, у муомалада камроқ қатнашади ёки умуман иштирок этмайди, яна бир қисми эса иктисодиётни кредитлаш учун мўлжалланади. Ўз ўзидан равшанки, банк бизнеси нуқтаи назаридан қараганда бу гай-

ритабий, шунинг учун ҳам, бирламчи ва иккиламчи захираларга нисбатан кредитлар салмоғи қанчалик катта бўлса, фойда ҳам шунчалик кўп келишини билиб қўйган маъқул.

Шунингдек, банк фаолиятининг муҳим қоидаларидан яна бири шуки, банк иқтисодий корхона сифатида ўз маблағи, ўз фойдаси устидан таваккал иш тутиши мумкин, аммо зинҳор миждоз маблағи юзасидан эмас. Муваффақиятсиз банк тижоратидан банкнинг ўзи жабр тортиши мумкин, аммо миждоз ҳеч қачон жабрланмаслиги керак, чунки кредит муассасаси унинг учун яратилган.

Банк тижорати «ҳамма нарса миждоз учун, ҳамма нарса унинг фойдали фаолиятини таъминлаш учун» қондаси асосида ҳаракат қилиши лозим. Банкнинг амалий фаолиятида энг муҳими миждознинг фойда кўриши, ундан кейингина банкнинг фойдаси, чунки пировард натижада миждоз фойда олиб фаолият кўрсатгандагина банк ҳам фойда олган бўлади, сабаби-кредитлар бўйича фойзалар фақат миждоз олган фойда ҳисобидан тўланади. Банк миждознинг фойда олиши учун шарт-шароит яратар экан, демак, ўзининг манфаатини ҳам амалга оширган бўлади.

Афсуски, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида баъзи банклар хўжаликнинг фойдали юритиш қондасини бутунлай ўз иқтисодий манфаатларини қондириш қондаси деб тушундилар. Банкнинг фойда кўриши кредит муассасасининг фаолиятида биринчи ўринга қўйилди. Миждоздан «юлиб олиш» баъзан ақлбовар қилмайдиган катта миқдорни ташкил этди.

[72]. Тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган банк операцияларини бажариш ҳуқуқини берувчи лицензиялар асосида фаолият юритадилар. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти гайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад, давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

Лицензия олиш учун таъсисчилар қуйидаги ҳужжатларни Марказий банкка тақдим этадилар:

- лицензия бериш тўғрисида расмий илтимоснома;
- таъсис этиш ҳужжатлари, яъни:
- таъсис этиш шартномаси;
- банк устави;
- банк уставини қабул қилиш ва раҳбариятини тайинлаш тўғрисидаги ёзма баён;

- иқтисодий асослов;
- таъсисчиларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ҳулоса;
- банкнинг таъсисчилар таклиф этган раҳбарларининг (раис ва бош бухгалтер) профессионал ишга яроқлилиги;
- қонунда кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Хорижий капитал иштирок этувчи банк, хорижий банк унинг филиалининг лицензия олиш ҳолларида яна қўшимча равишда белгиланган бир неча расмий ҳужжатлар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки барча тижорат банклари учун тенг рақобат шароитларини таъминлаш мақсадида хорижий банк таъсисчилари ва хорижий капиталли банкларга уларнинг устав капиталини минимал ва максимал миқдорларига нисбатан қўшимча талаблар қўйиш ваколатига эга.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб узоғи билан олти ой муддатда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари керак. Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳақидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпи билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан Марказий банк қуйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

- банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;
- таъсис ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги;
- бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволининг қониқарсизлиги;
- банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўпланмаганлиги;
- банк раҳбари ва бош бухгалтер лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк операцияларини амалга ошириш лицензиясини бериш билан бир вақтда тижорат банкини қайд қилиб унинг тартиб рақамини хабар қилади. Шу пайтдан бошлаб тижорат банки юридик шахс мақомини олади.

Тижорат банкларига берилган лицензия шартларининг бажарилиши Марказий банк томонидан назорат қилиб борилади. Шу мақ-

сада банк томонидан хорижий валютада амалга оширилган операциялар тафтиш қилинади, тематик жиҳатдан текширилади.

Марказий банк қуйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензиясини қайтариб олиши мумкин:

- банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда;
- лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;
- банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;
- ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;
- қонун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;
- монополияга қарши қондалар бузилганда;
- Ўзбекистон Республикасида ўз шўъба банкни ташкил этган чет эл банкидан лицензия қайтариб олинганда.

[73]. Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг барқарор амал қилиш шароитларини таъминлаш мақсадида, Марказий банк ўзининг 1997 йил 22 августдаги «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари» (МБ 10-сонли йўриқнома)га мувофиқ қуйидаги иқтисодий меъёрларни жорий этган:

- янги тузилган ва амал қилаётган банклар учун устав (акционерлик) капиталининг энг кам миқдори;
- банк капиталининг етарлилик (адекватлилик) коэффициенти (камида 0,08);
- банк капитали ва унинг мажбуриятлари нисбати коэффициенти (камида 0,05);
- банк ликвидлиги кўрсаткичлари;
- лаҳзалик – камида 0,25
- жорий – камида 0,30
- қисқа муддатли – энг юқори.
- битта қарз олувчига таваккал (риск)нинг энг юқори даражаси (0,25);
- барча йирик кредитлар учун таваккал (риск)нинг энг юқори даражаси (уч мартадан кўп бўлмаган);
- битта омонат (кредитор)га таваккал (риск)нинг энг юқори даражаси (акционер капиталининг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда);
- қимматли қозғалар билан операцияларда банкнинг ўз маблағларидан фойдаланиш (энг юқори 0,15).

Шуни таъкидлаш керакки, Тижорат банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт. Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши захираларни ташкил этишлари шарт, шунингдек, зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишларини таъминлашлари лозим.

Банклар:

- амалга оширилган инвестицияларнинг турлари ёки шаклларига;
- кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ҳамда унга эгаллик қилишга;
- бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашишга доир шартларга риоя этишлари лозим.

Банклар:

- капитални тақсимлаш натижасида ўз капитали талаб қилинадиган энг кам миқдордан ҳам камайиб кетадиган бўлса, капитални тақсимлашга;
- акциялар шаклидаги ўз қимматли қоғозлари билан кафолатланган кредит беришга;
- олдиндан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга ҳақли эмаслар.

Иқтисодий меъёрларнинг кутилаётган ўзгаришлари тўғрисида Марказий банк бир ойдан кечикмасдан эълон қилади.

[74]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари фаолияти устидан назорат органи сифатида, улар томонидан банк қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар бузилган тақдирда, хусусан, «Марказий банк тўғрисида»ги, шунингдек, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ жарима санкциялари ва бошқа жазо чораларини қўллаши мумкин. «Марказий банк томонидан тижорат банкларига банк фаолиятини тартибга солувчи, банк қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларни бузганлиги учун қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги Низом»га мувофиқ (1997 йил 25 январдаги 74-сонли йўриқнома), Марказий банк мажбурий захира талаблари ва белгиланган иқтисодий меъёрлар бузилганлиги учун мажбурий захира жамғармаларини шакллантиришдаги қўйилмаган маблағлар суммасининг қайта молиялаштириш ставкасидан икки баравар ошмайдиган миқдорда жарима солиши мумкин. Бир неча марта қоида бузилишлари рўй берганда эса:

- бундай банкларга Марказий банк томонидан қайта молиялаш

кредитларини беришни тўхтатиш;

- кредит ресурслари аукционда бу банкларнинг иштирок этишини ман этиш;

- белгиланган иқтисодий меъёрлар банклар ва уларнинг филиаллари томонидан бузилганда ҳар бузилган норматив учун устав капиталининг минимал миқдорини 0,1 % гача жарима солиш (аммо бузилган нормативларнинг барчаси бўйича жарима устав капиталининг минимал миқдорининг 1 фоиздан ошмаслиги лозим);

- ссудалар бўйича захира жамғармаларини шакллантириш бўйича нормативларга банклар томонидан уч мартадан ортиқ ҳолларда ёки норматив 12 ой давомида бажарилмаган тақдирда Марказий банк банк фаолиятини юритиш бўйича лицензияни олиб қўйиши мумкин;

- банк муддати ўтган қарздорлик кредит қўйилмаларининг умумий суммасини 5 фоиздан ошган тақдирда, унинг келгусида қарзи ўсиб борса, Марказий банк банк фаолиятини юритиш бўйича лицензияни тортиб олиш ҳуқуқига эга;

- тижорат банклари қайта молиялаш кредитларини ўз муддатларида қайтармаса, унда бу қарзлар бўйича фоизлар амалдаги қайта молиялаш ставкалари, икки баробари миқдорида ундирилади;

- Марказий банкнинг марказлашган кредитлари ўз вақтида қайтарилмаганда, улар муддатидан олдин ёки қисман қайтарилганда, хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар бир муддати ўтган кун учун амалдаги қайта молиялаш ставкаларини икки баробари миқдорида ундирилади.

Шунингдек, қуйидаги қоида бузилишлар бўйича жарима санкциялари қўлланилади:

тўлов интизомини бузганлиги учун санкциялар;

валюта операцияларини юритиш тартибини бузганлиги учун санкциялар;

касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун санкциялар;

қимматли қоғозлар билан операциялар юритиш тартибини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни бузганлиги учун қўлланадиган чоралар;

банкда ҳисоб рақамини очиш, шунингдек, статистик ҳисобот тартибини бузганлиги учун санкциялар ва бошқа санкциялар.

[75]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви раиси томонидан 1998 йил 9-ноябрда тасдиқланган 240-сонли «Банкларни

тугатиш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ банкларни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни Марказий банк томонидан қайтариб олиниши;
- банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги акционерлар ёки таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори;
- ягона таъсисчиси давлат бўлган банклар учун ҳукумат қарори;
- суд қарори бўйича банк банкрот деб эълон қилинганида.

Банкни ихтиёрий равишда тугатиш кредиторлар ва омонатчилар олдида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш имкониятига эга бўлган банк акциядорлари умумий йиғилиши (иштирокчилари) томонидан қарор қабул қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Банк акциядорлар ёки муассислар (иштирокчилар) умумий йиғилиши қарорига асосан банкни ихтиёрий равишда тугатишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома билан Марказий банкка мурожаат қилади. Илтимоснома билан бирга қуйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилади:

- акциядорлар умумий йиғилиши томонидан банкни тугатиш тўғрисидаги тугатиш сабаблари кўрсатилиб, қабул қилинган қарор;
- банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан Марказий банкка мурожаат қилинган вақтдаги баланс ҳисоботи;
- тугатиш комиссияси аъзолари рўйхати;
- акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган тугатиш қарори.

Банкни мажбурий тарзда тугатиш Марказий банкнинг банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини қайтариб олиш тўғрисидаги қарорига асосан амалга оширилади. Банкни тугатиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- моддий назорат ва инвентарлаш;
- активларни текшириш;
- активларни баҳолаш ва сотиш;
- сотувдан тушган тушумларни жойлаштириш;
- тугатиш жараёнини яқунлаш.

Ликвидатор (тугатувчи) ёки тугатиш комиссияси Марказий банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- тугатиш комиссиясининг ҳисоботи;
- банк акциядорлари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг банкни тугатиш (ихтиёрий равишда тугатилганда) тўғрисидаги баённома;
- Марказий банк Бошқарувининг лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарори;

- банкни тугатиш тўғрисида газеталарда эълон қилинган ахборот нусхаси;
- тугатиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор;
- банкнинг охирги иш кундаги баланси;
- тугатиш баланси;
- балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича тугатиш баланси;
- солиқ инспекциясининг тугатиш далолатномаси;
- йўқ қилиш учун банк ҳужжатлари ва йиғма жилдлари ажратилганлиги тўғрисида далолатнома;
- ҳужжатларни архивда сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси;
- муҳрларни йўқ қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилганлиги тўғрисида тасдиқнома.

Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, банкни, банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан чиқариб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

3.2. Тижорат банклари ресурслари ва уларнинг капитал базаси

[76]. Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг:

- ўз ресурслари;
- жалб қилинган маблағлари;
- эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Бу ресурслар банклар томонидан қуйидаги пассив операцияларни амалга ошириш натижасида юзага келади:

- қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;
- фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш;
- бошқа кредиторлар маблағларини жалб қилиш;
- депозит операцияларини амалга ошириш.

Бу операциялар банк балансининг пассив қисмида акс эттирилади. N-мамлакатдаги тижорат банкларининг ресурслари қуйидагилар билан тавсифланади (8-жадвал).

Тижорат банкларининг ресурслари

№	Кўрсаткичлар	%
1	2	3
1.	Банкнинг ўз ресурслари, шу жумладан:	12,2
	1.1. Банкнинг фонди, шундан:	6,1
	• Устав фонди	2,6
2.	Фойда	6,1
3.	Жалб қилинган ресурслар	87,8
	3.1 Талаб қилиб олгунга қадар қўйиладиган депозитлар:	25,0
	• тижорат структураларнинг жорий сўётлардаги депозитлар	15,5
	• корреспондент сўётдаги депозитлар	1,6
	• ҳисоб-китобдаги ресурслар	2,2
	• турли кредиторлар	5,7
	3.2 Муддатли депозитлар	23,5
	• тижорат структурадаги депозитлар	3,3
	• аҳоли омонатлари	1,6
	• банк депозитлари	18,6
	шу жумладан:	
	МБ депозитлари	13,2
	3.3 Чет эл операциялар бўйича сўётлар	39,3

Кўриниб турибдики, тижорат банклари ресурсларининг асосий манбаси - бу жалб қилинган ресурслар бўлиб, улар банк ресурслари таркибида салкам 88 фоизни ташкил қилади. Ўз ресурсларининг салмоғи 12 фоиз бўлиб, жаҳон тижорат банкларининг пассивлари таркибий қисмига бўлган талабга жавоб беради. Банкнинг ўз ресурслари таркибида устав фонди 2,6 фоизни ташкил қилади. Жамғарилган ресурслари таркибида тижорат структурадаги ҳисоб ва жорий сўётдаги депозитлар салмоғи 64 фоиздан ошади. Банкнинг ўз ресурслари жумласига:

- банкнинг низом капитали;
- захира капитали;
- банкнинг оладиган фойдаси ҳисобига юзага келадиган бошқа жамғармалар;
- суғурта захиралари;
- йил давомида тақсимланмай қолган фойда киради.

Банкнинг низом капитали (сармоя) банк ишини ташкил этишнинг таянч нуқтасидир. Бу жамғарма банк қатнашчиларининг ўз маблағлари ҳисобигагина яратилиши мумкин, холос, яъни таъсисчиларнинг пай бадаллари йиғиндисиدير.

Тижорат банкларининг захира капитали актив операцияларининг чиқимларини қоплаш учун мўлжалланган. Улар олинган фойда етмай қолган вақтда банк облигациялари ва имтиёзли акциялар дивидендлари бўйича фоизларни тўлаш манбаи бўлиб хизмат қилади. У жамғарма ҳар йили фойдадан ажратиладиган маблағлар ҳисобиغا шакллантирилади.

Банк ўз маблағларининг алоҳида таркибий қисми бу аниқ операцияларни амалга ошириш учун банк томонидан яратилган суғурта захираларидир. Буларга биринчи галда қимматли қоғозлар маблағларини таъминловчи захиралар, шунингдек, ссудалар бўйича йўқотишлар бўлиб қолганда ишлатиладиган захиралар киради. Бундай захираларни шакллантириш мажбурий бўлиб, Марказий банк томонидан талаб қилинади.

Банк ўз маблағларининг энг муҳим вазифаси банкнинг омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг таъминоти бўлиб майдонга чиқишдир. Тижорат банкларининг ўзига хос томони шундаки, улар ўз маблағларининг миқдорини мустақил суратда ўзлари белгилайди ва ресурсларининг жуда кўп қисми ўз маблағлари ҳисобиغا эмас, балки заём маблағлари ҳисобиغا шакллантирилади. Банкларнинг маблағларни жалб этиш имконияти Марказий банк томонидан тартибга солиб борилади ва банкнинг ўз сармояси ҳам ташкилий-ҳуқуқий тузилишига қараб белгиланади.

Одатда, Марказий банк тижорат банклари учун банкларнинг ўз маблағлари билан четдан жалб қилинган ресурслар ўртасидаги чегарани белгилаб беради. Ўзбекистонда бу нисбат 1:20 миқдоридан белгиланган.

[77]. Банк капитали деганда банкнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва фавқулодда содир бўладиган зарарларни қоплаш мақсадида махсус ташкил қилинадиган фондлар ва захиралар тушунилади. Бу капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

- устав капитали;
- захира капитали;
- умумий захиралар;
- махсус захиралар;
- олдинги ва жорий йиллардаги тақсимланмаган ва банк ихтиёрига қолган фойда;
- риск (таваккалчилик)ни қоплаш учун ташкил қилинган захира фондлар.

Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топиб, унинг суммаси банк ус-

тавида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич, таянч нуқтаси ҳисобланади. Банкнинг ташкил қилиниш шаклига қараб унинг устав капитали ҳам турлича бўлиши мумкин. Агар банк акциядорлик жамияти тарикасида ташкил қилинадиган бўлса, у ҳолда банк устав капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан ташкил топади.

Банкларнинг акционер капитали қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топиши мумкин:

- ўз акционер капитали. Бу капитал оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш ва сотиш ҳамда тақсимланмаган фойда ҳисобидан;
- ҳар хил кўзда тутилмаган харажатларни ва тўланмаган қарзларни қоплаш учун ташкил қилинган захиралар ҳисобидан;
- банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (узоқ муддатли вексел ва облигациялар) ҳисобидан.

Банкнинг устав капитали унинг баланс пассивида кўрсатилиб, суммаси қонун билан чегараланмайди. Аммо унинг учун энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади. Ва бу энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда жалб этилган бошқа маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш мумкин.


Банкнинг захира капитали – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг соф фойда ҳисобига шаклланган захиралар, улардан банк фаолиятида кўзда тутилмаган турли зарарлар ҳамда қимматли қоғозлар курсининг тушиши натижасида йўқотишларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади.

«Умумий захиралар» – банк фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш) натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун, лекин айрим муайян операциялар бўйича зарарларни қоплашга мўлжалланмаган захиралар. Масалан, миллий валютани девальвациялаш учун мўлжалланган захиралар.

«Махсус захиралар» - «стандарт», «субстандарт», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларга қарши захиралар.

Тақсимланмаган фойда – захира фондига ажратмалар ва дивидендлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир.

Банк капитали қуйидаги функцияларни бажаради (22-чизма).



22-чизма. Банк капиталининг функциялари.

[78]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 420-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом»га (1998 йил 2 ноябрь Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки бошқарувида тасдиқланган) биноан янги очилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори қуйидаги жадвалга мувофиқ белгиланади (9-жадвал):

9-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида янги очилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдorigа қўйиладиган талаблар.

	Аҳолиси 0,5 млн. кишидан кўп бўлган шаҳарларда очилаётган тижорат банклари учун	Аҳолиси 0,5 млн. кишидан кам бўлган шаҳарларда очилаётган тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида очилаётган банклар учун	Хусусий банклар учун
1998 йил 2-ноябрдан	1,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,75 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,3 млн. АҚШ доллари эквивалентида
1999 йил 2-ноябрдан	25,0 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,0 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,3 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2000 йил 2-ноябрдан	2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,25 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,3 млн. АҚШ доллари эквивалентида

Фаолият кўрсатаётган банклар эквиваленти 2 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган суммада умумий капиталга эга бўлиши лозим. Фаолият кўрсатаётган банклар устав капиталини оширишга доир талаблар макроиктисодий аҳвол, банкнинг молиявий ҳолати ва бошқа сабабларга кўра алоҳида банкларга қўйилиши мумкин.

Банк капитали I ва II даражали капиталларга бўлинади (23-чизма).



23-чизма. Банк капиталининг таркибий қисмлари.

I даражали капитал умумий капиталнинг 50 фоизини ёки ундан кўпини ташкил қилиши лозим. **II даражали капитал** миқдори I даражали капитал миқдоридан ошиб кетса, капиталнинг ошиб кетган қисми капитал ҳисобига киритилмайди.

I даражали капитал қуйидагилардан иборат:

1. Тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар, нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:

- муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;
- эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;
- банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин, улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган дивидендлар тўланмайди.

2. Кўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми) – оддий ва имтиёзли акциялар нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши.

3. Таксимланмаган фойда.

4. Капитал захиралар.

5. Аввалги йилларнинг таксимланмаган фойдаси.

6. Жорий йил зарарлари.

7. Акция эгалари озчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақларидаги улуши. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

Дивиденд ставкалари ўзгариб турувчи имтиёзли акциялар юқоридаги шартлар бажарилишидан қатъий назар I даражали капитал ҳисобига киритилмайди.

II даражали капитал эса қуйидагилардан иборат:

– жорий йилдаги соф фойда;
– рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захиралар (I даражали капитал активлар ҳисоб-китоби қуйида келтирилган):

– ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали тавсифларини ўз ичига олган воситалар). I даражали капиталга киритилмаган аралаш турдаги мажбуриятлар, жумладан, имтиёзли акциялар агарда улар қуйидаги шартларга жавоб берсалар, II даражали капиталга киритилиши мумкин:

– тўлиқ тўланганлиги;
– гаров билан таъминланмаганлиги;
– банк тугатилганда уларга доир талаблар, банк депозиторлари талаблари қондирилгандан сўнг қондирилиши;

– акция эгасининг ташаббуси билан ва Марказий банк руҳсатисиз тўланмаслиги;

– банкнинг барча зарарларини қоплаши ва банкни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ҳуқуқини бермаслиги;

– агар банк охириги уч чорак мобайнида фойда олмаган бўлса, эмитент хоҳишига кўра ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар (фоизлар) тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивидендлар (фоизлар)ни тўлаш муддати кечиктирилиши мумкинлиги;

– субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 30%га камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– гаров таъминотига эга бўлмаслик;
– банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилгандан сўнг амалга оширилиши;
– бошлангич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши.

Капиталдан чегирмалар капитал етарлилиги коэффициентлари ҳисоблангунча амалга оширилади. I даражали капиталдан чегирмалар номоддий активлар, шу жумладан, гудвилни ўз ичига олади.

[79]. «Капиталнинг етарлилиги» сўзи банк барқарорлигига берилган умумий баҳони ва банкнинг рискка бардошлилик даражасини ифодалайди. Етарлилик тамойилининг моҳиятини куйидагича таърифлаш мумкин: ўз капиталнинг миқдори актив миқдорига (рискни ҳисобга олган ҳолда) мутаносиб бўлиши керак.

Капиталнинг етарлилиги куйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- **таваккалчиликка асосланган капиталнинг умумий суммаси (ТАКУС)** чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда I даражали ва II даражали капитал йигиндиси сифатида аниқланади:

$$ТАКУС = I \text{ даражали капитал} + II \text{ даражали капитал} + \text{Чегирмалар}$$

- **таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда активларнинг умумий суммаси (ТҲОАУС)** чегирмалар ажратилиб, таваккалчилик ҳисобга олинган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йигиндиси сифатида аниқланади:

$$ТҲОАУС = \text{Балансдаги активлар} + \text{Балансдан ташқари сўётлар-чегирмалар}$$

- умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти (K_1) куйидагича аниқланади:

$$K_1 = \frac{ТАКУС}{ТҲОАУС}$$

K_1 нинг рухсат этилган минимал даражаси 0,1 га тенг (10 фоиз)

I даражали капиталнинг етарлилик даражаси куйидагича аниқланади:

$$K_2 = \frac{I \text{ даражали капитал}}{ТҲОАУС}$$

K_2 нинг рухсат этилган минимал даражаси 0,05 га тенг (5 фоиз).

I даражали капитал таваккалчиликка асосланган умумий капиталнинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари номоддий активлар ва гудвилл чегириб ташланган I даражали капиталнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланадиган **Левераж** коэффициентига риоя этишлари керак:

$$K_3 = \frac{I \text{ даражали капитал}}{(\text{Умумий активлар} - \text{номоддий активлар} - \text{гудвилл})}$$

Номоддий активлар – моддий ва жисмоний шаклга эга бўлмаган номонетар, идентификацияланадиган активлардир. Уларнинг кўп турлари мавжуд, жумладан;

- дастурий таъминот;
- фойдаланиш ҳуқуқи;
- маркетинг;
- техник маълумотлар.

Бироқ, банк фаолиятида энг кўп тарқалган номоддий актив гудвиллдир.

Гудвилл – фирманинг моддий ўлчов таъсирига тушмайдиган сармояси, масалан, обрў-эътибор, касбий омилкорлик алоқалари, маркетинг усуллари ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, моддий ишлаб чиқариш доирасига кирмайдиган соҳаларда фирма жамғарган активларининг «нархи». Бу ибора мижозларнинг хайрихоҳлиги, илтифоти, мойиллигини ҳам ифодалайди. Гудвилл сезилмайдиган асосий капитал, сезилмайдиган активлар бўлиб, умуман корхона баҳоси билан унинг мавжуд асосий капитали баҳоси ўртасидаги фарқни ифодалайди.

Левераж – банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, у I даражали капиталнинг номоддий активлар қиймати, жумладан гудвиллни чиқариб ташлаган ҳолда умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланади.

«**Кук коэффиценти**» – банк капиталининг балансидаги ва баланси орти активлари ўртасидаги минимал нисбатни белгилайди. Уни ҳисоблашда мамлакатлар бўйича фарқланувчи таваккалчилик даражаси ва нормалари инобатга олинishi керак. Бу коэффицент 8% даражасида ўрнатилган бўлиб, унинг энг камида ярми банкнинг ўз капиталига тўғри келиши керак.

3.3 Банк активининг таркиби ва сифати

[80]. Банк активи деганда **пассивлар** жойлаштирилиши тушунилади.

Унинг таркибий тузилмаси деганда эса ҳар бир актив турининг жами активларга бўлган нисбати тушунилади. Тижорат банкларининг активи ва унинг таркиби қуйидагилар билан тавсифланади (10-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- банк активининг энг асосий қисмини ссудалар, яъни банк кредитлари ташкил қилади – 19,9 дан то 83,2 фоизгача;

10-жадвал.

Тижорат банкларнинг активи ва унинг тури

№	Активлар	%
1.	Кассадаги нақд ва унга тенглаштирилган пуллар	0,2 - 12,9
2.	Кредитлар (ссудалар)	19,9 - 83,2
3.	Инвестиция ва қимматли қоғозлар	2,1 - 23,9
4.	Бошқа турли активлар	0,2 – 7,8
	Жами активлар	100

- иккинчи ўринда инвестиция ва қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ташкил қилади – 2,1 фоиздан то 23,9 фоизгача;
- учинчи ўринда кассадаги нақд пуллар – 0,2 дан 12,9 фоизгача;
- бошқа турли активлар, яъни асосий фондларга қўйилмалардан тортиб, то банкнинг турли ҳисоб операцияларигача – 0.2 фоиздан то 7,8 фоизгачани ташкил қилади.

[81]. Баланс активлари таваккалчилик даражаси бўйича 0, 20, 50, 100 фоизли тўрт гуруҳга бўлинади. Ҳар хил тоифали активлар нисбий таваккалчилиги ўз зиммасига мажбуриятларни қабул қилган шахс тури ва гаров ёки кафолат тавсифига боғлиқ. Масалан, нақд пул 0 фоизли таваккалчилик даражасига эга бўлса, тижорат кредитлари 100 фоизли таваккалчилик тоифасига киради. Бу тижорат кредитлари капиталининг муайян суммаси билан тўлиқ таъминланган бўлиши кераклигини англатади.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли таваккалчилик миқдорига кўпайтириш ва таваккалчилик бўйича аниқланган активлар йиғиндиси орқали топилади. Қуйида банк активлари тоифаларининг таърифи келтирилган (11-жадвал).

Таваккалчилик даражаси ҳисобга олинган активлар суммаси ҳисоб-китоб қилинганда балансдан ташқари барча воситалар ҳисобга олинади. Ички бозорда тузилган **форвард**, **своп битимлари**, **сотиб олинган опционлар** ва шунга ўхшаш бошқа (**дериватив**) воситалар бундан мустасно.

Банк активлари тоифаларининг таърифи

№	Банк активлари тоифалари	Таърифлар
1	2	3
1.	Таваккалчиликдан холис бўлган активлар (таваккалчилик коэффициенти - 0 фоиз)	<ul style="list-style-type: none"> - банкда ва унинг филиалларида нақд пул кўринишида сақланаётган миллий ва чет эл валютаси (жумладан, йўлдаги нақд пул ва банк омборларида ёки Марказий банк омборларида сақланаётган олтин қуймалар); - Марказий банк ва унинг ҳудудий бошқармаларида вакиллик ва захира ҳисоб рақамларидаги маблағлар; - ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар; - Иктисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт (ИХТТ) Ташкилотига кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар; - активлар ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисоб рақамида сақланаётган қисми;
2.	Минимал таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коэффициентини - 20 фоиз)	<ul style="list-style-type: none"> - ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларига нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари; - ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтлари кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар. ИХТТ давлатлари депозитар институтларининг капитали бўлган қимматли қоғозлар юқори таваккалчилик даражасига (100%) эга активлар қаторига киради; - банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджетини ҳисобидан амалга оширилади.

		<ul style="list-style-type: none"> – банкнинг Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари; – жорий бозор қийматида баҳоланган ва Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари; – банкнинг ИХТТга аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ИХТТ га аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Хукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми таваккалчилик даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар каторига киритилади; – жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ИХТТга кирувчи давлатлар Марказий Хукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров билан таъминланган ёки кафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва балансдан гашқари мажбуриятлар. Қимматли қоғозлар банк тасарруфида бўлиши ва белгиланган тартибга мувофиқ унга берилиши лозим. Кафолатлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай шартларсиз, яъни уларни қўллашни чекловчи бирон-бир қўшимча шартларни ўзида қамраб олмаган бўлиши керак; – ўтказиш жараёнидаги пул ҳужжатлари (йўлдаги нақд пуллар ҳисобга қирмайди).
3.	Ўртача таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коэффициенти - 50 фоиз)	<ul style="list-style-type: none"> – жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ИХТТга кирувчи давлатлар Марказий Хукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров билан таъминланган ёки кафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва балансдан ташқари мажбуриятлар. Қимматли қоғозлар банк тасарруфида бўлиши ва белгиланган тартибга мувофиқ

		<p>унга берилиши лозим. Кафолатлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай шартларсиз, яъни уларни қўллашни чекловчи бирон-бир қўшимча шартларни ўзида қамраб олмаган бўлиши керак;</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўтказиш жараёнидаги пул хужжатлари (йўлдаги нақд пуллар ҳисобга кирмайди). – жисмоний шахсларга бир оилага уй-жой (хонадон) сотиб олиш ёки берилган ва дастлабки гаров (гаров предметига эгалик қилишнинг имтиёзли ҳуқуқи) сифатида сотиб олинаётган ёки қурилаётган уй-жой (хонадон) билан таъминланган кредитлар. Бунда ссуда микдорининг гаров қийматига нисбати 60 фоиздан ошмаслиги керак. 60 ва ундан ортиқ кунга муддати ўтган, фоизлар ҳисоблаш тўхтатилган ёки реструктуризацияланган кредитлар таваккалчилик даражаси юкори (100 фоиз) бўлган активлар тоифасига киради. – Бир оила учун уй-жой қуриш мақсадида берилладиган кредитлар, шу уй-жойда яшамокчи бўлган хусусий шахсларгагина берилиши керак. Банк дастлабки гаров ҳуқуқига эга бўлмаса, бундай кредитлар таваккалчилиги юкори (100 %) бўлган активлар ҳисобланади; – банкнинг ИХТТга кирувчи давлатлар маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари ёки бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар мазкур мажбуриятлар бўйича молиялаштирилдиган муайян лойиҳа тушумларига боғлиқ бўлса, ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланган активлар. Юкоридаги ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар.
4.	<p>Юкори таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коэффициенти – 100 фоиз)</p>	<ul style="list-style-type: none"> – банк томонидан берилган барча кредитлар, жумладан, тадбиркорлик тузилмалари, қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитлар, шунингдек, истеъмол ва ипотека кредитлари 3 – 5 тартиб рақами билан кўрсатилган кредитлар бундан мустасно. – банкнинг асосий воситалари, иншоотлари, жиҳозлари ва шахсий кўчмас мулки; – бошқа барча активлар.

[82]. Банк активининг сифати қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали тавсифланади:

- банк активининг ликвидлик кўрсаткичлари;

- таваккал активининг миқдори;
- критик ва тўлиқ баҳога эга бўлмаган активлар салмоғи;
- даромад келтирувчи активлар миқдори.

Ликвидлик даражасига қараб банкнинг жами активини қуйидаги учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- юқори даражадаги ликвид активлар;
- ликвид активлар;
- узоқ муддатли ликвид активлар.

Юқори даражадаги ликвид активларга қуйидагилар киради:

- нақд пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар;
- Марказий банк ҳисоб варағидаги маблағлар;
- давлатнинг қарз мажбуриятлари;
- норезидент банклар корсчётларидаги маблағлар;
- давлатнинг ички заёмлари учун ажратилган маблағлар.

Бу маблағларни зарурият туғилиши биланоқ банк ҳисобварағидан олиб ишлатиш мумкин.

Ликвид активлар таркибига юқори ликвид активлари таркибига кирувчи маблағлардан ташқари қуйидагилар ҳам киради:

- яқин 30 кун ичида қайтариш шарти билан сўмда ва чет эл валютасида берилган кредитлар;
- яқин 30 кун ичида мазкур банк ҳисоб варағига ўтказилиши кутилган тўловлар.

Узоқ муддатли ликвид активлар таркибига қуйидагилар киради:

- бир йилгача қайтариш шарти билан сўмда ва чет эл валюта-сида банк томонидан берилган кредитлар;
- 50 фоиз кафолат шарти билан бир йилдан кўпроқ муддатда қайтариш шарти билан берилган кредитлар;
- ҳукумат томонидан кафолатланган муддати кечиктирилган ссудани чегириб ташланган қолдиқ кредит;
- гаровдаги қимматли қоғозлар;
- гаровдаги нодир металллар.

Юқори даражали ликвид активлар меъёри (нормативи) қуйидагича ҳисобланади:

$$H_{\text{юд}} = \frac{\text{Юқори даражали ликвид активлар}}{\text{Талаб қилиб олинган сўмдаги банк мажбуриятлари}}$$

Ликвид (жорий) активлар меъёри (нормативи) қуйидагича аниқланади:

$$H_{\text{лб}} = \frac{\text{Жорий ликвидли активлар суммаси}}{30 \text{ кунгача муддат ичида талаб қилиб олингунча с\`етдаги банк мажбуриятлари}}$$

Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари шарт. Улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидли активлари, банк қўйилмаларининг бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар истисно қилинади) талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммаси нисбатига ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган ҳолда аниқланади.

Ушбу кўрсаткич 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Узоқ муддатли ликвид активлар меъёри (нормативи) қуйидагича аниқланади:

$$H_{\text{ум}} = \frac{\text{Тўлов муддати бир йилдан ошиқ бўлган активлар суммаси}}{\text{Тўлов муддати бир йилдан ошиқ бўлган банк мажбуриятлари}}$$

Қуйида келтирилган тахминий нормативлар банк активларини бошқаришда қўлланилиши мумкин (12-жадвал).

12-жадвал.

Активларнинг тахминий нормативлари

№	Активлар	Базис йил	Жорий йил	Тафовут
1.	Юқори ликвид активлар	45,1	48,5	+3,4
2.	Жорий ликвид активлар	28,2	23,3	-4,9
3.	Узоқ муддатли ликвид активлар	-	-	-
4.	Ўрта муддатли активлар	4,6	4,2	-0,4
5.	Ноликвид активлар	22,1	24,0	+1,9
	Жами активлар	100	100	0

Келтирилган кўрсаткичларнинг пасайиши банкнинг ресурслар барқарор бўлмаган манбаларга таянганлиги ёки банк портфелидаги юқори ликвид активлар улушининг камайганлигини англатади. Бу ерда банк ликвидлигини таҳлил қилинаётган давр (ойлик, чораклик, йиллик) мобайнида ўзгаришлар тенденциясига аҳамият берилиши ва ўзгаришлар аҳамиятини ҳамда характерини ўтган даврларга нисбатан баҳолаши, ресурслар жалб қилишнинг ўтган ва жорий страте-

гияларини баҳолаши, шунингдек, имкони бўлса, ўхшаш банклар билан қиёслаш лозим.

Шуни қайд қилиш лозимки, юқорида келтирилган ликвидлик коэффицентлари ўз-ўзидан ликвидликнинг етарлилиги бўйича аниқ маълумот бермайди. Уларга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қараш керак. Шунинг учун ҳам, банк раҳбарияти юқорида ликвидлик кўрсаткичларидан ташқари ўзининг ликвидлик кўрсаткичлари тўпламини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш керак. Бу кўрсаткичлар мазмунли бўлиши ва ҳар доим банкнинг молиявий ҳолатини баҳоловчи бошқа маълумотлар билан биргаликда баҳоланиши лозим.

[83]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242-сонли «Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби»га биноан активлар куйидаги тоифалар бўйича таснифланади (13-жадвал).

Актив бир тоифадан ортиқ тоифаларда таснифланиши ҳам мумкин. Суммаси асосий қарзнинг тўланмаган қийматидан кам бўлган таъминотга эга муаммоли ссуда куйидагича таснифланиши мумкин (таъминот сотилиши мумкин бўлган бозор мавжудлиги шарти билан):

- қиймати таъминотнинг бозор қийматига тенг бўлган асосий қарз қисми одатда субстандарт сифатида таснифланади;
- асосий қарзнинг қолган қисми ушбу бўлимда кўрсатилган тартибда шубҳали ёки умидсиз каби таснифланади.

13-жадвал.

Активларнинг таснифланиш тизими

№	Активлар тоифалари	Изоҳ
1	2	3
1.	«Яхши» активлар	Ушбу активлар бўйича қарзларнинг ўз муддатида тўланиши шубҳа тўғдирмайди. Қарз олувчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли микдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятлар, жумладан, мазкур қарзни қондириш учун етарли пул маблағлари оқимига эга. Қарз олувчи амалда бажариладиган, жумладан, бозорда рақобатлаша олиш, яхши маҳсулот ишлаб чиқаришга доир стратегик режани тақдим этади ва ўз маҳсулотлари учун маркетинг режасига эга бўлади. Қарздор мавқеини баҳолаш кредитга доир тўловлар тарихи, гаровнинг бозорда сотилиши (мулк ва кўчмас мулк, кафолат) каби омилларни ўз ичига қамраб олади.

		<p>Гаров «яхши таъминланган» кредит мезонларига мос келади. Гаров амалдаги қонунчиликка мувофиқ нотариал жиҳатдан пухта тасдиқланган бўлиши ва зарур ҳолларда тегишли мулк битимини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олиниши лозим. Банк кредит қайтарилмаган ҳолда чекловларсиз ва эркин равишда уни гаров ҳисобидан ундириб олиши мумкин. Таъминотга доир тақдим этилаётган барча ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши керак.</p> <p>«Яхши» деб таснифланган кредитларда улар қайтарилмаслиги аломатлари бўлмайди. Фоизлар муддати ўтган кредитлар «Яхши» деб таснифланиши мумкин эмас.</p>
2.	«Стандарт» активлар	<p>Стандарт тоифага киритилган активлар берилишида иккиламчи тўлов манбаси (кафолат ёки гаров билан) пухта таъминланган бўлиши лозим. Умуман олганда, қарздорнинг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланиб, лекин айрим ноқулай вазиятлар ёки йўналишлар мавжуд бўлса, улар бартараф этилмаса, қарздорнинг кредитни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Шу билан бирга, молиявий аҳвол ёки гаровни назорат қилиш борасида бирмунча шубҳалар бўлиши мумкин. Кредит ҳужжатларида етарлича ахборот бўлмаган ёки гаров таъминоти бўйича ҳужжатлари бўлмаган «яхши» кредитлар (активлар) ҳам «стандарт» активлар сифатида таснифланиши мумкин. Тўланмаган фоизлари янги кредитга айланадиган (капиталлаштириладиган) кредит ҳеч бўлмаганда «Стандарт» актив сифатида таснифланиш зарур. Қисқа вақт мобайнида (30 кунгача) кечиктирилган кредитлар «Стандарт» активлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ, кечиктирилган мақоми активнинг таснифланишини баҳолашда асосий омил бўлмаслиги лозим. «Стандарт» сифатида таснифланган активлар бўйича банк қайтарилмаган асосий қарз суммасининг 10 фоизи миқдориди захиралар тузиши шарт.</p>
3.	«Субстандарт» активлар	<p>Субстандарт активлар аниқ ифодаланган камчиликлар белгиларига эга бўлиб, бу ҳолат дастлабки шартномага мувофиқ қарз қайтарилиши шартларининг бажарилишига шубҳа уйғотади.</p> <p>«Субстандарт» сифатида таснифланган кредитларда қарз тўлашнинг дастлабки манбаи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарли даражада бўлмайди ва банк қарзни қайтариш учун қўшимча манбалар (гаровдан ундириш ва қарздор томонидан ссуда қайтарилмаганда гаровни сотиш, асосий фондларни сотиш сингари манбалар)ни қидиришга мажбур бўлади.</p>

Шунингдек, субстандарт активлар ишончли жорий молиявий аҳвол ва қарз олувчининг тўлов қобилияти билан ҳимояланмаган. Субстандарт активлар одатдаги нисбатан қоникарли жорий молиявий ахборотнинг йўқлиги ёки гаров ҳужжатларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражаси анча юқори бўлган кредитларни ифодалайди. Улар бўйича фоизлар ёки асосий қарз 30 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган таъминланмаган кредитлар, ҳеч бўлмаганда, субстандарт сифатида таснифланиши зарур, шунингдек, 90 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган таъминланган кредитлар ҳам субстандарт сифатида таснифланиши лозим.

Шунингдек, қуйидаги муаммо ёки хусусиятлардан камида биттаси мавжуд бўлса, актив тўлов муддати тўлғунича субстандарт сифатида таснифланиши мумкин:

а) асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли эмас, банк гаровга қўйилган мулкни сотиш, қарз олувчининг бошқа асосий маблағларини сотиш, тўланиши лозим бўлган бошқа қарз маблағларини қайта молиялаш қабиларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиши керак бўлган ҳолда;

б) қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларини мўлжалланаётган оқими мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда;

в) қарз олувчи қорхона капитали кўп даражада етарли бўлмагани тақдирда;

г) ушбу соҳага нисбатан йўналиш ва истиқболлар барқарор бўлмаган ҳолда;

д) кредитлар (активлар), гаров қиймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзнинг тўланмаган суммасига тенг бўлган ҳолда (яъни, кредит қисман таъминланган бўлса).

«Субстандарт» сифатида таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 25 фоизи тенг бўлган захираларни шакллантириши лозим.

Бу активлар субстандарт деб таснифланувчи активларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлик қайтарилишини шубҳа остига қўяди ва кам ишончли қилиб қўяди. Зиён кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган ушбу кредитлар шароит ойдашгунча «шубҳали» деб таснифланмайди. Қуйидаги омилларнинг камида биттаси мавжуд бўлса, актив «шубҳали» деб таснифланиши мумкин:

а) «субстандарт» активларнинг ҳеч бўлмаганда биронта кўрсаткичи, шунингдек, айрим бошқа ноқулай таъсирлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотилувчан га-

	<p>4. Шубхали активлар</p>	<p>ровнинг мавжуд эмаслиги ёки қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);</p> <p>б) яқин келажакда активнинг қисман тўланиши эҳтимолининг мавжудлиги, шунингдек, ушбу пайтда активнинг «умидсиз» деб таснифланиши зарур эмаслиги.</p> <p>Активни «умидсиз» деб таснифлашга имкон берувчи муҳим омилларга қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> – банк активлар бўйича айрим тўлов турларини ёки ҳеч бўлмаганда қисман тўловларни олади; – банк гаровни ундириб олиш бўйича ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни қўллаш бошлайди ва таъминот сотувини ўз вақтида амалга оширади (90 кун ичиди); – қарздор томонидан кейинчалик активни тўлиқ таъминлайдиган қўшимча таъминотни тақдим этиш ҳаракатларининг амалда бошланиши. <p>«Шубхали» деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарз тўланмаган суммасининг 50 фоизли миқдоридан захирани ташкил этиши шарт. Бундай активларга қайтарилмайдиган кредитлар киради. Қиймати жуда пастлиги туфайли банк активлари сифатида уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Бундай таснифлаш кредитларда умуман ҳеч қандай тугатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдирмайди. Лекин банклар ўз балансларида бу қарздорликнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Банк гаровга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш чораларини кўриши ёки уни қайтариш чораларини қўллаши керак.</p> <p>Камида 180 кунга кечиктирилган актив «умидсиз» деб таснифланади.</p> <p>Юқорида кўрсатилган давр мобайнида актив қайтарилмаслигидан далолат берувчи фактлар ва белгилар мавжуд бўлса, ушбу актив «умидсиз» деб таснифланиши мумкин.</p>
<p>5</p>	<p>Умидсиз активлар</p>	<p>Умидсиз деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 100 фоизи миқдоридан захиралар яратиши керак. Бунинг учун банк ўз фойдаси ҳисобига, фойда етмаган ҳолларда эса ўз сармояси ҳисобига умидсиз активларни балансдан чиқариши керак.</p>

[84]. Қуйидагилар активларнинг ликвид таъминоти вазифасини бажаради:

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг сўзсиз кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўзсиз кафолати;
- банкларда очилган ҳисобварақларда эркин айирбошланган валюта шаклидаги гаров;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қимматли қоғозлари шаклидаги гаров;

- андозавий қимматбаҳо металллар шаклидаги, яъни олтин ва кумуш қуймалари шаклидаги гаров.

Куйидаги активлар ноликвид таъминотга эга деб ҳисобланади:

- кўчмас мулк, ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ерга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олган ҳолда;

- кўчмас мулк;

- хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозлари;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг кафолатлари.

Активлар бўйича таъминот ҳисобланувчи гаров банк томонидан кредитни қоғлашни асосий манбаи деб ҳисобланмаслиги керак. Гаров кредитни тўлашнинг иккиламчи манбаи деб қаралиши керак. Хавфсиз ва ишончли фаолият андозаларига мувофиқ тарзда банклар гаровни кредитни қайтаришнинг асосий воситаси деб ҳисобланган ҳолда, кредит бермасликлари керак, шунга мувофиқ равишда банк асосий қарз суммаларининг қайтарилишини ва гаровни сотишдан олинган фоизларни баҳолаши керак.

[85]. Активларни таснифлаш тизими барча турдаги кредитлар, жумладан, банк кафолатлари, кредит линиялари, банклараро кредитлар, овердрафтлар учун қўлланилади ва балансдан ташқари мажбуриятларни таснифлашни ҳам кўзда тутди.

Мазкур тизим банк бошқа активлари, жумладан, инвестициялар, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, олишга доир ҳисобварақлар, учинчи шахслар номидан мажбуриятларни бажариш бўйича сотиб олинган талаб қилиш ҳуқуқи ва қайтарилмаслик хатари мавжуд бўлган бошқа активларни баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин.

Кредитни таснифлаш тизими куйидаги мезонлар бўйича қарздорни баҳолашдан бошланади:

- тенденция ва тармоқ (иқтисодий сектор) келажаги;

- қарздорнинг молиявий аҳволи;

- миқдорнинг кредит тарихи;

- муайян лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши (низоми);

- корхонадаги раҳбарлик ва бошқариш сифати (агар кредит корхонага берилса).

Кредит таҳлили ва активлар таснифи натижалари қарз олувчининг молиявий аҳволи, кредитларни тўлаш тарихи ва тегишли тарзда расмийлаштирилган гаровнинг мавжудлиги каби омилларга боғлиқ. Ушбу омилларни кредит портфели ва тижорат банкининг бош-

қа активларига хос бўлган таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолашда қўллаш жуда муҳимдир.

Марказий банк Бошқарувининг 1996 йил 20 июл 242-сонли «Тижорат банклари ва уларни шўъбалари томонидан ташкил этилган ссудалар бўйича йўқотиш эҳтимоллигида активларни таснифлаш, захираларни шакллантириш ва фойдаланиш тартиби» ҳақидаги йўриқномага мувофиқ ссудалар бўйича йўқотиш эҳтимолини қоплаш учун захирага ўтказиладиган маблағларнинг қуйидаги мезонлари ўрнатилган (14-жадвал).

14-жадвал.

**Ссудалар бўйича йўқотиш эҳтимолини қоплаш
учун захираларга ўтказиш меъёрлари**

Кредитлар сифати даражаси	Захираларга ўтказиш меъёрлари (%)
Яхши кредитлар	-
Стандарт кредитлар	10
Субстандарт кредитлар	25
Шубҳали кредитлар	50
Умидсиз кредитлар	100

Юқоридаги 242-сонли йўриқномага мувофиқ кредитлар қуйидаги бешта тоифа бўйича таснифланади (15-жадвал).


15-жадвал.

**Ссудаларни таъминланганлик даражасига қараб
уларни қайтариш муддатлари**

Активларнинг сифат даражаси	Таъминланган ссудалар	Тўлиқ таъминланмаган ссудалар	Таъминланмаган ссудалар
Яхши	Ссуданинг ўз муддатида қайтарилиши. Муддати ўтган қарздорлик, 30 кунгача	Ссуданинг ўз муддатида қайтарилиши	Ссуданинг ўз муддатида қайтарилиши
Стандарт	Муддати ўтган қарздорлик, 30-60 кун	Муддати ўтган қарздорлик, 30 кунгача	-
Субстандарт	Муддати ўтган қарздорлик, 60 кундан 180 кунгача	60 кунгача	30 кунгача
Шубҳали	180 кундан ортик	М.ў.к. 60 кундан 180 кунгача	М.ў.к. 30 кундан 180 кунгача
Умидсиз	-	180 кундан ортик	60 кундан ортик

3.4. Банк активи ва пассивини бошқариш


[86]. Банкнинг актив ва пассивларини бошқариш – банк ликвидлигини бошқаришнинг икки муҳим йўналишидир (24-чизма).



24-чизма. Банк ликвидлигини бошқариш

Ликвидликни бошқариш назарияси тижорат банкларининг ташкил топиши ва ривожланиши билан бир вақтда пайдо бўлган ва ривожланиб келган. Дастлаб банк ликвидлиги масаласига икки турдаги ёндашув мавжуд бўлган.

Биринчи ёндашув бўйича банк активларининг миқдори, тузилиши ва муддатлари банк пассивлари тузилишга мос тузилиши лозим эди. Бу эса тижорат банклари томонидан ўз ликвид маблағларидан фаол фойдаланишга имкон бермас эди. Бу назария асосида банкнинг олтин қоидаси ишлаб чиқилган эди. Унга кўра банкнинг талаблари миқдори ва муддати унинг мажбуриятлари миқдори ва муддатига тенг бўлиши зарур эди, яъни:



Иккинчи ёндашувда эса актив ва пассивларнинг реал ҳаётга мос келмаслиги асос қилиб олинган. Чунки энг катта банк ҳам молия-кредит сиёсатидаги ўзгаришлар, иқтисодий инкирозлар ва бошқа ўзгаришлардан кафолатланмаган. Бундай ўзгаришлар айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бораётган давлатларга хос бўлиб, у банк ликвидлигини таъминлаш заруриятини, яъни тижорат банклари активлари ва пассивларини самарали бошқаришни талаб қилади.

Активларни бошқариш назарияси қуйидаги услубий қоидага асосланади:

Биринчидан, тижорат банк маблағларини қисқа муддатли ссудаларга берганда унинг ликвидлиги сақланади. Бу қоида баъзи ғарб давлатлари конунларида ўз аксини топса-да, амалиётда эса у «иккинчи даражали захиралар» номини олган.

Иккинчидан, агар кредитни тўлаш графиги учун мижознинг келгуси даврда оладиған даромадларнинг тушиш графиги асос қилиб олинса, у ҳолда банк ликвидлигини режалаштириш мумкин.

Демак, банк ликвидлигига кредит ва инвестицияларнинг тўлаш муддатини ўзгартириш орқали таъсир этиш мумкин. Амалиётда бу қоида инвестиция портфелини поғонали бошқаришда ўз аксини топади.

Пассивларни бошқариш назарияси қуйидаги қоидаларга асосланади:

Биринчидан, тижорат банкларининг ликвидлиги муаммосини ҳал қилишга капитал бозоридан пул маблағларини жалб этиш орқали эришиш мумкин. Бу қоида ғарб давлатлари амалиётда ўз тасдигини ва амалий қўлланишини топган.

Иккинчидан, тижорат банки ўз ликвидлигини федерал захира тизими, банк-корреспондент, евровалюта бозорида ссудаларига муурожаат этиш йўли билан таъминланиши мумкин.

Тижорат банклари актив ва пассивларни бошқариш назарияларини амалиётга қўллаётганда доимо даромадлилик, ликвидлик ва тўловлилик ўртасидаги мувозанатни сақлашлари лозим.

Банк пассивларини бошқаришдан асосий мақсад – банкка даромад келтирмайдиган маблағлар миқдорини қисқартириш ва «арзон» маблағлар жалб қилиш орқали банк даромадлигини юқори даражага кўтаришдир. Демак, активлар ва пассивларни бошқаришнинг муҳим вазифаси энг паст хатар даражаси асосида фоиз тушумлари билан фоиз тўловлари ўртасидаги барқарор фарқни таъминлашдир.

Назарий жиҳатдан активлар ва пассивларни бошқаришни алоҳида-алоҳида ўрганиш мумкин. Лекин амалиётда улар бир-бирига узвий боғланган. Чунки баланснинг пассив қисмидан жой олган маблағлар манбаини таҳлил қилмасдан туриб актив операцияларни амалга ошириш мумкин эмас. Масалан, мижознинг кредит талабномасини қондириш учун банк ўзининг қанча маблағи мавжуд эканлигини, агар зарур бўлса, қанча миқдорда депозит маблағи жалб қилиши кераклигини аниқлаши лозим.

Банк бошқарувчиси активлар ва пасивларни бошқариш орқали қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- акционерлар ва омонатчиларни ҳимоя қилиш;
- нақд пулга бўлган талабни қондириш мақсадида ликвидликни таъминлаш, шу билан бир қаторда, ҳаракатсиз активларни инвестицияларга йўналтириш;
- даромадлиликни ошириш мақсадида жалб қилинган ва кредитга берилган маблағлар ўртасидаги фоиз ставкалари орасидаги фарқни бошқариш;
- таваккалчиликнинг маъқул даражаси билан хорижий валютани айирбошлаш операцияларидан даромад олиш;
- молиявий таваккалчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида капиталнинг етарлилик даражасини таъминлаш.


Бунинг учун:

- банкнинг даромади ва харажати ўртасидаги маржа спрэдни орттириш ва сақланишини таъминлаш;
- банкнинг юқори ликвидлигини таъминлаш;
- кредитларнинг хатар даражаси, қайтишининг таъминланганлик шакллари ва даромадлилик даражаси бўйича жойлаштириш;
- фоиз ставкаларининг ўзгаришини сезувчан активлар билан шу хусусиятга эга пасивларни тенг нисбатини таъминлаш лозим.

Шундай қилиб, активлар ва пасивларни бошқариш учун қуйидагилар бажарилади:

- ахборотларни тўплаш;
- уларни таҳлил қилиш;
- кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш асосида банкнинг келажақдаги режаларини белгилаш.

[87]. Жаҳон банк амалиётида активлар ва пасивларни бошқаришнинг қуйидаги усуллари мавжуд (25-чизма).



25-чизма. Жаҳон банк амалиётида активлар ва пасивларни бошқариш усуллари.

Фондлар манбаларини бирлаштириш усулида банк раҳбари активларнинг тўғри жойлаштирилишини аниқлаб олиши зарур. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, у ўзининг оддийлиги билан бошқарувчига қўл келади. Шу билан бирга, бу усулнинг айрим камчиликлари мавжуд. Жумладан:

- бошқарувчи активлар ва пассивлар орасидаги боғлиқликка эътибор бермайди. Натижада активлар портфелидаги қисқа ва узок муддатли кредитлар улушининг ортиши натижасида қўшимча ликвид маблағларига талаб юзага келади;

- банк акционерларининг олиши мумкин бўлган фойдаси ҳисобига бошқарувчи банк ликвидлигини ушбу активлар кўринишида таъминлаши ҳам мумкин.

Фондлар манбаларини бир-биридан ажратиш усули ёрдамида бошқарувчи асосий маблағлар қандай аниқ манбалар ҳисобига жалб қилинаётганини ўрғанади. Бунда у талаб қилиб олгунга қадар қўйилган қўйилмаларнинг нисбатини аниқлаши лозим. Шу билан бирга, у пул бозоридаги қарзлар ҳажми ва банкнинг мажбуриятлари ҳажмини ҳам аниқлаши лозим. Агар банкнинг фондлари асосан қисқа муддатли манбалар ҳисобига ташкил қилинган бўлса, у ҳолда маблағларнинг асосий қисми қисқа муддатли кредитларга ва қимматли қоғозларга йўналтирилади.

Аксинча, ўз фондларини қисқа муддатли маблағлар ҳисобига ташкил қилаётган банк, бу маблағларни озгина таваккалчилик билан қисқа муддатли кредитларга йўналтириш мумкин.

Қисқа муддатли манбалар	→	Қисқа муддатли активлар
Узок муддатли манбалар	→	Узок муддатли активлар

Ҳар иккала фонд манбаларини бирлаштириш усулидан фойдаланиш ёрдамида банк активлари ва пассивларни бошқаришда анча қулайликларга эга бўладилар. Бошқаришга бундай ёндашиш қуйидагиларга асосланади:

- Бошқарувчи дастлаб мақсадларни аниқлаб олиши, сўнгра активлар ва пассивларни бошқариш орқали ушбу мақсадларга эришиш учун ҳаракат қилиш лозим. Бу ўринда банк акционерлари қўйилмаларидан фойдаланишнинг энг юқори даражасига эришишга ҳаракат қилиш керак.

- Активлар ва пассивларни бошқариш жараёнида банкнинг да-ромадини юқори даражага кўтаришни таъминловчи бошқа қарор-

ларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминловчи барча имкониятлардан фойдаланиш.

- Актив ва пассивларни бошқариш орқали банк даромади ва харажати орасидаги фарқ (спрэд ёки маржа)ни ошириш ёки сақлаб туришга эришиш.

- Банк активлар мажбуриятлар портфелини бошқаришда асосий эътиборни юқори даромадли кредитларни беришга қаратмоғи лозим. Агар кредитларга йўналтирилиши мўлжалланган депозитлар ҳажми кам бўлса, керакли маблағлар бошқа арзон манбалар ҳисобидан жалб қилиниши лозим.

- Банк капиталининг баҳоси фақатгина унинг даромадлилигига эмас, балки таваккалчиликка ҳам боғлиқ бўлганлиги туфайли мазкур таваккалчиликни бошқариш ҳам банк раҳбарияти учун энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

[88]. Баланс бузилишини бошқариш деганда фоиз ставкаси хатарини сугурталаш (хежирлаш) стратегияси тушунилади. Бу стратегия фоиз даромадини келтирувчи:

- банк активлари;
- пул бозоридаги депозитлар;
- заёмлар билан боғлиқ бўлган нархларнинг амал қилиш муддати;
- нархларнинг ўзгариши эҳтимолини таҳлил қилишни талаб қилади.


Агар бошқарувчи аниқ ҳар бир давр учун активлар ва пассивлар ўртасидаги тенгликни таъминласа, фоиз ставкасининг бозордаги ўзгариши банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Қайта баҳоланиши лозим бўлган банк активлари нархи (фоиз ставкасининг ўзгаришини сезувчи активлар)	=	Қайта баҳоланиши лозим бўлган банк пассивларининг нархи (фоиз ставкасининг ўзгаришини сезувчи активлар)
--	---	---


Агар қайта баҳоланиши лозим бўлган активлар миқдори шундай пассивлар миқдорига тенг бўлмаса, фоиз ставкасидаги ўзгаришларни сезувчи активлар ва пассивлар ўртасида тенгсизлик (дисбаланс) юзага келади.

Тенгсизлик (дисбаланс)	=	Фоиз ставкасининг ўзгаришини сезувчи активлар	–	Фоиз ставкасининг ўзгаришини сезувчи пассивлар
------------------------	---	---	---	--

Аниқ ҳар бир давр ичида (кун, ҳафта ва ҳ.к) фоиз ставкасидаги ўзгаришни сезувчи активлар ҳажми худди шундай хусусиятга эга бўлган **пассивлар** ҳажмидан ортиқ бўлса, у ҳолда банк балансида **ижобий тенгсизлик** юзага келади, ёки бошқача қилиб айтганда, балансининг активлар бўйича сезувчанлик даражаси юқори бўлади:



Аксинча, агар фоиз ставкасидаги ўзгаришни сезувчи пассивларнинг ҳажми шу хусусиятга эга бўлган активлар ҳажмидан юқори бўлса, у ҳолда балансда **салбий тенгсизлик** юзага келади:



Масалан, банк фоиз ставкасидаги сезувчи 500 млн. доллар ҳажмидаги активлар ва 400 млн. доллар ҳажмидаги пассивларга эга бўлса, банкнинг актив салдоси (қолдиги), яъни ижобий тенгсизлик 100 млн. долларга тенг бўлади. Агар фоиз ставкаси кўтарилса, соф фоиз маржаси ҳам ортади. Натижада банк даромади ортади. Фоиз ставкаси миқдори пасайганда, соф фойда маржаси камаяди. Ижобий сальдога эга бўлган банк фоиз ставкаси камайганда даромадини йўқотади. Фоиз ставкасидаги ўзгаришни сезувчи актив ва пассивлар ҳажмининг тенг бўлиши, банкнинг фоиз ставкаси хатаридан ҳимоя қилади. Бундай ҳолда активлар бўйича фоиз тушумлари ва пассивлар бўйича фоиз чиқимлари тенг бўлиб, баланс бузилиши юзага келмайди ва соф маржаси барқарор, яъни мустаҳкам бўлади. Ҳозирги пайтда баланс бузилишини бошқаришни бир неча усулларида фойдаланилмоқда:

- банкнинг соф фойда маржаси кўзда тутилган даражага етишини таъминловчи маълум бир даврни белгилаб олиш зарур (масалан, бир йил ёки олти ой);
- соф фоиз маржасининг қандай мақсадларга йўналтирилишини аниқлаб олиш лозим, яъни соф фоиз маржаси ўрнатилган даражада қоладими, ёки имконият бўлса, уни кўтариш лозимми, шу ма-

салани ҳал қилиш керак;

- агар банк раҳбарияти соф фоиз маржасининг ортишини иста-са, фоиз ставкасининг ўсишини аниқ белгилаб олиши ёки даромад ва харажат орасидаги фарқни ошириш мақсадида ўз активлари ва пассивларини қайта тақсимлаш йўлларини топиши лозим.

3.5. Тижорат банкининг даромади ва фойдаси

[89]. Тижорат банки даромадининг асосий манбаи қуйидагилар ҳисобланади (16-жадвал).

16-жадвал.

Тижорат банкининг даромадлари

№	Даромадлар манбаи	Изоҳ
1	2	3
1.	Ссуда бизнеси	Бу бизнес икки унсурни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none">• миқдорларга ссуда бериш;• фойда олиш мақсадида ўзининг бўш турган ресурсларини бошқа тижорат банкларига вақтинчалик бериб туриш. Ссуда бизнесининг иккинчи қисми банклараро кредит ёки бошқа банкка қўйилган тезкор депозит шаклида бўлиши мумкин.
2.	Дисконтли бизнес	Бу тўланмаган векселлар, чекларни муайян дисконт билан банк томонидан сотиб олишга асосланади. Факторинг операциялари дисконтли бизнеснинг ҳар хил кўринишларидан биридир. У икки кўринишда бўлади: <ul style="list-style-type: none">• регресс (оборотли) ҳуқуқи билан;• регресс (оборотсиз) ҳуқуқсиз. Биринчи ҳолда банк маблағни олган (етказиб берувчи) дан тўланмаган мажбуриятларни ундириб олишга ҳақли бўлади. Иккинчи ҳолда эса бундай ҳуқуққа эга бўлмайди. Шу сабабли у кўпроқ мукофотланишни талаб қилиб кўпроқ таваккалга боради. Факторинг операцияси учун банкни мукофотлаш етказиб берувчининг сотишдан олган даромадини камайтиради. Чунки айнан шу қийматдан чегирма қилинади. Масалан, 20 фоз чегирма билан маҳсулотни сотиш ёки маблағни қайтариш.
3.	Ҳимояли бизнес	Бу банк операцияларига мос тушувчи хизматлар бўлиб, улар траст (ишончли) ва вакилли хизматлар
4.	Қимматли коғозлар оркали бизнес	Бунда банкининг даромади қуйидагилар эвазига шаклланади: <ul style="list-style-type: none">• ўзининг ва бошқа эмитентларнинг қимматли коғозларини сотиш чоғида курс тафовути эвазига олинган даромад;• хусусийлаштиришда бажарилган хизматлар эвазига олинган даромад (хусусийлаштириш ҳужжатларини талаб даражасига келтириш, корхонанинг қийматини аниқлаш, акцияларни чиқариш ва жойлаштириш реестрларни юргизиш ва х.к.)

5.	Банкнинг ка- филлик фао- лияти	Бу фаолият эвазига банк бевосита ва билвосита даромад ола- ди. Мижозларга банкдан кредит олиш ва бошқа операция- ларни бажаришлари учун кафил хатларини беради ва шу нарса эвазига банк даромад олади
6.	Мижоз омон- натларини жалб қилиш ва омонатчи- лар топшири- ги билан опе- рациялар амал- га ошириш фаолияти	Бунда банк даромади унинг қуйидаги воситачилик опера- цияларни бажариш эвазига шаклланади: <ul style="list-style-type: none"> • счётларни очиш; • счётларни олиб бориш; • счётлар бўйича операциялардан нусха олдириш; • счётларни ёпиш; • нақд пулни бериш бўйича ҳисоб-китобларни бажариш ва ҳ.к.
7.	Корреспон- дент (расмий ёзишма)лик хизмати	Бунда банк бошқа банк корсчёти қолдиги (сальдоси)даги кре- дитдан фоиз олиш эвазига даромад олади. У даромаднинг миқ- дори: <ul style="list-style-type: none"> • фоиз ставкаси даражасига; • фоизни ҳисоблаш тартибига; • сальдодаги кредит миқдори ва унинг қанчалик давомли- гига боғлиқ бўлади. Бунда банк даромади: <ul style="list-style-type: none"> • лизинг; • ахборот беришга оид (информацион); • маслаҳат бериш; • валютани алмаштириш; • мижозларни ўқитиш каби хизматларни бажариш эвазига шаклланади. Лизинг операцияларини бажариш эвазига олинадиган даромад: <ul style="list-style-type: none"> • лизинг тўловлар; • фоиз тўловлари; • воситачилик учун тўланган ҳақларни ўз ичига олади.
8.	Банк мулки- ни сотиш би- лан боғлиқ бўлган кўзда тутилмаган даромадлар	Бу даромад банк балансидаги қийматдан бозор баҳоси-нинг ошиши эвазига пайдо бўлади. Акс ҳолда харажат билан боғ- лиқ операциялар банкнинг тўғридан-тўғри зарар кўришига олиб келади.

Шундай қилиб, тижорат банкининг барча кўринишлардаги да-
ромадини урта гуруҳга бўлиш мумкин:

- фоиздан олинган даромад;
- воситачилик (комиссия) эвазига олинган даромад;
- бошқа турли даромадлар (бозордаги операцияларда курс фар-
қи, сотилган банк мулкининг балансидаги нарх ўртасидаги фарқ,

қимматли қоғозлар ва бошқа номинал баҳосини қайта баҳолаш, жарималар эвазига олинган даромадлар).

Қайд қилинган хизматлар эвазига олинган даромадлар банк харажатларини, рискинни қоплаб фойда олишини таъминлаши керак.

Ссуда фоизи – бу муайян муддатга берилган кредит учун тўланадиган фоиз. Ссуда фоизининг турлари куйидагича тавсифланади:

- **кредит шакллари бўйича:**
 - тижорат фоизи;
 - банк фоизи;
 - истеъмол фоизи;
- **кредит муассасаларининг турлари бўйича:**
 - Марказий банк фоизи;
 - тижорат банклари фоизи;
 - ломбард (гаров)га оид фоиз;
- **ссуда муддатлари бўйича:**
 - қисқа муддатли ссуда фоизи;
 - пул бозори ставкаси даражасидаги фоиз;
 - узок муддатли ссуда фоизи;
- **ссуда турлари бўйича:**
 - ссудалар бўйича фоиз;
 - банклараро кредит фоизи;
 - депозит фоизи;
- **ҳисоблаш усули бўйича:**
 - оддий фоизлар;
 - мураккаб фоизлар;
 - аниқ фоизлар;
 - одатдаги фоизлар ва бошқалар.

Турли кўринишлардан қатъий назар битимлашган ссуда фоизи кредит ресурсларининг баҳоси ва мазкур тижорат банки учун зарур бўлган маржа ҳисобига шаклланади.

[90]. Банк харажатларини уларнинг шакллари ва ҳисобга олиш усули бўйича таснифлаш мумкин (17-жадвал).

Банк харажатлари

№	Таснифлаш белгилари	Банк харажатлари турлари
1	2	3
I	Шакли бўйича 1. Фоиз тўловлари	<ul style="list-style-type: none"> • талаб қилинганда олинishi мумкин бўлган омонатлар учун фоиз тўловлари • тезкор депозитлар учун фоиз тўловлари • бошқа банк депозитлари учун фоиз тўловлари • чиқарилган қимматли қоғозлар учун фоиз тўловлари
	2. Фоизсиз тўловлар	<ul style="list-style-type: none"> • умумбанк операцион харажатларини коплаш учун ажратиладиган сарфлар • бошқарув аппарати харажатларини коплаш учун ажратиладиган барча сарфлар
	3. Бошқа харажатлар	<ul style="list-style-type: none"> • банк маҳсулоти таннархига қўшиладиган: <ul style="list-style-type: none"> → захиралар қиймати; → тўланган солиқлар; → қимматли қоғозлар ва валюта бозорларида чайковчилик операциялари натижасида қўрилган заррлар қиймати; → банк мулкани сотиш натижасида қўрилган заррлар қиймати.
II	Ҳисобга олиш усули бўйича 1. Банкнинг операцион ва турли харажатлари	<ul style="list-style-type: none"> • банкнинг қисман солиқ тўловлари • жалб қилинган ресурслар учун фоиз тўловлари • асосий фондлар амортизацияси • моддий ва номоддий активларнинг эскириши ва емирилиши • ижара тўловлари • ҳисоблаш маркалари учун тўловлар • реклама тўловлари • почта ва телеграф тўловлари • ўқитиш учун тўловлар • иш қоғозлари, магнит ленталар, қадоқлаш материаллари учун тўловлар • нокапитал характердаги сарфлар учун тўловлар
	2. Бошқарув аппаратини сақлаш	<ul style="list-style-type: none"> • иш хақи; • рағбатлантириш мақсадида берилган муқофот ва ёрдамлар; • ижтимоий фондга ўтказмалар; • бино, усқуналар, енгил машиналарни сақлаш харажатлари; • муҳофаза учун харажатлар; • хизмат сафарлари, девонхона ва бошқалар учун харажатлар. <p>Бу харажатлар фоизсиз харажатлар тоифасига киради.</p>

Банкнинг қисман солиқ тўловларига қуйидагилар киради:

- мулк солиғи;
- автомобиль солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- муҳим тармоқларни қўллаб-қувватлаш фондига тўланадиган

солиқ.

Барча қайд қилинган солиқлар банк операцияларни амалга оширишда сарфланадиган харажатларга, таннархга қўшилади. Фойда солиғи эса банк балансидаги фойдадан тўланади.

[91]. Маржа – бу савдо, биржа, суғурта ва банк амалиётида товарлар нархи, валюта ва қимматли қоғозлар курси, фоиз ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар фарқини аниқлаш учун ишлатиладиган атама. Банк амалиётида бу тушунча қуйидагича таърифланади. Маржа – бу:

- нархлар, курслар, ставкалар ўртасидаги фарқ;
- депозит, гаров таъминоти ёки валюталар курсининг йўл қўйилиши мумкин бўлган тебранишлари бўйича қўшимча улуш;
- мол асосида битимларда, очик фьючерс шартномалари бўйича қўрилиши мумкин бўлган талафотлардан суғурталаш мақсадида брокерга ёки ҳисоб-китоб палатасига топширилган пул суммасини ёки гаровни англатади;
- форвард валюта курсларини баҳолаш усули;
- биржа бозорида харидор қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишда брокерлик кредитидан фойдаланганида тўлайдиган сумма;
- қарз олувчи кредит қийматида қўшиб тўлайдиган устама.

Соддароқ қилиб айтганда, маржа тижорат банкининг даромад фоизи билан харажат фоизи ўртасидаги фарқ ёки олинган ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқ. Айнан маржа банк фойдаси ва харажатларни қоплаш манбаидир. Унинг миқдори абсолют ва нисбий миқдорларда ифодаланиши мумкин.

Абсолют миқдорларда маржа қуйидагича аниқланади:

$$M = \frac{\text{Муайян даврда олинган фоизлар суммаси}}{\text{Шу давр ичида тўланган фоизлар суммаси}}$$

Масалан, маржали ссудалар бўйича маржанинг абсолют суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$M_{cc} = \frac{\text{Ссудалар тўловлари бўйича фоизлар суммаси}}{\text{Кредит ресурслари бўйича фоизлар суммаси}}$$

Маржали ссудалар қарз олувчига кредит қийматиға устама қўшиш эвазига бериладиган ссуда.

Маржанинг абсолют миқдори ва унинг динамикаси бир қатор омиллар таъсирида ўзгаради:

- даромад келтирувчи кредит ва бошқа актив операциялар миқдори;
- банкнинг актив операциялар бўйича фоиз ставкалари;
- банкнинг пассив операциялари бўйича фоиз ставкалари;
- актив ва пассив операциялари фоиз ставкалари ўртасидаги фарк (спрэд);
- банк кредит портфелида фоизсиз ссуданинг улуши;
- фоизли даромад келтирувчи рискли активлар операциялари улуши;
- жалб қилинган ресурслар ва банкнинг ўз капитали ўртасидаги нисбат;
- жалб қилинган ресурслар таркиби;
- инфляция суръати ва бошқалар.

Маржа қуйидаги нисбий кўрсаткичларда тавсифланади:

$$K_{\text{хфм}} = \frac{\text{Олинган фоизлар суммаси} - \text{Тўланган фоизлар суммаси}}{\text{Даромад келтирувчи активлар}^{1)} \text{ суммасининг ўртача қолдиғи}}$$

$$K_{\text{хфм}} = \frac{\text{Олинган фоиз суммаси} - \text{Тўланган фоиз суммаси}}{\text{Активлар}^{2)} \text{ суммасининг ўртача қолдиғи}}$$

$$K_{\text{ссм}} = \frac{\text{Ссудалар тўловлари бўйича фоизлар суммаси} - \text{Кредит ресурслари тўловлари бўйича фоизлар суммаси}}{\text{Қарздорлик ссудаси суммасининг ўртача қолдиғи}}$$

Бу кўрсаткичлардан ташқари маржа фоизининг етарлилиги ҳам ҳисобланади:

$M_{\text{ет}}$	Банкнинг операцион харажат- лари	-	Тўланган фоизлар	+	Бошқариш аппаратни саклаш хара- жатлари	-	Нокредит харак- тердаги банк хиз- матларидан туш- ган даромадлар
Даромад келтирувчи активлар суммасининг ўртача қолдиғи							

¹⁾ Даромад келтирувчи активлар – юридик ва жисмоний шахсларга, банкларга берилган барча кредит турлари, қимматли коғозлар, факторинг ва лизинг операцияларига, бошқа корхоналарга сафарбар қилинган қўйилма маблағлардир

²⁾ Активлар - банк баланси активидаги маблағлар йингидиси.

Бу кўрсаткич банк учун маржанинг зарурий минимал даражасини белгилайди ва уни ҳисоблашдан мақсад – банк ўз харажатларини қанчалик қоплади деган саволга жавоб беришдан иборат.

[92]. Тижорат банкларининг фойдаси ва унинг даражасини таҳлил қилиш усулларидан қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- фойда манбаларини таркибий таҳлил қилиш;
- молиявий коэффициентлар тизимини таҳлил қилиш;
- омилли таҳлил.

Таркибий таҳлил банк фойдаси манбаларини аниқлаш ва банкнинг бугунги кундаги фаолиятининг барқарорлиги ва келгусида ривожланиш имкониятларини баҳолаш учун зарур. Мисол тариқасида шундай таҳлил қилиш моделини келтирамиз (18-жадвал).

18-жадвал.

Тижорат банк фойдаси таҳлили (млн. сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	А-банк			Б-банк		
		2006	2007	2008	2006	2007	2008
I	Фойданинг барқарор манбалари:						
	• фоизли даромадлар	420	510	630	1000	1200	1300
	• фоизли харажатлар	250	340	500	440	510	650
	Фоизли маржа	170	170	130	560	690	650
	• фоизсиз даромадлар	40	45	50	120	150	195
	• фоизсиз харажатлар	50	60	65	140	160	190
	Фоизсиз даромадларнинг фоизсиз харажатлардан ошган қисми (+), ошмаган қисми (-)	-10	-15	-15	-20	-10	+5
Барқарор манбалар – жами	160	155	115	540	670	655	
II	Фойданинг нобарқарор манбалари						
	• бозордаги чайков операциялари туфайли олинган даромад (+), кўрилган зарар (-)	+25	+40	+250	+5	-16	+25
	• кўзда тутилмаган операциялар туфайли олинган даромад (+), кўрилган зарар (-)	-	+40	+20	-	-	-
	Нобарқарор манбалар – жами	+25	+80	+270	+5	-16	+25

III	Бошқа турли харажатлар						
	• ссудалар бўйича эхтимолий йўқотишларни қоплаш захирасига ўтказиладиган маблаглар	20	30	30	20	10	10
	• солиқлар	20	15	10	50	70	100
	Соф фойда	145	190	345	475	574	570

18-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, А ва Б банкларнинг фойдаси асосан барқарор манбалар эвазига шаклланган. Уч йил давомида А банкнинг фойдаси 145 миллиондан 345 миллионга, яъни 2,4 мартага ошган, Б банкнинг фойдаси атиги 37 фоизга кўпайган. Аммо бунга асосланиб А банк яхши натижаларга эришган деб бўлмайди. Сабаби у 2008 йилга фойданинг кескин ўсиши бозордаги чайков операциялари туфайли олинган даромад (+250 млн.) эвазига таъминланган. А банкда фоизсиз даромадларнинг фоизсиз харажатлардан ошмаган қисми (яъни «бремя») кўп бўлиб, маржанинг 6-11 фоизгача қисмини «ҳамлаб» ташлаган. Б банкида бу фоиз атиги 1-4 фоизни ташкил қилади. 2008 йилда эса Б банкда фоизсиз даромадлар суммаси фоизсиз харажатларга нисбатан 5 млн. сўмга кўп бўлиб «бремя» тугатилган. Демак, Б банкда аҳвол нисбатан яхши.

[93]. Абсолют (мутлак) сонлар тижорат банклари фойдасининг фойдалилик даражасини таърифлай олмайди. Бунинг учун бир қатор молиявий коэффицентларни ҳисоблаш зарур (19-жадвал).

19-жадвал.

Фойдалилик коэффицентлар тизими

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Активларнинг бир сўмига тўғри келган фойда (K_{Φ})	$K_{\Phi} = \frac{БФ}{А}$	БФ – балансдаги фойда А – баланс активининг ўртача қолдиги
2.	Активларнинг бир сўмига тўғри келган чегирилган фойда ($K_{\Phi\Phi}$)	$K_{\Phi\Phi} = \frac{БФ - НБМД}{А}$ Бу коэффицентнинг K_{Φ} дан фарқи шундаки, бу ерда банк фойдаси нобарқарор манбалар эвазига эришилган даромадлик даражаси банк рейтингини юқорига кўтармайди.	НБМД - нобарқарор манбалар эвазига олинган даромад

3.	Активларнинг бир сўмига тўғри келган соф фойда ($K_{сф}$)	$K_{сф} = \frac{C\Phi}{A}$	СФ - соф фойда
4.	Активларни бир сўмига тўғри келган чегирилган соф фойда ($K_{чсф}$)	$K_{чсф} = \frac{C\Phi - НБМД}{A}$	Соф фойда асосида коэффициентларни ҳисоблашда Жаҳон банки мутахассислари томонидан тавсия этилган нормативлардан фойдаланиш мумкин. Хусусан, $K_{сф}$ нинг норматив даражаси 1,15 дан 0,35 фоизгача, $K_{чсф}$ нинг даражаси эса 1,0 фоиздан 0,6 фоизгача тебраниши мумкин.
5.	Активларнинг бир сўмига тўғри келган (солик тўлангунгача) фойда ($K_{стф}$)	$K_{стф} = \frac{Б\Phi + ТС}{A}$	ТС - тўланган ва банк операциялари харажатларига қўшилган солик Бу кўрсаткич Ўзбекистон банк тизими амалиётида ҳисобланади.
6.	Активларнинг бир сўмига тўғри келган (солик тўлангунгача) соф фойда ($K_{стсф}$)	$K_{стсф} = \frac{C\Phi + ТС}{A}$	Бу кўрсаткич жаҳон стандарти ҳисоб тизимида кенг қўлланилади. $K_{фа}$ ва $K_{стф}$ ҳамда $K_{чфа}$ ва $K_{чстф}$ лар ўртасида тафовут қанчалик катта бўлса, шунчалик фойдани бошқариш ёмонлашади.
7.	Ўз капиталнинг бир сўмига тўғри келган фойда ($K_{ўкф}$)	$K_{ўкф} = \frac{Б\Phi}{\bar{УК}}$	$\bar{УК}$ - банкнинг ўз капиталнинг ўртача қиймати
8.	Устав фондининг бир сўмига тўғри келган балансдаги фойда ($K_{уфф}$)	$K_{уфф} = \frac{Б\Phi}{\bar{УФ}}$	$\bar{УФ}$ - устав фондининг ўртача қиймати
9.	Устав фондининг бир сўмига тўғри келган чегирилган фойда ($K_{уфчф}$)	$K_{уфчф} = \frac{Б\Phi - НБМД}{\bar{УФ}}$	
10.	Устав фондининг бир сўмига тўғри келган (солик тўлангунгача) фойда ($K_{стсф}$)	$K_{стсф} = \frac{Б\Phi + ТКС}{\bar{УФ}}$	ТКС - банк маҳсулоти таннархига қўшилаётган солик Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон банк тизими амалиётида қўлланилади
11.	Ўз капиталнинг бир сўмига тўғри келган соф фойда ($K_{ўксф}$)	$K_{ўксф} = \frac{C\Phi}{\bar{УК}}$	

12.	Акционер капиталнинг бир сўмига тўғри келган чегирилган фойда ($K_{акф}$)	$K_{акф} = \frac{CФ}{АК}$	$\overline{АК}$ -акционер капиталнинг ўртача миқдори
13.	Акционер капиталнинг бир сўмига тўғри келган чегирилган соф фойда ($K_{акчф}$)	$K_{акчф} = \frac{CФ - НБМД}{АК}$	• $K_{урчф}$ нинг норматив даражаси 10 фоиздан 20 фоизгача бўлади
14.	Акционер капиталнинг бир сўмига тўғри келган (солиқ тўлангунгача) фойда ($K_{стсф}$)	$K_{стсф} = \frac{CФ + ТС}{АК}$	• $K_{стсф}$ нинг норматив даражаси эса 15 фоиз бўлади
Бу кўрсаткичлар жаҳон стандарти ҳисоб тизимида қўлланилади.			
15.	Битта ходимга тўғри келган фойда ($K_{бхф}$)	$K_{бхф} = \frac{БФ}{БХ}$	$\overline{БХ}$ – банк ходимларининг ўртача сони
Бу кўрсаткич Ўзбекистон банк тизими амалиётида қўлланилади			
16.	Битта ходимга тўғри келган соф фойда ($K_{бхсф}$)	$K_{бхсф} = \frac{CФ}{БХ}$	• Бу кўрсаткич жаҳон стандарти ҳисоб тизимида қўлланилади

Банкнинг даромадлилик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимида активларнинг бир сўмига тўғри келган фойда кўрсаткичи энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо бу кўрсаткич ҳам банк фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда етарли эмас. Бу, биринчидан, юқори фойда олиш катта риск билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бу кўрсаткичнинг динамикасига таъсир қилувчи омиллар турли туман ва ноаниқдир. Шу сабабли банк рентабеллигини таҳлил қилишда бир вақтнинг ўзида уни рискдан ҳимоя қилиш даражаси тўғрисида ҳам ўйлаш керак

[94]. Куйидагилар фойданинг мутлақ ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар ҳисобланади:

- банк даромади билан харажатининг ўсиши суръатлари ўртасидаги нисбат;
- банкнинг айрим актив операцияларидан олинган ўртача даромад;
- банк активи таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғи (ишлаётган активлар салмоғи);
- банкнинг актив ва пассив операциялари бўйича фоиз ставка-

ларининг ҳаракати;

- даромад келтирувчи активлар таркиби;
- кредит портфели таркиби;
- рискли актив операцияларининг банк активидаги салмоғи;
- ҳар бир актив операцияларнинг даромадлилиги.

Бу омилларни таҳлил қилишда фойдалилик коэффицентлари ва уларнинг кўпайтмаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, буни қуйидаги иккита коэффицент мисолида кўриб чиқамиз.

Фойда	Банкнинг ялпи даромади	Фойда
Банк активлари	Банк активлари	Банкнинг ялпи даромади

20-жадвал.

Коэффицентлар динамикаси

Кварталлар	$\frac{\text{Фойда}}{\text{активлар}}$	$\frac{\text{Даромадлар}}{\text{активлар}}$	$\frac{\text{Фойда}}{\text{даромадлар}}$
I	0,43	2,4	18,0
II	1,24	2,0	61,8
III	0,58	1,8	32,3
IV	0,27	1,5	17,8

Учала коэффицентлар динамикасидан кўриниб турибдики, бир йил ичида фойдалиликнинг умумий коэффиценти 2,4 фоиздан 1,5 фоизгача тушган. Бунга асосий сабаб қуйидаги самарадорлик коэффиценти ($K_{сам}$) билан тавсифланади.

$$K_{сам} = \frac{A_{дк}}{A}$$

Бу ерда:

$A_{дк}$ – даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи;

A – жами активларнинг ўртача қолдиғи.

Соф фойда (солик солингандан сўнг)	Соф фойда	Активлар
Ўз капитал	Активлар	Ўз капитал

Ўз навбатида, соф фойданинг активларга бўлган нисбатини иккита кўпайтувчига ажратиш мумкин.

$\frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ўз капитал}}$	=	$\frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ялпи даромад}}$	·	$\frac{\text{Ялпи даромад}}{\text{Активлар}}$	·	$\frac{\text{Активлар}}{\text{Ўз капитал}}$	=
= Маржадан даромад		Активларнинг даромадлиги		Лeverаж коэффициенти (капитал мультипликатори)			

Соф фойданинг ўз капиталга бўлган нисбат асосида учта кў-пайтувчи коэффициентга ажратиб ҳисобланиши жаҳон амалиётида **Дюкон формуласи** номи билан машҳур. Бу коэффициент тижорат банклари инвесторлари даромадларининг ўсиш йўналишларини, шунингдек, банкнинг барқарор рентабеллигини таъминлаш даражасини кўрсатади.

Маржа даромади фоиз ставкалари даражаси ва воситачилик хизматларидан тушган даромадларга, банкнинг даромади ва харажати ўртасидаги ўсиш нисбатларига, ресурс қиймати ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

3.6. Тижорат банкининг тўлов қобилияти ва ликвидлиги

[95]. Тижорат банкининг фаолияти ва унинг самарадорлиги энг аввало унинг ликвидлигига боғлиқ. Ликвидлиги бўлмаган банк тўловга лаёқатли бўла олмайди. Амалда айнан ноликвидлик банкларнинг тўловга лаёқатсизлигининг асосий сабаби бўлиб, уларни банкротликка ва банк тизимининг беқарорлигига олиб келади.

«Ликвидлик» атамаси латинча «Liquidus» сўзидан олинган бўлиб, суюқ, оқувчи маъносини беради. У турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш (қарзни тўлаш) имкониятини билдиради.

Барқарор талабга эга бўлган пул воситалари, банк депозитлари, қимматли қоғозлар, моддий айланма воситалар ва пулга тез айлан-тириладиган активлар ликвид восита (маблағ)лар деб юритилади.

«Тўловга лаёқатлилиқ» ликвидлик тушунчасига нисбатан кенг-роқ бўлиб, банк зарур муддатларда омонатчилари, кредиторлари ва давлат олдидаги мажбуриятларини тўла суммада бажара олиш лаёқатини билдиради.

Тўлов қобилияти банкнинг қисқа муддат ичида ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятларини кўрсатади.

Банк ликвидлиги – ўз активларини нақд пул сифатида ишла-тиш ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда пул маб-лағларига тезда айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбу-риятларни қоплай олиш қобилиятидир.

Агар банкнинг нақд пуллари ва ликвид активларининг йигин-диси унинг қарзи ва молия мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлса, банк фаолияти ликвид деб саналиши мумкин. Тижорат банк-ларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида ликвидлик захира-лари ташкил қилинади. Бу захира:

- фавқулодда кутилмаган эҳтиёжларни қондириш;
- кредит ва инвестиция бўйича манфаатли шартномаларни тузиш;
- кредитга бўлган талабнинг мавсумга қараб ўзгаришини қон-дириш;
- қўйилмаларни кутилмаган тарзда олинишини ва аҳоли жам-ғармаларининг кутилмаганда олинишини таъминлаш ва бошқалар учун зарур бўлади.

[96]. Тижорат банкларининг реал ликвидлик даражасини ҳисоб-лашда амалиётда турли хил мезонлардан фойдаланилади. ^{Ўзбекистон} Республикаси Марказий банки тижорат банклари фаолиятини тартибга солишни халқаро андозаларга мос равишда такомиллаш-тириш, реал баҳо беришни 1997 йил 22 августда тасдиқланган 10-сонли «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қондаси»га асосланиб олиб боради.

Бу қоидага биноан тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги иқтисодий меъёрлари тасдиқланган ва улар барча банклар томонидан бажарилиши шарт деб белгилаб берилган:

- банк капиталининг етарлилиги;
- банк капиталининг унинг мажбуриятларига бўлган нисбати;
- банкнинг ликвидлик коэффиценти;
- битта қарз олувчига тўғри келган максимал риск даражаси;
- битта кредиторга (жамғармачига) тўғри келган максимал риск даражаси;
- қимматли қоғозлар билан операцияларда банкнинг ўз маб-лағларидан фойдаланиш даражаси;
- инсайдерлар билан иш олиб бориш меъёрлари.

Банк капиталининг етарлилиқ коэффиценти банк капита-лининг (БК) ўз активлари (A) бўйича рискни ҳисобга олган ҳолда ўртача тортилган суммасига нисбати билан аниқланади:

$$K_{БКЕ} = \frac{БК}{А}$$

Банк капитали «асосий» ва «қўшимча» капиталлардан ташкил топади. Асосий капитал банкнинг умумий капиталининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Банк активлари ўзининг риск даражасига қараб 4 та асосий гуруҳга бўлинади:

- рискдан холи бўлган активлар;
- минимал рискли активлар;
- юқори рискли активлар;
- максимал рискга эга бўлган активлар.

Сўнги коэффициентнинг минимал даражаси 0,08 га, яъни 8 фоизга тенг бўлмоғи лозим.

Банк капиталининг (БК) унинг мажбуриятлари (БМ)га бўлган нисбати банкнинг бошланғич ликвидлигини (ББЛ) билдиради.

$$K_{ББЛ} = \frac{БК}{БМ}$$

Бу кўрсаткич банк мажбуриятларини ўз капитали томонидан таъминланганлигини ифодалайди. $K_{ББЛ}$ қанчалик юқори бўлса, бошланғич ликвидлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

[97] Юқорида таъкидлаганимиздек, банкнинг ликвидлилиги унинг ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олиш қобилиятини билдиради. Банклар учун қуйидаги ликвидлик кўрсаткичлари ўрнатилган (21-жадвал).

21-жадвал.

Банкнинг ликвидлик коэффициентлари

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Лаҳзалик ликвидлик коэффициенти ($K_{лл}$)	$K_{лл} = \frac{ПША}{ЖМ}$	ПША – банкнинг пул шаклидаги активлари МЖ – банкнинг талаб қилгунга қадар бўлган жорий мажбуриятлари
2.	Жорий ликвидлик коэффициенти ($K_{жл}$)	$K_{жл} = \frac{ЛА}{ММ}$	ЛА – ликвид активлар ва банкнинг тўлаш муддати 30 кунгача бўлган қўйилмалари (муддати узайтирилган ёки ўтган ссуда бўйича қарзлар ҳисобга кир-

			майди) ММ – талаб қилиб олгунга қадар бўлган маблағлар ва тўлаш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар
3.	Қисқа муддатли ликвидлик коэффициенти ($K_{км}$)	$K_{км} = \frac{A}{D + BK}$	А – тўлаш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган банк активлари Д – муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган жалб қилинган депозитлар ва ресурслар
4.	Битта қарз олувчига тўғри келадиган максимал риск даражаси ($K_{коро}$)	$K_{коро} = \frac{ЙК}{БК}$	ЙК – битта миқдорга берилган энг йирик кредит миқдори қўшилган депозитлар билан таъминланганлигини чегирган ҳолда шу миқдорга банк томонидан берилган мажбуриятларнинг 75 фоизи
5.	Барча йирик кредитлар учун максимал риск даражаси ($K_{йкрд}$)	$K_{йкрд} = \frac{ЖЙК}{БК}$	ЖЙК – жами йирик кредитлар. Жами берилган йирик кредитлар миқдори банк капиталининг 3 баробаридан кўп бўлмаслиги керак.
6.	Бир кредитор (жамғармачи)га тўғри келган максимал риск ($K_{кмп}$)	$K_{кмп} = \frac{\sum M}{БК}$	$\sum M$ – банкнинг жамғармалар, олинган кредитлар, депозит варақалар бўйича бир миқдорга тўғри келувчи жами мажбуриятлар $K_{кмп}$ нинг даражаси 1,0 атрофида бўлиши лозим.

Лаҳзалик ликвидлик коэффициенти (банкнинг юқори ликвид (яъни, кассадаги пул ва корреспондентлик варақасидаги) маблағларнинг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади) ва у банкнинг жорий тўловлари тизкорлик билан амалга ошира олиш қобилиятини кўрсатади.

Банкнинг жорий мажбуриятларига:

- талаб қилиб олгунга қадар бўлган депозитлар бўйича мажбуриятлар;
- бошқа банклардан олинган яқин орада тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича мажбуриятлар киради.

Бу меъёр банк активларининг ликвид қисми банкнинг энг нобарқарор ресурсларини қанчалик даражада сугурталай олиш имконини кўрсатади. Шунинг учун банклар лаҳзалик ликвидликни ҳар куни текшириб боришлари ва унинг минимал даражаси 0,25 дан кам бўлмаслигини таъминлашлари лозим. Банкларнинг кредитлаш жараёни риск билан боглиқ. Шу сабабли банкларнинг ликвидлигини таъминлашда улар берадиган кредитлар бўйича риск даражаси-

ни назорат қилиб бориш ўта зарур. Агар банк бирор миқдорга йирик суммада кредит берадиган бўлса, унга тўғри келиш мумкин бўлган риск даражасини текшириб туриши лозим. Шу мақсадда $K_{корд}$ коэффициенти ҳисобланади. Бу меъёр давлат кафолатланган кредитларига тегишли эмас.

Ликвидлик коэффицентларининг меъёрий даражаларини қуйидаги жадвалда келтирамиз (22-жадвал).

22-жадвал.

Ликвидлик коэффицентларининг меъёрий даражалари

Коэффицентлар	Меъёр даражалари
$K_{лл}$ ✓	0,25
$K_{жл}$	0,30
$K_{км}$	1,00
$K_{корд}$	0,25
$K_{нкорд}$	>3,00
$K_{кмп}$	1,00

[98]. МД давлатлари банк тизимида бажарилиши лозим бўлган қатор нормативлар ўрнатилган. Масалан, Россия Федерацияси тижорат банкларга қуйидаги меъёрларга риоя қилишларини шарт қилиб қўйган (23-жадвал).

23-жадвал.

Тижорат банклари томонидан бажарилиши лозим бўлган нормативлар

№	Нормативлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Банк мажбуриятларини чекловчи коэффицент (K_1)	$K_1 = \frac{\sum M}{\check{Y}K}$	$\sum M$ – банкнинг жами мажбурияти; $\check{Y}K$ – банкнинг ўз капитали
2.	Аҳоли омонатларини чекловчи коэффицент (K_2)	$K_2 = \frac{AO}{\check{Y}K}$	АО – аҳоли омонатлари суммаси
3.	Битта заёмчига тўғри келган максимал риск ҳажми (K_3)	$K_3 = \frac{CK}{\check{Y}K}$	СК – битта заёмчига тўғри келган ссуда қарзи
4.	Банк баланси жорий ликвидлик коэффицентини (K_4)	$K_4 = \frac{ЛА}{M_{30}}$	ЛА – ликвид активлар M_{30} – 30 кунгача бўлган банк мажбуриятлари
5.	Банк баланснинг ўрта муддатли ликвидлик коэффицентини (K_5)	$K_5 = \frac{A}{M}$	А – бир йилдан ортиқ муддатдаги активлар М – бир йилдан ортиқ муддатдаги мажбуриятлар

К1 банкнинг жами мажбурияти билан унинг капитали ўртасидаги боғланишни ифодалайди. Бундай боғланишни кузатиш ва унга риоя қилишнинг зарурияти шундаки, банк ўз мажбуриятлари ҳажмини ўз капиталига нисбатан ҳаддан ташқари оширмасликлари лозим. Акс ҳолда у ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларни бажаролмайди.

Банкнинг жами мажбурияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона, ташкилот, муассаса, шу жумладан, жамоа ташкилотлари ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиғи;
- юридик шахсларнинг омонатлари ва депозитлари;
- аҳоли омонатлари;
- ҳисобдаги маблағлар;
- бошқа банклардаги заёмлар;
- 50 фоизли кафолат ва кафиллик.

Банкнинг ўз капитали (**БҚК**) қуйидагича ҳисобланади:

$$БҚК = \sum \phi + ТФ + БҚ + ДҚ + d$$

Бу ерда:

$\sum \phi$ – банкнинг устав, захира ва бошқа фондлар йиғиндиси;

ТФ – тақсимланмаган фойда (фойдадан чегириб ташланган маблағлардан ташқари);

БҚ – бино ва иншоотларни қайта баҳолаш қиймати;

ДҚ – дебитор қарздорлар;

d – бошқа корхоналардаги улуши.

К1 нинг норматив даражаси тижорат банклари учун 1/20; кооператив банклар учун эса 1/12 дан кам бўлмаслиги керак.

К2 – аҳоли омонатлари билан унинг ўз капитали ўртасидаги боғланишни ифодалайди. Бундай боғланишни аниқлаш ва унга риоя қилишнинг зарурияти шундаки, ҳар қандай банк ўз маблағларининг суммаси доирасидагина аҳоли омонатларини жалб қила олиши мумкин, холос. Шу сабабли **К2** нинг норматив даражаси 1 га тенг қилиб ўрнатилган.

К3 нинг норматив даражаси 0,5 дан ошмаслиги керак.

К4 нинг норматив даражаси 0,3 дан паст бўлмаслиги лозим.

Шунга мувофиқ ҳар бир банк жорий тўловларни амалга ошириши учун қисқа муддатли мажбуриятларнинг энг камида 30 фоизи миқдоридаги активи бўлиши лозим.

К5 нинг норматив даражаси 1 дан катта бўлмаслиги керак. Барча нормативларни қуйидаги жадвалда келтирамиз (24-жадвал).

Чегараланган нормативлар

Нормативлар	Меъёр даражалари
K_1	0,5
K_2	1,0
K_3	0,5
K_4	0,3
K_5	1,0

Банк томонидан берилган барча «йирик» кредитлар банк капитали ҳажмининг 8 мартасидан ошмаслиги керак. Энг йирик бешта кредитнинг суммаси (балансоти операцияларни ҳисобга олганда) банкнинг ўз маблағларидан уч марта кўп бўлмаслиги керак.

Россия Федерацияси тижорат банклари учун қуйидаги меъёрларни ҳам белгилаб берган:

- $$H_1 = \frac{K}{M}$$

Бу ерда:

H_1 – банкнинг бошланғич ликвидлик даражаси;

K – капитал;

M – мажбуриятлар.

Бу меъёр банк мажбуриятларини ўз капитали томонидан қанчалик даражада таъминланганлигини кўрсатади. H_1 қанчали юқори бўлса, банкнинг бошланғич ликвидлиги ҳам шунча юқори бўлади.

- $$H_2 = \frac{K}{C}$$

Бу ерда:

H_2 – кредит бўйича қарзларнинг ҳисоб-китоб, жорий ва депозит қўйилмаларга нисбати;

K – кредитлар;

C – жорий ва депозит қўйилмалар.

Россия банкларида H_2 меъёрнинг даражасини 0,7-1,5 оралигида ушлаб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кредит бўйича эҳтиёжларни қондиришга қанча кўп маблағлар сарф этилса, H_2 нинг қиймати шунчалик юқори бўлади. H_2 нинг ошиши банк ликвидлигини тушишидан далолат беради. Буни тижорат банклари ўз кредит ва инвестиция сиёсатини олиб боришда ҳисобга олишлари керак.

- $$H_3 = \frac{La}{C}$$

Бу ерда:

H_3 – ликвид активларнинг умумий қўйилмаларга нисбати;

La – ликвид активлар, яъни тўлаш муддати 30 кунгача бўлган банк кредитлари ва шу муддатга келиб тушиши керак бўлган бошқа тушумлар.

H_3 меъёрининг даражасини 0,2-0,5 оралигида ушлаб туриш белгилаб берилган. Гарчи H_3 иқтисодий мазмуни бўйича H_2 га ўхшашроқ бўлса-да, H_3 банк ликвидлиги тўғрисида аниқроқ маълумот беради. Сабаби, H_2 коэффициенти ликвидсиз ҳисобланмиш кредитлар орқали банк ликвидлигини ифодалайди.

$$\bullet \quad H_4 = \frac{La}{A}$$

Бу ерда:

H_4 – ликвид активларнинг банкнинг умумий активларига бўлган нисбати;

A – активларнинг умумий ҳажми.

Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, банкнинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

$$\bullet \quad H_5 = \frac{La}{BM}$$

Бу ерда:

H_5 – ликвид активларнинг (La) талаб қилиб олгунга қадар бўлган қўйилмалар бўйича банк мажбуриятига нисбати;

BM – талаб қилиб олгунга қадар бўлган қўйилмалар бўйича банк мажбурияти.

Бу меъёр актив маблағларининг ликвид қисми қай даражада олиниши лозимлигини, шунингдек, кутилаётган мажбуриятни қоплай олиш даражасини ифодалайди.

$$\bullet \quad H_6 = \frac{A_{ms}}{ДВ + МК}$$

Бу ерда:

A_{ms} – банкнинг бир йилдан ортиқ вақт ичида тўлаши лозим бўлган активлари;

$ДВ$ – депозитлар бўйича мажбуриятлар;

$МК$ – бир йилдан ортиқ муддатли кредитлар.

Бу меъёрнинг максимал даражаси 1,0-1,5 атрофида сақланиши мақсадга мувофиқ деб юритилади. H_6 банкнинг бир йилдан узоқ мажбуриятларнинг таъминланганлиги бўйича ликвидлик даражасини ифодалайди.

[99]. Банк ликвидлиги куйидаги талабларни кондирадиган даражада бўлиши лозим:

- олинадиган депозитларни;
- активлар билан мажбуриятларни тўлашда мавжуд бўлган фаркни;
- пул оқимларидаги тебранишларни;
- режалаштирилмаган бошқа харажатларни қоплай оладиган даражада бўлиши керак.

Ликвидликни таъминлай олмаган банклар тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши натижасида банкротликка учраши муқаррар. Ликвидликни таъминлашнинг энг оддий усули банкнинг бир қисм активларини ликвид шаклида, масалан, нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқлар, давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) шаклида сақлаш ҳисобланади.

Банклар ликвидлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ликвид активларнинг зарур миқдорини белгилаб олишлари лозим. Мазкур омилларга куйидагилар киради:

- омонатларнинг кўпайиши ёки камайишига кўра маблағларга эга бўлиш ёки уларни йўқотиш;
- омонатлар суммасининг ўсиши ёки қисқаришига мувофиқ мажбурий захираларнинг меъёрий миқдорини кўпайтириш ёки камайитириш;
- ссудалар ва инвестициялар суммасининг ошиши ёки камайишига кўра маблағлар оқиб келишини кўпайтириш ёки камайитириш. Ушбу омилнинг таъсири шундан иборатки, ссудалар ва инвестициялар миқдорининг ошиши, ликвид активлар улушини камайтиради, сабаби инвестициялар аксарият ҳолларда узок муддатга жалб қилинади.

Даромадлилик ошаётган бир пайтда, ликвидликнинг мақбул даражасини таъминлаш учун банк жалб этилган омонатлар муддатлари ва уларга доир харажатларни таҳлил қилиб, кредит қўйилмалари ва инвестициялар муддатлари ҳамда режалаштириладиган даромадлар билан таққослаши лозим. Бундай таққослаш жойлаштирилган ва жалб этилган маблағларни муддатлари бўйича қиёслаш ва шу асосда банк ликвидлиги ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ликвидликнинг зарур даражада энг кўп фойдага эришиш учун қисқа, ўрта ва узок муддатли кредитларнинг оптимал нисбати нуктаи назардан кредит сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

[100]. Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни куйидаги ички ва ташқи омилларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

I. Ички омиллар:

- банкнинг мустаҳкам капитал базаси;
- банк активларининг сифати;
- депозитлар сифати;
- ташқи манбаларга унчалик боғлиқ эмаслик;
- актив ва пасивларнинг муддатлар бўйича мувофиқлиги;
- банкдаги менежмент даражаси;
- банкнинг биринчи даражали имижини (нуфузи).

II. Ташқи омиллар:

- мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳолат;
- пул ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси;
- банклараро бозорнинг барқарор ва ривожланганлик даражаси;
- Марказий банкнинг молиялаштириш имконияти;
- Марказий банкнинг назорат функцияси ва унинг самарадорлиги.

Банкнинг мустаҳкам капитал базаси, энг аввало, унинг ўз капиталининг мустаҳкамлигини таърифлайди. Ўз капитал қанчалик кўп бўлса, шунчалик банкнинг ликвидлиги юқори бўлади. Чунки айнан мустаҳкам капитал омонатчилар ва депозиторларнинг ишончли ҳимоячиси бўлибгина қолмай, у молиявий барқарорликни таъминловчи кучли восита ҳамдир.

Банк активларининг сифати қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- ликвидлик;
- рисклилиги;
- даромадлилик;
- диверсификацияланиши, яъни ҳар томонлама ривожланиш имконияти.

Банк активларининг ялпи rischi қанчалик юқори бўлса, шунчалик банк кўп даромадга эга бўлади.

Активларнинг диверсификацияланиши қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

- ресурс қўйилмаларининг йўналишлари бўйича активлар таркиби;
- объектлар ва субъектлар бўйича кредит қўйилмаларининг таркиби;
- валюта операцияларини бажаришда ишлатиладиган валюта таркиби;
- қимматли қоғозлар портфели таркиби ва бошқалар.

Активлар қанча диверсификацияланган бўлса, банк ликвидлиги

шунча юқори бўлади.

Депозитларнинг сифати уларнинг барқарорлиги билан белгиланади. Депозитлар қанчалик барқарор бўлса, банк ликвидлиги шунчалик юқори бўлади. Чунки депозитлар, яъни жамланган ресурслар банкни тарқ этмайди. Депозитларнинг барқарор қисмининг ошиб бориши банкнинг ликвид активларга бўлган эҳтиёжини пасайтиради.

Банклараро кредитлар банк ликвидлигига деярли хуруж қилмайди, аксинча, улар банкнинг қисқа муддатли ликвидли маблағларга бўлган етишмовчилигини тўлдиради.

Суммалар ва муддатлар бўйича **актив ва пасивларнинг ўзаро мувофиқлигига** риоя қилмаслик асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобига фаолият кўрсатувчи банкларни ниҳоятда танг аҳволга тушириши мумкин. Натижада банк кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолатига тушиши муқаррар. Шунинг учун ҳам, банк инвестиция қилинаётган пул маблағларининг муддати ва суммасини омонатлар билан келишган ҳолда ўрнатиши лозим.

Банкда менежментнинг ҳолати ҳам унинг ликвидлигини аниқлаб берувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Бошқарув самарадорлиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- банк сиёсатининг мавжудлиги ва пишиқлиги;
- банкнинг юксак даражадаги жорий ва стратегик вазифаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлган ташкилий мақбул таркиби;
- актив ва пасив операцияларни бошқаришнинг ишлаб чиқилган мавжуд механизми;
- масъул қарорларни қабул қилиш имкониятлари ва ҳ.к.

Имиж, яъни нуфузнинг юқори бўлиши мазкур банкка бошқа банкларга нисбатан ўз фаолиятидаги мавжуд камчиликларни осон ва зудлик билан бартараф этишга, бўш маблағларни жалб қилишга, депозитлар барқарорлигини таъминлашга имкон яратади.

[101] Банк ликвидлигини бошқариш деганда ликвидлик даражасини ҳамда банк фаолиятининг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш борасидаги сиёсат тушунилади. Бу сиёсат ликвидликни бошқариш бўйича асосий ҳолатларни қамраб олади ҳамда банкнинг турли хил молиявий воситаларни қўллашга нисбатан муносабатини, масалан, турли молиявий воситалардан фойдаланишни аниқифода этади.

Ликвидликни бошқариш сиёсати банк бошқаруви томонидан ишлаб чиқилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Бунда

ликвидликни бошқариш бўйича қарорлар банк Кенгашида мунтазам равишда кўриб борилади. Ҳар бир банкда ресурсларни бошқариш қўмитаси тузилади ҳамда унга ликвидликни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида банк турли бўлинмалари фаолиятларини мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилади. Қўмита таркибига банкнинг асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари киради. Унга банк Бошқаруви раиси раҳбарлик қилади.

Ресурсларни бошқариш қўмитаси ҳафтасига камида бир марта бизнес режа ва банк фаолиятининг иқтисодий шароитига асосланиб ресурсларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларни кўриб чиқиш учун йиғилади. Қўмита қарорлари банк бўлинмалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тезкор ва стратегик тавсияномалар кўринишида бўлади.

Ликвидликни самарали бошқариш қўйидаги омиллар таъсирида таъминланади:

- банк ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган ликвидликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги;
- банкнинг турли бўлинмаларининг мувофиқлаштирилганлиги;
- банк ликвидлик ҳолатининг мониторинги вазибалари юкланган бўлинманинг мавжудлиги;
- маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пасив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги. ➤

Банк ликвидлигини бошқаришни йўлга қўйишда қўйидаги омилларни таҳлил қилган ҳолда қарорлар қабул қилиши керак:

- жорий ликвидлик ҳолати;
- ресурсларга бўлган талабнинг даврий ўзгариб туриши;
- ресурсларга бўлган талабларнинг мўлжалланаётган ўзгаришлари;
- ресурслар манбалари. Раҳбарият банклараро бозорда активларни сотиш ва харид қилишни ёки бошқа манбаларни танлаши лозим.
 - ресурсларнинг қиймати;
 - **активларнинг сифати.** Маълумки, активларнинг сифати банк ликвидлигига таъсир қилади. Муаммоли кредитлар, яъни муддати ўтган, фойда келтирмаётган кредитлар ва пул маблағлари ҳаракатининг камлиги банк ликвидлигига таъсир кўрсатади;
 - **ресурсларнинг жамланганлиги.** Масалан, банкнинг давлат ва йирик корхоналарнинг депозитларидан ҳаддан ортиқ қарамлиги

банкнинг ликвидлик таваккалчилигининг ошишига сабаб бўлади. Чунки ушбу депозитлар ҳар хил бюджет тўловлари ёки иш ҳақини тўлаш учун ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин;

- **банк капитали ва фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда банкнинг умумий молиявий ҳолати.** Банкнинг молиявий ҳолати ёмон бўлса, талаб қилинаётган воситаларни йўл қўйиб бўлмайдиган юқори нархларда ошиши ёки банклараро бозорга кира олмаслиги мумкин. Воситалардан фойдаланиш имкони бўлса-да, қарз берувчи ДҚО ёки депозит сингари юқори ликвидли ёки осон сотилувчан таъминот берилишини талаб қилади. Банк эса бунга йўл қўя олмайди.

- **балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар,** жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматли қоғозлар ва валютани сотиб олиш учун тузилган келишувлар.]

[102]. Маблагларни жойлаштириш ҳақидаги қарорларга жуда кўп, баъзан бир-бирига зид омиллар таъсир этади. Масалан, агар раҳбарият нақд пул каби юқори ликвидли йирик активларга эга бўлишни истаса, у жорий даромаддан воз кечади. Банклараро бозорда анча арзон ресурсларни олиш имконияти мавжуд бўла туриб, ликвидликка бўлган талабни қондириш мақсадида юқори ликвидли ДҚО ларни сотиш ҳам даромаднинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Банклар кўп усуллар билан ресурсларни кўпайтириши мумкин:

- доимий равишда депозитларни жалб қилиш;
- банклараро ёки Марказий банк кредитларини олиш каби усуллар билан.

Жалб қилинган маблаглар нархларининг рақобатлилиги ва мажбуриятларни қайтариш муддати активларни қайтариш муддатига мос келиши керак.

Активлар ва мажбуриятларни қайтариш муддатларининг мос келмаслиги ликвидлик хатарининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ликвидликни самарали бошқариш деганда банклар бу номутаносибликларни англаган ҳолда мавжуд хатарни камайтириш учун етарли чораларни кўриш йўли билан ликвидлилик позициясини мустаҳкамлаш тушунилади.

Банкнинг ликвидлилик позицияси биринчи навбатда, унинг ресурслар базасининг барқарорлигига боғлиқ.

Турли воситалар орқали ресурсларни жалб қилишнинг барқарорлигини аниқлашда биринчи галда ресурсларнинг манбаларини кўриб чиқиш керак. Турли пасив тоифалар даражаларининг барқа-

роғлигига боғлиқ ҳолда баъзи умумлаштиришларга йўл қўйилиши мумкинлигига қарамасдан (ҳар қандай вақтда анча юқори ставкаларга интилиб, банкдан чиқиб кетиши мумкин бўлган йирик депозит сертификатларига нисбатан жамғарма ҳисобварақлари анча ишончлидир, жорий депозитларга нисбатан узоқ муддатли депозитлар анча барқарордир) ресурс манбаи тури муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, узоқ муддатли кредит олган банк акциядорлари ёки қарз олувчиларига тегишли бўлган йирик депозитлар одатда рақибларнинг бироз юқори фоиз ставкалари бўйича таклифлардан сўнг банкдан чиқиб кетиш тенденциясига эга бўлмайди.

Активларни сотиш билан бир қаторда нақд пулнинг тезда ортишига эҳтиёж сезган банк кредитлар учун банклараро бозорга мурожаат қилиши мумкин. Банкнинг ушбу бозордан кредит олиш имкониятлари бир неча омиллар билан биргаликда банкнинг молиявий ҳолатига, капиталнинг етарлилигига, бозорнинг фикрини билган ҳолда юқори ликвидли гаровнинг мавжудлигига, бозорнинг ликвидлигига ва умумий макроиктисодий аҳволга боғлиқдир.

Банклараро кредитлар бозори ресурсларнинг муҳим ва йирик манбаи ҳисобланади. Ушбу бозорда операциялар қуйидаги муаммоларни ҳал этиши учун хизмат қилиши мумкин:

- тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларидаги захираларнинг тақчиллигини қоплаш ва уни талаб даражасига етказиш;
- мўлжалланаётган узоқ муддатли кредитлаш эҳтиёжи вужудга келгунча ёки йирик депозитни қайтариш талаби билдирилгунча ресурсларни самарали жойлаштириш (шу жумладан камида бир кунлик муддатга) учун шароит яратиш;
- Марказий банкдан олинган узоқ муддатли кредитларни қайтариш.

Банклараро бозор иштирокчилари бошқа ҳар қандай иштирокчига ортиқча захирани қарзга бериши (олиши) мумкин. Банклараро бозордаги операциялар қарз олувчи ёки қарз берувчи истак билдирганда бошқа банкларга ресурслар сотиш ёки сотиб олиш таклифи билан мурожаат қилиб амалга оширилиши мумкин.

Операция ташаббускори биринчи бўлиб билдирилган таклифни қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Бундан ташқари, у анча маъқул нарх (фоиз ставкаси)да муқобил таклиф киритиши мумкин. Операция шартлари бўйича оғзаки ёки ёзма равишда келишувга эришилгач, қарз берувчи банк шу заҳоти ўз вакиллик

ҳисобварагидаги ресурсларни қарз олувчи банкнинг вакиллик ҳисобварагига ўтказиб бериши керак.

Банклараро кредитларнинг муддати бир кундан бир неча ойгача давом этиши мумкин. Фоиз ставкалари контрагент банклар ўртасидаги битим асосида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ёки ДҚО лари бўйича ставкаларни асос қилиб олган ҳолда белгиланади. Таъминотга эга бўлмаган банклараро кредит битимларини тузганда бир қарз олувчига бериладиган қарз меъёрларига амал қилишади. Фақатгина овернайт операциялари бундан истисно, улар бўйича лимит чегараси банк капиталининг 25 фоизи атрофида ўрнатилади.

Банклараро кредитларнинг таъминоти сифатида ДҚО лари каби юқори ликвидли ва осон сотилувчи қимматли қоғозлар қабул қилиниши мумкин. Таъминот сифатида топширилган қимматли қоғозлар учинчи шахснинг (тижорат банки ёки Марказий банкда) ҳисобварагида жойлаштирилади ёки Марказий банк дафтарларида уларнинг гаровга олинганлиги белгилаб қўйилади.

Репо операцияларида қўлланилувчи қимматли қоғозлар осон сотилувчи ва ликвид воситалар, яъни ДҚО лари кўринишида бўлиши керак. Агар банклар бошқа қимматли қоғозларни афзал деб билса, у ҳолда қарз берувчи томон уларнинг юқори ликвидлик талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиши ва уларни ўзларида сақланишини таъминлаши керак. Бундан ташқари, томонлар қимматли қоғозларни учинчи томонда сақлаш ҳақида келишиб олиши мумкин.

Репо операциялари Марказий банк талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Келишувда ҳар бир томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлади. Кредит берувчи томон қимматли қоғозларнинг тўлов муддатига қараб гаров қийматининг кредит қийматидан камида 10 фоизга юқори бўлишини таъминлаши керак. Тўлов муддати қанча яқин бўлса, маржа шунчалик катта бўлиши зарур. Таъминот сифатида ДҚО ларидан фойдаланилган ҳолда гаров қийматини, жорий дисконт асосида аниқлаш тўғрироқ бўлади. Купонли қимматли қоғозлар қиймати уларнинг бозор нархи ҳамда ҳисобланган фоизлар миқдорида аниқланади.

Ҳозирги вақтда гаров тури бўйича маълум чекловлар ўрнатилмаган бўлса-да, банклар бозорда котировка қилинмайдиган қимматли қоғозлар ва асосий воситалар каби гаровнинг ноликвид шакллари ни қўллашда ўзларининг зиммаларидаги хатарни англашлари лозим.

Давлат қимматли қоғозларидан ташқари бошқа қимматли қоғозлар гарови асосида берилган кредит «таъминланган» кредит ҳисобланмайди.

[103]. Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвид активлари, банк қўйилмаларининг бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар бундан истисно қилинади) талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммаси нисбатига ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган ҳолда аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Банк ликвидлигини таҳлил қилувчи давр (ойлик, чораклик, йиллик) мобайнида ўзгаришлар тенденциясига аҳамият бериши ва ўзгаришлар аҳамиятини ҳамда характерини ўтган даврларга нисбатан баҳолаши, ресурслар жалб қилишнинг ўтган ва жорий стратегияларини баҳолаши, шунингдек, имкони бўлса, ўхшаш банклар билан таққослаш лозим.

Ликвидлик коэффицентлари ўз-ўзидан ликвидликни етарлилиги бўйича аниқ маълумот бермайди, уларга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қараш керак. Қуйида ликвидлик коэффицентлари (К) бўйича мисоллар келтирамиз:

$$K = LA \div (JA + DBM)$$

Бу ерда:

ЛА – ликвид активлар (захиранинг ортиқча қисми, эркин айирбошланадиган валюта, ДҚОлари, бошқа банклардаги вакиллик ҳисоб варақлари);

ЖА – жами активлар;

ДБМ – доимий бўлмаган мажбуриятлар (йирик депозитлар, маълум манбалардан олинган қарзлар).

Ушбу кўрсаткичлар қуйидагича хулоса чиқариш учун асос бўлади: K_1 , K_2 ва K_3 кўрсаткичларининг пасайиши банкнинг ресурслар барқарор бўлмаган манбаларга таянганлиги ёки банк портфелидаги юқори ликвид активлар улушининг камайганлигини англатади.

Кредитларнинг депозитларга нисбати (К/Д) – депозитларнинг, айниқса, майда омонатчиларга тегишли қисми одатда ресурсларнинг барқарор манбаидир. Мазкур кўрсаткичларнинг жуда юқори

киймати (80 фоиздан ортик) ва (ёки) ўсиши дастлабки муаммолар банкдан чикиб кетадиган ресурслар (банклараро бозордан олинган қисқа муддатли қарзлар) манбаларига бўлган талабнинг пастлигини билдиради.

Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар (ГҚҚ)нинг жами қимматли қоғозлар (ЖҚҚ)га бўлган нисбати (ГҚҚ/ЖҚҚ) гаровга қўйилган қимматли қоғозлар умумий кўрсаткичи бўлиб, у ликвидликка тезкор талабларни қоплаш учун қўлланилмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, банк раҳбарияти жорий ликвидликдан ташқари ўзининг ликвидлик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Мазкур кўрсаткичлар тўлиқ бўлиши учун ҳар доим банкнинг молиявий ҳолатини баҳоловчи бошқа маълумотлар билан биргаликда баҳоланиши лозим.

[104]. Банк қуйидаги ҳолларда ликвид маблағларга эҳтиёж сезади:

- мижозлар ўз ҳисобварақларида пул маблағларини олиш истагини билдирганда;

- мижозларга кредит беришга қарор қилинганда;

- банкнинг бошқа банклардан ёки марказий банкдан олган қарзи, солиқ тўлови ва акциядорларга дивиденд тўлаш муддати келганда;

- мижозлар жамғармалари ҳисобига;

- банк активларининг сотилиши ҳисобига;

- мижозлар олган кредитларини қайтариши ҳисобига;

- нодепозит банк хизматлари ва пул бозоридаги пул маблағларини жалб қилиниши ҳисобига.

Ликвид маблағлар бўйича талаб ва таклиф манбаларининг бундай турларини назарда тутиб, банкнинг ҳар қандай шароитдаги ликвид аҳволига баҳо бериши мумкин.

Банклар доимо ликвидликнинг муаммоларига дуч келадилар ва бу муаммолар қуйидаги ҳолларда юзага келади:

1. Банклар аҳолининг захиралари ва қисқа муддатли депозитларини, бошқа банклар ва кредит муассасаларининг маблағларини жалб қилиб, уларни узоқ муддатли кредитларга йўналтирадилар. Бу ўринда банк активларининг қопланиш муддати билан асосий мажбуриятларининг қайтарилиш муддати ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Бунинг маъноси шуки, бу номутаносиблик вақт бўйича тафовутга оид бўлиб шу вақт мобайнида мажбуриятларни қоплаш учун маблағ зарур бўлганда, банк активларини нақд пулга айлантириш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин.

2. Банк ликвидлигининг иккинчи муҳим муаммоси – бу банкларнинг фоиз ставкасига бўлган сезувчанлигидир. Фоиз ставкасининг ўсиши натижасида кўпгина мижозлар кўпроқ даромад олиш мақсадида ўз маблағларини қайтариб оладилар. Қарз паст фоиз билан очилган кредит тизимидан тезроқ фойдаланиб қарзни тезроқ тўлашга шошиладилар. Мижозларнинг кредитлар ва депозитларга бўлган талабининг ошиши ликвидлилик даражасига таъсир кўрсатади. Фоиз ставкасининг ошиши эса банкнинг қўшимча ликвид маблағларни жалб қилиш мақсадида сотишга бўлган активларнинг ва қарзларнинг бозор нархига бўлган таъсирининг кучайишига олиб келади.

Ушбу муаммоларнинг мавжудлигига қарамасдан, банк ликвид маблағларга бўлган талабини қондириш учун бор имкониятдан фойдаланиши ҳамда йирик омонатчилар ва кредит тизимлари эгалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишлари лозим. Чунки мижозлар талабларини ўз вақтида қондира олмаган банк ўз обрўсини йўқотади.

[105] Ликвидликни тартибга солишда банк раҳбарларига қўйиладиган талаблар қуйидагилар:

- активлар ҳисобига ликвидликни таъминлаш, яъни активларни бошқариш орқали ликвидликни бошқариш;
- пул маблағларига бўлган талабни қондиришда энг аввало қарзга олинган ликвид маблағлардан фойдаланиш, яъни пассивларни бошқариш;
- ликвидликни мувозанатли бошқариш, яъни активлар ва пассивларни бир вақтда бошқариш.

Активларни бошқариш орқали банк ликвидлигини бошқариш, пул маблағлари ва тез сотиладиган қимматли қоғозларни тўплаш орқали бажарилиши мумкин. Ликвид маблағларга эҳтиёж юзага келганда, нақд пулга бўлган талаб қондирилгунча, захирадаги активлар сотилади. Буни бошқача қилиб активлар ўзгариши, яъни пул кўринишида бўлмаган активларни зарур вақтда нақд пулга айлантириш дейилади.

Ликвид активлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- нақд пулга айлантириш имкониятига эга бўлиши;
- активларнинг барқарор нархи, яъни бозорда сотилиши зарур бўлган активларнинг баҳосини пасайтирмасдан қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлиши;
- сотувчи активларни бирламчи инвестиция нархининг энг паст хатар билан қоплаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Пассивларни бошқариш орқали банк ликвидлигини бошқариш деганда ликвид маблағларга бўлган талабларни тўлиқ ва ўз вақтида қондириш мақсадида тезда сотиладиган маблағларни қарзга олиш тушунилади. Йирик ҳажмдаги айланма депозит сертификатлари қарзга олинувчи ликвид маблағлар манбаи ҳисобланади. Ликвид маблағларни қарзга олиш пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ бўлганлиги туфайли банк учун хатарли бўлади. Қарзга олинган ликвид маблағлар юқори хавф-хатарга эга бўлганлиги туфайли банклар бир вақтнинг ўзида активлар ва пассивларни бошқариш орқали банк ликвидлигини бошқаришга ҳаракат қиладилар. Бу услубларга кўра банклар талаб қилиниши кўзда тутилган ликвид маблағларнинг бир қисмини қимматли қоғозлар, депозитлар сифатида бошқа банкларда сақлайди. Баъзи бир талаблар эса вакил банкларда кредит линияларини очиш йўли билан таъминланади. Фавқулодда талаб қилинган (тўсатдан вужудга келган) ликвид маблағлар эса қисқа муддатли қарзлар ҳисобига қопланади.

Банк ликвидлигини бошқариш жараёнида банк бошқарувчилари қуйидагиларга риоя қилишлари лозим:

- маблағларни жалб қилувчи ва улардан фойдаланувчи барча банк бўлимларини қаттиқ назорат қилишлари;
- банкнинг энг йирик кредиторлари ва омонотчилари қайси вақтда ва қанча миқдорда кредитлар олиши ва омонотлар қўйишини (иложи бўлса) олдиндан билишга ҳаракат қилишлари;
- банк ликвидлигини ва ликвид маблағларни бошқариш банкнинг устувор вазифаси эканлигини доимо эсда сақлашлари;
- ликвид маблағлар тақчиллиги ёки ортиқчалигининг олдини олиш мақсадида банкнинг ликвид маблағларга эҳтиёжларини ва бу маблағларнинг жойлаштирилишини доимо таҳлил қилиб боришлари лозим.

[106]. Жаҳон амалиётида ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжларга баҳо беришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- маблағлар манбаи ва ундан фойдаланиш усули;
- маблағлар тузилмасини таҳлил қилиш усули;
- ликвидлик кўрсаткичини ҳисоблаш усули.

Маблағлар манбаи ва ундан фойдаланиш усули икки ҳолатга асосланган:

- депозитлар ҳажми ўсиб, қарзлар ҳажми камайганда, банкнинг ликвид маблағлари ошади;
- депозитлар ҳажми камайиб, қарзлар ҳажми ошса, банкнинг

ликвид маблағлари камаяди.

Агар ликвид маблағлар манбаи ҳажми билан улардан фойдаланиш ҳажми тенглашмаса, банк ликвидлигида бузилиш ҳолати юзага келади. Бунда жалб қилинган ва ишлатилган маблағлар ҳажми орасида фарқ ҳосил бўлади. Банкнинг ликвид маблағлари манбаи ҳажми сақланган маблағлар ҳажмидан кўп бўлса, банк ликвидлигида банк фойдасига бузилиш содир бўлиб, бундай ҳолни **ижобий бузилиш** дейилади ва банк бу фарқдан даромад келтирувчи актив сифатида фойдаланиши лозим. Аксинча, агар ликвид маблағлар манбаи ҳажми сарф қилинган маблағлар ҳажмидан кам бўлса, банк ликвидлигида банк учун **салбий бузилиш** юзага келади ва банкнинг ликвид маблағларга эҳтиёжи ортади. Бундай ҳолда банк анча арзон ва муддати юзасидан қулай манбалардан фойдаланиши лозим.

Маблағлар манбаи ва ундан фойдаланиш усулида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- режалаштирилган даврдаги ликвидликка баҳо бериш учун мазкур даврдаги кредит ва депозитлар ҳажмини олдиндан белгилаш;
- шу давр мобайнида кредитлар ва депозитлар ҳажмининг ўсиши даражасини ҳисоблаш.

Бошқарувчи шу давр ичида банкнинг нетто-ликвид ҳолатини баҳолаши лозим.

Ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжларга **маблағлар тузилмаси** усули орқали баҳо беришнинг **биринчи босқичида** банкнинг депозитлари ва бошқа маблағлар манбаи бир неча туркумларга бўлинади. Бу туркумларга асосланиб, манбалар баҳосининг пул бозорида пасайиб кетиши ва бунинг натижасида банк йўқотишларга учрашига баҳо бериш мумкин бўлади:

Бу туркумларга қуйидагилар киради:

- **«Қайноқ пуллар» («Горячие деньги»)** бўйича мажбуриятлар – фоиз ставкасининг ўзгаришига сезувчанлиги юқори бўлган жамғармалар ва бошқа пул маблағлари;

- **ишончсиз маблағлар** – жорий даврнинг исталган вақтида банкдан талаб қилиниши мумкин бўлган мижозлар жамғармаларининг асосий қисми (25-30%);

- **барқарор маблағлар** (асосий маблағлар ёки асосий мажбуриятлар).

Ликвидликни бошқарувчи раҳбар иккинчи босқичда юқорида келтирилган депозитлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ликвид маблағларни жойлаштириши лозим. Масалан, «қай-


ноқ пуллар» бўйича ликвид маблағларнинг 95 фоизи миқдорида захира ушлашга қарор қилиши мумкин. Бу захира вакил банклардаги тез сотиладиган ликвид депозитлардан ҳамда Марказий банк инвестицияларидан ташкил топган бўлиши мумкин. Банк амалиётида ишончсиз жамғармалардан ва нодепозит мажбуриятлардан фойдаланишнинг асосий қондаси ликвид захирада бу жамғармалар ва мажбуриятлар умумий ҳажмининг 30 фоиз миқдорида сақланишни кўзда тутати. Шундай қилиб, банкнинг депозитлари ва нодепозит маблағлари бўйича ликвид маблағлар захираси қуйидагича бўлиши мумкин:

$$0,95 \left(\begin{array}{c} \text{Қайноқ пул ва нодепозит} \\ \text{ликвид маблағлар захира} \\ \text{мажбуриятлари} \end{array} \right) + 0,30 \left(\begin{array}{c} \text{Мажбурий} \\ \text{захиралар} \end{array} \right) + \\ + 0,15 \left(\begin{array}{c} \text{Барқарор жамғармалар ва} \\ \text{нодепозит маблағлар} \end{array} \right)$$

Банк доимо банк қонунчилиги асосида банкдан кредит олиш қобилиятига эга бўлган миқдорларга кредит беришга тайёр туриши, бунинг учун эса у доимо керакли миқдордаги ликвид захираларга эга бўлиши лозим. Чунки берилган кредит миқдор томонидан одатда бир неча кун ёки бир неча соат ичида сарф қилиниб бошқа банкларга ўтади.

Мутахассисларнинг фикрича, банк ликвид маблағларга эҳтиёж сезган тақдирда ҳам миқдорларга барча яхши кредитлар беришга ҳаракат қилишлари лозим. Бунда улар пул маблағларига бўлган ҳар қандай талабни қондириш учун зарур ҳолларда уларнинг бошқа банклардан қарзга олиш имкониятига таянишлари мумкин. Шу орқали банк ва миқдор ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилиши ва келажақда самарали ҳамкорлик қилинишига эришиш мумкин.

Банк миқдорга кредит бериш орқали унга бошқа банк хизматларини кўрсатиши, турли соҳада муносабатлар ўрнатиши ва бунинг натижасида қўшимча даромадлар олиши мумкин. Кредитлар ва депозитларни таъминлаш мақсадида ликвид маблағларга бўлган талабни жамлаш натижасида банкнинг ликвид маблағларга бўлган умумий талаби ҳажмини қуйидагича аниқлаш мумкин:



Жаҳон амалиётида кўпгина банклар ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжларни ўртача миқдорларга асосланиб ҳисоблайдилар. Бундай ҳисоблаш баъзи бир муҳим молиявий кўрсаткичлар ёки ликвидлик индикаторларидан фойдаланишни кўзда тутди.

Жумладан:

$$1) \quad \text{Пул ҳолати} = \frac{\text{Жамғарма муассасалари жамғармалари ва пул маблағлари}}{\text{Умумий активлар}}$$

Пул маблағлари ҳажмининг катталиги банк ҳолатининг ишончлилигини ва маблағларга бўлган талабни сўзсиз қондирилишини билдиради.

$$2) \quad \frac{\text{Ликвид қимматли қоғозлар ҳолати}}{\text{Давлат қимматли қоғозлари}} = \frac{\text{Давлат қимматли қоғозлари}}{\text{Умумий активлар}}$$

Банкда тезда сотиш имкониятига эга бўлган қимматли қоғозларнинг мавжудлиги банк ликвидлигининг таъминланганлигини билдиради.

$$3) \quad \frac{\text{Гаровга қўйилган қимматли қоғозларнинг солиштирма оғирлиги}}{\text{Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар}} = \frac{\text{Кимматли қоғозлар портфели}}$$

Бу кўрсаткич ликвидликнинг салбий кўрсаткичи бўлиб, давлат жамғармалари бўйича қўйилган қимматли қоғозлар қанчалик кўп бўлса, шунчалик банк ликвидлиги паст бўлади.

4)

«Қайноқ пулларнинг» солиштирма оғирлиги	=	Пул активлари	:	Пул мажбуриятлари
--	---	---------------	---	----------------------

Пул активлари ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- нақд пуллар;
- давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозлари;
- захирадаги қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган битимлар (қимматли қоғозлар сотиб олиш учун банк қарз берганда);
- евровалютадаги депозитлар;
- давлат қарзлари;
- сотиладиган қимматли қоғозларни жалб қилиш (сотиладиган қимматли қоғозларни банк вақтинчалик қарзга олганда).

5)

Қисқа муддатли инвестицияларнинг фоиз ставкалари тебраниши натижасида ўзгарадиган мажбуриятларга нисбати	=	Қисқа муддатли инвестициялар	:	Фоиз ставкаларининг тебраниши натижасида ўзгарадиган мажбуриятлар
--	---	------------------------------	---	---

Қисқа муддатли инвестициялар бошқа банкларга қўйиладиган қисқа муддатли қўйилмаларни, сотиладиган давлат захираларини ҳамда банкнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини ўз ичига олади.

6)

Брокер депозитлари ҳолати	=	Брокер депозитлари	:	Барча депозитлар ҳажми
------------------------------	---	-----------------------	---	---------------------------

Брокер депозитлари фоиз ставкаларининг ўзгаришини нисбатан жуда сезувчан ва тез айланувчан бўлади. Бундай депозитлар ҳажмининг ва нархининг ошиши натижасида банк ликвидлиги учун жуда ноқулай шароит юзага келиши мумкин.

7)

Жамғармаларнинг тузилмалари нисбати	=	Талаб қилиб олгунча депозитлар	:	Муддатли депозитлар
-------------------------------------	---	--------------------------------	---	---------------------

Жамғармаларнинг ушбу нисбати банк эга бўлган молиявий маблағларининг қанчалик барқарор эканлигини кўрсатади. Яъни улар ўртасидаги нисбатнинг камайиши қўйилмаларнинг барқарорлигини ва у орқали банкнинг ликвид маблағларга бўлган талабининг пасайганлигини билдиради.

Қайд қилинган барча кўрсаткичлар талаб ва таклифларнинг мавсумий тебранишларига нисбатан жуда сезувчан бўлиб, кредитларга

бўлган талаблар ортганда улар пасаяди ва бу талаблар ҳажми камайганда бу кўрсаткичлар қиймати ортади.

[107]. Захиралар тақчиллигини қоплаш учун керак бўлган маблағларни танлашда банк ўзларининг ликвид маблағларга бўлган талабларини яхшилаб ўрганишлари лозим.

Бу талаблар куйидагилардан иборат:

Банк талабларининг муддати. Агар ликвид маблағлар тақчиллигини 24 соатда қоплаш лозим бўлса, банк раҳбари 1 сутка муддатга қарз беришни сўраб Марказий банкка мурожаат қилади. Ўзининг захираларга бўлган муддатсиз талабини эса банк депозитлар ёки активларини сотиш билан қондиради.

Банк талабларининг давомийлиги. Агар ликвид маблағларга бўлган талабнинг бир неча соат сақланиш эҳтимоли бўлса, МБ нинг кредитга бериладиган маблағлари энг қулай ҳисобланади. Ликвид маблағларга бўлган талаб бир неча кун ёки ҳафта давомида сақланса, бу талаб активлар ёки узоқ муддатли қарзларни сотиш билан қопланиши мумкин.

Банкнинг ликвид маблағлар бозорига кира олиши. Ҳамма банклар ҳам ликвид маблағлар бозорига кириш ҳуқуқига эга бўлавермайди. Масалан, Европа давлатларида майда банклар одатда евро-валюта бозоридан қарз олиш имкониятига эга бўла олмайдилар. Бундай ҳолларда ликвидликни бошқаришда бошқарувчи тезда фойдаланиши мумкин бўлган имкониятлар билангина чегараланиб қолишга мажбур бўлади.

Маблағлар манбаининг баҳоси ва таваккалчилиги. Ҳар бир захира манбаининг баҳоси турлича бўлгани каби, ортиқча ликвид маблағларининг ҳосил бўлиши ҳам ноаниқдир. Бундай шароитда бошқарувчи албатта энг арзон манбадан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Кўзда тутилган фоиз ставкалари ва фоиз даромадининг «эгри» тури. Ликвидликни бошқариш мақсадида бошқарувчи энг паст фоиз ставкасига эга бўлган ликвид маблағлар манбаидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ўсиб боровчи «эгри» фоиз даромадида бундай манбаларга арзон, қисқа муддатли қарзлар киради.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва унинг келажаги. Молия бозорида кредитлар ва уларнинг фоиз ставкалари қандай ўзгаришини аниқлаш учун Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини пухта ўрганиши лозим. Чунки Марказий банк кредитига юқори фоиз ставкаси ўрнатилса, банк бундай кредитларни олиш имкониятига эга бўла олмайд.

Сугурталаш имконияти. Ликвид маблағларни қарзга олувчи банклар фоиз ставкалари ҳажмини аниқлашлари лозим, чунки бу орқали улар олган қарзлар баҳоси келгусида қанча бўлишини биладилар. Катта тажрибага эга раҳбарлар ноаниқликни камайтириш учун ҳеж техникасидан (яъни сугурталашдан) фойдаланадилар.

Ликвид маблағлар манбаини тартибга солиш. Банк раҳбари ликвид маблағлар манбаидан нима учун ва қандай мақсадларда фойдаланишни олдиндан аниқлаб олади ва тартибга солади. Захиралар манбаини тўғри танлаш ва улардан тўғри фойдаланиш учун банк бошқарувчиси юқорида келтирилган ликвид маблағларга бўлган талабларни яхшилаб, бирма-бир ўрганиши, маъқул бўлганини танлаши лозим.

3.7. Банк ҳисоботи

[108]. **Банкнинг молиявий ҳисоботи** – бу банк таклиф этган хизматлар ва бошқа турдаги фаолиятлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуидир. Бу ҳисобот қонунни, ҳуқуқни ҳимоя ва назорат қилувчи органлар, акционерлар, банк бошқарувчилари, инвесторлар, мижозлар учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган банкларга молиявий ҳисоботларни матбуотда чоп этириш учун қуйидаги шаклларни белгилаган:

- Банкнинг йиғма йиллик якуний баланси (баланс ҳисоботи) (25-жадвал).

- Жорий йилнинг йиғма якуний даромадлар ва харажатлар ҳисоботи (26-жадвал).

Ушбу даромадлар ва харажатлар ҳисоботи аудитор фирма томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 41-42-моддаларида банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот хусусида қуйидагилар ёзилган: «Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот қоидалари бузилганлиги учун банк раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар».

Юқоридаги ҳар иккала молиявий ҳисобот Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиладилар.

Баланс ҳисоботи активлар, пасивлар (яъни мажбуриятлар, акционерлар сармояси ва кўзда тутилмаган вазиятлар моддаларини ўз ичига олса, даромадлар ва харажатлар ҳисоботи эса, банкнинг маълум вақт ичида қилган даромади ва харажати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади).

Булардан ташқари, банк фаолиятининг молиявий аҳволи билан қизиқувчилар учун яна икки ҳисобот жуда муҳимдир. Булар:

- маблағлар манбаи, улардан фойдаланиш ҳақидаги ҳисобот;
- акционерлар сармояси ҳақидаги ҳисобот.

Маблағлар манбаи ва улардан фойдаланиш ҳақидаги ҳисобот қуйидаги иккита саволга жавоб беради:

- маълум бир вақт ичида фойдаланилган маблағлар қаердан олинган?
- маблағлардан қандай фойдаланилди?

Акционерлар сармояси ҳақидаги ҳисобот маълум вақт ичида сармоянинг ҳаракати ва унинг натижасида сармоядан юз берган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотни беради.

Молиявий ҳисоботлар қуйидаги кўрсаткичларга нисбатан молиявий хатарни эътиборга олган ҳолда тузилади: 1) капиталнинг етарлилиги; 2) активлар сифати; 3) ликвидлик; 4) фоиз ставкаси хатари; 5) хорижий валюта савдосининг сезувчанлиги; 6) баланстан ташқари маблағлар; 7) операциялар хатари; 8) ички назорат ва қонун органлари орқали ҳал қилинадиган жанжалли молиявий ишлар.

Шунингдек, молиявий ҳисоботларда соф фоиз даромадлар, кредитлар туфайли кўриладиган зарарларни қоплаш захираси, фоиз даромадлари билан боғлиқ бўлмаган даромадлар, тўланадиган фоиз билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, кўзда тутилмаган харажатлар, тўланадиган солиқларни таҳлил қилиш орқали банк даромадларининг сифати ва барқарорлигига баҳо берилади.

- Молиявий ҳисоботларнинг ҳар томонлама тўлиқ ва фойдали бўлишига эришиш учун жорий фаолият натижалари билан режалаштирилган натижаларни, жорий натижалар билан ўтган даврдаги натижаларни, банк фаолияти натижалари билан бошқа банклар фаолияти натижаларини қиёслаш мақсадга мувофиқ.

Баланс ҳисоботи

_____ йил 1 январь ҳолатига _____ банк

Банкнинг рўйхат рақами _____

Манзили _____

№	Активлар	Минг сўмда
1.	Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари	
2.	ЎзР МБ даги пул маблағлари	
3.	Бошқа банклардаги маблағлар	
4.	Қимматбаҳо қоғозлар	
5.	Банкларга берилган кредитлар соф қолдиги	
6.	Мижозларга берилган кредитлар соф қолдиги	
7.	Инвестициялар	
8.	Асосий воситалар	
9.	Бошқа активлар	
10.	Жами активлар	
	Пассивлар	
	Мажбуриятлар	
1.	Талаб қилиб олгунча депозитлар	
2.	Жамғарма депозитлари	
3.	Муддатли депозитлар	
4.	Банкларнинг депозитлари	
5.	Бошқа банклардан олинган кредитлар	
6.	Бошқа кредитлар	
7.	Бошқа мажбуриятлар	
8.	Жами мажбуриятлар	
	Акционерлик капитали	
9.	Устав капитали	
10.	Қўшилган (ортиқча) капитал	
11.	Резерв капитал	
12.	Таксимланмаган фойда	
13.	Жами акционерлик капитали	
14.	Жами пассивлар	
	Кўзда тутилмаган вазиятлар моддалари	
1.	Қафолатлар (банк томонидан берилган)	
2.	Кўзда тутилмаган бошқа вазиятлар ҳисоб рақами	
3.	Кўзда тутилмаган жами вазиятлар моддалари	

Ушбу баланс маълумотлари аудиторлар томонидан
тасдиқланган.

Фирма номи
Лицензия рақами

Даромадлар ва харажатлар ҳисоботи

_____ йил учун _____ банк
 Банкнинг рўйхат рақами _____
 Манзили _____

№	Кўрсаткичлар	Фойда	Зарар
	Фоизлардан олинган даромадлар		
1.	Банк ва бошқа кредит ташкилотлари депозитларидан		
2.	Ссудалардан		
3.	Лизинг операцияларидан		
4.	Қарзга берилган қимматли қоғозлардан		
5.	Бошқа манбалардан		
6.	А. Фоизлардан олинган даромадлар		
	Фоизларга тўланган харажатлар		
7.	Банк ва бошқа кредит ташкилотларига фоиз тўловлар		
8.	Мижозлар депозитларига фоиз тўловлари		
9.	Чикарилган қимматли қоғозлар учун фоиз тўловлари		
10.	В. Фоизларга тўланган харажатлар – жами		
11.	С. Фоизлардан олинган даромадлар (С=А+В)		
	Фоизсиз жорий даромадлар		
12.	Чет эл валютаси операцияларидан соф фойда		
13.	Бошқа савдодан тушган даромад		
14.	Траст операцияси ва агентликдан тушган даромад		
15.	Қимматли қоғозларга қўйилган қўйилма эвазига олинган даромад (зарар)		
16.	Бошқа жорий даромадлар		
17.	Д. Фоизсиз жорий даромад - жами		
18.	Е. Жорий даромад (Е = С + Д)		
	Бошқа фоизсиз жорий харажатлар		
19.	Иш хақи		
20.	Моддий ёрдам		
21.	Эксплуатацион харажатлар		
22.	Бошқа жорий харажатлар		
23.	Фоизсиз харажатлар – жами		
24.	Ссудалар ва бўнақлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси		
25.	Ссудалар ва бўнақлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасига маблағ ажратилгандан кейинги соф даромад		
26.	Солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда		
27.	Тўланган солиқлар		

28.	Кутилмаган даромад (зарар)дан соф фойда		
29.	Соф фойда (зарар)		
30.	Битта акцияга тўғри келган соф фойда		
31.	Битта акцияга эълон қилинган дивиденд		

Банк бошқаруви раиси _____

Бош бухгалтер _____

[109]. Банк баланси бу – банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларининг ҳолати ҳамда уларнинг кредит ва бошқа актив операцияларда жойлашувини акс эттирувчи бухгалтерия балансидир. Баланс маълумотлари ёрдамида пул маблағларини молиялаштириш ва жойлаштириш, кредит, ҳисоб-китоб, касса, шунингдек, кимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ўз ичига олувчи бошқа банк операцияларининг ҳолати устидан назорат қилиш амалга оширилади.

Баланслар тижорат банклари ҳисоботининг асосий қисми бўлиб, банк барқарорлигини назорат қилиш, банк фаолияти бошқарувини такомиллаштириш имкониятини беради. Банкларнинг баланслари йириклаштирилган шаклда тузилади. Операцияларнинг аниқлик даражаси рақобат шароитида фаолият кўрсатувчи тижорат банклари амалиётига хос бўлган тижорат сири билан чегараланган.

Одатда, балансда шубҳали ва зарар келтирувчи операциялар, шунингдек, ушбу операцияларни қоплаш учун ишлатиладиган сугурта резервлари алоҳида кўрсатилмайди. Бир вақтнинг ўзида банкларнинг рақобатдошлиги ва ишончилигини сақлаш мақсадида баланснинг ишончилиги ҳамда кўргазмалилигини таъминлаш зарур.

Банк баланслари тижорат ахбороти воситаларига тааллуқли бўлиб, унинг қуйидаги асосий оперативлик, аниқлик, юксаклик талабларига жавоб беради.

Банк балансининг ҳар куни тузилиши унинг оперативлигини билдиради. Банк баланси пул маблағларининг мавжудлиги ва мижозларининг тўлов қобилияти, кредит ресурслари ва уларнинг жойлашуви, банкнинг ишончилиги ва бардошлилиги тўғрисидаги аниқ маълумотлар манбаидир. Банклардаги ҳисоб ишонччилик талабларига жавоб беради.

Банк балансининг тузилишида иктисодий операциялар: мазмунининг бир хиллиги, ресурслар мувозанати жиҳатидан камайиб борувчи моддалар актив бўйича, талаб қилиш даражасининг камайиши пассив бўйича гуруҳлаштирилади. Баланснинг бундай тузилиши счётларнинг бир томонлама гуруҳлаштириш тамойилини аниқлаб бера-

ди. Унинг бир бўлимининг ўзида актив, пассив ва актив-пассив счётлар бўлиши мумкин. Биргина бўлим, «банк фондлари» счётлари балансининг фақат пассивида, иккинчи бўлим «пул маблағлари» счётлари активда акс эттирилади, бошқа йигирма икки бўлимнинг счётлари балансининг активида ҳам, пассивида ҳам акс эттирилади.

Шундай қилиб, банк баланси тижорат банклари ресурслари, уларнинг шаклланиши, фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларнинг пул кўринишида ифода этилишидир. Бу баланс банкнинг активлари, пассивлари (мажбуриятлари) ва муассислар сармоясидан ташкил топади.

1. Банк активлари балансининг бир қисми бўлиб, унда қуйидагилар акс эттирилади:

- хазинадаги нақд пул маблағлари ва ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдаги пул маблағлари;
- бошқа банкларда очилган вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар;
- қимматли қоғозлар – давлат қимматли қоғозлари ва хусусий қимматли қоғозлар, яъни корхоналарнинг қимматли қоғозлари;
- банк ссудалари, яъни банклараро кредит маблағлари;
- миждозларга бериладиган кредитлар;
- инвестициялар;
- асосий маблағлар – кўчмас мулк;
- бошқа активлар.

2. Банк пассивлари, яъни банк мажбуриятларини акс эттиради ҳамда уларнинг қайси гуруҳга тааллуқли эканлигини ифодалайди.

Банк пассивларига қуйидагилар киради:

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар;
- жамғарма депозитлар;
- муддатли депозитлар;
- банкларнинг депозитлари;
- банклараро ссудалар;
- бошқа ссудалар;
- бошқа пассивлар.

Умуман тижорат банкининг тахминий баланси қуйидаги кўринишга эга (27-жадвал).

Тижорат банкларининг пассивлари асосан жорий омонатлар ва жамғарма ҳисобварақларидан ташкил топади. Активлар одатда турли хил молия активлари ўртасида (қимматли қоғозларнинг турли кўринишлари ўртасида) баравар тақсимланади.

Тижорат банкининг тахминий баланси


Активлар	Пассивлар
1. Пул маблағлари а) кассада б) вакиллик ҳисобварағида в) мажбурий захира фонди	1. Банк фондлари ва фойдаланилмаган фойда а) устав фонди б) захира фонди в) бошқа фондлар г) фойдаланилмаган фойда
2. Валюта ва қимматли қоғозлар а) ивалюта б) векселлар в) ҳукуматнинг қимматли қоғозлари	2. Жалб қилинган маблағлар а) ҳисоб-китоб варағи ва жорий ҳисобварақлардаги маблағлар қолдиқлари б) капитал қўйилмалар ҳисоб- варақларидаги маблағларнинг қолдиқлари в) бюджет маблағларининг қол- диқлари г) омонатлар д) депозитлар е) бошқа пассивлар
3. Банк ссудалари а) қисқа муддатли б) узоқ муддатли в) кредитлар бўйича муддати ўтиб кетган қарзлар г) кредитлар бўйича муддати ўтиб кетган фоизлар д) бошқа банкларга бериладиган кредитлар е) филиалларга берилган кредит ресурслари	3. Харид маблағлари а) марказлаштирилган кредит ресурслари б) кредит ресурслари аукционлари орқали эришилган маблағлар в) икки томонлама шартнома асосида эришилган маблағлар
4. Корхонанинг устав капиталига қўйилмалар	
5. Асосий воситалар	
6. Бошқа активлар	

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тижорат банклари омонатчиларнинг молия маблағларини жалб этади ҳамда уларни кредитлар бериш, ва ўз номларидан қимматли қоғозларни сотиб олишда фойдаланади. Омонатчилар – алоҳида шахслар ёки корхоналар, фирмалар ёки ташкилотлар бўлиб, маблағларнинг эгаси ҳисобланади. Улар ўз маблағларини банкларга чек ва жамғарма ҳисобварақлари, муддатли омонатлар ва бошқа хил молия воситалари шаклида «топшириш»ни расмийлаштирган ҳолда вақтинча фойдаланиш учун тақдим этадилар. Банк нуқтаи назаридан қараганда, мана шу ҳисобварақлари ва омонатларнинг барчаси қарз мажбуриятлари ҳисобланади, чунки улар бўйича банк ўз омонатчиларидан «қарздор» саналади. Шунинг учун ҳам, у банк балансининг пассив қисмига тегишли, бу ерда фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича банкнинг ҳамма қарзлари рўйхати берилади.

Шулар билан бир қаторда банк ўзига қарашли акциядорлик маблағини ҳам қўшиб, жалб қилинган маблағларни турли активлар ёки фаолият юритувчилар ўртасида жойлаштиради ва улар банк балансининг актив қисмида акс эттирилган.

Тижорат банкининг тахминий баланси банк активлари ва пассивлари таркиби ҳамда тузилишини тасвирлашнинг умумий қабул қилинган андозаси ҳисобланади. Баланс уларнинг маълум муддат ичидаги ҳолатини қайд этади, яъни баланс иқтисодий субъект молиявий аҳволининг бир лаҳзалик тавсифидир. Масалан, айтилик, 2004 йил 1 январга тайёрланган балансдан банкнинг 2003 йилда омонатчиларнинг жалб қилинган маблағларини қанчалик муваффақият билан жойлаштирилганлигини ёки бу маблағлар қўйилган қимматли қоғозларнинг энг мақбул таркибий тузилиши кўп жиҳатдан унинг кейинги йиллардаги ҳаётга қодирлиги ҳамда ликвидлигини белгилаб қўйганини кўриш мумкин.

[110]. Банк балансининг ҳисоблари (счётлари) актив, пассив ва актив-пассив хилларга бўлинади (26-чизма).



26-чизма. Банк балансининг счётлари.

Актив ҳисобларда банк ресурсларининг қай тариқа жойлаштирилгани кўрсатилади ва актив операцияларни амалга ошириш жараёнида қилинган сарф-харажатлар миқдорини кўрсатиб беради.

Пассив ҳисобларда банк ресурсларининг шаклланиш манбалари акс эттирилади. Пассив ҳисоблар бўйича охириги сальдо кредит бўйича кўрсатилади.

Актив-пассив ҳисобларда асосан банкнинг бошқа банклар, жумладан, хорижий банклар, миқозлар, омонатчилар ва бошқа кредиторлар билан бўладиган ҳисоб-китобларига алоқадор операциялари қайд қилиб борилади. Бу турдаги ҳисобнинг охириги сальдоси дебет ва кредитдаги қолдиқларни алоҳида-алоҳида кўрсатилган ҳолда муфассал қилиб берилади.

Банк активининг нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари моддасини, яъни хазинадаги нақд пуллар ва бошқа инкассация жараёнидаги пул маблағларини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захиралар ҳисоб варағидаги пул маблағларини ҳам вакил банкларга жойлаштирилган маблағларни ҳам кўпинча бирламчи захиралар дейилади. Бунинг маъноси шуки, банкда депозитлар ҳажми кам бўлган вақтда талаби қондирилиши муҳим бўлган бирор бир банк миқозиди кредит олиши натижасида банкка мувожаат қилганда ва банк бу талабни қондириши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаганда, активнинг бу моддадаги маблағлари банк учун жуда катта аҳамиятга эга.

Активнинг «Қимматли қоғозлар» ва «Инвестициялар» моддалари иккиламчи захиралар ҳисобланади. Қимматли қоғозлар икки қисмдан иборат бўлади:

1. Ликвид қимматли қоғозлар
2. Фойда келтирувчи қимматли қоғозлар.

Банк ўз маблағларининг асосий қисмини қимматли қоғозларнинг ликвид қисмига йўналтиради.

Банк активларининг асосий қисми муддатсиз омонатлар бўлгани, яъни омонатчи исталган пайтда талаб қилиб олиши мумкин бўлгани учун ҳам, қонунчиликда, банк активларининг маълум бир қисмини ишончи юқори ликвидлик шаклида сақлаб туриши кўзда тутилади. Шунинг учун ҳам, пуллар узоқ муддатга беришга, айниқса, белгиланган фоизли ставка бўйича (бу пулнинг қадрсизланиши давом этаётган шароитда банк учун оғир юк бўлиб тушади) кредитлашга, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш уларга хос хусусиятдир.

Масалан, Ўзбекистон тижорат банклари тақдим этган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар улуши 80-85 фоизни ташкил этади, фақат қолган кичик қисмигина узоқ муддатли кредитлар улушига тўғри келади.

Банк балансининг пассив қисмидаги «Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамғарма депозитлар, муддатли депозитлар, банкларнинг депозитлари» биринчи даражали, энг муҳим моддалар ҳисобланиб, одатда, улар банк пассивининг 70-80 фоизини ташкил қилади. Депозитлар жуда ҳаракатчан бўлганлиги туфайли, банк ўзининг юқори ликвидлигини таъминлаши учун доимо депозитларнинг мижозлар томонидан оммавий равишда олиншига тайёр туриши лозим. Бунинг маъноси шуки, банклар кредитлар ва бошқа активлардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланишлари лозим ва бу йўлда хатога йўл қўйилса, банкнинг инқирозга учраши эҳтимоли кучаяди. Банк пассиивидаги иккинчи даражали моддалар «Банклараро қарзлар ва бошқа қарзлар» бўлиб, бу моддалар жойлашган ҳисобварақлар ҳам каттагина ҳажмдаги маблағларни ташкил қилади.

Депозитлардан ташқари банк пассивининг «Бошқа қарзлар» моддаси ҳам иккинчи даражали мажбуриятларни тўплаш манбаи ҳисобланади.

Банклараро қарзларга яна келгусида қайта сотиб олиш мажбурияти билан банкларга сотиладиган ёки банклардан сотиб олиннадиган қимматли қоғозлар киради. Улар ҳам иккинчи даражали мажбуриятлар ҳисобланади.

[111]. Тижорат банкларининг баланси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади (28-жадвал).

28-жадвал.

Тижорат банки баланси бўлимларининг гуруҳланиши

№	Бўлимлар номи	ИЗОҲ
I	Банк фондлари	Бу бўлим таркибига устав, акционерлик, капитал, резерв, махсус ва иқтисодий рағбатлантириш фондлари, шунингдек, асосий воситаларнинг емирилиши, амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар киритилади. Фондлардаги маблағлар банк асосий ишини амалга ошириш, шунингдек, ҳисоблаш техникаси, транспорт, инвентар ускуналар сотиб олиш, соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун фойдаланилади.
II	Пул маблағлари	Банк кассаларидаги ва йўлдаги пуллар, шунингдек, банкнинг хўжалик ҳисобидаги ва хўжалик ҳисобида бўлмаган корхона ва ташкилотларнинг капитал қўйилмалари маблағларини ҳисобга олиш счётлари киради.

		Шунингдек, бу “акционерлар сотиб олган хусусий акциялар” счёти акс эттирилади.
III	Хорижий валюта ва хорижий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар	Тижорат, кооператив банклар бу бўлимнинг факат икки счётидан фойдаланиши мумкин: <ul style="list-style-type: none"> • пассив – чет эл валютаси сақланган жорий счётлар • актив – хорижий банклардаги счётлар
IV	Давлат бюджети ва бюджет муассасалари билан ҳисоб-китоблар	Тижорат банклари иккита биринчи тартибли счётларидан фойдаланиши мумкин, яъни: <ul style="list-style-type: none"> • маҳаллий бюджет маблағлари; • жорий счётлар ва депозитлар. Бундан ташқари айрим иккинчи тартибли счётлардан фойдаланишлари мумкин.
V	Кредит муассасалари билан ҳисоб-китоблар	ҳисоб-китоб-касса марказлари ўртасидаги тижорат банклари операциялари, шунингдек, уларнинг хусусий операциялари бўйича ҳисоб-китоблар филиаллараро оборот счётлари орқали амалга оширилади.
VI	Капитал қўйилмаларни молиялаштириш	Бу пассив капитал қўйилмаларни молиялаштириш маблағларидир. Ушбу счётнинг: иккинчи тартибли счётлари юқоридаги мақсадлар учун мўлжалланган банкнинг ўз маблағларни ҳам марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган манбаларда қарзга олинган маблағларни ҳам ҳисобга олишда қўлланилади. Актив – “капитал қўйилмаларни молиялаштириш” счётнинг иккинчи тартибли счётлари айтиб ўтилган манбалар ҳисобига капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун сарф қилинган пул маблағларини счётга олиш учун мўлжалланган.
VII	Қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар	Бу бўлимнинг счётларида қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, векселлар, қарз мажбуриятлари билан қилинадиган операциялар ҳисобга олинади.
VIII	Кредит ва ҳисоб-китоб операциялари	Ушбу бўлимга корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, ижарачиларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисоб-китоб пассив ва ссуда ҳамда актив счётлари киритилган.

IX	Жамоат ташкилотларининг маблағлари ва операциялари	Бу бўлимда пассив «Касаба уюшмалари ташкилотларининг жорий счётлари» биринчи тартибли счётга ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича маблағлар ва операцияларни ҳисобга олиш учун иккинчи тартибли счётлар очилган.
X	Фукараларнинг счётлари, қўйилмалари, депозитлари бўйича операциялар	Ушбу бўлимда счётга фукараларнинг турли қўйилмалари учун иккинчи тартибли пассив счётлар фукаралар истеъмоли мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича актив счёт олинган.
XI	Узоқ муддатли қўйилмалар	Бу бўлимга узоқ муддатли кредитлаш учун мўлжалланган маблағлар, ресурслар, корхона ва ташкилотларга бериладиган узоқ муддатли кредитларни ҳисобга олиш счётлари киритилган.
XII	Банклар ва бошқа маблағлар билан ҳисоб-китоблар	Бу бўлимга махсус берилган маблағлар, шу сингари махсус фондлар, шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан берилган кредитларни ҳисобга олувчи счётлар киритилган. Бўлимнинг киритилган янги счётларида Ўзбекистон Республикаси нафақа фонди ва нафақа харажатлари ҳисобга олинади.
XIII	Ўзаро филиалларро ҳисоб-китоблар	Ушбу бўлим счётлари Ўзбекистон Республикаси барча банк муассасалари ўртасида бошқа шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар орасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳисоб-китобларни расмийлаштириш учун мўлжалланган.
XIV	Дебиторлар ва кредиторлар	Бу ерда қуйидаги счётлар гуруҳланади: <ul style="list-style-type: none"> • банк дебиторлари ва кредиторлари; • хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларига бериладиган оборот маблағлари; • банкнинг хўжалик ҳисобида бўлмаган ташкилотларига дебитор ва кредитлари; • факторинг операциялари бўйича банк ҳисоб-китоблари.
XV	Асосий воситалар ва хўжалик харажатлари	Бу бўлим биринчи тартибли банкнинг асосий воситалари, банкнинг капитал қўйилмалар бўйича ҳисоб-китоблари, келгуси давр харажатлари счётларини ўз ичига олади.
XVI	Бино ва иншоотлар, хўжалик инвентари, ижарага бериладиган асосий воситалар	Бу бўлимга лизинг, банк ижарага олган бинолар бўйича капитал харажатлар, корхона ва ташкилотлар билан асосий воситалар бўйича ҳисоб-китобларни алоҳида ҳисобга олиб бориш учун иккинчи тартибли счётлар очилади.

XVII	Банкнинг даромадлари ва харажатлари	Ушбу бўлим учта биринчи тартибли счётлар: <ul style="list-style-type: none"> • пассив – банк даромадлари; • актив – банк харажатлари; • актив-пассив – фойда ва зарарлар счётлари киритилган.
------	-------------------------------------	--

[112]. Балансдан ташқари счётлар куйидаги бўлимларга гуруҳлаштирилган:

1. Марказий банк пул бирликларининг резерв фондларини ҳисобга олувчи счётлар киритилган. Ушбу бўлим счётларида Марказий Банк омборларига давлат тамгалаш ташкилотидан бошқа банклар фондидан, шунингдек, оборот кассасидан резерв фондларига шу сингари яроқсиз пул бирликлари келиб тушадиган банк, газна чипталари ҳамда металл тангалари ҳисобга олинади.

2. Таъминот. Ушбу бўлимнинг балансдан ташқари счётларида тижорат банклари хўжалик ташкилотлари ва бошқа қарз олувчиларнинг қисқа муддатли ссудалар 1 йилгача бўлган муддати бўйича мажбуриятлари, банк томонидан ссуда бўйича қабул қилинган заём облигациялари номинал қийматида ҳисобга олинади.

3. Лизинг операцияларини бирлаштириш ҳозирги вақтда ўзига хос қулайлик берувчи лизинг операциялари кенг тарқалмоқда. Булар лизинг шартномасининг ҳаракат муддати тугагунга қадар лизинг ташкилоти тасарруфида бўладиган мулкдан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқини берувчи операциялардир.

4. Ҳисоб-китоб операциялари бўйича ҳужжатлар. Бу бўлимда ҳисоб-китоб операцияларининг барча ҳужжатларини ҳисобга олиш счётлари мавжуд. Алоҳида счётларда ҳужжатлар куйидагича ҳисобга олинади:

- акцептланишини кутаётган ҳужжатлар маблағ йўқлиги ёки молиявий назорат сабабли муддатида тўланмаётган ҳужжатлар;
- етказиб берувчининг жойлардаги аккредитив тўловлари ва бошқалар.

5. Хорижий операциялар бўйича ҳужжатлар ва бойликлар бўлимида инкассо жўнатилган, қабул қилинган ҳужжатлар, хориж валютасидаги тўлов ҳужжатлари, хориж валютасидаги товар ҳужжатлари, хориж валютасидаги аккредитив киритилади.

6. Узоқ муддатли кредитлар. Барча ҳужжатлар счётларида узоқ муддатли ссудалар бўйича қарз олувчиларнинг мажбуриятлари ҳисобга олинади.

7. Турли бойликлар ва ҳужжатлар. Бу бўлимда пулли посилкалар, маркалар, давлат божлари, катъий ҳисобот бланкалари, жўнатилган ва жавобгар шахсларга берилган турли бойликлар ҳақида ҳужжатлар, ҳисобга олувчи счётлар мавжуд. Шунингдек, бланкаларнинг бошқарувчи ташкилотга ҳиссали қатнашув тартибида берилган маблағлари ҳисобга олинади.

8. Зарарга ўтказилган қарзлар. Бу бўлимда қарзлар барча зарарга ўтказилган маблағларни ҳисобга олиб боровчи счётлар киритилган. Ушбу маблағлар банк бошқарувининг қарорига биноан мазкур бўлим счётларига қарздор мулк ҳолати ўзгарганда ундириб олиш имконияти пайдо бўлишини кузатиш учун ўтказилади.

[113]. Банклардаги бухгалтерия ҳисоби ҳам хўжалик ташкилотлари ва корхоналардаги сингари синтетик ҳамда аналитик ҳисоб турларига бўлинади. Банкларда амалга ошириладиган ҳисоб-китоб, касса, кредит, эмиссион ва бошқа пул операцияларида акс этилувчи хусусий ҳамда жалб қилинган пул маблағлари бухгалтерия ҳисобининг асосий объекти ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш жараёнида банкларда бажариладиган пул операциялари, пулларнинг бутлиги, уларнинг хўжалик оборотида мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назорат қилинади ва амалга оширилади.

Балансдаги ва балансдан ташқари синтетик счётларнинг ўзларида умумлаштирувчи кўрсаткичлар орқали операцияларнинг иқтисодий мазмуни акс эттирилади. Бироқ банкдан амалга ошириладиган муайян банк операцияларини банкнинг айнан қайси мижози корхона, ташкилот, муассаса бажарганлигини билиш лозим. Шу мақсадларда синтетик ҳисобнинг ҳар бир балансдаги ва балансдан ташқари счёт бўйича банкнинг ҳар бир мижози учун аналитик ҳисобнинг шахсий счётлари очилади. Шу билан бирга, аналитик счётларнинг шифрларига қўшимча, лекин зарур маълумотлар киритилиши мумкин, яъни:

- мижозларга берилган ссудалар бўйича шахсий счёт шифрига кредит ёки ссуданинг мақсад тайинланиши шифри киритилади;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш операциялари бўйича шахсий аналитик счётларга ҳисобот белгиси киритилади;
- бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича операцияларни ҳисобга олишда шахсий счётларга бюджет тўланишининг шифри кўшилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга очиладиган барча шахсий аналитик счётлар ва субсчётлар, банк томонидан иккинчи

тартибли счётлар бўйича олиб борилади, белгиланган шаклда китобга қайд қилиниб, бу китоб бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарида сақланади. Китоб қайд қилиш билан бирга ҳар бир миқдорга тартиб рақами - шифр бериледи. Бу рақам шу миқдор учун муайян балансдаги, балансдан ташқари счётга очиладиган шахсий счётларни рақамлаш учун зарур.

Банкларда синтетик ҳисобнинг регистрларига ва ҳужжатларига қуйидагилар кириди:

- бухгалтерия журналлари;
- касса журналлари;
- йиғма варақалар;
- текшириш қайдномалари;
- оборот қайдномалари (чорак, йиллик);
- кунлик, ойлик ва йиллик баланслари.

Бухгалтерия журнали банкда кун давомида бутун операцияларнинг дебети ва кредити бўйича оборотларни қайд қилиш учун мўлжалланган. Журнал биринчи тартибли банк счётлари бўйича юритилади, кун охирида ҳар бир биринчи тартибли баланс счёти бўйича оборотлар йиғиндиси, шунингдек, журнал бўйича умумий жами ҳисобланади. Бунда дебет бўйича барча счётларнинг умумий жамиси кредит бўйича умумий жамисига тўғри келади.

Касса журналлари касса бўйича қирим-чиқим ҳужжатларига асосан юритилиб, миқдорларнинг шахсий счётларининг тартиб рақамлари, касса режаси ва сумма белгилари кўрсатилади. Операцион иш вақтининг охирида биринчи тартибли ҳар бир корреспонденцияланадиган счёт бўйича ва кассанинг қирим-чиқим бўйича умумий йиғиндиси ҳисобланади. Ҳисобланган жамламалар банкнинг оборот кассаси билан солиштирилади, кейин эса касса журналлари маълумотлари бухгалтер журнаliga ўтказилади.

Агарда банкда касса режаси моддаларининг умумий жами чиқарилган мустақил касса режасини бажариш қайдномаси тузилса, бунда у касса журнали сифатида фойдаланилиши мумкин.

Йиғма варақалар биринчи тартибли баланс счётлари бўйича юритилади. Агарда чорак ва йиллик оборот қайдномаларида иккинчи тартибли счётлар бўйича оборотлар кўрсатилиши керак бўлса, бу ҳолда йиғма варақалар иккинчи тартибли счётлар бўйича ҳам юритилади.

Йиғма варақаларда ҳар куни тегишли баланс счётларида очилган аналитик ҳисобнинг шахсий варақалари бўйича кунлик дебет ва кредит оборотлар ва кун охиридаги қолдиқ ҳисобланади. Йиғма

варақалардаги дебет ва кредит бўйича оборотлар бухгалтер журна-ли маълумотлари билан солиштирилади, қолдиқлар суммаси эса де-бет ва кредит оборотлари суммаларининг кун бошидаги ва охири-даги суммаси билан солиштирилиб текширилади. Шунини эътиборга олиш керакки, актив-пассив счётлар бўйича оборотлар йиғма вара-қаларда алоҳида аналитик тарзда ажратиб кўрсатилади.

Кунлик баланс йиғма варақаларга асосан биринчи тартибли счётлар бўйича қуйидаги шаклда тузилади:

Б А Л А Н С

№	Счёт шифри	Актив	Пассив
1			
2			
	Жами		

Ташкилот раҳбари _____

Бош бухгалтер _____

Баланснинг тўғри тузилганлиги актив ва пассив томон суммала-рининг тенглиги билан тасдиқланади. Кунлик балансда баланс счёт-лари бўйича қолдиқлар чиқарилгандан сўнг унинг давомида ёки ало-ҳида варақаларда илова қилиниб, балансдан ташқари счётлар бўйи-ча ҳам қолдиқ кўрсатилади. Бу маълумотлар ҳам йиғма варақалар-дан олинади.

Текшириш қайдномалари ҳисоб ахборотларига ЭҲМ ёрдамида бухгалтерия ишлови берилганда ҳар ойнинг 1-ўн кунли санасида текшириш қайдномалари тузилади. Қайдномаларда шахсий счётлар бўйича қолдиқлар чиқарилиб, иккинчи тартибли баланс счётлари бўйича жами ҳисобланиб кўрсатилади. Улардан шахсий счётлар қол-диқлари тўғри чиқарилганлигини текшириш, назорат қилиш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, бу қайдномалар маълумотларига асосан, иккинчи тартибли баланс счётлари бўйича ҳар ойнинг 1-ўн кунлигида баланс тузилади. Биринчи тартибли счётлар бўйича ту-зилган оборот қайдномалари билан бирга банкнинг бухгалтерия ҳи-соботи ҳисобланади.

Банкларда ҳисобот ахборотларига ЭҲМларда бухгалтерия иш-лови берилса, журналлар ва йиғма варақалар юритилмайди, яъни аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари автоматик тарзда солиш-тирилади. Шундай усул билан баланс счётлари бўйича оборотлар йиғилади. Ойлик ва йиллик оборот қайдномалари тузилади.

Сўмда тузилган текшириш қайдномаларида фақат шахсий счётлар бўйича қолдиқлар босиб чиқарилади. Бу қайдномалар ҳужжатларга тўловлар амалга оширишда ва маблағлар ҳаракатини оператив ҳисобга олиш учун фойдаланилади.

Текшириш қайдномалари жавобгар бажарувчининг ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Текшириш қайдномалари қуйидаги ҳолларда тузилади:

- фақат битта шахсий счёт очилган баланс счётлари бўйича;
- аналитик ҳисоб маълумоти бўлиб картотекаларда сақланаётган ҳужжатлар (авизо, шошилиш мажбуриятлар, тўлов ҳужжатлари ва бошқалар) ҳисобланади. Бу ҳолда ҳар ойда бу ҳужжатлар картотекаси инвентаризация қилинади.

Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида бош бухгалтер аналитик ва синтетик счёт маълумотларини ҳақиқийси билан солиштириб текширади ва йиғма картотекаларга имзо қўйиб тасдиқлайди.

Ҳар чоракда йиғма варақаларга асосан оборот қайдномаси тузилади. Биринчи тартибли баланс счётлари ва балансдан ташқари счётлар бўйича йил бошидаги қолдиқ, йил бошидан оборот ва ҳисобот даври охиридаги қолдиқ кўрсатилади.

Тўртинчи чорак учун оборот қайдномаси алоҳида тузилмайди, чунки керакли маълумотларнинг ҳаммаси йиллик ҳисоботда бўлади. Баланс ва балансдан ташқари счётлар бўйича умумий оборот суммалари бухгалтер журналларидаги чоракнинг охириги кундаги йил бошидан ўсиб боровчи оборот йиғиндиси билан солиштирилади.

Иккинчи тартибли счётлар бўйича биринчи ўн кунликдаги оборот қайдномаси ва балансига бош бухгалтер имзо қўйишдан олдин, у балансни текширув қайдномалари ва бошқа аналитик ҳисоб маълумотлари ҳамда омборхона китоби бўйича чиқарилган қолдиқ билан солиштиради.

[114]. Ғарб амалиётига кўра, банк фаолиятини таҳлил қилишда асосан капиталнинг фойдалилик коэффициенти (банк рентабеллиги) ва активларнинг фойдалилик коэффициенти ҳисобланади. Бироқ матбуотда эълон қилинадиган балансларда ўзига (банкка) тегишли маблағларни **иммоблизация** қилиш моддалари ажратилиб кўрсатилмайди. Натижада юқорида қайд қилинган кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг имконияти бўлмайди.

Иккинчи коэффициентни олсак, уни ҳисоблаш учун сурат ва маҳражни таққослама ҳолга келтириш керак. Бунинг учун йиллик фой-

дани активларнинг ўртача йиллик суммасига бўлиш керак. Шу билан бирга, устав фондининг фойдалилик даражасини аниқлаш лозим.

Жалб қилинган ресурслардан фойдаланиш даражасини характерлаш учун жалб этилган барча ресурсларга (банклараро қарзларни ҳам қўшган ҳолда) фойда келтирувчи (ишлайдиган) активлар нисбатини ҳисоблаш тавсия этилади. Қисқа муддатли ликвидлик одатда ликвидли активлар ва талаб қилиб олинadиган мажбуриятларни таққослаш йўли билан аниқланади. Шу билан бирга, жорий ликвидлик коэффициентидан фойдаланиш таклиф этиладики, у банкдаги нақд пулларнинг талаб қилиб олинadиган мажбуриятларга нисбатидан иборат.

Бу ерда масала шундан иборатки, халқаро амалиётга мувофиқ ҳолда ликвидли активлар таркибига 30 кун давомида узиладиган кредитлар қўшилади. Бироқ, бу актив турлари бизнинг мамлакатимизда пул бозорининг мавжуд эмаслиги, корхоналарнинг эса тўловга тўла қодир эмаслиги сабабли унча ликвид бўлолмайди. Шунинг учун кўрсатилган маблағлар банкдаги нақд пулларни ҳисоблашда инобатга олинмайди. Аксинча, кейингиси таркибига мажбурий банк захираларнинг вариантларидан бири сифатида қараш мумкин, чунки улар банк томонидан жалб этилган маблағларни жойлаштиришни характерлайди.

Талаб қилиб олинadиган мажбуриятларга келганда, улар жумласига ҳисоб-китоб ва жорий счётлардаги қолдиқлар ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш зарур. Депозитлар, банклараро заёмлар ва баланс орти мажбуриятлар зарурий расшифровкалар мавжуд эмаслиги сабабли ҳисобга олинмайди. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда талаб қилиниш даражаси юқори бўлган пассивларни ҳисобга олиш зарур.

Кўриб чиқилган умумлаштирувчи кўрсаткичлардан ташқари банк балансини таҳлил қилишда қуйидаги коэффициентларни ҳам ҳисоблаш мақсадга мувофиқ:

- ишлайдиган активларнинг умумий активлардаги улуши;
- тезкор депозитларнинг умумий пассивлар суммасидаги улуши;
- банклараро заёмлар суммасининг умумий пассивлар суммасидаги улуши.

Баланс таҳлилин қуйидаги маълумотлар асосида бажарамиз (29-жадвал).

Банк баланси ва уни таҳлил қилиш жиҳатлари

№	Банклар	Кўрсаткичлар, %					
		Фойда устав фонди	Ишлайдиган активлар ¹ Жалб қилинган ресурслар	Нақд пул Талаб қилиб олинадиган мажбуриятлар	Ишлайдиган активлар активлар	Тезкор депозитлар Пассив	Банклар-аро заёмлар Пассивлар
1	А	34,6	99,9	7,1	90,3	0,5	13,3
2	Б	42,5	101,6	44,7	85,6	14,6	44,6
3	В	41,7	93,1	59,0	60,7	9,9	29,3
4	Г	43,3	102,3	45,8	91,5	32,3	21,4
5	Д	37,9	78,6	62,8	70,2	10,0	31,8
6	Е	16,4	107,5	152,5	60,1	16,2	27,8
7	Ж	22,1	140,1	43,5	83,1	6,3	53,9

Маълумотлардан кўриниб турибдики, энг юқори рентабелликка, яъни устав фондининг юқори даражада қоплай олиш қобилиятига «Г» банки, энг юқори улушдаги (91,5%) ишлайдиган активлар эвазига эришган. Шу билан бир қаторда «Г» банки жорий ликвидликни ҳам яхши даражада (45,8%) таъминлаган.

«А» банкда ҳам ишлайдиган активларнинг салмоғи юқори (90,3%). Бу деган сўз, мазкур банкнинг қиска муддатли ресурслари жуда юқори даражали рискли активларга айланиб қолган.

Диққатни ўзига тортадиган бошқача ҳол ҳам мавжуд. Қизиги шундаки, бир коэффициентдан юқори жорий ликвидликка «Е» банки эришган (152,5%). Бу банкнинг жалб қилинган ресурсларни жойлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйганидан далолат беради, буни ишлайдиган активлар салмоғининг паст эканлиги (60,1%) ва унинг банк рентабеллигига салбий таъсири (16,4% гина) исботлаб турибди.

Банк фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлардан яна бири жалб қилинган ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич даражаси 100 фоиздан ошиши мумкин ва у бир томондан омонатчилар манфаатини ҳимоя қилинишини, иккинчи томондан эса банк ўз маблағлари ҳисобига юқори рискли активларни суғурталай олиш функциясини бажара олишидан далолат беради. Масалан, «Г» банки бўйича бу кўрсаткич 102,3 фоизни ташкил қилган, яъни 2,3 фоиз ортиқча. Агар бундай ортиқчалик ҳаддан ташқари кўп бўлса («Ж» банкида бу ортиқчалик 40,1 фоизни ташкил қилади), у ҳолда банк на-

¹ Ишлайдиган активлар деганда банкнинг даромад келтирувчи активлари кўзда тутилган.

фақат жалб қилинган ресурслар бўйича, шу билан бирга ўз ресурслари бўйича ҳам катта талафот (йўқотиш) рискига эга бўлади.

Банкнинг мустақамлиги кўп жиҳатдан ресурс базасининг барқарорлиги ва бошқариладиган ресурслар (яъни, депозитлар, депозит сертификатлар, банклараро заёмлар) салмоғи билан белгиланади. Шу кўрсаткичлар бўйича энг юқори кўрсаткичларга «Ж» банки (60,2%), «Б» банки (59,2%), «Г» банки (53,7%) эришганлар. Бироқ даставвал санаб ўтилган иккита банкда бошқариладиган ресурслар асосан банклараро заёмлар эвазига шаклланган. Бу банкнинг харажатларини кўпайтиради, шу билан бирга унинг ташқи омилларга боғлиқлигини кучайтиради.

Шундай қилиб, банк балансини таҳлил қилиш учун таклиф қилинган кўрсаткичлар экспресс таҳлилни амалга ошириш учун жуда кўл келади ва банкнинг фаолиятини, унинг рентабеллиги ва ликвидлигини баҳолашда жуда кучли қурол ҳисобланади.

[115]. Балансдан ташқари моддалар баланс активлари ва пассивларига алоқаси бўлмаган бойликлар, ҳужжатлар, топшириқномаларни ҳисобга олиш мақсадида қўлланилади. Балансдан ташқари моддалар қуйидаги бўлимлардан иборат:

- захира фондларидаги пул билетлари ва тангалар;
- қарздорларнинг муддатли мажбуриятлари ва ссудалар;
- банк томонидан инкассо учун ва йўлдаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида кредитлар билан таъминлаш учун қабул қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари;
- катъий ҳисоботда турувчи бланкалар;
- пул белгиларини муомалага чиқаришга рухсатномалар;
- тўлов учун аккредитивлар ва бошқалар.

Балансдан ташқари моддалар банклар балансида яқуний баланс ҳисобварақларидан кейин жойлаштирилади.

Балансдан ташқари моддалар бўйича операциялар банкнинг молявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларга киритилмаса ҳам, банк учун хатарлидир. Бу хатар айниқса мижознинг учинчи шахсдан олган кредитини банк томонидан кафолатланишида ўз аксини топган. Агар банк мижози, учинчи шахсдан олган кредитини қайтариш имконига эга бўлмаса, унга кафиллик бергани учун, банк бу кредитни тўлайди.

[116]. Банк маблағлари манбаи ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги икки муҳим саволга жавоб бериш учун тузилади:

• банк муайян бир даврда фойдаланган маблағлари каердан олган?

• банк ушбу маблағларни нималарга сарф қилган?

Ҳисобот қуйидагилар асосида тузилади:

Муайян давр мобайнида банкка келиб тушган маблағлар	=	Банк операциялари натижасида келган маблағлар	+	Банк активларининг камайиш ҳажми	+	Банк қарз мажбуриятларининг ортиш ҳажми
Муайян давр мобайнида сарф қилган маблағлар	=	Акциядорларга тўланган дивидендлар	+	Банк активларининг ортиш ҳажми	+	Банкнинг қарз мажбуриятлари ва унинг камайиш ҳажми

Муайян давр мобайнида банкка келиб тушган маблағлар	=	Муайян давр мобайнида сарф қилган маблағлар
---	---	---

Бу ҳисобот қуйидаги кўринишга эга:

№	Маблағлар манбаи	млн. сўм
Олинган маблағлар		
I	Банк операциялари <ul style="list-style-type: none"> • соф даромад • тўланадиган моддалар, даромаддан ташқари • амортизация харажатлари ёки амортизация ажратмалари • кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси • бошқа моддалар • жами банк операцияларидан олинган маблағлар 	
II	Баланс активининг камайиши <ul style="list-style-type: none"> • нақд пуллар ва бошқа «Ностро» ҳисобварақларидаги депозитлар • инвестиция қимматли қоғозлари • савдо ҳисобварақларидаги қимматли қоғозлар • қайта сотиш мақсадида сотиб олиннадиган қимматли қоғозлар бошқа активлар 	
III	Баланс пассивида мажбуриятларнинг ортиши <ul style="list-style-type: none"> • қисқа муддатли қарзлар • узок муддатли қарзлар • молиялаштиришнинг бошқа манбалари • жами олинган маблағлар 	

Сарф қилинган маблағлар	
I	Акциядорларга тўланадиган дивидендлар <ul style="list-style-type: none"> • инвестиция қимматли коғозлари • кредитлар, жами • бошқа активлар
II	Баланс пассивида мажбуриятларнинг камайиши
III	Депозитлар
IV	Узоқ муддатли қарзлар (ипотека қарзлари)
V	Бошқа мажбуриятлар
VI	Маблағларнинг бошқа ҳужжатларга йўналтирилиши
	Жами сарф қилинган маблағлар

[117]. Молиявий ҳисоботнинг яна бир қисми – акциядорлар сармояси ҳақидаги ҳисобот, яъни сармоя ҳаракати балансидир. Бу ҳисоботда рўй берган ўзгаришлар ўз аксини топади. Бу ҳисобот орқали акциядорлар муайян вақт ўтиши билан сармоя учун сарф қилинган маблағларда қандай ўзгаришлар юз берганини аниқлайдилар.

Акциядорлар сармояси банкнинг молиявий асосини ташкил қилиб, йўқотишларнинг ўрнини қоплашга ва омонатчилар ҳамда бошқа кредиторлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилганлиги туфайли сармоядаги ўзгаришларни нафақат акциядорлар, балки назорат органлари ва йирик мижозлар ҳам кузатиб борадилар.

Банк акциядорлари сармояси ҳақидаги ҳисобот куйидаги кўринишда бўлади:

1. Сармоя ҳаракати баланси (ҳисобот даври бошида).
2. Ҳисобот даврида соф фойда (зарар).
3. Акциядорларга тўланадиган дивидендлар:
 - оддий акцияларга дивидендлар;
 - имтиёзли акцияларга дивидендлар.
4. Янги акцияларнинг эмиссияси (муомалага чиқарилиши).
5. Банкнинг молия бўлимида сақланаётган ўз акцияларининг савдоси.

6. Сармоя ҳаракати баланси (ҳисобот даври охирида).

[118]. Жорий бухгалтерия ҳисоботи ҳар бир ой ва ҳар бир кварталлар якунлари ҳисоботларига бўлинади. Ҳисоботларни тузиш тартиби, уларнинг мазмуни ва тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси МБ белгилаб беради. Ҳар бир ой якуни бўйича тузиладиган жорий ҳисоботлар куйидагиларни ўз ичига олади:

- баланс (1-шакл);
- умумий баланс (банк филиаллари балансларини ўз ичига олган);

- маблағлар йўналиши ва уларни жалб қилиш муддатига қараб баланснинг айрим счётлари расшифровкаси;
- йирик кредиторлар рўйхати;
- «Банк устав фонди» баланс счёти бўйича расшифровкаси;
- иқтисодий нормативлар ҳисоби;
- мажбурий захиралар фонди ҳисоби;
- корреспондентсчётлар бўйича баланс счётлари расшифровкаси.

Тижорат банклари томонидан ойлик бухгалтерия ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси МБ бош бошқармасига ва солиқ ташкилотларига тақдим этилади.

Тижорат банкларининг йиллик бухгалтерлик ҳисоботи куйидагиларни ўз ичига олади:

- йиллик баланс (1-шакл);
- фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот (2-шакл);
- фойдадан фойдаланиш тўғрисида балансга илова (3-шакл);
- банк фонди таркиби, махсус саналган фонд ва турли маблағлар тўғрисида маълумотнома (5-шакл);
- йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ҳисобот;
- корреспондент ва субсчётлардаги маблағлар қолдиғи ҳақида маълумотнома;
- меҳнат бўйича ҳисобот;
- йиллик бухгалтерия ҳисоботи бўйича тушунтириш хати.

Йиллик ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилади, сўнгра маълумотларнинг ҳаққонийлигига, ҳисоботнинг эса амалдаги бухгалтерия ҳисоби нормативлари ва қонунчилигига мос эканлигига ишонч ҳосил қилинган, ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка топширилади.

[119]. Банк раҳбарлари молиявий ҳисоботнинг натижалари билан танишаётганда куйидагиларга эътибор беришлари лозим.

Маълумки, банк фаолияти асосан қарзга олинган маблағлар, яъни жалб қилинган депозитлар ва нодепозит маблағларга боғлиқ. Агар банк акциядорларга тўланадиган тўловлар ҳажмини оширишни давом эттираверса, банкнинг молиявий таянчи, яъни ўз маблағлари билан жалб қилинган маблағлар мувозанатида банк учун салбий ўзгаришлар юз беради. Шундай ҳолларда банк раҳбарига куйидагилар тавсия қилинади:

- банк доимо жалб қилинган маблағларни ўз вақтида тўлиқ миқдорда қайтариб беришни таъминлаши лозим, чунки маблағларнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги банк даромадлари ва ҳатто банкнинг кела-

жакдаги фаолияти учун ҳам катта хатарни юзага келтириши мумкин;

- нодепозит маблағларнинг омонатчилар депозитларига қўшимча равишда банк томонидан сарф қилиниши ўсиб борса, (чунки деярли барча банкларнинг ўз сармояси депозитларга қараганда анча кам), бозорда тез сотиладиган ва юқори сифатли активларнинг улуши кечиктирилмасдан тўланиши лозим бўлган мажбуриятлардан юқори бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

- даромадлар асосан кредитларга ва қимматли қоғозларга ўрнатилган фоиз тўловлари асосида аниқланади. Энг юқори харажат моддаси бу қарзга олинган маблағларга тўланадиган фоизлардир.

Бундай ҳолларда раҳбар инвестицияларни танлашда пухта ўйлаб иш кўриши лозим. Натижада катта «даромад келтирувчи» активлар мўлжалдаги даромадни келтириш ва умуман, кўзда тутилган даромадни олиш мумкин. Банк даромади ва харажатига фоиз ставкасининг таъсири юқори бўлганлиги туфайли раҳбарият фоиз ўзгаришини аввалдан эътиборга олиши ёки фоиз ўзгариши туфайли банкни зарар кўриш эҳтимолидан суғурталаш (хежирлаш) орқали ҳимоялаши лозим.

Банк активининг асосий қисми молиявий активлардир (кредитлар ва қимматли қоғозлар). Активнинг маълум даражада оз қисмини бино ва ускуналар (мутлақ белгиланган активлар) ташкил қилади. Шунинг учун одатдагидек банклар жуда чекланган миқдорда операция таянчлардан фойдаланадилар.

[120]. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тамойилларига ўтиш муаммоси ва унинг ечилиши мамлакат банк тизимининг шаклланишида муҳим ўрин тутаети. Ҳозирги вақтда тижорат банкларида ушбу масалани ечиш учун имкониятлар вужудга келган бўлса-да, бироқ уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд:

Биринчидан, тижорат банкларининг малакали бухгалтер кадрлар билан нотекис тўлдирилганлиги. Аёнки, банкларнинг, шунингдек, турли банк ассоциацияларининг фаол иштирокисиз малакали бухгалтер кадрлар тайёрлаш муаммосини ечиш жуда қийиндир.

Иккинчидан, бухгалтерия ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтиши муносабати билан банк амалиётида ҳозирги кунда бухгалтерлик касби тўғрисида тасавурларнинг тубдан ўзгариши юз бермоқда. Агарда илгари бухгалтерия ҳисоби ҳисобчиликка тенглаштирилган бўлса, бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби ундан ташқари ахборотни таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш, яъни банк менежментини ҳам ўз ичига олади. Шу

сабабли, бухгалтер кадрларнинг банк бошқарувига иштирок этиши мажбурият сифатида қаралмоғи лозим.

Учинчидан, бир қатор банк операцияларини бухгалтерияда расмиyllаштириш учун меъёрий базанинг етишмаслиги, тижорат банкларининг эскирган плансчётлари банк фаолиятини таҳлил этишни қийинлаштиради, хорижий банклар амалиётида қўлланиладиган, банклар ишончилиги ва барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва коэффициентларидан фойдаланиш имконини бермайди.

Тўртинчидан, маълумотларни узатиш, телекоммуникациялар ва қалбаки ҳужжатларнинг банк фаолиятига кириб келишидан банк ахборотларини ҳимоя қилиш воситалари техник жиҳозланишининг етарлича бўлмаган даражаси, шунингдек, компьютер хавфсизлигини таъминлашнинг етарли даражада эмаслиги. Бу ерда баъзи банкларнинг банк сирини таъминлашга ноқобиллиги, шу билан бирга, банк бизнесини ривожлантириш банк сирини таъминлашни давлат сиёсати даражасига кўтаришни талаб қилади (Ғарб статистикаси маълумотларига кўра, банк соҳасидаги жиноятларнинг 60 фоизи банк ходимлари томонидан амалга оширилади).

Бешинчидан, баъзи аудиторлик фирмаларининг бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарлича касбий маҳоратга эга эмаслиги, текшириш сифатлари ва масъулиятининг йўқлиги ҳам бухгалтерия ишининг умумий даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Қайд қилинган омилларни ҳисобга олган ҳолда банк ҳисоби сифатини, унинг ишончилиги ва реаллигини ошириш зарур. Қуйида бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини очиб берувчи халқаро стандартларнинг айримларини келтирамыз.

Фаолиятнинг узлуксизлиги. Ушбу стандартга мувофиқ, агарда келгусида банк ўз фаолиятини давом эттиришни режалаштираётган бўлса ва уни тугатиш кўзда тутилмаётган бўлса, бухгалтерия ҳисобини юритиш қондаси ўзгармайди. Фирмаларни тугатиш ёки активлар объектини сотиш ҳолларида ҳисоботда яширин зарарни акс эттириш лозим, бундай ҳол агарда мавжуд активларнинг сотиш қиймати қолдиқ қийматдан кам бўлган ҳолда юз беради.

Молиявий йил бўйича тақсимлаш. Ушбу тамойилни амалга ошириш банклардан даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишни кредит тақдим этилганидан бошлаб, маблағлар ҳақиқатда келиб тушган вақтдан эътиборан, уларни амалга оширилишига кўра талаб этади. Шу билан бир вақтда ўсиб бораётган харажатлар фонзлари, де-

позитлар бўйича фоизлар тўланиш муддатидан қатъий назар, жорий йил ҳисоботида акс этиши лозим.

Эҳтиёткорлик. Бу тамойил банк активлари ва пасивларини муайян эҳтиёткорлик даражасида баҳолашни талаб этади. Бу ўта долзарб, чунки уларни кредит харажатларини башорат қилишга мўлжал олади ва захира фондлари миқдорлари ва муддатларига мос ҳолда таваккалчиликда ҳосил қилишни рағбатлантиради.

Янги плансчётлари 1998 йилдан киритилган бўлиб, молиявий статистика соҳасидаги халқаро ташкилотлар талабини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У жаҳон амалиётида тан олинган куйидаги тамойиллардан фойдаланишни кўзда тутади:

- кредит ташкилотлари фаолиятининг узлуксизлиги;
- ҳисобга олиш усулларининг ва бухгалтерия ҳисоби қондаларининг ўзгармаслиги;
- мазмуннинг шаклдан устун бўлиши;
- банк операцияларини амалга оширишда эҳтиёткорлик;
- актив ва пасивларни турлича акс эттириш;
- қирувчи баланснинг мустаҳкамлиги;
- муҳимлик;
- ҳисобга олишнинг ошқоралиги;
- қисқа муддатли қарзларнинг узоқ муддатли қарзларга айлантириш, яъни консолидация қилиш тамойиллари қиради.

Банклар балансини янги счётлар асосида тузиш молиявий ҳисобот сифатини яхшилашга, кредит ташкилотлари фаолиятини бошқариш учун зарур бўлган маълумотларнинг ишончлилик ва амалийлик аҳамиятини янада оширишга имкон беради.

3.8. Таянч иборалар.

- | | |
|---------------------------------|---------------------------------|
| • <i>тижорат банклари</i> | • <i>номоддий активлар</i> |
| • <i>замонавий банк</i> | • <i>гудвил</i> |
| • <i>банк ресурслари</i> | • <i>левераж</i> |
| • <i>«умумий захиралар»</i> | • <i>«Кук коэффициенти»</i> |
| • <i>«махсус захиралар»</i> | • <i>ликвидли активлар</i> |
| • <i>тақсамланмаган фойда</i> | • <i>активлар меъёри</i> |
| • <i>I даражали капитал</i> | • <i>«яхши» активлар</i> |
| • <i>II даражали капитал</i> | • <i>«стандарт» активлар</i> |
| • <i>«капиталнинг етарлиги»</i> | • <i>«субстандарт» активлар</i> |
| • <i>ликвидликни бошқариш</i> | • <i>«шубҳали» активлар</i> |
| • <i>банкнинг олтин қондаси</i> | • <i>«умидсиз» активлар</i> |
| • <i>активларни бошқариш</i> | • <i>банк даромади</i> |

- | | |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> • <i>пассивларни бошқариш</i> • <i>ссуда фоизи</i> • <i>маржали ссудалар</i> • <i>«тўловга лаёқатлилиқ»</i> • <i>банк ликвидлиги</i> • <i>банкнинг ликвидлик коэффициентлари</i> • <i>лаҳзалиқ ликвидлик коэффициенти</i> • <i>активларнинг диверсификацияланиши</i> • <i>«қайноқ туллар»</i> • <i>ишончсиз маблағлар</i> • <i>барқарор маблағлар</i> • <i>актив ҳисоблар</i> • <i>пассив ҳисоблар</i> • <i>актив-пассив ҳисоблар</i> | <ul style="list-style-type: none"> • <i>банк харажатлари</i> • <i>фойдалилик коэффициентлари</i> • <i>банк капиталининг етарлилиқ коэффициенти</i> • <i>банкнинг ўз капитали</i> • <i>банк активининг сифати</i> • <i>депозитлар сифати</i> • <i>ликвидликни бошқариш</i> • <i>ликвидликни баҳолаш</i> • <i>ликвид кўрсаткичлар</i> • <i>банк ҳисоботи</i> • <i>банк баланси</i> • <i>синтетик ҳисоб</i> • <i>аналитик ҳисоб</i> • <i>маблағлар манбаси</i> • <i>маблағларни иммобилизация қилиш</i> |
|--|---|

3.9. Тест топшириқлари ва масалалар

58. Тижорат банки:

- а) *давлат банкининг таркибий қисми ҳисобланади;*
- б) *нодавлат банк ҳисобланади;*
- в) *нотўғри жавоб йўқ;*
- г) *тўғри жавоб йўқ.*

59. Мулкчилик шаклига қараб тижорат банклари қуйидаги турларга бўлинади:

- а) *давлат банклари;*
- б) *акционер банклар;*
- в) *кооператив банклар;*
- г) *нотўғри жавоб йўқ.*

60. Тижорат банклари мулкчилик шаклига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- а) *хусусий банклар;*
- б) *қўшма банклар;*
- в) *хорижий банклар;*
- г) *нотўғри жавоб йўқ.*

61. Бажариладиган операцияларига қараб банклар:

- а) универсал банкларга;*
- б) махсус банкларга;*
- в) вилоят банкларига бўлинади;*
- г) а + б.*

62. Қуйида қайд қилинган функцияларнинг қайси бири банк капиталининг функцияси ҳисобланади?

- а) кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилиш;*
- б) банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш;*
- в) банк фаолиятини мувофиқлаштириш;*
- г) а + б + в.*

63. Левераж – бу:

а) банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичдир;

б) фирманинг моддий ўлчов таъсирига тушмайдиган сармоясини, масалан, обрў-эътибор, касбий омилкорлик, алоқалар, маркетинг ва бошқалардир;

в) моддий ва жисмоний шаклга эга бўлмаган номонетар, идентификацияланадиган активлардир;

- г) нотўғри жавоб йўқ.*

64. «Кук коэффициенти»:

а) банк барқарорлигига берилган умумий баҳони ва банкнинг рискка бардошлик даражасини ифодалайди;

б) банк капиталининг балансдаги ва баланс орти активлари ўртасидаги минимал нисбатни белгилайди;

в) банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичдир;

- г) нотўғри жавоб йўқ.*

65. Таваккалчилик коэффициенти 20 фоиз бўлган активлар:

а) ўртача таваккалчилик даражасига эга активлар тоифасига киради;

б) юқори таваккалчилик даражасига эга активлар тоифасига киради;

в) минимал таваккалчилик даражасига эга активлар тоифасига киради;

- г) таваккалчиликдан холи бўлган активлар тоифасига киради.*

66. Қуйида қайд қилинган активларнинг қайси бир тури юқори даражадаги ликвид активлар таркибига киради?

- а) бир йилгача қайтариш шарти билан сўмда ва чет эл валютасида банк томонидан берилган кредитлар;*
- б) гаровдаги қимматли қозғозлар;*
- в) яқин 30 кун ичида қайтариш шарти билан сўмда ва чет эл валютасида берилган кредитлар;*
- г) нақд пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар.*

67. Қуйида қайд қилинган активларнинг қайси бир тури ликвид активлар таркибига киради?

- а) Марказий банк счётидаги маблағлар;*
- б) яқин 30 кун ичида мазкур банк счётига ўтказилиши кутилган тўловлар;*
- в) давлатнинг қарз мажбуриятлари;*
- г) 50 фоиз кафолат шарти билан бир йилдан кўпроқ муддатда қайтариш шарти билан берилган кредитлар.*

68. Қуйида қайд қилинган активларнинг қайси бир тури узок муддатли ликвид активлар таркибига киради?

- а) бир йилгача қайтариш шарти билан сўмда ва чет эл валютасида берилган кредитлар;*
- б) давлатнинг ички заёмлари учун ажратилган маблағлар;*
- в) норезидент банклар корсчётлардаги маблағлар;*
- г) Марказий банк счётидаги маблағлар.*

69. Камида 180 кунга кечиктирилган актив:

- а) «шубҳали» активлар деб таснифланади;*
- б) «субстандарт» активлар деб таснифланади;*
- в) «умидсиз» активлар деб таснифланади;*
- г) «яхши» активлар деб таснифланади.*

70. Қуйида қайд қилинган қайси бир кредитларда қайтарилмаслик аломатлари бўлмайди?

- а) «стандарт» активларда;*
- б) «субстандарт» активларда;*
- в) «умидсиз» активларда;*
- г) «яхши» активларда.*

71. «Стандарт» сифатида таснифланган активлар бўйича банк қайтарилмаган асосий қарз суммасининг:

- а) 20 фоизига тенг бўлган захиралар тузиши шарт;
- б) 10 фоиз миқдорида захиралар тузиши шарт;
- в) 50 фоиз миқдорида захирани ташкил этиши шарт;
- г) 100 фоиз миқдорида захиралар яратиш керак.

72. «Стандарт» активлар бўйича:

- а) қарздорнинг кредитни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа уйғониши мумкин;
- б) қарздорнинг кредитни ўз муддатида тўлашига шубҳа туғилмайди;
- в) қарз қайтарилиши шартларининг бажарилишига шубҳа уйғотади;
- г) қарздор томонидан кредит ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига қўяди ва кам ишончли қилиб қўяди.

73. Қуйидагиларнинг қайси бири активларнинг ликвидлиги таъминоти вазифасини бажаради?

- а) қўчмас мулк;
- б) хусусий корхоналарнинг қимматли қозғоқлари;
- в) Ўзбекистон Республикасининг сўзсиз кафолати;
- г) юридик ва жисмоний шахсларнинг кафолатлари.

74. Қуйидагиларнинг қайси бири активларнинг ноликвид таъминоти вазифасини бажаради?

- а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўзсиз кафолати;
- б) банкларнинг ҳисобварақлардаги эркин айирбошланадиган валюта шаклидаги гаров;
- в) олтин ва кумуш қўйилмалар шаклидаги гаров;
- г) қўчмас мулк (ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ерга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олган ҳолда).

75. Қуйидаги йўналишларнинг қайси бири банк ликвидлигини бошқаришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади:

- а) активларни бошқариш;
- б) пассивларни бошқариш;
- в) мажбуриятларни бошқариш;
- г) а + б.

76. Банкнинг олтин қондаси (БОҚ) қуйидаги талабга жавоб бериши керак:

- а) БОҚ = Банкнинг талаблари микдори ва муддати < Банкнинг мажбуриятлари микдори ва муддати
б) БОҚ = Банкнинг талаблари микдори ва муддати = Банкнинг мажбуриятлари микдори ва муддати
в) БОҚ = Банкнинг талаблари микдори ва муддати < Банкнинг мажбуриятлари микдори ва муддати
г) а + в

77. Жаҳон банк амалиётида активлар ва пасивларни бошқаришнинг қайси усуллари мавжуд?

- а) фондлар манбаларини бирлаштириш усули;
б) фондлар манбаларини бир-биридан ажратиш усули;
в) қўшма усул;
г) нотўғри жавоб йўқ.

78. Агар қайта баҳоланиши лозим бўлган активлар микдори шундай пасивлар микдорига тенг бўлмаса, у ҳолда фоиз ставкасидаги ўзгаришларни сезувчи активлар ва пасивлар ўртаеида:

- а) дисбаланс (тенгсизлик) юзага келади;
б) дисбаланс (тенгсизлик) юзага келмайди;
в) тенглик юзага келади;
г) б + в

79. Қуйидаги даромад манбаларининг қайси бири тижорат банкларининг даромад манбалари ҳисобланади:

- а) қимматли қозғалар орқали бизнес;
б) дисконтли бизнес;
в) ссуда бизнеси;
г) нотўғри жавоб йўқ.

80. Банк даромади унинг қайси бир воситачилик операцияларини бажариш эвазига шаклланади:

- а) счётларни очиш;
б) счётларни ёпиш;
в) нақд пулни бериш бўйича;
г) нотўғри жавоб йўқ.

81. Қуйида қайд қилинган тўловларнинг қайси бири банкнинг фоизсиз тўловларига киради?

а) умумбанк операцияларни қоплаш учун ажратилган сарфлар;

б) талаб қилинганда олиниши мумкин бўлган омонатлар учун фоиз тўловлари;

в) тезкор депозитлар учун фоиз тўловлари;

г) чиқарилган қимматли қозғозлар учун фоиз тўловлари.

82. Маржа – бу:

а) нархлар, курслар, ставкалар ўртасидаги фарқ;

б) тижорат банкининг даромад фоизи билан харожат фоизи ўртасидаги фарқ;

в) олинган ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқ;

г) нотўғри жавоб йўқ.

83. Абсолют миқдорда маржа қуйидаги қайд қилинган қайси бир формула ёрдамида ҳисобланади?

$$а) K_m = \frac{\text{Суда тўловлари бўйича фоизлар суммаси} - \text{Кредит ресурслари тўловлари бўйича фоизлар суммаси}}{\text{Қарздорлик ссудаси суммасининг ўртача қолдиғи}}$$

$$б) M = \frac{\text{Суда тўловлари бўйича фоизлар суммаси} - \text{Кредит ресурслари бўйича фоизлар суммаси}}$$

$$в) K_m = \frac{\text{Олинган фоизлар суммаси} - \text{Тўланган фоизлар суммаси}}{\text{Активлар суммасининг ўртача қолдиғи}}$$

$$г) K_m = \frac{\text{Олинган фоизлар суммаси} - \text{Тўланган фоизлар суммаси}}{\text{Даромад келтирувчи активлар суммасининг ўртача қиймати}}$$

84. Қуйида қайд қилинган коэффициентларнинг қайси бири тижорат банклари фойдасининг фойдалилик даражасини таърифлайди:

а) активларнинг бир сўмига тўғри келган фойда ($K_{\phi} = \frac{БФ}{А}$);

б) ўз капиталининг бир сўмига тўғри келган фойда ($K_{\phi\kappa} = \frac{БФ}{\dot{Y}K}$);

в) устав фонднинг бир сўмига тўғри келган балансдаги фойда ($K_{\phi\psi} = \frac{БФ}{Y\Phi}$);

г) нотўғри жавоб йўқ.

Бу ерда:

БФ – балансадаги фойда;

ҚК – банкнинг ўз капиталининг ўртача қиймати;

УФ – устав фондининг ўртача қиймати;

А – баланс активининг ўртача қиймати.

85. Соф фойданинг ўз капиталига бўлган нисбат асосида учта кўпайтувчи коэффициентга, яъни:

- маржадан даромад (соф фойда : активлар)
- активларнинг даромадлиги (активлар : ўз капитал)
- Левераж коэффициенти (активлар: ўз капитал)га ажратиб ҳисобланиши жаҳон амалиётида:

а) Дюкон формуласи номи билан машҳур;

б) Томас Грехэм формуласи номи билан машҳур;

в) И. Фишер (1867 - 1947) формуласи номи билан машҳур;

г) И. Пигу (1877 - 1959) формуласи номи машҳур.

86. Банк ликвидлиги деганда:

- а) банк капиталининг етарлиги тушунилади;*
- б) банк капиталининг унинг мажбуриятларига бўлган нисбати тушунилади;*
- в) банкнинг мавжуд молиявий мажбуриятларини қоплай олиш қобилияти тушунилади;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

87. Асосий капитал банк умумий капиталининг:

а) 25 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

б) 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

в) 33 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

г) 40 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

88. Лаҳзалик ликвидлик коэффициенти:

- а) банкнинг юқори ликвид маблағларининг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади;*
- б) банкнинг жорий тўловларни тезкорлик билан амалга ошира олиш қобилиятини кўрсатади;*
- в) газнадаги пул ва корреспондентлик варақасидаги маблағларнинг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

89. Қуйида қайд қилинган формулаларнинг қайси бири жорий ликвидлик коэффициентини дейилади?

а) $K = \frac{ЛА}{ММ}$; в) $K = \frac{А}{Д + БК}$;

б) $K = \frac{ПША}{ЖМ}$; г) $K = \frac{ЙК}{БК}$.

90. Банк активларининг сифати қуйидаги қайси мезонлар асосида аниқланади?

- а) ликвидлик;
- б) рисклилик;
- в) даромадлилик;
- г) а + б + в.

91. Тижорат банки балансининг актив қисмига қуйидаги фондлардан қайсилари киради?

- а) устав фонди;
- б) захира фонди;
- в) кассадаги пул маблағлари;
- г) фойдаланилмаган фойда.

92. Тижорат банки балансининг пассив қисмига қуйидаги фондлардан қайсилари киради?

- а) кассадаги пул маблағлари;
- б) устав фонди;
- в) вакиллик ҳисобварағидаги пул маблағлари;
- г) мажбурий захира фонди.

93. Банк балансининг актив ҳисоб қисмида қуйидагилардан қайсилари ёритилади:

- а) банк фойдаси;
- б) давлат бюджети даромадлари;
- в) қимматли қоғозлар кўринишидаги инвестициялар;
- г) депозитларда қолган маблағлар.

94. Банк балансининг пассив ҳисоб қисмида қуйидагилар ёритилади:

- а) банк жамғармалардаги нақд пуллар;
- б) банк кассаларидаги нақд пуллар;
- в) сотиб олинган чет эл валюталари;
- г) давлат бюджетига қилинган сарф-харажатлар.

95. Пассив ҳисобларда:

- а) банк ресурсларининг таркиби ва уларнинг қай тариқа жойлаштирилгани кўрсатилади;*
- б) банк ресурсларининг шаклланиш манбалари акс эттирилади;*
- в) банкнинг бошқа банклар билан бўладиган ҳисоб-китобларга алоқадор операциялар қайд қилиб борилади;*
- г) хорижий банклар билан алоқалар акс эттирилади.*

3.9. Назорат учун саволлар

- 68. Тижорат банки деганда нимани тушунасиз?
- 69. Тижорат банкининг устави қандай бандларни ўз ичига олади?
- 70. Тижорат банки қандай вазифаларни бажаради?
- 71. Банклар фаолиятида қандай тижорат қоидаларига риоя қилиши керак?
- 72. Қайси ҳолларда Марказий банк тижорат банкларини рўйхатга олиш ва лицензиялашни рад этади?
- 73. Тижорат банклари учун Марказий банк томонидан қандай меъёрлар ўрнатилган?
- 74. Тижорат банки томонидан банк қонунчилигининг бузилишига йўл қўйилганда Марказий банк қандай чоралар кўради?
- 75. Қайси ҳолларда тижорат банкининг фаолияти тўхтатилади?
- 76. Банк ресурслари деганда нимани тушунасиз? Улар қандай таркибга эга?
- 77. Банк капитали деганда нима тушунилади? Улар қандай турларга бўлинади?
- 78. Банк капиталининг энг кам даражасига қандай талаблар қўйилади?
- 79. Банк капиталининг етарлилик коэффиценти қандай ҳисобланади? «Кук коэффиценти»чи?
- 80. Банк активи деганда нимани тушунасиз ва у қандай таркибга эга?
- 81. Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар қандай тоифаларга бўлинади?
- 82. Банк активининг сифати қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
- 83. Банк активлари қандай тоифалар бўйича таснифланади?
- 84. Активларнинг ликвидли ва ноликвид таъминотига нималар киради?
- 85. Қарздорни баҳолашда қандай мезонлардан фойдаланилади?

86. Активларни ва пасивларни бошқариш деганда нимани тушунасиз?

87. Жаҳон банк амалиётида актив ва пасивларни бошқаришнинг қандай усуллари мавжуд? Уларнинг афзалликлари ва камчиликлари нимада?

88. Баланснинг бузилиши (дисбаланс) нима ва у қандай бошқарилади?

89. Банк даромади қандай манбалар эвазига шаклланади?

90. Банк ҳаражатлари қандай тавсифланади?

91. Маржа фоизи ва у қандай тартибда ҳисобланади?

92. Банкнинг фойдаси қандай таҳлил қилинади?

93. Қандай кўрсаткичлар банк фойдасининг фойдалилик даражасини тавсифлайди?

94. Фойданинг мутлақ ҳажмига қандай омиллар таъсир ўтказди ва улар қай тартибда таҳлил қилинади?

95. Банкнинг тўлов қобилияти ва ликвидлиги деганда нимани тушунасиз?

96. Тижорат банкларнинг реал ликвидлик даражасини баҳолашда қандай мезонлар асос қилиб олинади?

97. Банк ликвидлигини аниқлашда қандай кўрсаткичлар ҳисобланилади?

98. Қандай нормативлар банк томонидан бажарилиши лозим бўлган нормативлар ҳисобланади?

99. Банкнинг ликвидлиги қандай талабларни қондирадиган даражада бўлиши керак?

100. Банк ликвидлиги қандай омилларга боғлиқ?

101. Банк ликвидлигини бошқариш деганда нимани тушунасиз?

102. Ликвидликни бошқариш воситалари тўғрисида нималар дея оласиз?

103. Ликвидлик қандай баҳоланади?

104. Қайси ҳолларда банк ликвид маблағларга эҳтиёж сезади?

105. Банк ликвидлигини тартибга солишда банк раҳбарига қандай талаблар қўйилади?

106. Жаҳон амалиётида банкларнинг ликвид маблағларига бўлган эҳтиёжини баҳолашнинг қандай усуллари мавжуд?

107. Захиралар манбаини танлашда қандай омилларга эътибор қаратмоқ лозим?

108. Банкнинг молиявий ҳисоботи ва уларнинг турлари тўғрисида нималар дея оласиз?

109. Банк баланси қандай кўринишга эга? У қандай моддалардан иборат?

110. Банк балансининг ҳисоблари (счётлари) қандай турларга бўлинади? Балансининг актив ва пассив қисмларида қайси моддалар муҳим ва қайсилари унча муҳим бўлмаган моддалар ҳисобланади?

111. Банк баланси қандай бўлимлардан иборат?

112. Балансдан ташқари счётлар қандай бўлимларни ўз ичига олади?

113. Банкларда синтетик ва аналитик ҳисоблар қандай ташкил этилади?

114. Банк баланси қандай таҳлил қилинади?

115. Қайси операциялар банк балансида қайд қилинмайди? Нима учун улар балансдан ташқари моддалар дейилади?

116. Маблаглар манбаи ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот қандай кўринишга эга? У нима мақсадда тузилади?

117. Акционерлик капитали тўғрисидаги ҳисобот қандай кўринишга эга?

118. Банкнинг жорий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботлари таркибига нималар киради?

119. Молиявий ҳисобот таҳлилида раҳбарлар нималарга эътибор қаратишлари лозим?


120. Банк ҳисобида халқаро ҳисоб андозаларини жорий қилишнинг қандай муаммолари мавжуд?

4-боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

4.1. Тижорат банкларнинг пассив операциялари

[121]. Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг **пассив операциялари** дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларининг пассив ва актив-пассив ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Тижорат банклари пассив операциялар ёрдамида кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилади. Σ

Пассив операцияларни қуйидагича таснифлаш мумкин (27-чизма).



27-чизма. Пассив операциялар.

Биринчи, иккинчи операциялар туфайли банкнинг **ўз маблағлари** юзага келса, сўнги икки операция туфайли банкнинг **жалб қилинган ресурслари** юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағлари таркибига:

- банкнинг устав капитали;
- банкнинг захира капитали;
- махсус фондлар;
- моддий рағбатлантириш фонди;
- банкнинг тақсимланмаган фойдаси;
- бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар қиради.

Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маб-

лағларига тўғри келади.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил қилади. Булар:

- депозитлар;
- контокоррент;
- корреспондент счётларидаги маблағлардир.

[122]. Депозит сўзи лотинча “**depositum**” сўзидан олинган бўлиб, омонат, асраб қўйилган деган маъноларни беради. Депозитлар – бу:

- банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар;
- мижозларнинг банкка муайян талабларини тасдиқловчи, банк дафтаридаги ёзувлар;
- кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар (акциялар ва облигациялар);
- божхона муассасаларига бож ва божхона йигимлари тарзидаги тўловлар учун олдиндан берилган бадаллар;
- суд ва маъмурий муассасаларга даъвони ва судга келишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган пул бадаллари.

Демак, депозит банкларда сақлаш учун топширилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлардир.

Депозитлар – хўжалик субъектлари ва хусусий шахсларнинг пул маблағлари ёки қимматли қоғозларини талаб қилиниши биланок шартнома асосида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўланган ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шarti билан сақлаш учун банкка қўйиладиган омонатлардир. Депозитлар банкларнинг кредит бериш, факторинг операциялари ўтказиш, инвестицияларни амалга оширишда фойдаланиладиган ссуда фондини ташкил қилиш манбаи қисобланади.

[123]. Депозитларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- талаб қилиб олингунча депозитлар;
- жамғарма депозитлар;
- муддатли депозитлар;
- жамғарма (депозит) сертификати;
- бошка депозитлар.

Талаб қилиб олингунча депозитлар юридик ва жисмоний шахсларнинг кундалик мақсадлари учун хоҳлаган вақтда талаб қилиб олишлари мумкин бўлган (талаб қилиб олингунча ҳисобварақлардаги) маблағлардир. Банк ўз омонатчиларининг биринчи талабига

кўра уларнинг тўловлар бўйича топшириғини бажариши лозим.

Талаб қилиб олингунча депозитлар мижознинг топшириғига кўра, шартноманинг олдиндан келишилган шартлари асосида ушбу мижознинг бошқа турдаги депозитларига ўтказилиши мумкин. Бу депозитлар банкнинг жалб қилинган маблағларининг салмоқли улушини эгаллайди. Улар банкнинг энг арзон ресурслари ҳисобланади. Мижознинг ҳар қандай вақтда огоҳлантирмасдан бу маблағларни олиши эҳтимоли банкдан юқори ликвидликни сақлаш учун доимо етарли маблағларни кам ликвидли, лекин юқори даромад келтирувчи маблағлар ҳисобига захирада сақлаб туришни талаб қилади. Шу сабабли, банк ўз омонатчиларига анчагина паст фоиз тўлайди. Депозитларнинг ҳаракатчанлиги юқори бўлишига қарамасдан, банк улардан кредит беришда фойдаланади.

Жамғарма депозитларнинг бошқа депозитлардан ажралиб турадиган хусусияти шундаки, банк омонатчига омонат дафтарчаси беради. Жамғарма депозитлар даврий бадаллар асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун депозит ҳисобварақда, маълум миқдорда пул суммасини жамлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар номига очилади. Агар шахс номига берилган омонат дафтарчаси йўқолса, ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолса, банк омонатчининг аризасига кўра унга янги омонат дафтарчасини беради.

Муддатли депозитлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномада қатъий келишилган муддат ва унда кўрсатилган фоизларни тўлаш а доир маблағларидир.

Муддатли депозитлар қуйидаги муддатлар бўйича таснифланади:

- муддати 30 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 90 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 180 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кундан ортиқ бўлган депозитлар;

Агар муддатли депозит муддати ўтгандан кейин мижоз томонидан талаб қилиб олинмаса, шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган тақдирда, асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақига ўтказилади.

Муддатли депозитлар икки хил бўлади:

- хусусий муддатли депозитлар;
- аввалдан огоҳлантириш шарти билан қўйиладиган муддатли депозитлар.

Хусусий муддатли депозит омонатчи томонидан банк ихтиёрига шартнома асосида маълум муддатга бутунлай берилади. Муддат тугагандан сўнг, қўйилма омонатчи томонидан хоҳлаган вақтда олиниши мумкин. Бундай депозит учун тўланадиган фоиз депозитнинг муддати, ҳажми ва омонатчи томонидан шартноманинг бажарилишига боғлиқ.

Аввалдан огоҳлантириш шarti билан қўйилган муддатли депозитни олиш учун шартномага кўра, омонатчи қачон ва қанча миқдорда маблағини олиши ҳақида банкка хабар бериши лозим. Хабар бериш муддатига кўра, омонатга фоиз ўрнатилади. Муддатли депозитларнинг ҳажми шартномада кўрсатилган муддат ичида ўзгартирилмайди. Бу депозитлардан жорий ҳисоб-китоблар, тўловлар учун фойдаланилмайди.

Жамгарма (депозит) сертификати – бу банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг сертификатни берган банкдан ёки унинг ҳар қандай бўлиmidан белгиланган муддат тугагандан кейин, омонат миқдорини ва сертификатда шартлашилган фоизларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Жамгарма (депозит) сертификати тақдим этиладиган ёки эгаси кўрсатилган бўлиши мумкин. Жамгарма (депозит) сертификати муддатдан олдин тақдим этилган ҳолларда, агар депозит шартларига кўра, фоизларнинг бошқа миқдори белгиланмаган бўлса, ушбу банк сертификати бўйича талаб қилиб олингунча депозитлар учун тўланадиган омонат миқдорини ва фоизини тўлайди.

Кўпгина банкларда кейинги вақтларда мижозлар орасида муддатли депозитларга бўлган қизиқиш жуда ортди ва депозитлар умумий қўйилмалар ҳажмининг 80 фоизини ташкил қилмоқда. Муддатли депозитларнинг турлари орасида юқори даромадли жамгарма қўйилмалари, айниқса, бозор шароитидаги ўзгаришлар туфайли омонатчилар даромадларининг ортиб боришига қаттиқ таъсир кўрсатувчи пул бозоридаги депозитлар муҳим аҳамият касб эта бошлади. Оддий, талаб қилиб олингунча депозитлар ҳажми эса кескин қисқарди.

Пулнинг қадрсизланиши, пул муомаласининг бузилиши, рақобатнинг кучайиши ҳамда мижозлар билими ва савиясининг ортиши банклар хизмат кўрсатиши мумкин бўлган депозитлар таркибининг анчагина ўзгариб кетишига олиб келади. Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида кенг тарқалган асосий депозитларнинг иккинчи тури **хорижий давлатлар, у ердаги бизнесменлар ва фуқаролар депозитлари**дир. Депозитларнинг бундай турлари мамлакатимиз банк тизими

амалиётида ҳали унча кенг қўлланилмайди. Лекин бундай депозитлар ҳақида билимга эга бўлиш фойдадан холи эмас.

Бундай депозитлар ҳажмининг тез ўсиб бориши, жаҳон савдосининг ривожланиши ва хорижий инвестицияларнинг ошиши билан боғлиқ. Лекин кейинги пайтларда бундай депозитларнинг ҳажми қисқариб бормоқда. Бунга сабаб мамлакат ичидаги депозитларга қўйилмайдиган фоиз ставкаларининг омонатчилар учун анча қулай бўлиб бораётганидир.

Асосий депозитларнинг яна бир тури **бошқа банк қўйилмаларидир**. Буларга вакиллик хизматлари ҳақларини тўлаш мақсадида бир-бирларининг банкларидаги ҳисобварақларда сақлайдиган маблағлар киради.

Бошқа банклар маблағларини ўзида сақлайдиган банк бу маблағларни ўз балансида «лоро» ҳисоб рақами бўйича қарз деб ҳисоблайди (мазкур банкнинг вакиллик ҳисоб рақамидаги қолдик). Бошқа банкда ўз маблағини сақлаб турган банк эса ўз балансида уларни «ностро» ҳисоблаш рақами бўйича актив деб белгилайди (вакил банкларда).

[124]. Депозит сертификати кредит муассасасининг омонатчига депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, пул маблағлари депонент қилинганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳномасидир. Бошқача қилиб айтганда, депозит сертификати – кредит муассасасининг пул маблағини сақлашга топширилганлиги ҳақида омонатчининг депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ёзма гувоҳномаси.

Депозит банки – пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа бойликларни сақлаш билан шуғулланувчи банк.

Депозит индоссаменти – депозитларни бошқасига ўтказиш ҳақидаги ўтказма хат.

Депозит муассасаси – пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа бойликларни сақлаш билан шуғулланувчи муассаса. Депозит муассасаларининг умумий хусусияти шундан иборатки, улар чек ёки жамғарма ҳисобварақларини очиш йўли билан маблағларни жалб қилади ҳамда улардан турли хил кредитлар бериш, ҳукумат ва корпорацияларнинг қимматли қоғозларини олишда фойдаланади.

Депозит молия муассасалари иккита катта тоифага бўлинади:

- тижорат банклари;
- банк бўлмаган депозит муассасалар.

Банк бўлмаган депозит муассасалари ўз таркибига жамғарма-кредит уюшмаларни, кредит уюшмаларини ва ўзаро пул фондларини олади.

Жамғарма-кредит уюшмалар жамғарма ҳисобварақларини очиш йўли билан маблағларни жалб қилади ҳамда улардан аниқ мақсадга мўлжалланган гаровли кредитлар беришда фойдаланади. Ғарбда жамғарма-кредит уюшмаларга ўхшаш **ўзаро жамғарма банклари** кенг тарқалган, бироқ уларнинг фарқи шундаки, бундай банкларнинг хизматидан майда омонатчилар фойдаланади. Одатда улар омонатларнинг энг юқори чегарасини белгилаб қўйиб, омонатларнинг барқарор равишда оқиб келишига умид боғлайди.

Кредит уюшмалар нисбатан майда жамғарма-кредит муассасалар бўлиб, истеъмол кредитларини беришга йўналтирилган. Улар диний ташкилотлар, касаба уюшмалари ва шунга ўхшаш тузилмалар томонидан ташкил этилади. Кредит уюшмалар ўз аъзоларининг жамғарма ҳисобварақларини очади ҳамда қарзни ҳам фақат ўз аъзоларига беради, яъни кредит уюшмалар омонатчилар томонидан **«жамонатчилик асосида»** идора қилинади.

Ўзаро пул фондлари фонизлар билан тўланадиган омонатларни қабул қилади, бунинг учун мижозларга чек ёзиб бериши мумкин. Чек бўйича қўйилган омонат суммаси каби ҳажми ҳам маълум даражада чегараланган бўлади.

Молия муассасасининг бундай тури кўп минглаб омонатчиларнинг маблағларини жалб этади ҳамда ҳосил бўлган фонд даромад келтирадиган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ишлатилади. Санаб ўтилган молия муассасаларидан фарқли ўларок, ўзаро пул фондларидаги омонатлар суғурта қилинмайди, бироқ уларнинг активлари (омонатчиларнинг маблағига сотиб олинган қимматли қоғозлар) юқори ликвидли бўлгани сабабли катта фонизлар олиб келадиган етарли даражада ишончли жамғарма воситаси ҳисобланади.

Депозит мультипликатори – банкка қўйилган маблағларнинг ҳар бир пул бирлигидан кўриладиган умумий даромад ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи кўрсаткич. Банк тизимининг бир қадар қизиқарли хусусияти шундан иборатки, айтайлик, агар алоҳида тижорат банки ўзидаги мавжуд захира ҳажмидагина ссуда берса, бутун банк тизими унинг захирасидан бир неча баробар ортиқ миқдорда ссуда тақдим этиши мумкин.

Бундай ҳодиса депозитларнинг мультипликация тарзида кенгайиши (кўп қаррали омонатлар орқали кенгайиш) деган ном олган.

[125]. **Депозитарий** депозитларни сақлаш учун ишониб топширилган ҳуқуқий шахс. **Депозитарий банк** деганда депозитлар (қимматли қоғозлар)ни сақлаш учун ишониб топширилган банк тушунилади.

Фонд бойликларини сақлаш вазифасини амалга оширишга замонавий ёндашув унинг ихтисослашган ташкилотлар – депозитарийларда марказлашувини тақозо этади. Бундай марказлашув қимматли қоғозлар айланишида хизмат кўрсатишга кетадиган харажатларни камайтиради, ҳисобга олишни соддалаштиради ва тезлаштиради. Марказлашган депозитарий мавжуд бўлган тақдирда қоғозларнинг олди-сотдиси бўйича битимлар сертификатларини ташиб ўрин алмаштириш ва кузатиб боришга ҳожат қолмайди.

Депозитарийнинг асосий вазифаси қимматли қоғозлар сертификатларини сақлаш ва (ёки) қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатишдан иборат.


Қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга эгалик ҳуқуқини ҳисобга олишда депозитарий хизматларидан фойдаланувчи шахс депонент деб юритилади.

Депозитарий ва депонент ўртасида тузилган уларнинг депозитарий фаолиятига оид муносабатларни тартибга солиб турадиган шартнома депозитар шартнома (депо ҳисобварағи ҳақида шартнома) дейилади. Депозитор шартнома ёзма шаклда тузилади.

Депозитарий фаолиятини фақат:

- юридик шахслар;
- фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари);
- инвестиция муассасалари (инвестиция бўйича маслаҳатчилар, инвестиция фондларидан ташқари);
- мутлақ депозитарий фаолияти билан шуғулланувчи ихтисослашган депозитарийлар амалга оширади.

Депозитарийнинг яхлит фаолиятини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин (28-чизма).



28-чизма. Депозитарийнинг бажарадиган ишлари.

Депозитарийнинг асосий фаолияти «депо» ҳисобварақлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда чиқарилган қимматли қоғозларни депозитарий рўйхатидан ўтказишга қаратилган.

«Депо» ҳисобварақлари билан бўладиган операциялар учун депозитарийда қабул қилинган баҳоларда миждан ҳақ ундирилади, у депозитарий кассаси орқали ҳисоб-китоб варағига келиб тушади.

1994 йил апрель ойида Ўзбекистонда очик турдаги акциядорлик жамияти сифатида «Вақт» миллий депозитарийси ташкил этилди. Унинг таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзмолияинвест» акциядорлик жамияти, САМТУ «Гранит», «Тошкент» республика фонд биржаси ҳисобланади. «Вақт» АЖ акциядорлари орасида «Турон» акциядорлик тижорат банки, Россиянинг «Ринако» депозитарийси, бошқа юридик ва жисмоний шахслар бор.

Миллий депозитарийнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича муомаладаги қимматли қоғозларни ҳисобга олиниши, сақланиши ҳамда ҳаракат қилишини таъминлашдан иборат.

Миллий депозитарий қуйидаги ишлар билан шуғулланади:

- бозорда муомалада бўладиган жами чиқариладиган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;
- акциядорлар реестрларини ягона технологик тартибда юритиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилишини нақдсиз шаклда расмийлаштириш;
- қимматли қоғозлар эмиссияси нақдсиз жойлаштирилаётганда уларни сохталаштириш ва йўқотишдан юз фоиз муҳофазалаш кафолати;
- қимматли қоғозларга эгаликдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни (сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш) амалга ошириш юзасидан топшириқларни бажариш;
- Ўзбекистон Республикасидаги эмитентлар томонидан чиқарилган ёки чиқарилиши кўзда тутилаётган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритиш квоталаридан фойдаланишни ҳисобга олиш.

Ҳозирги пайтда миллий депозитарий қуйидагиларни шакллантириш устида иш олиб бормоқда:

- электрон почта тизими;
- йирик компьютер тармоқларида электрон имзо ва крипт химоя тизими;
- электрон шакллар ёрдамида маълумотларни электрон айирбош-

лаш тизими;

- абонент ўринларидан фойдаланиш;
- электрон почтамтлар.

Миллий депозитарий бошқа депозитарийлар билан вакиллик муносабатлари ўрнатган.

Акциядорлик жамиятлари акциядорларнинг муомалада бўлишини тезлаштириш ҳамда аҳоли маблағларини хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилиш мақсадида миллий депозитарий томонидан танлов асосида давлат мулкнинг опцион савдоси дастури ишлаб чиқилган.

Эмиссияни жойлаштириш ва ҳисобварақ бўйича ўтказишда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Миллий депозитарий республиканинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўзининг филиаллари ва рўйхатга олиш пунктларини очган.

[126]. Жаҳон банклари амалиётида банклар, одатда, арзон депозитларни жалб қилиш ва уларни сотиш орқали даромад олишга ҳаракат қиладилар. Аҳолининг чек кўринишидаги депозитлари, шу жумладан, оддий фоизсиз депозитлари энг арзон депозитлар ҳисобланади.

Бундай чек депозитлари билан ишлаш ва уларни ҳисобга олиш катта харажатларни талаб қилгани билан, мижозлар жуда кам фоиз даромадлари (баъзида эса умуман фойда олмайдилар) оладилар. Бу эса банкка жалб қилинадиган бошқа маблағлар манбаларига қараганда унинг харажатларини камайтиради.

Фуқароларга бериладиган чек депозитларга нисбатан тижорат фирмаларига бериладиган чек депозитлари банклар учун анча арзонга тушади. Чунки тижорат фирмаларига бериладиган чек депозитлар харажати хусусий шахсларга бериладиган чек депозитлар харажатининг ярмини ташкил қилади. Бундан ташқари, хусусий шахснинг чек депозити ҳажми тижорат фирмасининг чек депозити ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмайди. Лекин банклар ва молиявий хизматлар кўрсатувчи фирмалар ўртасидаги чек депозитлари бўйича рақобатнинг кучлилиги туфайли банклар бундай депозитлардан келадиган соф даромадни унча катта деб ҳисобламайдилар.

Муддатли депозитлар, нафақа ҳисобварақлари, депозит сертификатлари ва пул бозоридаги ҳисоб рақамлар, уларга маблағлар қўйиш ёки улардан олиш юзасидан кам муддатли депозитлар ва пул бозоридаги ҳисобварақларига ўрнатиладиган фоиз ставкасининг анча юқори бўлиши туфайли улар жамғарма қўйилмалар билан тенг-

лашиб қолади. Йирик бўлмаган банклар йирик банкларга қараганда жамғарма депозитлар ва пул бозоридаги ҳисобварақлар бўйича катта харажатлар қилса ҳам, муддатли депозит ва нафақа ҳисоб варақлари бўйича қилинадиган харажатлари, йирик банкларга қараганда анча кам бўлади.

Банкларнинг мақсади анча арзон депозитларни жалб қилишдан иборат бўлгани билан, қандай депозитларни таклиф қилиш мижозларга боғлиқ. Мижозлар талаблари билан келиша олмайдиган банклар уларнинг талабларини бажаришга рози бўлган банклар фойдасига мижозларини йўкотадилар.

[127]. Депозитлар бўйича хизматларнинг қийматини белгилаш банк бошқарувчиси учун мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки кўпроқ маблағ талаб қилиш мақсадида мижозлар депозитларни сотиш орқали улардан яхши даромад олишни ҳам кўзлайдилар. Албатта, бу фаолиятни амалга оширишдаги кучли рақобат банк даромадига катта таъсир кўрсатади. Кучли рақобат туфайли депозитларга баҳони алоҳида бир банк эмас, балки бозор ўрнатади. Бундай шароитда бошқарувчи бозор ўрнатган фоиз ставкасидан фойдаланиб, кўпроқ депозитларни жалб қилиш ёки қатъий ўрнатилган фоиз ставкаси негизида кўпроқ депозитларни жалб қилиш ёхуд ўрнатилган фоиз ставкаларидан кам миқдордаги фоиз ставкаларини таклиф қилиш билан депозитлар ҳажмини камайтириш маъқуллиги тўғрисида бир қарорга келиши лозим. Чунки бунда бошқарувчи даромадлилик ёки ўсишни танлайди. Қиммат депозитларнинг кўп ҳажмда жалб қилиниши банкнинг ўсишини таъминлайди, лекин банк даромади ҳажми пасаяди.

Ҳозирги пайтда депозитларни баҳолашнинг бир қанча усуллари мавжуд:

- 1) «харажат + даромад»;
- 2) депозитларга энг юқори ҳажмдаги харажатларга асосланган ҳолда фоиз ставкасини ўрнатиш;
- 3) алоҳида қўйилмаларга ўрнатилган фоиз ставкаларини гуруҳларга бўлиш;
- 4) депозитлар бозорига кириб бориш мақсадида фоиз ставкаси ўрнатиш;
- 5) юқори даромадли мижозларни жалб қилиш мақсадида депозитларга қиймат ўрнатиш;
- 6) мижозларга кўрсатилган хизматлар сони ва турига қараб депозитларга фоиз ставкаси ўрнатиш (қийматни ўрнатишнинг кўп омилли усули);

7) банкнинг ўз мақсадларига эришишини кўзлаб, депозитларга баҳо ўрнатиш усули.

Ҳозирги даврда мижозларнинг алоҳида депозитлар бўйича хизматлардан фойдаланиш даражасига қараб хизмат ҳақлари ўрнатиш усули кенг қўлланилади.

[128]. Йирик ҳажмдаги ДС – расмий депозит, лекин амалиётда қарз бўйича берилган «тилхат»нинг бир туридир. Бу тилхат фойдаланилмаётган ортиқча маблағга эга йирик компаниялардан, юқори даромадли шахслардан ва ниҳоят, Марказий банкдан маълум бир муддатга маълум миқдорда қарз олиш учун берилади. ДС – фоизли тилхат бўлиб, олинаётган қарзнинг муддати ва ҳажмига қараб, келишилган ҳолда фоиз ставкаси ўрнатилади. Йирик ҳажмдаги ДС ларидан киска муддатларда, асосан бир ҳафтадан то бир йилгача муддатларда фойдаланилади. Унинг афзаллиги шундаки, бундай ДС ни рўйхатдан чиқариш муддати келгунча иккиламчи бозорда бир неча марта сотилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, уни «ўтказма» ДС ти дейилади. Фоиз ставкаси ўрнатилган ДС лари барча йирик ҳажмдаги ДСларнинг 4/5 қисмини ташкил қилиб, уларни чиқаришдан асосий мақсад, фоиз даромади олишдир.

Масалан, агар банк 100 000 долларлик қийматга эга олти ойлик ДС ни сотиб олувчи харидорга йиллик 8% миқдорида фоиз ставкаси ваъда қилса, депозитор 6 ойдан сўнг қуйидаги маблағга эга бўлади.

$$\text{Харидорга тўланадиган сумма} = \text{Асосий сумма} + \left(\text{Асосий сумма} \cdot \frac{\text{Ҳисобдан чиққунча кунлар сони} \cdot \text{Йиллик фоиз ставкаси}}{\text{Бир йилдаги кунлар сони}} \right)$$

Мисолимизда:

$$\text{Харидорга тўланадиган сумма} = 100000 + 100000 \cdot \frac{180 \text{ кун} \cdot 0,08}{360} = 104000 \$$$

Демак, харидор 6 ойда 4000 доллар фойда топади. Ҳисобдан чиқариш муддати бир йилдан ортиқ бўлган ДС ларидан депозитор ҳар 6 ойда фоиз даромади олади.

Депозит бозорининг 20 фоизини ташкил қилувчи ўзгариб турувчи фоиз ставкаси билан чиқарилган ДС лари маълум бир муддат ичида қайта кўриб чиқилади.

Янги фойз ставкаси депозитларнинг иккиламчи бозорида қўланилаётган фойз ставкаси асосида ёки банклараро ўрнатиладиган «либор» фойз ставкаси асосида ўрнатилади.

ДС ларини сотувчи банк фойда келтирувчи қарз маблағларига эга бўлади, чунки депозитлар учун расмий захира талаблари ўрнатилмаган. Йирик банкларнинг чек ҳисоб рақамлари учун эса 10 фойзлик захира талаблари ўрнатирилган.

Бундан ташқари, ДС ларининг ҳисобдан чиқариш муддатлари турлича бўлгани ва бу муддатдан олдин ҳисобдан чиқариш қонун билан тақиқланганлиги туфайли, банк депозитларнинг мустақкамлиги ва барқарорлиги таъминланган. Лекин йирик ҳажмдаги ДС ларнинг фойз ставкаси ўзгаришига бўлган сезувчанлиги юқори бўлганлиги туфайли бундай ДС ларидан мунтазам фойдаланувчи банклар даромадининг доимо мустақкам бўлишини таъминлаш мақсадида иш олиб беришлари (хатто фойзаларни суғурталаш усулларида фойдаланишлари мумкин) лозим.

[12³]. Депозитлар банк маблағларини ташкил қилишнинг асосий манбаидир. Аммо банкнинг кредитлари ва инвестицияларини қоплаш учун депозитлар ҳажми етарли бўлмаса, банк бошқарувчиси қандай тадбирларни амалга ошириши лозим, деган савол юзага келади. Бунда банк ўз маблағларини нодепозит қўйилмалар ҳисобига тўлдирди.

Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида нодепозитларнинг қўйидаги турлари банк маблағлари манбаининг асосийлари ҳисобланади:

- капитал бозоридаги йирик ҳажмдаги қисқа муддатли депозит сертификатлари;
- банклараро депозитлар;
- қайта сотиб олиш шартли билан банкларнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан уларга Марказий банк томонидан бериладиган қарзлар;
- клиринг чек ҳисобварақлари.

Банк бошқарувчиси банк маблағларини ташкил қилиш билан пасивларни бошқаради. Шу мақсадда бошқарувчи мижозлар талабини қондириш учун қанча миқдорда ва муддатга депозит маблағлар кераклигини, унинг қайтарилишини таъминлашни ҳисоблаб чиқиши лозим.

Бу ўринда Марказий банкнинг қисқа муддатли қарзлари анча қўл келади. Чунки бу қарзлар Марказий банкнинг бошқа банклар маблағлари жамланиб, сақланадиган мажбурий захиралар фондидан олинади.

4.2. Тижорат банкларининг инвестицион функциялари

[130]. Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолиятни олиб боришдан асосий мақсад банк даромадлилиги ва ликвидлигини таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестиция сифати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигини таъминлаш учун қаратилган.

Банкларнинг инвестицион фаолияти турли хил қимматли қўғозларга, яъни:


- оддий ва имтиёзли акцияларга;
- облигацияларга;
- давлат қарздорлик мажбуриятларига;
- депозит сертификатларига;
- вексел ва бошқаларга маблағларини қўйиш орқали амалга оширилади.

Инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий негизини ташкил этар экан, ўз навбатида бу такрор ишлаб чиқаришга инвестор (субъектлар) инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳаларига (объектларга) ўз қўзлаган мақсадни асосан даромад (фойда) олиш ёки иқтисодий самарага эришиш учун жойлаштирилади ва инвестор амалга оширган бундай фаолиятни инвестицион фаолият деб юритилади. Бу фаолият жараёнини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (29-чизма).

Бугунги шароитда инвестицион фаолиятда банклар иштирокини янада оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам, Президентимиз И.А. Каримов «Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим»¹ – деб таъкидлаб ўтган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар инвестицион фаолиятнинг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида қуйидаги фаолиятларнинг у ёки бу турлари бўйича иштирок этмоқдалар:

- инвесторларга тегишли ҳамда инвестицион мақсадларга йўналтирилаётган маблағлар ҳаракати бўйича молиялаштириш ҳисоб-варақлари очиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фароон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: "Ўзбекистон"; - 2000, 57 бет.



29-чизма. Инвестицион фаолият.

- фойда олиш ва банк ликвидлигини ошириш мақсадида ўз ва жалб қилинган маблағларни давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга қўйиш;
- ўз ва жалб қилинган маблағларни инвестицион лойиҳаларга

бевосита кўйиш, яъни хўжалик субъектларининг инвестицион фаолиятини кредитлаш;

- қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш.

Инвестицион фаолиятни банк кредитлари орқали фаоллигини ошириш учун қуйидаги тадбирлардан тўла фойдаланиш лозим.

- банкларда кредит турлари (лизинг, синдицит ва бошқалар)ни кўпайтириш;

- банкларнинг тўловга қобилиятлилиги ва ишончлилигини ошириш;

- банк депозитлари учун мажбурий захиралар меъёрини пасайтириш;

- ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириладиган дастурлар натижасида банк томонидан кўрилган зарарларни бюджет ҳисобидан қоплаш;

- омонатлар ва инвестиция кредитларидаги фойз ставкалари ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш ва ҳ.к.

[131]. Инвестор инвестицион фаолиятни амалга оширишда сарфланаётган маблағларни қайтиши ва унга нисбатан олинадиган даромад муҳим ҳисобланади. Бу эса инвестор учун яратилган шароитларга боғлиқ. Ушбу шароитларнинг умумлашган мажмуини инвестицион иқлим деб юритилади.

Инвестицион иқлим жуда кенг тушунча бўлиб, у хусусий инвесторларга нисбатан, маҳаллий хўжалик субъекти сифатида фаолият юритаётган инвесторларга нисбатан (микродаражада) ёки чет эл инвесторларига (макродаражада) нисбатан фарқлаб кўлланилади. Инвестицион иқлим инвесторнинг самарали фаолият юритиши учун маълум омилларнинг умумлашган йиғиндисидан ташкил топади. Инвестицион иқлимга таъсир этувчи омилларни ижобий ва салбий таъсирга кўра гуруҳлаш мумкин (30 - чизма).

Чет эл инвестициясини жалб қилишда инвестицион иқлимнинг ижобий бўлиши жуда ҳам муҳим. Шу боис:

- мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;



30-чизма. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар.

- чет эл инвестициясини жалб этувчи хўжалик субъектларида мулк қийматидан тўланадиган имтиёзли солиқ ставкасини ўрнатиш орқали уларнинг мол-мулкани қисқа муддатда қайта баҳолашга қизиқириш;
- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорти қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодиётни макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб ишлаб чиқиш асосида халқаро молия муассасаларини Республикамизда очган кре-

дит линияларини тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- маҳаллий «масъул» муассасаларнинг чет эл инвестицияларини ҳудудларга жалб қилишдаги фаоллигини ошириш;
- чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг инвестицион фаолиятини амалга ошириш учун сарфланаётган маблағларни молиялаштириш манбалари муҳим ҳисоблангани учун ушбу манбалар ҳисобидан эришиладиган молиявий натижаларга нисбатан самарадорликни баҳолаш мақсадга мувофиқ. Яъни корхона хусусий сармоёси ва ташқи сармоё ҳисобидан эришиладиган самарадорликни ҳисоблаш зарур. Ушбу самарадорликнинг ўзгаришига (ўсиши ёки камайишига) учта омил: моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари (ҳаражатлар) таъсири муҳим ҳисобланади.

[132]. Банкнинг асосий вазифаларидан бири кредит беришдир. Банклар кредит бериш орқали кичик ва хусусий тадбиркорликни молиялаштирадилар. Улар эса, ўз навбатида, бу маблағларни инвестицияларга жалб қиладилар. Маблағларнинг инвестицияга жалб қилиниши натижасида мазкур ҳудудда иш жойлари ташкил қилиниб, юзлаб кишилар иш билан таъминланадилар. Иш билан таъминланганларнинг кўпчилиги ушбу банкнинг мижозлари бўлмаса ҳам, банкнинг кредит фаолиятидан ўзларининг инвесторлари орқали фойдаланадилар. Бироқ банкнинг ҳамма маблағлари ҳам кредитлар учун йўналтирилиши мумкин эмас. Банк активларининг катта қисми ноликвиддир, яъни банк нақд пулга муҳтож бўлганда банк активларини тезда сотиш имконияти доимо бўлавермайди. Бундан ташқари, кредитлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтмаслик эҳтимоли мавжуд бўлганлиги туфайли улар юқори хатарли активлар қаторига киради.

Юқоридаги сабабларга кўра, банклар ўзларининг активлар портфелининг кўп қисмини даромадли активлар тури бўлган қимматли қоғозларга йўналтиради. Қимматли қоғозларга векселлар, давлатнинг қисқа муддатли облигациялари ва акциялар киради. Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар:

- банк даромадининг барқарорлигини таъминлайди, яъни банкнинг кредитлар бўйича даромади пасайганда қимматли қоғозлардан олган даромади ошиши мумкин;
- банкнинг кредит портфели бўйича йўқотиш хавфини юмшатади, яъни юқори сифатли қимматли қоғозлар банкнинг кредит бў-

йича хатар даражасини пасайтириш мақсадида сотиб олиниб, сақланиши мумкин;

- молиявий хатарни камайтириш мақсадида турли ҳудудлар ва тармоқларга тегишли қимматли қоғозларга инвестицияларни йўналтиришга имкон тугдиради, яъни банк қўшимча маблағларга муҳтож бўлганда қимматли қоғозларни сотиб, керакли пул маблағлари билан таъминланиши ёки қарзга пул олаётганида гаров сифатида фойдаланиши мумкин;

- ликвидликни қўллаб-қувватлашни таъминлайди;

- банкка солинадиган солиқ миқдорини камайтириш имконини беради, яъни бу билан банк солиқ тўловларини қимматли қоғозлар ҳисобига камайтириши мумкин;

- банкда сақланаётган давлат ва ҳукумат депозитларини таъминловчи гаров сифатида фойдаланиш имконини беради;

- бозордаги фоиз ставкаларининг ўзгариши туфайли содир бўлиши мумкин бўлган йўқотишлардан банкни сугурталаш имкони тугилади;

- банкнинг активлар портфели ва унинг эгилувчанлигини таъминлаш имконияти бўлади, чунки бунда банк ўз активлари тузилмасини жорий бозор талабларига мувофиқ ўзгартириш учун инвестицияга мўлжалланган қимматли қоғозларни бошқа кредитларга қараганда тезда сотиши ёки сотиб олиши мумкин;

- банкда сақланаётган қимматли қоғозларнинг юқори сифатлилиги туфайли банк баланси молиявий кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминлайди.

[133]. Инвестицион функцияларни бажаришда қуйидагилар асосий восита ҳисобланади:

- хазина векселлари;

- қисқа муддатли хазина мажбуриятлари ва облигациялари;

- депозит сертификати;

- давлатнинг қисқа муддатли облигациялари;

- евродолларли депозит сертификатлар;

- банк акцептлари;

- корпоратив векселлар ва облигациялар;

- гаров билан таъминланган қимматли қоғозлар;

- ҳосилавий қимматли қоғозлар - фьючерс, опцион, варрант ва

бошқа қимматли қоғозлар.

[134]. **Хазина векселлари** – давлатнинг хазина мажбуриятлари бўлиб, 3, 6 ва 12 ойлик тўлов муддатлари билан чиқарилади. Улар-

ни тезда сотиш мумкин. Ҳазина векселларидан қайта сотиб олиш шарти билан кредит олиш учун гаров сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Улар номинал қийматига нисбатан дисконт билан кафолатланган фоиз ставкасиз муомалада бўлади ва инвестор векселни ҳисобдан чиқариш вақти келганда унинг нархи ошиши ҳисобига даромад олади.

Ҳазина мажбуриятлари ва облигациялари эса ҳазина векселларидан фарқ қилиб, узоқ муддат давомида, яъни бир йилдан ўн йилгача муддатда муомалада бўладилар. Бу қимматли қогозларни ҳисобдан чиқариш муддатига бир йил қолганда улардан молия бозорининг воситаси сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Уларнинг фоиз хатарига бўлган сезувчанлиги юқори бўлиб, ўзлари суств ликвидли бўлишларига қарамасдан ҳазина векселларига қараганда юқори даромадли бўлади. Бу қимматли қогозлар купонли воситалар ҳисобланади, қимматли қогозлар бозор нархининг ўзгариб туришига қарамасдан инвестор мўлжаллаган даромадни олади. Бу купонлар бўйича ҳар ярим йилда фоиз тўловлари тўланиб турилади.

[135]. Сертификат – омонатчига белгиланган муддат ўтгандан сўнг депозит ва унинг фоиз тўловини олиш ҳуқуқини берувчи ёзма ҳужжатдир. Банк учун эса қўшимча маблағ манбаи ҳисобланади. Банклар кўпинча бошқа банклар ва банк бўлмаган муассасалар чиқарган сертификатларни кам харажат ва хатар билан инвестицияга йўналтириш мақсадида сотиб оладилар. Сертификатларнинг ҳисобдан чиқариш муддати қатъий белгиланган бўлиб, уларни муддатидан олдин рўйхатдан чиқариш конун билан тақиқланган. Шунинг учун ҳам, уларнинг ишончилиги таъминланган бўлиб, инвестиция фунциясини бажара олади. Банк ва бошқа молия институтлари паст номинал қийматга эга сертификатлар чиқариш билан бирга, хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган йирик номинал қийматга эга сертификатлар ҳам чиқарадилар. Йирик номинал қийматга эга сертификатлар давлат томонидан суғурталади.

[136]. Акцепт сўзи лотинча «assertus» иборасидан олинган бўлиб, розилик берилган, яъни пул, ҳисоб-китоб, товар ҳужжатларини ёки товар ҳақини тўлашга розилик ёки тўлашга кафиллик маъносини беради. Тўлашга розилик беришни **акцептлаш** дейилади.

Акцептда мол етказиб берувчи ташкилот маҳсулот жўнатилгандан кейин тўлаш учун талабнома варақаси ёзади ва ўзига хизмат қилувчи банк инкассасига топширади. Белгиланган қоидага мувофиқ, варақани акцепт қилиш ёки рад этиш олувчининг ихтиёрида

бўлади. Бир шаҳар доирасида бюджет ташкилотлари ўртасида товар ва хизматлар учун қилинадиган ҳисоб-китобларда ҳамда молия идораларига бюджет даромадларини алоқа корхоналари орқали жўнатишда **акцептланган чек** қўлланилади.

Банк акцепти молия бозорининг хавфсиз инструментларидан бири бўлиб, банкнинг акцепт эгасига келишилган муддатда акцептда белгиланган пул миқдорини тўлаш мажбуриятидир. Банк ўзининг экспорт-импорт операциялари ёки бошқа фаолият билан шугулланувчи мижознинг барча тўловларини кафолатлаши натижасида банк акцепти юзага келади ва бу кафолат учун банк ҳақ олади.

Акцептни рўйхатдан чиқариш муддати келгунча доимо ўзининг номинал қийматидан паст қийматга сотилади ва кўзда тутилган даромад фақат рўйхатдан чиқариш муддати яқинлашганда акцепт нархининг ошиши ҳисобига олиниши мумкин.

[137]. Капитал бозорида қўлланиладиган мажбурият ва облигациялар қуйидаги афзалликларга эга:

- хатарсиз;
- иккиламчи бозори ривожланган;
- қарз олиш учун жуда яхши гаров;
- ҳукумат депозитларини кафолатлаши мумкин;
- солиққа тортилмайдиган фоиз даромадига эга;
- юқори кредит сифатига эга;
- баъзи қимматли қоғозлар юқори ликвидли ва тез сотилиши мумкин;

• бир йилдан ўн йилгача ва ундан ортиқ муддатда муомалада бўлади.

Пул бозоридаги мажбурият ва облигациялар эса тез сотилиш қобилиятига эга эканлиги, ҳукумат депозитлари учун яхши гаров вазифасини бажариши, кўзда тутилган даромадлиги юқори бўлган афзалликлари билан капитал бозоридаги мажбурият ва облигациялардан фарқ қилади.

Ҳар иккала бозордаги мажбурият ва облигациялар ўзига хос камчиликларга эга. Уларнинг камчиликлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, капитал бозоридаги мажбурият ва облигацияларнинг даромадлиги хусусий секторнинг узок муддатли қимматли қоғозлар даромадидан паст бўлиб, бозор беқарор ва иккиламчи бозордаги баъзи қимматли қоғозларнинг муомаласи чегараланган бўлса, пул бозоридаги мажбурият ва облигацияларнинг камчилиги шун-

даки, уларнинг даромадлилиги бошқа молиявий инструментлардан паст, баҳо хатари эса юқори бўлади.

[138]. Банклар одатда инвестиция мажмуаларига кўра йирик ва майда банкларга бўлинади. Майда банклар кўпинча ўз маблағларини давлатнинг қимматли қоғозларига жойлаштирадilar, чунки бу қимматли қоғозлар давлат томонидан сугурталанган ва ишончлик даражалари юқори бўлади. Улар хусусий секторнинг қимматли қоғозларидан фойдаланмасликка ҳаракат қиладилар. Майда молия институтларининг иқтисодий ихтилофлар натижасида катта йўқотишларга учраш хатари юқори бўлганлиги туфайли улар бу йўқотишларни қоплаш мақсадида ишончли ва барқарор қимматли қоғозларга ўз маблағларини йўналтирадilar.

Йирик банклар эса, аксинча, майда ва хусусий секторлар хорижий қимматли қоғозларига ҳамда маҳаллий ҳокимият қоғозларига жойлаштирадilar. Албатта, бу қимматли қоғозларга йўналтирилган маблағлар учун юқори хатар мавжуд. Инвестиция қимматли қоғозларчи банк активининг 1/5 қисмидан то 1/3 қисмигача ҳажмда бўлиб, банк даромадининг 1/5 қисмида даромад келтиради. Кредит портфели эса банк активининг ярмидан кўпроғини ташкил қилиб, банк даромадининг 3/5 қисми ҳажмида даромад келтириши мумкин. Лекин банк маблағларини қимматли қоғозлар инвестициясига кўпроқ йўналтирилишининг афзаллиги шундаки, даромад солиғининг ҳажми анча қисқаради ва банк учун бўлган умумий хатар даражаси сезиларли даражада пасаяди.

[139]. Банкнинг инвестиция воситаларини танлаш жараёнига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- кўзда тутилган даромад меъёри;
- солиқ хусусиятлари;
- фоиз хатари;
- кредит хатари;
- ишбилармонлик (хизмат юзасидан) хатари;
- балансланмаган (мувозанатлашмаган) ликвидлик хатари;
- муддатидан олдин қайтариб олиш хатари;
- инфляция (пулнинг қадрсизланиши) хатари;
- гаров талабномалари.

[140]. **Диверсификация** сўзи лотинча «diversificatio» иборасидан олинган бўлиб ўзгариш, хилма-хил, тараккиёт маъносини, яъни корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқара-

диган махсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туришини билдиради.

Инвестиция портфелини диверсификация қилиш – бу инвестиция билан боғлиқ рискларни камайтириш усулларида биридир. Диверсификация қилиш натижасида инвестиция портфелида турли хил, кўпдан-кўп қимматли қоғозлар жамланади. Диверсификация усулида инвестиция сиёсатини амалга оширишда қимматли қоғозларнинг турли хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Булар:

- уларнинг тўлаш муддати ва сифати (таъминлангани), эмитентнинг салоҳияти, қимматли қоғозларнинг сифати бўйича диверсификация қилиниши;
- қимматли қоғозларнинг географик тарқалиши бўйича диверсификация қилиниши;
- қимматли қоғозларнинг тўланиш муддати бўйича мажбуриятларнинг тури ва бошқалар.

Юқоридаги белгилар бўйича таъминланганлигига кўра диверсификация қила туриб инвестиция сиёсатининг мақсадлари аниқланади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд. Булар қимматли қоғозларнинг турлари, муддати бўйича диверсификация қилиш, қимматли қоғозларнинг эмитентлари бўйича диверсификация қилиш ва бошқалар.

Қимматли қоғоз сифатига доир диверсификациянинг асосий мақсади – бу рискни минималлаштиришдир (у эмитентнинг ўз мажбуриятларини бажара олмай қолиш эҳтимоли билан белгиланади). Шу муносабат билан акция сифатининг таъминланганлик даражаси бўйича диверсификация усули ҳам мавжуд бўлиб, назариётчилар фикрича, у бир қатор омилларни ўрганиб чиқишни талаб қилади. Булар эмитент қандай фаолият билан шуғулланишини, акция даромади, дивиденд миқдори, компания акциясининг жорий нархи, захираси, компанияни ким бошқараётганлиги ва бошқалар бўлиб, кўрсатилган саволларга жавобни эмиссия проспекти ва биржа ахборотномаларидан олиш мумкин.

Қимматли қоғозларнинг географик тарқалишига нисбатан диверсификация мақсади – тегишли туманлардаги иқтисодий қийинчиликлар рўй берганда юзага келадиган рискларни камайтиришдан иборат.

Қимматли қоғозларнинг тўлаш муддати бўйича диверсификациясида мақсади – фоиз ставкаларининг тебраниши билан боғлиқ рискларнинг олдини олишдан иборат. Бу инвестиция сиёсатини амал-

га оширишда тижорат банклари, одатда, қимматли қоғозларнинг тугатилиш муддати бўйича погонали структурадан фойдаланади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз даражалари прогнози амалиётда назариядан фарқ қилади. Шунинг учун тижорат банклари прогноз натижаларининг ишончлилиқ даражасини ошириш мақсадида фоиз ставкалари таркибини таҳлил қиладилар.

Одатда жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқариш структурасида махсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади. Бўлимдаги ходимлар сони бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Бу омиллар: қимматли қоғозлар портфели катталиги, бўлим томонидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бажариладиган функцияларга, банкнинг миқозларига кўрсатадиган хизматларга, қимматли қоғозлар тури ва сифатига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бўлим ишчиларининг малакаси қанчалиқ юқори бўлса, улар бажараётган вазифа, ишнинг сифати ҳам шунчалиқ юқори бўлади. Мутахассислар инвестиция дастурида кўзланган мақсад ва вазифаларни яхши тушунишлари, инвестиция хизматлари бўйича маълумотларга эга бўлишлари, молиявий-иктисодий маълумотлардан хабардор бўлишлари, қимматли қоғозлар бозорини мустақил таҳлил қила олишлари, қайси қимматли қоғоз турлари банкка тўғри келиши ёки келмаслигини аниқлашлари, даромадлиқ эгри чизикларининг кўра олишлари, бу билан инвестиция фаолиятини бошқаришни таъминлашлари лозим.

4.3. Банкнинг комиссия (воситачилик) ва траст операциялари

[141]. Банклар комиссия операцияларни ҳам олиб борадилар, яъни бунда банклар миқозларнинг ҳисобидан уларнинг турли топшириқларини бажарадилар. Бундай топшириқлар мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга пул ўтказиш билан боғлиқ. Бунда миқоз ўз банкига унинг ҳисобидаги маълум бир суммани кўрсатилган манзил бўйича ўтказишни юклатади.

Операция ниҳоясига етганидан сўнг банк миқозига пул ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни юборади ёки беради. Ўтказилган операция учун банк воситачилик ҳақини олади.

Комиссион операциялар турли кўринишларда бўлиши мумкин (31-чизма).



31-чизма. Комиссион операцияларнинг турлари.

Аккредитив операциясида банк ўз мижозидан учинчи бир шахс, яъни аккредитив очилган шахсга (бенефициарларга) тўлов суммасини ўтказиш ҳақида топширик олади.

Бу ҳисоб-китобни амалга ошириш учун товар сотиб олган тadbиркор сотувчига бериши керак бўлган суммани аввалдан банкка қўйиши мумкин. Тегишли товарни ёки унга тегишли бўлган ҳужжатларни олиш шarti билан тadbиркор ўз банкига сотувчига пул тўлашни юклатиши мумкин.

Инкасса операциялари – банк томонидан мижозларга уларнинг ўз топшириқлари ва ўз ҳисобларидан турли ҳужжатлар бўйича пул олиш жараёнини таъминлайди. Инкасса операциялари чеклар, векселлар, товар ҳужжатлари ва қимматли қоғозлар бўйича амалга оширилади. Умуман, инкассо харидор ҳисобварағидан пул суммасини олиш бўйича банк ҳаракатини билдиради. Қимматли қоғозларни инкассалаштиришда мижоз уларни банкка шу қоғозларни чиқарган мамлакат бозорида сотиш учун беради.

Факторинг – мижозга айланма капитал учун кредит бериш билан биргаликда ўтказиладиган савдо-воситачилик операцияларига тегишлидир. Бунда банк мижознинг қарзга оид талабларини, уларни етказиб бериш қийматининг 80 фоизини шу заҳоти тўлаш ва қолган қисмини кредит учун фоизлар ва воситачилик ҳақини чиқариб ташлаб тўлаш шarti билан сотиб олади.

Воситачилик операцияларининг ўзига хос яна бир тури **ишонч** операцияларидир. Бунда банк мижоз топшириғи бўйича маълум мулкни, пул ёки қимматли қоғозлар кўринишида сақлаш, ўтказиш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.

Буларга, шунингдек, савдо-воситачилик операциялари – мижоз топшириғи бўйича қимматли металл ва қимматли тошларнинг олди-сотдиси, қимматли қоғозлар ва ҳоказоларнинг олди-сотдиси ҳам киради.

Банкнинг траст операциялари ҳам воситачилик операцияларининг тури ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мулкка эгалик қилишнинг кенг тарқалган шакли - бу акция, облигация ва пул маблағларини бир эгаликдан (шахсдан) иккинчи эгаликка (шахс номига) ўтказишни ҳам банклар орқали амалга оширилишидир. Молиявий воситалар ва молиявий активлар суммасининг кўпайиши натижасида тижорат банклари траст (ишончли) операцияларнинг кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ривожланган давлатларда банкларнинг энг ривожланган бўлинмаларидан биридир.

Хорижий мамлакатларда тижорат банкларининг траст департаментлари мижоз топширигига бивосан ишонч билдирган шахс ҳуқуқлари бўйича иш кўрадилар. Шунингдек, мижозларнинг пул маблағларини бошқарадилар ва бошқа молиявий воситалар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширадилар. Банклар траст операцияларини нафақат жисмоний шахслар бўйича, балки юридик шахслар учун ҳам амалга оширадилар.

Жисмоний шахслар учун куйидаги траст хизматлари турлари мавжуд:

- меросни бошқариш;
- ишонч ва васийлик билан боғлиқ операцияларни бажариш ва бошқалар.

[142]. Ўз мижозларининг капиталини бошқариш бугунги кунда жуда кенг тарқалган траст операцияларининг бир туридир. Бунда банклар мижозларининг маълум пул маблағларини бошқаришга оладилар ва уларни мижоз билан келишган ҳолда жойлаштирадилар. Мижоз бунда ўз маблағларини ишлатиш тартибини белгилайди. Нуфузли банкларда капитални бундай тартибда бошқаришнинг беш тури мавжуд (30-жадвал).

30-жадвал.

Капитални бошқаришнинг турлари

№	Капитални бошқаришнинг турлари	ИЗОХ
1.	Қаттик консерватив	• мижознинг маблағлари фақатгина энг ишончли бўлган, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг давлат қимматли қоғозларига сарфланади. Бунда зарар кўриш хавфи умуман бўлмайди.

2.	Консерватив	<ul style="list-style-type: none"> • маблағларни ривожланган мамлакатларнинг давлат қимматли қоғозларига ва йирик халқаро банклар депозитларига қўйиш назарда тутилади. Лекин бунда банкларнинг синиш ҳолати мавжуд бўлганлиги сабабли бу тартибда маблағларни жойлаштириш миқозларга сўзсиз фойда олишларини ҳар доим ҳам қафолатламайди.
3.	Ўртача консерватив	<ul style="list-style-type: none"> • маблағларни жаҳоннинг асосий фонд биржаларида баҳоланган акцияларга қўйиш тушунилади. Инвестициялашнинг бу йўналиши фойда билан бир қаторда зарар кўриш хавфини ҳам тугдиради.
4.	Ўртача агрессив	<ul style="list-style-type: none"> • бу маблағларни фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи компанияларнинг акцияларига сарфланишини билдиради. Бунда уларнинг курси тебраниб туради. Шу туфайли капитални бошқаришнинг бу тури айрим рисклар билан боғлиқ бўлади.
5.	Агрессив	<ul style="list-style-type: none"> • бу маблағларни «Осиёнинг тўрт аждархоси» (Гонконг, Сингапур, Тайван, Жанубий Корея) компанияларининг акцияларига сарфлашни таъминлайди. Бунда катта фойда билан бирга катта зарар кўриш ҳам мумкин.

[143]. Траст битими – муайян қимматли қоғозлар тўпламини ишонч асосида бошқаришга таянадиган фонд бўйича шартномавий келишув.

Траст компания – хусусий шахслар ва ташкилотлар учун сир сақланадиган (ишончли) хизматларни бажарадиган компания.

Траст-вакил – ишонч билдирилган вакил.

Траст битимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда банк мижозга маблағларни қўйиш ва уларнинг оқибатлари тўғрисида хатлар юбориб, уни доимий равишда хабардор қилиб туради. Агар салбий молиявий ҳолатлар юз берса, банк мижоз олдида жавобгар бўлмайди. Бу ҳолат асосан акцияларга сарфланган маблағларга тегишли бўлиб, уларнинг баҳоси баъзида ошиши ёки пасайиши мумкин.

Масалан, 1987 йилда Нью-Йорк фонд биржасидаги акцияларнинг курси тахминан 2 марта пасайган. Бундай ҳолларда мижоз қолган маблағларини олиб, уларни бошқаришни бошқа банк департаментига ўтказиши мумкин. Ўзбекистонда тижорат банклари амалиётида траст операцияларини қўллаш имконияти аста-секин ривожланиб бормоқда.

Комиссион (воситачилик) операцияларини амалга оширишда

банклар ўз маблағларини бирор соҳага ёки фаолият турига қўймайдилар ва мижозларга сўуда бермайдилар. Улар факатгина ўз мижозларининг тўлов топширикномасини бажарадилар, шунинг учун комиссия операциялар бўйича банк даромади фоиз шаклида эмас, балки воситачилик учун мукофот шаклида бўлади.

Тижорат банклари ўз мижозларининг турли хил тўлов топширикномаларини бажариши ва ўзаро операцияларини амалга ошириш учун бир-бири билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатадилар.

Масалан, ўз филиаллари ёки бўлинмаларига эга бўлмаган жойларда банк мижозларнинг тўлов топширикномаларини бошқа банк орқали, чеклар, аккредитивлар ва бошқа шакллар бўйича махсус корреспондентлик келишувини тузиб, амалга оширадилар. Бунда у корреспондент банклар чеклар, аккредитивлар тўлашни ўз зиммасига олади. Банклар ўртасидаги талаб ва мажбуриятлар махсус корреспондент сўётларида акс этади.

Корреспондентлик муносабатларини амалга оширишда банклар томонидан шифрлар тизими қўлланади. Телекс хабарлари банклараро муносабатларда ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Банк тизимида қўлланиладиган телекслар ички ва халқаро бўлиши мумкин.

Банк фойдасининг манбалари, берилган кредитлар бўйича банк оладиган фоизларнинг оширилиши, қимматли қоғозларга қўйилган инвестициялар (қўйилмалар) бўйича фоиз ва дивидендлар, ҳисобкитоб, факторинг, траст ва бошқа воситачилик операцияларидан олинadиган воситачилик мукофотлари, биржа битимлари бўйича валюта операцияларидан келадиган тушумлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Бу тушумлар банкнинг ликвидлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

4.4. Тижорат банкларининг лизинг операциялари

[144]. Сўнги йилларда тижорат банклари фаолиятида ижара ёки лизинг (Leasing – инг. «ижара») операцияларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолият турлари кенг ривож топмоқда.


Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида (14.04.1999) лизингга қўйидагича таъриф берилган:

Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафлама шартнома бўйича амалга оширилади:

- сотувчи
 - лизинг берувчи (банк)
 - лизинг олувчи
- ёки икки тарафлама:
- лизинг берувчи (банк)
 - лизинг олувчи

Лизинг сотувчи, лизинг берувчи ва олувчи лизинг субъектлари ҳисобланади (32-чизма).



32-чизма. Лизинг субъектлари.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объекти (мулк) ни мулк қилиб берувчи шахс, масалан, банк **лизинг берувчи** ҳисобланади. Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс **лизинг олувчи** ҳисобланади.

Лизинг берувчи (банк), лизинг олувчи ва лизинг сотувчилар сифатида майдонга чиқадиган субъектлар ва улар ўртасида воситачи сифатида чикувчи шахсларни қуйидагича таснифлаш мумкин (31-жадвал).

31-жадвал.

Лизинг муносабатларида қатнашувчи субъектлар

№	Лизинг субъектлари	Изоҳ
1	2	3
1.	Лизинг берувчилар (мулк эгалари)	<ul style="list-style-type: none"> • тижорат банклари • қўшма лизинг компаниялари • хорижий лизинг компаниялари • халқаро лизинг компаниялари • ихтисослашган миллий лизинг компаниялари • ускуналарни тайёрловчи корхоналар филиаллари ва бўлимлари • давлат ва маҳаллий органлар: – мулк қўмиталари – моддий таъминот бўлимлари

		<ul style="list-style-type: none"> → қурилиш бош бошқармалари → бошка органлар • суғурта компаниялари • нафақа фондлари • лизинг операцияларини амалга оширишга йўналтирилган очик ва ёпик акционерлик жамиятлари
2.	Лизинг олувчилар (мулкдан фойдаланувчилар)	<ul style="list-style-type: none"> • товар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар • юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар
3.	Лизинг объектларини сотувчилар	<ul style="list-style-type: none"> • мулк эгалари • ускуналарни ишлаб чиқарувчилар • моддий таъминот ташкилотлари • савдо фирмалари • акционерлик жамиятлари • қўшма корхоналар
4.	Лизинг муносабатларида қатнашувчилар ўртасида воситачилик қилувчилар.	<ul style="list-style-type: none"> • дистрибьютер (улгуржи ходим) • дилерлар • брокерлар • комиссионерлар • маклерлар • консигнаторлар • ишончли шахс(вакил)лар • ишлаб чиқарувчилар агентлари (истеъмолчилар) • коммивояжерлар • маслахатчилар • хабарловчи савдогарлар

Лизинг берувчилар, хусусан тижорат банклари харидор сифатида майдонга чиқмоқчи бўлишса, у ҳолда улар ўзларининг фаолиятларини лизинг операцияларини амалга оширишга йўналтирган бўлишлари лозим. Бундай ҳолларда банк мулкни сотиб олиш учун корхона (фирма) ларга ссуда (кредит) бериш ўрнига уларни ўзи сотиб олади ва уларни ижара олувчиларга ижарага берган ҳолда, эгалик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бунда банк ссуда фоизини эмас, балки шартномага биноан ижара ҳақини (лизинг тўловини) олади.

[145]. Лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тўлик етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг объекти сотувчи ва объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисбатан лизинг обь-

ектининг олди-сотди шартномасига биноан солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартномасидан келиб чикувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан битта зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Оператив лизингни амалга оширишда лизингга берилган лизинг объектдан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўскинлик қилувчи камчиликлар учун лизинг берувчи жавобгар бўлади. Бундай камчиликлар аниқланган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчидан уларнинг бепул бартараф этилишини ва лизинг тўловлари мутаносиб равишда камайтирилишини ёки мазкур лизинг объектининг камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ ўз харажатларининг қоплалишини талаб қилишга ҳақли.

Лизинг берувчи лизинг объектининг лизинг шартномасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этмайди.

[146]. Лизинг муносабатларига кирувчи ҳар бир воситачи ўзининг функциясига эга (32-жадвал).

32-жадвал.

Лизинг муносабатига кирувчи воситачилар таснифи

№	Воситачилар	Изох
1	2	3
1	Дистрибьютер (улгуржи воситачи)	<ul style="list-style-type: none"> • бу ўз жамғармасига эга бўлган, ўзи сотиб олиш билан шуғулланувчи мустақил фирма; йирик фирманинг хорижий давлатдаги ягона вакили. У лизинг муносабатларида тўлиқ ҳаракат қилади. Аммо мулк эгаси бўла олмайди. Нархни белгилайди, бозорни ўрганади, сервис хизматларни бажаради.

2	Дилер	<ul style="list-style-type: none"> • бу ишбилармон савдогар (фирма, банк) ўз ҳисобига ва ўз номидан қимматли қоғозлар, товарлар, валютани аввал харид қилиб, сўнгра хизматига сотиш мақсадида тижорат ишлари билан шуғулланади. <p>Бу мустақил тадбиркор. Ўз ҳисобидан ускуналарни сотиб олади ва истеъмолчиларга сотади.</p> <p>Дилер даромади сотиб олинадиган ва сотиладиган товарлар ўртасидаги фарқдан келадиган тушумдан иборат бўлади.</p>
3	Брокер	<ul style="list-style-type: none"> • бу фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимларини тузишда воситачи (даллол)лик қиладиган айрим шахс ёки фирма. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши мумкин. Йирик брокерлик идоралари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади, айрим ҳолларда ўзлари кредитор бўладилар, битимларни бажарилишига кафиликни ҳам ўз зиммасига оладилар. <p>Улар ўз мижозларининг номидан, уларнинг топшириқларига биноан ҳаракат қиладилар. Томонлар манфаатларини мувофиқлаштиришга ҳаракат қиладилар. Аммо хавф-хатарни ўз зиммасига олмайди.</p>
4	Комиссионерлар	<ul style="list-style-type: none"> • бу пулли хизмат кўрсатиш, бирор иш бажариш бўйича шартномада кўрсатилган бир томон бўлиб, у: <ul style="list-style-type: none"> → даллол сифатида муайян товарларни комиссияга қабул қилади. Бу товарлар сотилгандан кейингина унинг ҳақини эгасига тўлайдилар; → ўз номидан олди-сотди қилади, аммо мижоз ҳисобидан; → агар ўз ваколатини сунистеъмол қилиб зарар кўрса, унга жавоб беришни ўз зиммасига олади.
5	Маклер	<ul style="list-style-type: none"> • воситачи, аммо битим тузмайди, балки битим тузиш учун харидорни жалб этади. Бунинг учун воситачилик ҳақи олади. <p>У манфаатдор томонларни учраштиради. Аммо ўзи битим тузишда катнашмайди.</p>
6	Консигнатор	<ul style="list-style-type: none"> • сотиладиган товарлар қўлида бўлган, лекин унинг эгаси бўлмаган воситачи. У ишлаб чиқарувчилардан ускуналарни комиссия нархда сотиб олади ва сотувчи нархдан паст бўлмаган нархда сотишни таъминлайди. Мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқи мулкни етказиб берувчи томонида сақланиб қолади.

7	Ишончли вакил	<ul style="list-style-type: none"> • олди-берди муносабатларини ўз номидан, шунингдек, фирма топшириги билан амалга оширади. Топширик-шартномада ўрнатилган ваколат доирасида фаолият олиб боради.
8	Ишлаб чиқарувчи (ёки истеъмолчи) агенти	<ul style="list-style-type: none"> • юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, фирманинг ҳисобидан ёки унинг номидан, унинг хизматчиси бўлмай туриб, бошқа шахснинг топшириги бўйича операцияларни амалга оширувчи шахс. У муайян бир объект эмас, балки бир неча объект олди-сотдисини амалга ошириш ваколатига эга.
9	Коммивояжер	<ul style="list-style-type: none"> • булар йирик савдо фирмаларининг харидорларга намуналар, каталоглар, кўргазма варақалар асосида товарлар таклиф этадиган сайёр вакиллар, савдо бўйича воситачилардир. • Улар нафақат мулкни сотадилар, шу билан бир каторда лизинг объектини истеъмолчига етказиб берадилар.
10	Маслаҳатчилар	<ul style="list-style-type: none"> • олди-сотди шартномасида келишилган суммага қараб фоиз олиш эвазига ишбилармонлар доирасида лизинг хизматлари бозорини тадқиқ қилади. Аммо улар даромадлар тақсимотида қатнашишмайди ва буюртмачиларга кафиллик бермайди.

[147]. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида лизинг объектига қуйидагича таъриф берилган:

«Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулккий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин».

Лизинг объектларини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин (33-жадвал).

33-жадвал.

Лизинг объектларининг умумий таснифи

№	Лизинг объектларини таснифлаш белгилари	Изоҳ
1	2	3
1.	Нима мақсадда фойдаланишга кўра	<ul style="list-style-type: none"> • тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида олинадиган объектлар
2.	Истеъмол қилиш шаклига кўра	<ul style="list-style-type: none"> • ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинмайдиган объектлар

3.	Мураккаблик даражасига кўра	<ul style="list-style-type: none"> • айрим буюмлар • буюмлар мажмуаси
4.	Кўзгалувчанлик даражасига кўра	<ul style="list-style-type: none"> • кўчмас мулк шаклидаги объектлар • кўчар мулк шаклидаги объектлар
5.	Мулк шаклига кўра	<ul style="list-style-type: none"> • давлат мулки шаклидаги объектлар • хусусий мулк шаклидаги объектлар
6.	Тармокка кўра	<ul style="list-style-type: none"> • саноат тармогига қарашли объектлар • қурилиш тармогига қарашли объектлар • қишлоқ хўжалиги ва х.к.

Жадвалнинг тўртинчи тартиб рақамида келтирилганидек, лизинг кўчар ва кўчмас мулкни ижарага беришда ҳам қўлланилади. Масалан, кўчар мулк кўринишидаги лизинг транспорт воситалари, қурилиш техникаси, сигналларни узатиш воситалари, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, лицензиялар, «ноу-хау», лойиҳалар, компьютер дастурлари ва шунга ўхшашларни ўз ичига олади.

Ер участкалари ва табиат бошқа объектлари, шунингдек, эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, лизинг объектини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, молиявий лизинг объекти лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади. Оператив лизинг объекти эса лизинг берувчи балансида ҳисобга олинади.

[148]. Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи уни бошқа бировга ўтказилиши ёки сотилиши билан аниқланади. Бинобарин, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олинганга қадар лизинг берувчига тегишли бўлади. Масалан, молиявий лизингда лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари тўланган тақдирда (агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Оператив лизингни амалга оширишда лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги лизинг объектининг олди-сотди шартномаси асосида лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилади. У мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин.

Агар лизинг берувчи ва лизинг олувчилар ўз ҳуқуқларини учинчи шахсга бермоқчи бўлса, у ҳолда лизинг берувчи лизинг олувчини хабардор қилган ҳолда лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахс фойдасига воз кечиши мумкин. Худди шу тариқа лизинг олувчи лизинг берувчининг рухсати билан молиявий лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахс фойдасига воз кечиши мумкин.

Оператив лизингни амалга оширишда лизинг олувчининг ҳуқуқларидан воз кечишга йўл қўйилмайди.

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан учинчи шахсга ўтганда, лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

Хўш, лизинг объектдан гаров сифатида фойдаланиш мумкинми? Йўқ. Агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи лизинг олувчини олдиндан хабардор қилмай туриб лизинг объектдан гаров сифатида фойдаланишга ҳақли эмас. Лизинг олувчи ҳам лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас.

[149]. Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан, унинг:

- тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши);
- ўғирланиши;
- барвақт эскириши;
- шикастланиши каби хавфлар лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади.

Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади. Агар таклиф этилган лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектдан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиклик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойда-

ланиш мақсадларига номувофиклиги хавфлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёхуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга гайриқонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустасно.

Нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирланиш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

[150]. Лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- лизинг олувчининг лизинг объектидан қандай шароитларда фойдаланаётганлиги ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

- лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;

- қонун ҳужжатларида ҳамда лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш;

- лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.

Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузагиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли.

Лизинг берувчи:

- лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгаллик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

- сотувчига мол-мулк муайян шахсга лизингга берншга мўлжалланганлигини маълум қилиши;

- лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

[151]. Лизинг олувчи куйидаги хукукларга эга:

- лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;
- лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;

- сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан, унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш;

- лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, етказиб бериладиган лизинг объектдан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш;

- лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи вақти-вақти билан аванс сифатида тўлаган тўловлар ва бошқа суммаларни лизинг объектдан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилиш.

Учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловлари қолдиғини бир йўла тўлашга ҳақли.

Лизинг олувчи:

- лизинг объектини қабул қилиб олиши ва ундан лозим даражада фойдаланиши, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриши;

- лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб туриши, агар лизинг шартномасига бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши, уни сақлаб туришга доир бошқа харажатлар қилиши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши шарт.

Лизинг олувчини лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳукуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

Сотувчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради. Агар лизинг шартномасида ёки олди-сотди (махсулот етказиб бериш) шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг лизинг олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидек бўлади. Бунда лизинг олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли бўлмайди.

[152]. Лизингнинг асосий турларини қуйидаги белгилар бўйича батафсил таснифлаш мумкин (34-жадвал).

34-жадвал.

Лизинг турлари

№	Лизингни туркумлаш белгилари	Лизинг турлари	ИЗОХ
1	2	3	4
1.	Фойдаланиш муддатига қараб	• Молиявий лизинг	<ul style="list-style-type: none"> • Бу ижарага олинган мулкнинг тўла қийматини ва ижарачи фойдасини қоплашни назарда тутди. Бунда амортизация тўлиқ бўлиши ёки ижара объекти қолдик баҳода қайтариб берилиши мумкин. Бу лизинг тури ижара объектини узок муддатли кредитлаш ҳисобланади.
		• Тезкор лизинг	<ul style="list-style-type: none"> • Бу кўпроқ ишлаб чиқариш даври билан боғлиқ бўлган лизинг бўлиб, объекти қисқа даврга, яъни унинг яроқли даврдан кам даврга, қисқароқ вақтга ижарага берилди. Бу ҳолда лизинг объектнинг амортизацияси тўлиқ амалга ошмайди, яъни объектни яна бир неча марта ижарага бериш имконияти сақланиб қолади.
2.	Бозор секторига боғлиқлигига қараб	• Ички лизинг	<ul style="list-style-type: none"> • Бу лизинг фақат мамлакат доирасидаги лизингдир.
		• Халқаро лизинг	<ul style="list-style-type: none"> • Бу мамлакатлараро лизинг муносабатларини тавсифлайди

3.	Хизмат қилиш шакли ва кўламига қараб	• Соф лизинг	• Бунда ижарага олинаётган мулк билан боғлиқ бўлган барча техник ва бошқа хизматлар лизинг олувчининг зиммасига юклатилади. Бу билан боғлиқ харажатлар лизинг тўловларига кўшилади. Бундай муносабатлар кўпроқ молиявий лизингга хос.
		• «Хўл» лизинг	• Бунда ижарага олинаётган мулк билан боғлиқ бўлган зарурий техник хизматлар, уни таъмирлаш, сугурталаш ва бошқа операциялар лизинг берувчи зиммасига юклатилади.
4.	Лизинг муносабатларининг характерига қараб	• Аралаш лизинг	• бу лизинг тури ҳам молиявий, ҳам тезкор лизинглар унсурларини мужасамлаштирган. Шартнома муддати тугаши билан мулк лизинг олувчи ихтиёрига ўтади.
		• Қайтарилувчи лизинг	Бу лизинг туридан одатда ўзининг ускуналари етмаётган фирмалар фойдаланишади. Бунда қорхона лизинг компаниясини топади ва унга ўзининг мулкни сотади, компания эса, ўз навбатида мулкни шу қорхонага қайтадан лизинг шаклида топширади. Натижада қорхона ўзига зарур бўлган айланма маблағларни сотиб олиш имконига эга бўлади. Шартнома шу шарт билан тузиладиги, лизинг муддати тугаши билан қорхона қайтадан ўз мулкни сотиб олади ва унга ўз эгаллик ҳуқуқини тиклайди.
5.	Молиялаштирувчилар таркибига қараб	• Индивидуал лизинг	• Бунда лизинг берувчи ускунани сотиб олишда ўз маблағларидан қисман тўлаб, асосий қисмини бошқа кредиторлардан ссуда олиш билан қоплайди. Бу бир қадар мураккаб лизинг тури бўлиб, одатда у капитал маблағни кўп талаб қиладиган лойиҳаларга қўлланилади.
		• Гуруҳий лизинг	• Бунда лизинг берувчи битта шахс ёки фирма эмас, балки бир гуруҳ қатнашувчилар (акционерлар) бўлади ва улар махсус корпорация (масалан, траст компанияси ва бошқ.) тузишиб, унга

			ишончли вакил тайинлашади. Барча лизинг муносабатларини бажаришда у бошчилик қилади.
6.	Янгиланиш муддатига караб	• Револьвер лизинг	• Бу лизинг тури лизинг олувчига ускуналарни дам-бадам алмашиб туриш зарурияти тугилган ҳолларда қўлланилади. Бу ҳол технологик жараённинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлади.
		• Янгиланиб турилувчи лизинг	• Ижарачи буюртмасига биноан вақти-вақти билан янги ускуналар билан алмаштириб туриш зарурияти тугилган ҳолларда қўлланилади.
7.	Учинчи шахс томонидан фойдаланиш ҳуқуқига караб	• Сублизинг (қўшимча лизинг)	• Бу тадбиркорлик фаолиятдан мажбуриятларнинг бир тури бўлиб, лизинг объектини бошқа учинчи лизинг олувчига топширишни билдиреди. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида шундай ёзилган: «Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолган ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли». Сублизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
		• Асосий лизинг	• Бу лизинг учинчи шахс томонидан лизингдан фойдаланиш ҳуқуқи кўзланмаган лизинг туридир.

Молиявий лизинг операцияси банк кредитига бирмунча яқин операция бўлиб, лизинг объектини келгусида сотиб олиш шarti билан узоқ муддатли ижарага берилишини ифодалайди. Ижарага берувчи учун молиявий лизинг муҳим иқтисодий механизм бўлиб, унинг ёрдамида корхона молиявий активларининг ликвидлик муаммоси ҳал этилади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмаётган, корхона балансида мавжуд моддий бойликлар сурункали ликвидсиз маблағлар бўлиб, уларни ижарага бериш ҳисобига корхона ўз молиявий ҳолатини бир мунча яхшилаб олади ва шу билан молиявий

бошқариш вазифаларини тезроқ ижобий ҳал этиши мумкин. Натижада, ликвидсиз молиявий активлар корхона даромадини шакллантирувчи молиявий манбага айланади.

Халқаро лизингнинг афзалликларидан бири шуки, бунда бошқа мамлакатларнинг такомиллашган техника ва жиҳозларидан фойдаланиш халқаро шартномаларга кўра молиявий ва солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш имконияти яратилади. Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг қарорига биноан чет эл машина ва механизмларини ижарага олиш, ижарага олувчи мамлакатнинг чет эл қарзлари миқдорини оширмайди. Республикамизда халқаро лизингдан фойдаланиш масаласини кўшма лизинг компаниялари ёки фирмаларини тузиш йўли билан ҳам ҳал қилиш мумкин.

[153]. Лизинг шартномаси ёзма шаклда, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

Агар лизинг олувчи жисмоний шахс бўлса, лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Қуйидагилар лизинг шартномасининг муҳим шартлари ҳисобланади:

- лизинг объектининг таснифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

- тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

- лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан, лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

- лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

- лизинг объектдан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

- шартноманинг амал қилиш муддати.

Тарафларнинг келишувига биноан лизинг шартномасига қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

- лизинг объектини (молиявий лизингдан) сотиб олиш тартиби ва муддатлари;

- лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш;

- лизинг объектини суғурта қилиш;

- форс-мажор ҳолатлар;

- лизинг берувчи қўшимча хизматлар кўрсатиши, агар бундай

лизинг объектдан хизматларсиз фойдаланиб бўлмаса;

- лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Лизинг объектнинг олди-сотди шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда лизинг объектнинг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектни кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади.

Тарафларнинг хоҳишига кўра, лизинг объектнинг олди-сотди шартномаси лизинг шартномаси кучга киришидан олдин ёки кейин тузилиши мумкин.

Лизинг объекти олди-сотди шартномасини тузиш пайтида лизинг берувчи лизинг объекти қайси мақсадда олинаётганлигидан сотувчини олдиндан хабардор қилиши, буни олди-сотди шартномасида қайд этиши шарт.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи тўлайдиган **лизинг тўловлари** лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисми қийматини ва лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан қилинган харажатларни, шунингдек, унинг даромади (маржа)ни ўз ичига олади.

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

Лизинг шартномаси қуйидаги асосий қисмлардан ташкил топади:

- шартнома томонлари;
- шартнома предмети;
- лизинг шартномасининг амал қилиш муддати;
- томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- лизинг тўловлари шартлари;
- битим объектни суғурта қилиш;
- лизинг шартномасини бекор қилиш тартиби.

Лизинг шартномасининг муддатини аниқлашда лизинг берувчи ва лизинг олувчи қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олишлари лозим:

- ускуналарнинг хизмат кўрсатиш муддати;
- ускуналарнинг амортизация даври;
- битим даврида бир мунча самаралироқ ёки арзонроқ аналогнинг пайдо бўлиш даври;

- инфляция жараёнлари динамикаси;
- ссуда капиталлари бозори конъюнктураси ва унинг ривожланиш тенденцияси.

Лизинг шартномаси тузилиш муддатига кўра ижара операцияларининг 3 та тури фаркланади:

- киска муддатли ижара (рентинг) бир кундан бир йил муддатгача
- ўрта муддатли ижара (хайринг) бир йилдан уч йил муддатгача
- узок муддатли ижара (лизинг) уч йилдан йигирма йил ва ундан кўпроқ муддатгача.

Молиявий лизингда лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мўлкига ўтади;
- лизинг шартномаси муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлади ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этади;
- лизинг олувчи лизинг объектини қатъий белгиланган нархда ёки лизинг шартномаси муддати тугаганда аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга; лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ.

Агар лизинг шартномасида «Лизинг тўғрисида»ги Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган талаблардан бирортаси назарда тутилмаган бўлса, лизингнинг бундай тури оператив лизинг ҳисобланади. Оператив лизингни (ижарани) амалга ошириш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

[154]. Гарчи лизинг моҳиятан кредитлашга яқин тушунча бўлиб, ҳар иккаласи ҳам инвестициялашга хизмат қилса-да, улар бир-биридан тубдан фарқ қилади (35-жадвал).

35-жадвал.

Лизинг ва кредит, улар ўртасидаги фарқлар

№	Фарқли жиҳатлари	Муносабат турлари	
		Кредит	Лизинг
1.	Объектга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи	• Мулкдан фойдаланиш ва уни бошқариш ҳуқуқи тўла қарз олувчига ўтади	• Мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш мулкчи ҳуқуқдан тўла ажралади. Мулкка ижарага олувчи хўжайинлик қилади.

2.	Сотувчига нисбатан харидорнинг ким бўлиши	<ul style="list-style-type: none"> • Кредит олувчи ёки унинг вакили 	Агар лизинг олувчи лизинг сотувчини ўзи танласа, у ҳолда ҳар иккала субъект бир хил мавқега эга бўлади. Агар лизинг олувчи лизинг сотувчини ўзи танламаса, у ҳолда лизинг берувчининг ўзи харидор сифатида майдонга чиқади.
3.	Кредит таъминоти нуктаи назардан	<ul style="list-style-type: none"> • Мулкни гаровга қўйиш • Банк кафолати • Ипотека • Суғурта 	<ul style="list-style-type: none"> • Асосан лизинг объекти
4.	Лизинг объектига қилинадиган харажат таснифи нуктаи назардан	<ul style="list-style-type: none"> • Кредит ҳисобига инвестициялаш 	<ul style="list-style-type: none"> • Лизинг тўловлари, яъни: <ul style="list-style-type: none"> – кредит учун тўлов; – амортизация ажратмалари; – коммиссион тўловлар; – қўшимча хизматлар учун тўловлар; – қўшилган қиймат солиғи; – суғурта тўловлари
5.	Кредит бериш ва уни қоплаш шакли	<ul style="list-style-type: none"> • Валюта-пул шаклида 	<ul style="list-style-type: none"> • Товар шаклида; • Валюта-пул шаклида; • Аралаш шаклда
6.	Кредит ва савдо олди-сотдисидаги боғланиш нуктаи назардан	<ul style="list-style-type: none"> • Кредит муносабати олди-сотди актини бажариш билан боғлиқ 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳар доим ҳам сотиб олишдан бошланмайди ёки сотиш билан якунланмайди
7.	Кредитни қоплаш манбаи	<ul style="list-style-type: none"> • Кредит олувчининг даромади ва фойдасидан 	<ul style="list-style-type: none"> • Маҳсулот таннархига қўшиладиган амортизация ажратмалари ва бошқалар ҳисобидан
8.	Қўшилган қийматга солиқ солиш нуктаи назардан	<ul style="list-style-type: none"> • Солиқ солинмайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Солиқ солинади
9.	Қарзий муносабатда қатнашувчилар нуктаи назардан	<ul style="list-style-type: none"> • Кредитор ва кредит олувчи 	<ul style="list-style-type: none"> • Лизинг берувчи, лизинг сотувчи ва лизинг олувчи

Жадвалдан кўриб турибмизки:

- агар банк узоқ муддатли кредитида ундан фойдаланганлиги учун солиқ тўловларидан сўнг фойда ҳисобидан фоиз тўланса, лизингда эса бу тўловлар маҳсулот таннархига қўшилади. Бу фойдага солиқ солиш базасини бир мунча камайтиради;

- агар банк кредити энг аввало молиялаштиришда қўшимча манба яратса, лизинг одатда 100 фоиз молиялаштиришни таъминлайди;

- лизингга олинган мулк лизинг берувчи балансида акс эттирилади. Бу лизинг олувчининг молиявий кўрсаткичларини, хусусан, рентабеллик даражасини, ўз маблағи ва қарзлари коэффицентларини бир мунча яхшилади, қўшимча қарз маблағларини жалб қилишга имкон яратади;

- кўпгина мамлакатларда лизинг муносабатлари банк кредити орқали ускуналар сотиб олишдан кўра тадбиркорларнинг харажатларини 20-30 фоизга камайтирилишига олиб келади;

- лизинг жадаллаштирилган амортизациядан фойдаланишга имкон беради. Бу эса тадбиркорга мулк солиғи суммасини камайтиришга имкон яратади;

- лизингда маҳсулот сифати, унинг бутлиги, етказиб бериш муддати ва бошқа хизматлар учун лизинг берувчи эмас, балки мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи жавоб беради.

Лизинг мулкни ёллаш ёки “прокат”га олиш тушунчасидан ҳам фарқ қилади (36-жадвал).

36-жадвал.

Лизинг ва прокат ўртасидаги фарқлар

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Муносабат турлари	
		Прокат (ёллаш)	Лизинг
1	2	3	4
1	Ишлаб чиқариш воситасига бўлган муносабат нуқтаи назардан	• Фойдаланиш	• Фойдаланиш • Эгалик қилиш • Қисман тасарруф қилиш
2	Прокат объекти нуқтаи назардан	• Ходим	• Мулк
3	Ресурсларга жавобгар нуқтаи назардан	• Маънавий ва қисман моддий	• Тўла мулкый жавобгар
4	Мотив ва рағбат нуқтаи назардан	• Биринчи навбатда физиологик эҳтиёжни қондириш	• Шахсий салоҳиятини ишга солиш, ижтимоий ва интеллектуал эҳтиёжини қондириш

5	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва даромадга бўлган ҳуқуқ нуқтаи назардан	Маҳсулот ва даромадга корхонанинг ўзи хўжайинлик қилади	• Лизинг олувчи, яъни фойдаланувчи ихтиёрида бўлади
6	Товар ишлаб чиқарувчининг ҳолати нуқтаи назардан	• Ёлланган ходим	• Тадбиркор – мулк эгаси
7	Бажарадиган функцияси нуқтаи назардан	• Ижрочилик	• Ижрочилик • Бошқарувчилик, яъни ташаббускорлик
8	Бошқариш усули нуқтаи назардан	• Асосан маъмурий бошқариш усули	• Ўз-ўзини бошқариш • Бошқаришнинг иқтисодий усули
9	Мувофиқлаштириш усули нуқтаи назардан	• Мехнат шартномасига	• Мулкрий ҳуқуқ • Қарзий ҳуқуқ • Тижорий ҳуқуқ муносабатлари
10	Иш ҳақи даражаси	• Мехнат шартномасига биноан	• Лизинг олувчининг қолдиқ даромадига биноан
11	Менежерлар билан муносабат нуқтаи назардан	• Иерархик, юқоридан пастга, пастдан юқорига	• Шартномавий, ҳамкорлик
12	Ташкилий нуқтаи назардан	• Ёлланган мехнат	• Мустақил тадбиркорлик фаолияти

Шундай қилиб, прокат ижара муносабатларининг энг оддий тури бўлиб, бу ижарага асосан маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ товарлар (никоҳ либослари, музлатгичлар, телевизорлар, тикув ва ёзув машиналари, мавсумий спорт анжомлари ва ҳ.к.) берилади. Бу ижара турининг хусусияти шундаки, аксарият ҳолларда муддати белгиланмайди ёки ижара ўта қисқа муддатли бўлади ёки истеъмолчи ундан хоҳлаганча фойдаланиши мумкин.

Лизинг эса кўп (30-40 йил) муддатгача бўлиши мумкин. Бу турдаги ижаранинг хусусияти шундаки, аксарият ҳолларда (80-90%) лизинг муддати тугагандан сўнг мулк эгалари ўзгаради, жуда кам ҳолларда мулк эгаси ўзгармай қолиши мумкин. Лизинг операциясини амалга ошириш чоғида учта субъектнинг иштирок этиши шартдир:

- ишлаб чиқарувчи – лизинг берувчи;
- истеъмолчи – лизинг олувчи;
- воситачи – лизинг сотувчи.

Воситачининг асосий вазифаси шундан иборатки, у ишлаб чиқарувчидан асбоб-ускуналарни сотиб олиб, буюртмага асосан истеъмолчига маълум бир муддатга ижарага беради. Шу билан бир

қаторда воситачи молиялаштириш ишларининг барчасини ўз зиммасига олади. Лизинг даврида воситачи (масалан, банк) истеъмолчидан келишилган миқдордаги йиллик (ойлик, кварталлик, ярим йиллик) бадалларини олиб туради.

[155]. Лизинг бир вақтнинг ўзида ҳам молиялаш, ҳам янги технологияларни харид қилиш масалаларни ҳал этишда ўхшаши йўқ молиявий воситадир. Шунини таъкидлаш жоизки, лизинг фаолияти бир қатор ривожланган давлатларда иқтисодий тараққиётнинг, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг жуда муҳим ва самарали шакли ҳисобланади. Лизинг туфайли ҳам лизинг сотувчи, ҳам лизинг берувчи, ҳам лизинг оловчи, яъни лизинг операциясида қатнашувчи ҳар бир субъект манфаат топади.

Масалан, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) лизинг операцияси туфайли энг аввало ускуна ва машиналарнинг олди-сотдисини амалга ошириб, сотув кўламини кенгайтириши мумкин (37-жадвал).

37-жадвал.

Сотувчи учун лизингнинг афзаллик томонлари

№	Сифат жиҳатдан афзаллик томонлари	Афзалликни таъминловчи омиллар
1	2	3
1	Фаол маркетингни олиб бориш имкони туғилади	<p>Истеъмолчилар доираси куйидаги субъектлар ҳисобига кенгайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> • техникага доимо эгалик қилишга эҳтиёж сезмайдиганлар • ускунани сотиб олишга қурби етмайдиганлар • дастлаб техникани амалда синаб кўришни истовчилар • ижара шартида фойдаланишни хоҳловчилар • мулкка эгалик қилиш ҳуқуқисиз уни мулк қилиш истагида бўлувчилар
2	Қайтма (қарши) алоқани ўрнатиш имконияти бўлади	<ul style="list-style-type: none"> • ускунанинг носозлигини тезроқ аниқлаш имконияти
3	Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотни янгилаш суръатини тезлаштириш имкони бўлади	<ul style="list-style-type: none"> • маҳсулот моделини тезкор ўзгартириб туриши ва шу аснода янги бозорни эгаллаб олиш имконияти

4	Тўловсизлик рискинни бартараф қилишга эришилади	• лизинг операцияси учун тўловни ва кафолатни лизинг компаниясининг ўз зиммасига олиши
5	Самарали рекламага эришилади	• мулк лизинги сифати бўйича мониторингнинг уни ишлатиш доирасини кенгайтириш, харидорларнинг потенциал мотивациясининг кучайиши
6	Лизинг ускунаси учун зарур бўлган эҳтиёт ва бутловчи қисмларга талабни оширади	• мулк лизингидан фойдаланишнинг турли туманлиги эҳтиёт қисмларга бўлган талабнинг кенгайтиришига олиб келиши
7	Инвестиция қилиш кенгайтирилади	• ускуналарнинг олди-сотдисининг тезлашиши ишлаб чиқарувчи ихтиёрида бўлган инвестицияни қисман холи қилиши
8	Ишлаб чиқарувчи ихтиёридаги вақтинча реализация қилинмаган мулкдан фойдаланиш самарадорлиги ошади	• қайтариб бериш шarti билан зарур муддатга мулкни лизингга бериш имконияти

[156]. Мулкни лизингга бериш лизинг берувчига ҳам бир қатор афзалликларни беради, хусусан, у ўз капиталидан инвестиция туфайли самарали фойдаланишга эришади. Бу афзалликларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин (38-жадвал).

38-жадвал.

Лизинг берувчи (банк) учун лизинг операциясининг афзаллик томонлари

№	Стратегик афзалликлар	Афзалликни таъминловчи омиллар
1	2	3
1	Кредиторни химоя қилиш даражаси ошади	• Олди-сотди лизинг субъекти билан таъминланади (кафолатланади). Банкрот бўлиш хавфи туғилганда лизинг объекти мулк эгасига қайтариб берилади.
2	Лизинг давлат томонидан қўллаб-қувватланади, солиқ имтиёзлари берилади	• Лизинг берувчи ҳисобидан солиқ имтиёзини олиш имкони бўлади. Турли солиқ шартлари ҳолатида лизинг берувчига лизинг келишувлари эъвазига қўшимча имтиёз олиш имконини беради.
3	Ишлаб чиқариш воситаларини диверсификация қилиш ва	• Товар ишлаб чиқарувчилар учун лизинг муносабатларига, янги субъектларни жалб қилиш ва шу аснода уларнинг бозорини кенгайтириши

	ривожлантириш имкони туғилади	тириш имкони туғилади. Техникага бўлган талабни тўлаш қобилияти кўллаб-қувватланади. Махсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш кўлами кенгайди, сифати ошади.
4	Давлат манфаатларини реализация қилиш кўллаб-қувватланади	<ul style="list-style-type: none"> Ишлаб чиқаришни техника ва технология жиҳатдан қайта қуролланиш тезлашади. Мамлакат иқтисодиётига хусусий инвестицияни жалб қилиш имконияти туғилади. Рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш эвазига давлат бюджетига солиқ тушумлари кўпаяди. Халқаро валюта фонди лизинг операциялари суммасини миллий қарздорлик қисмига ҳисобга олмайди. Янги иш жойлари яратилади, аҳоли турмуш даражаси яхшиланади. Ички истеъмол бозори янги товарлар ва махсулотлар билан тўйинтирилади.
5	Лизинг берувчининг молиявий ҳолатини мустахкамлайди	<ul style="list-style-type: none"> Лизингдан олинган даромадлар ва харажатлар бир вақтнинг ўзида реализация қилинади.
6	Молиявий левераж самарали бўлади	<ul style="list-style-type: none"> Лизинг берувчининг лизинг объектидан оладиған йиллик самараси, одатда, кредит учун фоиз тўловларидан юқори бўлади.

[157]. Мулкни лизингга олиш лизингни сотиб олувчи учун ҳам бир қатор афзалликларни беради, хусусан, лизинг лизинг олувчига тадбиркорлик фаолиятини инвестициялашнинг муқобил усули родини ўйнайди. Шу билан бирга, у лизинг олувчининг ташаббусини сафарбар қилишга ва ишлаб чиқариш техник салоҳиятини ўстиришга хизмат қилади. Буларни қуйидаги жиҳатларда кўришимиз мумкин (39-жадвал).

39-жадвал.

Сотиб олувчи учун лизинг операциясининг афзаллик томонлари

№	Афзаллик томонлари	Афзалликни таъминловчи омиллар
1	Дастлабки ўз капитални кўпайтиришга бўлган эҳтиёж камаяди.	Бошланғич олди-сотди лизинг берувчи томонидан тўла молиялаштирилади. Зарур ускуналар учун тўловларни бир йўла амалга ошириш талаб қилинмайди. Бу эса ўз навбатида фойдаланувчининг ликвид маблагларини оширади ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун потенциал айланма капиталнинг кўпайишига олиб келади.

2	Тўловлар қайишқоқлиги таъминланади.	<ul style="list-style-type: none"> • Биринчи тўловни кечиктириш мумкин, сўнгиларини босқичма-босқич кўпайтириш ёки камайтириш, аванс билан ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Лизингга олинган ускуна эвазига олинаётган фойдадан товар ва хизматлар шаклида тўлаш мумкин.
3	Трансакциялардан тежаш имконияти бўлади.	<ul style="list-style-type: none"> • Мулкни сотиб олиш, сақлаш, тугатиш ва сотиш бўйича кўп меҳнат талаб қилувчи операцияларни четлаб ўтиш эвазига лизинг берувчининг маъмурий харажатлари камаяди.
4	Солиқ имтиёзлари ва лизингни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.	<ul style="list-style-type: none"> • Кўпгина давлатларда лизинг олувчиларга лизинг тўловларини бажариш даврида қўшимча солиқ имтиёзлари берилади.
5	Ускуналарнинг маънавий эскириши муносабати билан товар ишлаб чиқарувчилардаги риск камаяди.	<ul style="list-style-type: none"> • Ускунанинг маънавий ва жисмоний эскириши rischi лизинг берувчи зиммасида қолади. Фойдаланувчи янги ускунани юзгага олиши мумкин (револьвер лизинг).
6	Лизинг олувчининг илмий ишлаб чиқариш потенциали ошади.	<ul style="list-style-type: none"> • Кредитга сотиб олиб сўнгра унга фоиз тўлаб боришдан кўра бир маромдаги старт капитали ёрдамида лизинг эвазига ишлаб чиқариш қувватини кўпроқ ишга солишга эришади.
7	Тадбиркорнинг иқтисодий эркинлиги кенгайди.	<ul style="list-style-type: none"> • Тадбиркор лизинг объектини сотиб олиши керакми, шартномани узайтириш лозими ёки янги ускунани сотиб олиш даркорми – буларнинг ҳаммасини тадбиркорнинг ўзи эркин ҳал қилади.
8	Бухгалтерия ҳисобини оптималлаштириш соҳасида товар ишлаб чиқарувчи ютади.	<ul style="list-style-type: none"> • Лизинг объекти лизинг берувчининг мулки ҳисобланади, унинг балансида ҳисобга олинади ва амортизация ажратмалари ҳисобланади.
9	Лизинг олувчининг молиявий ҳолати мустаҳкамланади.	<ul style="list-style-type: none"> • Молиялаштиришнинг одатий манбаларига (банк, етказиб берувчи ва бошқалар) бўлган боғлиқлик камаяди. Лизингдан фойдаланаётган субъект лизинг мулкига солиқ солинмайди, судда олишдан кўра шартнома асосида лизингни олиш ҳам осон, ҳам фойдали. Тўловларни бир маромда тўлаб бориш инфляция таъсирини, шунингдек, банкнинг узок муддатли фоизлари ўсишини сусайтиради. Леверажнинг юқори бўлишини таъминлайди.

10	Янги турдаги лизинг объектини ўзлаштириш рискинни пасайтиради	• Етарли талаб бўлмай қолган ҳол бўлиб қолса, ижарага олинган мулкни лизинг берганга қайтариб бериш имконияти бўлади.
11	Рақобатдош афзалликка эга бўлади	• Ишлаб чиқаришни ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозлаш рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.
12	Лизинг объектига нисбатан жадаллаштирган амортизацияни қўллаш имкони бўлади	• Эскирган ускуналарни тезкор янгилаш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллаш имконияти туғилади. Фойдага солинадиган солиқ миқдорини камайтиради. Илмий-техник тараққиётни тезлаштиради.

Шундай қилиб, ижарага олувчи учун лизинг операциясининг афзалликларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- Лизинг, ишлаб чиқариш ва бозор конъюнктураларининг ўзгаришига тез риоя қилишга ёрдам беради. Йирик капитал қўйилмалар сарфланмасдан туриб асосий капитални тезкор янгилаш имкониятини яратади.

- Агарда лизинг халқаро аҳамиятга эга бўлса, ижарага олувчи, ижарага берувчи фирма (банк) жойлашган мамлакатдаги мавжуд солиқ имтиёзларидан фойдаланиш мумкин. Бу асосан ижара ставкасини камайтириш йўли билан амалга оширилади.

- Майда ишлаб чиқарувчиларда доимо керакли маблағ бўлмаслиги мумкин. Бундай шароитда лизинг воситаларни харид қилиб олмасдан фойдаланиш имкониятини беради, натижада эса ишлаб чиқарувчиларни кредит олишдан халос этади.

- Агарда ишлаб чиқаришда тезкор лизинг қўлланса, ишлаб чиқарувчи яна бир қатор имтиёзлардан фойдаланиши мумкин, яъни ишлаб чиқариш воситаларининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва уларнинг таъмирланиши, техникани ишлатиш учун маслаҳатлар ва ҳоказолар. Бундан ташқари, тезкор лизинг қўлланилганда, мулк эгаси ижарага берувчи бўлганлиги учун, мулкларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар мулк эгаси томонидан сарфланади ёки қопланади.

[158]. Чет эл тажрибалари иқтисодийетимизнинг турли тармоқларида лизингнинг турли шаклларида фойдаланиш имкониятини яратмоқда. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатларда 70-йилларда пайдо бўлган лизинг операцияларини қўллаш тартиблари билан таъминлаш ўринли бўлади.

Масалан, Францияда лизинг – мураккаб молиявий операция жараёни сифатида кўрилиб, унда махсус лизинг фирмаси (ижара бе-

рувчи) буюртмачининг (ижарачининг) талаби ва эҳтиёжи учун ишлаб чиқарувчидан зарур бўлган ускуналарни сотиб олиб, уни ижарачига маълум вақтга ва маълум ижара ҳақига беради.

АҚШда лизингга тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралиб, унда буюртмачи эҳтиёжи учун мулкдан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи мулкдордан ижарачига берилади ва унинг натижасида лизинг фирмаси маълум даражада даромад олади. Лизинг натижасида ҳеч қандай нарса ишлаб чиқарилмайди ва ҳеч нарса сотилмайди. Фақат ишлаб чиқариш воситасидан фойдаланиш ҳуқуқи вақтинча бир юридик шахсдан иккинчи юридик шахсга ўтказилади.

1990 йил охирларида жаҳон бўйича лизинг операциялари ҳажми 1 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган. Лизинг фирмалари 70-йилларда пайдо бўлиб, ҳозирги пайтда бундай фаолият билан Англияда 1,5 минг, Германияда 2,5 минг фирма шуғулланмоқда. 30 йиллик кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор иктисодиёти шароитида лизинг фирмаларининг синиши камдан-кам учрайдиган ҳол.

АҚШда барча йирик фирмалар қошида лизинг ишлари олиб борилади. Компаниялар умумий даромадининг 25-30 фоизини ускуналарни лизинг операциялари орқали ижарага бериш сабабли олмақдалар. 1990 йилда барча лизинг операциялари бу мамлакатда 500 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, шундан 120 миллиард доллари ускуналар ҳиссасига тўғри келади. Зеро, ғарб компанияларининг шиори: «вақтдан, хом ашё ва материаллардан ташқари ҳамма нарсани ижарага бериш мумкин». Авиакомпаниялар фойдаланаётган самолётларнинг ҳам 43 фоизи ижарадаги самолётлардир.

Лизинг ўрта ва кичик фирмалар учун ҳам жуда қулай. Уларнинг 60 фоизи лизингдан фойдаланишади. АҚШдаги 3,5 минг кичик фирмалар лизингга олинган ускуналарда ишлашади. Баъзи корхоналарнинг ўз ишчилари ҳам бўлмайди. 1990 йилда компанияларда 1,5 миллион кишилар ижарада ишлаган бўлса, 1995 йилга келиб уларнинг сонини 15 миллион кишига етказиш мўлжалланган. Булар одатда хизматчилар, ҳайдовчилар, юристлар, кадр ходимлар, бухгалтерлар, ўқитувчилар, референтлар, таржимонлар, тарбиячилар ва бошқалар.

Лизинг компаниялари ижарага аниқ кишини эмас, балки мутахассисни, масалан, бухгалтерни беради.

Европа мамлакатларида бугунги кунда лизинг операциялари 250 миллиард долларни ташкил қилади. Уларнинг барчасида лизинг тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган.

Ижарага бериш муддатига кўра лизинг:

- рентинг (1 соатдан 1 ойгача, масалан, автомобиллар, самолётлар ва ҳоказо);
- хайринг (1 ойдан 1 йилгача, масалан компьютерлар);
- одатдаги лизинг (1 йилдан ошиқ, лекин ускуна ёки ижарадаги буюм амортизация муддатининг 80 фоизи қисмигача) турларга бўлинади.

Одамлар орасида “Америкаликларнинг барчаси шахсий компьютерларга эга” деган фикр кенг тарқалган. Аслида эса 90 фоиз компьютерлар ижарададир. Мамлакатда лизинг операцияси натижасида хизмат тугаганидан сўнг ускуна ижарачига сотилмайди, агар хизмат муддати ичида 80 фоиз амортизацияси ҳисобланган бўлса, у ҳолда лизинг учун белгиланган имтиёзлардан маҳрум қилинади.

Илгари пайтларда корхоналар янги цехларни давлат ажратган капитал маблағлар ҳисобига қураб эдилар. Ҳозир эса бундай имконият жуда кам. Албатта, кредит олиш мумкин, лекин қисқа муддатли кредитларни олиш қийин, фоиз ставкалари анча юқори. Бундай пайтда лизингдан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келиши ривожланган мамлакатлар амалиётида кўп синалган.

Қолдиқ қиймат бўйича ишлаётган ускуна лизинг компаниясига сотилади, натижада йирик инвестицияга эга бўлади. Лизинг компаниясининг шарти – олинган пул маблағлари аниқ ишларга сарфланиши лозим. Бу пуллар ҳеч кимга қайтарилмайди, фоизлар тўланмайди, мулкка бўлган солиқдан озод этилади. Чунки ускуналар лизинг компаниясининг мулкига айланади. Бироқ ишлаб чиқариш жараёни давом этаверади, асосий фондлар эса корхонада қолади, бир вақтнинг ўзида янги цех қурилиши ҳам олиб борилаверади. Корхона эса ўсиб бориш тартиби (шкаласи) бўйича ижара ҳақи тўлаб боради: биринчи йили энг оз, охириги йили эса энг катта миқдорда.

Аммо лизинг компаниялари ҳамма ускуналарни сотиб олавермайди. Уларни лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги, фойдали эканлигини ишонтириш лозим. Одатда, лизинг компаниялари лойиҳани ўрганиш учун мутахассисларни таклиф қилишади.

Лизинг компанияларининг 70-75 фоизи банклар томонидан тузилиб, мутасил назорат қилиб турилади. Банкларнинг ўзи лизинг ишларида тўғридан-тўғри камдан-кам ҳолларда катнашадилар. 20 фоиз лизинг компанияларини йирик ишлаб чиқарувчилар тузади ва қолган 5 фоизи мустақил лизинг компанияларидир.

Лизинг муносабатларида ижарачининг кафолати муҳим ҳужжат ҳисобланади. Кафолатсиз бозор иқтисодиётида ҳеч қандай олди-сотди ва бошқа ишлар амалга оширилмайди.

Ривожланган мамлакатларда лизинг операциялари бўйича харажатлар умумий капитал қўйилмаларнинг АҚШда – 30%, Англия, Франция, Швейцарияда ва Испанияда – 13-17% ни, Италия ва Голландияда – 12-14% ни, Австрия, Дания ва Норвегияда – 8-10% ни ташкил этади. Японияда лизинг операциялари бўйича харажатларнинг йиллик ўсиши 25-30% ни ташкил этади. АҚШ да ишлаб чиқариш воситаларининг кенгайтирилиши ва модернизация учун сарфланаётган капитал қўйилма харажатларининг 1/4 қисми; воситаларнинг тўла харид қилиш учун эмас, балки улардан вақтинчалик фойдаланишга сарфланади.

[159]. Республикамизда лизинг муносабатларини ташкил қилиш ва ривожлантириш куйидаги тадбирларни амалга ошириш билан бошланди:

- «Лизинг тўғрисида»ги қонун 1999 йил 14 апрелдан эътиборан амалга киритилди. Бу қонун мамлакатимизда ривожланиб бораётган лизинг фаолияти учун ишончли ҳуқуқий негиз яратди. Ривожланган мамлакатларнинг илғор технологиялари ва ускуналарини жалб этиш ҳамда улардан фойдаланишга катта эътибор қаратилиб, мамлакатимизнинг жаҳон бозорида мустақкам ўрин олиши учун имкониётлар яратди.

- Бирин-кетин лизинг компаниялари ташкил этила бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистон бозорида 12 та лизинг компанияси фаолият кўрсатмоқда улардан қуйидагиларни қайд қиламиз:

- «Ўзбеклизинг интернейшнл» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси (1995 йил январь);

- «Барака» универсал лизинг компанияси (1995 йил ноябрь);

- «АЕТК» Осие-Европа траст компанияси Канаданинг «Раана-ни холдинг интернейшнл» компанияси билан ҳамкорликда (1995 йил июль);

- «Ўзкейсагролизинг» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси (1997 йил февраль);

- «Ўзавиолизинг» авиация лизинг компанияси (1997 йил ноябрь);

- «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» ҳиссадорлик компанияси (2000 йил ноябрь);

Лизинг компаниялари дастлаб йирик банклар ва йирик ишлаб чиқарувчилар қошида, бевосита давлатнинг ёрдамида тузила бош-

ланди. Улар асосий воситаларнинг эгаси сифатида уларни ишлаб чиқарувчидан олиб, учинчи (юримдик, жисмоний) шахсга ижара шартлари асосида қисқа ёки узок муддатга бериши мумкин. Лизинг бўйича даромадлар-муайян (ойлик, уч ойлик, ярим йиллик) даврда тўшадиган ижара тўловларидан иборат бўлади. Бу тўловлар банк фоизи ва амортизацияни ўз ичига олади. Лизинг шартномасида, шунингдек, фондлар воситалардан фойдаланувчилар томонидан тўла сотиб олиниши кўзда тутилиши мумкин.

Лизинг компаниялари ишлаб чиқарувчилар, банк тизими, ижарачилар билан ўзаро манфаатда бўладилар. Хусусан, ишлаб чиқарувчилар учун лизинг компаниялари уларнинг маҳсулотларига доимий харидордир. Бундан ташқари, ҳамма ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз маҳсулотларини халқаро миқёсда реклама қилиш имкониятига эга эмаслар. Кичик фирмалар ўз маҳсулотларини лизинг компанияларига сотишса, лизинг компаниялари уларни маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган кўшимча харажат ва ишлардан озод қилади.

Банк тизими манфаатларида эса банкларда пулга талаб камайган вақтларда ортиқча ресурслар пайдо бўлади. Илгари банклар бу маблағларни (ривожланган мамлакатларда) кўчмас мулк сотиб олишга сарфлашган. Пулга талаб ошганда эса, тескари операцияларни амалга оширганлар. Баъзи ғарб мамлакатларида, хусусан АҚШ да 1985 йилда янги Қонун қабул қилинди. Унга кўра ҳар қандай мол-мулкка, у фойда келтирмаса ҳам, солиқ белгиланади. Энди банклар учун ўз маблағларини кўчмас мулкка сарфлаш самарали бўлмай қолди.

Банклар асосан узок муддатли кредитлар ҳисобига фаолият юритишади ва даромад олишади. Бундай кредит маълум таҳликага – хавфга ҳам эга бўлиши табиий. Кредит берилаётганда, одатда, мулк гаровга қўйилади. Шу нуқтаи назардан банклар учун ҳам лизинг манфаатлидир. Банк лизинг компаниясига узок муддатли кредит беради. Кредит ҳисобига лизинг компанияси ускуналарни сотиб олади ва улар фирманинг мулкига айланади. Агар ижарачи шартнома талабларини бажармаса, лизинг компанияси ижарачининг мулкига эга бўлиб олади. Агар узок муддатли кредитлар йилига 10 фоиз даромад берса, лизинг компанияларида 12 фоиз даромад олинади.

Лизинг компаниялари ниманинг ҳисобидан даромад олади?

Биринчидан, ижара ҳақи. Иккинчидан, ижара муддати тугагандан сўнг ускуналарни қолдиқ қиймати бўйича сотади. Ижара ҳақи ускуна ҳақи билан хизматлар қийматини (банк фоиз ставкаларига тенглаштирилади) қоплаши керак. Учунчидан, ускуналарни сотиб

олиш қиймати билан ижара ҳақи ўртасидаги фарқ. Лизинг компанияси ускуналарни доимий харидор сифатида катта туркумларда (партияларда) сотиб олаётгани учун ишлаб чиқарувчилар уларга қандайдир имтиёзлар берадилар. Бундан ташқари, мол-мулкка солиқ қолдиқ қийматига кўра тўланади, ижара ҳақи эса хизмат муддатига қараб ошиб боради.

Ижарачининг манфаатлари-чи?

Кўп мамлакатларда мол-мулкка солиқ лизинг шартномаларига белгиланган тўловлардан анча юқори бўлади. Баъзи пайтларда эса ижара усули ҳозирги замон ускуналаридан фойдаланишнинг ягона имконияти бўлиб қолади, айниқса, янги ташкил қилинган фирмалар учун. Ижарачи учун ускуналар мулк ҳисобланмаганлиги сабабли, фирма балансига киритилмайди, мол-мулкка солиқ тўланмайди ва бу соҳада бухгалтерия ҳисоби юритилмайди. Ижара ҳақи эса тўлиқлигича ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига кўшилади.

Ривожланган мамлакатларда атайлаб лизинг бўйича солиқ йиғишмайди. Аммо ҳукумат бугунги кун билан эмас, балки келгусини ўйлаб иқтисодий сиёсат олиб боради. Лизинг фан-техника тараққиётига хизмат қилади. Эртанги кунда ишлаб чиқариш бугунги олинмаган солиқларни тўла қоплайди, демак у иқтисодиётни ривожлантириш учун қўшимча имконият яратиб беради.

МДҲ республикаларида «ижара корхоналари» деган ибора пайдо бўлган. Чет эллик мутахассислар учун бундай тушунча мутлақо тушунарсиз. Халқаро амалиётда ижара корхоналари деган тушунчанинг ўзи йўқ. Корхоналар ижарага берилмайди, ускуналар ва бинолар берилиши мумкин.

Лизинг муносабатларини Ўзбекистон шароитида, айниқса, қишлоқ хўжалигида қўллаш катта самара беради. Масалан, АҚШ да фермерлар фойдаланаётган техниканинг 80 фоизи ижарага олинади. Ахир бир йилда 10-15 кун ишлатиладиган комбайнни сотиб олишдан қандай мантиқ топиш мумкин?

Юқорида таъкидланганидек, республика ҳукумати қарорига кўра, 1999 йилнинг октябрь ойида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» ҳиссдорлик компанияси тузилди. Бу компаниянинг асосий вазифаси мамлакатимиз машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига **молиявий лизинг** асосида трактор ва йиғим-терим техникасини етказиб беришдан иборат. Бундан тушган маблағ трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобига ўз вақтида туширилади. Бу ҳол уларга айланма маблағларни

биринчи навбатдаги эҳтиёжларига ишлатиб, уни тўлдириб туриш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари эса техника қийматини аста-секин, бир неча йил мобайнида тўлаш имкониятига эга бўладилар. Техника ўзини ўзи бемалол оқлайди. Агар инфляция чиқимлари лизинг олувчига тегишли бўлмасдан, компания таваккали бўлишини ҳам ҳисобга олсак, лизинг шартлари жуда манфаатлидир.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини замонавий, юксак унумли техника билан таъминлашни янада рағбатлантириш, тармоқ машинасозлигини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан, чет эл илғор компаниялари иштирокида қишлоққа етказиб бериладиган трактор ва йиғим-терим техникаси учун ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш мақсадида 2000 йилнинг 2 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарорга кўра, 2001-2007 йилларда «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси корхоналари томонидан, шу жумладан, чет эл илғор компаниялари иштирокида ишлаб чиқарилган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси (трактор ва йиғим-терим техникаси) машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмаларига, ширкатлар ва фермер хўжаликларига уларни 7 йиллик муддатга лизингга тақдим этиш йўли билан қуйидаги шартларда етказиб берилиши белгиланган:

- 15 фоизлик аванс машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва фермер хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан;
- трактор ва йиғим-терим техникаси қийматининг 85 фоизи «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан, унга заём асосида Молия вазирлиги томонидан бериладиган маблағлар ҳисобидан тўланади.

Мазкур қарорда, шунингдек, лизинг олувчиларга олинадиган техниканинг бутун лизинг муддати давомида мулкий таваккаллар суғурта полниси мавжуд бўлсагина тақдим этилиши назарда тутилган. Лизинг компанияси даромадининг (маржа) имтиёзли ставкаси эса Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг ярми миқдоридан белгиланади. Масалан, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бир йилга 24 фоизни, лизинг компаниясининг маржаси 12 фоизни ташкил этса, шартли равишда бир техниканинг нархини 5000000 сўм деб олайлик. Қишлоқ хўжалиги корхонаси ана

шу маблағнинг 15 фоизини ёки 750000 сўмни ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди, қолган 85 фоизини, яъни 4250000 сўмни банк томонидан йиллик 24 фоиз миқдориди жалб қилинган узоқ муддатли (7 йиллик) кредит ҳисобидан олади. Шунда қишлоқ хўжалиги корхонасининг 7 йил мобайнида банкка қайтарилган маблағи 7947500 (кредитнинг асосий суммаси 4250000 сўм, ҳисобланган фоизлар 3697500 сўм) сўмни ташкил этади. Натижада техниканинг умумий нархи 8697500 (аванс 750000 сўм, банкка қайтарилган маблағ 7947500 сўм) сўмни ташкил қилади.

Агар у техникани лизинг компаниясидан лизинг шартларида 7 йил муддатга йиллик 12 фоиз миқдориди оладиган бўлса, ана шу даврда лизинг компаниясига қайтарилган маблағ 6098750 (лизинг суммаси 4250000 сўм ҳисобланган фоизлар 1848750 сўм) сўмга тенг бўлади. Техниканинг умумий нархи эса 6848750 (аванс 750000 сўм, лизинг компаниясига қайтарилган маблағ 6098750 сўм) сўмни ташкил этади. Бошқача айтганда, банк кредитига нисбатан молиявий лизинг туфайли 1848750 сўм иқтисод қилинади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги корхонаси узоқ муддатли кредит олиш мақсадида банкларга мурожаат қилмайди. Бу лизинг олувчилар учун молиявий лизингнинг кредитга нисбатан афзаллигини яққол кўрсатиб турибди.

Мижозларга қулай шарт-шароитлар яратиш, улар билан бевоҳита алоқа ўрнатиш мақсадида ҳар бир вилоятда компаниянинг бўлимлари тузилмоқда. Ширкат ва фермер хўжаликлари техникани олиш ишлари билан жойларда танишиш ва лизинг операцияларини амалга ошириш имконига эга бўладилар. Муқобил машина-трактор парклари учун жойларда техникани олиш имкониятининг яратилиши эса рақобатнинг ривожланишига олиб келади. Бунинг учун уларда техника нархининг 15 фоиз авансини ўтказиш учун бошланғич маблағ, аниқроғи, лизинг олувчининг молиявий аҳволи лизинг компаниясининг талаби даражасида бўлса, бас. Агар лизинг олувчининг молиявий аҳволи талаб даражасида бўлмаса, у ҳолда банк ёки бошқа учинчи юридик шахсининг кафолати талаб қилинади.

Лизингнинг яна бир ижобий томони шуки, у фермер хўжаликларида ҳам замонавий технологияларни қўлга киритиш имконини яратади. Бу эса унинг ривожланиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳукумат томонидан лизинг компаниялари олдида қўйилган вазифалар ўз вақтида, изчил

ҳаётга татбиқ этилса, иқтисодиётимизнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш қишлоқ хўжалигининг долзарб муаммоси – қишлоқни техника билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал этилади. Оқибатда тармоқ ривожига янги босқичга кўтарилади.

4.5. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари

[160]. Банклар қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, «Тижорат банкларига қимматли қоғозлар бозорида операциялар бажаришга доир тавсиялар» (1996 йил 26 апрелдаги 211-сонли йўриқнома) асосида амалга оширади.

Тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган умумий лицензия асосида қимматли қоғозлар билан операцияларни бажаришади. Лицензияда банклар бажарадиган операциялар рўйхатида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган қуйидаги фаолият турлари қайд этилади (33-чизма):

**Банкларнинг қимматли қоғозлар
бозоридаги операциялари**



- қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва сотиш ҳисобини юритиш, уларни сақлаш;
- қимматли қоғозларни харид қилиш;
- маблағларни қимматли қоғозларга инвестициялаш;
- дилерлик, депозитор ва акционерлар реестрини юритиш ва сақлаш;
- тижорат, брокерлик, траст операцияларни бажариш ва маслаҳатлар бериш;
- миждо билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш ва ҳ.к.

33-чизма. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган фаолият турлари.

Маблағларни қимматли қоғозларга инвестициялаш турли хил қимматли қоғозлар:

- оддий ва имтиёзли акциялар;
- облигациялар;
- давлат қарздорлик мажбуриятлари;

- депозит сертификатлари;
- вексел ва бошқаларга маблагларни қўйиш орқали амалга оширилади.

Алоҳида олинган давлатларда банк тизимининг ривожланиши ва банклар ўтказадиган операцияларнинг турлари ва кўламига қараб уларнинг инвестицион фаолияти турли йўналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари бўйича олинмаган даромад салмоғи ҳам турли бўлиши мумкин.

Масалан, Америка банклари амалиётида давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларга инвестиция қилиш одатда кам даромад келтиради, аммо улар юқори ликвидликка эга ва улар бўйича тўланмаслик rischi нолга тенг бўлиб, бозор ставкасининг ўзгариш rischi ҳам кичик бўлган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Узоқ муддатли қимматли қоғозлар юқори даромад келтиради, шунинг учун банклар уларни муддати тугагунча сақлашади. Банклар ўз маблагларини муниципалитетларнинг қимматли қоғозларига ҳам қўйишади, чунки улар бўйича тўланадиган фоиз солиққа тортилмайди.

Ўз ликвидлигини таъминлаш мақсадида банклар унча катта бўлмаган суммани бошқа қимматли қоғозлар:

- банк акцептлари;
- қимматли қоғозлар бозоридаги тижорат қоғозлари;
- брокерлик ссудалар;
- товар-кредит корпорациялари сертификатларига қўйишади.

Даромадлиликни таъминлаш мақсадида, лекин ликвидлигини хавф остига қўйган ҳолда банклар ўз маблагларини баъзи бир ҳукумат муассасалари облигациялари ва корпорацияларнинг биринчи даражали облигацияларига инвестиция қиладилар. Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг инвестицион фаолияти даромад келтириши нуктаи назаридан банк даромади таркибида кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

[161]. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар чиқарилишига ва муомалада бўлишига йўл қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш амалдаги қонунларга қўра ноқонуний ҳисобланади. Тижорат банклари қуйидаги турдаги қимматли қоғозларни чиқаришлари мумкин:

- устав капиталини шакллантириш мақсадида чиқариладиган акциялар;

- ўз қарз мажбуриятлари: облигациялар, депозит ва омонат сертификатлари;

- қўшимча заём маблағларини жалб қилиш мақсадида чиқариладиган векселлар.

Барча чиқариладиган қимматли қоғозлар уларнинг миқдори инвесторлар сонидан катъий назар Марказий банк қайдномасидан ўтказилиши шарт. Тижорат банки чиқарган акциялар 35 ёки ундан ортиқ фоизнинг ёхуд 50 фоиздан ортиқ акциядорлар овозини таъминловчи акцияларнинг бир шахс томонидан ёки бир-бирининг мол-мулкни назорат қилувчи шахслар гуруҳи томонидан сотиб олиниши Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органи субъектларнинг бир-бирлари мол-мулкни назорат қилувчилар деб эътироф этилиши тартиби ва қоидаларни белгилаб қўяди.

Акцияларни чиқариш тартиби қимматли қоғозларни эмиссия қилиниши қайд қилиш тартибига боғлиқ бўлади. Агар қимматли қоғозларни чиқариш бўйича эмиссия проспекти қайд (регистрация) қилинмайдиган бўлса, у ҳолда акцияни чиқариш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- эмитент томонидан акцияни чиқариш тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- қимматли қоғозларни чиқарилишини қайд қилиш;

- қимматли қоғозларни қайд қилиш;

- чиқарилган қимматли қоғозлар якунини қайд қилиш.

Агар қимматли қоғозларни чиқариш бўйича эмиссия проспекти қайд қилинадиган бўлса, у ҳолда акцияни чиқариш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- эмитент томонидан акцияни чиқариш тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- эмиссия проспектини тайёрлаш;

- эмиссия проспекти ва чиқарилган қимматли қоғозларни қайд (регистрация) қилиш;

- эмиссия проспектини чоп этиш ва қимматли қоғозларни чиқариш ҳақида оммавий-ахборот воситалари билан эълон қилиш;

- қимматли қоғозларни сотиш;

- чиқарилган қимматли қоғозлар якунини қайд қилиш;

- чиқарилган қимматли қоғозлар якунини чоп этиш.

Қимматли қоғозлар чиқариш бўйича қарорни амалдаги қонунчилик билан қафолатланган банк бошқарув органлари қабул қила-

ди. Эмиссия проспектини банк бошқаруви тайёрлайди. Бошқарув раиси ва бош бухгалтер имзо қўяди. Тикилиб, саҳифалар рақамланади ва банк муҳри билан муҳрланади. Бу проспект ҳолис аудиторлик фирмаси томонидан маъқулланиши шарт. Эмиссия проспекти қуйидагиларни ёритиши керак:

- а) эмиссия тўғрисида асосий маълумотларни;
- б) эмитентнинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни;
- в) келажакда чиқарилиши кўзда тутилган қимматли қоғозлар

ҳақидаги маълумотларни.

Акция чиқарувчи банк сўнгги уч йил давомида ёхуд ташкил топганига уч йил тўлмаган вақт давомида зарарсиз ишлаётган бўлиши керак. Янги ташкил топган банк бўлса, у ҳолда энг камида мазкур молиявий йилда рентабелли бўлиши шарт.

[162]. Банклар қуйидаги шартлар бажарилган ҳолларда қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишлари мумкин:

а) банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек, ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига қўйилмасининг миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу меъёр бир эмитентнинг ҳам «инвестициялар» қисоб варақлари, ҳам «қимматли қоғозлар олди-сотдиси» ҳисобварақлари бўйича нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади;

б) банкнинг барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаси миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, банк исталган корхона (молиявий институтлардан ташқари) устав капиталининг 20 фоизидан ортигига тўғридан-тўғри ёки билвосита (шўъба корхоналари орқали) эгалик қилиши мумкин эмас.

Агар эмитент фаолияти ёки амалдаги ёхуд режалаштирилаётган банк инвестициялари миқдори омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларига зиён етказиши мумкинлиги ёки инвестицияларни бошқаришда банк тажрибаси етарли эмаслиги аниқланса, Марказий банк исталган эмитент қимматли қоғозларига банк томонидан киритиладиган инвестициялар миқдорига қўшимча чекловлар белгилаш ҳуқуқига эга.

Гаров ҳуқуқларини амалга ошириш натижасида қимматли қоғозлар олинган ҳолларда банк бир ой муддат ичида олинган қимматли қоғозларни сотиши шарт. Агар қимматли қоғозлар кўрсатилган муддатда сотилмаса, улар «қимматли қоғозлар олди-сотдиси» ёки «инвестициялар» ҳисобварақларига ўтказилади.

[163]. Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи банклар зарур мониторинг ва операцияларни амалга оширилиши устидан назоратни таъминловчи адекват ахборотни банк раҳбариятига тақдим этиш учун кенг қамровли бошқарув ахборот тизимига эга бўлишини тақозо этади.

Шу ўринда шуни айтиш лозимки, қимматли қоғозлар портфели бўйича ички ҳисоботлар:

- қимматли қоғозлар турлари ва кўринишлари бўйича бўлинишини;
- сифат рейтинги, номинал ва бозор қийматини;
- харид (сотиш) санасини;
- фоиз ставкаларини;
- имтиёзларини;
- олинган дивиденд фоизларини;
- олди-сотди битимлари бўйича фойдани ўз ичига олади.

Банкнинг турли бўлимлари ўртасида мажбуриятларнинг керак-лича тақсимланиши, қарорлар қабул қилиш ҳамда битимлар тури ва ҳажмига доир чекловлар белгилаш бўйича ваколатларнинг тақсимланиши, шунингдек, суниестъомолчиликларнинг олдини олиш учун банклар тегишли ички назоратни амалга оширади. Бундай ички назорат қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олди-сотди аризаларини қабул қилувчи ёки қайта ишловчи шахслар бухгалтерия операцияларини амалга оширмаслиги, пул маблағлари, тасдиқномаларни олмаслиги ёки бухгалтерлик ўтказмаларини таққосламаслиги лозим;
- бухгалтерлик операцияларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун масъул бўлган шахслар олди-сотди аризаларини қабул қилмасликлари ёки тасдиқлаш мақсадида битим натижаларини таққосламасликлари зарур;
- барча операциялар ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳамда бирламчи ҳужжатлар ва бухгалтерлик ёзувлари билан таққосланган бўлиши лозим;
- ҳисобварақлардаги қолдиқлар, клиринг тўловлар, битимлар ёки бухгалтерлик ўтказмаларига жалб этилмаган ходимлар томони-

дан мунтазам равишда таққосланиши ва аудиторлик текширувларидан ўтказилиши керак.

Агар банк брокерлик операцияларини бажарса, у ҳар бир миждоз учун ҳисоб варақлар очиши ва миждознинг қимматли қоғозлари билан бажариладиган барча операциялари бўйича қимматли қоғозларнинг турлари, операциялар санаси, сотилган (сотиб олинган) қимматли қоғозлар нархи ва сони кўрсатилган ҳолда ёзувларни олиб бориши керак.

Қимматли қоғозлар билан ишлашни ташкил этишда қимматли қоғозлар эмитент анкетасининг намунавий шакли ва молиявий аҳволи қуйидагича бўлади:

Қимматли қоғозлар эмитенти анкетаси

1. Эмитентнинг номи.
2. Қимматли қоғозларнинг турлари ва тоифаси.
3. Қимматли қоғозларнинг номинал қиймати.
4. Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати.
5. Қимматли қоғозлар сони.
6. Битим суммаси.
7. Қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси.
8. Аввалги дивиденд тўловлари тўғрисида маълумотлар.
9. Фоизли тўловлар ставкаси, суммаси ва муддати.
10. Қимматли қоғозларни чиқариш санаси.
11. Қимматли қоғозларни тўлаш санаси.

40-жадвал.

Эмитентнинг молиявий аҳволи (минг сўмда)

№	Кўрсаткичларнинг номи	Йил бошида	ҳисобот санасида
1.	Қоплаш/капитал етарлилиги коэффиенти		
2.	Ликвидлик коэффиенти		
3.	Муҳторлик коэффиенти/молиявий левараж		
4.	Кредитга лаёқатлилиги тоифаси/ рейтинг баҳоси		
5.	Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги / жами капитал		
6.	Фойда (зарар)		
7.	Банк ссудаларига доир қарзлар / кредиторлар олдидаги қарзлар		
8.	Дебиторлик қарзлари, жами		
9.	Кредиторлик қарзлари, жами		
10.	Пул маблағлари		

11.	Жами осон сотиладиган талаблар		
12.	Жами осон сотиладиган захиралар		
13.	Ўз манбалари, жами/ банк капитали таркиби – жами, жумладан:		
	– устав фонди		
	– захира фонди/ умумий мақсадларга мўлжалланган захира фонди		
	– мақсадли молиялаш ва тушумлар/ капитал захиралар		
	– тақсимланмаган фойда		
14.	Баланс		

Бошқа маълумотлар

1. _____

2. _____

3. _____

Ваколатли шахс имзоси _____

Сана _____

4.6. Тижорат банкларининг халқаро операциялари

[164]. Тижорат банклари нафақат мамлакат ичкарасида, шу билан бирга, ташқи давлатлар билан ҳам турли хил операцияларни амалга оширадилар. Бундай операциялар давлатлараро ёки халқаро операциялар деб юритилади. Бу операциялар:

- халқаро савдода иштирок қилувчилар ўртасидаги муносабатларни;
- ссуда капитали бозорида инвестиция билан боғлиқ операцияларни;
- туризм соҳасидаги операцияларни;
- хорижий қимматли қоғозлар сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган операцияларни;
- валютани айирбошлаш, чек, вексел, инкассация учун банк акцептларини қабул қилиш билан боғлиқ операцияларни ўз ичига олади.

Халқаро операциялардан банкка тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Халқаро савдони тижорат банклари томонидан кредитлаш товар ва товар ҳужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, акцепт кредитларини, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. Ташқи савдони кредитлашнинг янги шакллари ҳам мавжуд.

Улар туркумига:

- лизинг;
- факторинг;
- форфейтинг кабиларни киритиш мумкин.

Ўрта ва узоқ муддатли халқаро банк кредитлари **евро-кредит** шаклида ҳам берилади.

[165]. Тижорат банклари бажарадиган операцияларнинг яна бир тури – бу валюта операцияларидир. Банкнинг бир турдаги валюта-ни бошқа бир турдаги валютага алмаштириш билан боғлиқ халқаро операциялари **валюта операциялари** деб аталади. Халқаро савдо, халқаро кредит ва хизматлар бўйича ҳисоблашишларда ягона тўлов воситасига эга бўлиш зарурлиги валюта операцияларни амалга оширишни зарур қилиб қўяди.

Турли хил валюта операциялари йигиндиси жаҳон ссуда капитали бозорининг асосий қисмларидан бири бўлган валюта бозорини¹⁾ ҳосил қилади. Валюта бозорида хорижий валютага талаб ва таклиф вужудга келади. Таклиф сотилган товар ва хизматлар учун даромад олган экспортёрдан, талаб эса сотиб олинган товар ва хизматларни тўлаш учун хорижий валютага муҳтож импортёрлардан келиб чиқади. Валюта операциялари асосини товарлар ва хизматлар, капитал ва кредитларнинг халқаро ҳаракати ташкил этади.

Валюта бозорида операцияларни алоҳида олинган тижорат банклари, компаниялар ва жисмоний шахслар амалга оширади. Валюта операцияларининг кўпчилиги биржадан ташқаридаги бозорларда тижорат банклари орқали амалга оширилади. Банклар бир-бири билан (бевосита ёки брокерлар орқали) мижозлар билан валюта операцияларини халқаро банклараро валюта бозорида ва биржаларда олиб боради. Валюта шартномаларининг асосий қисми халқаро банклараро валюта бозорида тижорат банклари ўртасида имзоланади.

Хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви натижасида йирик халқаро валюта бозорлари Лондон, Париж, Нью-Йорк, Франкфурт-Майн, шунингдек, Токио, Сингапур, Гонконг, Баҳрайнда муваффақият билан фаолият олиб бормоқда.

Банкнинг валюта бозоридаги фаоллиги банкнинг йириклигига, унинг обрўсига, хорижий бўлимлари ва филиаллари тармоқларининг ривожланганлик даражасига, замонавий компьютерлар билан таъминланганлигига, телефон ва телеграф алоқаларининг ривожланганлигига боғлиқ. Валюта операцияларининг асосий қисми йирик

¹⁾ Валюта бозори – чет эл валютасига талабнинг унинг таклифи билан ўзаро таъсирлашиш тизими.

тижорат банкларига тўғри келади. Улар нафақат валюта сотади ва сотиб олади, халқаро ҳисоб-китобларни бажаради, балки хорижий валюта захираларини сақлайди ва валюта курсларини аниқлайди. Бошқа банклар уларга котировка юзасидан мурожаат қилади ва ўз миқдорлари учун валютани сотиб олади.

Валюта операциялари хорижий валютада ифодаланган нақд пулсиз тўлов воситалари: банк депозитлари, чеклар, векселлар, ўтказмалар ҳисобига амалга оширилади. Нақд хорижий валютаси ҳисобига амалга оширилган операциялар ҳажми анча кичик бўлади.

[166]. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида турли хил ҳисоб шакллари қўлланилиши мумкин. Булар қаторида банк буйруғига биноан:

- пул ўтказиш (ўтказма тури, тўлов топшириқномаси);
- банк чеки;
- банк вексели;
- аккредитив;
- инкасса шакллари қўлланилиши мумкин.

Тўлов топшириқномаси – тижорат банкининг ўз миқдори талабига биноан унинг маблағи ҳисобидан тўланиши зарур бўлган суммани олиши шарт бўлган хорижий корхонага (бенефициарга) маблағни почта ёки телеграф йўли билан ўтказиб қўйиш тўғрисидаги бошқа мамлакатдаги банк корреспондентга берган буйруғи ҳисобланади.

Валюта олишнинг энг тез ва ишончли воситаси – **телеграф ўтказмасидир**. Банк корреспондентлар томонидан махсус коднинг қўлланилиши валюта маблағлари бўйича зарар келтириш ва ўз миқдорларига маблағларни ўтказишда банк томонидан хатоларга йўл қўйишдан сақлайди. Ўтказмада банк икки операцияни бир вақтнинг ўзида бажаради:

- миллий валюта ҳисобига миқдорга хорижий валюта сотади;
- хорижий валютани чет элга ўтказиб беради.

Банк ўтказмалари орқали ҳисоб-китобларда экспортчилар импортчиларга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, даъволар ва ўзаро бошқа ҳисоб-китоблар учун ҳисобварағи ва бошқа ҳужжатлар юборадилар. Бу ҳужжатлар асосида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлайдиганлар ўз банкларига экспортчи ёки кредиторлар ҳисобига пул ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқномаларини юборадилар.

Шундай қилиб, халқаро ҳисоб-китоблар деганда биз талаблар

ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мамлакатлараро мувофиқлаштириш тизимини тушунамиз. Халқаро ҳисоб-китоблар тижорат банк - корреспондентлари орқали ўтказма, чеклар, векселлар, ўзаро талаб ва мажбуриятларни тенглаштириб воз кечиш йўли билан нақд валютасиз амалга оширилади.

Гарчи халқаро ҳисоб-китоблар шаклларининг баъзиларининг ўтказилиш йўллари ички ҳисоб-китобларга ўхшаш бўлса-да, аммо улардаги ўтказиш йўлларида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятларни куйидагича таърифлаш мумкин.

Биринчидан, одатда улар хужжат тарзида, яъни молия (чек, вексель) ва тижорат (коносамент, накладной) ҳужжатлар ёрламида амалга оширилади.

Иккинчидан, халқаро ҳисоб-китоблар унификациялашган (бир шаклга келтирилган). Бундай шаклда ҳисоб-китобларни амалга оширишда кўпчилик мамлакатлар банклари, шу жумладан МДХ, вексель ва чек конвенцияларига амал қилишади (Женевада 1930 ва 1931 йилларда қабул қилинган ва Париж халқаро савдо палатаси эълон қилган «ҳужжатли аккредитивлар бўйича унификациялашган қоидалар»га мувофиқ халқаро микёсда ҳисоб-китоб операциялари олиб борилади). Бу ҳужжатларга ташқи савдо алоқаларида банкка аккредитив тўғрисида буйруқ берилганда ва инкассо топшириқномалари берилганда мурожаат этиш лозим бўлади.

[167]. Халқаро ҳисоб-китобларнинг яна бир воситаси **банк чеки** ҳисобланади. У банкнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берилган ёзма фармойишни ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, банк чеки уни ёзиб (тўлдириб) берувчи банкнинг ўз вакиллик банкига унинг жорий ҳисобварағидан чек эгасига муайян суммани ўтказиш ҳақидаги ёзма буйруғидир.

Вексел – бу муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати. **Банк вексели** эса бу ўтказма вексел (тратта) бўлиб, банк томонидан хорижий банк корреспондент счётига тўлаш учун берилади. Бунда халқаро банклар ўтказма векселларни чиқаради ва тўловга қабул қилади. Тратталар оқ (исми, фамилияси ёзилмаган) ўтказма ёки оқ муддатли, тижорат ва банк тратталари турларига бўлиниши мумкин.

Экспорт қилувчилар хорижий импортчиларга берадиган тижорат векселлари асосида банклар, товарлар ва хизматларга ҳақ тўла-

ши мумкин. Агар оқ тижорат векселидан фойдаланилса, нақд пулли ҳисоб-китоб шаклига риоя қилинади. Агар муддатли траттадан фойдаланилса, ҳисоб-китоб кредитга бажарилади. Банк векселлари тижорат векселларига нибатан кенгроқ тарқалган. Импорт қилувчилар банк векселларини миллий ва халқаро банклардан сотиб олиб, ўз қарз мажбуриятларини узиш учун экспорт қилувчиларга жўнатади.

Ўтказма вексел эгаси **трассант**, вексел бўйича қарздор **трассат** деб юритилади. Векселнинг амал қилиш муддатини чўзиш **вексел пролонгацияси** деб аталади. У қонунга мувофиқ ёки қарздор ва қарз берувчининг ўзаро келишувига кўра расмийлаштирилади.

[168]. Аккредитив ҳисоб-китоблар – бу товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш шакли. Одатда, турли шаҳарларда жойлашган банклар ўртасида амалга оширилади. Товар етказиб берувчи банкдан бошқа шаҳардаги харидорнинг ўзига хизмат кўрсатадиган банкка сақлашга қўйган аккредитивлар ҳисобидан пул маблағларини олади.

Аккредитив – банк (банк эмитент) мажбурияти бўлиб, мол сотиб олувчи (импортёр) кўрсатмасига биноан мол сотувчи (экспортёр) варағига маблағни ўтказиш ёки траттани¹ тегишли суммада (хизмат ёки товар) акцептлашни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатга мувофиқ амалга оширишни ифодаловчи ҳужжат. Аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда бир қанча банклар иштирок этиши мумкин:

- аккредитивни олувчи банк-эмитент;
- сотувчига аккредитив очилгани тўғрисида хабар берувчи банк;
- аккредитивни тўловчи ёки траттани акцептловчи банк.

Аккредитив операциялар тўрт асосий босқични босиб ўтади.

Биринчи босқич. Импортёр товарнинг жўнатишга тайёрлиги тўғрисида хабар олгандан кейин ўз банкига (банк-эмитент) экспорт банкида маълум сумма ва муддатга аккредитив топширигини беради. Аккредитив очиш топшириғи билан бирга аккредитив берилиши учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Иккинчи босқич. Банк-эмитентга тегишли банкда аккредитив очилади ва экспортёрга бу ҳақда хабар қилинади, зарур бўлса аккредитив очилганлиги тасдиқланади.

Учинчи босқич. Товари жўнатган экспортёр банкка талаб этилган ҳужжатларни тақдим этади ва товар учун тегишли тўловни

¹ Тратта - ўтказма вексел. Кредиторнинг қарздорга (одатда банкка) ёзма буйруғи. Унда банкнинг учинчи шахс (ремитент - тақдимчи)га ёки траттани тақдим қилганга муайян суммадаги пулли тўлашни кўрсатилади.

олади (одатда у экспортёрнинг ҳисобварағига ўтказилади).

Тўртинчи босқич. Экспортёр банки товар ҳужжатларини банк-эмитентга юборади, ўз навбатида, бу ҳужжатларни импортёрга тақдим этади ва аккредитив суммасини қоплайди (импортёр бу суммани тўлаб беради).

Мажбурият турига кўра, банк аккредитиви «чақириб олинадиган» ва «чақириб олинмайдиган» тасдиқланган бўлади. «Чақириб олинадиган» аккредитив муддатдан илгари импортёр ёки банк-эмитент кўрсатмасига биноан бекор қилиши мумкин. Бундай аккредитив экспортёр манфаатларига жавоб бермайди ва амалиётда кам учрайди. «Чақирилмайдиган» аккредитив экспортёр руҳсатсиз бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас. У банк-эмитентга экспортёрга тўловни амалга ошириш ёки тратгани акцептлашнинг қатъий мажбуриятини ўз зиммасига олади. Экспортёр учун «чақирилмайдиган» аккредитив қўлланилиши жиҳатдан афзал ҳисобланади. Агар банк-эмитент аккредитивни очувчи банкка валюта қопламасини жўнатса, аккредитив таъминланган, акс ҳолда таъминланмаган дейилади.

Инкассо – харидор ҳисобварағидан пул суммасини олиш бўйича банк ҳаракати бўлиб, миқдорга хизмат кўрсатиш ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида ва харидорнинг ўз топшириғига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатли инкассо операциясида экспортёр ўз банкига инкассо топшириқномасини беради ва ташқи савдо шартномасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш билан импортёрдан маълум валюта миқдорини олиш лозимлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, экспортёр ўз банки орқали импортёр банкига инкассация учун ҳужжатларни жўнатади. Инкассация операцияси тўрт асосий босқичда ўтади.

Биринчи босқич. Экспортёр ўз банкига инкассо топшириқномаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни беради.

Иккинчи босқич. Экспортёр банки импортёр мамлакатдаги банк-корреспондентга инкассо топшириқномаси ва ҳужжатларни юборади.

Учинчи босқич. Банк-корреспондент импортёрга ҳужжатларни тақдим этади ва инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани олади ёки тратгани акцептлайди.

Тўртинчи босқич. Олинган тўлов миқдори импортёр банкдан экспортёр банкига, ундан эса экспортёр ҳисобварағига ўтказилади.

[169]. Валюталар ўртасидаги нисбатни аниқламасдан туриб валюта операцияларини ўтказиш мумкин эмас. Бу нисбатлар валюта «ко-

тировка»лари ёрдамида ўрнатилади.

Валюта котировкаси деганда алмаштириш учун тақдим этилган валюталар курсини ва улар ўртасидаги нисбатни ўрнатиш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, чет эл валюта курсининг валюта биржасида махсус идора томонидан белгиланиши ва махсус бюллетенларда нашр қилиниши валюта котировкаси дейилади. Котировка, одатда, биржада амалдаги вазият ва қонунчилик нормаларига мувофиқ чет эл валюталари, қимматли қоғозлар курсини ёки моллар нархини белгилаш ва уларни қайд этиш билан боғлиқ.

Валюта котировкаси расмий ва бозор котировкасига бўлинади. **Расмий валюта котировкаси** давлат (асосан Марказий банк) томонидан амалга оширилади. Расмий валюта курсидан давлат валюта операцияларида, божхона ишларида, тўлов балансини тузишда фойдаланилади.

Шуни қайд қилиш лозимки, Марказий эмиссия банки белгилайдиган расмий валюта курсини ҳукумат белгилайдиган махсус ёки валюта бозорида вужудга келадиган эркин валюта курсидан фарқ қилиш керак. Бозор котировкаси талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида доимо ўзгариб туради. У нобиржавий валюта бозорида амалга оширилади. Кескин валюта чекловлари мавжуд мамлакатларда бозор котировкаси деярли қўлланилмайди. Ҳамма операциялар расмий курс бўйича амалга ошади.

Валюта курси – бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операцияларини, шунингдек, божхона тўловларини амалга ошириш бўйича ҳисоб-китобларни бажариш учун қуйидаги чет эл валюта курсининг сўмга нисбатан бўлган нархини расмий равишда эълон қилди:

Чет эл валюталари	2002 й. 30 июль (сўм)	2004 й. 11 май (сўм) ¹	2008 й. 20 май (сўм)
1 Англия фунт стерлинги	1196,36	1797,22	2546,25
1 АҚШ доллари	761,25	1009,11	1306,84
1 Хитой юани	91,97	121,92	186,93
1000 Туркия лираси	0,45	0,67	0,10
1 ЕВРО	750,36	1194,69	2022,07
10 Япония иени	63,86	89,70	125,36
1 Россия рубли	24,16	34,85	54,85
1 Украина гривнаси	142,86	189,38	258,78

¹ Қаранг: «Ўзбекистон овози» газетаси, 2008 йил 20 май

Демак, 2008 йил 20 майдан бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида АҚШ нинг 1 доллари – 1306,84 сўм, 1 ЕВРО – 2022,07 сўм, 1 Россия рубли – 54,85 сўмга сотилади. Шу нарх долларнинг, ЕВРО ва Россия рублининг сўмдаги валюта курси бўлади, яъни пулнинг пулга сотилиш нархи валюта курси дейилади.

Шу нархга кўра валюталар бирлиги ўртасидаги нисбат **валюта паритети** дейилади. Масалан, 1 долларнинг 1306,84 сўмга сотилиши долларнинг валюта курси, улар ўртасидаги нисбатнинг 1306,84 бўлиши валюта паритетидир. Уни валюта бирлигининг қурби, яъни унинг харид қобилияти белгилайди. Масалан, бир доллар, бир марка, бир сўм, бир танга, бир юань, бир франкка нима олиш мумкин, шунга қараб валюта шаклланади. Валютанинг қурби нархга боғлиқ. Валюта курсини ҳисоблашда энг муҳим товарлар нархига қараб ҳар бир валютанинг қурби аниқланади.

Валюта курсининг ошиши четдан товар келтиришни арзон қилади, унинг пасайиши эса четга чиқариладиган товар нархини оширади. Бундай ҳолларда товарни ташқарига чиқариб, мамлакатдаги нархга нисбатан бир неча баробар арзон сотиш ҳам маъқул бўлади. Масалан, костюм ички бозорда 50 минг сўм туради, ташқи бозорда худди шундай костюм нархи 100 доллар. Валюта курсига кўра 1 доллар 1306,84 сўм. Доллар ҳисобида костюмнинг ички бозордаги нархи:

$$50\ 000 : 1306,84\ \text{сўм} = 38,3\ \text{доллар.}$$

Сўм курсининг ошиши ташқи бозорда 100 долларга сотиладиган костюмнинг 38,3 долларга сотилишига олиб келади. Натижада экспорт қилувчи ҳар бир костюмдан 61,7 доллар ютишга муваффақ бўлиши мумкин.

Валюта курсини аниқлаш усуллари валюта тизимларининг хусусиятларига қараб турли мамлакатларда турличадир. Кескин валюта чекловлари мавжуд давлатларда валюта курси икки усулда ўрнатилиши мумкин.

- соф бошқарув усули;
- валюта коридори чегарасини белгилаш усули.

Биринчи усулда ҳукумат ёки Марказий банк талаб ва таклиф даражасидан қатъий назар миллий валютанинг курсини белгилайди. Бундай валюта курси бошқа валюта ёки бир қанча валюталар (валюта савати)га нисбатан белгиланади.

Иккинчи усул Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Руминия

каби давлатларда кўпроқ қўлланилади. Бу усулда Марказий банк расмий валюта курсини биржа курси даражасида белгилайди ва биржа курсининг расмий валюта курсига нисбатан ўзгариш чегарасини белгилаб беради. Валюта курсининг шу ўзгариш чегарасини белгилаб бериш банк ишида **валюта коридори** деб юритилади.

Амалиётда валютанинг биржадаги курсининг расмий курсга нисбатан ўзгариш хавфи кузатилса, Марказий банк **валюта интервенциясини** амалга оширади, яъни хорижий валютани сотади ва сотиб олади.

Валютавий чеклашлар йўқ ёки сезилмас даражада бўлган давлатларда Марказий банк талаб ва таклиф (миллий валютанинг эркин сузиб юришида) ҳамда валюта интервенцияси (бошқарилувчи сузишда)дан келиб чиққан ҳолда валюта курсини белгилайди. Валюта биржалари фаолият кўрсатувчи давлатларда валюта курси қарийб ҳар куни биржа маклери ва Марказий банк томонидан валютани сотиш ва сотиб олишга берилган аризалар, Марказий банк интервенцияси сиёсати бўйича фаолиятини инобатга олган ҳолда ўрнатилади.

Валюта чеклашлари деярли йўқ (сезиларсиз) ёки йўқ мамлакатларда бозор курсини бир-бири билан доимий алоқада бўлган йирик тижорат банклари ўрнатади. Бу банкларни **маркет-мейкерлар** деб атайдилар. Бошқа банклар котировка юзасидан уларга муурожаат қилишади. Банклараро валюта котировкалари маркет-мейкерлар томонидан ҳар бир валюта бўйича мавжуд бўлган ёки кутилаётган талаб ва таклифни таққослаш (бу операция амалиётда **фиксинг** деб аталади) асосида белгиланади.

Валюта биржаси йўқ давлатларда валюта бозори қатнашчилари банклараро курслардан фойдаланишади. Банклараро бозордаги ўртача курс банк мижозлари учун валюта курсини ўрнатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Валюта биржалари мавжуд давлатларда банклараро котировкалар банкларнинг тўлов айланиши, тўловга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда, расмий биржа котировкалари атрофида ўзгариб туриши мумкин. Бундай банкларда расмий биржа котировкаси уларнинг мижозлари учун валюта курсларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Эркин валюта бозорида унинг ҳар бир элементлари (биржадаги ва биржадан ташқаридаги) бир-бирига таъсир этади ва улардаги валюта котировкалари ўзаро боғлиқ бўлади.

Валюта бозорида валютани котировка қилишнинг икки усули мавжуд: тўғри ва эгри. Кўпчилик давлатларда тўғри курс қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, хорижий валюта бирлигининг курси тўғридан-тўғри миллий валютада ифодаланади. Эгри коти-

ровкада миллий валюта бирлиги маълум миқдордаги хорижий валютада ифодаланadi. Бу усул (эгри котировка) Буюк Британияда, 1987 йилдан эса қисман АҚШда қўлланилади. Банклараро валюта бозорларида валюта курсининг котировкаси кўпроқ АҚШ долларига нисбатан белгиланади. Бу ҳол долларнинг халқаро тўловларда кўп қўлланиши ва резерв воситаси сифатида сақланиши билан боғлиқ.

[170]. Савдо-саноат соҳасида фаолият олиб борувчи мижозлар учун валюта котировкалари амалга ошириш кросс-курсга асосланади.

Кросс-курс – бу икки валюта ўртасида учинчи валютага нисбатан аниқланадиган курслар нисбатидир. Масалан, Ўзбекистон Марказий банки япон иенига нисбатан курсини аниқламоқчи дейлик. Бу ҳолда иеннинг сўмга нисбатан курси долларга асосланган ҳолда аниқланади. Юқоридаги жадвалдаги валюта курсларига биноан 761,25 сўм 1 долларга тенг. 1 япон иени эса 6,4 сўмга тенг. Хўш, япон иени долларда қандай аниқланади?

$$\text{Кросс-курс} = \frac{1\$ = 761,25 \text{ сўм}}{1 \text{ япон иени} = 6,39 \text{ сўм}} = 119,1 \text{ япон иенига тенг.}$$

Демак, 1 АҚШ доллари 119,1 япон иенига тенг экан. Айнан шу кўрсаткич кросс-курс кўрсаткичини ўзида ифода этади.

[171]. Валюта курсини барқарорлаштиришда давлат асосий аҳамият касб этади. Бу ишни у икки йўл билан амалга оширади.

Биринчидан, давлат ўз пулини кредит бозорига ташлаб ёки кредит бозоридан чиқариб фоиз ставкасига таъсир этади. Агар фоиз ошса, кредит ҳам олинади, кредит пулига камроқ валюта харид этилади. Натижада хориж валютасининг нархи пасайиб, миллий валюта курси ошади. Агар фоиз ставкаси камайса, бунинг акси юз беради.

Иккинчидан, давлат валюта интервенциясига қўл уради, яъни ўз валютаси курсини барқарор сақлаш ёки оширишни кўзласа, ўз ихтиёридаги чет эл валютасини бозорга ташлайди, натижада хориж валютаси курси пасаяди, миллий валюта курси ошади. Валюта кўпайса, унинг нархи арзонлашади.

Миллий валюта курсининг давлат томонидан расман пасайтирилиши **девальвация** дейилади. Масалан, 1 доллар 761 сўм бўлса, сўм девальвация этилгач, унинг курси пасайтирилиб, 1 доллар 771 сўм бўлиб қолади. Валюта курсининг расмий оширилиши **ревальвация** дейилади. Агар 1 доллар 761 сўм бўлса, сўм ревальвациясидан сўнг 1 доллар 700 сўм бўлади.

Валюта курси икки турга бўлиниши мумкин:

- қатъий ўзгармайдиган курс – валюталар нархи барқарор туради;
- сузиб юрувчи курс – валюталар курси ўзгариб туради, аммо маълум чегарада юз беради, яъни курс чексиз ошиб ёки камайиб кетмайди. Бунда валюта курсининг юқори ва қуйи чегараси белги-ланиб, курс шу ораликда ва меъёردа ўзгаради.

[172]. Агар миллий валюта бошқа валюталарга алмаштирил-маса, халқаро ҳисоб-китоб операциялари амалга ошмайди. Шу сабаб-ли албатта валюта конвертацияси (алмаштирилиши) талаб қилинади.

Миллий валютанинг конвертацияси уни бошқа валюталарга алмаша олиш хусусиятидир.

Валюта курси пул қадрини ифодалайди. Халқаро миқёсдаги ўз қадри ва обрў-эътиборига қараб, валюталар икки гуруҳга бўлинади:

- **конвертирланган валюта** – бошқа валюталарга эркин ал-маша оладиган пул;
- **конвертирланмаган валюта** – бошқа валюталарга алмаш-тириш учун қабул этилмайдиган курс.

Валютанинг қайси гуруҳга кириши унинг барқарорлигига боғлиқ.

Конвертирланадиган валюталар бошқа пулга алмаша олади, ле-кин бу чексиз ёки меъёрли бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан уларнинг ўзи икки турга бўлинади:

- **Тўла-тўқис (эркин) конвертирланувчи валюталар.** Улар мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам бошқа валютага эркин алмаша-ди. Ер юзида 100 га яқин шундай миллий валюталар бор. Аммо улар орасида эркин конвертирланадиган валюталар борки, улар ўта обрўли ва ҳамма ерда жон деб қабул қилинади, улар амалда жаҳон пули вазифасини ўтайдилар. Булар жумласига АҚШ доллари, Евро, Швейцария франки, Япония иенаси, Инглиз фунт стерлинги, Кана-да доллари киради.

- **Қисман конвертирланадиган валюталар.** Улар маълум пул операцияларини ўтказиш учун ёки чекланган ҳолда бошқа валютага алмашадиган пул. Бу пул ўз-ўзидан жаҳон пули эмас, унинг амал қилиш доираси чекланган. Масалан, Швейцария франки эркин кон-вертирланган бўлса, Француз франки бундай эмас, у чекланган ҳол-да конвертирланади.

Бозор иктисодиётига ўтаётган мамлакатларда, жумладан, мам-лакатимизда конвертирланган валютанинг бўлмаслиги, унинг жаҳон бозорига, хусусан, капитал бозорига чиқишига тўскинлик қилади. Конвертирланган валюта йўқ жойга хориж капитали ошиқмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарти, энг аввал пулни **ички конвертабеллигини** таъминлаш – мамлакат ички бозорида миллий пулнинг хорижий валютага эркин айирбошланишини таъминлашдир.

Сўнгра эса пулни ташки валюта бозорида конвертирлаш зарур бўлади. Шундай валютанинг юзага келиши жаҳон иқтисодиётига қўшилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Конвертирланмайдиган валюталар бошқа валютага алмаштирилмайди. Уларнинг соҳиби бўлган мамлакатларнинг иқтисодиёти колок, экспорт потенциали заиф, шу сабабли бу ерда хорижий валюта захиралари оз бўлади. Конвертация миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалигига қўшилишига олиб келади, шу боис у эртами-кечми ҳамма ерда юз беради.

[173]. Банклар валюталар котировкасини ўтказганда валюта бўйича:

- сотувчи курсини;
- сотиб олувчи курсини белгилайдилар.

Валютани котировка қилувчи банк валюта битимини доимо ўзи учун қулай бўлган курс бўйича тузади. Банклар доимо хорижий валютани сотиб олганидан кўра қимматроққа сотадилар. Масалан, Нью-Йорк ва Лондон валюта биржаларида долларнинг фунт стерлингга тўғри котировкаси амалга ошириладиган бўлса:

- 1 ф.ст. = 1,4620 доллар – бу сотиб олиш курси;
- 1 ф.ст. = 1,5060 доллар – сотиш курси.

Кўришиб турибдики, Нью-Йорк банки Англия валютасини арзонга сотиб олган ва қимматига, яъни 1 ф.ст.га кўпроқ доллар (1,5060) га сотган. Тўғри котировкада сотувчи курси доимо сотиб олувчилар курсидан юқори бўлади. Ўртадаги фарк **маржа** дейилади ва **банкнинг фойдасини** ташкил қилади.

Маржа ҳажми турли омилларга боғлиқ. Одатда беқарор конъюнктура даврида, валюта курсларидаги фарқдан зарар кўриши эҳтимоли юқори даврларда маржа ошади. Маржа микдорига шартнома ҳажми ҳам таъсир этади: у кичик бўлса, маржа юқори бўлади. Расмий ахборотномаларда валюта сотиш ва сотиб олиш бўйича ёки иккала курс, улардан бир ёки ўртача курс кўрсатилиши мумкин. Ўртача курс – сотувчи ва сотиб олувчи курсларнинг ўрта арифметиги. **Сотувчи ўртача курси** – сотувчи ва ўртача курснинг ўрта арифметик қиймати. **Харидор ўртача курси** – харидор ва ўртача курснинг ўрта арифметик қиймати.

Халқаро тўлов оборотида хорижий валюта нақд эмас, балки нақд-

сиз ҳолатда амал қилади. Табиийки, турли хил тўлов воситалари курслари турлича, чунки уларнинг ишончлилик ва валюта рисқи даражалари турличадир. Телеграф ўтказмаси бўйича валюта курси энг юқоридир, чунки унда хорижий валюта шу захоти ёки келаси куни тўланади. Бу операция валюта рисқини деярли четлаб ўтишга имкон беради. Одатда, уларнинг курслари расмий бюллетень ва котировка жадвалларида эълон қилинади. Бошқа тўлов воситалари курси у асосида аниқланади.

[174]. Валюта бозорида турли турдаги шартномалар амал қилади. Уларнинг кўпчилиги спот шартлари асосида амалга оширилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, битимни имзолаш ва бажариш вақтлари қарийб мос келади. Битимнинг бундай турида валюта сотувчидан сотиб олувчига шартнома имзоланиши биланок (кўпи билан икки иш кунида) етказилади. Спот шартномаларига жами валюта шартномаларининг 90 фоизи тўғри келади.

Иккинчи валюта шартномаси тури – муддатли шартнома. Бундай шартномаларнинг икки хусусияти бор.

Биринчидан, шартнома имзоланиши ва бажарилиши орасида маълум вақт интервали бор. Бир ҳафтадан олти-ўн икки ойгача.

Иккинчидан, валюта курси шартнома имзоланган даврда белгилангани бўйича қабул қилинади. Валюта курслари ўзгаришлари унга таъсир этмайди. Муддатли шартномалар валюта рискларидан суғурталаниш ёки валюта спекуляцияси мақсадида амалга оширилади. Экспортёр ўзини хорижий валюта курсининг тушишидан суғурталаш мақсадида келгуси валюта даромадини муддатли курс бўйича сотиши мумкин. Импортёр хорижий валюта курси ошишидан ўзини суғурталаш мақсадида келгуси валюта тушумини маълум муддатга, муддатли курс бўйича сотиши мумкин.

Ривожланган давлатлар валюта бозорларида валюта курсининг ўзгаришига қараб ишловчи валютачилар фаолияти тўғрисида қисқача тўхталиш мумкин. Бу валютачиларнинг асосий мақсади валюта бозорида валюта курсларининг ўзгариши асосида катта фойда олишдан иборат. Валюта курсининг ошиши ёки пасайишига қараб фаолият кўрсатувчилар халқаро амалиётда «айиқлар» ва «букалар» деб аталади. Улар фаолиятининг моҳияти қуйидагилардан иборат. Агар валюта курси тушиши кутилса, валюта курси пасайишига ўйновчилар (уларни халқаро амалиётда «айиқлар» деб аташади) валютани шартнома тузилган давр (муддатли курс) курси билан сотиш тўғрисида муддатли шартнома тузадилар. Агар бу муддатда валю-

та курси тушса, айиқлар валютани бозордан пасайган курсда сотиб олиб, уни муддатли курс, яъни олдинги шартномада кўрсатилган юқори курс бўйича сотадилар ва курслар ўртасидаги фарқ миқдорида фойда оладилар.

Валюта курсининг кўтарилишига ўйновчилар («буқалар») эса валюта курси ошиши кутилганда, валютани кейинчалик шартнома тузилган вақтдаги курс бўйича сотиб олишга келишилган муддатли шартнома тузадилар. Курс ошганда эса валютани муддатли шартномада белгиланган (олдинги) нарх бўйича сотиб оладилар ва ошган юқори нархда сотиб фойда кўрадилар.

Банклар томонидан амалга ошириладиган муддатли операциялар **форвард** операциялари деб юритилади.

Форвард операцияларидаги валюта курси спот шартномаси бўйича курсдан фарқланади. У мукофот ва чегирма усули билан ўрнатилади. Мукофот форвард курси спот курсидан мукофот миқдорига кўплигини билдиради. Форвард маржаси, яъни спот ва форвард орасида фарқ жаҳон капитали бозоридаги депозитларнинг фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Депозит фоизи кичик давлатларда валюта курси мукофот билан, катта давлатларда валюта курси чегирма билан белгиланади.

Касса ва форвард операцияларини мувофиқлаштирувчи валюта шартномаларидан бири **своп** шартномасидир. Бу шартнома икки валюта савдо-сотиғини дарҳол амалга ошириш шarti (spot) ва шу билан бирга унга қарши муддатли шартнома тузишни англатади. Масалан, долларни маркага спот шartiда сотиш ва шу захоти уни сотиб олиш бўйича муддатли шартнома тузиш ёки унга тесқари операция долларни маркага сотиб олиш спот шартномаси ва уни сотиш бўйича муддатли шартномани тузиш киради.

Форвард шартномаси турларидан бири **опцион** шартномасидир. Опцион шартномасини ўзига хос хусусияти сотиб олувчининг валютани эмас, балки уни сотиб олиш ҳуқуқини сотиб олишидир. Бунда сотувчи маълум валютани маълум миқдорда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи эса шу миқдордаги валютани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаслик ҳуқуқига ҳам эга. У бу учун сотувчига опцион мукофотини тўлайди. Агар сотиб олувчи ўз ҳуқуқидан фойдаланмаса, у мукофот суммасида зарар кўради.

«Спот», форвард ва опцион шартномалари банклараро бозорларда ва биржаларда амалга оширилади. Биржада амалга оширила-

диган ихтисослашган шартномаларга **фьючерс** шартномалари ки-ради. **Фьючерс** операциялари фьючерс шартномаларини сотиш ва сотиб олиш бўйича тузилади. **Фьючерс** операцияси валютани сотиб олиш ёки унга карама-қарши операция билан тугайди. **Фьючерс** операциясининг натижаси бу ютказган томоннинг ютган томонга шартнома тузилган ва амалга оширилган вақт орасидаги курси фарқини тўлашдир. Бу фарқни биржанинг ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси тўлаб беради. **Фьючерс** шартномалари имзоланиши билан биржанинг ҳисоблаш марказида рўйхатдан ўтади.

Фьючерс ва бошқа муддатли шартномаларнинг мақсади валюта операцияларини **хежирлаш** ёки чайқовчилик асосида фойда олишдир. Банклар ўз миқдорларининг валюта рискларини ўз зиммасига олсалар (форвард операция ўтказганда), унга тескари фьючерс битими ёрдамида бу рискларни камайтиради (йўқотади)лар. **Фьючерс** битими тугаганда эса улар реал товарлар битимидан кўрган зарарни, валюта курси орасидаги фарқдан олган даромади ҳисобидан қоплаш имкониятига эга бўладилар.

[175]. Валюта курси орасидаги фарқ туфайли фойда олиш мақсадида банклар валюта **арбитражини** ўтказишади. Бу валютани сотиш ёки сотиб олиш бўлиб, кейинчалик тескари битим қилиб, валюта курслари фарқи ёрдамида фойда олиш мақсадида ўтказишни ифодалайди. Арбитраж икки хил - жойлашувга кўра ва вақтли бўлади. Жойлашувга кўра арбитраж банкларнинг турли валюта бозорларидаги курс фарқи орқали фойда олишини билдиради. У валюта rischi билан боғлиқ эмас, чунки валюта савдоси бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Масалан, банк вакили Гонконгда валютани сотиб олади (сотади) ва шу вақтнинг ўзида у ўзининг Нью-Йоркдаги корреспонденти орқали шу валютани сотади (сотиб олади).

Вақтли арбитраж вақт ўтиши билан валюта курси орасидаги фарқ орқали фойда олишдир. Валюта арбитражи спот ва форвард шароитида амалга оширилиши мумкин ва бу турдаги операцияларда валюта рисклари мавжуд бўлади.

[176]. Банк валюта операцияларини бажарганда унга ўз валюта ресурсларининг бир қисмини сарфлайди. Бунда банкнинг хорижий валюталар бўйича мажбурият ва талаблари орасидаги нисбат ўзгаради. Банкнинг хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш жараёнида валюталар бўйича талаб ва мажбуриятлар нисбати ҳолати банкларнинг валютавий ҳолати дейилади. Валюта бўйича мажбуриятлар ва талаблар тенг бўлган ҳолда ёпик, тенг бўлмагани очик

валюта ҳолати дейилади.

Очиқ валютавий ҳолатида – банк валюта бўйича қарши битимни амалга оширганда валюта курсининг ўзгариши натижасида олдинги сотган валютасига нисбатан кам валюта олиши, яъни зарар кўриши мумкин. Шунинг учун бу ҳолатда валюта курсининг ўзгариши валюта рискининг вужудга келишига олиб келади.

Очиқ валютавий ҳолати узоқ ёки қисқа бўлиши мумкин.

Қисқа валютавий ҳолатида сотилган валюта бўйича мажбуриятлар, сотиб олинган валюта бўйича талаблардан ошади, яъни хорижий валютани сотиш уни сотиб олишдан юқори бўлади.

Узоқ валютавий ҳолатда эса, аксинча, хорижий валютани сотиб олиш уни сотишдан юқори бўлади, яъни сотиб олинган валюта бўйича талаблар уни сотиш мажбуриятларидан кўп бўлади. Бу ҳолатларни куйидаги мисоллар билан яққолроқ тушунтириш мумкин.

Масалан, эрталаб банкда Япон иени ва фунт стерлинг бўйича ёпик валюта ҳолати бўлсин. Банк очилиши билан миждоз банкка иенга фунт стерлинг сотиш тўғрисидаги мурожаат қилсин. Агар шу пайтда 1 фунт стерлинг курси = 172 иен бўлса, банк миждозга 172 валюта курси бўйича 1 миллион фунт стерлингни сотсин. Бунда банк очиқ валютавий ҳолатига эга бўлади.

Англия фунт стерлинги бўйича қисқа валютавий ҳолати = 1 000 000 фунт стерлинг.

Япония иени бўйича узоқ валютавий ҳолати = 172 000 000 Япония иени.

Банклар ҳар бир валютавий ҳолат бўйича рисклар даражасини белгилайдилар.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида валютавий ҳолатни доимий равишда назорат қилиш учун улар билан боғлиқ жараёнлар ЭҲМларига киритилади ва ундаги маълумотлар бўйича валюта рискларининг олдини олиш чоралари кўриб борилади.

4.7. Таянч иборалар

- *пассив операциялар*
- *депозит*
- *депозит сертификати*
- *депозит банки*
- *депозит индоссаменти*
- *депозит муассасаси*
- *кредит уюшмалар*
- *депозит мультипликатори*
- *депозитарий*
- *депозит сертификати*
- *нодепозитар*
- *инвестиция портфели*
- *инвестиция портфелини диверсификациялаш*
- *траст битимлар*
- *траст компания*
- *траст-вакил*
- *лизинг*
- *лизинг субъектлари*
- *лизинг объектлари*
- *лизинг турлари*
- *молиявий лизинг*
- *халқаро лизинг*
- *рентинг*
- *хайринг*
- *инкассо*
- *валюта курси*
- *валюта котировкаси*
- *валюта паритети*
- *валюта коридори*
- *валюта интервенцияси*
- *валюта конвертацияси*
- *валюта арбитражи*
- *хе жирлаш*
- *инвестицион сўсат*
- *инвестицион фаолият*
- *инвестицион иқлим*
- *хазина векселлари*
- *хазина мажбуриялари*
- *хазина облигациялари*
- *сертификат*
- *акцепт*
- *акцептант*
- *акцептлаш*
- *акцептланган чек*
- *банк акцепти*
- *комиссион операциялар*
- *траст операциялар*
- *аккредитив операция*
- *инкасса операциялари*
- *факторинг*
- *ишонч операциялар*
- *қимматли қозғалар*
- *эмитент*
- *халқаро операциялар*
- *валюта операциялари*
- *вексель*
- *трассант*
- *трассат*
- *вексель пролонгацияси*
- *тратта*
- *маркет-майкерлар*
- *фиксинг*
- *кросс-курс*
- *девальвация*
- *форвард*
- *опцион*
- *фьючерс*

4.8. Тест топшириқлари ва масалалар

2. Банк ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг:

- а) актив операциялари дейилади;*
- б) воситачилик операциялари дейилади;*
- в) лизинг операциялари дейилади;*
- г) пасив операциялари дейилади.*

3. Қуйидаги маблағларнинг қайси бири пасив операциялар таркибига киради:

- а) банкнинг ўз маблағлари;*
- б) жалб қилинган маблағлар;*
- в) корреспондент счётлардаги маблағлар;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

4. Қуйидаги операцияларнинг қайси бир тури ёрдамида банкнинг ўз маблағлари юзага келади?

- а) қимматли қозғаларни муомалага чиқариш йўли билан ресурсларни йиғиш;*
- б) депозит операцияларини амалга ошириш;*
- в) бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

5. Банкларнинг ўз маблағлари таркибига қуйидагилар киради:

- а) депозитлар;*
- б) банкнинг устав капитали;*
- в) контокоррент;*
- г) корреспондент счётлардаги маблағлар.*

6. Банкнинг жалб қилинган маблағлар таркибига қуйидагилар киради:

- а) банкнинг устав капитали;*
- б) банкнинг тақсимланмаган фойдаси;*
- в) депозитлар;*
- г) банкнинг захира капитали.*

7. Банкнинг ўз маблағларига банк пасивларининг:

- а) 15 фоизи тўғри келади;*
- б) 20 фоизи тўғри келади;*
- в) 25 фоизи тўғри келади;*
- г) 33 фоизи тўғри келади.*

8. Депозит – бу банкларда саклаш учун топширилган:

- а) пул маблағларидир;*
- б) қимматли қозғозлардир;*
- в) пул бадалларидир;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

9. Депозитлар – бу:

- а) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар;*
- б) божхона муассасаларига бож ва божхона йиғимлари тарзидаги тўловлар учун олдиндан берилган бадаллар;*
- в) суд ва маъмурий муассасаларга даввони ва судга келишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган пул бадаллари;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

10. Юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномада қатъий келишилган муддат ва унда кўрсатилган фоизларни тўлашга доир маблағлар:

- а) талаб қилиб олингунча депозитлардир;*
- б) жамгарма депозитлардир;*
- в) муддатли депозитлардир;*
- г) жамгарма (депозит) сертификатдир.*

11. Куйида қайд қилинган депозит турларининг қайси бири банкнинг энг арзон ресурсларидан ҳисобланади:

- а) талаб қилиб олингунча депозитлар;*
- б) жамгарма депозитлар;*
- в) муддатли депозитлар;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

12. Депозит мультиплакатори – бу:

- а) депозитларни бошқага ўтказиш ҳақидаги ўтказма хат;*
- б) банкка қўйилган маблағларнинг ҳар бир пул бирлигидан кўриладиган умумий даромад ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи кўрсаткич;*
- в) кредит муассасасининг омонатчисига депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, пул маблағлари депонент қилинганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳнома;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

13. Агар банк ўз мижозидан учинчи бир шахс, яъни аккредитив очилган шахс (бенефициарлар)га тўлов суммасини ўтказиш ҳақида топширик олса, у ҳолда банк:

- а) инкасса операциясини бажаради;*
- б) факторинг операциясини бажаради;*
- в) аккредитив операциясини бажаради;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

14. Қуйида қайд қилинган капитални бошқаришнинг қайси бир турига зарар кўриш хавфи умуман бўлмайди:

- а) қаттиқ консерватив бошқаришда;*
- б) агрессив бошқаришда;*
- в) ўртача консерватив бошқаришда;*
- г) консерватив бошқаришда.*

15. Қуйида қайд қилинган капитални бошқаришнинг қайси бир турида катта фойда билан бир қаторда катта зарар ҳам кўриш мумкин?

- а) консерватив бошқаришда;*
- б) агрессив бошқаришда;*
- в) ўртача агрессив бошқаришда;*
- г) кескин консерватив бошқаришда.*

16. Қуйида қайд қилинган субъектларнинг қайси бири лизинг субъектлари ҳисобланади?

- а) лизинг сотувчи;*
- б) лизинг олувчи;*
- в) лизинг берувчи;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

17. Кимлар лизинг берувчилар ҳисобланади?

- а) товар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар;*
- б) юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар;*
- в) тижорат банклари;*
- г) консигнаторлар.*

18. Кимлар лизинг олувчилар ҳисобланади?

- а) товар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар;*
- б) мулк эгалари;*
- в) маклерлар;*
- г) коммивояжерлар.*

19. Кимлар лизинг объектларини сотувчилар ҳисобланади?

- а) ускуналарни ишлаб чиқарувчилар.*
- б) савдо фирмалари;*
- в) моддий таъминот ташкилотлари.*

г) нотўғри жавоб йўқ.

20. Эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс:

- а) лизинг берувчи ҳисобланади;
- б) лизинг олувчи ҳисобланади;
- в) лизинг объектини сотувчи ҳисобланади;
- г) а + в

21. Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс:

- а) лизинг олувчи деб эътироф этилади;
- б) лизинг берувчи деб эътироф этилади;
- в) лизинг сотувчи деб эътироф этилади;
- г) б + в.

22. Қуйида қайд этилган субъектларнинг қайси бири лизинг берувчилар ҳисобланади?

- а) хорижий лизинг компаниялари;
- б) давлат ва маҳаллий органлар;
- в) сугурта компаниялари;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

23. Қуйида қайд этилган объектларнинг қайси бири лизинг объекти бўлиши мумкин?

- а) корпорациялар;
- б) бино ва иншоотлар;
- в) кўчлар ва кўчмас мулк;
- г) а + б + в.

24. Ер участкалари, табиат объектлари ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк:

- а) лизинг объекти бўлиши мумкин эмас;
- б) лизинг объекти бўлиши мумкин;
- в) истисно тариқасида лизинг объекти бўлиши мумкин;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

25. Лизинг объектдан гаров сифатида фойдаланиш мумкинми?

- а) мумкин;
- б) мумкин эмас;
- в) истисно тариқасида мумкин;
- г) а + в.

26. Молиявий лизинг – бу:

а) лизинг олувчига ускуналарни дам-бадам алмашиб туриш зарурияти тугилган ҳолларда қўлланилади;

б) кўпроқ ишлаб чиқариш даври билан боғлиқ бўлган лизинг бўлиб, объекти қисқа даврга, яъни унинг яроқли даврдан кам даврга, қисқароқ вақтга ижарага берилади;

в) ижарага олинган мулкнинг тўла қийматини ва ижарачи фойдасини қоплашни назарда тутди;

г) нотўғри жавоб йўқ.

27. Револьвер лизинг – бу:

а) фақат мамлакат доирасидаги лизингдир;

б) фақат мамлакатлараро лизинг муносабатларини тавсифлайди;

в) лизинг олувчига ускуналарни дам-бадам алмашиб туриш зарурияти тугилган ҳолларда қўлланилади;

г) нотўғри жавоб йўқ.

28. Соф лизингда ижарага олинаётган мулк билан боғлиқ бўлган барча хизматлар, уни таъмирлаш, сўғурталаш каби операциялар:

а) лизинг олувчининг зиммасига юклатилади;

б) лизинг берувчининг зиммасига юклатилади;

в) лизинг сотувчининг зиммасига юклатилади;

г) нотўғри жавоб йўқ.

29. «Хўл» лизингда ижарага олинаётган мулк билан боғлиқ бўлган барча хизматлар, уни таъмирлаш, сўғурталаш каби операциялар:

а) лизинг сотувчининг зиммасига юклатилади;

б) лизинг берувчининг зиммасига юклатилади;

в) лизинг олувчининг зиммасига юклатилади;

г) а + б.

30. Ўзининг ускуналари етмаётган фирмалар, одатда:

а) тезкор лизингдан фойдаланишади;

б) индивидуал лизингдан фойдаланишади;

в) аралаш лизингдан фойдаланишади;

г) қайтарилувчи лизингдан фойдаланишади.

31. Сублизинг – бу:

- а) лизинг объектининг бошқа учинчи лизинг олувчига топширишни билдиради;
- б) учинчи шахс томонидан лизингда фойдаланиш ҳуқуқини кўзда тутмайдиган лизинг туридир;
- в) асосий лизинг туридир;
- г) б + в.

32. Лизинг шартномаси тузилиш муддатига кўра ижара операциясининг:

- а) рентинг турида бўлиши мумкин;
- б) хайринг турида бўлиши мумкин;
- в) лизинг турида бўлиши мумкин;
- г) барча қайд қилинган турларида бўлиши мумкин.

33. Қисқа муддатли ижара (рентинг):

- а) бир йилдан уч йил муддатгача бўлади;
- б) бир кундан бир йил муддатгача бўлади;
- в) уч йилдан йигирма йил ва ундан кўпроқ муддатгача бўлиши мумкин;
- г) бир кундан олти ой муддатгача бўлади.

34. Валюта котировкаси деганда:

- а) алмаштириш учун тақдим этилган валюталар курсини ва улар ўртасидаги нисбатни ўрнатиш тушунилади;
- б) бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган нарх тушунилади;
- в) пулнинг пулга сотилиш нархи тушунилади;
- г) валюталар бирлиги ўртасидаги валюталар паритети тушунилади.

35. Пулнинг пулга сотилиш нархи:

- а) валюта паритети дейилади;
- б) валюта котировкаси дейилади;
- в) валюта курси дейилади;
- г) а + б.

36. Кросс-курс деганда:

- а) миллий валюта курсининг давлат томонидан расман пасайтирилиши тушунилади;
- б) миллий валюта курсининг давлат томонидан расман туширилиши тушунилади;

*в) икки валюта ўртасида учинчи валютага нисбатан аниқла-
надиган курслар нисбати тушунилади;*

г) нотўғри жавоб йўқ.

37. Миллий валюта курсининг давлат томонидан расман пасайтирилиши:

а) ревальвация дейилади;

б) девальвация дейилади;

в) конвертация дейилади;

г) валюта коридори чегарасини белгилаш дейилади.

38. Биржада амалга ошириладиган ихтисослашган шартномаларга:

а) фьючерс шартномалари қиради;

б) опцион шартномалари қиради;

в) своп шартномалари қиради;

г) форвард шартномалари қиради.

4.9. Назорат учун саволлар

121. Пассив операциялар деганда нимани тушунасан?

122. Депозит нима?

123. Депозитларнинг қандай турларини биласан?

124. Депозит сертификати, депозит банки, депозит индоссаменти, депозит муассасаси ва депозит мультиплекатори тўғрисида нималар дея оласан?

125. Депозитарий нима?

126. Энг арзон ва энг қиммат депозитларни қандай фарқлаш мумкин?

127. Депозитларни баҳолашнинг қандай усуллари биласан?

128. Йирик ҳажмдаги депозит сертификати (С) тўғрисида нималар дея оласан? Унинг афзаллиги ва камчилиги нимада?

129. Нодепозитлар нима ва уларнинг банк сурсларини ташкил қилишдаги роли қандай?

130. Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолиятни олиб боришдан мақсад нима?

131. Инвестицион иқлим деганда нимани тушунасан?

132. Банкнинг инвестицион функциялари нималардан иборат?

133. Банк инвестицион функцияларини баҳолашда қандай воситалардан фойдаланади?

134. Ғазна векселлари, мажбуриятлар ва облигациялар инвестиция функциясини бажаришда қандай ўрин тутади?

135. Сертификатлар инвестиция функциясини бажара оладими?

136. Банк акцепти нима? Инвестиция функциясини бажаришда акцептнинг афзаллик ва камчиликлари нимада?

137. Капитал бозорида қўлланиладиган мажбурият ва облигациялар пул бозорида қўлланиладиган мажбурият ва облигациялардан қайси афзалликлари ва камчиликлари билан фарқ қилади?

138. Қайси турдаги қимматли қоғозлар воситасида банк инвестиция функциясини бажаришни хуш кўради?

139. Инвестиция воситаларини танлаш жараёнига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

140. Инвестиция портфелини диверсификациялашдан мақсад нима?

141. Комиссион операциялар деганда нимани тушунасиз ва уларнинг қандай турларини биласиз?

142. Ўз мижозларининг капиталини бошқаришнинг қандай турлари мавжуд?

143. Траст битимлари нима ва улар қандай ҳусусиятларга эга?

144. Лизинг нима? Унинг субъектлари кимлар ҳисобланади?

145. Лизинг субъектлари нималарга жавобгардирлар?

146. Лизинг хизматида кимлар воситачи ролини бажаришлари мумкин?

147. Нималар лизинг объекти бўла олади?

148. Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи ким томонида бўлади?

149. Лизинг объекти билан боғлиқ қандай хавфларни биласиз? Улар суғурталанадими?

150. Лизинг берувчи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

151. Лизинг олувчи ва сотувчи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

152. Лизингнинг қандай турларини биласиз?

153. Лизинг шартномаси нима? Нималар унинг муҳим шартлари ҳисобланади?

154. Лизингнинг кредитдан ёки прокатдан фарқи нимада?

155. Мулкни лизингга бериш лизинг сотувчи учун қандай афзалликларни беради?

156. Мулкни лизингга бериш лизинг берувчига қандай стратегик масалаларни ҳал қилишга имкон беради?

157. Лизинг операциялари лизинг олувчига қандай афзалликлар беради?

158. Хорижий давлатларда лизинг муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

159. Мамлакатимизда қандай лизинг компаниялари мавжуд?

160. Банклар қимматли қоғозлар бозорида қандай операциялар бажаради?

161. Тижорат банклари ўзларининг қимматли қоғозларини қай тартибда чиқаради?

162. Банклар томонидан қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишларига доир қандай чекловларни биласиз?

163. Банклар томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширилишига доир қандай талаблар қўйилади?

164. Халқаро операциялар деганда нимани тушунасиз?

165. Валюта операцияларини бажариш зарурати нимада?

166. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида қандай турдаги ҳисоб шакллари қўлланилади?

167. Банк чеки ва банк вексели тўғрисида нималар дея оласиз?

168. Хужжатли аккредитив билан хужжатли инкассо ҳисоб-китоблар қайси жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади?

169. Валюта котировкаси ва валюта курси деганда нимани тушунасиз?

170. Кросс-курс нима? У қандай аниқланади?

171. Валюта курсини барқарорлаштиришда давлат ҳам қатнашадими?

172. Валюта конвертацияси нима учун зарур?

173. Валюта бўйича сотувчи ва сотиб олувчи курслар ҳақида нималар дея оласиз?

174. Валюта операциялари жараёнида қандай турдаги шартномалар тузилади?

175. Валюта арбитражи нима мақсадда ўтказилади?

176. Банкларнинг валютавий ҳолати деганда нимани тушунасиз?

5-606. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ

5.1. Кредит сиёсатининг моҳияти

[177]. Маълумки, кредит деганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади. Бу муносабат икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси пулга мухтож, яъни қарз олувчи. Айтиб бериш керакки, бир субъект бир вақтнинг ўзида ҳам қарз берувчи, ҳам бошқалардан қарз олувчи бўлиши мумкин. Масалан, банк аслида пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида воситачи, айтиб бериш керакки, унинг ўзи бўш пулни қарзга олади, сўнгра уни бошқаларга қарзга беради.

Банкнинг кредит сиёсати – бу кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Бошқача қилиб айтганда, кредит сиёсати – банк кредит ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги қарорлар қабул қилиш имконини берувчи ҳолда ва чекланишлар мажмуи ҳисобланади.

Банк кредит портфелининг таркиби банкнинг кредит сиёсатини яққол намойиш қилади. Агар банкнинг кредит портфелида ноаниқликлар мавжуд бўлса, банк раҳбари бу кредит портфелини қайта кўриб чиқиши ёки умуман ман этиши мумкин. Тижорат банкларининг кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади ва банк кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва амалда жорий этади. Бу сиёсатни ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк кенгаши ва бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахсларига юклатилади.

Кредит сиёсатининг характери банк кредит портфелининг таркибига, банк ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳудуднинг иқтисодий ҳолатига қараб аниқланади. Банкнинг кредит сиёсати унинг жорий банк стратегияси ва иқтисодий ҳолатига мувофиқлигини таъминлаш учун банк кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Шундай қилиб, банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш банк фаолиятини тартибга солиб турувчи органлар томонидан белгиланган андозалар (стандарт)га амал қилиш ва фойда келтирувчи кредитлар беришни таъминловчи механизмлардан биридир. Бу сиёсат қўйидаги масалаларни қамраб олади:

- кредит портфелини тузишдан мақсад, кредит турлари ва сифати, уларни қайтариб олиш (тўлаш);
- кредит беришга, унинг энг юқори баҳоси ва турини аниқлаб, тасдиқловчи ваколатли банк ходими ҳақида ахборот;
- кредит бошқармаси доирасида қарор қабул қилиш ва маълумотлар бериш мажбурияти;
- мижозлар томонидан кредит олиш учун берилган аризаларни қабул қилиш тажрибаси;
- ҳар бир кредит аризасига илова қилиниши, шунингдек, кредит ишида сақланиши лозим бўлган зарур ҳужжатлар (молиявий ҳисобот, гаров ва кафиллик шартномалари ва бошқ.);
- кредит бўйича ҳужжатлар тўпламининг сақланиши ва текширилиши учун масъул шахсларнинг ҳуқуқлари;
- кредит таъминотини (гаровни) қабул қилиш, баҳолаш ва сотишнинг асосий коидалари;
- кредит сиёсати кредитларга ўрнатадиган фоиз ставкалари ва ҳақлари, уларни тўлаш шартларининг (баёни);
- барча кредитларга қўлланиладиган сифат андозаларининг таърифи;
- кредит қўйилмаларининг энг юқори миқдори;
- банк кредит қўйилмаларининг асосий қисми йўналтирилган ҳудуд ёки тармоқ таърифи;
- муаммоли кредитлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни йўқотиш тажрибалари таърифи.

Банк кредит сиёсатининг талқини ушбу банк учун жуда муҳимдир. Чунки унда банк ходими бажариши лозим бўлган вазифалар ўз аксини тўлиқ топади. Бу сиёсат ёрдамида кредит мутахассиси кўзлаган бир қатор мақсадларига, яъни даромадлиликни таъминлаш, хатар даражасини назорат қилиб пасайтириш чораларини кўриш, банк фаолиятини назорат қилиб тартибга солиб турувчи органлар талабларини қондиришга эришади.

[178]. Кредит сиёсати кредитлашнинг турли кўрсаткичлари (кредит турлари, иқтисодий тармоқлари, жуғрофий ҳудудлар ва бошқ.) бўйича кредитларнинг тўпланиши даражасини аниқлаш ва

уни мониторинг қилиш тўғрисидаги талабларни ўз ичига олади. Кредит сиёсати мунтазам равишда раҳбариятга топшириладиган тегишли ҳисоботларни тайёрлашга доир талабларни белгилаб беради.

Кредитни тўлаш муддати уни тўлашнинг бирламчи ва иккиламчи манбаларини синчиклаб баҳолаш асосида белгиланади. Бу сиёсат раҳбарият нуктаи назаридан ҳар хил тоифа ва турдаги кредитларни тўлашнинг мақбул дастурларидан иборат бўлади. Кредит сиёсати кредитлар беришнинг максимал муддатларини белгилайди. Бундан ташқари, ушбу сиёсат:

- кредитнинг асосий суммасини кредит тўлаш муддатининг сўнггида ва кредит тўлашнинг бошланғич муддати узайтирилаётганда қайтариладиган кредит турларини бериш тартибини;
- тўловларни ўз вақтида тўланишни таъминлаш, маблағларнинг қайтарилиши ва берилган кредитлар бўйича қарзни ундириб олиш бўйича чора-тадбирларни;
- кредит бериш босқичида ҳам, кейинги мониторинг босқичида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш, нақд пул оқими ва бошқа маълумотлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш юзасидан қўйиладиган талаблар банк кредит сиёсатида аниқ ифодаланиши, банклар талаб қиладиган маълумотлар эса миллий бухгалтерлик ҳисоби стандартларига (МБҲС) мувофиқ тақдим этилиши керак.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини (ликвидлик, қопланиш, мухторлик коэффициентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров таъминоти экспертизаси ва б.) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тадбирлари батафсил ёритилади. Шу нуктаи назардан тижорат банки қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш услубини аниқ белгилаб олиши зарур.

[179]. Кредит сиёсатида гаров таъминотига нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

- энг аввало, муайян турдаги қимматликлар (кўчмас мулк, автомобиллар ва б.) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламини расмийлаштириш тадбирларини белгилаши;
- бу сиёсатда гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кре-

дитни тўлаш манбаси (нақд пул ёки давлат қисқа муддатли облигациялари (хазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилиши;

- гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олиши;

- гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаши лозимлигининг аниқ ёритилиши;

- турли гаров тоифаларини баҳолаш услублари батафсил акс эттирилиши лозим.

Булардан ташқари, кредит сиёсати кўчмас мулк, ишлаб чиқариш жихозлари ва истеъмол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларни тўлаш ҳисобига қарздор томонидан бўнак тўловларини киритишга доир муайян талабларни ўз ичига олиши зарур.

Кредит сиёсатида кредит мониторингига нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

- кредитларни таснифлаш тизимининг аниқ ифодаланиши;
- кредит ходимларининг кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари;

- кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши;

- фоизларни ўстирмаслик мезонлари; шунингдек, банк бошқаруви ва кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим.

Булардан ташқари, ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин зарарлар сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилиши керак. Бу сиёсат қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар қўрилишини талаб қилиш керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

[180]. Кредит сиёсатида банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор кредитлар рўйхатини белгилаш ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар юзага келувчи минимал йўқотишлар билан киритилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан:

- тасдиқланган кредит сиёсати мувофиқлигини таъминлаш ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби;
- молиявий таҳлил;
- гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш;
- кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш;
- конунчилик меъёрларига риоя қилиш каби баҳолашларни ҳам ўз ичига олади.

Булардан ташқари, кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан банк бошқаруви ва кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича топшириладиган кредит портфели сифати ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилайди.


5.2. Кредит, унинг функциялари ва турлари

[181]. Пул бор жойда қарз олиш ва қарз бериш юзага келади, бу ишни банклар бажаради.

Кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади.

Банк ўзгалар пулини жамлаб уни ўз номидан кредитга беради. Бу ерда кредит муносабати икки субъект ўртаеида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи (кредитор) ва иккинчиси, пулга муҳтож, яъни қарз олувчи (қарздор).

Кредит муносабати амалга ошиши учун унинг зарур унсурлари, яъни кредитнинг объекти ва субъекти бўлиши лозим (34-чизма).



34-чизма. Кредит муносабатлари.

Кредит субъектлари ҳар хил, буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредитнинг объекти ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир.

Бўш пул уч хил бўлади:

- тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни пул капитали;

- аҳоли қўлидаги пул – эртами кеч эҳтиёжни қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолини қондириш воситаси;

- давлат ихтиёридаги пул. Бу ҳам пул капитали (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.

Айтилган турдаги бўш пуллар ссуда (қарз) фондиди ташкил этади ва унинг юзага келиши объектив тарзда муқаррардир. Қарзга берилган пул, яъни кредит ҳаракатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_б \longrightarrow K_о \longrightarrow K_и \longrightarrow K_{фк}$$

Бу ерда:

$K_б$ – кредит берилди;

$K_о$ – кредит олинди;

$K_и$ – кредит ишлатилди;

$K_{фк}$ – кредит фоиз (%) билан қайтарилди.

Шу тарзда бўш пуллар кредитнинг асосий шарт-қарз учун ҳақ тўлашни таъминлайди. Бу ҳақ қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан у қарз проценти деб юритилади. Қарз проценти пул бозорида амал қилади.

[182]. Кредит тўрт хил функцияни бажаради.

Биринчидан, пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексел, чек, сертификат ва б.) юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жалб қилади. (вексель – қарз мажбуриятномаси, чек – банкдаги пулни талаб қилувчи ҳужжат, сертификат – пул тўланганлиги, қарз берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат).

Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни нақд пулсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмни осонлаштиради ва тезлаштиради.

Иккинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурс-

ларининг кўчиб туришини таъминлайди. Қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, шахсий ва давлат секторининг бўш пул маблағлари, даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга муайян тўлов асосида берилади.

Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги мутаносибликлар (пропорциялар) ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

Учинчидан, қарз бериш туфайли муомала харажатларини тежаш имконияти туғилади. Маълумки, кредит вужудга келиш давридан бошлаб ҳақиқий пуллар (олтин, кумуш) ўрнини кредит пуллари – векселлар, банкноталар, чеклар бажариб келган. Айниқса, олтин (кумуш)нинг монетар роли ва унинг йўқолиб борганлиги туфайли кредитнинг бу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириб, унинг тезкорлиги ва кам харажатлилигини таъминлаб келмоқда.

Бу функция ссуда капиталига айланган қарзнинг муомалада бўлиш вақтининг тежалиши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданинг орттишига олиб келади. Хўжалик субъектлари пул маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиши ўртасидаги вақт бўйича фарқ фақатгина ортиқча маблағлар ҳажмини эмас, балки молиявий маблағларнинг етишмовчилигини ҳам аниқлаб беради. Шу сабабли корхона ва ташкилотларнинг ўз айланма маблағларининг вақтинчалик етишмовчилигини тўлдириш учун ссудаларни олиш кенг тарқалиб борапти.

Тўртинчидан, қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга эришилади. Масалан, банк кредити ҳисобидан қурилаётган қўшма ёки хорижий корхоналар республиканинг ва жаҳон бозорининг эҳтиёжини қондирса, бу ҳол кредитнинг иқтисодий ривожлантиришдаги функциясининг ижобий амал қилганлигидан далолат беради. Ва аксинча, кредит халқ хўжалигига турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб, миллий пул қадрсизланса ёки олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланилмаса ва мамлакат ўзининг бошқа даромад манбалари, масалан, олтинини сотиш ҳисобидан кредитни қайтарса, бу ҳол кредит функциясининг салбий амал қилганлигидан далолат беради.

[183]. Кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда, ким томонидан қондирилишига ва қарз олувчиларга таклиф қилинишига қараб, кредит бир неча турларга бўлинади (40-жадвал).

Кредит турлари

№	Туркумлаш белгилари	Кредит турлари
1	2	3
1	Кредит бериш муддатига қараб	1. Қисқа муддатли кредит (1 йилгача) 2. Ўрта муддатли кредит (1 – 3 йилгача) 3. Узок муддатли кредит (3 ва ундан юқори)
2	Кредитлаш объектларининг иктисодий моҳиятига қараб	1. Товар моддий бойликлари учун бериладиган кредитлар 2. Ишлаб чиқариш харажатлари (маҳсулотнинг янги турини ўзлаштириш, мавсумий харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар) учун бериладиган кредитлар 3. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун бериладиган кредитлар (аккредитив очилганда, тайёр маҳсулотни жўнатганда ва б.)
3	Тўлаш муддатига қараб	1. Муддатли кредитлар 2. Муддати кечиктирилган (пролонгация килинган) кредитлар 3. Муддати ўтиб кетган кредитлар
4	Кредитни тўлаш манбаларига қараб	1. Қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан таъминланадиган кредитлар 2. Грант маблағлар ҳисобидан 3. Янги кредитларни жалб қилиш ҳисобидан
5	Таъминланганлик даражасига қараб	1. Бевосита тўғри таъминланган кредитлар 2. Билвосита (бирор корхона ва ташкилот ҳисобидан) таъминланган кредитлар 3. Таъминланган кредитлар
6	Тўланган фоиз даражасига қараб	1. Ўртача (меъёрли) фоизли ставка 2. Юқори фоизли ставкадаги кредитлар 3. Паст фоизли ставкадаги кредитлар 4. Фоизсиз кредитлар

Узок муддатли кредитлашда кредитлар 3-5 йил муддатда берилди. 1 йилдан 3-5 йилгача бўлган кредитлар ўрта муддатли кредитлар дейилади. Қисқа муддатли кредит беришда кредитлар бир неча ойдан бир йилгача бўлган муддатда берилди. Бу турдаги кредитлар:

- айланма капитални тўлдирувчи;
- қурилиш мақсадида олинадиган «оралик»;
- қимматли қоғозлар дилерларига бериладиган;

- чакана савдо билан шуғулланувчи шахсларга бериладиган;
- ўз активлари ҳисобидан таъминловчи (дебиторлик қарзлари, факторинг ва товар-моддий захиралари билан таъминланган) кредитлар деб юритилади.

Узоқ муддатли кредитлар асосан асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ соҳаларни таъминлашга ишлатилади. Хусусан, бу кредитлар:

- қайта тиклаш мақсадида капитал харажатларни амалга ошириш учун;
- ҳаракатдаги асосий фондларни кенгайтириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар учун;
- янги қурилиш ва қўшимча юқори самарали тадбирлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун;
- янги фан, илмий техника соҳасида тадқиқотлар олиб бориш ва ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бошқалар учун ажратилади.

Муддати ўтган кредитлар (активлар) – қарздор томонидан кредит шартномасида кўзда тутилган тўлаш шартлари ва жадвали бузилган ҳамда асосий қарз ва унга доир фоизларнинг навбатдаги тўлови тўлов муддати етиб келганидан сўнг тўланмаган кредитлар.

Реструктуризация қилинган кредитлар (активлар) – қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши сабабли тўловнинг дастлабки шартлари ўзгарган кредитлар. Агарда банк томонидан қуйидаги амалларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, кредитлар (активлар) реструктуризацияланган ҳисобланади:

- фоиз ставкасининг камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизларнинг ундириб олинмаслиги;
- жами асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан воз кечиши;
- кредитни тўлаш муддатининг кечиктирилиши ёки узайтирилиши;
- фоизларга доир тўловларнинг бир қисми ёки умумий миқдоридан воз кечиш;
- оддий шароитларда қарздорга берилмай, балки кредитни реструктуризациялаш зарурлиги натижасида қилиниши мумкин бўлган бошқа ён беришлар.

Ўстирилмайдиган кредитлар (активлар) – белгиланган тартибга мувофиқ фоизлар ҳисобланиши тўхтатилмайдиган кредитлар (активлар).

Яхши таъминланган кредитлар – қимматли қозғалар бозорида баҳоланадиган мулк ёки кредитнинг асосий суммаси ва унга доир фоизларни тўлиқ қоплаш имконини берадиган миқдорда банк депозитлари кўринишидаги гаров билан таъминланган кредитлар.

Қисман таъминланган кредитлар (активлар) – «яхши таъминланган кредитлар (активлар)» мезонига мувофиқ келмайдиган таъминотга эга кредитлар. Хусусан, уларга доир тақдим этилган гаров қиймати кредит суммаси ва унга доир фоизларнинг 100 фоизидан, шунингдек, гаровни сотишда кўзда тутилаётган харажатлардан кам (эълон қилинган гаров қийматидан қатъий назар) ёки эълон қилинган қиймат бўйича гаровнинг сотилиши шубҳа туғдирадиган кредитлар.

Таъминланмаган кредитлар (активлар) – бирор-бир таъминотсиз берилган кредитлар. Одатда, бундай кредитлар қарздорнинг кучли тушумлари потенциали ёки унинг яхши кредит тарихи асосида берилади. «Таъминланмаган кредитлар»га гаров белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган кредитлар ҳам кирилади.

[184]. Жаҳон амалиётида банк ўзини-ўзи қопловчи кредитлар асосан товар-моддий захиралар, хом ашё ва материаллар ҳамда сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотларни молия билан таъминлаш мақсадида олинади. Бундай кредитнинг афзаллиги шундаки, тадбиркор ўз фаолияти учун зарур бўлган нақд пулнинг етарли миқдори билан таъминланади. Бунда:

- нақд пуллар хом ашё ва материаллар, чала ва тайёр маҳсулотларни сотиб олиш учун ишлатилади;
- маҳсулотлар асосан сотиш учун тайёрланади;
- савдо асосан кредит ҳисобидан амалга оширилади;
- савдо орқали олинган маблағ банкдан олинган кредитни қоплашга ишлатилади.

Айланма капитални тўлдириш учун олинadиган кредитлар ҳам вазифасига кўра, ўз-ўзини қопловчи кредитга ўхшаб, товар, хом ашё, материаллар сотиб олиш, тайёр маҳсулотлар захирасини тўлдириш учун узоғи билан бир йил муддатга олинади.

Бу кредитнинг фарқи шундаки, у асосан мавсумий талабни қондириш учун олинади.

Масалан, ёз мавсумида қийиладиган замонавий кўйлақлар тиқиш учун кредит талаб қилинганда, банк ушбу миқдорга 6 ойдан 9 ойгача муддатга кредит тизимини очади ва миқдор зарур бўлганда ушбу тизимдан шу муддат ичида фойдалана олади. Агар миқдор шу давр мобайнида кредитнинг тўла ҳажминини ёки каттагина қисминини

тўлашга эришса, банк мижознинг талабига кўра, кредит муддатини яна чўзиши мумкин. Айланма маблағни қоплаш учун олинadиган кредит фирманинг дебиторлик қарзи ёки товар-маҳсулотлар ҳисобидан таъминланади ва тизим доирасида сузиб юрувчи фоиз ставкасида фоиз ўрнатилади. Мижоз бу кредитни қоплаш учун ўзининг депозит ҳисобварағида олинган кредитнинг камида 15-20 фоизи миқдорида маблағларни сақлаши лозим. Мажбурият учун комиссия ҳақи, асосан, кредит тизимининг фойдаланилмаган қисмидан олинади.

[185]. Кўпгина банклар томонидан берилadиган қурилиш учун мўлжалланган кредит кенг тарқалган кредитлардан бири бўлиб, бу кредит асосан уй, бино, иншоот ва офислар қуриш учун олинади. Бундай кредит кўчмас мулк учун ишлатилишига қарамаздан, у қисқа муддатга берилadi. Кредитни олувчилар уни ишчиларни ёллашга, вақтинчалик керак бўлadиган асбоб-ускуналарни ижарага олиш, қурилиш материаллари ҳамда бино ва иншоотларни қуриш учун ерларни сотиб олишга ишлатадилар. Ривожланган давлатларда мижоз банкдан олган кредитни бошқа кредитордан ёки молия ташкилотидан мижознинг гаров мулки ҳисобига қоплаши мажбуриятини банкка тақдим қилмагунча, банк бундай мижозларга, яъни қурувчи ва лойиҳачиларга кредит бермайди.

Давлатга тегишли ва хусусий қимматли қоғозлар савдоси билан шуғулланувчи дилерларга уларни сотиш ёки муддати тугаганда ҳисобдан чиқаргунга қадар янгиларини сотиб олиш ва мавжуд қимматли қоғозлар портфелини қўллаб-қувватлаш учун қисқа муддатли кредитлар керак бўлади. Бундай кредитларни банклар кўпинча ҳеч қандай тўсқинликсиз берадилар, чунки бундай кредитлар юқори сифатли ҳисобланиб, улар асосан давлатнинг қимматли қоғозлари билан таъминланган бўлади. Бундан ташқари, бундай кредитлар жуда қисқа муддатга берилadi (бир кундан бир неча кунгача). Агар шароит ёмонлашса, банк кредитни қайтариб олади ёки фоиз ставкасини кўтаради.

Бундай кредитлар янги корпоратив облигациялар, акциялар ва давлатнинг қимматли қоғозларини жойлаштирувчи инвестиция фирмаларига берилadi. Инвестиция фирмалари янги қимматли қоғозларни капитал бозорида сотиши натижасида кредитлар ва уларга ўрнатилган фоизлар тўланади.

Чакана савдо билан шуғулланувчи шахсларга кредитлар асосан автомобиллар, электр-хўжалик моллари, мебель ва бошқа узок муддат ичида фойдаланилadиган товарларни сотиб олиш учун, савдо

бўйича шартнома имзолангандан сўнг юзага келган дилернинг дебиторлик қарзини маблағ билан таъминлаш мақсадида берилади. Банк дилерларнинг шартномаларини таҳлил қилади. Агар шартнома ўрнатилган талабларга жавоб берса, банк бу шартномаларни сотиб олади, риск даражаси ва таъминот сифати ҳамда кредит муддатини эътиборга олиб, фоиз ставкасини ўрнатади. Чакана савдо билан шуғулланувчи шахслар кредит олиш билан бирга сотувдан тушган тушумлари ҳисобидан ссуда ҳисобварағидаги маблағларни қоплайдилар.

[186]. Револьвер кредит шартномаси бўйича кредит олувчи фирма кредит тизими муддати ичида белгиланган миқдорда кредит олиши, олинган қарзнинг бир қисмини ёки тўлиқ ҳажмини тўлаши ва зарур ҳолларда яна қарз олиши мумкин. Бу кредитнинг афзаллиги шундаки, уни олаётганда фирма махсус гаров билан кредитни таъминлаши шарт эмас ва бу кредит қисқа муддатга ёки 3-5 йил муддатга берилади. Мижоз нақд пуллари тушуми ҳажмини ва келажакда олинадиган кредит ҳажмини аниқ билмаса, револьвер кредитдан фойдаланади. Револьвер кредит миқознинг ишлаб чиқаришда бўладиган тебранишларини тартибга солишда муҳим омил бўлади. Мижоз фаолияти давомида даромади ошган вақтда кредит ҳажмини тўлаб боради, сотув ҳажми камайиб, нақд пул оқими қисқарса, кредит тизими муддатига кўра, банкдан қўшимча маблағ олиш имконига эга бўлади. Келишилган кредит ҳажмида миқознинг кредит учун берилган ҳар бир талабномасини тўлиқ ва ўз вақтида қондирилиши ҳисобига банк миқоздан хизмат ҳақи олади.

Мажбуриятлар учун олинadиган ҳақ икки хил бўлади:

- шартнома мажбурияти;
- тасдиқланган кредит тизими.

Шартнома мажбурияти бўйича банк миқозга энг юқори ҳажмда келишилган фоиз ставкаси билан кредит беради. Бундай ҳолларда миқознинг молиявий аҳволида «сезиларли салбий ўзгаришлар» юз берганда ёки миқоз шартнома бандларини бажармаганда, банк тўловларни тўхтатиши мумкин.

Тасдиқланган кредит тизими бўйича банк, кредит олувчи фирманинг аризасига кўра, фавқулодда ҳолларда кредит беради. Бундай пайтларда асосан кредит рейтинги (кредитни тўлаш бўйича баҳоси) юқори бўлган миқозларга берилади ва уларга ўрнатиладиган фоиз ставкаси анчагина паст бўлади.

[187]. Узоқ муддатли лойиҳаларни молиялашга берилadиган

кредитлар келажакда нақд пул тушуми билан таъминловчи асосий капитални тўлдириш мақсадида молиялаш учун олинадиган кредит бўлиб, банк учун анча хатарлидир. Мисол тариқасида нефтни қайта ишлаш заводлари, шахталар, электр станцияларини кредит билан таъминлашни олиш мумкин.

Бундай лойиҳаларга бериладиган кредитлар хатари турличадир:

- ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жуда катта ҳажмдаги маблағлар ажратиш лозим;
- молия билан таъминланаётган лойиҳанинг амалга ошиши муддати об-ҳаво шароити ёки қурилиш материалларининг етишмаслиги сабабли кечикиши мумкин;
- амалдаги қонун ва қоидаларнинг ўзгариши лойиҳанинг амалга ошишига салбий таъсир кўрсатиб, қурилишнинг тугашига тўсқинлик қилиши ва бунинг натижасида қурилиш таннархи ортиши мумкин.
- фоиз ставкасининг кўтарилиши кредитор ёки лойиҳани молия билан таъминловчи ҳомий муассаса ёки ташкилот фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Лойиҳаларни молиялаш кредити асосан уни биргалиқда амалга ошираётган бир нечта йирик компанияларга берилади. Шунингдек, йирик ҳажмдаги бундай кредитларни бир неча кредиторлар биргалиқда беришлари ҳам мумкин.

Ушбу лойиҳалар ўз вақтида бажарилмаса, кредитлар қарз олувчининг ҳомийлари томонидан қайтарилади. Кредит олувчига ҳеч ким ҳомийлик қилмаган тақдирда, кредитор, яъни банк жуда катта таваккалчиликка йўл қўйган бўлади.

5.3. Кредит шакллари

[188]. Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда улар алоқаси воситачилар орқали юз беради. Кредит муносабатларида иштирок этувчи субъектлар, кредит объекти ва мақсадни инобатга олган ҳолда кредитнинг куйидаги шакллари мавжуд (41-жадвал).

Кредитнинг асосий шакллари

№	Кредит шакллари	Изоҳ
1	Банк кредити	<ul style="list-style-type: none"> • Иқтисодиётда жуда кенг тарқалган кредит шакли бўлиб, унинг объекти пул маблағларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Бунда қарз олувчи сифатида ҳуқуқий шахслар, аҳоли, давлат, хорижий давлат фуқаролари иштирок этишлари мумкин. Қарз берувчи сифатида эса фақатгина банклар қатнашади.
2	Давлат кредити	<ul style="list-style-type: none"> • Кредитлаш аҳолига сотиладиган давлат заёмлари, облигациялари билан амалга оширилади. Шу билан бирга, давлат жисмоний ёки юридик шахслардан қарз олади. Демак, давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок этади.
3	Тижорат кредити	<ul style="list-style-type: none"> • Бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бу кредит молия ва товар кредити шаклида бўлиши мумкин. Молия кредити экспортёрларга айрим кредит битимлари бўйича, импортёрларга сотиб оладиган товарларига тўлаши учун пул қарзи кўринишида берилади. Товар кредитида товарлар насияга берилади, харидор сотувчига ўз қарзини тасдиқловчи гувоҳнома-вексель беради. Насияга берилган товар неча сўм турса, шу қарз миқдори ҳисобланади. Товар кредити лизинг шаклида ҳам бўлиши мумкин. Лизинг шартномалари бўйича қиммат турадиган машина ва ускуналар қарзга (ижарага) олиб ишлатилади.
4	Истеъмолчи кредити	<ul style="list-style-type: none"> • Тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади. Бу кредит аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам қарзлари ва бошқа кўришилларда қарз берилади. Бу фақат истеъмолни кондиритишга хизмат қилади.
5	Халқаро кредит	<ul style="list-style-type: none"> • Бу муддатли, қайтимли ва фоиз тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан

		иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган қарз, шунингдек, чет эл облигациялари, чет эл корхоналарининг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига фойда олиш мақсадларида қўйиладиган капитал.
6	Судхўрлик кредити	<ul style="list-style-type: none"> • Бу кредитнинг ўзига хос шакли. Хорижда кредитнинг бу кўриниши тарихан кенг тарқалган. Амалда бу кредит шакли Марказий банк томонидан тегишли лицензияга эга бўлмаган жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маблағларни вақтинча фойдаланиш учун бериш йўли билан амалга оширилади. <p>Судхўрлик кредити ссуда фозининг юкори ставкаси билан тавсифланади (120-180%).</p>

[189]. Истеъмол кредити тури банклар берадиган кредитлар ичида энг даромадли ва энг хатарлиси ҳисобланади. Истеъмол кредитининг энг хатарли дейилишига сабаб шундаки, бу кредитни олган шахс ёки оилаларнинг молиявий аҳволи касаллик ёки ишсизлик туфайли ёмонлашиши мумкин, бу ўз навбатида, кредитнинг қайтарилишини кечиктириши ёки умуман қайтмаслик хатарини юзага келтириши мумкин. Шунинг учун истеъмол кредитини бошқаришда банклар жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишлари лозим.

Ҳозирги пайтда истеъмол кредитининг бир нечта турлари мавжуд. Уларни бериш мақсадлари ва турларига қараб 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

Масалан, айрим шахс ва оилаларга бериладиган кредитлар янги уйлар сотиб олиш учун, яъни уйлар билан таъминланган кредитлар ёки бошқа мақсадлар учун, яъни автомобиль, йирик электр хўжалик моллари сотиб олиш учун олинадиган кредитлар ҳамда уй-жойдан ташқари бошқа мақсадлар учун бериладиган кредитлар.

Бошқа мақсадлар учун бериладиган кредитлар қайтарилишига кўра икки хил бўлади: маълум бир муддат ичида қайтариладиган ва бир йўла қайтариладиган кредитлар.

[190]. Жаҳон банк амалиётида «Уй-жойларни гаровга қўйиш ҳисобига» бериладиган кредитлар уйлар сотиб олиш ёки яшаш шароитини яхшилаш учун берилади. Яқка ёки кўп оилаларга мўлжалланган уйларни сотиб олиш учун 10-15 йиллик узоқ муддатли кредитлар берилади ва бу кредитлар ушбу уй билан таъминланган бўлади. Бундай кредитларга мутлак фозиз ставкалари ёки «сузиб юрувчи», бошқача айтганда, ўзгарувчан фозиз ставкаси ўрнатилади.

Мутлақ фоиз ставкаси ўзгариши орқали сузиб юривчи фоиз ставкаси ҳам ўзгаради. Мажбуриятни қоплаш учун олинадиган кредит хажмининг 1-2% ини ташкил қилувчи хизмат хақи (комиссияси) олдиндан олинади ва шу йўл билан қарздорга керакли вақтда, керакли ҳажмда кредит берилиши кафолатланади. Бундай кредитларни нафақат банклардан, балки банк холдинг компаниясига тегишли шўъба корхоналардан ҳам олиш мумкин.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврининг энг долзарб муаммоси бўлди ва унинг таъсири бутун жаҳон иқтисодиётини ларзага солди.

Ушбу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқшининг асосий сабаби сифатида АҚШда юзага келган ипотека бозоридаги танглик эътироф этилмоқда. Ипотека бозоридаги тангликнинг сабаби эса ипотека кредитларининг ўз вақтида қайтмаганлиги, яъни ипотека кредитларининг муаммоли кредитлар тоифасига айланишидир.

Ипотека кредитлари билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишига эса АҚШ ФЗТ томонидан қўлланган экспансион пул-кредит сиёсати ва ипотека кредитларининг хаддан ташқари эркинлаштирилганлиги сабаб бўлди.

АҚШ ФЗТ қайта молиялаш ставкаси 2006 йилдаги 5-6 фоиздан 2008 йилда 1 фоизгача туширилди. Пул бозорида пулнинг баҳоси арзонлашди. Бундан ташқари, ипотека кредитларининг банклар томонидан берилиши осонлашди. АҚШ фуқароси ҳеч қандай муаммосиз уйнинг гаровига ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ипотека инқирози банк активларининг кадрсизланиши, ўз навбатида, банкларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлик даражасининг пасайишига сабаб бўлди.

Уй-жойдан бошқа мақсадлар учун олинадиган кредитлар маълум бир муддат ичида тўланиши ёки бир йўла тўланиши мумкин.

Маълум бир муддат ичида тўланадиган кредитлар қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бўлиб, бунда кредит миқдори икки ёки уч қисмга бўлиниб тўланади (одатда ҳар ойда ёки ҳар чоракда бир марта) бундай кредитлар асосан ҳаракат воситалари, мебель, йирик электрхўжалик моллари сотиб олиш учун берилди. Бундай кредитларга асосан мутлақ фоиз ставкаси ўрнатилса ҳам, кейинги пайтларда «сузиб юривчи» фоиз ставкасини ўрнатиш амалиётда кўп қўлланилмоқда.

Бир йўла қайтариладиган кредитлар қисқа муддатли кредитлар бўлиб, жисмоий шахсларнинг нақд пул маблағига бўлган жорий эҳтиёжини қондириш учун берилади ва кредит муддати тугаши биланок унинг тўла ҳажми қайтарилади. Бундай кредитларнинг ҳажми кичкина бўлиб, муддати 30 кун ёки ундан ҳам кам бўлиши мумкин. Қисқа муддатга бир йўла қайтариш шарти билан бериладиган кредитлар банк учун сердаромад бўлиб, баъзида, мижознинг хусусиятига қараб йирик миқдорда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, меҳнат таътили ва даволаниш, йирик электр хўжалик молларини сотиб олиш ёки таъмирлаш, солиқ тўлашга кетадиган харажатларни қоплаш учун олинади.

[191]. Кредит карточкасига асосланиб бериладиган кредитлар ҳам маълум муддат ичида ёки бир йўла тўланиши мумкин. Кредит карточкаси эгалари унинг ёрдамида сотиб олган товарларига фоизсиз ҳақ тўлашлари ва қарзларни белгиланган муддат ичида қоплашлари ёки товар ҳақини бўлиб-бўлиб, ойига 12-18% йиллик фоиз миқдорида тўлаб боришлари мумкин. Кредит карточкаси асосида маълум муддат ичида кредит ҳақининг тўланиши бир йўла тўланидиган кредитларга қараганда банклар учун фойдалидир, чунки банклар бундай кредитлардан фоиз даромадлари оладилар.

Кредит карточкаси жуда қулай бўлиб, мижоз ундан кўпинча револьвер кредит тизимида кенг фойдаланади. Кредит карточкаларидан фойдаланиш технологияларнинг такомиллаши натижасида мижозлар кредит карточкалари орқали банк хизматларининг барча турларидан, шу жумладан, жамғарма ва ҳисоб-китоб хизматларидан ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Бу карточкалар билан хизмат кўрсатишнинг ривожланиши туфайли мижозлар банк хизматида ҳақ тўлашдан кўпинча озод бўладилар.

[192]. Банк турли хил мижозларга турли хил мақсадлар учун кредитлар бериши мумкин. Бериладиган кредитларни улардан фойдаланиш мақсадида кўра, еттита туркумга ажратиш мумкин:

- ипотека ссудалари, яъни кўчмас мулк асосида бериладиган кредитлар;
- молия институтларига, яъни банклараро молия ва суғурта компанияларига, шунингдек, бошқа молия муассасаларига бериладиган кредитлар;
- деҳқон ва фермер хўжаликларида ерларни ўзлаштириш ва ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш, чорва молларини ем билан

таъминлаш ишларини яхшилаш мақсадида бериладиган қишлоқ хўжалик ссудалари;

- савдо ва саноат корхоналарига товар-моддий захираларни сотиб олиш ва иш ҳақи бериш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун тадбиркор фирмаларга бериладиган кредитлар;

- хусусий шахсларга бериладиган истеъмол кредитлари. Буларга баҳосини бир неча муддат ичида тўлаш имконияти билан автомобиль сотиб, кўчма (сайёр) уйлар, электр хўжалик ва бошқа истеъмол моллари, уйларни таъмирлаш ва замонавий тус бериш, тиббий хизмат харажатларини қоплаш ва бошқа шахсий транспорт учун берилади;

- бошқа ссудалар юқорида қайд этилмаган ссудалар бўлиб, уларга қимматбаҳо қоғозлар билан таъминланган ссудалар ҳам киради;

- молиявий лизингда банк машина ва ускуналарни сотиб олади ва уларни мижозларга ижарага беради.

Юқорида келтирилган кредит турларини жаҳон банк амалиётидаги энг йириги ипотека ссудаларидир ва бу ссудалар бериладиган жами ссудаларнинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Савдо ва саноат корхоналарига бериладиган ссудалар ҳам жами кредит қўйилмаларнинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Ўз аҳамиятига кўра, учинчи ўринда турадиган ссудалар – булар хусусий шахсларга бериладиган ссудалар бўлиб, улар жами кредит қўйилмаларининг 1/5 қисмини ташкил қилади.

[193]. Банк кредитлари портфели таркибини аниқловчи энг муҳим омиллардан бири, бу энг аввало ушбу банк хизмат кўрсатаётган бозорнинг хусусиятидир. Ҳар бир банк мижозларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиб, уларни эътиборга олоғи лозим. Масалан, аҳолиси кўп бўлмаган шаҳар ва туманлардаги банклар асосан ипотека кредитлари (уй-жойларни гаровга олиш асосида) автомобиль сотиб олиш учун ёки хўжаликни бошқариш ва ривожлантириш учун сарф қилинадиган харажатларни қоплаш мақсадида кредит берадилар. Йирик ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, универмаглар, офислари кўп бўлган йирик шаҳарларда эса банклар кредит маблағларини товар - хом ашё захиралари, асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ишчиларга иш ҳақи тўлаш учун берадилар.

Албатта, ҳамма банклар ҳам ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳудуд шароитларига бутунлай боғлиқ бўлмайдилар. Уларнинг кўпчилиги бошқа банклардан маблағларнинг катта қисмини ёки қисман қарзга олишлари мумкин. Бундай фаолият кўрсатаётган банклар учун

улар жойлашган ҳудуд иктисодиётидаги салбий ўзгаришлар катта хавф туғдирмайди.

Банк кредитлари портфелига таъсир қилувчи яна бир муҳим омил бу – банкнинг ҳажмидир. Бунда банк сармоясининг ҳажми энг муҳим роль ўйнайди, чунки у бериладиган кредитни битта миждозга тўғри келадиган қийматини аниқлайди. Йирик банклар асосан йирик корхоналар, корпорациялар ва фирмаларга хизмат кўрсатади. Майдарок банклар эса, асосан нақд пул кўринишида ёки бир неча муҳлатга майда фирмалар, хусусий шахсларга чакана кредитлар беради.

Банк бошқарувчиларининг кредит сиёсати соҳасидаги тажрибаси ва малакаси кредит портфелининг таркиби ва ўсишига таъсир қилувчи муҳим омилдир.

Банк кредитининг баъзи бир турларини беришни тақиқловчи кредит сиёсати банкнинг кредит портфели сифатининг ўсишига тўсқинлик қилувчи хатардан сақлайди.

Кредит портфелининг таркиби кредит фаолияти орқали олинadиган даромадга ҳам боғлиқ. Банкнинг кредит билан шуғулланувчи ходимлари кредит бериш орқали олинadиган даромад билан банкнинг бошқа активлари орқали олинadиган даромадни солиштириб, таҳлил қиладилар. Натижада, банк даромадларининг асосий қисми кредитларга тўғри келадигани ҳақида бир хулосага келганларидан сўнг кўпроқ кредитлар беришни афзал кўрадилар.

[194]. Халқаро кредит – бир давлат, шу давлат банки, ҳуқуқий шахси томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларига, бошқа ҳуқуқий шахсларига муддатлилиқ ва тўловлилиқ асосида берилadиган кредит ҳисобланади. Бу кредит шакли кредит муносабатларининг халқаро миқёсда (давлатлар ўртасида) амалга оширилиши жараёнида юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, суверен давлат сифатида ўз ташқи иктисодий фаолиятини йўлга қўя бошлади. 1991 йилгача Ўзбекистон ташқи дунё билан мустақил шартнома тузиш ва амалга ошириш имкониятига эга эмас эди. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи иктисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистоннинг чет эл давлатлари, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлари билан ташқи иктисодий ҳамкорлигининг ривожланишига катта тurtки бўлди.

Халқаро кредит қуйидаги **хусусиятлари** билан характерланади:

- қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат муассасалари

ва ташкилотлари, ҳуқуқий шахслар (банклар, компаниялар) халқаро валюта-кредит ташкилотлари катнашадилар;

- қарзга олинган маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

- қарз берувчи мамлакатга тўланадиган ссуда фозининг манбаси қарз олувчи мамлакат аҳолиси томонидан яратилган ялли ички маҳсулот ҳисобланади.

Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташқи савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин. Шунингдек, халқаро кредит чет эл облигациялари, чет эл корхоналари акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига фойда олиш мақсадларида капитал қўйиш шаклида ҳам бўлади.

Халқаро кредит маҳаллий кредит билан бир қаторда фондлар айланишининг барча босқичларида катнашади. Халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида халқаро кредит қуйидаги **функцияларни** бажаради:

- мамлакатлар ўртасида капиталнинг қайта тақсимланишини таъминлайди;

- капиталнинг концентрациялашувига ва марказлашувига шароит яратади ва бу жараёни тезлаштиради;

- ҳар хил валюталарда халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда муомала харажатларини қисқартиради.

[195]. Халқаро кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда ким томонидан қондирилишига, шунингдек, қарз олувчиларга таклиф қилинишига қараб халқаро кредит бир неча турларга бўлинади (42-жадвал).

Халқаро давлат кредити икки томонлама келишув асосида ривожланган давлатлар томонидан ривожланаётган давлатларга товар ёки валюта шаклида, фозиз тўлаш ёки фозиз тўламаслик шарти билан, узоқ ёки қисқа муддатга берилади.

Халқаро банк кредитларининг:

- банк экспорт кредитлари (хорижий импортёрларга хусусий тижорат банклари, махсус ташқи савдо банклари томонидан бериладиган кредит);

- еврокредит (йирик тижорат банклари томонидан евровалюта бозори ресурслари ҳисобидан евро-валютада, икки йилдан ўн йилгача бўлган муддатда, ўзгарувчи фозиз ставкада кредитлар бериш) каби турлари мавжуд.

Кисқа муддатли халқаро кредитларни – халқаро валюта фонди, ўрта муддатли кредитларни – Жаҳон ривожланиш ва тараққиёт банки, узоқ муддатли (йигирма йилгача) кредитларни – Европа ривожланиш ва тараққиёт банки бериши мумкин.

42-жадвал.

Халқаро кредит турлари

№	Туркумлаш белгилари	Халқаро кредит турлари
1	2	3
1.	Кредитлаш характери бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • давлатлараро кредитлар • хусусий кредитлар • фирма кредитлари
2.	Кредитлаш шакли бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • давлат кредити • банк кредити • тижорат кредити
3.	Ташки савдо тизимида тутган ўрни бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • экспортни кредитлаш • импортни кредитлаш
4.	Кредитлаш муддати бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • кисқа муддатли (1 йилгача) • ўрта муддатли (1-5 йилгача) • узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ)
5.	Кредитлаш объекти бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • товар кредити • валюта кредити
6.	Таъминланганлик даражаси бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • товар-моддий бойликлар билан таъминланган кредитлар • ҳужжатлар билан таъминланган кредитлар

Халқаро валюта-кредит ташкилотларидан олинган кредитлар хусусий тижорат банклардан олинган кредитлардан (бу кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси йилига 7 – 9 % ни ташкил қилади) арзон тушади.

[196]. Экспорт ва импортни кредитлаш деганда ташки савдони кредитлаш тушунилади. Экспортни кредитлаш куйидаги шаклларда олиб борилади:

- Харидорлар бўнақлари эвазига юзага келувчи кредит шакли. Бунда харидорлар бўнақлари бирор бир мамлакатга ёки экспортёрга берилди ва улар хорижий буюртмачининг буюртмасини таъминлаш манбаи сифатида хизмат қилади. Шу билан бир қаторда бўнақ суммаси экспортёр капиталининг салмоғини оширади.

- Банк кредити эвазига юзага келувчи кредит шакли. Бунда экспортёр мамлакат гарови остида кредит берилди, шунингдек,

импортёр мамлакатда товар ҳужжатлари ёки товарларини гаровга олган ҳолда ҳам кредит берилади.

Банк билан анчадан бери бирга ишлаб келаётган ишончли йирик экспортёр фирмалар банкдан товарларни гаровга қўймасдан банк кредитини олишлари мумкин.

Импортни кредитлаш ҳам тижорат ва банк кредити шаклида бўлади. Бу кредитлар иккига бўлинади:

- **Очиқ ҳисоб бўйича кредит** (экспортёр юкланган товарларни импортёр қарзи сифатида унинг ҳисобига ёзиб қўяди, импортёр эса кредитни маълум бир муддатда тўлаш жавобгарлигини олади). Бунда қарздорлик вақти-вақти билан тугатилиб борилади. Товар ҳам ўз навбатида мунтазам жўнатилиб борилади. Бу ҳолатда банклар савдо контрагентлари ҳисоб-китобларида воситачи функциясини бажаради.

- **Вексель – кредит**, бунда экспортёр товарни кредитга сотиш битимини имзолаб тратта (ўтказма вексель) ни импортёрга тақдим этади. Охирида товар ҳужжатларини олган шахс траттани акцептлайди, яъни вексель суммасини кўрсатилган муддатда тўлаш жавобгарлигини олади.

Импорт бўйича банк кредитлари қуйидаги шаклларда ҳам бўлиши мумкин:

- **Акцептли кредит** – акцепт ёки импортёр банкнинг экспортёр траттасини тўлаш розилиги билан берилади. Бунда импортёр тўлов вақти келганда банкка қарз суммасини маълум қилади, банк унинг экспортёр олдидаги жавобгарлигини ёпади.

- **Акцептли рамбусли кредит** – импортёрга хизмат қилувчи хорижий банк томонидан кафолатлаш шарти билан банк томонидан векселни акцептлаш орқали амалга оширилади. Бу ҳолда импортёр тратта тугаши вақтида ўз воситасини траттани акцептлайдиган хорижий банкка ўтказиш рамбуслаш учун ўз банкка олиб келиши керак. Шундан сўнг охириги шахе экспортёрга траттани ўрнатилган муддатда тўлайди.

5.4. Кредитлаш тамойиллари ва кредит бериш тартиблари

[197]. Кредит ва кредитлашнинг ўзига хос қоидалари борки, улар махсус тамойилларда ифода этилади. Булар:

- кредитнинг қайтувчанлиги;
- кредитнинг муддатлилиги;
- кредитнинг таъминланганлиги;
- кредитнинг мақсадлилиги;
- кредитнинг тўловлилиги;

дир. Мижоз мазкур иш билан фақатгина бир неча ой банд бўлса ва яшаш жойда қисқа вақт ичида турган бўлса, кредит мутахассиси бундай миждозга кредит беришни рад қилиши мумкин.

5. Қарзни тўлаш босқичлари таҳлил қилинганда, **миждознинг йиллик ва ойлик даромади** аниқланади. Бунинг маъноси шуки, кредит мутахассиси қарзнинг ҳар бир қисмини ўз вақтида тўлик қайтарилишини таъминлаш учун миждознинг хатти-ҳаракатини назорат қилади ва бу билан миждознинг ўз маблагларини бошқариш қобилиятини ўрганади.

6. Банк кредитини қайтариш омилларидан бири, **кредитнинг таъминланганлигидир**, яъни миждозга тегишли уй, бино, иншоотнинг мавжудлигидир. Бундан ташқари, телефоннинг мавжудлиги ҳам бирон бир муаммо пайдо бўлганда, банкка миждоз билан харажатсиз боғланиш имкониятини беради.

Барча омиллар ичида энг асосийси, **миждоз маълумотларининг тўлақонлилиги, миждознинг самимийлиги ва ростгўйлигидир**. Чунки миждоз ўзининг соғлиги, келажақдаги бандлиги тўғрисидаги нотўғри маълумот берса, банк бундан катта зарар кўриши мумкин. Шунинг учун истеъмол кредитларидан кутиладиган йўқотишларни камайтиришнинг асосий воситаси ликвид гаров ва кафолатларнинг мавжудлигидир.

[203]. Кредит талабномасининг қуйидаги кўрсаткичлари сифат индикатори бўлиб хизмат қилади. Булар миждознинг:

- фаолият соҳаси, машгулот тури;
- ёши, оилавий аҳволи;
- уй-жой билан таъминланганлиги;
- кредит бўйича рейтинг баҳоси;
- фаолияти ва унинг давомийлиги;
- сўнгги манзилда яшаш муддати;
- телефони;
- қарамогидаги шахслар сони;
- банкдаги ҳисобварақлари раками;
- даромад даражаси.

[204]. Жаҳон банк амалиётида кредит мутахассиси кредит талабномасини таҳлил қилишда кредит скоринги тизимидан фойдаланади. Мазкур тизим кредит талабномасининг ҳар бир бандига алоҳида баҳо беришга асосланган. ҳозирги вақтда жаҳон банк амалиётида кредит талабномасини баҳолашда балл тизимининг қуйидаги шкаллари қўлланилмоқда.

Балл	Кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор
28 гача	• Кредит бериш рад этилсин
29 - 30	• 500 \$гача кредит бериш мумкин
31 - 33	• 1000 \$гача кредит бериш мумкин
34 - 36	• 2500 \$гача кредит бериш мумкин
37 - 38	• 3500 \$гача кредит бериш мумкин
39 - 40	• 5000 \$гача кредит бериш мумкин
41 - 43	• 8000 \$гача кредит бериш мумкин

Бироқ балл тизимининг бундай шакли қўлланганда, банк ўз миждозларини йўқотиши мумкин. Чунки миждозлар ўзларининг кредит талабномаларини банк нотўғри баҳолаган, деган хулосага келиб, мазкур банк хизматидан фойдаланишидан бош тортиши мумкин. Бундан ташқари, талабноманинг конунга хилоф равишда баҳолашиши натижасида, миждоз банк устидан судга ариза бериши мумкин. Бундай шароитда банк ўзи қўйган ҳар бир балл баҳони далиллар билан исботлаб беришига тўғри келади. Баллик баҳо қўйишда банк юмшоқ баҳо сиёсатидан фойдаланмаса, ўзи жуда мушкул аҳволда қолиши мумкин.

[205]. Кредит инспектори ипотека кредити учун берилган талабномаларни баҳолашда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Қарздор тўлаши керак бўлган кредит миқдори билан гаров мулки харид баҳоси миқдорининг нисбати кредитор учун ипотека кредитининг энг муҳим ишонччилик омилдир. Олинаётган кредит миқдори гаров мулки баҳосидан анча юқори бўлиб, қарздор шартноманинг барча талабларини бажаришда масъулиятсиз бўлса, унинг шахсий мулки баҳоси кредит баҳосини қопламайди ва банк катта зарар кўради. Агар гаров харид баҳоси кредит миқдорининг 90 фоизини ташкил қилса, гаров сугуртаси муҳим ўрин тутди ва кредитор қарздор хусусияти ва масъулияти ҳиссини баҳолашда анча талабчан бўлиши лозим.

2. Ипотека кредити берилиши натижасида қарздор банкда яна бошқа операцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, депозит маблағлари ҳисобига уй-жойни таъмирлаш учун кредит олиши мумкин. Шу туфайли ипотека кредити берилганда, кредитср қарздор билан бўладиган барча муносабатларни ҳам эътиборга олиши лозим.

3. Миждоз депозит ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғининг барқарорлиги бериладиган ипотека кредитлари миқдори ва турларининг асосий омилдир. Барқарор депозит базасига эга банклар ипо-

тека кредитлаш сиёсатини изчил олиб бориш ва узоқ муддатга катта миқдордаги ипотека кредитлари бериш имкониятига эга бўладилар;

4. Кўчмас мулк асосида кредитлаш кредит инспекторидан кредит талабномасини таҳлил қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади:

- Мижоз даромадининг ҳажми ва барқарорлиги, айниқса ипотека кредити миқдори ва кредитни қоплаш учун йўналтирилган маблағ миқдори.

- Мижоз жамғармаси миқдори ва бирламчи тўлов манбаи. Агар ушбу тўлов миқдори жамғарма миқдорининг камайишига олиб келса, бунинг натижасида фавқулодда шароитларда, масалан, касаллик ёки оила аъзосининг ишсиз қолиши туфайли мижознинг зарур бўлиб қолиш эҳтимоли бўлган ликвид активлари қисқариб кетади.

- Гаров мулкка қарздорнинг муносабати. Агар мижоз гаров мулкни ўрнатилган талаблар даражасида сақламаса, у кредитни тўлиқ қайтара олмай, гаров мулкни қайтариб олиш ҳуқуқини йўқотганда, банк унга гаров мулк баҳосининг ортиқча миқдорини керакли кийматда қайтара олмайди.

- Ипотека кредитига ўрнатилган фоиз ставкасининг тури. Агар ипотека кредитига сузиб юрувчи фоиз ставкаси ўрнатилган бўлса, фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида сузиб юрувчи фоиз ставкаси ўрнатилган гаровдан кўра таянч фоиз ставкаси ўрнатилган гаровни сотиш анча қулайдир.

- Маҳаллий кўчмас мулк бозоридаги сотув ҳажми (агар мулк банк ихтиёрига ўтса). Иқтисодий таназзул вақтида кўчмас мулкка бўлган талабдан таклиф ошиб кетади ва банк ўзининг маблағини қайтариб олиш учун вақт керак бўлади.

5.5. Микрокредитлаш

[206]. Бугунги кунда Республикамиз банк тизими тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий ресурсларидан унумли фойдаланишига хизмат қилувчи амалий механизмини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан кредитлар бериш тартиби анчагина соддалаштирилди ва бундай маблағлар бугунги кунда яқка тадбиркорларга ҳам ажратилмоқда. Бу тартиб тадбиркорликни эндигина бошлаётганларга микрокредитлар бериш тўғрисидаги янги қоидалар билан тўлдирилди.

Микрокредит деганда кредит бериладиган кундаги биржадан ташқари валюта бозори курси ҳисобида 5000 (беш минг) АҚШ дол-

ларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Микрокредитлаш билан, одатда, жаҳон тажрибасида кредит уюшмалари ёки жамиятлари, банк ҳисобланмаган ташкилотлар шуғулланади. Марказий банк бошқа мамлакатлардаги тажрибаларни ўрганиб чиқиб, манфаатдор идоралар билан биргаликда «Кредит кооперативлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини (2000 йил январь) ишлаб чиқди. Бу лойиҳа ҳозирги пайтда халқаро экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Марказий банк янги қонун қабул қилингунга қадар ва вақтдан ютиш мақсадида «Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркорларни барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» ни ишлаб чиқди. Ушбу тартибнинг 1,4 бандида: «Микрокредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларигагина берилди»,– дейилган.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилди.

Микрокредитларнинг 50 фоизигача миқдори, 1,5 йил (18 ой) гача бўлган муддатда қайтариш шарти билан нақд пулда берилиши мумкин.

Банкларга ўз даромадлари ҳисобидан махсус микрокредитлаш жамғармасини ташкил қилиш тавсия этилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилди:

- кичик(мини) ускуналарни харид қилиш;
- хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш;
- хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр махсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харид қилиш;
- халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (қасаначилик)

ни ташкил қилиш;

- сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

- соғлиқни сақлашни ривожлантириш;

- сайёҳлик (туризм) соҳасини ривожлантириш;

- кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қоплаш;

- тамакичилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш;

- савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

- фойдаланилмайдиган шахсий мулкни ишлаб чиқариш мақсадларида харид қилиш.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Республикамызда иктисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида микрокредитларга кенг эътибор қаратилмоқда.

2006 йилда махсус “Микрокредитбанк” ташкил этилди. 2007-2008 йилларда ушбу банк активлари миқдори 3.5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Президент Фармони асосида “Микрокредитбанк” устав жамғармаси 72 млрд сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Президентнинг 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051 сонли Фармонига асосан Микрокредитбанк фоиз ставкалари бошланғич сармояни ташкил этишга 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун 14 фоиздан 7 фоизга ва микролизинг хизматлари учун 7 фоиздан 5 фоизгача туширилди.

Махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаларини

белгилаш тавсия этилади.

[207]. Микрокредит олиш учун юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари томонидан банкка куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- сўралаётган микрокредит миқдори кўрсатилган кредит аризаси;
- кредитни қайси мақсадга ишлатилиши кўрсатилган бизнес-режа.

Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Кредитнинг қайтарилмай қолиш хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи банкка куйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси;
- фуқаролар йиғинларининг маҳалла, қишлоқ, овул кенгашлари кафиллиги.

Банклар, ўзлари билан доимий алоқага эга, банк ҳисоб рақамидан мунтазам пул оқими мавжуд бўлган, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга бланкли (ишончли) микрокредит бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Микрокредитларнинг қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол-мулк гарови хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорида мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кафиллик **банк-бенефициар** фойдасига қарз олувчи ва кафил ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Фуқаролар йиғинининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгаши, кафиллик шартномасига мувофиқ, қарз олувчининг мажбуриятлари бўйича ўз мулки билан жавоб беради.

Кредит сўраб берилган аризанинг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан хулоса бериш муддати 5 иш кунидан ошмайди.

Кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредит бўлими ходими, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисоб рақамини очиш тўғрисида бухгалтерияга кўрсатма беради.

Микрокредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қарз олувчига кредит варақачаси очилади ва унинг ёрдамида кредит устидан назорат амалга оширилади.

[208]. Кредит миқдорнинг талаб қилиб олинганча депозит ҳисоб рақами жойлашган манзили бўйича берилади. Кредитлар алоҳида ссуда ҳисоб рақамини очиш ва ушбу ҳисоб рақамидан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий-товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан ёки микрокредитнинг 50 фоизгача миқдоридан нақд пул шаклида, пул чекларини тўлаш йўли билан берилади.

Нақд пул шаклида берилган микрокредитларни қайтариш ва уларнинг фоизларини тўлаш мажбурий тарзда банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан амалга оширилади.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига берилган микрокредитлар кредит ажратиш муддатига қараб мос равишда 12601 - «Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли ссудалар» ва 13801 - «Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган ўрта муддатли ссудалар» баланс ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

Алоҳида ссуда ҳисоб рақамлари бўйича берилган микрокредитлар бўйича кредит бўлими ходимининг фармойишига кўра муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар кредитлаш муддатларига қараб, тўла қайтарилгунига қадар 91901 - «Қарз олувчиларнинг қисқа муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» ва 91903 - «Қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» номли, кўзда тутилмаган шароитлар ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади. Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда коплашни кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин.

Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисоб рақами орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади.

Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим.

Мониторинг жараёнида банкка берилган гаров ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш бўйича жойларга бориб текширувлар ўтказиб турилади. Берилган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида берилган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофик ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан муддатдан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофик мустақил равишда, судга мурожаат қилмасдан, гаров предмети тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

[209]. Тижорат банклари ўз Низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияда кўрсатилган ҳуқуқларга мувофик равишда фақат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан харид қилиш учун чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин.

Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги микрокредитлар ўз кредит ресурслари ва четдан жалб қилинган кредит маблағлари, шу жумладан, хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширилади.

Чет эл валютасидаги микрокредитлар банклар билан қарз олувчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларидан белгиланадиган тижорат шартлари асосида нақдсиз шаклда берилади.

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада амалга оширилади. Асосий қарзни тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади, қарздорнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада тўланиши мумкин.

Четдан жалб қилинган кредит маблағлари ҳисобида чет эл ва-

144. Халқаро валюта-кредит ташкилотларидан олинган кредитлар хусусий тижорат банкларидан олинган кредитлардан:

- а) арзонга тушади;*
- б) жуда ҳам арзонга тушади;*
- в) қимматга тушади;*
- г) жуда ҳам қимматга тушади.*

145. Қуйида қайд қилинган тамойилларнинг қайси бири кредитлаш тамойиллари ҳисобланади?

- а) кредитнинг қайтаришлилиги;*
- б) кредитнинг муддатлилиги;*
- в) кредитнинг таъминланганлиги;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

146. Қуйида қайд қилинган тамойилларнинг қайси бири кредитлаш тамойили ҳисобланади?

- а) кредитнинг мақсадлилиги;*
- б) кредитнинг тўловлилиги;*
- в) кредитнинг самарадорлиги;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

147. Пул массаси (қиймат) ва ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ўртасида бўлиши зарур бўлган мутаносиблик (пропорциялар)нинг бир меъёри бўлиши:

- а) кредитнинг қайтаришлилиги тамойили воситасида таъминланади;*
- б) кредитнинг таъминланганлиги тамойили воситасида таъминланади;*
- в) кредитнинг муддатлилиги тамойили воситасида таъминланади;*
- г) кредитнинг тўловлилиги тамойили воситасида таъминланади.*

148. Кредитнинг самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

- а) $КС = ИЧ_x : K_x$;*
- б) $КС = K_x : ИЧ_x$;*
- в) $КС = P_x : K_x$;*
- г) $КС = K_x : P_x$.*

Бу ерда:

K_x – берилган кредитнинг ўртача хажми;
 $ИЧ_x$ – ишлаб чиқариш хажми;
 P_x – реализация хажми.

149. Ғарб мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг янги қондаси, яъни «5-С» қондасида С1:

а) қарз олувчининг бозордаги обрўси, унинг ҳолатини аниқлашни ифодалайди;

б) гаров (кафолат полиси, товар, моддий бойликлар)ни ифодалайди;

в) мазкур бизнеснинг ривожланиш юзасидан шартларини ифодалайди;

г) қарз олувчи сармоясининг етарлилигини ифодалайди.

150. Ташкилотга кредит бериш алоҳида ҳисоб варақда:

а) «кредит линиясини очиб» амалга оширилиши мумкин;

б) «кредит линиясини очмасдан» амалга оширилиши мумкин;

в) а+б;

г) тўғри жавоб йўқ.

151. Кредит талабномасининг қуйидаги қайси бир кўрсаткичлари сифат индикатори бўлиб хизмат қилади?

а) миқдорнинг фаолият соҳаси, машғулот тури;

б) ёши, оилавий аҳволи;

в) кредит бўйича рейтинг баҳоси;

г) а + б + в.

152. Микрокредит деганда кредит берилаётган кундаги биржадан ташқари валюта бозори курси ҳисобига:

а) 4000 (тўрт минг) АҚШ долларига;

б) 5000 (беш минг) АҚШ долларига;

в) 7000 (етти минг) АҚШ долларига;

г) 3000 (уч минг) АҚШ долларига эквивалент миқдордан ошмайдиغان ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

153. Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида:

а) 3 йилгача бўлган муддатга берадилар;

б) 2 йилгача бўлган муддатга берадилар;

в) 1 йилгача бўлган муддатга берадилар;

г) ярим йилгача бўлган муддатга берадилар.

154. Хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш захираларини харид қилиш учун за-

рур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига, қоидага кўра:

- а) 5 йил муддатгача берилади;*
- б) 2 йил муддатгача берилади;*
- в) 1 йил муддатгача берилади;*
- г) 3 йил муддатгача берилади.*

155. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга имтиёзли кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган хўжаликларга, қоидага кўра:

- а) камида 1 йил муддатга берилади;*
- б) камида 2 йил муддатга берилади;*
- в) камида 3 йил муддатга берилади;*
- г) камида 5 йил муддатга берилади.*

156. Инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун имтиёзли кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорликнинг барча субъектларига, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини кенгитириш ҳуқуқисиз:

- а) 1 йилгача муддатга берилиши мумкин;*
- б) 2 йилгача муддатга берилиши мумкин;*
- в) 3 йилгача муддатга берилиши мумкин;*
- г) 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.*

157. Айланма маблағларни тўлдириш учун кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзли кредитларнинг қайтаришнинг энг узоқ муддати, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда:

- а) 12 ойдан ошиши мумкин эмас;*
- б) 9 ойдан ошиши мумкин эмас;*
- в) 6 ойдан ошиши мумкин эмас;*
- г) 3 ойдан ошиши мумкин эмас.*

158. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитларни қайтаришнинг энг узоқ муддати:

- а) 12 ойдан ошиши мумкин эмас;*
- б) 24 ойдан ошиши мумкин эмас;*
- в) 30 ойдан ошиши мумкин эмас;*
- г) 36 ойдан ошиши мумкин эмас.*

159. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган айланма маблағлари учун берилган бошқа имтиёзли кредитлар бўйича улардан фойдаланиш муддатлари:

- а) 6 ой этиб белгиланади;*
- б) 12 ой этиб белгиланади;*
- в) 24 ой этиб белгиланади;*
- г) 30 ой этиб белгиланади.*

5.9. Назорат учун саволлар

177. Кредит сиёсатининг моҳияти нимада? Унинг мақсади ва стратегияси хусусида нималар дея оласиз?

178. Кредитларнинг тўпланиши ва уларни тўлаш муддати борасида банк қандай сиёсат юритади?

179. Кредит сиёсатида гаров таъминотиға ва кредит мониторингига нисбатан қандай талаблар қўйилади?

180. Кредит портфели нима ва уни аудит қилишда қандай сиёсат юргизилади?

181. Кредит нима? Унинг объекти ва субъекти деганда нимани тушунаси?

182. Кредит қандай функцияларни бажаради?

183. Кредит қандай турларға бўлинади?

184. Товар моддий захираларини ва айланма капиталини тўлдириш мақсадида олинadиган кредитлар бир-биридан нима билан фарқ қилади?

185. Қурилиш мақсадида олинadиган «оралик кредит» ҳамда қимматли қоғозлар дилерларига ва чакана савдо билан шуғулланувчиларға берилadиган кредитларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

186. Револьвер кредит деганда нимани тушунаси?

187. Узок муддатли лойиҳа учун берилadиган кредитнинг ўзига хос хусусияти нимада?

188. Кредитнинг қандай шаклларини биласиз?

189. Айрим шахслар ва оилаларға қандай турдаги истеъмол кредитлари берилиши мумкин?

190. Уй-жой ва бошқа мақсадлар учун берилadиган кредитлар бир-биридан нима билан фарқ қилади?

191. Кредит карточкасиға асосланиб берилadиган кредитларнинг ўзига хос хусусияти нимада?

192. Банк кредитини унинг мақсадиға кўра неча туркумға бўлиш мумкин?

193. Банк кредитининг таркиби ва унинг ўсиши қандай омилларга боғлиқ?
194. Халқаро кредит қандай кредит? У қандай функцияларни бажаради?
195. Халқаро кредит қандай тавсифланади?
196. Экспорт ва импортни кредитлаш деганда нимани тушунаси?
197. Кредитнинг қандай тамойилларини биласиз?
198. Кредитлашда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?
199. Кредит қандай тартибда расмийлаштирилади?
200. Кредит қандай тартибда берилади?
201. Кредит беришга доир йиғмажилдда қандай ҳужжатларнинг бўлиши талаб қилинади?
202. Кредитлаш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?
203. Кредит мутахассиси кредит талабномасини баҳолашда нималарга эътибор бериши лозим?
204. Истеъмол кредитини беришда қандай кўрсаткичлар сифат индикатори бўлиб хизмат қилади?
205. Кредит скоринги тизими деганда нимани тушунаси?
206. Ипотек кредит учун берилган талабномаларни баҳолашда кредит мутахассиси нималарга эътибор бериши керак?
207. Микрокредитлаш деганда нимани тушунаси ва у қандай мақсадларда берилади?
208. Микрокредитлаш қай тартибда расмийлаштирилади?
209. Олинган кредит қай тартибда қайтарилади?
210. Чет эл валютасида микрокредитлар қай тартибда берилади?
211. Имтиёзли кредит бериш жамғармаси тўғрисида нималар дея оласиз?
212. Имтиёзли кредитларни бериш қай тартибда расмийлаштирилади?
213. Кредитларни бериш ва қайтаришни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида нималар дея оласиз?

6-боб. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОЛИШ ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

6.1. Миждознинг кредит олишга лаёқатлилигини белгиловчи мезонлар

[214]. Миждознинг кредитга лаёқатлилиги деганда қарз олувчининг олган қарзини (асосий қарзи ва унинг фоизини) тўла ва ўз вақтида қайтара олиш қобилиятини тушунамиз. Жаҳон ва мамлакатимиз банк амалиётида миждознинг кредитга лаёқатлилигини белгиловчи қуйидаги мезонлар ўрнатилган:

- миждоз характери (фёъл-атвори);
- маблағни қарз олиш қобилияти;
- жорий фаолият давомида қарзни узиш учун маблағ ишлаб топиш қобилияти;
- миждоз капитали;
- кредитнинг таъминланганлиги;
- кредит операциясини бажариш чоғидаги шароитлар;
- қарз олувчи фаолиятининг қонуний жихатларини назорат қилиш даражаси.

Миждознинг фёъл-атвори деганда унинг юридик шахс, ёхуд менежер сифатида ўзини кўрсата олиш, қарзни ўз вақтида қоплашдаги масъулияти, кредитни олишдан мақсад ва унинг банк кредит сиёсатига мослигини аниқ билиши кабилар тушунилади. Юридик шахс сифатида ўзини кўрсата олиши эса миждознинг юрилтаётган фаолиятини мукамал билиши, ўз корхонасидаги иктисодий кўрсаткичларнинг мазкур тармоқнинг ўртача кўрсаткичларига мос келиши, ишбилармонлар (ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, кредитторлар) доирасидаги билимдонлиги кабилар билан белгиланади.

Менежер сифатида ўзини кўрсата олиши миждознинг қуйидаги жихатларида намоён бўлади:

- ўз касбини мукамал билиши (маълумоти, иш тажрибаси);
- ахлоқи;
- шахсий ва оилавий молиявий ҳолати;
- банк билан раҳбарлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ўрни.

Миждознинг қарз олиш қобилияти унинг кредит олиш бўйича бюуртмага ва кредит шартномасига имзо қўйиш ҳуқуқига ёки ваколатига эга эканлиги, ўзаро келишув ва битимларни тузиш ёшига етганлигида намоён бўлади.

Мижоз капиталини баҳолашда куйидаги иккита мезонга эътибор берилади:

- устав фондининг минимал даражасига (акционер капиталига) нисбатан қўйиладиган талабга миждоз капиталининг жавоб бера олиши, унинг етарлилиги ва молиявий левераж коэффициентлари даражалари;

- кредитланаётган операцияга ўз капиталини қўйиш даражаси. Бу кўрсаткич банк билан қарз олувчи ўртасида рискнинг тақсимоли тўғрисида далолат беради.

Ўз капитал қанчалик кўп қўйилса, шунчалик қарз олувчини кредит rischi омилларини синчковлик билан кузатишга мажбур этади.

Кредитнинг таъминланганлиги деганда қарз олувчи активининг қиймати ва қарзни узиш бўйича аниқ иккиламчи манбалар (гаров, кафолат, суғурта кабилар)нинг кредит шартномасида ўз аксини топганини тушунамиз. Агар актив қиймати ва қарз мажбуриятларининг нисбати қарз олувчи банкрот бўлганлиги тўғрисида хабар қилган ҳолда банк ссудасини узиш учун аҳамиятли бўлса, аниқ иккиламчи манбаларнинг сифати эса молиявий танглик ҳолатида миждознинг ўз мажбуриятларини бажариш кафолатини таъминлайди. Гаров сифати, кафолатнинг пухталиги, суғурта ҳам банк миждозлари ва пул оқими камайиб кетганда, банк балансида ликвидлик муаммоси туғилганда ёки капиталнинг тақчиллиги сезилган ҳолларда ўта муҳимдир.

Кредит операциясини бажариш чоғидаги шароитларга мамлакатдаги ва унинг минтакаларидаги, шунингдек, тармоқдаги иқтисодий ҳолат ва сиёсий омиллар киради. Бу шароитлар банкнинг ташқи rischi даражасини белгилайди. Айнан шуларга асосланиб пул оқими, балансининг ликвидлиги, капиталнинг етарлилик даражаси, қарз олувчинининг менежерлик маҳорати кабиларга баҳо берилади.

Ниҳоят, миждознинг кредитга лаёқатлилигини белгиловчи сўнги мезони, яъни **қарз олувчи фаолиятинининг қонуний жиҳатларини назорат қилиш даражаси** банкирни куйидаги саволларга жавоб олишга ундайди:

- қарз олувчинининг кредит олиши ва кредит тадбирларини амалга ошириши учун ҳуқуқий ва меъёрий асослари мавжудми?

- қонунчиликда кутиладиган эҳтимолий ўзгаришлар (масалан, солиқда) қарз олувчинининг фаолияти натижаларига қанчалик таъсир ўтказади?

- қарз олувчинининг ссуда, кредит олиши бўйича тузган бизнес-режасида, шартномада кўрсатган талабномаси қанчалик даражада

кредит сиёсатига мос келади?

Қайд этилган мезонлар миждознинг кредитга лаёқатлилиги ва унинг моҳиятини баҳолаш усулларини аниқлашга ёрдам беради. Бундай усуллар қаторига қуйидагилар киради:

- рискни баҳолаш;
- менеждментни баҳолаш;
- молиявий коэффицентлар асосида миждознинг молиявий барқарорлик даражасини баҳолаш;

- пул оқимини таҳлил қилиш;
- миждоз тўғрисида маълумотлар йиғиш;
- миждознинг иш фаолиятини кузатиш ва ҳ.к.

Гарчи баҳолаш усуллари ва мезонлар ягона тарзда қўлланилсада, юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда уларнинг кичик, ўрта ва йирик эканликларига алоҳида эътибор берилади. Шунга биноан у ёки бу усулларни комплекс ҳолда қўллаш зарурияти туғилади.

[215]. Жаҳон ва мамлакатимиз банк амалиётида миждознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда бир қатор молиявий коэффицентлар қўлланилади. У ёки бу коэффицентни қўллаш мазкур банк миждозларининг феъл-атвори, молиявий тангликка дуч келишидаги эхтимоллик даражаси, банкнинг кредит сиёсати кабиларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан барча молиявий коэффицентларни қуйидаги беш гуруҳга бўлиш мумкин:

- I. Ликвидлик коэффицентлари;
- II. Самарадорлик ёки айланувчанлик коэффицентлари;
- III. Молиявий левераж коэффицентлари;
- IV. Рентабеллик(фойдалилик) коэффицентлари;
- V. Қарзни коплашни тавсифловчи коэффицентлари.

Бу коэффицентлар ўз навбатида бир қатор хусусий кўрсаткичлар билан тавсифланади (43-жадвал).

**Мижознинг кредитга лаёқатлилигини тавсифловчи
молиявий кўрсаткичлар**

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
I	<p align="center">Ликвидлик коэффициентлари (2,0-1,25)*</p> <p>• Жорий ликвидлик коэффициенти ($K_{жл}$)</p> <p>Тезкор ликвидлик коэффициенти ($K_{тл}$)</p>	$K_{жл} = \frac{ЖА}{ПА}$ $K_{тл} = \frac{ЛА}{ПА}$	<p>$ЖА$ – жорий активлар; $ПА$ – пассив активлар, яъни киска муддатли қарз мажбуриятлари. Бу кўрсаткич қарз олувчининг ўз қарзини узиш қобилиятига эгами ёки йўқлигини ифодалайди. Агар банкнинг қарз мажбуриятлари ми- жоз маблагидан ортик бўлса, у ҳолда банк кредит беришга лаё- қатли бўлолмайди. Меъёрий коэф- фициент даражаси 1 дан кичик бўлмаслиги керак.</p> <p>$ЛА$ – ликвидли активлар. Ликвид активларга пул маблагла- ри, дебиторлик қарзлар ва тез со- тиш мумкин бўлган буюмлар- нинг бир қисми қиради.</p>
* Кўрсаткичларнинг меъёрий даражаси.			
II	<p align="center">Самарадорлик (айланувчанлик) коэффициентлари (0,25-0,6)*</p> <p>• Моддий буюмларнинг айланувчанлиги ($K_{ФА}$)</p> <p>а) $K_{F,4}$</p>	$K_{F,4} = \frac{\bar{F}}{T}$	<p>\bar{F} – моддий буюмларнинг ўртача қолдиги (мазкур даврда); T – бир кунлик сотувдан тушган тушум. Бу кўрсаткич буюмлар айланув- чанлигининг давомлилигини кун- да ифодалайди</p>

III	<p>б) K_{FA}</p> <ul style="list-style-type: none"> • Дебиторлик қарздорлигининг айланувчанлиги - $K_{да}$ (кунда) • Асосий капиталнинг айланувчанлиги - $K_{ка}$ • Активларнинг айланувчанлиги ($K_{А}$) 	$K_{FA} = \frac{T}{F}$ $K_{да} = \frac{\bar{K}}{T}$ $K_{ка} = \frac{T}{AФ}$ $K_{А} = \frac{T}{A}$	<p>Бу кўрсаткич мазкур давр ичида оборот маблағлари неча марта оборотда (айланишда) бўлганлигини ифодалайди</p> <p>\bar{K} – мазкур давр ичида қарздорликнинг ўртача қолдиги.</p> <p>T – соф сотув ва сотувдан тушган тушум;</p> <p>$AФ$ – мазкур даврда асосий фондларнинг ўртача қолдиқ қиймати.</p> <p>A – мазкур даврда активларнинг ўртача қиймати.</p>
	<p>Молиявий левераж коэффициентни ($K_{мл}$)</p>	<p>Бу коэффициент қарз олувчининг ўз капитали билан қай даражада таъминланганлигини характерлайди.</p> <p>Ликвидлик коэффициентидан фарқли ўлароқ левераж коэффициентини ҳисоблашда муддатларидан қатъий назар банк миқозларининг барча қарз мажбуриятлари инобатга олинади.</p> <p>Четдан жалб қилинган (қиска ва узок муддатли) маблағларнинг салмоғи қанчалик юқори бўлиб, ўз капиталининг салмоғи паст бўлса, шунчалик миқознинг кредитга лаёқатлилиги паст даражада бўлади.</p>	
	<ul style="list-style-type: none"> • Барча қарз мажбуриятлар ва активлар нисбати ($K_{мл1}$) • Барча қарз мажбуриятлари ва ўз капитали нисбати $K_{мл2}$ (0,25-0,6)* • Барча қарз мажбуриятлари ва акционерлик капитали нисбати (0,66-2,0)* ($K_{мл3}$) • Узок муддатли қарзлар ва асосий активлар нисбати ($K_{мл4}$) (0,5-1,5) 	$K_{мл1} = \frac{KM}{A}$ $K_{мл2} = \frac{KM}{\bar{YK}}$ $K_{мл3} = \frac{KM}{AK}$ $K_{мл4} = \frac{YMK}{AA}$ <p>KM – барча қарз (қиска ва узок муддатли) мажбуриятлар; A – активлар</p> <p>\bar{YK} – ўз капитали.</p> <p>AK – акционерлик капитали.</p> <p>YMK – узок муддатли қарзлар; AA – асосий активлар.</p>	

	<ul style="list-style-type: none"> • Ўз капитали ва активлар нисбати (K_{ML_1}) 	$K_{ML_1} = \frac{\check{Y}K}{A}$	$\check{Y}K$ – ўз капитали; A – активлар.
IV	Фойдалилик (рентабеллик) коэффицентлари	Бу кўрсаткич барча капитал ва унинг жалб қилинган қисмининг фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди ва у бир неча субкўрсаткичлар кўринишида бўлади.	
	<ul style="list-style-type: none"> • Фойда нормасини тавсифловчи коэффицентлар: 		
	а) $K_{\Phi 1}$	$K_{\Phi 1} = \frac{Y\Phi}{T}$	$Y\Phi$ – солиқ ва фойзлар тўловларига бўлган ялпи фойда.
	б) $K_{\Phi 2}$	$K_{\Phi 2} = \frac{CO\Phi}{T}$	$CO\Phi$ – соф операцион фойда (фойз тўловидан кейинги фойда, аммо солиқ тўловига).
	в) $K_{\Phi 3}$	$K_{\Phi 3} = \frac{C\Phi}{T}$	$C\Phi$ – барча солиқ ва фойзлар тўловидан кейинги соф фойда.
	<ul style="list-style-type: none"> • Рентабеллик коэффицентлари: 		
	а) K_{P_1}	$K_{P_1} = \frac{\Phi}{A}$	Φ – солиқ ва тўловлар тўловига бўлган фойда; A – актив.
б) K_{P_2}	$K_{P_2} = \frac{\Phi'}{A}$	Φ' – фойзлар тўловидан кейинги фойда, аммо солиқ тўловига.	
в) K_{P_3}	$K_{P_3} = \frac{C\Phi}{A}$		
Уч турдаги рентабеллик коэффицентларини биргаликда қўллаш натижасида рентабеллик даражасига таъсир қилувчи фойз ва солиқ ставкаларининг таъсир доираси аниқланади.			
	<ul style="list-style-type: none"> • Акцияга бўлган фойда меъёри коэффиценти (K_{AL}) 		
а) K_{AL}	$K_{AL} = \frac{D}{A}$	K_{AL} – акциядан даромад коэффиценти; D – оддий акциялар бўйича ди-	

		виденд; \bar{A} – оддий акцияларнинг ўртача сони. $K_{дд}$ – дивидендан даромад; $ЙД$ – битта акцияга тўғри келган йиллик дивиденд; $АБ$ – битта акциянинг ўртача бозор баҳоси.	
б) $K_{дд}$	$K_{дд} = \frac{ЙД \cdot 100}{АБ}$		
Агар сотувдан тушган тушумда фойда салмоғи ёки капитал фойдалиги ортиб борса, у ҳолда молиявий левераж коэффициентлари пасайган тақдирда ҳам миқдор рейтингини туширмаслик иложи қилиш мумкин.			
V	Қарзни қоплашни тавсияловчи коэффициентлар	Бу кўрсаткичлар бозор коэффициентлари деб аталади, фойданинг қандай қисми фоизлар ва тўловлар ҳисобига қопланганлик даражасини ифода қилади.	
	• Фоизнинг қопланганлик коэффициенти ($K_{ФК}$)	$K_{ФК} = \frac{\Phi}{ФТ}$	Φ – мазкур даврдаги фойда; $ФТ$ – мазкур давр учун фоиз тўловлари.
	• Фоиз тўловларининг қопланганлик коэффициенти ($K_{ФТК}$)	$K_{ФТК} = \frac{\Phi}{S}$	S = фоизлар + лизинг тўловлари + имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар + бошқа тўловлар.

Қайд қилинган барча молиявий коэффициентлар мазкур ёки истиқбол режалари маълумотларига асосланиб ҳисобланиши мумкин. Барқарор иқтисодиёт ёки миқдорнинг ҳолатидаги барқарорликнинг давомийлигига қараб қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш олдинги йилги маълумотлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Хорижий давлатлар амалиётида одатда сўнгги уч йил маълумотлари асосида кредитга лаёқатлилик даражаси аниқланади. Бунда коэффициентлар ўртача бир йил учун ҳисобланади. Уларни ҳисоблашда оборот маблағлари қолдиғи, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кассадаги ва ҳисоб рақамларидаги маблағлар, акционерлик капитали миқдори (устав фонди). ўз капитали ва ҳ.к.лар асос қилиб олинади.

[216]. Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш корхонанинг мол етказиб берувчилар, харидорлар ва банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, ижобий кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга бўлган корхоналар ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва унинг ҳисобидан товар-моддий бой-

ликларни сотиб олиши, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, олдиндан олинган кредитлар бўйича қарзларни тўлашга йўналтиришлари мумкин.

Салбий кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга бўлган корхоналар банкдан кредит олмаса-да, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш, сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллик кўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисида ахборотга эга бўладилар.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилишда маълумотларнинг ҳар хил манбаларидан фойдаланилади:

- бевосита мижозлардан олинган материаллар;
- мижоз ҳақида банк архивида мавжуд бўлган материаллар;
- мижоз билан иш юзасидан алоқада бўлган шахслар (унинг мол етказиб берувчилари, кредиторлари, унинг мижозлари, банклар ва бошқалар) томонидан берилган маълумотлар;
- шахсий ва давлат агентликлари ва ташкилотларининг ҳисоботлари ва материаллари (кредитга лаёқатлилик ҳақидаги ҳисоботлари, инвестиция бўйича маълумотлар ва бошқалар). Аммо бундай ташкилотлар ҳозиргача бизнинг амалиётимизда йўқ (Марказий банк қошидаги КАМП дан ташқари).

Банк томонидан ўрганиб чиқилган материалларни олган кредит бўлимининг экспертлари ўз банк архивига мурожаат қилади. Агар мижоз олдин ҳам кредит олган бўлса, архивда унинг кечиктириб тўланганлиги ва бошқа камчиликлари ҳақидаги маълумотлар бўлади. Ундан ташқари, банк бошқа кредит ташкилотлари билан алоқа ўрнатиб, ушбу қарздор тўғрисида маълумот олиши мумкин.

Кредитга лаёқатлиликни баҳолашда қуйидаги сифат жиҳатларга ҳам эътибор берилади:

- қарз олувчининг репутациясини ўрганиб чиқиш;
- кредит мақсадини аниқлаш;
- асосий қарз ва фоизларнинг қайси манбалар ҳисобидан қопланишини аниқлаш;
- банк қисман ўз бўйнига оладиган қарз олувчининг рискларини баҳолаш.

Қарз олувчининг репутацияси (обрў, шуҳрат, донги) синчковлик билан текширилади, бунда мижознинг кредит тарихини ўрганиб чиқиш жуда муҳимдир. Корхона раҳбарининг шахсий ва иш билан боғлиқ бўлган хислатларига катта эътибор берилади.

[217]. АҚШда потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатли-

лигини аниқлаш учун, ўз навбатида, кредит рискинни минималлаштириш учун, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, (277-бетга қаранг) 5 «С» номли усул фойдаланилади. Бу усул қуйидаги жиҳатларга асосланади:

- мижознинг репутацияси (обрўси, шуҳрати ва донғи) – **customer character**;
- тўлов қобилияти – **capacity to pay**;
- капитал – **capital**;
- ссуданинг таъминланганлиги – **collateral**;
- иқтисодий конъюнктура ва унинг истиқболлари – **current business conditions and goodwill**.

Бу усулга биноан мижознинг обрўси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк мижознинг: ўтмишда ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги, қарзларни тўлашда камчиликлар бўлганлиги, кредитланувчи субъектнинг иқтисодда, бозорда қандай мавкега эга эканлигини текширади. Бунда банк қарздор билан суҳбат олиб боради, архивдан мижоз тўғрисида материалларни олиб таҳлил қилади, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва ҳ.к.

Банк мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда улар маблагларининг уч манбасини чуқур ўрганиб чиқади. Булар:

- жорий касса тушумлари;
- активларни сотиш;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари (айтайлик, пул бозоридаги қарзлар).

Булардан ташқари, банк асосий эътиборини бошқа омилларга ҳам, хусусан, фирмаларнинг акционерлик капиталига, унинг тузилишига, актив ва пасивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбатига ҳамда қарзнинг таъминланишига, унинг етарлилик даражасига, сифатига ва қарзни тўламаслик ҳолда гаровни сотиш даражасига қаратади.

Буюк Британияда ҳам «Parts» номли қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш усули кенг тарқалган бўлиб, унда:

- кредитнинг мақсади – **purpose**;
- ссуданинг ҳажми – **amount**;
- қарзни тўлаш – **repayment**;
- муддати – **term**;
- ссуданинг таъминланганлиги – **security** кабилар таҳлил қилинади.

Баҳолаш сўнгида умумий шарт-шароитларга, хусусан, давлатдаги ишбилармонлик соҳасидаги иқлим, банк билан қарздорлар ҳолатига таъсир этувчи омиллар, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат, монанд товарлар бўйича ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги, солиқлар, хом ашёга бўлган нарх-наволар ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор берилади.

[218]. Қарз олувчининг ликвидлиги деганда унинг пул мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти тушунилади. Ликвид маблағлар ўзининг пулга тез айланиши даражасига қараб уч гуруҳга бўлинади (44-жадвал).

Баланс қаторларига асосланиб, қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш мумкин:

$$\text{Пул маблағлари} = 170+180+190$$

$$\begin{array}{l} \text{Тез} \\ \text{сотиладиган} \\ \text{талаблар} \end{array} = 200+220+230+240+250+260+270+280+290$$

$$\begin{array}{l} \text{Қисқа муддатли} \\ \text{мажбуриятлар} \end{array} = 420+430+440+450+460+470+480+490+500+510+530+(400+410 \text{ ўзгартиришлар билан})$$

Агар миқдорнинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан 2 барабар ва ундан ортиқ бўлса, миқдор молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади (44-жадвалга қаранг).

44-жадвал.

Ликвид маблағларнинг турлари

№	Ликвид маблағларнинг турлари	Баланс қатори
I	Биринчи гуруҳ ликвид маблағлари:	
	• Пул маблағлари	170
	шу жумладан	
	а) ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги пул маблағлари	180
	б) бошқа счётлардаги ва кассадаги пул маблағлари	190
II	Иккинчи гуруҳ ликвид маблағлари, яъни пулга тез айланадиган талаблар:	
	а) муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар	230
	б) бюджет билан ҳисоб-китоблар	240
	в) ишончли дебиторлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар	200-220
	г) корхоналар билан қисқа муддатли характерга эга бўлган бошқа	

III	операциялар бўйича хизматчилар билан ҳисоблашишлар	250-270
	д) таъсисчилар ҳамда бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар	280-290
	Учинчи гуруҳ ликвид маблағлари, яъни тез сотиладиган товар-моддий қимматликларининг захиралари бўйича талаблар:	
	а) ишлаб чиқариш захиралари ва келгуси давр харажатлари	120
	б) тайёр маҳсулот	140
	в) товарлар	150
	г) бошқа захиралар	
	Қисқа муддатли мажбуриятларни аниқлашда:	
	а) ўзгартиришлар киритмасдан олинадиган кўрсаткичлар:	
	• қисқа муддатли қарзлар	420
	• қисқа муддатли кредитлар	430
	• буюртмачилардан тушган аванслар	440
	Кредиторлар:	
	• мол етказиб берувчилар олдидаги қарзлар	450
	• бюджетга қарзлар	460
• иш ҳақи бўйича қарзлар	470	
• ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарз	480	
• мулкый ва шахсий сугурталаш бўйича қарз	490	
• бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз	500	
• шўъба корхоналар бўйича қарзлар	510	
• уюшма корхоналар бўйича қарзлар	520	
• бошқа кредиторлар	530	
б) ўзгартиришлар киритиб олинадиган (яқин уч ой муддатга) кўрсаткичлар:		
• узок муддатли қарзлар	400	
• узок муддатли кредитлар	410	

Мижоз баланс ва бошқа молиявий ҳужжатларга асосан кредитга лаёқатлилиқнинг қуйидаги кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин:

$$K_{кл} = \frac{1 \text{ ва } 2 \text{ гуруҳ ликвид маблағлар}}{\text{Қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Ликвидлик коэффиценти қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан қарзнинг қанча қисмини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади, яъни бу коэффицентдан миқдорнинг яқин келажакда тезкор равишда банк қарзини тўлаб бориш қобилиятини прогноз қилиш учун фойдаланилади. Ликвидлик коэффиценти қанча юқори бўлса, кредитга лаёқатлилиқ шунча юқори бўлади.

Қоплаш коэффиценти ($K_{кп}$) барча ликвид маблағларининг йиғиндисини қисқа муддатли қарз мажбуриятларига бўлиш ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{\text{кл}} = \frac{1, 2 \text{ ва } 3 \text{ гуруҳ ликвид маблағлар}}{\text{Қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Қоплаш коэффициентни мижознинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш учун барча турдаги айланма маблағларнинг етарли даражасини аниқлашга имкон беради.

[219]. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти ($K_{\text{АМА}}$) жорий активларнинг айланиш тезлигини аниқлаш мақсадида ҳисобланади. У муайян давр ичида айланма маблағларнинг неча марта айланганлигини ифодалайди:

$$K_{\text{АМА}} = \frac{\text{РҚМ}}{\text{АМК}}$$

Бу ерда:

РҚМ – реализация қилинган маҳсулот қиймати;

АМК – айланма маблағларнинг ўртача қолдиги.

Бу коэффициентни ҳисоблаш айланма маблағларнинг айланишини прогноз қилиш ва кредитлаш муддатини аниқлаш имконини беради. Бу кўрсаткичнинг тескари қиймати корхона айланма маблағларининг бир марта айланишига неча кун кетганлигини ифодалайди ($K_{\text{МК}}$):

$$K_{\text{МК}} = \frac{\text{АМК} \cdot 360}{\text{РҚМ}}$$

Айланма маблағларнинг айланишига кунлар сони қанчалик кам бўлса, шунчалик корхонанинг фойда олиши, бинобарин, кредитни банкка тўлаши тез амалга ошади.

[220]. Молиявий барқарорлик коэффициенти ($K_{\text{МБ}}$) мижознинг ўз маблағлари билан молиялаштириш манбалари таркибида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, бу кўрсаткич корхона фаолиятининг қайси бир қисми ўз капитал ҳисобидан молиялаштирилган деган саволга жавоб беради ва қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{\text{МБ}} = \frac{\text{ҚК}}{\text{БС}} \cdot 100$$

Бу ерда:

ҚК – корхонанинг ўз капитали;

БС – баланс суммаси.

Ўз маблағлари манбалари ва унинг миқдори қанчалик катта бўлса, мижознинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маб-

лағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Агар корхонанинг асосий воситалари ва оборотдан ташқари активлари ўз маблағлари манбаларидан юқори бўлса, у ҳолда корхона баланси ноликвид эканлигини кўрсатади. Ноликвид балансга эга бўлган корхоналар банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасдирлар.

[221]. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда юқорида қайд қилинган кредитга лаёқатлилиқни тавсифловчи кўрсаткичларни қуйидаги даврлар бўйича ҳисобланиши, яъни ҳисоб-китоб қилиниши лозим (45-жадвал).

Ҳисобланган кўрсаткичлар меъёрий талаблар билан таққосланади ва корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо берилиб кредит бериш мезонлари белгиланади. Кредит бериш бўйича миқдорлар синфларга ажратилади (46-жадвал).

Жадвалда келтирилган мезонлар бўйича биринчи синфга кирувчи миқдорлар умумий талаблар асосида кредитланиши мумкин. Лозим бўлганда уларга ишонч кредитлари (таъминланганлик талаб қилмасдан) берилади ёки бошқа энгилликлар берилиши мумкин.

45-жадвал.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Д а в р л а р			
		1 кв.	0,5 йил	9 ой	1 йил
1	Ликвидлик коэффициенти				
2	Қоплаш коэффициенти				
3	Молиявий барқарорлик коэффициенти				
4	Ўз айланма маблағларининг динамикаси				
5	Самарадорлик (фойдалилик) даражаси				
6	Тўланмаган қарзлар: <ul style="list-style-type: none"> • банк ссудалари бўйича • ҳисоб-китоблар бўйича 				
7	Айланма маблағларининг айланиши: <ul style="list-style-type: none"> • айланиш коэффициенти • кунларда айланиши 				

**Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларига қараб миждларни
синфларга ажратиш бўйича талаблар**

№	Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1.	Ликвидлик коэффициенти (K_L) ёки ¹	$K_L \geq 1,5$ $K_L \geq 2,0$	$1,5 > K_L \geq 1,0$ $2,0 > K_L \geq 1,25$	$1,0 > K_L$ $1,25 > K_L$
2.	Коплаш коэффициенти K_K	$K_K \geq 2,0$ $K_K \geq 7,0$	$2,0 > K_K \geq 1,0$ $7,0 > K_K \geq 2,0$	$1,0 > K_K$ $2,0 > K_K$
3.	Молиявий барқа- рорлик коэф- фициенти $K_{мб}$	$K_{мб} \geq 60\%$ $K_{мб} \geq 60\%$	$60\% > K_{мб} \geq 30\%$ $60\% > K_{мб} \geq 5\%$	$K_{мб} < 30\%$ $K_{мб} < 25\%$

Агар мижд 2-синфга тааллуқли бўлса ва унинг бошқа қўшимча кўрсаткичлари ижобий бўлса, унга умумий асосда кредит берилиши, баъзи энгилликлар қўлланилиши мумкин. Агар қўшимча кўрсаткичлар бўйича камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни яхшилаш учун чоралар кўришни талаб қилиш, кредит бўйича гаровни мустақкамлаш, фоиз ставкаларини ошириш, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин.

III синфга кирувчи миждлар аниқ гаров ва юқори фоиз ставка асосида кредит олади.

[222]. «А» корхонанинг баланси базис ва жорий даврларда қуйидаги маълумотлар билан характерланади (47-жадвал).

Ҳисоб-китоблар асосида қуйидаги хулосаларни ясаш мумкин:

- **Корхона баланси ликвидлиги** ижобий, чунки базис даврда баланс ликвидлиги 46 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич жорий даврда 55 фоизни ташкил қилган, яъни шу давр ичида баланс ликвидлиги 9 пунктга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвид маблағлари қисқа муддатли мажбуриятларидан камида икки баробар ортиқ бўлган тақдирдагина унинг молиявий аҳволи яхши деб ҳисобланади. Бу юқори мезон чегарасидир. Бизнинг мисолимизда бу нисбат базис даврда 2,1 бараварни (1:2а, яъни, 109627:51107) жорий даврда эса 2,3 бараварни ташкил қилган.

Хўжалик субъектларининг ликвид маблағлари унинг қисқа муддатли мажбуриятлари ҳажмига тенг бўлган ҳолларда ($1 = 2а$) ги кўрсаткич қуйи чегара сифатида олинади.

Ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятларнинг нафақат нақд пулнинг ўзи билан, балки жўнатилган маҳсулот, бажарилган

¹ Каранг Банковское дело Учебник 2-е изд. под ред. Лаврушина. М. «Финансы и статистика», 2001. с. 225

ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан ҳам қопланиши мумкинлигини кўрсатади.

• **Қоплаш коэффиценти** базис даврда 2,15 ни, жорий даврда эса 2,27 ни ташкил қилиб миқознинг биринчи синфга тааллуқлигини ифодалаяпти (47-жадвалга қаранг). **Ликвидлик коэффиценти** тегишли даврларда 0,55 ва 1,2 ни ташкил қилиб базис даврда миқознинг учинчи синфга мансуб эканлигини ифодаласа, жорий даврда у иккинчи синфга кўтарилади. Бундай ҳолларда миқознинг синфи бўйича аниқ бир хулосага келиш учун фақат бир йиллик давр эмас кўпроқ даврни, шу билан бир қаторда бошқа қўшимча кўрсаткичларни ҳам таҳлилга жалб қилиш зарур.

• Корхонанинг қарз олиш манбаларига муҳтож эмаслиги унинг ўз маблағлари билан қандай таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлиб унинг даражаси молиявий барқарорлик коэффиценти даражаси билан белгиланади.

Маълумки, корхонанинг ўз маблағлари манбалари таркибига:

- устав капитали;
- қўшилган резерв капитали;
- тақсимланмаган фойда;
- мақсадли тушумлар ва фоизлар;
- келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар;
- келгуси давр даромадлари киради.

47-жадвал.

Баланс маълумотларига асосланиб миқознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш тартиби

№	Кўрсаткичлар	Минг сўм		%
		Базис давр	Жорий давр	
1	2	3	4	5
1.	Ликвид маблағлар	109 627	138 991	126,8
	а) пул маблағлари	2474	11313	457,3
	б) тез сотиладиган талаблар	25606	62286	243,2
	в) тез сотиладиган захиралар	81 547	65392	80,2
2.	Мажбуриятлар - жами ш.ж.:	236136	250464	106,1
	а) Қисқа муддатли мажбуриятлар	51107	61179	119,17
3.	ўз маблағлар манбалари	185029	189285	102,3
	а) устав капитали	169181	169181	100,0
	б) резерв капитали	503	503	100,0
	в) тақсимланмаган фойда	15345	19601	127,7
4.	Узоқ муддатли активлар	126509	111473	88,1
5.	Айланма маблағлар:			
	а) жами, ш.ж.	109627	138991	126,8

	б) Ўз айланма маблағлар (3-4)	58520	77812	132,9
	в) айланма маблағларнинг ўртача қолдиги	54813	69496	126,8
6.	Соғилган маҳсулот ҳажми	234949	291256	124,0
7.	Таҳлил қилинаётган даврдаги кунлар	360	360	-
Коэффициентлар				
	• Баланс ликвидлиги (1:2)	0,46	0,55	119,6
	• Қоплаш коэффициенти (1:2а)	2,15	2,27	105,6
	• Ликвидлик коэффициенти			
	• (1 каторнинг а+б)/2	0,55	1,20	2,18
	• Молиявий барқарорлик коэффициенти (3:2)·100	78,3	75,5	96,4
	• Ўз айланма маблағларининг салмоғи (5б:5а)	53,4	56,0	104,9
	• Айланиш коэффициенти			
	а) сўмда (6:5в)	4,3	4,2	97,7
	б) кунда (5в · 7:6)	84	86	102,4

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар айланма маблағларнинг айланиш тезлиги кўпроқ бўлса, ундай ҳолларда бу кўрсаткичнинг қуйи даражаси (хўжалик фаолиятининг турнга қараб) биров пастроқ бўлиши мумкин. Агар бу коэффициент 60 фоиз бўлса, кредит rischi минимал даражага туширилган ҳисобланади. Молиявий барқарорлик коэффициенти қанча юқори бўлса, корхона шунчалик молиявий барқарор ҳисобланади ва банк кредитини ўз вақтида қайтариш лаёқатлилиги юқори бўлади.

Юқоридаги мисолимизда молиявий барқарорлик коэффициенти базис даврда 78,3 фоизни, жорий даврда эса 75,5 фоизни ташкил қилиб шу давр ичида бу кўрсаткич 2,8 пунктга камайган. Аммо бу камайиш мижознинг синфига ўз таъсирини ўтказмаган. Натижада мижоз биринчи синфдалигича қолган.

[223]. Мижозни ликвид ёки ноликвид баланслигини аниқлаш учун кредитга лаёқатлилигининг қуйидаги кўрсаткичларини ҳисоблаш зарур:

- ўз айланма маблағларининг ҳажми ва динамикаси;
 - самарадорлик (фойдалилик) коэффициенти;
 - нотўловлар ва айланма маблағларининг айланиш суръатлари.
- Ўз айланма маблағларининг ҳажми қуйидагича аниқланади:

Ўз айланма маблағлари ҳажми	=	Ўз маблағлари манбалари	-	Узоқ муддатли активлар
		47-жадвалда:		
		56 = 3 - 4		

Базис даврда ўз айланма маблағларининг ҳажми 58520 минг сўмни, жорий йилда эса 77812 минг сўмни ташкил қилди. Бу ҳолат миқознинг ликвид балансга эга эканлигидан далолат беради, чунки ўз айланма маблағлари ҳажми шу давр ичида 19292 минг сўмга ортган. Узоқ муддатли активлар эса шу давр ичида 15036 минг сўмга камайган.

Агар асосий воситалар ўз маблағлари манбаидан ортик бўлса, бундай ҳолда миқоз ноликвид балансга эга бўлади.

Ноликвид балансли корхоналарга эса кредит берилиши мумкин эмас.

Кредитга лаёқатлиликини аниқлашда ўз айланма маблағларнинг салмоғини, уларнинг айланиш суръатларини инobatга олиш ўта зарурдир. Чунки бу салмоқ ортиб борсагина ёки олдинги даврга нисбатан ўзгаришсиз қолсагина миқознинг кредитга лаёқатлилиги ижобий ҳисобланади. Маблағларнинг айланиш суръатлари:

- айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти (марта);
- айланма маблағларнинг айланиши (кунда) кўрсаткичлари билан ифодаланади.

47-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилаётган корхонада айланма маблағларининг айланиш коэффиценти базис даврда 4,3 марта айланган бўлса, жорий даврда бу кўрсаткич 4,2 мартани ташкил қилган. Демак, айланиш суръати бирмунча камайган. Айланма маблағларнинг кунларда айланиши базис даврда 84 кунни ташкил этган бўлса, жорий даврда 86 кунга тенг бўлган. Демак, айланма маблағларнинг айланиши тезлашган. Бу, албатта, ижобий ҳолат. Чунки айланма маблағларнинг айланиши канчалик тезлашса, шунчалик айланма маблағлари иқтисод қилинади.

[224]. Кредит мутахассиси кредит олувчининг кредит олиш учун ариза беришга ва кредит шартномасига имзо қўйишга қонуний жиҳатдан ҳуқуқи борлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шу ҳуқуқнинг борлиги миқознинг кредит олишга лаёқатлилигини билдиради. Агар миқоз юридик шахс бўлиб, йирик корхона ёки уюшма бўлса, унинг вакили албатта шу корхона ёки уюшманинг Кенгаши томонидан тайинланган, тасдиқланган бўлиши, унинг номидан музокаралар олиб бориб, кредит шартномасини имзолаш ҳуқуқини олган бўлиши лозим. Бунинг учун миқоз кредит мутахассисига Кенгаш қарорининг тасдиқланган нусхасини топшириши керак бўлади.

Миқознинг кредит олишга лаёқатлилигини билдирувчи маълумотлар:

- миқоз ва кафилларининг ҳақиқийлиги;

- мижоз юридик мақомига эга эканлигини тасдиқловчи Низом, қарор, битимлар ва бошқа ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

- мижознинг фаолияти, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти, унинг мижозлари ва хом ашё билан таъминловчилари ҳақидаги нотариал тасдиқланган ҳужжатлар тўплами.

[225]. Кредит олиш учун берилган ҳар қандай аризани таҳлил қилиш жараёнида кредит мутахассиси мижоз кредитдан фойдаланиши натижасида олган даромади орқали кредитни қайтариш учун етарли маблағга эга бўладими, йўқми, деган саволга ижобий жавоб олиши лозим.

Мижоз олган кредитни қоплаши учун асосан учта манбага эга бўлади:

- а) нақд пул оқими;
- б) активларни сотиш ва нақд пулга айлантириш;
- в) қимматли қоғозлар ёки мажбуриятлар чиқариш орқали маблағларни жалб қилиш.

Қайд қилинган маблағлардан ҳар қайсиси кредитни қоплай олади. Лекин банклар асосан нақд пул оқимини афзал кўрадилар. Чунки мижоз активларининг сотилиши унинг баланси аҳволини ёмонлашишига, четдан кўшимча маблағ жалб қилиши эса банкнинг кредитор сифатида мавқеининг пасайишига олиб келади.

Мижознинг пул маблағлари ҳақида маълумотларга қуйидагилар кирази:

- а) мижознинг ўтган даврдаги дивидендлари ва сотилган маҳсулотлари ҳажми;
- б) кўзда тутилган нақд пул тушумининг етарлилиги;
- в) ликвид захираларнинг мавжудлиги;
- г) дебитор-кредитор қарзларни тўлаш муддати, товар-моддий захираларнинг айланиши;
- д) сармоянинг тузилиши ва левераж даражаси, яъни ўз сармояси ва жалб қилинган маблағлардан фойдаланилган самарадорлик кўрсаткичлари;
- е) ҳаражатлар устидан назорат;
- ж) қопланганлик кўрсаткичлари;
- з) акциялари баҳоларининг ўсиши;
- и) бошқарув сифати;
- к) аудитор хулосаси;
- л) бухгалтерия ҳисобидаги сўнгги ўзгаришлар.

[226]. Мижознинг таъминланганлик даражаси масаласида кредит мижози, мижоз кредитни таъминлаши учун етарли сармоёга ёки сифатли активларга эгами, деган саволга жавоб бера олиши лозим.

Кредит мутахассиси мижоз активларининг хизмат муддати, тузилиши ва аҳволини яхшилаб ўрганиши керак. Бунда асосий омил мижознинг технологияси бўлиб, унинг активлари технология нуқтаи назаридан эскирган бўлса, уларнинг таъминланганлик қобилияти юқори бўлмайди, чунки мижоз даромадлари кредитни қоплаш учун етмай қолганда, бу активларни нақд пулга айлантириш қийин бўлади.

Мижознинг таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича:

- а) активларга эгалик ҳуқуқи;
- б) активлардан фойдаланиш муддати;
- в) маънавий эскириш эҳтимоли;
- г) қолдиқ баҳоси;
- д) активларни муайян мақсадларга мос келиш даражаси;
- е) мажбуриятлар ва чекланишлар;
- ж) лизинг бўйича мажбуриятлар ва гаров ҳужжатлари;
- з) сугурта кафолати;
- и) банкнинг кредитор сифатидаги ўрни;
- к) солиқ солиш бўйича даъволар;
- л) келажакда юзага келадиган молия билан таъминланиш эҳтиёжлари.

[227]. Кредит мутахассиси мижоз ва у билан боғлиқ бўлган соҳадаги ва умуман иқтисодиётдаги сўнги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиши лозим. Ҳужжатларга кўра, кредит жуда ишончли ва даромадли бўлиб кўриниши мумкин, лекин мамлакат иқтисодиётидаги танглик туфайли маҳсулотлар савдоси ҳажмининг ва даромаднинг камайиши ёки пулнинг қадрсизланиши туфайли фоиз ставкаларининг кўтарилиши натижасида кредит сифати ёмонлашиши (пасайиши) мумкин. Кредит олувчи фаолият кўрсатаётган мазкур соҳа ва иқтисодиётни баҳолаш мақсадида кредитор уларга тааллуқли маълумотлар ва ахборотлар мажмуини тўплайди. Бу қуйидагилардан иборат:

- а) мижознинг тармоқдаги ҳолати ва бозордаги улуши;
- б) мижоз фаолиятининг натижалари билан мазкур тармоқдаги бошқа фирмалар фаолиятлари натижаларининг таққосланиши;
- в) маҳсулотнинг рақобатдошлиги;
- г) мижоз ва тармоқ фаолиятининг технологиядаги ўзгаришларни сезувчанлиги;
- д) иш кучи бозоридаги шароит;
- е) пул қадрсизланишининг мижоз баланси ва нақд пуллари оқишмига таъсири;
- ж) тармоқнинг узоқ келажакдаги фаолияти режалари;
- з) қонунлар, сиёсат ва атроф-муҳитни сақлаш билан боғлиқ омиллар.

[228]. Мижознинг кредит олишга лаёқатлилигини баҳолашнинг энг сўнги омили – назоратдир. Мавжуд қонунлар ва тартибларнинг ўзгариши мижознинг фаолиятига қанчалик таъсир кўрсатиши, мижоз аризаси банк андозаларига ва кредитни тартибга солиб турувчи органлар талабларига мос келиши назорат орқали аниқланади. Назорат қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради:

а) банк фаолиятига ҳамда кредитларнинг хусусияти ва сифати-га тааллуқли қонунлар ва қоидалар;

б) назоратчиларга тааллуқли ҳужжатлар;

в) қарзларнинг мавжудлиги ва кредит олиш тўғрисида моҳирона тузилиб, тасдиқланган ҳужжат;

г) кредит олиш учун ёзилган аризанинг банк кредит сиёсатига мувофиқ келиши;

д) тарафдор кишилар (иқтисодчилар, сиёсий экспертлар) томонидан кредитни қоплашга таъсир этувчи ташқи омиллар ҳақида ахборотлари.

[229]. Банклар ва тадқиқотчилар мижозларнинг молиявий аҳволи ва кредитнинг қопланишини баҳолаш учун асосан ташқи маълумотларга таянадилар. Бунда энг аввал мижознинг молиявий ҳисоботлари, тақдим этган кредит олиш тўғрисидаги аризада берилган маълумотлар, яъни олинган мўлжалланаётган кредит ҳажми, кредит олишдан мақсад, кредит олувчининг бошқа мавжуд мажбуриятлари, таъминланганлик сифатида мижознинг таклиф қилинадиган активлари таҳлил қилинади.

Банк мижозга аввал кредит берган кредиторлар билан ҳам учрашиши ва қуйидаги саволларга жавоб олиши мумкин:

а) мижоз тўлов муддатларига риоя қилганми?

б) мижознинг ҳисобварағида етарли маблағ қолдиги бўлганми?

в) тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик ҳоллари учраганми?

г) мижоз аввал инқирозга учраганми?

Банк ёки тадқиқотчилар мижознинг аризасини таҳлил қилганларида нафақат унинг молиявий аҳволини, балки мижоз фаолият кўрсатаётган ушбу ҳудуд ва тармоқнинг иқтисодий аҳволи, агар йирик ҳажмдаги кредит сўралаётган бўлса, ҳатто жаҳон иқтисодиётининг аҳволини ҳам ўрганадилар. Кўпгина мижозларнинг иқтисодий аҳволи мамлакат иқтисодиётидаги ва ҳатто, жаҳон иқтисодиётидаги беқарорликни ҳам жуда сезувчан бўлади. Сезувчанлиги юқори бўлган мижозларга кредит бериш керак эмас, деган банк хатога йўл қўяди. Балки банк мижозларнинг ана шу хусусиятларини эътиборга олиб, кредит портфелини шундай беқарорликдан асраш йўлида ўзларининг кредит кўйилмалари тизимини ташкил қилишлари лозим.

6.2. Пул оқими ва унинг кредитга лаёқатлиликини баҳолашдаги роли

[230]. Пул оқими – мижознинг ўз харажатларини қоплаш ва қарзларини ўз ресурслари ҳисобидан тўлаш қобилиятини ифодаловчи ўлчамдир. Бошқача қилиб айтганда, пул оқими мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қўлланиладиган усуллардан биридир. Уни қўллаш мижознинг жорий даврдаги оборот маблағларини тавсифловчи ҳақиқий кўрсаткичларга асосланади. Айнан шу жиҳати билан пул оқими таҳлили ҳисоботдаги қолдик кўрсаткичларга асосланиб аниқланган молиявий кўрсаткичлар тизими таҳлилидан тубдан фарқ қилади.

Умуман пул оқими таҳлили (мижоз сўраган муддат даврида) пул оқимидаги чиқим ва киримни таққослашга асосланади. Масалан, агар қарз бир йилга бериладиган бўлса, у ҳолда пул оқими таҳлили ҳам шу бир йил доирасида бўлади, квартал доирасида бўлса 90 кун ва ҳ.к.

Пул оқимидаги кирим қисмига қуйидагилар киради:

- мазкур давр ичида олинган фойда;
- мазкур давр учун ажратилган амортизация ажратмалари;
- бўшаган маблағ – жами,
ш.ж:
 - а) жамғармалардан;
 - б) дебиторлик қарзлардан;
 - в) асосий фондлардан;
 - г) турли активлардан;
- кредиторлик қарзларининг кўпайиши;
- турли пасивларнинг ўсиши;
- акционерлик капиталининг кўпайиши;
- янги ссудалар олиш.

Пул оқимидаги чиқим қисмига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- Барча тўловлар, жами:
ш.ж:
 - а) солиқлар;
 - б) фоизлар;
 - в) дивидендлар;
 - г) жарима ва пенялар.
- Қўшимча қўйилган маблағлар, жами,
ш.ж:
 - а) жамғармалар;
 - б) дебиторлик қарзлар;

- в) турли активлар;
- г) асосий фондлар;
- кредиторлик қарзларнинг камайиши;
- турли пассивларнинг камайиши;
- акционерлик капиталининг чиқими;
- ссудаларни узиш (тўлаш).

Кирим ва чиқим ўртасидаги тафовут умумий пул оқими суммасини кўрсатади, яъни:

$$\text{Умумий пул оқими суммаси} = \text{Маблағлар кирими} - \text{Маблағлар чиқими}$$

жамғармалар, дебиторлар ва турли активлар қолдиқларининг ўсиши маблағларнинг чиқимини ифодалайди. Натижада «–» ишорасида келиб чиқади. Уларнинг камайиши эса маблағларнинг киримини ифодалаб «+» ишорасида бўлади. Кредиторлар ва турли пассивларнинг ўсиши маблағларнинг киримини («+»), камайиши эса - чиқим («–») ни ифодалайди.

Асосий фондларнинг ўзгаришига қараб кирим ва чиқимни аниқлаш тартиби ўзига хос бўлиши мумкин. Хусусан, ҳисоблашда нафақат уларнинг мазкур давр ичида ўзгариши, шунингдек, шу давр ичида уларнинг сотилган қисми ҳам инобатга олинади. Яъни:

$$\text{Асосий фондларнинг ўзгаришига қараб маблағларнинг кирими (чиқими)} = \left(\begin{array}{c} \text{Асосий фондларнинг давр охиридаги қиймати} \\ - \\ \text{Асосий фондларнинг давр бошидаги қиймати} \end{array} \right) + \text{Давр давомида асосий фондлар реализацияси натижаси}$$

[231]. Пул оқимини таҳлил қилиш модели корхонани бошқариш соҳалари бўйича пул маблағларининг кирим-чиқим элементларини гуруҳлашга асосланади. Бу соҳалар қуйидаги блоклардан иборат:

- корхона фойдаси соҳасидаги бошқариш;
- корхона жамғармаси ва ҳисоб-китоблар соҳасидаги бошқариш;
- молиявий мажбуриятлар соҳасидаги бошқариш;
- солиқ ва инвестиция соҳасидаги бошқариш;
- хусусий капитал ва кредитлар соҳасидаги бошқариш.

Бу модел пул оқимини таҳлил қилишнинг билвосита усулидир. Унинг моҳияти қуйидагича:

$$\sum \text{ПО} = \text{ПМ}_{\text{ИЧ}} + \text{ПМ}_{\text{ИНБ}} + \text{ПМ}_{\text{МО}}$$

Бу ерда:

Σ ПО – умумий пул оқими (соф пул маблағлари);

ПМ_{ИЧ} – ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижасида пул маблағларининг ўсиши (камайиши);

ПМ_{ИНВ} – инвестицион фаолият натижасида пул маблағларининг ўсиши (камайиши);

ПМ_{МО} – молиявий фаолият натижасида пул маблағларининг ўсиши (камайиши).

$$ПМ_{ИЧ} = ПМ_{СТ} - Т_{ЕБХ} + (\Phi_{ТШ} - \Phi_{ТЛ}) - С_{Т}$$

Бу ерда:

ПМ_{СТ} – сотувдан тушган пул маблағлари;

Т_{ЕБХ} – етказиб берувчилар ва ходимларга тўловлар;

$\Phi_{ТШ}$ – фойзалардан тушумлар;

$\Phi_{ТЛ}$ – тўланган фойзалар;

С_Т – тўланган солиқлар.

$$ПМ_{ИНВ} = ПМ_{ААС} - К_{К}$$

Бу ерда:

ПМ_{ААС} – асосий активларни сотишдан тушган маблағлар;

К_к – капитал қўйилмалар.

$$ПМ_{МО} = К_{Р} - ҚМ_{Т} + О_{Э} + О_{А} - Д_{Т}$$

Бу ерда:

К_Р – олинган кредитлар;

ҚМ_Т – тўланган қарз мажбуриятлари;

О_Э – облигациялар эмиссияси;

О_А – акциялар эмиссияси;

Д_Т – тўпланган дивидендлар.

Пул оқимини таҳлил қилишда камида ўтган уч йил бўйича маълумотлар олинishi лозим. Агар мижоз фаолиятида пул оқимининг кирим қисми чиқим қисмидан устувор ўсишда бўлса бу ҳолат мижознинг кредитга лаёқатлилигини, молиявий барқарорлигини билдиради. Акс ҳолат эса мижознинг рейтинги пастлиги ва молиявий барқарорлигининг заифлигидан далолат беради. Пул оқимининг таҳлилини қуйидаги жадвал маълумотларида кўриб чиқамиз (48-жадвал).

Пул оқимини таҳлил қилиш ёрдамида корхона бошқарувидаги заиф томонлар тўғрисида хулоса яшаш мумкин. Масалан, маблағларнинг оқиб кетиши:

- жамғармаларни бошқариш;

- дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашиш;
- молиявий тўловлар (солиқлар, фоизлар, дивидендлар)ни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

48-жадвал.

Пул оқимини таҳлил қилиш тартиби

№	Кўрсаткичлар	Минг сўм		
		1-давр	2-давр	3-давр
1	2	3	4	5
I. Фойда келтирувчи операциялардан тушган пул маблағлари				
1.	Ишлаб чиқаришдан олинган фойда (операцион фойда)	11435	38871	111627
2.	Амортизация	120	130	150
3.	Кутилаётган харажатлар ва тўловларни тўлаш учун захира (бўлажак харажатлар учун захира)	38051	12075	
4.	Ялпи операцион пул оқими (1 қатор+2 қатор+3 қатор)	49606	51076	111777
II. Жорий операциялар бўйича тушумлар (харажатлар)				
5.	Олдинги даврга нисбатан дебиторлик қарзларининг кўпайиши (камайиши)	- 128502	- 76255	- 32886
6.	Олдинги даврга нисбатан ғамлама ва харажатларнинг кўпайиши (камайиши)	- 43603	- 72949	- 154071
7.	Олдинги даврга нисбатан кредиторлик қарзларининг кўпайиши (камайиши)	+ 55772	+ 78685	+185086
8.	Соф операцион оқим (4 қатор + 5 қатор+ 6 қатор+ 7 қатор)	- 66727	- 19443	+109906
III. Молиявий мажбуриятлар				
9.	Мазкур давр фойдасига махсус фонд ҳисобидан қилинган харажатлар	- 6144	- 6144	- 6144
10.	Фоизлар тўлови учун сарфлар (-)	- 2347	- 5331	- 12387
11.	Дивидендлар	-	-	-
12.	Дивиденд ва қарз тўловларидан кейинги пул маблағлари (8 қатор-9 қатор- 10 қатор-11 қатор)	- 75218	- 30918	+ 91375
IV. Бошқа қўйилган маблағлар				
13.	Солиқлар	- 19993	- 23736	- 183272
14.	Асосий фондларга қўйилмалар	- 992	- 10879	+ 1441
15.	Турли қисқа ва узок муддатли активлар бўйича кўпайиши (-) ёки камайиши (+)	- 1214	- 40444	+ 11876
16.	Турли қисқа ва узок муддатли пассивлар бўйича кўпайиши (-) ёки камайиши (·)	-	+ 30389	- 28902

17.	Номоддий активларнинг кўпайиши (-) ёки камайиши (+)	-	-	-
18.	Турли даромадлар (+) ёки харажатлар (-)	+ 28721	- 11835	+ 85843
19.	Молиялаштиришга бўлган умумий талаблар (12 қатор – 13 қатор ± 14 қатор ± 15 қатор ± 16 қатор ± 17 қатор ± 18 қатор)	- 66782	- 87423	- 18637
V. Молиялаштириш бўйича талаблар				
20.	Олдинги даврга нисбатан қисқа муддатли кредитларнинг камайиши (-) ёки кўшимча ўсиши (+)	+ 49813	+ 50187	- 20000
21.	Ўрта ва узок муддатли кредитларнинг камайиши (-) ёки кўшимча ўсиши (+)	-	-	-
22.	Устав фондининг кўпайиши (+) ёки камайиши (-)	+ 507	+ 5315	-
23.	Умумий пул оқими	- 16462	- 31921	- 38637

Умумий пул оқими ва қарз мажбуриятларининг нисбатига асосланиб миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги даражаси аниқланади, чунончи:

- I класс - 0,75
- II класс - 0,30
- III класс - 0,25
- IV класс - 0,20
- V класс - 0,20
- VI класс - 0,15

Бошқарувдаги заиф томонларни аниқлаш кредит шартномасидаги шартларни ишлаб чиқишда жуда қўл келади. Масалан, агар пулнинг оқиб кетишига асосий сабаб ҳисоб-китоб учун ҳаддан ташқари сарфланган ортикча маблағ бўлса, миқдори «ижобий» кредитлаш учун эса ишончли асос ва шарт дебиторлик қарзларининг айланиши ссудадан фойдаланадиган барча давр учун барқарор сақлай олиш қобилияти ҳисобланади.

[232]. Амалий таваккалчилик (риск) – бу миқдор маблағларининг белгиланган муддатда айланиб улгурмаслик ва кўзланган самарани ололмаслик ҳавфидир. Амалий рискка таъсир қилувчи омилларни айланиш босқичларига қараб қуйидагича гуруҳлаш мумкин;

I босқич – жамғармаларни ташкил қилиш босқичи

- етказиб берувчилар сони ва уларнинг пухталиги;
- омборхоналарнинг қуввати ва сифати;
- ташиш усулининг юк характери ва мос келиши;
- хом ашё баҳосининг оммабоплиги ва унинг миқдор юқини ташқишдаги осонлиги;
- хом ашё ва бошқа моддий қимматликларни ишлаб чиқарувчилар

билан уларнинг истеъмолчилари ўргасидаги воситачилар сони;

- етказиб берувчиларнинг узоқ-яқинлиги;
- иқтисодий омиллар;
- хом ашё ва бошқа моддий қимматликларни сотиб олишдаги

мода;

- валюта rischi билан боғлиқ омиллар;
- импорт қилинувчи хом ашёнинг олиб келиниши ва олиб чиқилишига киритиладиган чекловлар хавфи;

II босқич – ишлаб чиқариш босқичи

- мавжуд ишчи кучи ва унинг малакаси;
- ускуналарнинг қуввати ва ёши;
- ускуналарнинг юкланганлик даражаси;
- ишлаб чиқариш биноларининг ҳолати;

III босқич – сотиш босқичи

- харидорлар сони ва уларнинг сотиб олиш қобилияти;
- дебиторларнинг хилма-хиллиги, ўзгариши;
- харидорларнинг тўлай олмаслигини химоя қилиш даражаси;
- тайёр маҳсулотни кредитлаш характери бўйича миқдорнинг қайси тармоққа тегишлилиги;

- тармоқдаги рақобат даражаси;
- ижтимоий аъёналар ва устуворликлар, сиёсий вазиятларнинг кредитланувчи тайёр маҳсулот нархида таъсири;
- мазкур маҳсулот бозорида ортиқча ишлаб чиқариш муаммосининг мавжудлиги;

- демографик омиллар;
- валюта rischi билан боғлиқ омиллар;
- мамлакатда олиб чиқиш ва бошқа мамлакатдан олиб келишга киритиладиган чекловлар эҳтимоли.

Сотиш босқичида риск омиллари биринчи ва иккинчи босқич омиллари билан чатишиб қолиши ҳам мумкин. Шу сабабли амалий риск хавфи сотиш босқичида гамлама ёки ишлаб чиқариш босқичига нисбатан юқори даражада бўлиши мумкин. Барқарорлик шароитида миқдорга кредит бериш ва унинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда амалий риск таҳлили билан чекланиш етарли бўлмайди. Бундай ҳолда бу таҳлилни молиявий коэффициентларни ҳисоблаш билан тўлдириш зарур.

Қайд қилинган омиллар банк томонидан кредит талабнома (заявка)ларининг стандарт шакллари ишлаб чиқишда, ссудаларни

беришнинг техник-иқтисодий асосланганлигини исботлашда албатта инобатга олинади.

[233]. Амалий таваккалчилик (риск) даражасини аниқлаш учун тижорат банклари юқоридаги ҳар бир омилни скоринг тизими бўйича тегишли баллар билан баҳолайди (49-жадвал).

49-жадвал.

Амалий таваккалчилик (риск) мезонлари

№	Амалий таваккалчилик мезонлари	Баллар
I	2	3
I.	Молни етказиб берувчилар сони	
	• Уч кишидан кўп	10
	• Икки киши	5
	• Бир киши	1
II.	Молни етказиб берувчиларнинг ишончлилиги	
	• Барча етказиб берувчилар аъло обрўга эга	5
	• Кўпчилик етказиб берувчилар амалий ҳамкор сифатида ишончли	3
	• Етказиб берувчиларнинг асосий қисми ишончли	0
III.	Юкни ташиш	
	• Шаҳар доирасидагина сугурта полиси мавжуд, ташиш тури товарга мос	10
	• Етказиб берувчи истеъмолчидан узок, суғурта полни бор, ташиш тури товарга мос	8
	• Етказиб берувчи истеъмолчидан узок, ташиш натижа-сида товарнинг бирор қисми йўқотилиши ва сифати пайсаиши мумкин, суғурта полиси бор	6
	• Етказиб берувчи шаҳар доирасида, ташиш тури юкка мос эмас, суғурта полиси йўқ ва х.к.	4
IV.	Товарни оморга жойлаш	
	• Қарз олувчи ўзининг хусусий оморига эга	5
	• Қарз олувчи оморни ижарага олган	3
	• Қарз олувчи оморга мухтож, аммо амалий таваккалчилик (риск)ни баҳолаш чоғида у омор йўқ.	0

Ҳар бир мезон бўйича баллар қўйилади ва жамланади. Жамланган балл қанча юқори бўлса, таваккалчилик хавфи шунча кам бўлади ва кўзланган самарага эришиш учун келишувни амалга ошириш эҳтимоли ошади. Бу эса қарз олувчининг ўз қарз мажбуриятларини ўз вақтида узиш имконини беради.

[234]. Кичик корхоналарнинг кредитга лаёқатлилики даражаси ҳам худди ўрта ва йирик корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини

баҳолашдек баҳоланади.

Бу ерда ҳам:

- кредитга лаёқатлилиқнинг молиявий коэффициентларини ҳисоблаш;
- пул оқимининг таҳлили;
- амалий таваккалчилиқни баҳолаш амалга оширилади.

Аммо кичик корхоналарда ҳисоб-китоб ҳолатининг сустиги банк томонидан молиявий коэффициентларни ҳисоблаш ва пул оқимини таҳлил қилиш усулини қийинлаштиради. Кичик корхоналарда аксарият ҳолларда лицензияга эга бўлган бухгалтерлар кам учрайди. Бундан ташқари, банкнинг бу мижозларни аудит қилиш учун сарфлаши зарур бўлган харажатларга маблағ ажратиш имконияти йўқ. Шу сабабли бу тоифадаги қарз олувчиларни ҳисоботи аудиторлик тасдиғини ололмайди.

Бундай хусусиятлар кичик корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиғини баҳолашда юқоридаги анъанавий баҳолаш усуллари (молиявий ҳисобот) га асосланиш эмас, балки мазкур банк ходимлари томонидан ўз мижозлари бизнесини чуқур ўрганишга асосланади. Бу эса банкнинг ўз мижозлари билан доимий учрашиб туришларини, уларнинг корхоналари билан мустаҳкам алоқани ўрнатишини тақозо этади.

Кичик корхона раҳбари билан яккама-якка суҳбат асосида унинг кредитга бўлган эҳтиёжи, мақсади, манбаи ва унинг қайтариш муддати аниқлаб олинади. Шу жараёнда мижоз кредитланаётган гамламасининг муайян муддатга бориб камайишини, кредитланаётган харажатлар эса сотиладиган маҳсулот таннархига тўла ўтказилишини исботлай олиши лозим.

Кичик корхоналарнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, у ерда раҳбар ва уларнинг аъзолари битта оиладан ёки қариндошуруғлардан иборат бўлади. Шу сабабли банк капитали банк эгасининг шахсий капитали билан корхона капиталидан шаклланади. Бу хусусият туфайли чет давлатларда (хусусан, АҚШда): қарзни узиш корхона эгаси томонидан, айнан унинг маблағи билан кафолатланади. Бунда ҳам мижознинг кредитга лаёқатлилиғини баҳолашда корхонанинг молиявий ҳолати инобатга олинади. Молиявий ҳолат шахсий молиявий ҳисобот асосида аниқланади.

Шахсий молиявий ҳисобот шакли жисмоний шахснинг актив ва пассивидан ташкил топади. Бунда жойлаштирилган активлар ва таъминланган пассивлар алоҳида ажратилади.

Активларга:

- нақд пул маблағлари;
- акция ва облигациялар;
- қариндошлар, ўртоқлар ва бошқа яқинларнинг кредиторлик қарзлари;
- кўчмас мулк;
- суғурталанган ҳаёт пулини қайтариб олинadиган қисми ва ҳ.к. киради.

Пассивларга:

- банкка тўланадиган қарзлар;
- қариндош, яқин кишилар ва бошқаларга тўланадиган қарзлар;
- солиқ ва счётлар бўйича қарзлар;
- қўйилган маблағлар қиймати;
- шартномалар бўйича тўловлар;
- суғурта тўловлари мақсадида фойдаланилган кредитлар ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, майда қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун банк қуйидаги баҳолаш тизимидан фойдаланади:

1. Амалий таваккалчилик (риск)ни баҳолаш;
2. Мижоз фаолиятини кузатиш;
3. Банкирнинг корхона эгаси билан шахсий суҳбати;
4. Корхона эгасининг шахсий молиявий ҳолатини баҳолаш.

[235]. Жисмоний шахснинг кредитга лаёқатлилиги даражасини баҳолаш қуйидагиларни баҳолашларга асосланади:

- сўраб олинаётган қарз билан шахсий даромад ўртасидаги нисбат;
- умумий маблағ ва молиявий ҳолатни баҳолаш;
- оила таркиби ва шахсий томонлар;
- миждознинг кредитдан фойдаланиш тарихи.

Масалан, Францияда жисмоний шахснинг кредитга лаёқатлилиги даражаси **скоринг** тизими бўйича баҳоланади. Истеъмол кредитини бериш шarti ва унинг мақсадга мувофиқлик дастури учта бўлимдан иборат:

- кредит тўғрисида маълумот;
- миждоз тўғрисида маълумот;
- миждознинг молиявий ҳолати.

Биринчи бўлимда:

- кредит берувчи банк ходими;
- кредит тури ва суммаси;
- миждозга доир ҳужжат номери;

- агентлик номи;
- кредитни узишнинг даврийлиги;
- суғурта тўловларисиз фоиз ставкаси;
- қарз бериладиган ва узиладиган ой, кун;
- сугурталаш зарурияти тўғрисида саволга жавоб;
- суғурта тўлови ва тўловисиз ҳар ой тўланадиган қарзнинг мутлоқ суммаси.

• банкка тўланадиган жами фоиз ва суғурта тўловлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Иккинчи бўлимда:

- миждознинг касби;
- унинг қайси иждимой гуруҳга тааллуқлилиги;
- йиллик соф иш ҳақи;
- йиллик сарф-харажатлари;
- иш стажи каби маълумотлар келтирилади.

Учинчи бўлимда:

- миждознинг молиявий ҳолати;
- миждознинг жорий ва омонат счётларидаги қолдик;
- даромад ва харажатларнинг нисбати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Қайд қилинган маълумотлар асосида банк миждозга кредит бериш ёки бермаслик ҳақида хулоса чиқаради. Салбий жавоб ҳолатида банк агентлиги миждозни ўзининг дирекциясига ушбу масалани кўшимча кўриб чиқиш учун йўллаши мумкин.

АҚШ да жисмоний шахснинг кредитга лаёқатлилигига баҳо бериш учун миждознинг дўконлардан кредитга товар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган тарихи ўрганилади. Бунда банк кредит олиш учун берилган аризадаги:

- исми, фамилияси;
- яшаш жойи;
- иждимой таъминоти номери кабилардан фойдаланади.

Айнан шу учта параметр асосида банклардан кредит карточкаларини чиқарувчи ташкилотлар, тўловсизлик ҳолатлари тўғрисида маълумотларни йиғиш мумкин.

6.3. Таянч иборалар

- | | |
|---------------------------------|--|
| • кредитга лаёқатлилиқ | • пул оқими |
| • ликвидлик коэффициенти | • амалий таваккалчилик (риск) |
| • айланувчанлик коэффициенти | • риск мезонлари |
| • молиявий левераж коэффициенти | • скоринг тизими |
| • рентабеллик коэффициенти | • ликвид маблаглари |
| • қарзни қоплаш коэффициенти | • молиявий барқарорлик коэффициентлари |
| • «Parts» усули | |

6.4. Тест топшириқлари ва масалалар

160. Мижознинг кредитга лаёқатлилиги деганда:

а) қарз олувчининг олган қарзини тула ва ўз вақтида қайтара олиш қобилияти тушунилади;

б) унинг юридик шахс ёхуд менежер сифатида ўзини кўрсата олиш, қарзни ўз вақтида қоплашдаги масъулияти, кредитни олишдан мақсад ва унинг банк-кредит сиёсатида мослигини аниқ билиш кабилар тушунилади;

в) қарз олувчи активининг қиймати ва қарз узиш бўйича аниқ иккиламчи манбалар (гаров, кафолат, сугурта кабилар)нинг кредит шартномасида ўз аксини топгани тушунилади;

г) а + б.

161. Қуйидаги қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қўлланиладиган молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади?

а) ликвидлик коэффициентлари;

б) самарадорлик ёки айланувчанлик коэффициентлари;

в) молиявий левераж коэффициентлари;

г) нотўғри жавоб йўқ.

162. Қуйидаги қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қўлланиладиган молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади?

а) молиявий левераж коэффициентлари;

б) рентабеллик (фойдалилик) коэффициентлари;

в) қарз қоплашишни тавсифловчи коэффициентлар;

г) нотўғри жавоб йўқ.

163. Ликвидлик коэффициенти:

а) қарз олувчининг ўз қарзини узиш қобилиятига эгами ёки йўқлигини ифодалайди;

б) қарз олувчининг ўз капитали билан қай даражада таъминланганлигини характерлайди;

в) барча капитал ва унинг жалб қилинган қисмининг фойдаланиши самарадорлигини кўрсатади;

г) мазкур давр ичида гамламалар неча марта айланишида бўлганлигини ифодалайди.

164. Самарадорлик (айланувчанлик) коэффиценти:

а) қарз олувчининг ўз капитали билан қай даражада таъминланганлигини характерлайди;

б) қарз олувчининг ўз қарзини узиши қобилиятига эгами ёки йўқлигини ифодалайди;

в) гамламалар айланувчанлигининг давомлилигини кунда ифодалайди;

г) фойданинг қандай қисми фоизлар ва тўловлар ҳисобига қопланганлик даражасини ифодалайди.

165. Молиявий левераж коэффиценти:

а) мазкур давр ичида гамламалар неча марта айланишида бўлганлигини ифодалайди;

б) қарз олувчининг ўз капитали билан қай даражада таъминланганлигини характерлайди;

в) гамламалар айланувчанлигининг давомлилигини кунда ифодалайди;

г) фойданинг қандай қисми фоизлар ва тўловлар ҳисобига қопланганлик даражасини ифодалайди.

166. Молиявий левераж коэффиценти барча қарз мажбуриятларининг:

а) активларга бўлган нисбати билан аниқланади;

б) ўз капиталига бўлган нисбат билан аниқланади;

в) моддий акционерлик капиталига бўлган нисбат билан аниқланади;

г) нотўғри жавоб йўқ.

167. Молиявий левераж коэффиценти:

а) узоқ муддатли қарзларнинг асосий капиталга бўлган нисбатини ифодалайди;

б) ўз капиталининг активларга бўлган нисбатини ифодалайди;

в) айланма ўз капиталининг жорий активларга бўлган нисбатини ифодалайди;

г) нотўғри жавоб йўқ.

168. Рентабеллик (фойдалилик) коэффиценти:

а) солиқ ва фоизлар тўловларигача бўлган ялти фойданинг сотувдан тушган тушумга бўлган нисбатни ифодалайди;

б) соф операцион фойданинг (фоиз тўловидан кейинги фойда, ammo солиқ тўловигача) сотувдан тушган тушумга бўлган нисбатни ифодалайди;

в) барча солиқ ва фоизлар тўловидан кейинги соф фойданинг сотувдан тушган тушумга бўлган нисбатни ифодалайди;

г) нотўғри жавоб йўқ.

169. Қарз қопланишини тавсифловчи кўрсаткичлар:

а) фойданинг қандай қисми фоизлар ва тўловлар ҳисобига қопланганлик даражасини ифодалайди

б) фойданинг фоиз тўловларига бўлган нисбатни ифодалайди;

в) фойданинг фоизлар, лизинг тўловлари, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа тўловлар йиғиндисига бўлган нисбатни ифодалайди ;

г) а + б + в.

170. АҚШ да потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун ва ўз навбатида кредит рискинни минималлаштириш учун 5 “С” номли усул қўлланилади. Унга биноан “С1” :

а) миждоз репутациясини англатади;

б) миждознинг тўлов қобилиятини англатади;

в) миждознинг капитал ҳажминини англатади;

г) ссуданинг таъминланганлик даражасини англатади.

171. Банк миждознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги маблағларнинг қайси бири чуқур ўрганилиб чиқилади?

а) жорий касса тушумлари;

б) активларни сотиш;

в) молиялаштиришининг бошқа манбалари (айтайлик, пул бозоридаги қарзлар);

г) нотўғри жавоб йўқ.

172. Биринчи гуруҳ ликвид маблағларига:

а) муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар киради;

б) ҳисоб-китоб ва счётидаги пул маблағлари киради;

в) бюджет билан ҳисоб-китоблар киради;

г) ишлаб чиқариш захиралари ва келгуси давр харажатлари киради.

173. Иккинчи гуруҳ ликвид маблағлар, яъни тез пулга айланадиган талабларга:

- а) ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги пул маблағлари киради;*
- б) бошқа счётлардаги ва кассадаги пул маблағлари киради;*
- в) муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар киради;*
- г) тайёр маҳсулотлар киради.*

174. Учинчи гуруҳ ликвид маблағлар, яъни тез сотиладиган товар моддий қимматликларининг захиралари бўйича талабларга:

- а) товарлар киради;*
- б) ишончли дебиторлик ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар киради;*
- в) корхоналар билан қисқа муддатли характерга эга бўлган бошқа операциялар бўйича хизматчилар билан ҳисоб-китоблар киради;*
- г) таъсисчилар ҳамда бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.*

175. Молиявий барқарорлик коэффиенти:

- а) миқдорнинг ўз маблағлари билан молиялаштириш манбалари таркибида неча фоизни ташкил қилишни ифодалайди;*
- б) корхона фаолиятининг қайси бир қисми ўз капитал ҳисобидан молиялаштирилганини ифодалайди;*
- в) муайян давр ичида айланма маблағларнинг неча марта айланганлигини ифодалайди;*
- г) а + б.*

176. Корхонани кредитлаш учун ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги:

- а) 25 фоиздан кам бўлмаслиги керак;*
- б) 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак;*
- в) 40 фоиздан кам бўлмаслиги керак;*
- г) 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.*

177. Агар корхонанинг асосий воситалари ва оборотдан ташқари активлари ўз маблағларидан юқори бўлса, у ҳолда корхона баланси:

- а) ликвид эканлигини кўрсатади;*
- б) ноликвид эканлигини кўрсатади;*
- в) қисман ликвид эканлигини кўрсатади;*
- г) қисман ноликвид эканлигини кўрсатади.*

178. Мижознинг кредитни ўз вақтида қайтара олиш лаёқатлилигини билиш учун банк нималарга эътибор бериши керак?

- а) миждознинг самимийлиги, ростгўйлиги ва жиддийлиги;*
- б) миждознинг кредит олиш қобилияти;*
- в) миждознинг кредитдан фойдаланиш шароитлари;*
- г) а + б + в.*

179. Кредит олувчининг кредит олишга лаёқатлилигини қандай ҳужжатлар тасдиқлаши мумкин?

- а) миждоз ва кафилларнинг ҳақиқийлиги;*
- б) миждознинг юридик мақомга эга эканлигини тасдиқловчи Низом;*

в) миждознинг фаолияти, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти, уни хом ашё билан таъминловчилари ҳақидаги нотариал тасдиқланган ҳужжатлар тўплами;

- г) нотўғри жавоб йўқ.*

180. Қуйида қайд қилинган манбаларнинг қайси бири миждоз олган кредитни қоплаш учун асосий манба бўлиши мумкин?

- а) нақд пул оқими;*
- б) активларни сотиш ва нақд пулга айлантириш;*
- в) қимматли қозғалар ёки мажбуриятлар чиқариш орқали маблағларни жалб қилиш;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

181. Пул оқими – бу:

а) миждознинг ўз харажатларини қоплаш ва қарзларини ўз ресурслари ҳисобидан тўлаш қобилиятини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичдир;

б) кредиторлик қарзларининг кўпайишини тавсифловчи кўрсаткичдир;

в) турли пассивларнинг камайишини тавсифловчи кўрсаткичдир;

г) барча тўловларни тавсифловчи кўрсаткичдир.

182. Пул оқимидаги қирим қисмига нималар қиради?

- а) барча тўловлар;*
- б) мазкур давр ичида олинган фойда;*
- в) акционер капиталининг чиқими;*
- г) кредиторлик қарзларининг камайиши.*

183. Пул оқимидаги чиқим қисмига нималар қиради?

- а) солиқлар;*
- б) фоизлар;*

в) дивидендлар;

г) мазкур давр учун ажратилган амортизация ажратмалари.

184. Умумий пул оқими ва қарз мажбуриятларининг нисбатига асосланиб миջознинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини тавсифловчи коэффициентларнинг қайси бири 1-классга тааллуқли?

а) 0,75;

б) 0,30;

в) 0,25;

г) 0,20.

6.5. Назорат учун саволлар

214. Миջознинг кредитга лаёқатлилиги деганда нимани тушунаси?

215. Миջознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қандай молиявий кўрсаткичлар қўлланилади?

216. Кредитга лаёқатлилиқни баҳолашда қандай маълумот манбаларидан фойдаланилади?

217. АҚШ ва Буюк Британияда қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда нималарга эътибор берилади?

218. Қарз олувчининг ликвидлиги деганда нимани тушунаси?

219. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти нима учун ҳисобланилади?

220. Молиявий барқарорлик ёки мустақиллик коэффициенти нимани ифодалайди?

221. Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларига қараб миջозлар қандай синфларга ажратилади?

222. Баланс маълумотларига асосланиб миջознинг кредитга лаёқатлилиги қандай аниқланади?

223. Қайси ҳолда миջозни ноликвид балансга эга деб айтиш мумкин?

224. Миջознинг кредитни ўз вақтида қайтара олиш лаёқатлилигини билиш учун банк нималарга эътибор бериши лозим?

225. Кредит олувчининг характерини билиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

226. Кредит олувчининг кредит олишга лаёқатлилигини қандай ҳужжатлар тасдиқлаши мумкин?

227. Қандай пул маблағлари миջознинг лаёқатлилигига ишонч ҳосил қилдириши мумкин?

228. Қандай кўрсаткич мижознинг таъминланганлик даражасини ифодалайди?

229. Қандай кўрсаткичлар мижознинг ҳолати ва шароитини ифодалайди?

230. Мижознинг кредит олишга лаёқатлилиги қайси кўрсаткичлар ёрдамида назорат қилинади?

231. Мижознинг талабномасини баҳолашда кредит мутахассислари ва банк тадқиқотчилари қайси маълумот ва манбаларга таянадилар?

232. Пул оқими нима?

233. Пул оқими таҳлили қандай амалга оширилади?

234. Амалий таваккалчилик (риск)ни таҳлил қилиш ёрдамида мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш мумкинми?

235. Амалий таваккалчилик (риск) мезонлари қандай баллар билан баҳоланади?

236. Кичик корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги даражаси қандай баҳоланади?

237. Жисмоний шахснинг кредитга лаёқатлилиги қандай баҳоланади?

7-боб. КРЕДИТ ШАРТНОМАЛАРИ

7.1. Шартнома тўғрисида тушунча ва унинг турлари

[236]. Қадимда одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни берилган сўзга ишонч, лафз, ҳалоллик сингари инсоний фазилатлар тартибга солиб турган. Замонлар ўзгариши, тараққиёт тезлашуви билан мазкур муносабатлар ҳам такомиллашиб борди. Фан ва техника асрига келиб, ахборот алмашувининг мислсиз суръатда ошиши ўзаро алоқаларнинг янги босқичига йўл очди.

Ахдлашувларни ўзаро тенглик ва адолат меъёрларига асосланган янги тури – шартномалар вужудга келди ва мантиқий равишда жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Бугунги кунда шартнома маҳсулот олувчи билан уни етказиб берувчи ўртасидаги ахдлашув бўлиб, унда бир томон маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш, иккинчи томон эса ўз вақтида пулини тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур ҳужжатда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёзма равишда расмийлаштирилади. Энг муҳими, унда талаб ва таклиф мутаносиблиги, яъни ўзаро манфаатлар ўз аксини топади. Янада соддароқ қилиб айтганда:

Шартнома – бу томонлар ўртасида ўрнатилган ёки тўхтатилган (бекор қилинган) ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги келишув, ё битим. Томонлар барча муҳим бандлар бўйича келишган ҳолдагина (қонун талаб этган тарзда) шартнома қабул қилинган ҳисобланади. Халқимизда: «Сочганда сўзлашмасанг, хирмонда бўзлашасан» деган мақол бор.

Дехқонлар ҳаётдан олинган ушбу ҳикматнинг тўғри маъноси шуки, бирор киши билан шериклашиб деҳқончилик қиладиган бўлсанг, у билан экин экилаётганидаёқ келишиб ол, агар бошида шартлашмасанг, ҳосил пишиб, хирмон кўтарилгач, уни бўлиб олишда шеригинг билан гапинг бир жойдан чикмай қолиши мумкин.

Мақолнинг мажозий маъносига келсак, ҳар бир ишни, биров билан бирор нарса ҳусусида келишув, битишув асосида пухта қилмоқ керак эканлиги англашилади.

Бу эса ҳар қандай шартномавий ҳужжатнинг бирламчи шартидир. Шартномавийлик эса жаҳон иқтисодий тараққиётида синондан ўтган, эркин бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатларда ривожланишнинг муҳим омили, шarti ва гаровидир. Қолаверса, у истеъмол бозорини тўлдириш, аҳоли фаровонлиги ва дастурхон тў-

кинлиги кафолати. Шартномавийлик ўзининг эркинлиги ва мустакил белгиланиши билан демократик тамойилларга мосдир.

Шундай қилиб, шартнома хўжалик юритувчи субъект деб атаувчи икки ёки бир нечта жисмоний ва юридик шахснинг, барча мулк шаклидаги корхона, тадбиркор, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи, фермер ва деҳқон хўжаликлари, пудратчи ва хусусий тадбиркор, хуллас барчанинг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўрнатувчи ҳужжат ҳисобланади. У тарафлар ўртасида мажбуриятлар келиб чиқишига асос бўлади, унга киришувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини режалаштиришга хизмат қилиб, инқирозга юз тутишдан асрайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ва истеъмолчига етказилиши таъминланишини кафолатлайди. Табиийки, бу иш умуқиқтисодиётимизга муҳим, самарали таъсир кўрсатади.

[237]. Бугунги кунда Конституция, Фуқаролик кодекси, хўжалик ишларини юритиш қонунлари мажмуаси, мулкчилик, тадбиркорлик, корхона тўғрисидаги қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар шартнома муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий манбалар ҳисобланади. Булар қаторига Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ҳам Киради. Ушбу қонуннинг 10-моддасида шартномада куйидаги бандларнинг бўлиши шартлиги таъкидланади:

- шартнома предмети;
- етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортимент ва баҳоси;
- шартноманинг бажарилиш муддатлари;
- ҳисоб-китоб қилиш тартиби;
- тарафларнинг мажбуриятлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги;
- низоларни ҳал этиш тартиби;
- шартнома тузилган сана ва жой.

Булардан ташқари, бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувига эришиш зарур бўлган бошқа муҳим шартлар белгиланиши лозим.

Ушбу шартларнинг хўжалик шартномаларига тўлиқ киритилмаслиги шартномаларни ижро этиш жараёнида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

[238]. Хўжалик юритиш соҳасидаги шартнома муносабатларининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

- хўжалик шартномалари тузишнинг эркинлиги;
- тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- шартнома интизомига риоя қилиш;
- тарафларнинг ўзаро мулквий жавобгарлиги.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиш) орқали тузилади. Яъни, шартнома томонларнинг ўзаро келишувлари асосида тузилади. Тарафлар ўзаро тенглик тамойилига бўйсундилар. Шунинг учун шартномани тузишда фуқаролар, юридик шахслар ва давлат эркин ҳаракат қилиб фуқаролик ҳукукий муносабатларининг иштирокчилари бўладилар.

Шартномани бажаришда ҳар иккала тараф ўзаро жавобгар ҳисобланадилар. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

- бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;
- етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизмат баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмайди.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек, ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов шартномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўланмаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди (қаранг: «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳукукий базаси тўғрисида» ги Қонуннинг 27-34 моддалари).

Президентимиз И.Каримов: «Ҳеч бир шартномадан ҳўжалик зарар кўрмаслиги, балки ўзи учун манфаат топиши, бундан буёғига ишлаб чиқарувчилар билан муносабатни қизитиш, рағбатлантириш, уларга эркинлик бериш асосида қуриш лозим», – деб жуда ўринли таъкидлайди.

[241]. Бугун биз марказий режалаштириш тизимидан воз кечиб, бозор иқтисодиёти шароитида иш юритмоқдамиз. Бу тизимда шартномалар – турли мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек, тадбиркорлар ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ҳозир контрактация, фьючерс, хизмат кўрсатиш, олди-сотди каби шартнома турлари етакчи ўрин эгалламоқда (50-жадвал).

50-жадвал.

Шартнома турлари

№	Шартнома турлари	Тушунчалар
1	2	3
1.	<p>Олди-сотди шартномаси</p> <p>• Чакана олди-сотди шартномаси</p>	<p>• Бу шартнома бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ФК, 386-модда).</p> <p>• Бу шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади.</p> <p>Чакана олди-сотди шартномаси оммавий ҳисобланади (ФК, 425-модда).</p> <p>Бу деган сўз, сотувчи сотиш учун таклиф этган товарни бунинг учун тегишли ҳақни тўлашга рози бўлган ҳар қандай шахс сотиб олишга ҳақли (агарда қонунга зид бўлмаса, масалан, спиртли ичимликлар ёш болаларга сотилиши мумкин эмас).</p>

	<ul style="list-style-type: none"> • Маҳсулот етказиб бериш шартномаси 	<ul style="list-style-type: none"> • Бунга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятларини олади (ФК, 437-модда). • Унга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади. (ФК, 465-модда).
	<ul style="list-style-type: none"> • Энергия таъминоти шартномаси • Кўчмас мулкни сотиш шартномаси • Корхонани сотиш шартномаси 	<ul style="list-style-type: none"> • Унга мувофиқ, энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармок орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек, шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаландиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади (ФК, 465-модда). • Бунга биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади. Сотиб олувчи эса бунинг учун тегишли ҳақни тўлаши лозим. ФКнинг 83-моддасига биноан кўчмас мулк ер ости бойликлари, кўп йиллик дондарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. • Унга мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулккий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади сотиб олувчи эса бунинг учун тегишли ҳақни тўлаши лозим. Корхонани сотиб

		олувчи шахс тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши шарт эмас.
2.	Айирбошлаш шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> Унга кўра шартномада қатнашувчи ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади (ФК, 497-модда). Унинг моҳияти шундаки, шартнома предмети бўлган бирон бир товар иккинчи тарафга, одатдагидек, мазкур товар қийматини умумий эквивалент бўлган ёки унга деярли тенг келадиган бошқа бир товарга айирбошланади. <p>Шу сабаб айирбошлаш бартер деб ҳам юритилади.</p>
3.	Ҳадя, хайр-эхсон шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> Унга кўра бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидати мулккий мажбуриятдан озод қилади ёкинки озод қилиш мажбуриятини олади (ФК, 502-модда). <p>Унинг моҳияти шундаки, бунда мулк текин топширилади, яъни ҳадя қилувчининг тасарруфида бўлган ашё ҳадя олувчига мол-мулк қилиб ўтказилади.</p>
4.	Рента шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> Унга мувофиқ, бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақт-вақти билан белгиланган пул суммасига ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади. <p>Рента шартномаси реал характерга эга, чунки унга мувофиқ рента тўловчига мулк ўтказилади. Мулк ўтказилгандан сўнг рента олувчига шартнома бўйича ҳеч қандай мажбурият юкланмайди, оддий қарз шартномаси каби фақат ҳақ-ҳуқуқ қолади. Демак, рента бир томонлама шартномадир.</p>
5.	Мулк ижараси шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> Бунга биноан бир тараф ижарага берувчи, маълум бир мулкни иккинчи тарафга - ижарага олувчи ҳақ бараварига вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Ижарачи шартнома муддати тугаши билан ижара мулкни қайтаришга мажбур бўлади.

		<p>Мулк ижараси шартномаси аренда ёки прокат деб ҳам аталади.</p>
6.	Лизинг шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> • Унга биноан лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф, лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топширигига биноан, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) учинчи тараф билан ундан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади. Лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади (ФК 587-модда). <p>Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир.</p>
7.	Уй-жой ижараси шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> • Унга асосан бир тараф - ижарага берувчи иккинчи тарафга - ижарага олувчига турар жойни яшаш учун ҳақ бараварига топшириш мажбуриятини олади.
8.	Пудрат шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> • Унга биноан бир тараф (пудрат) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топширигига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасида буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасида қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади (ФК, 631-модда).
9.	Топширик шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> • Бунга асосан бир тараф вакил, иккинчи тараф топширик берувчининг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчида вужудга келади. Агар топширикни бажарганлик учун, қонун ҳужжатларида ёки топширик шартномасида назарда тутилган бўлса, топширик берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт (ФК, 818-модда).
10.	Воситачилик шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> • Бунга асосан бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. У ёзма равишда тузилади. Мисол учун, фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ҳамда фуқаролик муомаласида бўлган истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган буюмлар билан воситачилик шартномаси тузиш орқали операцияларни амалга оширади.

11.	Хўжалик шартномаси	<ul style="list-style-type: none"> • Агар шартнома тузаётган томонлардан бири ишлаб чиқарувчи бўлса, бундай ҳужжат хўжалик шартномаси ҳисобланади. Ушбу шартномаларнинг асосий мақсади фойда олиш бўлиб, қонунчиликда шартнома мажбуриятларини бажармагани ёки лозим даражада ижро этмагани учун қатъий жавобгарлик белгиланган. Хўжалик шартномалари юзасидан пайдо бўлган низолар хўжалик судларида ҳал этилади.
-----	--------------------	--

7.2. Кредит ва қарз шартномалари

[242]. Ўзбекистон Фуқаролар кодексининг 744-моддасида кредит шартномасининг моҳияти қуйидагича баён этилган:

«Кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредит берувчи, кредитор) иккинчи тарафга (кредит олувчи) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фойзалар тўлаш мажбуриятини олади».

Юридик ҳужжат сифатида кредит шартномаси ҳар иккала томон ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштиради. Унда қуйидагилар ўз аксини топади:

- томонлар номи;
- шартноманинг амал қилиш муддати;
- кредит келишувининг предмети ва шартлари;
- томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- мажбуриятларни бажаришнинг ҳуқуқий кафолатлари.

Бундай ҳуқуқий кафолатларга қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- қарз олувчининг юридик мақоми (шакли);
- кредитни қайтаришни таъминловчи усуллар (гаров, кафолат, хомийлик, васийлик ва ҳоказо);
- у ёки бу томоннинг ўз мажбуриятларини бажаришдаги бузғунчилиги учун белгиланадиган санкция;
- кредит шартномасини бузилиш ҳоллари.

Қарз олувчининг юридик мақоми: биринчидан, қарз олувчининг тўловга қобилиятлигини, иккинчидан, фаолият натижаларига жавоб берувчи масъул кишилар доирасини аниқлаш учун муҳимдир: бу жиҳат банк мижозини банкрот деб эълон қилинган ҳолатда янада долзарб тус олади.

Қарз олувчининг мажбурияти: мижознинг кредитдан мақсадли фойдаланиш масъулиятига, қарзни тўла ва ўз вақтида тўлаш мажбуриятига, банк назоратини амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этиш шартларига риоя қилиш учун зарурдир.

Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилади ва томонлар томонидан имзоланади. Унга корхона раҳбари ёки шартнома тузишга ваколати бор шахс имзо чекади. Ваколат муддати уч йилдан ошмаган бўлиши керак. Башарти ваколат берилганлиги тўғрисидаги ишончнома қоғозида бу муддат кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бу ваколат ишончнома берилган кундан бир йилгача бўлган вақт ичида кучга эга бўлади. Шартноманинг ҳуқуқий томондан пухта бўлиши учун уни тузишда банк юристларини кенгроқ жалб қилиш лозим.

[243]. **Юридик мақомига биноан кредит шартномаси** – ҳар иккала томон келишуви ва унинг бажарилишини ифодаловчи ҳужжатдир. Бунда бир томондан банк кредит беришни ўз зиммасига олса, иккинчи томондан мижоз уни ўз вақтида қайтариш мажбуриятини олади. Кредит шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерда банк кредит операцияларини бажаришда мижознинг ишончилигига, унга бўлган ишончга таянади. Кредит бериш эса қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини ва уни ўз вақтида қайтара олишини ўрганишга асосланади. Шу сабабли кредит шартномаси бўйича учинчи шахсга биринчи шахс номидан кредит олиш ҳуқуқи берилмайди. Бу тартиб қонунчиликда ўз аксини топмаганлиги сабабли уни шартномадан албатта шартларнинг бири қаторида муҳрлаб қўйиш керак.

Шу билан бир қаторда шартномага биноан биринчи шахс зиммасидаги қарзни учинчи киши зиммасига ўтказилиши мумкин (агар у биринчи мижоз зиммасидаги барча қарз мажбуриятларини тўлашни ўз зиммасига олса).

Кредит шартномасининг яна бир хусусияти шундаки, гарчи шартномада юридик жиҳатдан томонларнинг расмий тенг ҳуқуқлиги қайд қилинган бўлса-да, аммо бу ерда банк мавқеининг устунлиги сакланиб қолади. Бу ҳол банкнинг ўз манфаати нуктаи назардан мижозга ўз тазйикини намоён қилишда, унга иқтисодий самарасиз операцияларни мажбурлаб ўтказишида намоён бўлади. Масалан, кредит шартномасида кредит бериш санаси бўлиб пул маблағларини мижоз ҳисобварағига қайд қилинган кун санаси эмас, балки мижоз ҳисобварағига ссуда проводка қилинган сана ёки банкнинг корреспондент ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқарган са-

на ҳисобланади.

[244]. Одатда кредит шартномасининг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

- мижознинг қарз мажбурияти;
- кредит бериш тўғрисидаги битим;
- таъминланганлик;
- чекловчи шартлар;
- мижоз томонидан бериладиган кафолатлар;
- кредит шартномасини бажармаслик ҳоллари.

Банк мижозга кредит беришга рози бўлса, улар ўртасида шартнома тузилади ва имзоланади. Биринчи бўлиб, олинаётган кредит ҳажмига **қарз мажбурияти** имзоланади. Қарз мажбуриятида кредитга ўрнатилган фоиз миқдори ва кредитни коплаш муддати кўрсатилади. Қарз мажбурияти билан бирга йирик фирма ва компаниялар кўчмас мулкни гаровга қўйиш шарти билан кредит шартномасини имзолайдилар ва банк бу шартномага асосан келишилган кредит ҳажми миқдорида ўрнатилган муддат ичида мижозга кредит бериш мажбуриятини олади.

Бериладиган кредитлар таъминланган ёки таъминланмаган (ишончга асосан) бўлади.

- Таъминланган кредитлар мижоз мулкни гаровга олиш орқали берилади. Гаров тариқасида кўчмас мулк, автомобиль, қимматли қоғозлар ва бошқа ликвид бойликлар берилиши мумкин.

- Ишончга таяниб бериладиган кредитларга гаров олинмайди. Бунда асосан мижознинг обрў-эътибори, даромадлари даражасининг юқорилиги асосий омил ҳисобланади.

Кўпгина кредит шартномаларида банклар мижозларига чекланишлар белгилайдилар. Бу чекланишлар икки хил бўлади:

Тасдиқланган чекланишлар мижозлардан, келишилганига кўра, вақти-вақти билан молиявий ҳисоботларни банкка тақдим қилиш, ҳар қандай таъминотни сугурталаш, ликвидлилик ва капиталнинг етарлилик даражаларини сақлаб туришни талаб қилади.

Тақиқланган чекланишларга асосан мижозлар банкнинг руҳсатсиз бошқа молиявий фаолиятларни амалга оширмасликлари, қарз ҳажмини орттирмасликлари, активларини сотмасликлари, ўзларининг акциядорларига юқори даражада дивидендлар тўламасликлари лозим ва бошқалар.

Мижоз кредит аризасидаги маълумотларнинг барчасини кафолатлаши лозим. Кредит шартномасига асосан мижозга кафиллик

бера оладиган ташкилот, фирма ёки жисмоний шахснинг номи, мижоз танг аҳволда қолганда унинг қарзини тўлашга қафолат бериши тўғрисида тўлиқ маълумот бўлиши керак.

Кредит шартномасида «Кредит шартномасини бажармаслик ҳоллари» бўлими бўлиб, мижоз шартномани бузган ҳолларда банк кредитни қайтариб олиш учун қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга эканлиги ёритиб берилади. Бу бўлимда шартнома бажарилмаган ҳолларида кредитни қайтариб олиш мақсадида ижро органларига муурожаат қилинган вақтдаги суд ва адвокатларга тўлайдиган барча сарф-харажатлар ва чиқимларни ким тўлаши кўрсатилади.

[245]. Қарз шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки унга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баробар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФК, 732-модда).

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Агар қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортик бўлса, у ҳолда фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан катъий назар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томондан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

[246]. Қарз шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

- Бу шартнома реал шартнома саналади, чунки тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар шартнома предмети бўлган пул ёки ашёнинг топширилиши пайтидан эътиборан вужудга келади ва шартнома ҳам шу пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади.

- Қарз бир томонлама шартномалар гуруҳига киради, чунки бу

шартнома юзасидан бир тараф қарз берувчи ҳуқуқлар олса, иккинчи тарафда - қарздорда бурчлар бўлади, жумладан, қарз берувчи қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздор олинган қарзини қайтаришга мажбур бўлади (ФК, 735-модда).

- Қарз шартномаси фуқаролар ўртасида агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, қарз суммасидан қатъий назар, ёзма шаклда тузилиши шарт (ФК, 733-модда).

- Қарз мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқини ёки мулкни оператив бошқарув ҳуқуқини ўтказишга қаратилган. Бинобарин, қарздор қарзга олинган нарсанинг айнан ўзини қайтармасдан, балки олган пулни ёки ўша қарзга олинган нарсанинг хили, сифати ва миқдори бараварида бошқа нарсани қайтаришга мажбур бўлади.

- Қарз шартномаси агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қарз шартномасини бажариш муддатларига тўхталадиган бўлсак, агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

[247]. Қарз ва кредит шартномалари ўртасидаги умумийлик билан бирга жиддий фарқлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, кредит шартномаси бўйича кредитор сифатида фақат махсус субъектлар – банк ёки бошқа кредит ташкилоти қатнашади.

Иккинчидан, кредит шартномаси бўйича қарз олувчи кредиторга фоиз тўлаши шарт.

Учинчидан, кредит шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади.

Тўртинчидан, кредит шартномаси реал эмас, балки консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб. Шу сабабли шартнома тузилгандан кейин у тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Улар ўртасидаги умумийлик шундаки, қарз ва кредит шартномаси бўйича қарз берган шахс қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, қарздор эса ўз зиммасига олган қарзини қайтаришга бурчли бўлади. Қарз ва кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкция – ихтиёрий бажарилмаган бурчни мажбурий ижро эттиришга қаратилган.

Олинган қарз ихтиёрий равишда тўланмаганлиги учун уни мажбуран ундириш мумкин. Мажбурият юзасидан қарздор шахс мажбуриятларини бажармаслиги билан кредиторнинг объектив ҳуқуқини бузган ҳисобланади.

Қарз ва кредит шартномаси мажбуриятнинг бажарилиши билан бекор бўлади. Қарз шартномаси қарз берувчи шартномадан воз кечиши билан ҳам бекор бўлиши мумкин. Шунингдек, тарафларнинг келишуви бўйича ҳам бекор бўлиши мумкин.

7.3. Банк омонатлари ва ҳисобварағи шартномалари

[248]. Банк омонати шартномаси шартноманинг алоҳида турларидан бири бўлиб, унга кўра биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ФК, 759-модда).

Юридик адабиётларда банк омонати шартномасига айрим муаллифлар қарз шартномасининг бир тури, иррегуляр сақлаш (пул, нарсаларни тур белгилари бўйича сақлаш) сифатида қарасалар, қолганлар уни қарз шартномалари қисмларининг мажмуи деб ҳисоблайдилар.

Банк омонати шартномаси реал бўлиб, омонатчи (бошқа шахс) банкка омонат пули суммасини бераётган вақтда тузилади. Омонатчи банкдан фақат омонат пули суммасини ва у бўйича фоизларини қайтаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, ўз шериги олдида ҳеч қандай мажбурият олмайди. Банк омонат пули суммасини ва у бўйича фоизларни тўлаши шарт.

Шундай қилиб, банк омонати шартномаси бир томонлама ва ҳақ эвазига тузиладиган мустақил шартнома бўлиб, унинг илдизлари қарз шартномасига бориб тақалади. У банк (қарздор) билан омонатчи (кредитор) ўртасидаги кредит муносабатларини расмийлаштиради. Фуқаро билан тузиладиган банк омонати шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Демак, юзага келган муносабатларга ФКнинг 358-моддасида бундай шартномалар тўғрисида кўзда тутилган умумий қоидалар, хусусан, хизмат кўрсатувчининг шартнома тузишдан бош тортиши тақиқланиши, бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан афзал кўришини истисно этилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати томо-

нидан томонлар учун мажбурий бўлган қоидаларнинг чиқарилиши мумкинлиги кабилар татбиқ этилади.

[249]. Нақд пулсиз олиб бориладиган ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг зарурий воситаси банк ҳисобварағининг алоҳида шартномасини тузиш вақтида вужудга келади. Банк ҳисобварағини бухгалтерия ҳужжати деб ҳам қараш мумкин, чунки унда муайян шахсга тегишли пул маблағлари ва моддий бойликлар ҳаракати акс эттирилади.

Бироқ ўз шаклига кўра, бу, авваламбор, шартнома ҳисобланади. Бундай ҳисобварақлар депозит, ҳисоб-китоб, жорий валюта, капитал кўйилмаларни молиялаш ҳисобварақлари бўлиши мумкин, улар ҳисоб-китоб операциялари учун мўлжалланган. Уларни очиш учун ҳамма вақт банк ҳисобварағи шартномаси тузилади. Айни улар ФКнинг 44-боби қоидалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексида банк ҳисобварағи шартномасига мустақил шартнома сифатида қаралади. Унинг 771-моддасида бу шартномага шундай таъриф берилган:

«Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит муассасаси (банк) иккинчи тарафнинг-мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятларини олади».

Таърифдан кўриниб турибдики, банк ҳисобварағи шартномаси консенсуал шартнома экан, чунки у ҳисобварақ очилаётган вақтда унинг эгаси ҳисобвараққа маблағ қўйиш-қўймаслигига боғлиқ эмас. Агар томонлар шартноманинг барча мавжуд шартлари бўйича келишиб олишга эришсалар, шартнома тузилган ҳисобланади.

Банк ҳисобварағи шартномаси унинг қатнашчилари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга ҳам эга бўлганлиги туфайли икки тарафлама шартнома ҳисобланади. Бу агар томонлар келишувида бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса, тўловли шартномадир (ФК, 781-модда).

Банкда мижознинг ҳисобварақдаги маблағларидан ўз мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқи бўлади, бунда у мижозга ушбу маблағлардан ҳеч қандай тўсиқсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Банк мижознинг пул мажбуриятларидан фойдалангани учун унга шартномада белгиланган миқдорда фоизлар (мукофот пули) тўлайди.

Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ха-


кида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт (ФК, 763-734 моддалар). Мукофот суммасидан (одатдаги ҳисобварақда) фоизлар мижознинг ҳисобварағига ҳар чорақда киритилади. Мижоз банкнинг ҳисобварақда турган пул маблағлари билан операция қилиш бўйича хизматларига банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлаши шарт. Бу ҳақ банк томонидан ҳар ойнинг охирида мижознинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан ундириб олинади (ФК, 780-модда). Бунда банкнинг мижозга ва мижознинг банкка ўзаро муқобил талаблари юзага келиши мумкин, улар бир-бирларининг талабларини ҳисобга олиш йўли билан банк томонидан бекор қилинади (ФК, 782-модда).

Банк ҳисобварағи шартномасининг ўзига хослиги шундаки, на банк, на юридик шахс - мижоз уни тузишдан бош тортишга ҳақли эмас. Мазкур ҳолда мижознинг мажбурияти юридик шахсларнинг ҳисоб-китобларни нақд пулсиз тартибда амалга ошириш тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади. Банкнинг шартнома тузиш мажбурияти унинг қонунда кўзда тутилган субъектив хусусиятларидан келиб чиқади (ФК, 775-модда).

[250]. Шартнома томонлари – банк (шу жумладан, лицензияга эга бўлган кредит муассасаси) ва мижоз (ҳисобварақ эгаси)дир. Бу шартномада хизмат кўрсатувчи ҳамма вақт банк ёки бундай турдаги ҳаракатлар (битимлар)ни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган кредит муассасаси бўлади. Мижоз сифатида ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Шартнома предмети – шартнома билан келишилган операцияларни амалга ошириш учун мижознинг банкдаги ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларидир. Банк ўз мижозларининг кўпинча нақд пулсиз шаклда, ҳисобварақдаги ёзув шаклида мавжуд бўлган пул маблағларини том маънода айтганда, сақламайди. Шунингдек, банк омонати шартномаси каби банк билан мижоз ўртасида оддий ҳуқуқий муносабатлар эмас, балки мажбуриятли ҳуқуқий муносабатлар таркиб топади.

Мижознинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳисобварағи киритилган пул маблағлари билан амалга оширилган операциялар доирасига қараб банк ҳисобварақлари қуйидаги турларга бўлинади (35-чизма).



35-чизма. Банк ҳисобварағи турлари.

Асосий ҳисобварақ ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўлиб, у тижорат ташкилотларига тўловларни тўлаш, кредитлар олиш, тушумларни киритиш ва банк ҳисобварағи шартномада кўзда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш учун очилади. Ҳисоб-китоб варақлари кўпгина тижорат ташкилотларига (фондлар, кўнгилли бирлашмалар, матлубот кооперациялари нафақат мулк эгаси, балки бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилдиган муайян турдаги муассасаларга) очилади. Ҳисоб-китоб варақлари юридик шахс ариза илтимосномаси билан унинг филиали ва ваколатхонасига ҳам очилиши мумкин.

Жорий ҳисобварақлар айрим муассаса, филиал, ваколатхона, бўлинмаларга ҳамда тижорат ташкилоти бўлмаган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмаларига очилади. Бундай варақлар фақат чекланган ҳисоб-китоб операцияларини, асосан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва маъмурий хўжалик харажатлари билан боғлиқ операцияларни амалга оширишга имкон беради.

Бюджет ҳисобварақлари бюджет маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқ берилган субъектларга (кредитларни тасарруф этувчилар – ҳукумат идоралари, маъмуриятга) очилади.

Вакиллик (корреспондентлик) ҳисобварағи – банк ҳисобварағи шартномаси турларидан бири бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти субъект таркибига боғлиқлигидадир. Яъни, бу шартномада нафақат банк муассасалари томонлар бўла олади (ФК, 789-модда). Вакиллик ҳисобварақлари **контокоррент** ҳисобварақларнинг бир туридир.

Контокоррент ҳисобварақларни расмийлаштириш вақтида банк ҳисобварақ эгасини, унда маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарлича бўлмаган ҳолда, кредитлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

[251]. Банк ҳисобварағи шартномаси оддий ёзма шаклда бўлади. У ҳисобварақ очиш ва шартнома тузиш жараёни билан боғлиқ.

Ҳисоб-варақ очиш учун миждоз банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- юридик шахс тузиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси (таъсис шартномаси);
- миждоз раҳбари ва бош бухгалтерининг имзо намуналари қўйилиб, муҳр изи туширилган варақа.

Банк амалиётида бундай шахсларни идентификациялашнинг янги воситалари яратилган бўлиб, шартномада электрон тўлов воситалари, кадрлар, пароллар ва ҳисоб варақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа ахборот ташувчи воситалардан фойдаланиш кўзда тутилиши мумкин.

Қонунчиликда юридик шахсга ҳисобварақ очиш учун мажбурий бўлган бошқа ҳужжатлар белгиланган. Миждоз томонидан ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза бериш **оферта** (шартнома тузиш учун таклиф) бўлиб, банк раҳбарининг бунга рухсат бериш тўғрисидаги ёзуви **акцепт** (шартнома тузишга розилик)дир.

Банк ҳисобварақни очишни рад этишга ҳақли эмас, ана шундай рад этишга банк хизмати кўрсатишга қабул қилиш имконияти йўқлиги сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно (ФК, 775-модда).

Банкка ҳисобварақ очиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами (пакети)ни тақдим этган ва асоссиз рад жавоби олган ҳар қандай шахс ФКнинг 377-моддаси 6 қисмида белгиланган тартибда уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бундан ташқари, миждоз банкидан шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортиб, унга етказилган зарар ўрнини коплашни талаб қилишга ҳақли.

Банк ҳисобварағи шартномасини тузиш амалиётида икки усул:

- банкнинг стандарт бланкасида ягона ҳужжат тузиш ва уни имзолаш;
- банк раҳбарининг рухсат имзосини қўйиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома тузиш тегишли ҳисобварақни очишни тақозо этади.

Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш нафақат умумий қоидаларга асосан, балки бир томонлама ҳам амалга оширилади. Банк ҳисобварағи шартномаси миждознинг аризасига мувофиқ ис-

талган вақтда бекор қилиниши мумкин. Банкнинг талабига кўра, банк ҳисоб варағи шартномаси қонунда белгиланган қуйидаги икки муайян ҳолда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

- мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларига мос келмаса ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдоридан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

- агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса, ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномаси юридик шахс қайта ташкил этилганида ўзгартирилади, бунда ҳисобварақ қайта расмийлаштирилади. Банк ҳисобварағи шартномаси юридик шахс тугатилган ёки мижоз - фуқаро вафот этган тақдирда тугатилади. Шартномани бузиш ёки тўхтатиш мижоз ҳисобварағини ёпиш билан тугалланади.

[252]. Банк ҳисобварағи шартномаси мазмунини банк билан мижознинг ҳисобварақлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Банкнинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Мижоз учун банк қонунда, қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланадиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириши шарт (ФК, 777-модда).

- Банк сирини сақлаши шарт. Банк мижознинг топшириғи бўйича мижозга тушган пул маблағларини қабул қилади ва ҳисобвараққа киритади, мижознинг маблағларини ҳисобварақдан ўтказиш, нақд пулларни ҳисоб варақдан бериш тўғрисидаги фармойишларни бажаради.

Банк мижоз пул маблағларидан фойдаланиш йўлларини назорат этиш ва мижознинг ўз ихтиёрига кўра пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини қонунда ёки шартномада кўзда тутилган равишда чеклашга ҳақли эмас. Мижоз банкка ҳисоб-китобларни амалга ошириш, пул маблағларини депозитга ўтказиш, ҳисобварақдан чиқариш тўғрисида кўрсатма беради. Мижоз ҳисобварағи бўйича операциялар белгиланган муддатларда амалга оширилади (ФК, 778-модда).

Банк тегишли тўлов ҳужжати банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирилмасдан тушган пул маблағларини ҳисобвараққа ки-

ритиб қўйиши шарт. Тегишли ҳисоб-китоб ҳужжати келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирилмасдан банк маблағларини ҳисобдан чиқариш ёки ҳисоб-китоб ҳужжатларини бошқа банкка жўнатиш йўли билан миждознинг топшириқномасини бажара бошлаши керак. Миждознинг ҳисобварақдан маблағларни бериш тўғрисидаги фармойишлари ҳам худди шундай муддатларда бажарилиши керак.

Агар миждоз ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлмаса, банк унинг топшириғини бажармаслиги лозим. Аммо банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварағида пул маблағлари йўқ бўлган тақдирда ҳам тўловларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда банк миждозга кредит беряпти, деб ҳисобланади. Миждознинг банк олдидаги қарзи вужудга келади ва бу ҳолда банк билан миждоз ўртасидаги муносабатларга қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФК, 779-модда).

Банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда миждоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат миждозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин (ФК, 786-модда).

Маълумотлар фақат суд ва суд хўжаликлари (судьяларга), давлат солиқ хизмат идораларига, божхона идораларига ва суриштирув, тергов органларига прокурорнинг розилиги билан берилиши мумкин. Миждоз фуқаро ҳисобварағидан маълумотлар у вафот этган тақдирда меросхўрларига, шунингдек, нотариус ва консулхона муассасаларига берилади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда ҳуқуқлари бузилган, миждоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли (ФК, 786-модда). Худди шундай жавобгарлик банк сирини ошкор қилган банк ходимлари зиммасига ҳам юклатилади (ФК, 798-модда).

Миждоз ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш вақтида банк қоидаларига риоя қилиш ва (агар банк ҳисоб варағи шартномасида кўзда тутилган бўлса) ҳисоб варақ бўйича операцияларни амалга ошириш бўйича банк харажатларини тўлаши лозим.

Фақат миждознинг фармойишига асосан банк пул маблағларини ҳисобварақдан ўчиради (қонунда, шартномада кўзда тутилган ва суд қарори билан амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно). Агар миждознинг ҳисобварағидан маблағларни ўчириш қонунга асосан амалга оширилади бўлса, уни сўзсиз (низосиз) ҳисобварақдан акцепт-

сиз ўчириш деб қабул қилинган.

[253]. Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни кондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, яъни куйидаги ҳолларда мажбурий навбатда ўчирилади:

- биринчи навбатда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича;
- меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни;
- алиментлар ундириш тўғрисидаги;
- муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш;
- ҳаётга ва саломатликка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни кондириш учун ҳисобварақдан пул ўтказишни ёки пул беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул кўчирилади.

Кейин бошқа пул талабларини кондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлар бўйича пул кўчирилади ва ниҳоят, бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календарь навбат тартибида пул кўчирилади (ФК, 784-модда). Санаб ўтилган ҳар бир навбатда календарь тартиб амал қилади.

Ҳисобварақ бўйича операциялар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва пул маблағлари асоссиз ўчирилганлиги учун жавобгарлик ўзаро жавобгарлик хусусиятига эга.

Банк мижозга келган пул маблағларининг ҳисобвараққа ўз вақтида киритиб қўйилмагани ёки ҳисобварақдан маблағлар асоссиз равишда кўчирилгани, шунингдек, ҳисобварақдан маблағларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади (ФК, 785-модда).

Ноқонуний равишда фойдаланилган сумма учун жавобгарлик ФКнинг 327-моддасида белгиланган банк ҳисоб ставкасига асосан белгиланган тартиб ва миқдорда фоизлар тўлашдан иборат. Шу модданинг учинчи қисмида банк ўз вақтида киритилмаган ёки асоссиз ўчирилган суммага фоизлар тўлаш ва зарарнинг ўрнини қоплаши ҳам шарт.

Банк ҳисобварағи шартномасида томонлар бошқа мажбуриятларнинг бузилганлиги (мижоз ҳисобварағи бўйича кредит берилмагани, банк хизмат кўрсатишдан бош тортгани) учун ҳам жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

7.4. Таянч иборалар

- | | |
|-------------------------------------|-------------------------------|
| • шартнома | • лизинг шартномаси |
| • тўлов талабномаси | • уй-жой ижараси шартномаси |
| • олди-сотди шартномаси | • пудрат шартномаси |
| • чакана олди-сотди шартномаси | • воситачилик шартномаси |
| • контрактация шартномаси | • хўжалик шартномаси |
| • маҳсулот етказиб бериш шартномаси | • топшириқ шартномаси |
| • энергия таъминоти шартномаси | • кредит шартномаси |
| • корхонани сотиш шартномаси | • қарз шартномаси |
| • қўчмас мулкни сотиш шартномаси | • банк ҳисобварағи шартномаси |
| • айирбошлаш шартномаси | • банк омонати шартномаси |
| • ҳады, хайр-эҳсон шартномаси | • консенсуал шартнома |
| • рента шартномаси | • оферта |
| • мулк ижараси | • акцепт |

7.5. Тест топшириқлари ва масалалар

39. Шартнома – бу:

- а) маҳсулот олувчи билан уни етказиб берувчи ўртасидаги аҳдлашувдир;
- б) томонлар ўртасида ўрнатилган ёки тўхтатилган (бекор қилинган) ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги келишувдир;
- в) хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи ҳужжатдир;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

40. Шартномавий муносабатларнинг асосий тамойилларига нималар киреди?

- а) томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- б) шартнома интизомига риоя қилиш;
- в) томонларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

41. Қайси бир шартнома турига мувофиқ бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммасини тўлаш мажбуриятини олади?

- а) контрактация шартномасига мувофиқ;
- б) рента шартномасига мувофиқ;
- в) олди-сотди шартномасига мувофиқ;
- г) чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ.

42. Қайси бир шартнома турига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади?

- а) кўчмас мулкни сотиш шартномасига мувофиқ;*
- б) контракция шартномасига мувофиқ;*
- в) лизинг шартномасига мувофиқ;*
- г) воситачилик шартномасига мувофиқ.*

43. Агар шартнома тузаётган томонлардан бири ишлаб чиқарувчи бўлса, бундай ҳужжат:

- а) хўжалик шартномаси ҳисобланади;*
- б) хўжалик шартномаси ҳисобланмайди;*
- в) пудрат шартномаси ҳисобланади;*
- г) топшириқ шартномаси ҳисобланади.*

44. Қайси бир шарнома турига мувофиқ бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредит берувчи, кредитор) иккинчи тарафга (кредит олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фойзалар тўлаш мажбуриятини олади?

- а) лизинг шартномасига мувофиқ;*
- б) рента шартномасига мувофиқ;*
- в) контракция шартномасига мувофиқ;*
- г) кредит шартномасига мувофиқ.*

45. Қарз олувчининг юридик мақоми қуйидагиларни аниқлаш учун муҳимдир:

- а) қарз олувчининг тўловга қобилиятлилигини;*
- б) фаолият натижаларига жавоб берувчи кишилар доирасини;*
- в) миқдорнинг кредитдан мақсадли фойдаланиш масъулиятини;*
- г) а + б.*

46. Гаров талаб қилинмайдиган ва ишончга таяниб берилмайдиган кредитларни:

- а) эҳтимолли кредитлар дейилади;*
- б) юқори даражадаги рискли кредитлар дейилади;*
- в) эътимодли кредитлар дейилади;*
- г) рисксиз кредитлар дейилади.*

47. Қайси турдаги шартнома реал ҳисобланади?

- а) омонат шартномаси;*
- б) кредит шартномаси;*
- в) қарз шартномаси;*
- г) банк ҳисобварағи шартномаси;*

48. Қуйида қайд қилинган ҳисобварағларнинг қайси бирлари банк ҳисобварағи шартномаларининг турига тааллуқли?

- а) бюджет ҳисобварақлари;*
- б) жорий ҳисобварақлари;*
- в) контокоррент ҳисобварақлари;*
- г) а + б + в.*

7.6. Назорат учун саволлар

238. Шартнома деганда нимани тушунасиз?

239. Шартномавий муносабатларни тузишда қандай ҳуқуқий манбалар асос ҳисобланади?

240. Шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?

241. Шартноманинг қандай турларини биласиз?

242. Кредит шартномаси деганда нимани тушунасиз?

243. Юридик жиҳатдан кредит шартномаси қандай хусусиятларга эга?

244. Кредит шартномасининг нечта бўлими бор? Улар қандай мақсадларни кўзлайди?

245. Қарз шартномаси деб қандай шартномага айтилади?

246. Қарз шартномасининг ҳуқуқий белгилари нималардан иборат?

247. Қарз шартномаси кредит шартномасидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

248. Банк омонати шартномасининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

249. Банк ҳисобварағи шартномаси деганда нимани тушунасиз?

250. Банк ҳисобварағи шартномасининг қандай турларини биласиз?

251. Банк ҳисобварағи шартномаси қандай расмийлаштирилади?

252. Банк ҳисобварағи шартномасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида нималар дея оласиз?

253. Қайси ҳолларда ҳисобварақдаги пул маблағлари мажбурий навбатда ўчирилади?

8-боб. БАНК РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

8.1. Банк рисклари ва уларнинг турлари

[254]. Инсон ўз ҳаёт фаолиятининг турли нуқталарида беихтиёр таваккал қилиш ҳолларига дуч келади. Таваккалчилик тушунчаси фаннинг турли соҳаларида маълум бир маънони аке эттиради. Рус тили лугатида таваккалчилик сўзи «риск» деб аталиб, қадимий грек сўзидан олинган. У кемаларни ҳалокатга олиб борувчи ва одамларнинг ўлимига, мол-мулкларнинг чўкиб кетишига сабабчи қояни билдириб, «қоялар орасидан шамол ва бошқа тўсиқларга чап бериб сузиб ўтмоқ» маъносини англатади.

Бугунги кунда бу сўз «хавф остида қолмоқ» деган янги маънода қўлланиляпти. Мазкур тушунча Россияда XIX асрнинг бошларида тарқалган. Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ даврида қўлланилиб келинган ва «таваккалчилик» сўзи маъноси билан бир қаторда «хавф остида қолмоқ» маъносини ҳам билдиради.

Шу ўринда турли лингвист (тилшунос) олимлар бу сўзнинг маъ-носини изоҳлашда деярли бир хил фикр билдирсалар-да, бироқ уларнинг қарашларида айрим тафовутлар борлигини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, **В.Даль** «риск» сўзини таваккал қилмоқ, хавфли иш қилмоқ, «рисковать» тушунчасини эса таваккал қилиш, бирор ишни тўғри мўлжаллаб кўрмай қилиш, дадиллик, қатъият билан иш тутмоқ, маълум хатарга ўзини урмоқ деб изоҳлайди.

С.Ожегов «риск» сўзини содир этилиши мумкин бўлган таҳлика ёки муваффақиятли натижа умидида таваккалчилик қилиш, таваккал қилмоқ, хавфли ишга қўл урмоқ, «рисковать» сўзини эса хавф-хатардан кўркмай иш қилмоқ каби тасаввур қилади.

С.Ушаков «риск» сўзини бирор зарар етказиш хавфи бўлган таҳлика ёки хар қандай зарар етказиш эҳтимолини тушунади. «Банк рисклари ва уларни кредитлаш»¹ мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилган ва монография чоп этган проф. **Ш.Абдуллаева** ҳам «риск» сўзини таҳлика, таҳдид, таваккал қилмоқ, хавфли иш қилмоқ деб, «рисковать» атамасини эса хавф остида колдиришга журъат этмоқ деб талқин қилади.

Бу таърифлардан кўриниб турибдики, риск доимо ноаниклик билан боғлиқ. Ноаниклик эса, ўз навбатида, олдиндан кўра билиш қийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади. Бу во-

¹ Қаранг Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва уларни кредитлаш - Т. «Молния», 2002 й.

қалар ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келишига сабаб бўлиши мумкин.

Риск инсоният фаолиятининг барча боскичларида мавжуд бўлган тарихий ва иқтисодий категориядир. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустақкам ўрнашиб олишга замин яратади. Шу сабабли риск ҳаётимизнинг ҳар бир қадамида учрайди десак хато бўлмайди. У хоҳлаган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси билан ёнма-ён туради.

Масалан, банк фаолиятида риск банк фойдасининг кўпайиши ёки камайишига, банк ресурс базасининг кўпайиши ёки камайишига, берилган кредитлар бўйича тўланмаган қарзларнинг кўпайиши ёки камайишига, фоизларнинг тўланмаслиги ва бошқаларда ўз аксини топиши мумкин.

Демак, рискка бориш уч хил натижага олиб келиши мумкин: ижобий (фойда кўриш), салбий (зарар кўриш) ёки ўзгаришсиз натижа.

[255]. Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек тижорат банклари фаолиятида ҳам кўзланган мақсад – биринчи навбатда фойда олишдир. Бу ерда ҳам фойда олиш риск билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли тижорат банклари олдида турган вазифа – бу риск ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришишдир. Яъни рискка ҳеч бўлмаса сих ҳам, кабоб ҳам куймасликка ишонч ҳосил қилгандагина бориш керак. Бунга эришиш учун рискнинг турлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини билмоқ жуда катта аҳамиятга эга (51-жадвал).

51-жадвал.

Банк рисклари ва уларнинг турлари

№	Турлаиш белгилари	Риск турлари
1	2	3
1.	Вужудга келиш соҳаси бўйича	<p>1. Ички рисклар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тижорат банклари тури бўйича • миқозлар таркиби бўйича • банк операциялари тури бўйича • балансдан ташқари операциялар бўйича • молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар бўйича <p>2. Ташқи рисклар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • сиёсий • ижтимоий • табиий

2.	Қамраб олиш даражаси бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • макро даражадаги рисклар • мего даражадаги рисклар • мезо даражадаги рисклар • микро даражадаги рисклар
3.	Таъсир қилиш вақти бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • ретроспектив рисклар • жорий рисклар • истикболли рисклар
4.	Пассив операциялар бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • диверсификация rischi • инфляция rischi • жамғармалар rischi • депозитлар rischi • фоиз ставкаларининг ўзгариши rischi
5.	Актив операциялар бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • кредит rischi • ҳисоб-китоб riskлари • касса rischi • бозор rischi • валюта rischi • лизинг операциялари rischi • факторинг rischi • инвестиция rischi • банк портфели rischi • клиринг rischi • бартер rischi
6.	Балансдан ташқари операциялар бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • банкротлик rischi • баланслашмаган ликвидлик rischi • фоиз rischi • фойда ололмастик rischi • суиистеъмол rischi ёки иктисодий биллим ва ташкилотчилик даражаси rischi
7.	Молиявий хизматларни амалга ошириш бўйича	<ul style="list-style-type: none"> • операцион ва технологик рисклар • инновация rischi • банк хавфсизлиги rischi ва бошқалар

«Банковский менеджмент» дарслиги муаллифи П.С. Роуз² рискларга кенгрок тушунча бериб, у банк рискларини куйидаги олтита асосий турга ажратади:

- кредит rischi;
- фойда олмаслик rischi;
- ликвидлик rischi;
- фоиз rischi;
- тўлай олмаслик rischi;
- бозор (рақобат, талаб ва таклиф, инфляция ва ҳ.к.) rischi.

Банк учун иккинчи даражада бўлган рисклар таркибига П.Роуз сиёсий, суиистеъмол ва валюта рискларини киритади.

² Роуз П. С. Банковский менеджмент. - М.: Дело ЛТД. 1995. стр.142

Шундай қилиб, банк фаолияти турли туман рискларга боғлиқ бўлиб, улар «Банк томонидан берилган кредит ўз вақтида қайтиб келадими?», «Кейинги ойда депозитлар салмоғи ошадими?», «Банк акциясининг баҳоси ва банк фойдаси ошадими?», «Кейинги ойда (кварталда) фоиз ставкалари қандай бўлади, улар банк фойдасига қандай таъсир кўрсатади?» каби эҳтимоллик, таваккалчилик билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб борадилар. Шу ҳолатларнинг таҳлиliga асосланган ҳолда банк маблағларни инвестиция қилади, ижобий натижага эришишни мақсад қилиб қўяди.

[256]. Келиб чиқиш сабабларига кўра рисклар иккига бўлинади:

- соф (объектив) рисклар;
- сунъий (субъектив) рисклар.

Соф рисклар кўпинча объектив характерга эга бўлади ва салбий («-» ёки «0») натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Бу рискларга табиий, экологик, транспорт ва тижорат рискнинг бир қисми киради.

Сунъий рисклар субъектив характерга эга бўлиб, нафақат салбий, шу билан биргаликда ижобий натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Бу рискларнинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлади:

- бозор конъюнктурасини яхши ўрганмаслиги;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитландиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- банкирлар ёки мижозларнинг онги, савияси маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларнинг хилма-хиллиги ва бошқалар.

Бу сабаблар рискларни иқтисодий категория сифатида субъектив томонларни ўзида ифода этади.

[257]. Банк фаолияти икки асосий риск тури – тизимли ва тизимсиз рискларга дуч келиши мумкин. Ҳар иккала усул ҳам ўзининг таҳлил қилиниш ва риск олдини олиш усулларига эга.

Тизимли рисклар умумий иқтисодий шароитлар ва макроиқтисодий сиёсат хоссаларидан келиб чиқади. Банк тизимининг тургун ривожланиши умуман иқтисодиётнинг қандай ҳолатда эканлигига боғлиқ. Шунинг учун макроиқтисодий, авваламбор, монетар сиёсат ва банк рискларини самарали бошқариш тизимли рискларни камайтириш ва олдини олиш имконини беради.

Тизимсиз ёки номунтазам рисклар банк тизимида умумий аҳвол барқарор сақланган ҳолда айрим олинган банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашиш эҳтимоллигига боғлиқ бўлади. Бу рисклар, ўз навбатида, банк операциялари ва тадбиркорлик рискларини ўз ичига олади.

Банк операциялари билан боғлиқ рисклар икки гуруҳ – тўловга ноқобиллик ва ликвидлик рискларига бўлинади. Биринчи гуруҳга: кредит rischi, фоиз rischi, бозор rischi, валюта rischi, инвестиция рисклари киради.

Бошқариш усули ва имкониятига қараб рисклар очиқ ва ёпиқ кўринишда бўлади. **Очиқ рискларни** тартибга солиб бўлмайди. **Ёпиқ рискларни** эса бошқариш мумкин. Улар диверсификация сиёсатини ўтказиш йўли билан тартибга солинади.

Яъни бунда:

- банк операциялари умумий ҳажмини сақлаш мақсадида бир неча мижозларга берилган кредитларни кичик суммаларда кенг миқёсда тақсимлаш;

- йирик кредитларни концорциональ асосда бериш;
- депозит сертификатларини жорий қилиш;
- қайта ҳисобга олиш операцияларини кенгайтириш;
- кредит ва депозитларни сугурталаш каби амаллар амалга оширилади.

Банкларда кўпинча мижоз танлашда янглишиш натижасида **баланслашмаган ликвидлик rischi** юзага келади. Бундай рисклар одатда иктисоди бекарор бўлган корхоналарни кредитлашга устунлик берилган ҳолларда юзага келади.

Баланслашмаган ликвидлик rischi банк бошқаруви ва ходимлар малакасининг саёзлиги, банк фаолияти назоратининг сушт ташкил қилиниши, рискларни тартибга солишда қўлланиладиган усулларнинг такомиллашмаганлиги, айрим олинган банк операциялари ёки уларнинг гуруҳлари бўйича рисклар коэффиценти шкалаларини ўрнатишда йўл қўйилган камчиликлар натижасида юзага келади.

[258]. Банк фаолияти ва унинг натижаларига таъсир этиш омилларига қараб банк рискларини бир неча тоифаларга бўлиш мумкин. Умумлаштирган ҳолда уларни:

- паст даражадаги рисклар;
- ўртача даражадаги рисклар;
- юқори даражадаги рискларга бўлиш мумкин.

Риск даражалари банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи ва йўқотишларга сабаб бўлувчи жараёнларнинг эҳтимоллигига боғлиқ бўлади. Улар коэффициентлар ёки фоизларда ифодаланиши мумкин.

Чет эл тижорат банклари рискларни беш тоифага ажратади. Булар:

- А тоифа – паст даражадаги риск;
- Б тоифа – ўртача даражадаги (оддий) риск;
- В тоифа – ўртачадан юқори (ошган) риск;
- Г тоифа – юқори даражадаги риск;
- Д тоифа – номақбул риск.

Мамлакатимиз банк тизимида риск тоифаларининг даражаланиши банк активлари бўйича риск даражаларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳланади. ҳисоблаш усулига кўра рисклар умумий ёки якка кўринишда ҳисобланиши мумкин. **Умумий риск** банк рискнинг умумий ҳажми, унинг умумий даромади ва ликвидлиги меъёрларига асосланиб баҳоланади ёки тахмин қилинади.

Якка кўринишдаги риск банкнинг айрим операциялари ёки уларнинг гуруҳлари бўйича риск коэффициентлари шкаласи асосида баҳоланади.

Таъсир вақтига кўра рискларни ретроспектив, жорий ёки истиқболдаги рискларга ажратиш мумкин. **Ретроспектив рисклар** банк фаолиятининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ифодалайди ва жорий ҳамда истиқболдаги рискларни баҳолашга ёрдам беради.

[259]. **Ички рисклар** бевосита банк фаолияти натижасида вужудга келади. Бу рисклар банк фаолиятига сезиларли таъсир қилувчи рисклар бўлиб, улар банкнинг ўз фаолияти, унинг мижоз (қарздор)лари ёки унинг муайян контрагентлари билан бўлган фаолиятларига боғлиқ бўлади. Банк раҳбарлари, уларнинг тadbиркорлилиги, маркетинг стратегиясининг оптималлиги, тактиканинг тўғри таъминланганлиги каби омиллар ички риск даражасига таъсир қилувчи омиллардир.

Ички рисклар:

- банк операцияларининг хусусияти;
- банк мижозларининг таркиби;
- тижорат банкларининг турлари бўйича гуруҳларга бўлинади.

Ташқи рисклар макромухит даражасида юзага келади. Улар банк фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Ташқи рискларга жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Улар таркибида сиёсий, икти-

содий, ижтимоий ва табиий рискларни алоҳида ажратиш лозим. Сиёсий рисклар мамлакатдаги сиёсий вазият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ бўлади. Иқтисодий рисклар мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятдан келиб чиқади.

Ташқи рисклар урушлар, миллийлаштириш, четга тўловларни тақиқлаш, қарзларни консолидациялаш, эмбарго жорий қилиш, импортга лицензияни бекор қилиш, табиий офатлар натижасида юзага келадиган йўқотишларни ўзига жамлайди. Бу рискларни ўзига хос хусусияти шундаки, улар банк даромадига, операциялар самарадорлигига ва умуман, банк келажигига катта зарар етказиши мумкин.

[260]. Банк операциялари хусусиятига кўра рисклар куйидаги турларга бўлинади:

- баланс операциялари rischi;
- балансдан ташқари операциялар rischi;
- молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рисклар.

Баланс операциялари rischi ўз навбатида:

- банкнинг актив операциялари rischi;
- банкнинг пассив операциялари rischi;
- актив ва пассивларни бошқариш сифати билан боғлиқ рискларга бўлинади.

Балансдан ташқари операциялар riskлари, аввало, мижозларнинг мажбуриятлари юзасидан берилган кафолатлар бўйича тўлов мажбурияти юзага келиши эҳтимоли билан боғлиқ.

[261]. Банкнинг актив операциялари riskлари куйидаги турларга бўлинади (52-жадвал)

52-жадвал.

Банкнинг актив операциялари riskлари

№	Актив операциялар riskлари	Изоҳ
1.	Кредит rischi	<ul style="list-style-type: none"> • бу риск мижоз томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади. Яъни бу риск қарз олувчи ўз қарзини қайтармаслиги оқибатида зарар кўрилиши билан боғлиқ бўлган рискдир. Бунинг манбаи фақат кредитлар эмас, балки қимматли қозғалдиҳлар, жумладан векселлар, акцептлар ҳамда кафолат ва кафиликлар сингари балансдан ташқари воситалар ҳам бўлиши мумкин. Банк маблағи етарлилиги унинг активларига тегишли сармоя улуши билан таъминланганлигини аниқлатади.

2.	Ҳисоб-китоб рисклари	<ul style="list-style-type: none"> • бу рисклар банкнинг келишилган шартнома бўйича миждознинг талабига биноан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш олмаглиги шароитида юзага келади.
3.	Касса рисклари	<ul style="list-style-type: none"> • бу рисклар банк кассаси орқали ўтувчи нақд пулларни сақлашни билан боғлиқ хавфли ҳолатлар натижасида юзага чиқади.
4.	Бозор рисқи	<ul style="list-style-type: none"> • бу рисклар нисбий бозор нархлари даражасининг кескин ўзгариши натижасида банк активлари ҳақиқий қийматининг пасайишини англатади. Бу бозор нархлари номақбул ўзгариши оқибатида эҳтимолий зарар кўрилиши тўғрисида рўй беради. Пулнинг кадрсизланиши юзага келади. Натижада, сотиладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақи ошиб кетади. Банкнинг эса даромадлиги пасайиб, банк акционерларига тўланадиган тўловлар қиймати ўз кучини йўқотади. Банк зарар кўради, бундай зарарларни ҳисобга олиш мақсадида активларга қўйилмаларни бухгалтерия ҳисобига олиш қоидаларига ўзгаришлар киритилган. Уларга мувофиқ банклар икки қиймат-харид қилиш ва бозор нархларининг энг паст ҳисобини юритишади. Бозор нархи харид қийматидан паст бўлса, банклар активларининг пасайиш суммасига камаймаслиги учун захиралар яратишга мажбур. Захиралар эҳтимолий зарарлар сифатида кўриладиган банк харажатлари ҳисобига яратилади.
5.	Валюта рисқи	<ul style="list-style-type: none"> • бу риск валюта алмаштириш курсининг ўзгариши натижасида чет эл валютасида олиб бориладиган операциялар бўйича йўқотишлар ёки юқори фойда олиш эҳтимолини ифода қилади. Бу риск - валюта курсининг баъзи қарз олувчилар молия ҳолатини ёмонлаштирадиган томонга ўзгариши натижасида кўриладиган зарарлардир. Бу ёмон кредитлар миқдорини кўпайтиради. Банкларга бундай таъсирни камайштириш бошқариш усуллари самарадорлигига боғлиқ. Улар валюта рискининг бевосита ва билвосита таъсирини чеклаш керак. Айирбошлаш курсининг нобар-қарорлиги ва унинг юқори даражада аниқ эмаслиги банк операцияларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, 1995 йилда Мексикадаги молия танглиги билан боғлиқ гумонсираш кўплаб Лотин Америкаси мамлакатларида молия муаммоларига сабаб бўлди ва Мексикадан анча узоқдаги бозорларда ҳам кескинлик туғдирди. Девальвация эҳтимоли молияларнинг хорижий валюта бозорига оқиб кетишига олиб келади, банклар молия воситачилиги даражасини пасайтиради, пул-кредит сиёсатини амалга оширишни қийинлаштиради. Масалан, Боливия долларлаштириш 90 фоизгача етганида монетар сиёсат воситаларини қўллаш самарадорлигини кескин чеклаб қўяди. Молия воситачилигида долларлаштиришни кенгайтириш валюта рискининг ка-

		майтиради, албатта. Чунки миллий валютанинг кадрсизланиши қарз оловчиларга хорижий валютадаги мажбуриятларини қайтариш қобилиятини чеклайди. Кўплаб айирбошлаш курслари сиёсати хорижий инвесторларда норозилик туғдиради. Бу сармоя оқиб келишини камайтириб, унинг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишига туртки бўлиши мумкин.
6.	Инвестиция риски	<ul style="list-style-type: none"> бу риск қимматли қоғоз эмитентининг молиявий ҳолати ёмонлашиши оқибатида инвестициялар портфелининг камайиши ёки қўйилган маблағларни йўқотиш riskини ифодалайди. Бу riskлар банк сотиб олган қимматли қоғозлар бўйича оладиган даромадларининг тушиб кетиши ёки уни ошириш билан боғлиқ riskлар ҳисобланади. Республикада фаол амалга оширилаётган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида инвестиция операциялари айниқса кенг тарқалди. Улар банклар активларини диверсификациялаш ва уларга қўшимча фойда олиш имконини беради, бутун иқтисодий ёл «озиклантиради».
7.	Лизинг операциялари бўйича риск	<ul style="list-style-type: none"> бу риск ижарачининг банкдан олган мулкдан самарали фойдалана олмаслиги, шунингдек, шартномада кўрсатилган тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслиги натижасида юзага келади.
8.	Факторинг операциялари бўйича риск	<ul style="list-style-type: none"> бу риск банкнинг учинчи шахсдан сотиб олган қарздорнинг мажбуриятлари бўйича тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслиқ натижасида юзага келади.
9.	Банк портфели риски	<ul style="list-style-type: none"> бу riskлар қимматли қоғозларнинг айрим турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриш эҳтимолиги билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

[262]. Маълумки, банклар пассив операциялар ёрдамида ўзининг актив операцияларини амалга ошириш учун зарур ресурсларни жалб қилади. Бунда устав капиталини ошириш (ташқил этиш) мақсадида банклар фойдадан чегирмалар, бошқа юридик шахслардан кредитлар жалб қилиш, депозит каби пассив операцияларни бажарадилар. Шу жараёнда, яъни актив операцияларни ресурслар билан таъминлашдек мураккаб жараёнда пассив операциялар riskлари юзага келади.

[263]. Активлар ва пассивларни бошқариш сифати билан боғлиқ riskларга қуйидаги riskлар қиради (53-жадвал).

**Активлар ва пассивларни бошқариш
сифати билан боғлиқ рисклар**

№	Риск Турлари	Изоҳ
1	2	3
1.	Банкротлик риски	• бу риск ўз капитали ва ресурсларини йўқотиш оқибатида ўз мажбуриятлари бўйича тўловга лаёқатсиз бўлиш ва фаолиятни тўхтатиш натижасида вужудга келадиган рискдир.
2.	Баланслашмаган ликвидлик риски	• бу риск банкнинг ресурс сифатида жалб қилган маблағлари билан кредитга берган маблағлари суммаси, муддати, фоиз ставкасининг даражаси бўйича мос келмаслиги туфайли юзага келади.
3.	Фоиз риски	• бу риск банкнинг кредитга берган маблағлари бўйича оладиган фоиз ставкасига нисбатан жалб қилган ресурслари бўйича юқори ставкалар билан тўлашга мажбур бўлган ҳолда юзага келади.
4.	Фойда ололмаслик риски	• бу риск банкнинг ўз ресурсларини йўқотиши, улардан самарали фойдалана олмаслиги натижасида юзага келади.
5.	Сунистеъмор риски	• бу риск банк бошқарувчилари, ходимлари ёки mijozлари ўз вазифаларини сунистеъмор қилиб, шахсий манфаатлари йўлида амалдаги қонунчиликка, банк фаолиятига тартибга солиб турувчи метъерий ҳужжатлар талабларига қўл равишда фаолият кўрсатишлари натижасида банк қатъий йўқотишларга учраши хатто, инкирозга учраши мумкин. Банкнинг инкирозга учраши туфайли эса унинг омонатчилар, mijozлари, акционерларнинг молиявий ахволи ёмонлашиши, бунинг натижасида мамлакат иктисодиётига қатъий зарар етиши мумкин.
6.	Ликвидлик риски	• бу риск банкнинг ўз мажбуриятлари бўйича ўз вақтида пул тўлашга қобил эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бунинг оқибатида мажбуриятлар ошishi билан ҳам қисқа муддатларда мақбул нархларда активларни сотishi билан ҳам, маблағ олиш имкони бўлмаганлиги сабабли зарар кўриши.

[264]. 54-жадвалда келтирилганидек, молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларга қуйидаги риск турлари Ки-ради (54-жадвал).

**Молиявий хизматларни амалга ошириш
билан боғлиқ рисклар.**

№	Риск турлари	Изоҳ
1	2	3
1.	Операцион ва технологик рисклар	• бу рисклар банк техника-технологиясида учраб турадиган ахборот тизимидаги узилишлар, компьютер тизимидаги йўқотишлар, ҳужжатларнинг йўқотилиши, банк ходимлари фаолиятида йўл қўйилган хатолар туфайли вужудга келади.
2.	Инновация rischi	• бу риск маълум бир сабаблар туфайли банкнинг инновацияга йўллаган маблағлари мўлжалланган самара бермас ёки йўқотилган ҳолларда юзага келади.
3.	Банк хавфсизлиги rischi	• бу риск банк биноси, ундаги мавжуд ахборот гамламаси, компьютер тармоқларининг хавфсизлиги билан боғлиқ омиллар таъсирида юзага келади.

8.2. Рискларни аниқлаш тартиби

[265]. Банк амалиётида муҳим муаммолардан бири – бу банк рискларини баҳолашдир. Уни тўғри баҳолаш, унинг рўй беришини ўз вақтида олдини олиш бўйича тегишли чоралар ишлаб чиқиш имкониятини беради. Рискларни аниқлаш уларнинг даражасини ҳисоблашдан бошланади.

Риск даражаси муайян фаолиятда мақсад нимага йўналтирилганига қараб зарарлар бўлишини ёки хўжалик субъектининг фаолият натижаси маълум бир йўқотишлар билан тугаши ёки юқори даромад олини мумкинлигини ифодалайди. Ана шу риск даражаси ва у билан боғлиқ йўқотишлар эҳтимолини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд:

- эксперт (субъектив) баҳолаш усули;
- статистик усул;
- таҳлилий (комплекс) усул.

Эксперт баҳолаш усули рискни таҳлил қилувчи иқтисодчи (эксперт)нинг малака даражасига асосланади. Бунда банкнинг фаолиятида ўтказилган барча операциялар бўйича мавжуд маълумотлар таҳлил қилиниб, имкони борича кўпроқ йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган операциялар таҳлилга жалб қилинади. Шу жараёнда банкнинг ўзидаги, шунингдек, бўлиш эҳтимоли бўлган йўқотишлар ва уларнинг давр оралиғи аниқланади:

$$\bar{y} = \frac{\sum X}{N}$$

Бу ерда:

Й – йўқотишлар даражаси (коэффициентда);

ЙХ – йўқотишларга олиб келувчи ҳолатлар сони;

N – таҳлилга жалб қилинган ҳолатларнинг умумий сони.

Формуладаги N банкнинг фақат йўқотиш, зарарларга олиб келиши мумкин бўлган операцияларнинг сонини эмас, балки барча операцияларни, жумладан, фойда келтирувчи операцияларни ҳам ўз ичига олади.

Йўқотиш даражаси $0 < \text{Й} < 1$ оралиғида бўлади. «Й» қанча «0» га яқин бўлса, риск даражаси шунча кичик бўлади. Агар «Й» қанчалик «1» сонига яқин бўлса, риск даражаси шунчалик юқори бўлади.

Статистик усул кўрилиши мумкин бўлган зарарлар эҳтимолини вариация коэффициенти (V) ни ҳисоблаш ёрдамида аниқланади:

$$V = \frac{\sigma \cdot 100}{x}$$

Бу ерда:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2 \cdot n}{\sum n}}$$

яъни ўртача квадратик фаркланиш;

x – кузатишга жалб қилинган операциялар ва улардан кутилаётган натижа;

\bar{x} – барча операцияларда кутилаётган ўртача натижа;

n – операциялар сони.

Бу коэффициент ҳам 0 дан 1 гача ўзгаришда бўлади ва у қанчалик юқори бўлса, фаркланиш ёки риск даражаси шунчалик юқори бўлади. Проф. Ш. Абдуллаева ушбу коэффициент даражасини баҳолашда қуйидаги интерваллардан фойдаланишни тавсия этади.¹⁾

0,10 гача – кам (сезиларли бўлмаган фаркланиш);

0,10-0,25 – меъёрида ёки сезиларли фаркланиш;

0,25 ва ундан юқори – катта фаркланиш.

Вариация коэффициентининг даражаси банк томонидан амалга оширадиган операциялар бўйича риск даражасининг паст ёки юқори бўлишига боғлиқ. Яъни банкнинг операциялари бўйича риск да-

¹⁾ Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. 1 «Моллия», 2002. 117-бет

ражаси вариация коэффициентига тўғри пропорционалдир. Шу СА-бабли банк ўз фаолиятида рискни камайтириш ва банк ликвидлигини ошириш учун ўз маблағларини фарқланиши энг кам бўлган операциялар (вариант)га кўйишга ҳаракат қилиши керак.

Таҳлилий-комплеке усули ўйинлар назариясини қўллашга асосланади. У банкнинг нафақат ўз ҳаракатларини, шунингдек, атрофидаги контрагентларнинг ҳам амалга ошириши мумкин бўлган барча муқобил ҳаракатларини кўриб чиқишни тақозо этади. Ўйинлар назарияси унсурларидан фойдаланган ҳолда вазифаларни ҳал қилиш жараёни жуда улкан ва мураккаб бўлиб, жуда кўп вақт сарфлашни талаб этади.

[266]. Банк бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган риск даражаси ёки кўрсаткичи (K_p) қуйидагича ҳисобланади:

$$K_p = \frac{\text{Кўрилган максимал зарарлар}}{\text{ўз маблағлар}}$$

ёки,

$$K_p = \sum_{KM}^3 E$$

Бу ерда:

K_p – банк бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган риск даражаси;

\sum^3 – шу банкнинг барча операциялар бўйича кўриши мумкин бўлган зарарлар йиғиндиси;

KM – банкнинг ўз маблағлари;

E – банк ташқи рискларинини меъёрий коэффициент.

Халқаро амалиётда ташқи рискларни таҳлил қилишнинг икки босқичли тизими мавжуд. Биринчи босқичда мамлакатдаги умумий иқтисодий вазият таҳлил қилинади, иккинчи босқичда мамлакатдаги рискнинг умумий даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

- ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари;
- жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва унинг ўсиш суръатлари;
- инфляция даражаси;
- ишеизлик даражаси;
- давлат бюджетининг тақчиллиги;
- инвестицияларнинг самарадорлиги;
- иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги;
- савдо ва тўлов баланслари;

- сиёсий хатар даражаси ва бошқалар.

Мамлакатдаги рискларни таҳлил қилганда жаҳондаги кўпгина етакчи мамлакатларнинг статистика хизматлари томонидан махсус эълон қилган айрим кўрсаткичлар бўйича эксперт баҳолари ва рейтингларидан ҳам фойдаланилади.

[267]. Банкнинг кредит фаолияти уни бошқа банк бўлмаган ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётидан маълумки, банк фойдасининг асосий қисми кредит билан боғлиқ. Шу сабабли йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги банкнинг синишига сабаб бўлиши мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, эҳтимол қилинадиган рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг даражаларини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кредит rischi деганда қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Кредит рискини аниқлашда қуйидаги формулалардан жуда кенг фойдаланилади:

$$K_{r_1} = \frac{X_{бла}}{Y_{кк} + L_{бм}}$$

$$K_{r_2} = \frac{X_{чк}}{C_{кк} + L_{бм}}$$

Бу ерда:

K_{r_1} ва K_{r_2} – кредит rischi даражалари;

$X_{бла}$ – ҳаракатда бўлмаган активлар;

$Y_{кк}$ – ялпи кредит ҳажми;

$C_{кк}$ – соф кредит ҳажми;

$L_{бм}$ – лизинг бўйича мажбуриятлар;

$Ў_{чк}$ – ҳисобдан чиқарилган кредитлар.

Ҳаракатда бўлмаган активлар – 90 кундан кам бўлмаган ва ундан ортиқ муддат ичида даромад келтирувчи активлар, шу жумладан, кредит қўйилмалари.

Ҳисобдан чиқарилган кредитлар – банкка қайтарилишидан бутунлай умид узилган ва зарарлар сифатида ҳисобдан чиқарилган кредитлар.

Реал кредит рискини аниқлаш учун, энг аввало, кредит сарф қилиниши мўлжалланаётган лойиҳани яшашга қобилиятлиги кафолатланиши лозим. Агар таҳлил натижасида лойиҳанинг келажаги

яхши деб топилса, унда кредит учун таклиф қилинаётган гаровнинг сифати ва баҳоси таҳлил қилинади. Гаровни таҳлил қилиш жараёнида риск даражаси аниқланади. Чунки гаровнинг қиймати ва ҳужжатлари муҳим роль ўйнайди.

Кредит рискининг ҳақиқий даражаси (K_p) қуйидагича аниқланади:

$$K_p = \frac{ТМК}{БК}$$

Бу ерда:

K_p – кредит рискининг ҳақиқий даражаси;

ТМК – тўланмаган кредитлар;

БК – берилган кредитлар.

Кредит рискининг ҳақиқий даражасини аниқлашда риск коэффициентидан фойдаланиш мумкин (55-жадвал).

55-жадвал.

Риск коэффицентини аниқлаш тартиби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Вариантлар	
			I	II
1.	Банкнинг ўз маблағлари	млн. сўм	10000	60000
2.	Эҳтимол қилинаётган йўқотишларнинг максимал суммаси	млн.сўм	6000	24000
3.	Риск коэффиценти (2к:1к)	коэф.	0,6	0,4

Кўриб турибмизки, II вариант бўйича капитал қўйиш (ёки кредит бериш) риски I вариантга нисбатан 1,5 марта кам ($0,6:0,4=1,5$). Риск коэффицентини тўғри тахминлаш бериладиган кредит суммасини оптималлаштириш йўлларини ишлаб чиқишга, кредит рисklarини минималлаштиришга ёрдам беради.

[268]. Миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш босқичида бериладиган кредит бўйича риск даражасини қуйидаги кредитлаш жараёнини тавсифловчи чизмага асосланиб ҳомчўт қилиш мумкин (36-чизма).

Рисксиз зонада йўқотишлар йўқ, яъни унинг даражаси «0»га тенг. Бу ҳолда фойда даражаси юқори бўлади. Бўлиши эҳтимол қилинадиган риск олдиндан аниқ бўлган, юқори даражада хавф тугдирмайдиган риск бўлиб, унинг даражаси сезиларсиз, доимо олинадиган фойдадан паст бўлади.

Критик риск зонаси йўқотишлар бўлиш хавфи борлигини ифодалайди, олинадиган фойдадан бир қисмининг бирон жараён учун йўналтирилганлигини ва шу маблагларнинг қайтиб келишида хавф борлигини ифодалайди.

Риск туфайли йўқотишлар миқдори (суммаси)га қараб риск зонасини аниқлаш мумкин (56-жадвал).

56-жадвал.


Риск зоналари

Ютуқлар	Йўқотишлар			
Йўқотишлар умуман йўқ	Бўлиши эҳтимол рисклар зонаси	Критик риск зонаси	Ҳалокатли риск зонаси	Максимум риск зонаси (йўқотишлар)
Рисксиз зона	Тушум бўлади	Йўқотиш хавфи бор	Йўқотишлар бўлиши аниқ	Мулкни ҳам йўқотиш ҳолати.
Фойда				

Ҳалокатли риск аниқ йўқотишлар муқаррарлигини ва банкнинг фойдаси мулкий зарар билан яқунланишини ифодалайди.

Кредитларни шу тарика, яъни риск зоналари бўйича туркумлаш кредитни хавфли зонага тушишининг олдини олиш, кредит рискларининг даражасини камайтиришга имкон яратади.

[269]. Банклар маблаглар йўқлиги туфайли юзага келадиган тўловга қобилиятсизлик, молиявий ва хўжалик фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлмаслик каби рисклар (хатар)дан эҳтиёт бўлишлари лозим. Агар банк берилган кредит талабномасини яхшилаб таҳлил қилмасдан, жуда катта миқдорда кредитлар берган бўлса, уларнинг қайтмаслик эҳтимоли мавжуд бўлса, бундай «ёмон» кредитлар банкка катта зарар келтириши мумкин.



36-чизма. Кредитлаш жараёни ва рискли ҳолатларни аниқлаш чизмаси.

Бундан ташқари, банк портфелининг бозор нархи пасайиб кетса, уни сотишда банк катта йўқотишларга учрайди. Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бораётганини билган инвесторлар ва омонатчилар ўз маблағларини қайтариб олишни бошлайдилар. Банкнинг бундай аҳволга тушиши натижасида, банк фаолиятини тартибга солувчи органлар уни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилишга мажбур бўладилар.

Банкнинг инкирозга учраши нафақат банк учун, балки унинг акционерлари ва омонатчилари учун ҳам жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай банкларнинг акциялари бозорда жуда паст баҳоларда сотилади ва банк ўзининг депозит сертификатларига юқори фоиз ставкалари ўрнатишга мажбур бўлади.

Банкнинг тўловга қобилиятсизлиги рискин куйидаги усулларда аниқлаш мумкин:

$$P_{\text{ТКС}_1} = B_{\text{КК}} - D_{\text{КК}}$$

Бу ерда:

$P_{\text{ТКС}}$ – тўловга қобилиятсизлик rischi;

$B_{\text{КК}}$ – банк томонидан чиқарилган, ҳисобдан чиқариш муддати бир хил бўлган қоғоз мажбуриятлари (қимматли қоғозлар ва депозит сертификатлари);

$D_{\text{КК}}$ – давлат қимматли қоғозлари.

Ушбу фарқнинг ортиши натижасида бозордаги инвесторлар банкнинг қарз мажбуриятлари билан бўладиган операцияларнинг катта рискка эга бўлишини тушунадилар.

$$P_{\text{ТКС}_2} = B_a : \bar{D}_a$$

Бу ерда:

B_a – банк акцияси қиймати;

D_a – банкнинг битта акциясига тўғри келадиган бир йиллик даромади.

Бу кўрсаткич банк акцияси қиймати билан унинг битта акциясига тўғри келадиган бир йиллик даромадининг нисбатини ифодалайди. Инвесторлар банк капиталининг ҳажми улар дуч келиши мумкин бўлган риск даражасини қопламаслигини пайқаганларидан сўнг бу нисбат камайиб кетади.

$$P_{\text{ТКС}_3} = A_c : B_{\text{ЯА}}$$

Бу ерда:

A_c – акциядорлар сармоясининг соф қиймати;

$B_{\text{ЯА}}$ – банкнинг ялпи активлари.

Бу кўрсаткич акциядорлар сармоясининг соф қийматининг банк ялпи активларига бўлган нисбати орасидаги фарқ даражасини ифодалайди. Агар бу кўрсаткич, яъни фарқ камайиб кетса, у ҳолда банк акциядорлари ва қарз мажбуриятлари эгалари учун катта риск юзага келади.

$$P_{\text{ТКС}_4} = M_{\text{ЖК}} : Y_n$$

Бу ерда:

$M_{\text{ЖК}}$ – жалб қилинган маблағлар, яъни бир йил мобайнида қайтарилиши мумкин бўлган сугурталанмаган депозитлар, пул бозорида бошқа банклар, уюшмалар ва ҳукумат органларидан олинган

қарзлар, шу жумладан, акциядорлар сармояси, кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш захиралари;

Я_п – ялпи пассивлар.

Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари, тўловга қобилиятсизликнинг кенг қўлланиладиган қуйидаги кўрсаткичлари ҳам мавжуд:

- акциядорлар сармояси ва рискли активлар нисбати;
- бирламчи капиталнинг ялпи активларга нисбати.

Рискли активлар – кредитлар ва қимматли қозғалар (нақд пуллар, бино ва иншоотлар, ҳамда бошқа турли активлар бундан мустасно)дир.

Бирламчи активлар – банкнинг кредитлар бўйича барча йўқотишларини қоплайдиган маблағлардир.

[270]. Банклар маблағлар йўқлиги туфайли тўловга қобилиятсизлик, молиявий ва хўжалик фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлмаслик rischi (хатар)дан эҳтиёт бўлишлари лозим. Агар банк берилган кредит талабномасини яхшилаб таҳлил қилмасдан, жуда катта миқдорда кредитлар берган бўлса, уларнинг қайтмаслик эҳтимоли мавжуд бўлса, бундай «ёмон» кредитлар банкка катта зарар келтириши мумкин.

Банк жалб қилган депозитларни қайтариш ёки кредит бериши учун маблағларнинг етишмаслик riskидан доимо хавотирда бўлади. Бундай риск мувозанатланмаган ликвидлик rischi деб аталиб, бунда банк ўзининг нақд пулга бўлган талабини қондириш учун жуда юқори фоиз ставкаси билан қўшимча депозит маблағларини жалб қилишга мажбур бўлади.

Бу эса, ўз навбатида, банк даромади ва капиталининг камайиб кетишига сабаб бўлади. Амалиётда бундай рисклар камроқ учрайди. Чунки банк бундай риск қутилаётганини сезиши биланоқ, банклараро бозорга мурожаат қилади ва ўз мавқеини яхшилаб олишга ҳаракат қилади.

Бу рисклар, аввало, банк даромадига таъсир қилса, иккинчидан, банк ресурсларидаги ўзгаришларга ҳамда банк мижозларининг унга бўлган ишончидаги ўзгаришларга таъсир кўрсатади. Энг муҳими, бу рискнинг ортиши банкка нисбатан банк фаолиятини тартибга солиб турувчи органларнинг каттик чоралар кўриб туришига сабаб бўлади.

Мувозанатланмаган ликвидлик rischi $R_{мл}$ қуйидаги усулларда аниқланади:

$$P_{мл1} = \frac{\text{Қарз олинган маблағлар}}{\text{Ялпи активлар}}$$

$$P_{мл2} = \frac{\text{Нетто кредитлар}}{\text{Ялпи активлар}}$$

$$P_{мл3} = \frac{\begin{array}{c} \text{Нақд} \\ \text{пуллар} \end{array} + \begin{array}{c} \text{Муддати ўтган} \\ \text{банклараро} \\ \text{кредитлар} \end{array}}{\text{Ялпи кредитлар}}$$

$$P_{мл4} = \frac{\begin{array}{c} \text{Банк} \\ \text{хазинасидаги} \\ \text{нақд пуллар} \end{array} + \begin{array}{c} \text{хукумат} \\ \text{кимматли} \\ \text{қоғозлари} \end{array}}{\text{Ялпи активлар}}$$

[271]. Бозордаги фоиз ставкаларининг ўзгариши даромадлар ва операцион харажатлар ўртасидаги фарқ ҳажмига таъсир қилади.

Фоиз ставкалари ўзгариши rischi - бу фоиз ставкалари умумий даражасида назарда тутилмаган ўзгаришларнинг банк фойдасига салбий таъсир этиш рискидир. Бу риск бозор иқтисодиётига хос объектив ходисадир. Банкнинг зарар кўришига сабаб, банк активларини қайтариш муддатлари билан банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари ўртасидаги тафовут катталашиб кетади.

Фоиз ставкалари ўзгариши rischi ($P_{фў}$) куйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

- $P_{фў} = \frac{A_{юс}}{П_{юс}}$
- $P_{фў} = \frac{Д_с}{Д_я}$

Бу ерда:

$A_{юс}$ – фоиз ставкаларини ўзгарувчанлигини юқори даражада сезувчи активлар;

$П_{юс}$ – фоиз ставкалари ўзгарувчанлигини юқори даражада сезувчи пассивлар;

$Д_с$ – суғурталанмаган депозитлар;

$Д_я$ – ялпи депозитлар.

Суғурталанмаган депозитлар – асосан хукумат ва уюшмаларнинг депозитларидан ортик ҳажмдаги депозитлари, шунингдек, фоиз ставкаси ўзгарувчанлигини юқори сезувчи бошқа депозитлардир.

Фоииз рискни куйидаги сабабларга кўра ликвидликни йўқотиш рискни билан ҳам узвий боғланган:

- Муддатлар бўйича активлар билан пассивларнинг салбий тафовути банкнинг бозордан қиммат ресурсларни сотиб олишга мажбур бўлишига олиб келибгина қолмасдан, балки унинг умуман шу ресурсларни жалб этолмай қолишига ҳам олиб келади.

- Жуда қиммат ресурсларни сотиб олиш ёки актив операциялар бўйича даромадларни банк ундира олмаслиги мумкин. Капитал миқдори банкнинг ишламайдиган кўчмас активларидан камайиб қолса, банкда «дарча» пайдо бўлади ва у даромад келтирмайдиган активларни пулли ресурслар билан таъминлашга мажбур бўлади.

Барча харажатлар ва солиқ тўловларидан сўнг қолган соф фойдага тегиши риск эса кўзланган фойданинг етарли бўлмаслиги **рискдир**. Банк фаолиятида ёки банкдан ташқаридаги шароитнинг ёки ҳукумат қонунчилигининг ўзгариши натижасида банк фойдаси ҳажми кескин қисқариб кетиши мумкин. Банклараро рақобатнинг кучайиши банк активи бўйича даромад билан банкнинг вақтинча маблағ жалб қилишидаги харажати орасидаги фаркнинг қисқаришига олиб келади.

Натижада банк акционерларининг битта акцияга тўғри келадиган даромади миқдори камайиб кетади ва банк акциясининг баҳоси пасайиб, унинг обрўсига путур етади.

Кўзланган фойданинг етарли бўлмаслиги рискни куйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

- солиқ тўлангандан кейинги даромаднинг ўзгариши;
- банк капитали ва активлари даромадлигининг тебраниши.

Банк капитали ва активлари даромадлигининг тебраниши қанча кучли бўлса, банкнинг даромади риск (хатар) остида қолади. Банкнинг қимматли қоғозларига ўз маблағларини жалб қилган инвесторлар фойда олмасликлари рискни вужудга келганини тушунсалар, улар банкнинг бошқа воситалар ёрдамида даромад олишга ёки маблағларини бошқа даромадлироқ фаолиятларга йўналтириш ҳаракатига тушиб қоладилар.

8.3. Рискларни бошқариш усуллари

[272]. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, банк фаолиятида гап рискдан умуман қочиш тўғрисида эмас, балки уни олдиндан чамалаш, кўра билиш ва уни минимал даражага тушириш ҳақида боради. Рискни бошқариш ўз олдига аксарият ҳолларда банкнинг ўз маблағларининг бир қисмини йўқотиш «хавфи», даромад ололма

қолиш ёки молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида қўшимча харажатларга йўл қўйиб бўлса-да, фаолиятни ижобий натижа билан яқунлашни мақсад қилиб қўяди.

Умуман банк рискни бошқариш рискни юзага келиш эҳтимолини хомчўт қилиш, риск туфайли юзага келадиган нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Рискни бошқариш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (37-чизма).


Банк рискни бошқариш банклар фаолиятини чуқур билиш, улар бажарадиган операцияларнинг самарадорлигини аниқлай олиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолият турлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятларини мукамал билишни талаб этади.

Банк рискни бошқаришда банк бошқарувчисининг асосий вазифаси банк фаолиятини олиб боришда юзага келадиган даромад билан унда юзага келувчи рисклар ўртасидаги оптимал вариантни топишдан иборат.

[273]. Банк рискларини бошқаришда муайян тамойиллар ва талабларга таянилади. Улар қуйидагилардан иборат:

Тамойиллар, талаблар:

- ўз капиталидан ортиқ суммага риск қилмаслик;
- кам даромад олиш имкониятида риск қилишга интилмаслик;
- бир мижозга ёки бир-бири билан боғлиқ қарздорлар гуруҳига берилган йирик кредитлар қўпинча банкларнинг инкирозга сабаб бўлишини унутмаслик;
- бир қарз олувчига бериладиган кредит миқдори банкнинг устав капитали миқдорининг 10 фоизидан юқори бўлмаслигини асос қилиб олиш;
- банк томонидан бериладиган йирик кредит банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг 10 фоизидан ошмаслигига риоя қилиш;
- бир қарз олувчига ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи максимал миқдор банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг 15 фоизидан ошмаслигини асос қилиб олиш;
- ишончли (бланкали) кредитлар бўйича максимал риск миқдори банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг 5 фоизидан ошмаслигига риоя қилиш;



37-чизма. Рискни бошқариш жараёни.

- банк томонидан берилган йирик кредитларнинг умумий суммаси банк регулятив капиталининг биринчи даражасидан 8 мартадан ошмаслигини асос қилиб олиш;

Халқаро банк амалиётида:

- бирон бир қарз олувчи банк асосий капиталининг 10 фоиз эквивалентидан ортиқча маблағ ололмайди;
- бир тармоққа бериладиган кредит миқдори банкнинг умумий портфелининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим;

- бир қарз олувчига тўғри келувчи тахминий риск (гаровга қўйилган мулк баҳолангандан кейин) банк асосий капиталининг 1 фоизидан ошмаслиги керак;

- тахминий (кутилаётган) риск қўлами мижоздан олиниши эҳтимол қилинаётган йиллик фойда миқдорининг 3 бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда аксарият банклар соҳалар бўйича (Савдогарбанк, Ғаллабанк, Пахтабанк, Микрокредитбанк ва ҳ.к.) ихтисослашган банклар бўлиб, уларнинг кредит қўйилмаларининг асосий қисми ўзи ихтисослашган соҳаларга йўналтиради.

Бу ерда ҳам муайян талаб ўрнатилиши лозим. Проф. Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банк бир соҳага кредит берганда, шу соҳа учун берилган кредитлар қўлами банк кредит портфелининг 35 фоизидан ошмаслиги лозим. Бу ҳам кредит рискининг олдини олишнинг омилларидан бири бўлиши мумкин.¹

[274]. Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда рискларнинг қуйидаги асосий турларига эътиборни қаратмоқ лозим:

- депозитларни шакллантириш rischi;
- янги фаолият тури rischi (масалан, факторинг операциялар бўйича);

- лизинг келишуви rischi;
- қарздорнинг ўз молиявий мажбуриятлари юзасидан бажармаган фаолияти билан боғлиқ кредит rischi;
- бозор фоиз ставкаларининг фарқланиш эҳтимоли билан боғлиқ фоиз рисклари;
- қимматли қоғозларнинг қадрсизланиш эҳтимоли билан боғлиқ бозор rischi.

- валюта курсларининг фарқланиши билан боғлиқ валюта рисклари. Банк бундай рискка чет эл валютасида турли хилдаги операциялар ўтказиш, валюталар олди-сотдиси, валютавий кредитлар бериш натижасида дуч келади.

Банк ўз фаолиятида мавжуд рискни аниқлаш, уни қабул қилиш, уни кузатиб бориш ва уни бошқариш қобилиятига тайёр эканлигини ўз зиммасига олиши лозим.

[275]. Рисклар асосан қуйидаги усулларни қўллаш ёрдамида бошқарилади (57-жадвал).

¹ Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. Т. «Молия» 2002. 145-бет

Агар рискларнинг олдини олишнинг тўлиқ имконияти мавжуд бўлмаса, у ҳолда охириги манба рискни қоплаш ҳисобланади. **Рискни қоплаш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- банклар томонидан умумий ва махсус захира фондларини ташкил қилиш;

- маълум йиғиндиларни зарарларга ўтказиш;

- кредит бўйича фоизлар белгилашни тўхтатиш ва бошқалар.

Рискларни бошқариш даромад билан риск ўртасидаги оптимал нисбатни топиш, мавжуд рискни минималлаштиришни ўз ичига олади.

57-жадвал.

Рискларни бошқариш усуллари

№	Рискларни бошқариш усуллари
1.	Диверсификация сиёсатини ўтказиш;
2.	Депозит сертификатларини жорий қилиш;
3.	Ўзгарувчан, сузиб юрвчи фоиз ставкалари асосида кредит бериш;
4.	Кредитларни ва депозитларни суғурталаш;
5.	Гаров асосида кредитларни кенгайтириш;
6.	Банкларнинг ҳисобга олиш операцияларини кенгайтириш;
7.	Йирик кредитларни фақат консорционал асосда бериш (банклараро битимларга асосан рискларни тақсимлаш);
8.	Реал шахсий кафолатлар асосида кредитлашни қўллаш;
9.	Ташки рисклар (тармок, тармоқлараро, минтақавий ва бошқ.)ни ҳисобга олиш;
10.	Банк мижозининг молиявий аҳволини мунтазам назорат қилиб бориш, тўловга лаёқатлилиги, рейтингини баҳолаб бориш;
11.	Рискларни бошқаришда зътиборга олиш зарур бўлган тамойиллар ва талабларга риоя қилиш;
12.	Рискларни аниқлаш усуллари ва уларнинг натижаларини рискларни бошқаришда кенг қўллаш ва ҳ.к.

[276]. Банк амалиётида кредит бериш барча операциялар таркибида энг салмоқли ўринни эгаллайди. Шу боис кредит рискини минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ўта долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу тадбирлар қаторига қуйидагилар киради (58-жадвал).

Кредит рискинни камайтириш усуллари

№	Рискни камайтириш чоралари	Изох
1.	Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш	• Бу усул миждознинг рейтингини аниқлашни кўзда тутлади. Қарздорни баҳолаш мезонлари ҳар бир банк учун каттик индивидуаллашган бўлиб, унинг амалиётдаги мавқеидан келиб чиқиши ва вақт-вақти билан қайта кўриб чиқиши лозим.
2.	Битта қарз олувчига бериладиган кредитнинг суммасини камайтириш	• Бу усул миждознинг кредитга лаёқатлилигига тўлиқ амин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.
3.	Кредитларни сугурталаш	• Кредитни сугурталаш унинг қайтмаслик рискинни тўлиқ сугурталаш билан шугулланувчи ташкилот зиммасига юкланишини назарда тутлади.
4.	Етарли таъминотни талаб қилиш	• Бу усул банкдан берилган сумманинг қайтишини ва фоиз олининини кафолатлайди.
5.	Дисконтли ссудалар бериш	• Бу ссудалар унчалик катта бўлмаган даражада кредит рискинни пасайтиришга ёрдам беради. Бундай усулларда кредит бериш кредитга минимум тўлов олишни таъминлайди.

[277]. Юқорида таъкидлаганимиздек, фоиз рисқи фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлиги натижасида юзага келиб, бозор иқтисодиётига хос объектив ҳодисадир. Банк тузилаётган шартномалар бўйича (кредит шартномалари бўйича ҳам, депозит шартномалари бўйича ҳам) фоиз ставкаларини қайд этар экан, кўпинча шундай вазиятга тушиб қоладики, бунда у ё қимматлашган ресурсларни ставкалар молия бозорларининг даромадлилик даражаси пастроқ бўлган вақтда белгиланган актив операцияларни фондлаш учун сотиб олиш, ёхуд илгари сотиб олинадиган қиммат ресурсларини пасайган ставкалар бўйича жойлаштириш мумкин. Чунки уни жойлаштириш муддати ресурслар жалб этилган муддатга қараганда камроқдир.

Фоиз хатарини бошқаришдан мақсад бозор фоиз ставкаларини тебранишларининг банк рентабеллигига салбий таъсирни минималлаштиришдан иборат. Фоиз ставкаларининг ўзгариш хатари фарклантирувчи хусусияти шундан иборатки, унинг таъсири банк учун ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин.

Фоиз хатарини бошқариш банкни фоиз шаклида соф фойда

олиш вазифаларини қўйишга ва банкнинг фоиз хатарига қанчалик дуч келганлигини чамалаб кўришга мажбур этади. Бунинг учун ё тафовутни таҳлил қилиш усули (инг. GAP -узилиш, интервал), ёхуд давомийликни таҳлил қилиш усулидан фойдаланилади.

Банк портфелининг шаклланиш доирасида фоиз ставкалари ўзгариш рискинни бошқаришда икки хил стратегия бўлиши мумкин:

- фоиз ставкаларининг динамикасини прогноз қилиш;
- фоиз ставкалари прогнозланаётган ўзгаришининг салбий таъсирини минималлаштириш мақсадида банк портфели тузилмасини ўзгартириш тадбирларини ўтказиш.

Агар фоиз ставкаларининг ўзгариш тенденцияларини олдиндан айтиб бўлмаса ёки фоиз ставкалари тартибсиз тебраниб турса, у ҳолда тафовутни бошқаришнинг **мудофаа стратегиясини** қўллаш ўринли бўлади. У банк портфелини бошқаришга **пассив ёндашиш**ни билдирмайди ва банк операцияларини бошқаришда **гоянинг юксак фаол бўлишини талаб қилади.**¹

Фоиз рискинни қуйидаги усуллар воситасида минималлаштириш мумкин:

1. Фоиз рискинни қуйи бўғиндаги тегишли суғурта ташкилотига ўтказиш йўли билан сугурталаш.

2. Кредитларни сузувчи фоиз ставкасида бериш. Бу усул банкка берилган кредитларнинг фоиз ставкасига бозордаги фоиз ставкаларининг тебранишини ҳисобга олиб тегишли ўзгартиришлар кириштишга имконият беради ва банк ссуда фоизининг бозор нормасининг ошиши натижасида кўриши мумкин бўлган зарарлардан қочиш учун шароит яратиб беради.

3. Муддатли келишувлар. Банк ва мижоз ўртасида белгиланган сумма ва ўрнатилган фоизда, маълум бир келишилган кунда ссуда билан таъминлаш тўғрисида махсус **форвард** битими имзоланади. Бундай битимни тузиш ёрдамида банк ссудаларни бериш вақтида бозор фоиз ставкаларининг тушиб кетиши хавфидан ўзини ҳимоялайди. Бунда анча паст тўлов эвазига кредит олган мижоз ютади.

4. Фоизли фьючерс шартномалари. Бу усул бозор фоиз ставкаларининг тебранишидаги спекуляция (чайковчи)лар ҳамда фоиз рискинни қоплаш учун қўлланилади.

5. Фоиз опционлари. Бу опцион эгасига қатъий ўрнатилган баҳода келгусида белгиланган кунда ёки унгача қисқа муддатли депо-

¹ Каранг: Журнал. Бозор, пул ва кредит. 1999 йил март

зит ёки ссудани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини (мажбурият эмас) берувчи келишувидир.

6. **Фоиз своплари.** Бу усул битта суммага, лекин турли шартларда тузилган кредит мажбуриятлари бўйича банклар ўртасида бўладиган фоиз тўловлари алмашинуви бўлиб, фоиз рискинни минималлаштиришга бир қадар ёрдам бериши мумкин.

[278]. Валюта рискинни қуйидаги усуллар ёрдамида минималлаштириш мумкин (59-жадвал).

59-жадвал.

Валюта рискинни минималлаштириш усуллари

№	Усуллар	Изоҳ
1.	Форвард курсини ҳисобга олиш	• Кредит шартномасида ўрнатилган форвард курсини ҳисобга олиб бошқа валютада қайтариш шarti билан бирор бир валютада ссуда бериш. Бундай тадбирлар банкни кредит валютаси курсининг пасайиши эҳтимоллигидан ҳимоя қилади.
2.	Форвард валюта шартномалари	• Бундай операциялар битим суммасини ва форвард алмашув курсини шартномада қатъий ўрнатиб хорижий валютани олди-сотдиси бўйича банк ва миждоз ўртасида муддатли келишув имзоланишни назарда тутлади.
3.	Валютавий фьючерс шартномалари	• Фьючерслар маълум бир миқдордаги хорижий валютани келгусида аниқ бир кунда сотиш ёки сотиб олиш келишувни ўзида акс эттиради.
4.	Валюта своплари	• Бу усул икки томон ўртасида турли валюталардаги тўловларнинг келажакда алмашиниши ҳақидаги келишув асосида амалга оширилади.
5.	Валюта рискинни суғурталаш	• Бундай тадбир барча рискни суғурта ташкилотига ўтказишни назарда тутлади.

Бозор рискинни қуйидаги воситалар ёрдамида минималлаштириш мумкин:

1. **Қимматли қоғозлар олди-сотдиси**га тузилган фьючерс шартномалари. Улар шартнома эгаларига олдиндан ўрнатилган курс бўйича қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради.

2. **Фонд опционлари.** Бу акцияларни (ёки бошқа қимматли қоғозларни, агар улар фонд биржасида айланаётган бўлса) келишилган муддат давомида сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқини беради.

3. Инвестиция портфелининг диверсификацияси. Бу усул қимматли коғозларни қадрсизланишдан ҳимоя қилишнинг энг мақбул усулидир.

Шундай қилиб, банкларнинг ўз фаолиятлари жараёнида дуч келадиган турли хилдаги рискларни пасайтириш усуллари бўйича тадбирларнинг ишлаб чиқилиши риск соҳасида банк стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бундай турдаги операцияларни банк ўз маблаглари ҳисобидан ҳам ёки миждоз топширигига асосан ҳам амалга оширади.

8.4. Таянч иборалар

• <i>риск</i>	• <i>соф рисклар</i>
• <i>ички рисклар</i>	• <i>сунъий рисклар</i>
• <i>ташқи рисклар</i>	• <i>тизимли рисклар</i>
• <i>кредит rischi</i>	• <i>тизимсиз, номунтазам рисклар</i>
• <i>фойда олмаслик rischi</i>	• <i>очиқ рисклар</i>
• <i>фоиз ставкалари ўзгариши rischi</i>	• <i>ёпиқ рисклар</i>
• <i>тўлай олмаслик rischi</i>	• <i>баланслашмаган ликвидлик rischi</i>
• <i>касса рисклари</i>	• <i>банкротлик rischi</i>
• <i>бозор ставкалари ўзгариши rischi</i>	• <i>суиистеъмор rischi</i>
• <i>валюта rischi</i>	• <i>ликвидлик rischi</i>
• <i>ҳисоб-китоб рисклари</i>	• <i>операцион ва технологик рисклар</i>
• <i>инвестиция rischi</i>	• <i>инновация rischi</i>
• <i>лизинг операциялари rischi</i>	• <i>банк хавфсизлиги rischi</i>
• <i>факторинг операциялари rischi</i>	• <i>риск даражаси</i>
• <i>банк портфели rischi</i>	• <i>риск коэффициенти</i>
• <i>риск зоналари</i>	• <i>рискларни бошқариш</i>
	• <i>рискни қонлаш</i>
	• <i>мувозанатланмаган ликвидлик rischi</i>

8.5. Тест топшириқлари ва масалалар

195. Риск деганда:

- «таваккал қилмоқ» тушунилади;
- «хавфли ишга қўл урмоқ» тушунилади;
- «хавф остида қолмоқ» тушунилади;
- $a + b + v$.

196. Қамраб олиш даражасига қараб рисклар куйидаги турларга бўлинади:

- ретроспектив рисклар;*
- макродаражадаги рисклар;*
- жорий рисклар;*

г) истиқболли рисклар.

197. Таъсир қилиш вақтига қараб рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) микродаражадаги рисклар;

б) мезодаражадаги рисклар;

в) ретроспектив рисклар;

г) мегодаражадаги рисклар.

198. Пассив операциялар бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) диверсификация рисқи;

б) кредит рисқи;

в) банкротлик рисқи;

г) инновация рисқи.

199. Актив операциялар бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) инфляция рисқи;

б) касса рисқи;

в) клиринг рисқи;

г) фоиз рисқи.

200. Пассив операциялар бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) бозор рисқи;

б) фойда олмаслик рисқи;

в) банк хавфсизлиги рисқи;

г) депозитлар рисқи.

201. Актив операциялар бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) валюта рисқи;

б) факторинг рисқи;

в) инвестиция рисқи;

г) а + б + в.

202. Вужудга келиш соҳаси бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) ички ва ташқи рисклар;

б) жамғармалар рисқи;

в) бартер рисқи;

г) фойда ололмаслик рисқи.

203. Балансдан ташқари операциялар бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

- а) операцион ва технологик рисклар;*
- б) сууистеъмол rischi ёки иқтисодий билим ва ташкилотчилик даражаси rischi;*
- в) лизинг операциялари rischi;*
- г) фоиз ставкаларининг ўзгариши rischi.*

204. Молиявий хизматларни амалга ошириш бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

- а) банк портфели rischi;*
- б) банкротлик rischi;*
- в) инновация rischi;*
- г) инфляция rischi.*

205. Соф рисклар:

- а) кўпинча объектив характерга эга бўлади ва салбий («–» ёки «0») натижага эришиши эҳтимолини билдиради;*
- б) кўпинча субъектив характерга эга бўлиб, нафақат салбий, шу билан бир қаторда ижобий натижага эришиши эҳтимолини билдиради;*
- в) кўпинча сунъий бўлади;*
- г) бозор конъюнктурасини яхши ўрганмаслик оқибатида вужудга келади.*

206. Қуйида қайд қилинган рискларнинг қайси бир тури тўловга ноқобиллик rischi турига тааллуқли?

- а) кредит rischi;*
- б) валюта rischi;*
- в) фоиз rischi;*
- г) а + б + в.*

207. Баланслашмаган ликвидлик rischi кўпинча:

- а) миждоз танлашда янглишиши натижасида вужудга келади;*
- б) банк бошқаруви ва ходимлар малакасининг саёзлиги натижасида вужудга келади;*
- в) рискларни тартибга солишда қўлланиладиган усулларнинг такомиллашмаганлиги натижасида вужудга келади;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

208. Чет эл тижорат банклари рискларни беш тоифага, яъни А, Б, В, Г ва Д тоифаларга ажратади. Унда «А» тоифа:

- а) юқори даражадаги риск ҳисобланади;*
- б) паст даражадаги риск ҳисобланади;*
- в) ўртача даражадаги риск ҳисобланади;*
- г) номақбул риск ҳисобланади.*

209. Ички рисклар:

- а) макро муҳит даражасида юзага келади;*
- б) банк фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмайди;*
- в) бевосита банк фаолияти натижасида вужудга келади;*
- г) а + б.*

210. Кредит рисқи:

- а) миждо томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фойзаларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади;*
- б) банкнинг келишилган шартнома бўйича миждознинг талабига биноан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказа олмаслиги шароитида юзага келади;*
- в) банк кассаси орқали ўтувчи нақд пулларни сақланиш билан боғлиқ хавфли ҳолатлар натижасида юзага келади;*
- г) бозор нархлари номақбул ўзгариши оқибатида эҳтимолли зарар кўрилиши тўғрисида рўй беради.*

211. Валюта рисқи:

- а) қимматли қозғоз эмитентининг молиявий ҳолати ёмонлашиши оқибатида инвестициялар портфелининг камайиши ёки қўйилган маблағларни йўқотиш рисқини ифодалайди;*
- б) қарз олувчи ўз қарзини қайтармаслиги оқибатида зарар кўрилиши билан боғлиқ бўлган рисқини ифодалайди;*
- в) нисбий бозор нархлари даражасининг кескин ўзгариши натижасида банк активлари ҳақиқий қийматининг пасайишини англатади;*
- г) валюта алмаштириш курсининг ўзгариши натижасида чет эл валютасида олиб бориладиган операциялар бўйича йўқотишлар ёки юқори фойда олиш эҳтимолини ифодалайди.*

212. Бозор рисқи:

- а) ишарачининг банкдан олган мулкдан самарали фойдалана олмаслиги, шунингдек, шартномада кўрсатилган тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслиги натижасида юзага келади;*

б) бозор нархлари номақбул ўзгариши оқибатида эҳтимолли зарар кўрилиши туфайли юзага келади;

в) банкнинг учинчи шахсдан сотиб олган қарздорнинг мажбуриятлари бўйича тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслик натижасида юзага келади;

г) қимматли қозғозларнинг айрим турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриши эҳтимоли билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

213. Инвестиция рисқи:

а) банк кассаси орқали ўтувчи нақд пулларни сақланиши билан боғлиқ хавфли ҳолатлар натижасида вужудга келади;

б) банкнинг келишилган шартнома бўйича миқдорнинг талабига биноан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш олмаслиги шароитида юзага келади;

в) қимматли қозғоз эмитентининг молиявий ҳолати ёмонлашиши оқибатида инвестициялар портфелининг камайиши ёки қўйилган маблағларни йўқотиши рисқини ифодалайди;

г) қимматли қозғозларнинг айрим турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриши эҳтимоли билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

214. Банк портфели рисқи:

а) қимматли қозғозларнинг айрим турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриши эҳтимоли билан боғлиқ ҳолда юзага келади;

б) миқдор томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади;

в) банкнинг келишилган шартнома бўйича миқдорнинг талабига биноан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш олмаслиги шароитида юзага келади;

г) б + в.

215. 210-тест топшириғида қайси бир жавоб «ҳисоб-китоб рисқлари»ни англатади?

а) б

б) в

в) г

г) а

216. 210-тест топшириғида қайси бир жавоб «касса рисклари»ни англатади?

- а) г*
- б) в*
- в) а*
- г) б*

217. 212-тест топшириғида қайси бир жавоб «Лизинг операциялари бўйича риск»ни англатади?

- а) г*
- б) в*
- в) б*
- г) а*

218. 212-тест топшириғида қайси бир жавоб «Факторинг операциялари бўйича риск»ни англатади?

- а) г*
- б) а*
- в) в*
- г) б*

219. Банкротлик rischi:

а) банкнинг ўз ресурсларини йўқотиш, улардан самарали фойдалана олмаслиги натижасида юзага келади;

б) банкнинг ресурс сифатида жалб қилган маблағлари билан кредитга берган маблағлари суммаси, муддати, фоиз ставкасининг даражаси бўйича мос келмаслиги туфайли юзага келади;

в) ўз капитали ва ресурсларини йўқотиш оқибатида ўз мажбуриятлари бўйича тўловга лаёқатсиз бўлиш ва фаолиятни тўхтатиш натижасида вужудга келадиган рискдир;

г) банк бошқарувчилари, ходимлари ёки мижозлари ўз вазифаларини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаатлари йўлида амалдаги қонунчиликка банк фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига зид равишда фаолият кўрсатишлари натижасида юзага келади.

220. 219-тест топшириғида қайси бир жавоб «Баланслашмаган ликвидлик rischi» нинг юзага келишини билдиради?

- а) в*
- б) б*
- в) г*
- г) а*

221. 219-тест топшириғида қайси бир жавоб «Сунистеъмол риски» нинг юзага келишини билдиради?

- а) б
- б) в
- в) а
- г) г

222. 219-тест топшириғида қайси бир жавоб «Фойда олмас-лик риски» нинг юзага келишини билдиради?

- а) а
- б) в
- в) г
- г) б

223. Фоиз риски:

а) банкнинг ўз мажбуриятлари бўйича ўз вақтида пул тўлашга қобил эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бунинг оқибатида мажбуриятлар ошганда ҳам қисқа муддатларда мақбул нархларда активларни сотишда ҳам маблағ олиш имкони бўлмаганлиги сабабли юзага келади ва зарар кўрилади;

б) банкнинг кредитга берган маблағлари бўйича оладиган фоиз ставкасига нисбатан жалб қилган ресурслари бўйича юқори ставкalar билан тўлашга мажбур бўлган ҳолда юзага келади;

в) маълум бир сабаблар туфайли банкнинг инновацияга йўллаган маблағлари мўлжалланган самара бермаса ёки йўқотилган ҳолларда юзага келади;

г) банк биноси, ундаги мавжуд ахборот гамламаси, компьютер тармоқларининг хавфсизлиги билан боғлиқ омиллар таъсирида юзага келади.

224. 223-тест топшириғида қайси бир жавоб «Ликвидлик риски» нинг юзага келишини билдиради?

- а) б
- б) г
- в) а
- г) в

225. 223-тест топшириғида қайси бир жавоб «Инновация риски» нинг юзага келишини билдиради?

- а) б
- б) г
- в) а
- г) в

226. 223-тест топшириғида қайси бир жавоб «Банк хавфсизлиги риски» нинг юзаға келишини билдиради?

- а) з
- б) в
- в) а
- г) б

227. Риск коэффициентги:

а) йўқотишларга олиб келувчи ҳолатлар сонини таҳлилга жалб қилинган ҳолатларнинг умумий сонига бўлиш ёрдамида аниқланади;

б) банкнинг барча операциялар бўйича кўриши мумкин бўлган зарарлар йиғиндисини банкнинг ўз маблағларига бўлінгани ва олинган натижани банк ташқи рискларининг меъёрий коэффициентига кўпайтирилганига тенг

в) ҳаракатда бўлмаган активлар суммасини ялпи кредит ҳажми билан лизинг бўйича мажбуриятлар йиғиндисига бўлиш ёрдамида аниқланади;

г) ҳисобдан чиқарилган кредитлар суммасини соф кредит ҳажми билан лизинг бўйича мажбуриятлар йиғиндисига бўлиш ёрдамида аниқланади.

228. 227-тест топшириғида қайси бир жавоб «Йўқотишлар даражаси (коэффициенти)» ни ифодалайди?

- а) б
- б) з
- в) а
- г) в

229. 227-тест топшириғида қайси бир жавоб «Кредит rischi» даражасини ифодалайди?

- а) б
- б) а + б
- в) а
- г) в + з

230. Кредит рискнинг ҳақиқий даражаси қандай аниқланади?

а) $K_p = \frac{ТМК}{БК}$;

б) $K_p = \frac{X_{\text{оми}}}{Я_{\text{кк}} + Л_{\text{ав}}}$;

в) $K_p = \frac{X_{\text{кк}}}{C_{\text{кк}} + Л_{\text{ав}}}$;

г) $K_p = \frac{КМЗ}{\dot{Y}M}$.

Бу ерда:

ТМК – тўланмаган кредитлар;

БК – берилган кредитлар;

$X_{\text{бла}}$ – ҳаракатда бўлмаган кредитлар;

$Y_{\text{кх}}$ – ялпи кредит ҳажми;

$L_{\text{бм}}$ – лизинг бўйича мажбуриятлар;

$X_{\text{чк}}$ – ҳисобдан чиқарилган кредитлар;

$C_{\text{кх}}$ – соф кредит ҳажми;

КМЗ – қўрилган максимал зарарлар;

ЎМ – ўз маблағлар.

231. 230-тест топшириғида қайси бир формула риск даражаси (кўрсаткичи)ни ифодалайди:

а) v

б) z

в) a

г) b

232. Ҳаракатда бўлмаган активлар – бу:

а) банкка қайтарилишидан бутунлай умид узилган ва зарарлар сифатида ҳисобдан чиқарилган кредитлардир;

б) 30 кундан кам бўлмаган ва ундан ортиқ муддат ичида даромад келтирувчи активлардир;

в) 90 кундан кам бўлмаган ва ундан ортиқ муддат ичида даромад келтирувчи активлар, шу жумладан, кредит қўйилмаларидир;

г) 120 кундан кам бўлмаган ва ундан ортиқ муддат ичида даромад келтирувчи активлар.

233. Бўлиши эҳтимоли бўлган рисклар зонасида:

а) йўқотиш хавфи бўлади;

б) йўқотишлар бўлиши аниқ;

в) мулкни ҳам йўқотиш ҳолати бўлади;

г) тушум бўлади.

234. Йўқотиш хавфи бор бўлган риск зонасини:

а) критик риск зонаси дейилади;

б) ҳалокатли риск зонаси дейилади;

в) максимум риск зонаси (йўқотишлар) дейилади;

г) бўлиши эҳтимоли бўлган рисклар зонаси дейилади.

235. Тўлов қобилиятсизлиги rischi:

а) банк акцияси қиймати билан унинг битта акциясига тўғри келадиган бир йиллик даромадининг нисбати билан ифодаланади;

б) акциядорлар сармояси соф қийматининг банк ялти активларига бўлган нисбати орасидаги фарқ даражасини ифодалайди;

в) банк томонидан чиқарилган, ҳисобдан чиқариш муддати бир хил бўлган қозғоз мажбуриятлари (қимматли қозғозлар ва депозит сертификатлари) билан давлат қимматли қозғозлари ўртасидаги фарқ даражасини ифодалайди;

г) нотўғри жавоб йўқ.

236. Мувозанатланмаган ликвидлилик rischi қуйидаги усулларнинг қайси бири ёрдамида аниқланади?

а)
$$P_{мл} = \frac{\text{Қарзга олинган маблағлар}}{\text{Ялти активлар}}$$

б)
$$P_{мл} = \frac{\text{Нетто кредитлар}}{\text{Ялти активлар}}$$

в)
$$P_{мл} = \frac{\text{Нақд пуллар} + \text{Муддати ўтган банклараро кредитлар}}{\text{Ялти активлар}}$$

г) а + б + в

237. Riskли активлар – бу:

а) барча кредитлардир;

б) кредитлар ва қимматли қозғозлардир;

в) барча қимматли қозғозлардир;

г) нақд пуллар, бино ва иншоотлар ҳамда бошқа турли активлардир.

238. Бир қарз олувчига бериладиган кредит миқдори банк устав капитали миқдорининг:

а) 3 фоизидан юқори бўлмаслиги керак;

б) 5 фоизидан юқори бўлмаслиги керак;

в) 10 фоизидан юқори бўлмаслиги керак;

г) 15 фоизидан юқори бўлмаслиги керак.

239. Ишончли (бланкли) кредитлар бўйича максимал риск миқдори банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг:

а) 5 фоизидан ошмаслиги риоя қилиш керак.

- б) 8 фоиздан ошмаслигига риоя қилиш керак;
- в) 10 фоиздан ошмаслигига риоя қилиш керак;
- г) 15 фоиздан ошмаслигига риоя қилиш керак.

240. Банк томонидан берилган йирик кредитларнинг умумий суммаси банк регулятив капиталининг биринчи даражасидан:

- а) 2 мартадан ошмаслигини асос қилиб олиш керак;
- б) 3 мартадан ошмаслигини асос қилиб олиш керак;
- в) 5 мартадан ошмаслигини асос қилиб олиш керак;
- г) 8 мартадан ошмаслигини асос қилиб олиш керак.

241. Халқаро банк амалиётида бир тармоққа бериладиган кредит миқдори банк умумий портфелининг:

- а) 15 фоиздан ошмаслиги лозим;
- б) 20 фоиздан ошмаслиги лозим;
- в) 25 фоиздан ошмаслиги лозим;
- г) 30 фоиздан ошмаслиги лозим.

242. Халқаро банк амалиётида бир қарз олувчига тўғри келувчи тахминий риск (гаровга қўйилган мулк баҳолангандан кейин) банк асосий капиталининг:

- а) 1 фоиздан ошмаслиги керак;
- б) 2 фоиздан ошмаслиги керак;
- в) 3 фоиздан ошмаслиги керак;
- г) 5 фоиздан ошмаслиги керак.

243. Халқаро банк амалиётида тахминий (кутилаётган) риск кўлами миқоздан олиниши эҳтимол қилинаётган йиллик фойда миқдорининг:

- а) 2 бараваридан ошиб кетмаслиги керак;
- б) 3 бараваридан ошиб кетмаслиги керак;
- в) 4 бараваридан ошиб кетмаслиги керак;
- г) 5 бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

244. Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда рискларнинг қайси турларига кўпроқ эътиборни жалб қилиш лозим?

- а) депозитларни шакллантириш rischi;
- б) лизинг келишуви rischi;
- в) бозор фоиз ставкаларининг фарқланиш эҳтимоли билан боғлиқ фоиз рисклари;
- г) а + б + в.

245. Қуйида қайд қилинган рискни камайтириш усуллари-дан қайси бири кредит рискни камайтириш усули ҳисобланади?

- а) миждозни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усули;*
- б) битта қарз олувчига бериладиган кредит суммасини камайтириш усули;*
- в) етарли таъминлашни талаб қилиш усули;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*

246. Қуйида қайд қилинган қайси бир усул воситасида фоииз рискни минималлаштириш мумкин?

- а) кредитларни сузувчи фоииз ставкасида бериш;*
- б) форвард курсини ҳисобга олиш;*
- в) валюта рискни суғурталаш;*
- г) валюта своглари келишувини тузиш.*

247. Қуйида қайд қилинган қайси бир усул воситасида валюта рискни минималлаштириш мумкин?

- а) фоииз рискни қуйи бўғиндаги тегишли суғурта ташилотига ўтказиш йўли билан суғурталаш;*
- б) фоиизли фьючерс шартномаларини тузиш;*
- в) форвард курсини ҳисобга олиш;*
- г) банк ва миждоз ўртасида белгиланган сумма ва ўрнатилган фоиизда, маълум бир келишилган кунда ссуда билан таъминлаш тўғрисида махсус форвард битимини имзолаш.*

248. Қуйида қайд қилинган қайси бир усул воситасида бозор рискни минималлаштириш мумкин?

- а) қимматли қозғалар олди-сотдисига тузилган фьючерс контрактларини тузиш;*
- б) фонд опционларини қўллаш;*
- в) инвестиция портфелининг диверсификациясини амалга ошириш;*
- г) $a + b + v$.*

249. Фоиизли фьючерс контрактлари – бу усул:

- а) битта суммага, лекин турли шартларда тузилган кредит мажбуриятлари бўйича банклар ўртасида бўладиган фоииз тўловлари алмашинуви бўлиб фоииз рискни минималлаштиришига бир қадар ёрдам беради;*
- б) бозор фоииз ставкаларининг тебранишидаги спекуляция (чайқовчи)лар ҳамда фоииз рискни қоплаш учун қўлланилади;*
- в) банкка берилган кредитларнинг фоииз ставкаси бозордаги фоииз ставкаларининг тебранишини ҳисобга олиб тегишли ўзгар-*

тишлар киритишга имконият беради ва банк ссуда фоизининг бозор нормасининг ошиши натижасида кўриши мумкин бўлган зарарлардан қочиш учун шароит яратиб беради;

г) икки томон ўртасида турли валюталардаги тўловларнинг келажакда алмашиниши ҳақидаги келишув асосида амалга оширилади.

8.6. Назорат учун саволлар

254. Риск деганда нимани тушунасиз?
255. Банк соҳасида рискнинг қандай турларини биласиз?
256. Вужудга келиш сабаблариға кўра рисклар қандай турларга бўлинади?
257. Тизимли ва тизимсиз, очиқ ва ёпиқ рисклар деганда нимани тушунасиз?
258. Банк рискларини қандай тоифаларға бўлиш мумкин?
259. Ички ва ташқи рисклар тўғрисида нималар дея оласиз?
260. Банк операциялари хусусиятиға кўра рисклар қандай турларга бўлинади?
261. Банкнинг актив операциялари рисклари тўғрисида нималар деяоласиз?
262. Банкнинг пасив операциялари рисклари тўғрисида нималар дея оласиз?
263. Активлар ва пасивларни бошқариш сифати билан боғлиқ рисклар ҳақида нималар дея оласиз?
264. Молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рисклар тўғрисида нималар дея оласиз?
265. Рискни аниқлашнинг қайси усулларини биласиз?
266. Риск коэффициенти қандай аниқланади?
267. Кредит rischi қандай ҳисобланади?
268. Риск зоналари деганда нимани тушунасиз? Уларни билиш зарурияти нимада?
269. Тўлов қобилиятсизлиғи rischi қандай аниқланади?
270. Мувозанатланмаган ликвидлик rischi қандай ҳисобланади?
271. Фоиз ставкаси ва кўзланган фойданинг етарли даражада бўлмаслик rischi қандай ҳисобланади?
272. Рискни бошқариш қандай жараёнларни ўз ичига олади?
273. Банк рискларини бошқаришда қандай тамойиллар ва талабларға таяниш зарур?

274. Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда рискларнинг қайси турларига кўпроқ эътиборни жалб қилиш лозим?

275. Қандай усуллар ёрдамида рисклар бошқарилади ва қопланади?

276. Кредит рискинни камайтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак?

277. Ҳоиз рискинни қайси усулларда минималлаштириш мумкин?

278. Валюта ва бозор рискинни қандай усуллар ёрдамида минималлаштириш мумкин?

9-606. БАНК ФОИЗИ ВА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ

9.1. Банк фоизи ва ундан фойдаланиш механизми

[279]. Ссуда фоизи вақтинча муддатга берилган қийматдан фойдаланганлиги учун тўланадиган ўзига хос тўловдир. Унинг тўловчиси ҳам, таъминот манбаи ҳам мижоз ва унинг фойдаси ҳисобланади.

Ссуда фоизи турли кўринишларда бўлиб, уларни бир қатор белгилар бўйича таснифлаш мумкин (60-жадвал).

60-жадвал.

Ссуда фоизининг туркумлиниши

№	Таснифлаш белгилари	Ссуда фоизи турлари
1. 2	Кредит шакллари бўйича	<ul style="list-style-type: none">• Тижорат кредити бўйича фоиз• Банк фоизи• Истеъмол кредити бўйича фоиз• Лизинг шартномалари бўйича фоиз• Давлат кредити бўйича фоиз
2.	Кредит ташкилотлари бўйича	<ul style="list-style-type: none">• Марказий банк ҳисобига фоиз• Ломбард кредити бўйича фоиз• Банк фоизи
3.	Инвестициялар тури бўйича	<ul style="list-style-type: none">• Айланма маблағлар учун берилган кредит бўйича фоиз• Асосий фондлар учун берилган кредит бўйича фоиз• Қимматли қоғозларга инвестициялаш учун берилган кредит бўйича фоиз
4.	Кредитлаш муддатлари бўйича	<ul style="list-style-type: none">• Қисқа муддатли ссуда фоизи• Узок муддатли ссуда фоизи• ўрта муддатли ссуда фоизи
5.	Кредит ташкилотларининг операциялари турлари бўйича	<ul style="list-style-type: none">• Депозит фоизи• Ссуда фоизи• Банклараро кредит фоизи ва бошқ.

Банк фоизи кредит муносабатларига киришган иккита субъектнинг биттаси банк бўлсагина вужудга келиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, кредит ташкилоти ссудани асосан ўзининг эмас, балки жалб этилган маблағлар ҳисобидан беради. Вақтинча бўш бўлган пул маблағларини қайта тақсимлашдаги воситачилик фаолияти учун банкнинг олган даромади компенсация ролини бажаради. Банк активлари зиммасидаги мажбуриятларнинг бажармас-

лик рисқи омонатчилар пассивлари олдидаги мажбуриятларнинг ба-
жармаслик рискининг ошишига олиб келади. Шундай қилиб банк
ссудалар бўйича тўлай олмаслик рискини ўз зиммасига олади.

Фоиз сиёсати нафақат пул-кредит сиёсатини мувофиқлашти-
ришда, шунингдек, кредит муносабатларини бошқаришда устувор
иқтисодий восита вазифасини бажаради.

[280]. Банк фойзидан фойдаланиш механизми деганда ссуда
фоизи сиёсатини олиб боришда ва уни амалиётга жорий қилишда
қўлланиладиган воситалар, чоралар тўплами тушунилади. Уларнинг
айримлари куйидагилар ҳисобланади:

- фоиз даражасини шакллантириш усуллари;
- фоиз ставкаларини табақалаштириш мезонлари;
- Марказий банк томонидан фоиз меъёрларини мувофиқлаш-
тириш усуллари;
- фоизлар бўйича ўзаро тўловлар ва ундиришлар тартиби;
- фоизни тўлаш манбалари;
- қарз олувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тизими билан
фоиз ўртасидаги боғланиш;
- кредит ташкилотининг даромади ва харажатини шаклланти-
ришда фоизнинг ўрни.

Бу механизм, бир томондан, фоизни товар ишлаб чиқариш иқти-
содий категорияси сифатида ифодаласа, иккинчи томондан, унинг фо-
из сиёсатини олиб бориш мақсадига боғлиқ эканлигини ифодалай-
ди. Амалиётда аксарият ҳолларда унинг иқтисодий табиатига қара-
ма-қарши субъектив устуворлик намоён бўлади. Бозор муносабат-
ларигача, яъни хўжалик механизми амал қилган даврда банк фой-
зидан фойдаланиш асосан давлатнинг хўжалик юритиш сиёсатига
бўйсунган ҳолда амалга ошган. Бу сиёсат ўзгариши билан банк фой-
зидан фойдаланиш механизми ҳам ўзгарган.

Бугунги кунда банк фойзининг куйидаги механизмларидан фой-
даланилмоқда:

- фоиз даражаси кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклиф-
дан келиб чиққан ҳолда субъектлар ўртасида тузиладиган шартно-
ма асосида ўрнатилади;
- ссудалар бўйича фоиз ставкаларини ўрнатиши кредит кели-
шувлари амалга оширилаётган аниқ шароитларга қараб, яъни:
 - ссуда суммаси ва уни узиш муддати;
 - ссуда таъминотининг мавжудлиги;
 - маблағларни жалб қилиш сарфлари;

- кредитни расмийлаштириш ва назорат қилиш харажатлари;
- банкни рентабелли бўлишини таъминлаш зарурияти;
- мижознинг кредитга лаёқатлилиги кабиларни инобатга олган ҳолда банк ва мижоз келишувлари асосида амалга оширилади.
 - банкнинг пассив операцияларига нисбатан фоизнинг аҳамияти ошиб бориши кучаяди, бўш пул маблағларини омонатга қўйиш рағбатлантирилиб борилади;
 - фоизларни ўрнатиш ва ундириш ўзаро келишув битими асосида амалга оширилиб, одатда ҳар ой фоиз ўтказиб (тўлаб) турилади;
 - кредит жамғармаларининг йўналишига қараб фоизларни тўлаш (ўтказиш) турлича бўлиши мумкин:
 - айланма маблағлари учун берилган кредитлар бўйича тўловлар маҳсулот таннархига қўшилади;
 - асосий воситалар, номоддий ва бошқа айланма маблағлари бўлмаган активларни сотиб олиш учун берилган кредитлар бўйича харажатлар корхона фойдасига қўшилади.

Банк кредитларидан фойдаланганлиги учун тўланган фоиз харажатлари МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкалари доирасида солиққа тортиладиган базани камайтиради. Аммо муддатдан ўтган кредитлар фонзи солиқ базасини камайтирмайди.

Фоиз механизмидан фойдаланиш фоизлар бўйича даромад ва харажатларнинг банкнинг пировард моддий манфаатдорлиги билан бевосита боғлиқлигида намоён бўлади.

[281]. Ссуда фоизида фойдаланиш механизмидаги асосий унсурларидан бири - бу ссуда фоизи даражасини шаклланиш усули ҳисобланади. Бозор муносабатларининг ривожланиш шароитида, кредит тўловларининг эркинлигида, макроиқтисодиёт даражасида фоиз учун ўртача фойда меъёрига эришиш устувор вазифа ҳисобланади. Фоизнинг ўртача фойда меъёридан у ёки бу томонга огишига бир қатор омиллар таъсир қилади. Уларни икки гуруҳга, яъни умумий ва хусусий омилларга бўлиш мумкин.

Умумий омилларга қуйидагилар киради:

- заёмларга бўлган талаб ва таклиф нисбати;
- Марказий банкнинг мувофиқлаштирувчи сиёсати;
- кадрсизланаётган пулнинг таъминот даражаси.

Хусусий омиллар табиати тижорат банкларининг фаолият кўрсатиш шароитлари, шунингдек, мижозлар билан тузиладиган битимларнинг хусусияти билан белгиланади. Булардан ташқари, бу омиллар ссуда фоизининг айрим турлари бўйича турлича бўлиши мумкин.

Масалан, депозит **фоизи** даражаси юқоридаги омиллардан ташқари қуйидаги омиллар таъсирида бўлади:

- банкнинг актив операциялари бўйича фоиз даражаси;
- жалб қилинадиган депозитнинг муддати ва суммаси;
- банкнинг ишончлилиги.

Банклараро пул бозорида фоиз даражаси, бошқа шароитларни ҳисобга олмаганда, одатда, депозит фоизи меъёридан ошади. Чунки ссуда берилаётганда кредит муассасасининг харажатлари ва манфаати ҳисобга олинади.

Банк активлари бўйича фоиз даражасига қуйидаги хусусий омиллар таъсир қилади:

- ссуда суммаси ва уни тўлаш (кайтариш) муддати;
- ссуда суммасининг таъминланганлик даражаси;
- банк ссуда капиталининг таннархи;
- мижознинг кредитга лаёқатлилиги ва унинг банк билан бўлган ўзаро муносабатининг мустаҳкамлиги.

Банк ссуда капиталининг таннархи жами қилинган харажатлар суммасини мақсадли жойлаштирилган маблағлар (ишлаётган активлар) суммасига бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$БСК_m = \frac{БХ}{ИА}$$

Бу ерда:

$БСК_m$ – банк ссуда капиталининг таннархи;

$БХ$ – банк харажатлари. Бу харажатлар барча ссуда капиталига таълуқли бўлмай фақат мақсадли жойлаштирилган қисмига қилинган харажатлардир. Мақсадли жойлаштирилмаган ссуда капитали қисми харажат сифатида қайд қилинади.

$ИА$ – ишлаётган активлар.

Банк харажатлари қуйидаги икки турдаги харажатлардан ташқил топади:

- банк ресурсларини шакллантириш бўйича харажатлар;
- банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар.

Биринчи гуруҳга: банкка жалб қилинган банк ва бошқа мижозлар маблағлари бўйича фоиз тўловлари, заёмлар ва депозитлар, шунингдек, чиқарилган қимматли қоғозлар мажбуриятлари бўйича фоизлар киради.

Мавжуд таснифлаш тартибига биноан **иккинчи гуруҳ** харажатларига қуйидагилар киради:

- маъмурий бошқарув ва ижтимоий-маиший хизматлар учун қилинган сарфлар

- чет эл валюта операциялари билан боғлиқ харажатлар;
- қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ харажатлар;
- касса, ҳисоб рақамлари операциялари, олинган грантлар билан боғлиқ харажатлар;

- бошқа операцион харажатлар, шу жумладан, техникага кўрсатилган қаров, ахборотлаштириш хизматлари, бланкаларни тайёрлаш, уларни почта-телеграф орқали жўнатиш, амортизация, биноиншоотлар, транспорт воситаларни сақлаш бўйича харажатлар;

- ижара тўловлари, нодир металллар билан боғлиқ операциялар бўйича харажатлар, валюта, факторинг, лизинг операциялари билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар;

- жарима, пеня ва тўланган қарзлар.

Ссуда капиталининг таннархи амалиётда актив операциялар бўйича фоиз даражасини аниқлаш учун асос ҳисобланади. Ссуда фоизининг юқори чегараси бозор шароитлари таъсири остида шаклланади. Ссуда фоизининг қуйи чегараси банкка жалб қилинган маблағлар бўйича харажатлар ва мазкур кредит муассасаси фаолиятини ташкил қилиш бўйича сарфлар таъсири остида шаклланади. Булар эса, ўз навбатида, кредит ресурсларининг таркибий тузилиши сифатига боғлиқ бўлади. Масалан, маблағ учун тўлов салмоғининг ошиши фоиз даражасининг қуйи даражасини кўтаради ва аксинча.

[282]. Фоиз меъёрини ҳисоблашда тижорат банклари томонидан қуйидагиларни инобатга олиш назарда тутилади:

- Таянч фоиз ставкасининг даражаси. Бу кўрсаткич, одатда, таъминланган ссудалар бўйича кредитга лаёқатли мижозлар учун ўрнатилади.

- Ҳар бир битим (келишув) шартларини ҳисобга олган ҳолда риск учун ажратилган қўшимча маблағ.

Таянч фоиз ставкаси тахмин қилинаётган ссуда капитали таннархи ва бўлажак даврда мўлжал қилинган рентабеллик даражасига асосланиб аниқланади:

$$T_{\text{фс}} = \bar{C}_1 + \bar{C}_2 + \Phi$$

Бу ерда:

$T_{\text{фс}}$ – таянч фоиз ставкаси;

\bar{C}_1 – режалаштирилаётган даврда кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси;

\bar{C}_i – банк фаълиятини таъминлаш бўйича режалаштирилган харажатларнинг (P) мақсадли жойлаштирилиши кутилаётган маблағлар ҳажми ($K_{мк}$) га бўлган нисбати;

Φ – банк ссуда операцияларининг режалаштирилаётган фойдалилик (рентабеллик) даражаси.

Кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси (\bar{C}_i) куйидагича ҳисобланади:

$$\bar{C}_i = \frac{P_i \cdot d}{\sum d}$$

Бу ерда:

P_i – банкка жалб қилинадиган ҳар бир ресурснинг реал баҳоси;

d – ҳар бир ресурснинг салмоғи;

$\sum d$ – банкка жалб қилинган жами (тўловли ва тўловсиз) ресурслар.

Ўз навбатида, ҳар бир ресурснинг ўртача реал баҳоси (\bar{P}_i) мазкур ресурсларнинг бозордаги номинал баҳоси ва Марказий банкка мажбурий захир қилинадиган депонент меъёрига ўзгартириш кiritиш асосида аниқланади:

$$\bar{P}_i = \frac{D_*}{1 - Z_*} \cdot 100$$

Бу ерда:

D_* – банк тўмонидан зудлик билан жалб этиладиган депозитларнинг ўртача реал баҳоси;

Z_* – депозит фоизининг ўртача бозор даражаси.

Худди шу тўғрисида бошқа турдаги жалб қилинадиган ресурсларнинг реал баҳоси аниқланади.

Риск учун тўғрисида куйидаги мезонларга боғлиқ ҳолда табақалашади:

- мижознинг кредитга лаёқатлилиги;
- ссуда бўйича таъминотнинг мавжудлиги ва характери;
- берилаётган кредит муддати;
- банк билан мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мустаҳкамлилиги;
- фоиз тўловлари усуллари;
- кредитлаш муддатларига риоя қилиш.

9.2. Фоиз риски, уларни баҳолаш ва бошқариш усуллари

[283]. **Фоиз риски** – фоиз ставкаларининг ўзгариши таъсирида банкнинг молиявий зарар кўриш эҳтимолидир. Бу риск тижорат банкларида унинг соф даромадининг камайишидан тортганда банк капитали қийматининг йўқотилишигача намоён бўлиши мумкин. Натижада жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати жойлаштирилган маблағларнинг ўртача қийматидан ошиб кетади.

Базель Қўмитаси фоиз рискининг юзага келишида куйидаги сабабларини қайд қилади:

- **Баҳонинг ўзгариш риски.** Бу омил тижорат – фоиз рискига боғлиқлиги, шунингдек, банк актив ва пассивлик шартловларининг ўз муддатида бажарилмаслик ҳамда фоиз ставкасини зудлик билан қайта кўриб чиқиш ҳолатларида келиб чиқади.

- **Даромад чизигининг ўзгариш риски.** Банк бўйича актив ва пассивлардаги фоиз ставкалари ўзгаришининг натижаси келмаслиги графикадаги даромад чизигининг салбий томонга оғишига олиб келади.

- **Опционлар билан боғлиқ рисklar.** Опцион битимлар ўз эгасига облигация, вексел ва бошқа турдаги фоизли қимматли қозғаларни сотиб олиш, сотиш ёки келишув шартловларини ўзгартиш ҳуқуқини беради. Бундай битим асосида мижоз кредитларини муддатдан олдин қайтариши, шунингдек, депозитларини муддатдан олдин қайтариб олиши мумкин. Бу қадар эркинлик банк актив ва пассивдаги муддат доирасидаги номуносивликка олиб келади. Натижада банк бундан яхшигина фоиз рискига дуч келади.

[284]. **Маржа** – банк активи келтирган даромад фоизи билан банк мажбуриятлари бўйича харажат фоизи ўртасидаги тафовутдир. Банк маржасини икки қисмга ажратиш мумкин:

- **Фоизли маржа ($\Phi_{\text{лм}}$)** – бу даромад келтирувчи активлар (қимматбаҳо қозғалар, кредитлар, бошқа инвестиция лойиҳалари) дан келадиган фоиз даромадлари ($\Phi_{\text{д}}$) билан банк томонидан жалб қилинган ресурслар бўйича фоиз мажбуриятлари ($\Phi_{\text{м}}$), яъни харажатлари ўртасидаги фарк:

$$\Phi_{\text{лм}} = \Phi_{\text{д}} - \Phi_{\text{м}}$$

Фоизли маржа тижорат банклари томонидан фойда даражасини режалаштириш жараёнида асосий стратегик кўрсаткич ҳисобланади. Бу ерда даромад келтирувчи активлардан олинган фоиз даромадлари мажбуриятлар бўйича фоиз харажатларидан катта бўлиши, яъни:

$$\Phi_d > \Phi_n$$

фойда миқдорини орттиради. Фоизли маржанинг нисбий кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$M_\phi = \frac{CD}{A_d} \cdot 100$$

Бу ерда:

M_ϕ – фоизли маржа;

CD – фоиз эвазига эришилган соф даромад;

A_d – даромад келтирувчи банк активи суммаси.

Амалиётда фоизли маржани ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_\phi = \frac{CD - X}{A_d} \cdot 100$$

Бу ерда:

X – фоизларни тўлаш учун сарфланган харажатлар.

Фоизли маржани таҳлил қилиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- фоизли маржанинг ҳақиқий даражаси билан олдинги даврдаги даражасини қиёслаш. Бундай таҳлил фоизли маржанинг динамикасини кузатиш имкониятини беради;
- фоизли маржа даражасини стандарт даража ёки ўхшаш банклардаги маржа даражаси билан қиёслаш;
- фоизли маржанинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар (компонентлар) салмогини таҳлил қилиш;
- фоизли маржанинг ўзгаришини бошқаришни талаб қилувчи қарорлар қабул қилиш учун маржа фоизининг ўзгариш чегараларини аниқлаш.

Фоизли маржанинг ўзгаришига қуйидаги асосий омиллар таъсир қилади:

- кредит қўйилмаларининг ҳажми, таркиби ва манбалари;
- тўлов муддатлари;
- фоиз ставкаларини қўллаш характери ва уларнинг динамикаси.
- **Фоизсиз соф маржа** ($\Phi_{см}$) – банк томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича олинadиган ҳақ ($B_{хх}$) билан банк томонидан тўланган комиссия тўловлар ($B_{кт}$) ўртасидаги фарқдир.

$$\Phi_{\text{с.ч}} = B_{\text{с.ч}} - B_{\text{н.ч}}$$

Фоиизсиз соф маржа миқдоридagi ўзгаришлар банк хизматлари бўйича ўрнатиладиган ҳақлар ҳажмини ўзгартириши орқали амалга оширилади.

[285]. Эркин фоииз сийёсатини ўтказиш учун қиёбат муассасаси энг аввало банк хизматининг ички қиймати қандайдиган оралиқда бўлиши ва бу коэффициент қандай даража атрофида бўлишини билиши шарт. Бу кўрсаткич банк томонидан жойлаштирилган маблағ ва унинг ҳар бир сўми сарфланган харажатларнинг ҳар бир сўмини қанчалик даражада қоплаганини ифодалайди.

Бу кўрсаткич минимал фоиизли маржа ($M_{\text{ф.м}}$) дейилади, у қуйидагича аниқланади:

$$M_{\text{ф.м}} = \frac{X_{\text{б.ф}} - X_{\text{с.м}}}{A_{\text{д}}} \cdot 100$$

Бу ерда:

$X_{\text{б.ф}}$ – жорий даврда банк фаолиятини таъминлаш учун сарфланган харажатлар;

$X_{\text{с.м}}$ – банкнинг бошқа турли харажатлари (актив операция харажатларидан ташқари);

$A_{\text{д}}$ – банкнинг ишлаётган активлари.

$X_{\text{б.ф}}$ – яъни жорий даврда банк фаолиятини таъминлаш учун сарфланган харажатлар таркибига қуйидагилар киряди:

- маъмуриятни сақлаш ва ижтимоий-маиший мақсадлар учун харажатлар;
- тўланган тўловлар, шу жумладан, касса, ҳисоб операция ва олинган кафолатлар бўйича харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар, шу жумладан техника қарови учун тўловлар, ахборот хизмати, бланкаларни таъмирлаш, кўпайтириш, жўнатиш бўйича харажатлар, амортизация тўловлари, бино ва иншоотларни сақлаш, почта, телеграф харажатлари ва ҳ.к.;
- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари, шу жумладан, кредит муассасасидаги анжомларни сотиш, акт қилиш, ҳисобдан чиқариб ташлаш, дебиторлик қарзларни ўчириш, ўғирланган нақд пулни, моддий маблағларни, қалбаки қоғоз пуллар ва танқабларни ҳисобдан чиқариш (акт қилиш) учун қилинган харажатлар, шараф тўловлари, арбитраж ишлари бўйича суд харажатлари, аудиторлик текширувлар ва ҳисоботларни кўпайтириш учун қилинган харажатлар.

$X_{\text{бф}}$ ва $X_{\text{т}}$ харажатлар банк ҳисоботидаги фойда ва зарар бўлими маълумотлари асосида ҳисобланади.

[286]. Ҳар қандай корхона интилки каби банк ҳам сарфлаган харажатларини тўлиқ қоплабгина қолмай, балки режада кўзда тутилган фойдани олишга ҳам эришиши лозим. Буни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$T_{\text{мф}} = 0,1 \cdot Ж\ddot{У}Р + M_{\text{мф}} + M_{\text{фм}}$$

Бу ерда:

$0,1 \cdot Ж\ddot{Қ}Р$ – мажбурий захиралар фондини шакллантириш мақсадида жалб қилинган ресурсларнинг ўртача жорий қийматига қўшилган қиймат (жалб қилинган ресурслар қийматидан 10 фоизи);

$M_{\text{мф}}$ – минимал фоизли маржа;

$M_{\text{фм}}$ – минимал риск эҳтимоли билан қўйилмалар бўйича банк актив операциялари фойдалигининг минимал меъёри. Бу кўрсаткич жорий кварталнинг молиявий режаси ва актив операциялар ҳажмини кенгайтириш ёки камайтириш режаси асосида ҳисобланади.

[287]. Бу кўрсаткич банкнинг актив операциялари, хусусан кредит битимлари натижасида оладиган минимал даромадини ифодалайди. Уни ҳисоблашда қуйидаги маълумотлар асос қилиб олинади:

$$M_{\text{д}} = Ж\ddot{У}Р_{\text{ю}} + 0,1 \cdot Ж\ddot{У}Р + M_{\text{мф}} + M_{\text{фм}}$$

Бу ерда:

$Ж\ddot{У}Р_{\text{ю}}$ – юанка бўйича жалб қилинган ресурсларнинг жорий ўртача қиймати. Бу кўрсаткич жалб қилинган айрим ресурс (инструмент) ларнинг индивидуал ҳақиқий қийматларини тортилган суммасининг нисбатига тенг.

9.3. Фоиз ставкалари ва уларни ҳисоблаш усуллари

[288]. Кредитнинг асосий шarti – олинган қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ олинган қарз йиғиндисига нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни қарз фоизи ёки кредитнинг **фоиз ставкаси** деб юритилади. Бошқача қилиб айтганда, кредитнинг фоиз ставкаси берилаётган кредитга нисбатан фоизда белгиланиб, кредитнинг нархини ифода этади. Кредит нархи, одатда, бир йил учун белгиланади. Фоиз ставкасининг ўсиши кредитнинг қимматлашувини, пасайиши эса унинг арзонлашганини ифодалайди. «Арзон пуллар сиёсати» ёки «Қиммат пуллар сиёсати» каби ибораларнинг истъеб-

молга кириб келиши ҳам кредитнинг қимматлашуви ёки арзонлашишидан келиб чиққан.

Кредит фоизи пул бозорида амал қилади. Бозорда фоиз ставкасининг ўзгаришига қараб фоиз ставкаси икки турга бўлинади:

- қатъий белгиланган фоиз ставкаси;
- сузиб юрувчи фоиз ставкаси.

Қатъий белгиланган фоиз ставкаси – заём маблағидан фойдаланиладиган барча давр учун ўзгармайдиган бир хил даражада ўрнатилган ставкадир. Бу ставкалар кредит шартномаси бажарилгунга қадар ўзгармасдан қолади.¹ Бу тижорат банки учун ноқулай ставкадир. Бунда банк ўз активларининг маълум қисмини йўқотиши мумкин. Масалан, банк 30% ставкада бир йиллик кредит берди, дейлик. Уч ойдан кейин ссуда капитали бозорида бир йиллик кредитларнинг фоиз ставкаси 35%га кўтарилса, бу зарардир.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси – бу ўрта ва узоқ муддатли кредитларга ўрнатиладиган ставка бўлиб, унинг даражаси пул-кредит бозоридаги конъюнктурага боғлиқ равишда тебраниб туради.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси икки асосий ажралмас қисмдан ташкил топади. Биринчи қисми пул-кредит бозоридаги конъюнктурага боғлиқ равишда ўзгариб туради. Унинг вазифасини одатда таклифдаги кредит ресурсларининг банклараро ставкалари, яъни Лондонда – ЛИБОР, Парижда – ПИБОР, Сингапурда – СИБОР, Кувайтда – КИБОР, Люксембургда – ЛЮКСИБОР ва ҳоказолар қўлланилади.

[289]. ЛИБОР – Лондондаги жаҳон ссуда капитали бозорида етакчи эркин алмашадиган валюталар, яъни АҚШ доллари, Германия маркаси, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги каби валюталардаги депозитларга тўланадиган ўртача фоиз ставкасидир. У ҳар куни Лондон вақти билан соат 12⁰⁰ да бутун дунёга «Файненшил таймс» Лондон газетаси орқали эълон қилинади.

ЛИБОР энг йирик Лондон банклари бўйича ўртача фоиз ставкаси бўлиб, унга асосланиб Лондон банклари евровалюта бозорида биринчи тоифали банкларга ссуда тақдим этади. Амалиётда ЛИБОР валюта турлари ва муддатлари бўйича (1, 3, 6 ва 12 ойга) табақаланади. ЛИБОРнинг расмий ҳолда қайд этилиши мавжуд эмас. Евровалюта бозорида операциялар олиб борадиган ҳар бир йирик Лондон банклари пул бозорида вужудга келган конъюнктурага кўра уни белгилайди ва ўзгартиради.

¹Ставка ўзгармас даражада турадиган вақт (одатда 3-6 ой) фоиз даври деб юритилади

ЛИБОР одатда ўзгариб турувчи фоиз ставкалари шартлари билан ўрта муддатли банк кредитлари берилишида базис сифатида қўлланилади. Бунда ЛИБОР ҳар бир келишилган фоиз даври давомида кредитнинг ўзгариб турувчи қуйи чегараси нархيني белгилайди, одатда у 3-6 ойни ташкил этади.

Ўзгарувчи ставкада банк активлари фоизларинг ўзгариши натижасида зарарга учрамайди. Бу ставкаларни евродолларли кредитлар миқсолида кўриб чиқиш мумкин. Айтайлик, ЛИБОРнинг даражаси 6 %, банк белгиланган **спред**¹ - 1 %. Демак, евродолларли кредитнинг фоиз ставкаси - 7 %. Агар ЛИБОР 5 %га тушди дейлик. Бунда кредитнинг фоиз ставкаси 6 % бўлади. Банк бундан зарар кўрмайди. Чунки спред ўзгармасдан қолади. Бу ерда фақат ЛИБОР ўзгаряпти.

[290]. Номинал фоиз ставкаси деганда кредит шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаларига айтилади. У **бозор жорий ставкаси** деб юритилади. Реал фоиз ставкаси эса – бу инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолдаги ставкадир. Ҳар иккала ставка ўртасидаги боғланишни Ж.Фишер қуйидагича ифодалаган:

Реал фоиз ставкаси = Номинал фоиз ставкаси – Инфляция даражаси

Агар инфляциянинг ўсиш суръати фоиз ставкасидан юқори бўлса, у ҳолда реал фоиз ставкаси салбий кўрсаткичга айланади.

[291]. Хорижий мамлакатлар тажрибасида кредит нархини белгилашнинг «қиймат плюс» ва «нарх бўйича устунлик» усуллари мавжуд. Кредит амалиётида **«қиймат плюс»** усулидан фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, унинг асосида берилаётган кредит суммасига банкнинг кредит билан боғлиқ харажатларини қоплаш ва унинг фойдасини таъминлаш даражасидаги **фоиз** белгиланади. Ушбу усулни қўллашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- қарз олувчини кредитлаш учун жалб қилинган маблағларнинг банкка қанчага тушиши;
- банкнинг кредитни расмийлаштириш ва қайтарилишини назорат қилиш билан боғлиқ операцион харажатлари;
- мажбуриятларни бажара олмаслик хатари учун банкка тўланадиган маржа;
- кредитдан олинishi кутилаётган фойда.

Қайд қилинганларнинг барчаси кредит суммасига йиллик фоиз асосида аниқланиши мумкин. «Қиймат плюс» усулининг асосий

¹ Спред - бу нарх, курс ва ставкалар орасидagi фарк

камчилиги банк ўз харажатларини ҳисобга олгани ҳолда кредит бозоридаги рақобат ва рақобатчилар нархини эътиборга олмайди.

«Нарх бўйича устунлик» усули ёрдамида нархни белгилаш дастлаб АҚШда XX асрнинг “буюк Депрессия” йилларида қўлланилган. Унинг замирида кредитни қайтариш қобилияти юқори бўлган қарз олувчи учун қисқа муддатли кредитнинг энг минимал фоиз ставкасини белгилаш ва шу бевосита ставкадан келиб чиқиб, бошқаларга кредит нархини шакллантириш ётади. Ушбу амалиётни «прайм-рейт» деб ҳам аташади.

[292]. «Праймрейт» усулида бошка қарз олувчиларга бериладиган кредитнинг ҳақиқий фоиз ставкаси (Φ_c) куйидагича аниқланади.

$$\Phi_c = \text{Прайм-рейт базавий ставкаси} + \text{Биринчи синф бўлмаган қарздорлар тўлайдиган мажбуриятларни бажара олмаслик rischi учун мукофот} - \text{Узоқ муддатли кредит колган қарз олувчи тўлайдиган хатар учун мукофот}$$

«Прайм-рейт» ставкаси – тижорат банклари томонидан ишончли ва кредитни қайтариш қобилияти юқори фирмаларга бериладиган кредит бўйича энг паст фоиз ставкасидир. Умумий ҳолда ушбу кўрсаткич куйидагича аниқланади:

$$\Phi_{bc} = \frac{K_{cb} \cdot PO_{\Phi c}}{K_k}$$

Бу ерда:

Φ_{bc} – умумий базавий фоиз ставкаси;

K_{cb} – самара берувчи кредит ресурслари;

$PO_{\Phi c}$ – пассив операциялар бўйича фоиз ставкалари;

K_k – кредит қўйилмалари ҳажми.

«ГЭП» усулида фоиз ставкасини аниқлашда кредитлаш муддати давомида пул бозоридаги ставкаларни ўзгартириларидан қатъий назар, томонлар келишувида энг юқори фоиз даражаси белгилаб қўйилади.

Масалан, «прайм-рейт + 2» учун 5% энг юқори ставка. Агар «прайм-рейт = 12 %» бўлса, кредитнинг энг юқори ставкаси 19% бўлиши мумкин, холос. Узоқ муддатга берилган кредитларда бундай фоиз ҳисоб-китоби кредиторга зарар келтириши мумкин.

Миллий иктисодиётда фоиз ставкасини аниқлашнинг энг оддий шартнома усули кенг тарқалган. Уни куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\Phi_n = \frac{a \cdot i \cdot d}{100 \cdot 360}$$

Бу ерда:

Φ – фоиз миқдори;

a – банк счётидаги маблағларнинг ўртача қолдиғи;

i – кредит учун фоиз ставкаси;

d – даврдаги кунлар сони.

Банк кредитлари учун фоиз ставкаларининг даражаси пул бозоридаги талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ. Агар бу нисбат мувозанатда бўлса, у ҳолда базавий ставка ва фоиз маржаси миқдорини аниқлаш мумкин бўлади.

[293]. Тижорат банклари миқдорга истеъмом кредитини бераётганда, у билан келишган ҳолда, кредитга фоиз ставкасини қуйидаги усулларда белгилаши мумкин:

- йиллик фоиз ставкалари;
- оддий фоиз ставкалари;
- дисконт фоиз ставкалари;
- мураккаб фоиз ставкалар;
- қўшиш усули.

Йиллик фоиз ставкаси бир йил учун тўланган ялпи тўловларнинг кредит суммасига бўлган нисбатини ифодалайди. Бу ставка жисмоний шахсларга энг қулай кредитларни танлашга ёрдам беради.

Оддий фоиз ставкаси энг аввало қисқа муддатли кредитлар учун қўлланилади. Бунда ҳар чорақда ёки бошқа муддат учун бир марта шартномага биноан кредиторга фоиз тўланади. Бу усулда қарздорнинг тўлайдиган умумий тўлов суммаси қуйидагича аниқланади:

$$S = P(1 + ni)$$

Бу ерда:

S – бошланғич қарзни ҳисобга олган ҳолда кредит учун тўланадиган тўлов суммаси;

P – бошланғич қарз;

i – фоиз ставкаси;

n – ссуданинг давомийлиги (йил ёки ссудадан фойдаланиш кунларининг қўлланиладиган базага нисбати: 360 ёки 365 кун).

Оддий фоиз ставкасининг хусусияти шундаки, миқдор кредитни босқичма-босқич тўлаши натижасида фоиз ставкаси қолган қарз ҳисобидан олинади.

Масалан, миџоз 2000 \$ љажмида кредит олган ва уни боскичма-боскич љар чоракда бир марта 500 \$ дан тўлаш тўғрисида шартномада келишилган бўлсин. Йар бир чоракда фоиз тўлови куйидагича бўлади:

I чорак = фоиз тўлови = $2000 \cdot 0,12 \cdot 0,25 = 60$ \$

II чорак = фоиз тўлови = $1500 \cdot 0,12 \cdot 0,25 = 45$ \$

III чорак = фоиз тўлови = $1000 \cdot 0,12 \cdot 0,25 = 30$ \$

IV чорак = фоиз тўлови = $500 \cdot 0,12 \cdot 0,25 = 15$ \$

Йами I йиллик фоиз тўлови 150 \$ ни ташкил қилади. Йар чоракда тўланиши лозим бўлган тўловлар:

I чорак = $500 + 60 = 560$ \$

II чорак = $500 + 45 = 545$ \$

III чорак = $500 + 30 = 530$ \$

IV чорак = $500 + 15 = 515$ \$

Йами йиллик тўлов 2150 \$ тенг.

Ушбу кўрсаткичлардан шундай хулосага келиш мумкинки, кредитга оддий фоиз ставкаси ўрнатилганда тўлов муддати яқинлашган сари миџознинг маблағи тежалади.

[294]. Дисконт инглизча «discount» сўзидан олинган бўлиб, ҳисобламок маъносини беради. У уч хил маънода қўлланилиши мумкин:

- банклар томонидан қимматли қоғозни муддатидан илгари қайтариб сотиб олиш (акция ҳисоби);
- қимматли қоғозни қайта сотиб олгани учун банк ундирадиган фоиз;

- товар нархи (масалан, сифатли стандартга тўғри келмаганда), биржа ва валюта битимларида валюта нархидан чегирма (ташлама).

Кредитга ўрнатиладиган **дисконт фоиз ставкасининг** хусусияти шундаки, бу усулда фоиз олдиндан тўланиши кўзда тутилади. Яъни тўланадиган фоиз миқдори олдиндан ҳисобланади ва кредит берилаётганда ушбу миқдор (сумма) ушлаб қолинади. Аниқроғи, кредит шу сумма ҳисобига кам берилади.

Масалан, миџоз 2000 \$ кредит олмоқчи. Фоиз ставкаси 12 %. 2000 \$ кредит учун тўланадиган 240 \$ миқдордаги фоиз тўлови кредитнинг асосий љажмидан чегириб ташланади ва миџозга 1760 \$ кредит берилади. Аммо миџоз кредитни қайтараётганда 2000 \$ қайтариши лозим.

[295]. Юқоридаги усуллардан ташқари банк амалиётида мураккаб фоиз ставкаси усули ҳам қўлланилади. Ундан узоқ муддатли кредитлашда фойдаланилади. Бу усулда асосий сумманинг устига кўшиб ҳисобланган сумма битимнинг охириги муддатигача кредиторга берилмайди. аммо миџознинг қарзи кўпайиб бораверади. Бу-

гунги амалиётда бу усул жисмоний шахсларнинг депозит сётлари ҳисобида жуда кенг тарқалган.

Мураккаб фоиз ставкасини қўллашда қўшиб ҳисобланадиган сумма қарз суммасига қўшилади ва унга фоизни қўшиб ҳисоблаш давом этилаверади. Буни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

- $S = P(1+i)^n$ – ўзгармас фоиз ставкаси билан бўлганда;
- $S = P(1+i_1)^n \cdot (1+i_2)^n \cdot 2 \cdots (1+i_k)^n \cdot k$ – ўзгаришчи фоиз ставкаси билан бўлганда.

Бу ерда:

S – K йилдан кейин бўладиган қарз;

P – берилган ссуда суммаси;

i_ϕ – фоиз ставкаси;

n_k – берилган ссуданинг давомийлиги (йилларда), яъни мазкур ставкани қўлланилиш даври.

Қуйидаги шартли мисолда мураккаб ставкани қўллаш тартибини кўриб чиқамиз. Айтайлик, банк миждозга:

• P = 10000 сўм қарзни 5 йил муддатга 10 фоиз йиллик ставка билан берди.

5 йилдан кейинги бўладиган қарзни ҳисобланг:

$$S_5 = 10000 \cdot (1+0,1)^5 = 16105 \text{ сўм.}$$

Демак, қўшилган фоизлар 5 йил ичида:

$$S_5 - P = (16105 - 10000) = 6105 \text{ сўмни ташкил қилади.}$$

Агар банк оддий фоиз ставкаларини қўллаганда, у ҳолда қарзни ҳар йили ундириб оларди ва унинг даромади 5000 сўмга тенг бўларди:

$$P_{x_1, x_k} = (10000 \cdot 1,10 - 10000) \cdot 5 = 5000 \text{ сўм}$$

Кўриб турибмизки, банк оладиган даромадлар ўртасидаги фарқ анчагина, яъни:

Банк даромади = 6105 – 5000 = 1105 сўм. Шунда банкнинг соф даромади 1105 сўмга кўпаяди.

Агар ҳар йили бир неча марта фоиз қўшилиб борса, у ҳолда юқоридаги мураккаб фоизларни ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишни олади:

$$S = P(1+m)^n$$

Бу ерда:

m – йилда қўшилган фоизлар сони;

N – фоиз қўшиладиган даврларнинг умумий сони.

Банк қайси операциялар туфайли ёки қайси усулни қўлласа кўпроқ фойда олишини ҳар томонлама таҳлил қилиши лозим. Масалан, инфляцияни ҳисобга олганда банк қанча фойда ёки зарар кўриши

мумкин? Ёки қарзни сўраб олмай қўшилган фоизлар йиғилгани маъқулми? Ёки ҳар йили кредитларни кредит тўловларини талаб қилган маъқулми?

Шунга қараб фоизларни қўшишнинг турли усуллари мавжуд: улар ссудадан фойдаланадиган кунларнинг ўзгариши ва йилдаги кунларнинг давомийлиги билан белгиланади. Масалан, ссудадан фойдаланиш кунлари аниқ ёки тахминан аниқланиши мумкин (бунда, ҳар бир ойда 30 кун бўлган деб ҳисобланади). Йилдаги кунлар эса (365 ёки 366), ёки тахминан 360 кун деб қабул қилинади.

Шундан келиб чиқиб, мураккаб фоиз ставкалари тегишли равишда қуйидаги усулларда ҳисобланиши мумкин.

1. Ссуда кунларининг ҳақиқий сонини аниқ ҳисобга олган ҳолдаги аниқ фоизлар усули.

Бу усул аниқ бўлгани сабабли марказий ва тижорат банклари томонидан жуда кенг фойдаланилади. Унинг хусусияти шундаки, фоизни ҳисоблашда ссудадан фойдаланадиган кунлар ва йиллардаги кунлар ҳам аниқ берилади. Масалан:

P – берилган кредит суммаси - 100000 сўм;

i – фоиз ставкаси - 9 % йиллик;

K – ссудадан фойдаланадиган аниқ кунлар сони;

S_1 – ўстирилган қарз суммаси.

$$S_1 = 100000 \cdot (1 + 0,09 \cdot 260 \text{ кун} : 365 \text{ кун}) = 106411 \text{ сўм}$$

2. Ссуда кунларининг ҳақиқий сонини аниқ ҳисобга олган ҳолдаги оддий фоизларни қўллаш усули.

Бунда ҳисоблаш учун ссудадан фойдаланадиган аниқ кунлар олиниб, йилдаги кунлар эса 360 кун деб қабул қилинади. Агар кредит кунлари 360 кундан ошса, у ҳолда қўшилган фоиз йиллик фоиз ставкасидан юқори бўлади (масалан, ссуда кунлари 364 кун бўлиб қолса, у ҳолда $364:360 = 1,011$ бўлади).

Буни юқоридаги маълумотлар мисолида кўриб чиқамиз.

$$S_2 = 100000 \cdot (1 + 0,09 \cdot 260 : 360) = 106499 \text{ сўм.}$$

3. Ссуда кунларининг ҳақиқий сонини тахминий олган ҳолдаги фоизларни қўллаш усули.

Бунда ссуда кунлари тахминан олиниб 360 кун деб қабул қилинади. Одатда, кунларнинг аниқ сони тахминийга қараганда кўпроқ бўлиши мумкин, шу сабабли аниқ кунлар сони билан қўшилган фоизлар тахминийга қараганда кўпроқ бўлади деб ҳисобланади. Биз-

нинг мисолимизда ссуда кунларининг тахминий сони 257 кунга тенг деб олинган. Шунини ҳисобга олган ҳолда:

$$S_3 = 100000 \cdot (1 + 0,09 \cdot 257 : 360) = 106424 \text{ сўм.}$$

Қўлланган усуллардан иккинчи усул, яъни ссуда кунларининг ҳақиқий сонини аниқ ҳисобга олган ҳолдаги оддий фоизларни қўшиш усули бошқа усулларга нисбатан банкка кўпроқ фойда келтирар экан.

[296]. Реал фоиз ставкасини аниқлаш бевосита инфляция даражасини аниқлаш билан боғлиқ. Тасодифий ёки тез инфляция суръатлари шароити пул маблағларини қарзга олувчилар учун қулай ҳисобланиб, улар кейинчалик қарзларини қадрсизланган пул билан коплайдилар. Кредиторлар эса нархларнинг тўхтовсиз ўсиши шароитида ютқазадилар.

Масалан, банк қарз олувчига бир йил муддатга 1200 минг сўмни 120 фоиз билан мураккаб фоиз асосида берди. Агар инфляция йил давомида 140 фоизни ташкил этса, пулнинг харид қобилиятини топиш лозим бўлсин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$S = \frac{P(1+i)^n}{(1+y)^n}$$

Бу ерда:

S – инфляцияни ҳисобга олиб қўшилган сумма;

n – кредит муддати, йилда;

i – фоиз ставкаси;

p – бошланғич сумма;

y – инфляция даражаси;

(1 + y) – инфляция индекси.

Бизнинг мисолимизда:

$$S = \frac{1200(1+1,2)}{(1+1,4)} = 1100 \text{ минг сўм.}$$

Демак, 1200 минг сўм пулнинг харид қобилияти бир йилдан сўнг 1100 сўмга пасаяди. Пулнинг қадрсизланиши қарз олувчига 100 минг сўмлик самара келтиради.

Агар кредит муддати бир йил бўлиб, инфляция суръатлари аниқ бўлса, у ҳолда кредитнинг фоиз ставкаси қуйидагича аниқланади:

$$i_{(y)} = i + y + i \cdot y$$

Қопланиши лозим бўлган сумма оддий фоизни ҳисоблаш усулида қуйидагича аниқланади:

$$S = P [1 + n \cdot i(y)]$$

Агар йиллик инфляция суръатлари аниқ бўлиб, у йил давомида мутаносиб ўзгарса, бир йилгача муддатга берилган кредитларнинг фоиз ставкаси қуйидагича аниқланади:

$$i_{(y)} = i + y + r : n \cdot i \cdot y$$

Масалан, 25 млн. сўмлик қарз 90 кунга берилган бўлсин. Қутилаётган инфляция 130 %. Агар кредит операциясининг даромадлилик даражаси 110 % ни ташкил этиши лозим бўлиб, бир йил 360 кун деб олинса, қарз беришдаги оддий фоиз ставкасининг қайтарилиши лозим бўлган сумма қанчага тенг?

Буни, яъни фоиз ставкасини қуйидагича аниқлаймиз:

$$i(y) = 1,1 + 1,3 + 90 : 360 \cdot 1,1 \cdot 1,3 = 2,7575 \text{ ёки } 275,7 \%$$

Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда қайтариладиган сумма:

$S = 25\,000\,000 (1 + 90 : 360 \cdot 2,7575) = 42\,234\,375$ сўмни ташкил этади.

Фоиз ставкасини белгилашда фоиз олувчининг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим. Агар инфляция суръатлари йилига 700-800 фоизни ташкил этиб, тижорат банклари кредит учун фоиз ставкасини шу ёки ундан ортиқ даражада белгиласа, бу кредитни олишга талабгорлар чиқмайди. Шунинг учун ҳам, кредит учун фоизларни белгилашда мижозларнинг имкониятлари ва талаблари ҳисобга олиниши лозим.

[297]. Истеъмол кредитлари банк учун энг даромадли кредитлардан ҳисобланиб, уларга ўрнатиладиган фоиз ставкалари жалб қилинган маблағларга белгиланадиган фоиз ставкаларидан анча юқори бўлади. Агар жалб қилинган маблағларнинг фоиз ставкаси кўтарилиб кетса, банк учун истеъмол кредитларига ўрнатиладиган фоиз ставкаси ўз кучини йўқотиш рискини вужудга келтириши мумкин.

Истеъмол кредитларига қуйидагилар энг юқори фоиз ставкасининг ўрнатилишига сабаб бўлади:

- Истеъмол кредитлари жуда рискли ва банк учун қимматга тушадиган қўйилмалардан ҳисобланади.

- Истеъмол кредитлари мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларга ҳам боғлиқдир. Иқтисодиётнинг ривожланиши истеъмол кредит-

лари ҳажмининг ошиш омили бўлса, унинг таназзулга юз тутиши ёки ривожланишининг секинлашиши истеъмол кредитлари ҳажмининг кескин қисқариб кетишига олиб келади. Чунки жисмоний шахслар ўзларининг келажагига умидсизлик билан қарайдилар. Бу ҳол айниқса ишсизлик кўпайганда яққол сезилади ва банкдан қарз олиш ҳажми кескин камаяди.

- Истеъмол кредитини олиш учун банкка мурожаат қилган миждозлар кредитнинг ойлик тўловларини мунтазам равишда тўлаб беришлари мумкин. Лекин фоиз ставкасига келганда, у ойлик тўловлар билан бирга тўланиб борса ҳам миждозларга хуш келмайди.

- Истеъмол кредитидан фойдаланиш асосан билимлари даражаси ва уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ. Сердаромад Кишилар истеъмол кредитидан кўпроқ фойдаланадилар. Шунингдек, оила бошлигининг ёки оила боқувчисининг билим ва маълумот даражаси юқори бўлса, бундай кишилар ҳам истеъмол кредитидан кўпроқ фойдаланадилар. Улар истеъмол кредитини кўзда тутилган мақсадларга эришиш омили деб ҳисоблайдилар.

[298]. Фоиз даражаси унга таъсир этувчи омиллар туфайли ўзгариб туради. Улардан асосийлари қуйидагилар (61-жадвал).

61-жадвал.

Фоиз ставкасига таъсир этувчи омиллар

№	Омиллар	Изоҳ
1.	Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати	• Яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарзга берилладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошса, у камаяди.
2.	Қарзга олинладиган пулни ишлатишдан қутиладиган наф даражаси	• Аниқроғи шу пулнинг истеъмол киймати. Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса, ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса, фоиз юқори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади. Бунда пулни ҳозир ишлатишдан тегадиган наф таққосланади.
3.	Қарзни тўлаш муддати ва шарти	• Агар қарз узок муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор паст фоизни маъқул кўради. Гап шундаки, қарз канчалик узок муддатга берилса, шунчалик уни ишлатиб даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан фоиз тўлаш енгил бўлади.
4.	Қарзнинг қандай пул билан берилиши	• Агар қарз эркин конвертирланган валютада берилса, фоиз юқори белгиланади, агар у оддий валютада берилса, фоиз нисбатан паст ўрнатилади. Конвертирланган пул обрў-эътиборли бўлганидан уни ишлатиш осон, ундан тезда яқин даромад кўриш мумкин.

5.	Инфляция даражаси	<ul style="list-style-type: none"> • Инфляция юз берса, қарзга бериладиган пул эгасига қайтиб келгунча ўз қадрини қисман йўқотади. Бунда пул эгаси ютқазади. Шу сабабли фоиз инфляцияни ҳисобга олиб ўрнатилади. Фоиз инфляция шилдатига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради.
6.	Пулни қарзга беришдан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад	<ul style="list-style-type: none"> • Бунда пул эгасининг афзал кўриш тамойили амал қилади. Агар акция дивиденди юкори бўлса, фоиз пасаяди ва аксинча. Агар акцияга 15 % дивиденд берилса, фоиз ундан юкори бўлиши шарт. Акс ҳолда пул эгаси уни қарзга бермай, акция сотиб олишни афзал кўради.
7.	Қарз беришнинг риск даражаси	<ul style="list-style-type: none"> • Агар қарзнинг қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз юкори бўлади. Одатда молиявий бакувват ва нуфузли фирмалар учун фоиз тайинланади. Юкори ва паст фоиз ўртасидаги фарқ пул эгалари учун маълум даражада қарз рискин камайтиради, чунки бир ерда фоизнинг камлиги, бошқа ерда унинг ортик бўлиши билан қопланади.

Халқаро кредит алоқаларида **фоиз ставкаси** миллий кредит тизимидаги фоиз даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Ссуда фоизи-га таъсир этувчи омилларнинг халқаро-валюта ва молия-кредит муносабатлари билан боғлиқлиги туфайли фоиз ставкасининг даражаси миллий ставкалардан бирмунча фарқ қилади.

Жаҳон бозоридаги рақобатчилик натижасида фоиз ставкаларининг тез-тез ўзгариши миллий ва минтақавий иқтисодиётда беқарорлик, инфляциянинг кучайиши, валюта курсининг тебраниши кабилар билан изоҳланади.

Халқаро кредит алоқаларида фоиз ставкасига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- қарз олувчининг мамлакатдаги валюта, молия-кредит, иқтисодий ва сиёсий аҳвол;
- лойиҳа рисқи характери;
- кредит манбалари;
- кредит қийматини тартибга солиш бўйича халқаро келишувлар;
- фоиз ставкаси турлари (сузиб юрувчи, катъий ва аралаш);
- рақобатдаги таклифларнинг мавжудлиги;
- кредит муддати;
- инфляция суръати;
- кредитнинг тижорат операцияларига боғлиқлиги;
- жаҳон ва миллий бозорда ссуда капиталининг ҳолати;
- қарз олувчи ва кредиторнинг макоми, нуфузи ва молиявий ҳолати;

- кредитнинг таъминот сифати;
- кредит бўйича суғурта қопламасинининг мавжудлиги;
- қарз олувчининг олинган кредитдан келишилган муддатда фойдаланиш мажбуриятининг мавжудлиги;
- тижорат битимларига нисбатан кредит келишуви тузилган вақт;
- битим суммаси;
- кредит ва тўлов валютаси;
- валюта курси динамикаси ва бошқалар.

9.4. Таянч иборалар

• <i>ссуда фоизи</i>	• <i>мураккаб фоиз ставкалари</i>
• <i>банк фоизи</i>	• <i>энг юқори фоиз ставкалари</i>
• <i>тижорат кредити фоизи</i>	• <i>банк активлари бўйича фоиз</i>
• <i>истеъмолад кредити фоизи</i>	• <i>маржа</i>
• <i>лизинг шартномалари бўйича фоиз</i>	• <i>фоизли маржа</i>
• <i>давлат кредити бўйича фоиз</i>	• <i>фоизсиз соф маржа</i>
• <i>Марказий банк ҳисобига фоиз</i>	• <i>қатъий белгиланган фоиз ставкаси</i>
• <i>ломбард кредити бўйича фоиз</i>	• <i>сузиб юрувчи фоиз ставкаси</i>
• <i>депозит фоизи</i>	• <i>ЛИБОР</i>
• <i>банклараро кредит фоизи</i>	• <i>номинал фоиз ставкаси</i>
• <i>«Нарх бўйича устунлик» усули</i>	• <i>реал фоиз ставкаси</i>
• <i>йиллик фоиз ставкалари</i>	• <i>«Қиймат плюс» усули</i>
• <i>оддий фоиз ставкалари</i>	• <i>«Прайм-рейт» усули</i>
• <i>дисконт фоиз ставкалари</i>	• <i>«КЭП» усули</i>
	• <i>инфляцияни ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкаси</i>

9.5. Тест топшириқлари ва масалалар

250. Ссуда фоизи – бу:

а) вақтинча муддатга берилган қийматдан фойдаланганлиги учун тўланадиган ўзига хос тўловдир;

б) Лондондаги жаҳон ссуда капиталлари бозорида етакчи эркин алмашадиган валюталар, яъни АҚШ доллари, Германия мааркаси, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги каби валюталардаги депозитларга тўланадиган ўртача фоиз ставкасидир;

в) заём маблағидан фойдаланадиган барча давр учун ўзгармайдиган бир хил даражадаги ўрнатилган ставкадир;

г) олинган қарз йиғиндисига нисбатан фоиз ҳисобида олинадиган ставкадир.

251. Қуйида қайд қилинган ссуда фоизининг қайси бири кредит шакллари бўйича фоиз турига киради?

- а) ломбард кредити бўйича фоиз;*
- б) Марказий банк ҳисобига фоиз;*
- в) истеъмол кредити бўйича фоиз;*
- г) айланма маблағлар учун берилган кредит бўйича фоиз.*

252. Қуйида қайд қилинган ссуда фоизининг қайси бири кредит ташкилотлари бўйича фоиз турига киради?

- а) лизинг шартномалари бўйича фоиз;*
- б) депозит фоизи;*
- в) асосий фондлар учун берилган кредит бўйича фоиз;*
- г) Марказий банк ҳисобига фоиз.*

253. 250-тест топшириғидаги жавобларнинг қайси бири «Қатъий белгиланган фоиз ставкаси» деб аталади?

- а) б*
- б) в*
- в) г*
- г) а*

254. 250-тест топшириғидаги жавобларнинг қайси бири «Фоиз ставкаси» деб аталади?

- а) в*
- б) г*
- в) а*
- г) б*

255. 250-тест топшириғидаги жавобларнинг қайси бири «ЛИБОР фоиз ставкаси» деб аталади?

- а) б*
- б) г*
- в) а*
- г) в*

256. Сузиб юрувчи фоиз ставкаси – бу:

- а) қисқа муддатли кредитларга ўрнатиладиган ставкадир;*
- б) ўрта муддатли кредитларга ўрнатиладиган ставкадир;*
- в) узоқ муддатли кредитларга ўрнатиладиган ставкадир;*
- г) б + в.*

257. СПРЕД – бу:

- а) ставка ўзгармас даражада турадиган вақт (одатда 3 - 6 ой);*
- б) юанка бўйича жалб қилинган ресурсларнинг ўртача қиймати;*

в) нарх, курс ва ставкалар орасидаги фарқ;

г) бозор жорий ставкасидир.

258. Фоиз даври деганда:

а) кредитдан олинishi кутилаётган фойда даври тушунилади;

б) ставка ўзгармас даражада турадиган вақт (одатда 3 – 6 ой) тушунилади;

в) бозор жорий ставкаси ўзгармас даражада турадиган вақт тушунилади;

г) $a + z$.

259. Номинал фоиз ставкаси деганда:

а) кредит шартномасида кўзда тутилаётган фоиз ставкалари тушунилади;

б) бозор жорий ставкаси тушунилади;

в) инфляция даражасини ҳисобга олган ставка тушунилади;

г) $a + б$.

260. Қисқа муддатли кредитлар учун энг аввало:

а) оддий фоиз ставкаси қўлланилади;

б) йшлик фоиз ставкалари қўлланилади;

в) дисконт фоиз ставкалари қўлланилади;

г) мураккаб фоиз ставкалари қўлланилади.

261. Дисконт инглизча «discount» сўзидан олинган бўлиб:

а) ҳисобламоқ маъносини беради;

б) товар нархи (масалан, сифати стандартга тўғри келмаганда), биржа ва валюта битимларида валюта нархидан чегирма (ташлама) маъносини беради;

в) қимматли қозонни қайта сотиб олгани учун банк ундирадиган фоиз маъносини беради;

г) $a + б + в$.

262. Дисконт фоиз ставкасининг хусусияти шундаки, бу усулда:

а) фоиз олдиндан тўланиши кўзда тутилади;

б) тўланадиган фоиз миқдори олдиндан ҳисобланади ва кредит берилаётганда ушбу сумма ушлаб қолинади;

в) кредит n - сумма ҳисобига кам берилади;

г) нотўғри жавоб йўқ.

263. Мураккаб фоиз ставкаси ўзгарувчи фоиз ставкаси билан бўлганда қуйидагича ҳисобланади:

а) $S = P(1+i_1)^n \cdot (1+i_2)^n \cdots (1+i_k)^n \cdot k$

б) $S = P(1+i)^n$

в) $S = P(1+m)^n$

г) $S = \frac{P(1+i)^n}{(1+y)^n}$

264. Истеъмол кредитидан кўпроқ:

а) кам даромадли кишилар фойдаланадилар;

б) сердаромад кишилар фойдаланадилар;

в) ўрта даромадли кишилар фойдаланадилар;

г) камбағал кишилар фойдаланадилар.

265. Истеъмол кредитлари банк учун:

а) энг даромадсиз кредитлардан ҳисобланади;

б) энг арзонга тушадиган қўйилмалардан ҳисобланади;

в) энг даромадли кредитлардан ҳисобланади;

г) жуда рисксиз кредитлардан ҳисобланади.

266. Қуйида қайд қилинган омилларнинг қайси бири фоиз ставкасига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади?

а) пул бозоридаги талаб ва таклиф нисбати;

б) инфляция даражаси;

в) қарзнинг қандай пул билан берилиши;

г) нотўғри жавоб йўқ.

267. Қуйида қайд қилинган омилларнинг қайси бири фоиз ставкасига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади?

а) қарзга олинадиган пулни ишлатишдан қўтилишдан наф даражаси;

б) қарзни тўлаш муддати ва шартли;

в) қарз беришнинг риск даражаси;

г) а + б + в.

9.6. Назорат учун саволлар

254. Ссуда фоизи ва унинг турлари тўғрисида нималар дея оласиз?

255. Банк фоизидан фойдаланишнинг қандай механизмларини биласиз?

256. Ссуда фоизи даражаси қандай усулларда шаклланади?

257. Таянч фоиз ставкаси деганда нимани тушунасиз? У қандай ҳисобланади?

258. Фоиз риски фоиз ставкасига боғлиқми?
259. Фоизли маржа ҳам бўладими?
260. Минимал маржа фоизи нима ва у қандай ҳисобланади?
261. Тахминий маржа фоизи кўрсаткичи қандай ҳисобланади?
262. Банк актив операцияларининг минимал даромадлилиги (М_д) кўрсаткичи қандай ҳисобланади?
263. Фоиз ставкаси нима? Қатъий белгиланган ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари бир-биридан нима билан фарқ қилади?
264. ЛИБОР нима?
265. Номинал ва реал фоиз ставкалари хусусида нималар дея оласиз?
266. «Қиймат плюс» ва «Нарх бўйича устунлик» усулларида аниқланадиган фоиз ставкаларининг моҳияти нимада?
267. «Прайм-рейт» ва «КЭП» усулларида фоиз ставкалари қандай ҳисобланади?
268. Оддий фоиз ставкалари қандай ўрнатилади?
269. Дисконт фоиз ставкаси усули оддий фоиз ставкасидан нима билан фарқ қилади?
270. Мураккаб фоиз ставкаси қандай ҳисобланади?
271. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкалари қандай ўрнатилади?
272. Нима учун истеъмол кредитлариға олатда энг юқори фоиз ставкаси ўрнатилади?
273. Фоиз ставкасига қандай омиллар таъсир қилади? Халқаро кредит алоқаларидаги ставкаларга-чи?

10-боб. БАНК РЕЙТИНГИ ВА УНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

10.1. Банк рейтингини аниқлаш усуллари

[299]. XX аср охирида ҳар бир соҳада ўз етакчиларини билиш истаги кучайди. Энг яхши корхона, энг яхши банк, энг яхши мутахассис, энг ривожланган туман, вилоят, мамлакат ва ҳоказолар.

Ўз ўрнини аниқлаб олишга ҳаракат қилиш бизнесга ҳам хос. Бу соҳада ҳам дастлабки ўнта энг йирик банк, ишончлилар орасида энг ишончли суғурта агентликлари, дунёнинг юзта энг йирик корхонаси ва бошқалар аниқланмоқда. Рейтинг бўлмаса, на бутун амалий ҳаётни, на шахсий ҳаётни тасаввур қилиш мумкин. Чунки «Кимга қараб иш тутиш керак, ким билан битим тузса бўлади, менинг ишончли шеригим ким?» деган муаммоларга дуч келамиз.

Рейтинг – бу муайян объект ёки субъект тўғрисидаги натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича ғоят муҳим восита ҳисобланади. Чунки у, айтайлик, банкирга банкнинг тараққий этиш йўналишини, ишбилармонликнинг жонланишини, демак, фойда олиш имкониятларини ҳам ҳеч шубҳасиз кўрсатиб беради. Шунингдек, рейтинг тизими:

- банклар фаолиятини халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрлар асосида қиёсий таҳлил қилишда;
- мазкур банкнинг молиявий бозордаги ўрнини, нуфузини, шунингдек, муаммоли банкларни аниқлашда;
- банклар тараққиётидаги майл (тенденция)ларни кузатиш, умумлаштирувчи ва хусусий кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилишда;
- банклар самарадорлигига баҳо беришда жуда ҳам зарур.

Барча манфаатдор томонларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олувчи рейтинг усули ёрдамида аҳоли омонатлари қаерларда кўпроқ, қайси банкларда қандай фоизларда жойлаштириляпти, депозитлар бўйича аҳвол қандай, сертификат ва акцияларнинг сотиб олинishi қай даражада каби саволларга ҳам жавоб олиш мумкин.

[300]. Халқаро амалиётда банк рейтингларини баҳолашнинг жуда кўп турлари мавжуд. Улар ичида қуйидаги икки усул энг кўп тарқалган:

- микдорий кўрсаткичлар оркали баҳолаш;
- сифат кўрсаткичлари оркали баҳолаш.

Микдорий кўрсаткичлар орқали баҳолаш усули асосан банклар фаолиятининг ривожланишини таҳлил қилиш мақсадида қўлланилиб, уларга куйидагилар киради:

- активлар суммаси;
- депозитлар;
- кредитлар;
- ўз капиталининг суммаси;
- даромад суммаси.

Бу кўрсаткичлар орқали банклар фаолияти оммалаштирилади.

Баҳолашнинг оммавий ахборот воситалари ёрдамида иккинчи турли **сифат кўрсаткичлари** бўлиб, улар банкнинг ишончлилиқ даражасини ифодалайди. Бу кўрсаткичлар туркумига куйидагилар киради:

- капиталнинг етарлилиги;
- активлар сифати;
- даромадлиқ даражаси;
- банк ликвидлиги.

Чет эл мамлакатларида банк ишончилиги ҳукумат томонидан назорат қилинади. Банклар ишончилигини таъминлаш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши назоратда бўлади.

[301]. Жаҳон амалиётида тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг бир неча тизими мавжуд. Масалан, қатор мамлакатларда рискни баҳолаш ва диагностика учун бир неча тизимлардан фойдаланилади. Уларнинг айримлари мавжуд муаммоларни аниқлаб беради, айримлари жорий таваккалчиликлар асосида келгусида эҳтимолӣ ёндашувлар ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Умуман бундай тизимлар куйидаги вазибалари ҳал этади:

- кредит ташкилотларини инспекция ва масофадан мониторинг доирасида бир тизимга келтирилган тарзда расман баҳолаш;
- банкларни ва муаммолар мавжуд бўлган ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган йўналишларни идентификация қилиш;
- назорат идоралари ресурсларини мақбул тақсимлаш учун текширувларнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- назорат органининг ўз вақтида иш бошлашини уюштириш.

62-жадвалда турли ривожланган мамлакатларда фойдаланилаётган тизимларни келтираммиз.

Эрта диагностика ва рискни баҳолаш тизимлари¹⁾

Мамлакат	Назорат органи	Тизим	Тизим жорий қилинган йил	Тизим тасфаси
Франция	Банк комиссияси	ORAP	1997	Масофадан мониторинг (ММ)
Германия	Федерал назорат органи	BAKIS	1997	Молия коэффициентлари ва гуруҳлаб таҳлил қилиш тизими
Италия	Италия банки	PATROL	1933	ММ, баҳолашнинг рейтинг тизими
Нидерландия	Нидерландия банки	RAST	1999	Рискни баҳолашнинг ялпи тизими
Англия	Молия хизматларини бошқариш	RATE	1998	Рискни баҳолашнинг ялпи тизими
АҚШ	Барча назорат органлари	CAMELS	1978	Текширув натижалари бўйича жойида рейтинг бериш.

Тизимлар қуйидаги хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади:

- текширувларнинг чуқурлиги ва даврийлиги;
- ҳисоботлар хусусияти;
- бошқа ҳаққоний манбалардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўтган даврлардаги таназзуллар ва банкротлик ҳолатлари ҳақидаги статистик ахборотлар;
- техник таъминот даражаси;
- пул ва инсон омили.

Халқаро ҳисоб-китоблар банкида ўтказилган тадқиқотга кўра диагностика тизимини шаклий белгиларига қараб тўртта кенг тоифаларга ажратиш мумкин:

- банкларни баҳолашнинг рейтинг тизими;
- молиявий коэффициентлар ва гуруҳлаб таҳлил қилиш тизимлари;
- банк рискини баҳолашнинг ялпи тизимлари;
- статистик моделлар.

¹⁾ Қаранг: БПК, 2001, 12-сон, 14-бет

Қатор тизимлардан фойдаланиш, ҳеч бўлмаса, улардан биттасининг муаммоли банкни аниқлаб бериши эҳтимолини оширади. Тизимлар сифатини баҳолашда асосан компьютер ёрдамида амалга оширадilar. Уларнинг айримларида эксперт хулосалар асосий ўрин турса, бошқаларида компьютер дастурларининг ҳисоб-китоблари устунлик қилади.

[302]. Рейтинг асосан, банкнинг йиллик фаолияти натижалари асосида бериллади. Банкларни баҳолаш (аудит)нинг бугунги кунда халқаро амалиётда ўрин олган усулларидан бири «CAMEL» рейтинг тизимидир.

1978 йилда АҚШ банкларидан бири бўлган «Sheshunoff Bank» нинг экспертлари банк фаолиятини қуйидаги 7 гуруҳ омиллар асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш услубини ишлаб чиқдилар:

- банкнинг ўсиши (ривожланиши);
- банкнинг категорияси (банк фаолиятининг маълум гуруҳга кириши);
- риск даражаси юкори бўлган соҳаларга инвестициялар;
- банкнинг ишончилиги (унинг «капитал» мавқеи);
- муаммоли кредитлар суммаси ва тенденциялари;
- даромад манбалари, бошка банкларга нисбатан умумий фойдалилик;
- йирик «беқарор» мажбуриятлар бўйича банкнинг даражаси.

Банк мутахассислари ушбу омилларнинг барчасини муҳим деб билган ҳолда, улардан охириги 5 таси (4, 7-чилари) га алоҳида эътибор берадилар ва уларнинг бош ҳарфлари бирлаштирилиб «CAMEL» - омиллар деб юритила бошланди.

Шундай қилиб, банклар фаолиятини баҳолашнинг «CAMEL» рейтинг тизимига асос солинди. Ушбу баҳолаш услубига кўра омиллар қуйидагича тавсифланади (63-жадвал).

Ушбу беш таркибий қисм аниқлангач, банкнинг якуний умумий рейтингини белгилаш имкони туғилади.

«CAMEL» рейтинг тизимининг асосий жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

«CAMEL» омиллари тавсифи

№	Омиллар	Изоҳ
1	2	3
1.	“C” (Capital adequency)	• Капиталнинг етарлилиги , яъни банкнинг ўз мижозларини кафолатлаш учун зарур бўлган хусусий сармоясини миқдори. Етарли сармоёга эга бўлган банклар жиддий зарар кўрган тақдирда ҳам мижозлар ўз пулларидан ажраб қолишларига йўл қўймайди.
2.	“A” (Asset quality)	• Активлар сифати . Бу омил активларнинг даражасини ва балансдан ташқари моддаларни, шунингдек, гумонли активлар ва зарарларни таснифлаш асосида муаммоли қарзларнинг молиявий таъсирини аниқлайди.
3.	“M” (Management quality)	• Банкни бошқарув сифати . Бу кўрсаткични таҳлил қилиш ёрдамида иш самарадорлиги, банк сиёсати, қонун ва йўриқномаларга амал қилиш даражасини баҳоланади. Ва шу асосда банк сиёсатининг қай даражада мақсадга мувофиқ шакллантирилганлиги, унинг ёзма равишда белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилганлиги ва унга риоя қилинганлиги аниқланади. Шу сабабли менежмент сифатини таҳлил этиш энг охирида амалга оширилади.
4.	“E” (Earning record)	• Банкнинг даромадлилик даражаси . Бу банкнинг келгусида ўсиши учун етарли бўлиши нуктаи назардан унинг даромади ёки фойдасини тавсифловчи омил – кўрсаткичдир.
5.	“L” (Liquidity)	• Банкнинг ликвидлик даражаси . Бу банкнинг оддий ва қутилмаган мажбуриятларни йўқотишларсиз бажара олиш учун зарур даражада маблағ билан таъминланганлигини тавсифловчи кўрсаткичдир.

• «CAMEL» тизими, кўпроқ масофавий назоратга асосланган европача усулдан фаркли ўлароқ, жойида текширишга асосланган бўлганлиги сабабли, банкларни ташқи аудит қилишда жуда ҳам қўл келади.

• Мазкур тизим АҚШ тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда қўлланиладиган андозалаштирилган рейтинг тизими бўлиб, аниқ ва мукамал бўлганлиги сабабли, фойдаланиш учун қулайдир.

Ушбу тизим орқали тижорат банклари молиявий мустаҳкамликнинг асосий компонентлари:

- капиталнинг етарлилиги (C);

- активлар сифати (А);
- банк менежменти (М);
- даромадлилик (Е);
- ликвидлик (L) таҳлил этилиши натижасида банкнинг молиявий мустақамлигини ҳар томонлама тўлақонли таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин.

[303]. Банклар фаолияти ва ишончилигини баҳолашни «СAMEL» рейтинг тизими мисолида кўриб чиқамиз. Унга биноан банклар 5 балл бўйича баҳоланади. Назоратдан ўтган банкка ҳар бир компонент бўйича алоҳида рейтинг баҳоси берилиб, сўнгра барча фаолият бўйича умумий рейтинг баҳоси асосида баҳоланади. Рейтинг баҳосининг энг юқори даражаси I кўрсаткичи билан белгиланиб, бунда қайси компонентда бундай баҳо берилса, демак у халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб бериш даражасида ташкил этилганлигидан далолат беради.

Бундай банклар бир ярим йилда бир марта текширилади.

2000 йил охирида ана шундай халқаро баҳо ўзбек банкларидан яна бири (ТИФ Миллий банкидан сўнг) иккинчи бўлиб - «Пахтабанк»жа берилди. Жаҳоннинг 95 дан ортиқ мамлакатадаги мингдан зиёд машҳур банк-молия институтлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилишга ихтисослашган энг йирик рейтинг агентлиги - «Томсон Файненшиал Бэнк Вотч» компанияси хулосасига кўра, халқаро миқёсда ўз мавқеини эгаллаётган акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Ўзбекистоннинг йирик ва молиявий барқарор банки эканлиги тан олинди, унга халқаро рейтинг баҳоси берилди.

У ўз активлари бўйича республика банклари орасида иккинчи, устав капитал миқдори бўйича эса учинчи ўринни эгаллади. Банк республикада 13 та вилоят бошқармаси, 184 та туман бўлимлари ҳамда 400 дан зиёд минибанклардан иборат стратегик аҳамиятга эга бўлган кенг тармоқли тизимга эга. Шунингдек, кўп сонли интилувчан, иқтидорли ҳамда етук мутахассислардан иборат банк жамоасининг кўп йиллик, улкан ва бой тажрибага эгалиги таъкидлаб ўтилган.

Айни пайтда ушбу рейтинг компанияси томонидан банк фаолиятининг ҳар бир жабҳаси атрофлича таҳлил қилиниб, муносиб равишда LC-2 ҳамда JC-C/D рейтинг кўрсаткичлари билан баҳоланди.

LC-2 кўрсаткичи – баҳолашда иккинчи энг юқори категория ҳисобланиб, асосий маблаг ва фоизларни ўз вақтида қайтариш қоби-

лияти кучли бўлганда бериладиган баҳодир. Республикамизда «Пахтабанк» ушбу рейтингга (ТИФ Миллий банкидан сўнг) иккинчи бўлиб эришди.

Банкка JC-C/D рейтинг баҳосининг берилиши эса шуни англадики, у ўз активлари сифатини яхшилиги ҳамда барқарор мувозанатлаштирилган баланси билан кенг омма ишончи ва хурматига сазовор бўлмоқда. Шуниси эътиборга моликки, «Пахтабанк»га берилган бундай рейтинг баҳолари, авваламбор, унинг:

- истикболини белгилашда;
- хорижий сармояларни янада фаолроқ жалб этишда;
- халқаро банк-молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиш борасида зарурий шарт-шароитлар, янги имкониятлар яратиш беради.

Қолаверса, банк мавқеининг республика ичида ва унинг ташқарисида янада юксалганидан, жаҳон молия оламида улкан ютуқларини муносиб намоён этганидан далолат беради.

Банк SWIFT жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти аъзолигига қабул қилинган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи энг нуфузли банклардан бири эканлиги жаҳон молия олами томонидан ҳам эътироф этилди. Жумладан, молия муассасасининг 1998 йилдаёқ қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитловчи Осиё-Тинч уммони ассоциацияси (АПРАКА)га аъзо бўлиб кирганлигининг ўзиёқ унинг жаҳон банк тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётганлигини кўрсатувчи далилдир. Осиё ва Тинч уммони минтақасидаги 21 мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 57 та банк ва молия институтларидан иборат жаҳондаги салоҳиятли ва нуфузли молия институтларидан бири ҳисобланувчи ушбу Ассоциация қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг молиявий тамойилларини режалаштиришни рағбатлантириш, қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини молиялаш ва кредитлаш соҳасидаги давлатлараро тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, тармоққа молиявий хизмат кўрсатиш бўйича ахборотларни ўзаро мунтазам айирбошлаш ва уларни амалиётга жорий этишни мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

«Пахтабанк»нинг жаҳон банк ҳамжамияти билан интеграциялашуви йил сайин чуқурлашиб бораётганига яна бир мисол унинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро Конфедерацияси (КИКА)га аъзо бўлганлигидир. Ушбу нуфузли ташкилот Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Ғарбий Европанинг бир гуруҳ қишлоқ хўжа-

лик ва кооператив банклари ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, ўзининг ҳозирги кўринишида 1989 йилда таъсис этилган. Ҳозирги пайтда, қишлоқ хўжалиги соҳасида кредитлар берувчи ёки уни олишга кўмаклашувчи жаҳоннинг барча қитъаларидан 36 давлатнинг қишлоқ хўжалик йўналишидаги 165 та банклари ҳамда молия ташкилотлари, шунингдек, фаолият мақсади қишлоқ хўжалик кредитини ривожлантириш ёки уни ўрганишдан иборат бўлган минтақавий, миллий ёки халқаро ташкилотлар КИКА аъзолари саналади. Улар сирасига Франциянинг «Креди Агриколь», Нидерландиянинг «Рабобанк», Германиянинг «Дойчегеноссеншафтсбанк», Австриянинг «Райффайзенцентральбанк» каби банклари ва бошқа йирик ҳамда таниқли банклар қиради. «Пахтабанк» бошқарувининг раиси КИКА Марказий кўмитаси аъзоси ҳисобланади.

Одатда, CAMEL рейтинг тизимида 5 компонентдан бир ёки икки ҳолатда юқори кўрсаткичга эга бўлиш мумкин. Банкротликка яқин, яъни муаммоли банклар деб тан олинган банклар эса 5 ёки 4 балл оладилар ва улар тез-тез текширилиб турилади. Тўғри, 5 ҳолатдан 4 тасида ҳам юқори кўрсаткичга эришиш ҳоллари ҳам йўқ эмас, лекин битта ҳолатда ҳам юқори кўрсаткичдан паст бўлган рейтинг баҳосига эга бўлганда умумий рейтинг баҳоси юқори бўлмайди. Республика банк тизимида умумий рейтинг баҳосининг энг кўпи 2 ва 3 та бўлиб, булар «яхши» ва «қониқарли» фаолият юритувчи банклар қаторига қиради.

Шундай қилиб, банк фаолиятини баҳолашнинг «CAMEL» тизими:

- банк фаолиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради;
- банк ҳисоботларининг тўғрилигини тасдиқлайди;
- объектни халқаро аудит киритилишига тайёрлайди.

Ушбу афзалликлар умумлашиб, энг олий мақсад, яъни банкни банкротликдан сақлаб қолади ва шу орқали жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг омонатлари, депозитларининг беҳудага сарфланиб кетишининг олдини олади.

[304]. «CAMEL» тизимининг таҳлил қилинадиган биринчи кўрсаткичи – **банк капиталининг етарлилиги** ҳисобланади. Бу кўрсаткич икки кўрсаткични таҳлил қилиш орқали аниқланади, яъни:

- жами капиталнинг \sum^k рискка тортилган активларга нисбати (Арт);
- асосий капиталнинг (АК) рискка тортилган активларга нисбати (Арт):

Капитал етарлигининг минимал халқаро нормаси 8 фоиз қилиб белгиланган. Базель шартномасидаги талабларга биноан банк асосий капиталининг жами капиталдаги улуши 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Умуман, Базель шартномасига мувофиқ, банк капитали икки даражага бўлинади;

- биринчи даража асосий капиталдан иборат бўлиб, унга тўланган акциялар суммаси, активларни сотишдан юзага келган курсдаги фарқлар суммаси, захира фондининг устав фондини мустақкамлашга доир қисми, тақсимланмаган фойда, суғурта фонди киради.

- иккинчи даражада захира фондининг бир қисми ва баланс ҳисобварақаларда ҳисобга олинмаган фонд маблагларини ўз ичига оладиган қўшилган капиталдир.

Шундай қилиб, CAMEL рейтинг тизими бўйича капитал назорати ушбу жараённинг биринчи компоненти бўлиб, бунда банк капиталининг етарлилик даражаси, капитални кўпайтириш борасида олиб борилаётган фаолият ва дивидендларни тўлаш сиёсати таҳлил қилинади.

Бундан ташқари, капитал таҳлили жараёни банк акциядорларининг янгиланган рўйхати, жами акциядорлар улушининг баланс ҳисоботидаги тўланган капитал суммасига тенглиги ҳамда банк капитали Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги «Тижорат банклари капиталининг етарлиликка қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 420-сонли Низоми талабларига жавоб бера олишини текшириш масалаларини қамраб олади.

[305]. Иккинчи таҳлил кўрсаткичи **активлар сифатини** баҳолашдир. Бундан асосий мақсад муайян банк активларининг рискка тортилганлик даражасини таҳлил қилишдир. «CAMEL» тизимида рисклар бўйича активларни таснифлаш 4 гуруҳга бўлинади:

- 0 фоиз – махсус активлар;
- 20 фоиз – стандарт бўлмаган активлар;
- 50 фоиз – шубҳали активлар;
- 100 фоиз – зарар келтирадиган активлар.

Тижорат банкининг молиявий аҳволини аниқлашда активлар сифатини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳақиқий қиймати бухгалтерлик ҳисобида акс эттирилган қийматга тўғри келмайди. Активларнинг сифатини таҳлил қилиш учун муаммоли қарзларни таснифлаш асосида берилган ссудалар ва бошқа активларни баҳолаш зарур.

Активларни андозавий, шубҳали ва зарар келтирадиган турларига таснифлаш тизими барча активлар рейтингини миқдор жиҳатдан аниқлаш, шунингдек, кредитлардан зарар кўриш ҳолларига мўлжалланган захираларнинг етарлилигини баҳолаш имконини беради. Асосан узоқ муддатли ссудалар нақд пуллар ва вакиллик ҳисобва-рақлари, ссудалар ва бошқа активлар текширилади.

Активлар сифатининг таҳлилида асосий эътибор активларнинг қайтишига қаратилади. Уларнинг ҳолати аниқланганда, ҳақиқатан ҳам, кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши ўта муҳимдир. Республикаміз тижорат банкларида мавжуд ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар жами суммаси кредит қўйилмаларининг 1 фоизга ҳам етмаган ҳолда МДХ таркибидагина эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам бу энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Лекин мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мақсади ҳар қандай маблағ юқори даражада самарали бўлишига қаратилган.

Активлар сифати банкнинг кредит таваккалчилиги билан ҳам бевосита боғлиқ ва энг йирик кредитлар текширилади.

[306]. Банк фаолиятининг асосий мақсади, юқори даромад олишдан иборат. Одатда, юқори даромад оладиган банklar самарали фаолият юритаётган банк деб тан олинади. Бирок активлар сифати билан тушум ўртасидаги ўзаро боғлиқликка унчалик эътибор берилмайди. Бирон бир банкда активлар сифати муаммоли бўлса, унинг активлари баҳоси ёмонлашади. Баҳодаги бу ўзгариш тушум ҳисобига қопланади ва натижада банк даромади камаяди.

Демак, банкнинг даромадлилик даражаси активларнинг иқтисодий моҳиятига, аниқроғи, сифатига боғлиқ. Унга кўра активлар:

- даромад келтирувчи;
- даромадни «еб қўювчи» турларга бўлинади.

Даромад келтирувчи активларга ишлаётган активлар (барча кредит қўйилмалар ва қимматли қоғозлар) киради. Даромад келтирмайдиган активларга номоддий харажатлар, бинолар, капитал харажатлар ва тўлов муддати 90 кундан ошган кредитлар, шунингдек, кредитлар ва амал қилмайдиган деб тан олинган кредитлар бўйича фоизлар тааллуқлидир.

Даромад келтирувчи активлар кредит салоҳиятининг асосини ва банкнинг ссуда портфелини ташкил этади. Шу боис банк капиталини ошириш ва кредит потенциалини мустаҳкамлаш ҳам унинг даромадлигига боғлиқ. Банкнинг даромади, асосан, кредитлар бў-

йича фоиз ставкаси, кредит кўйилмалар ҳажми ва банк ликвидлигига боғлиқ.

Банк даромадларни куйидаги манбалардан олади:

- операциялардан (олинган фоизлар);
- кимматли қоғозлар савдосидан;
- фоизсиз даромад ҳисобидан;
- мулкни ва бошқа активларни сотишдан;
- бошқа манбалардан.

«CAMEL» тизими даромадларни миқдор ва сифат томонларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашни тавсия этади. Даромадлилик даражаси куйидаги икки кўрсаткични таҳлил қилишни тақозо этади:

- баланс фойдасининг активларга нисбати;
- солиқлар чегириб ташланган фойданинг активларга нисбати.

Даромад йўналишининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш ва баҳолашда дастлаб куйидаги масалалар:

- тушумнинг ўзгармаслиги ёки жами активларга нисбатан фоиз ҳисобида камайиши;
- операцион харажатларнинг операцион даромадларга нисбатан ўзгариши;
- фоизли харажатлар билан фоизли даромадлар ўртасидаги маржанинг ўзгариши;
- фоизсиз харажатлар ва даромадларларнинг ўзгаришлари инобатга олинади.

Банк даромад ва харажатларининг салбий ва ижобий моддаларини аниқлашда асосан куйидаги омилларга аҳамият берилади:

- активларнинг фойдалилиги;
- капиталнинг фойдалилиги;
- активлар ва пассивлар асосий категорияларининг ўсиш коэффициенти;
- даромаднинг асосий манбалари;
- харажатларнинг барча асосий категориялари.

Қайд қилинган барча кўрсаткичлар бошқа ўхшаш банкларга таққосланган ҳолда қиёсий таҳлил қилинади.

[307]. Ликвидлик кўрсаткичи тўртинчи таҳлил қилинадиган омил ҳисобланади. CAMEL тизимида мувофиқ, ликвидлик банкнинг мажбуриятлар бўйича тўловларни ўз вақтида бажариш лаёқати ва хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини кондиришга тайёрлик даражасини ифодалайди. Ликвидлик даражаси ҳам шулар орқали баҳоланади.

Баҳолашда ликвидликка таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни:

- актив ва пассивларнинг таркиби;
- актив ва пассивларни бошқариш сифати;
- депозит базасининг ҳолати каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Банкнинг мажбуриятлар бўйича тўловларни ўз вақтида бжариш лаёқати, пул маблағларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши кўп жиҳатдан **актив ва пассивлар таркибий тузилишининг мувофиқлик даражасига** боғлиқ. Банк томонидан ликвидликни етарли даражада сақлаб туриш фойда олишга қаратилган ҳаракат билан мувозанатлашган ҳолда амалга оширилиши даркор, яъни кўпроқ фойда олиш мақсадида активларнинг самарасиз жойлаштирилиши ликвидлик ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади.

Актив ва пассивларни бошқариш сифати банкнинг пул фондларини ташкил этиш, улар нархларини шакллантириш ва жойлаштириш жараёнларига тааллуқлидир. Ушбу жараён асосан баланс ҳисоботида акс эттирилади. Актив ва пассивларни бошқаришнинг энг мақбул йўли қисқа муддатли ликвидликни паст бўлган инструментларга жойлаштириш орқали юкори фойда олиш орасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат.

Депозитлар базаси ҳолатига, яъни депозитларнинг доимийлигига жаҳон амалиётида жуда катта аҳамият берилади. Бундан ташқари, ликвидликни таҳлил қилишда банкларнинг ташқи манбаларга чиқиш имкониятлари алоҳида ўрин тутаети. Айниқса, ликвидликни баҳолашда активларнинг нақдликка айланиш даражалари ҳам таҳлил қилиб чиқилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ликвидлик даражаси банкнинг ликвидлик ҳолатини тўлалигича ёритиб бера олмайди ва унга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қаралади. Шундай экан, ликвидлик коэффициентлари бошқа кўрсаткичлар билан қиёсланган ва тўлдирилган ҳолда таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Ликвидлик ҳолати текширувининг якуний босқичларида банк томонидан қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари рўйхати тузилиши ҳамда уларга тегишли қонун ва низомлар илова қилиниши кўзда тутилади.

[308]. CAMEL тизимининг юкоридаги тўртта кўрсаткичи аниқланганидан сўнг мазкур рейтинг тизимининг бешинчи баҳолаш кўрсаткичи – **менежмент**, яъни банкни бошқариш даражаси таҳлил

этилади. Бу кўрсаткич банк ишончилигини баҳолашнинг охириги кўрсаткичидир.

Мазкур кўрсаткич олдинги кўрсаткичлар натижаларига боғлиқ бўлади. Чунки капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, даромадлилиги ва юқори ликвидлик даражасига эга бўлган банкларнинг, хусусан, менежмент ҳам юқори бўлади. Бунда:

- кадрларнинг билим даражаси;
- меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши;
- банк, кадр, кредит, инвестиция, фоиз сиёсатларининг мукамаллиги ва тўғри йўлга қўйилганлиги таҳлил қилинади.

Банкни бошқариш даражаси кўпинча банк сиёсатининг қай даражада мақсадга мувофиқ шакллантирилганлиги, унинг ёзма Равишда белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилганлиги ва унга риоя қилиниши билан характерланади. Маъмурият фаолиятига баҳо беришда эса куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- сардорлик ва раҳбарлик қилиш қобилияти;
- банк фаолияти қоидаларига риоя қилиш даражаси;
- ўзгарувчан вазият ва ҳолатларда тўғри қарорларни қабул қила олиш ва унга тез мослаша олиш қобилияти;
- муваффақият қозониш;
- банк хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга интилиш ва бошқа кўрсаткичлар.

Шундай қилиб, банкни бошқарув сифати банк раҳбарияти томонидан олиб борган сиёсатнинг самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, қатор омиллар ва кўрсаткичлар орқали аниқланади.

10.2. «Ахбор-рейтинг» агентлиги

[309]. Иқтисодиётнинг ривожланишида чет эл инвестицияларини юртимизга олиб кириш ва аҳолидаги бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда 1996 йил сентябрь ойида Ўзбекистон банклар ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Ахбор – рейтинг» банклараро компанияси ҳар чоракда инвесторлар ва бозор иқтисодиётининг барча қатламлари учун республикамиз банклари фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларни бериб келмоқда.

Яъни компания томонидан тижорат банкларининг рейтинг тадбирлари ўтказилиб, ушбу натижалар барча оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевидениеда мунтазам равишда эълон қилиб

бориляпти. 2007 йил биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича ўтказилган рейтингда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 29 та тижорат банкидан 21 таси қатнашиб қуйидаги натижаларга эришдилар (65,66 -жадваллар)¹.

Тижорат банклари фаолиятининг 2007 йил 1 ярим йиллик яқунлари бўйича рейтингининг ўртача кўрсаткичи 40,95 баллни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада юқоридир. (2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу кўрсаткич 34,10 баллни ташкил этган). Бунга банклар фаолиятининг кўламлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг яхшиланиши сабаб бўлди.

64-жадвал.

Йирик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари	
Банк номи	Яқуний рейтинг бали
“Ўзсаноатқурилишбанк”	80.61
“Пахтабанк”	76.88
“Ипотекабанк”	70.14
“Ғаллабанк”	57.12
“Капиталбанк”	51.52
“Ипак йўли банки”	50.12
АБН АМРО БАНК МБ Ўзбекистон АЖ	12.24

Кўламлик кўрсаткичининг ўсиши тижорат банклари жами активлари ва умумий даромадларининг ижобий динамикаси эвазига юз берди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида рейтингда иштирок этган тижорат банклари активлари 45,2 фоизга ўсди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида активларнинг юқори ўсиш суръатлари Алп Жамол банк (145 фоиз), Трастбанк (137 фоиз), АБН АМРО Банк (ҳозирги RGB) МБ Ўзбекистон АЖ (109 фоиз), Ипотекабанк (62 фоиз) ва Ўзсаноатқурилишбанк (52 фоиз) ларда кузатилмоқда. Жалб қилинган маблағларнинг 45,0 фоизга ўсиши банклар актив операциялари ҳажмининг кенгайишини таъминлади.

Номолиявий сектор депозитлари ва олинган ссудалар банкларнинг жалб қилинган маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Уларнинг умумий ҳажми банкларнинг умумий мажбуриятларининг 80 фоиздан кўпроғини ташкил қилмоқда. Банкларнинг депозит базаси 56,1 фоизга ўсди. Депозитларнинг ўсиши асосан талаб қилиб олинганча (63,5 фоизга) ва муддатли (51,8 фоизга) депозит ҳисоб-

¹ “Банк аҳборотномаси” 2007 йил сентябрь №36

варақлари колдикларининг ортиши эвазига юз берди. Уларнинг жами депозитлар таркибидаги улуши тегишли равишда 71,5 фоиз ва 22,1 фоизни ташкил қилди. Бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар қолдиғи 96,6 фоизга ўсди. Депозит базасининг юқори ўсиш суръати Трастбанк (164 фоиз), Алп Жамол банк (96 фоиз), Ўзсаноатқурилишбанк (87 фоиз), Ғаллабанк (85 фоиз) ва Пахтабанк (66 фоиз) ларда кузатилмоқда.

Банк активларининг асосий қисмини кредит қўйилмалар ва ликвид маблағлари ташкил қилиб, уларнинг умумий ҳажми банклар активларининг 85,4 фоизини ташкил қилмоқда. Кредит қўйилмалари (соф қолдик) таҳлил қилинаётган давр мобайнида 35,4 фоизга ўсди. Ўтган давр мобайнида банкларнинг лизинг фаолияти жадаллашиб, уларнинг лизинг портфели 52,1 фоизга ўсди. Банкларнинг ликвид маблағлари (нақд пул қолдиғи, Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар қолдиғи) 58,5 фоизга ўсди. Натижада тижорат банклари ликвид маблағларининг жами активлардаги улуши 33,9 фоизга ошди.

2007 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида банкларнинг умумий даромади 29,2 фоизга ортди. Умумий даромадларнинг 52,6 фоизини фоизли даромадлар ташкил қилмоқда. Фоизли даромадлар таҳлил қилинаётган давр мобайнида 36,6 фоизга ўсди. Ссуда ва лизинг операцияларидан олинган

65-жадвал.

Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари	
Банк номи	Яқуний рейтинг балл
“Трастбанк”	61,15
“Алп Жамол банк”	58,64
“ЎзҚДБ-банк”	43,06
“ЎТ Банк”	27,21
“Ўқтамбанк”	10,44

даромадлар (71 фоиз) ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича даромадлар (8 фоиз) фоизли даромадларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган даврда фоизсиз даромадлар 21,9 фоизга ўсди.

Банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капитали асосан тақсимланмаган фойда (56, фоиз) ва устав капитали (43,9 фоиз) ҳисобига шаклланмоқда. Тижорат банкларининг акциядорлик капитали таҳлил қилинаётган давр ичида 20 фоизга ўсди. Банкларнинг капиталлашув даражаси барқарорлиги

таъминланмоқда. Капиталнинг етарлилик коэффиценти (жами капиталнинг активга нисбати, хатарни ҳисобга олган ҳолда) 2007 йилнинг биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича 23,2 фоизни ташкил қилди, бу эса меъёрий кўрсаткичдан (10 фоиз) сезиларли даражада юқоридир. Ўз устав капиталини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг минимал талабларига биноан шакллантирилган банклар ўртасида капитал етарлилиги бўйича юқори кўрсаткичлар ЎТ банк (52,9 фоиз), ЎзҚДБ банк (39,2 фоиз), Микрокредитбанк (23,4 фоиз), Ғаллабанк (21,2 фоиз)ларда кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июндаги ПП-670 сонли “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва китисодиётнинг модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўрисида” ги қарорининг қабул қилиниши тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

66-жадвал.

Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари	
Банк номи	Яқуний рейтинг балл
“Давр банк”	63,86
“Универсалбанк”	19,26
“Туркистонбанк”	12,07
“Самарқандбанк”	1,41

Банкларнинг умумий активлари ва акциядорлик капиталининг юқори суръатларда ўсишига қарамасдан, банклар фаолиятининг рентабеллик кўрсаткичлари ижобий динамикаси кўзатилмоқда. Банкларнинг соф фойдаси ўтган йилнинг шу даврга нисбатан 91,3 фоизга ўсди. 2007 йилнинг биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича банклар устав капитали рентабеллигининг ўртача қиймати 63,1 фоизни, умумий капитал рентабеллиги 22,4 фоизни, жами активлар рентабеллиги 4 фоизни ташкил қилди.

Шундай қилиб, республикамиз тижорат банклари, умуман, банк тизими йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланмоқда, улар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити вужудга келяпти. Бунинг натижасида тижорат банкларининг ўз миқозига хизмат кўрсатиш даражаси ошиб борапти, уларга янада кўп янги хизмат турлари кўрсатилиши таклиф қилинапти. Бу ҳолатни рейтингда қатнашиб, ўз ахборот эркинликларини намойиш қилаётган банклар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

[310]. Ҳозирги вақтда банкларнинг умумлаштирилган рейтингларини аниқлашнинг тан олинган бир қанча усуллари мавжуд.

Юқориди кўриб чиққан имиздек, АҚШ да «СAMEL» тизимидан фойдаланилади. Унга кўра тижорат банки фаолияти беш балли тизим бўйича баҳоланади. Рақамли рейтинглар, капитал, активлар сифати, бошқарув, фойда кўриш ва мижозлар таҳлили асосида берилади. Ана шу беш кўрсаткич «СAMEL» рейтинги деб аталган ягона кўрсаткичга жамланади. Бу хилда рейтингни аниқлашга банк ишончилигининг асосий мезони сифатида қаралиб, у банк назорати органлари учун мўлжалланган, аммо матбуотда очик эълон қилинмайди.

Россияда ҳар бир рейтинг муассасаси (банк ахборот агентлиги, «Коммерсант – Daily» эксперт гуруҳи, Оргбанк, «ПАКК» фирмаси, «Рейтинг» ахборот маркази, Молиявий ахборот таҳлилий марказ) ўз умумлаштирувчи усулига эга. Улар муайян молиявий кўрсаткичларга асосланган бўлиб, банклар ишончилигини баҳолашда айрим кўрсаткичлар аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тўплами, сони ва салмоқ коэффициентларини тақсимлашда бир-биридан фарқланади. Сўнгра муайян кўрсаткичлар йиғиндиси сифатида ҳар бир банк ишончилигининг жамланма кўрсаткичи чиқарилади. Мустақил агентликлар томонидан аниқланадиган Россия банкларининг шундай рейтинглари очик матбуотда эълон қилиб борилади.

Ўзбекистон банкларининг муайян рейтинглари мамлакат банк тизими хусусиятларини албатта ҳисобга олишни талаб қилади. «Ахбор-рейтинг» агентлиги мутахассислари Ғарб ва Россия назариётчи-амалиётчилари томонидан ишлаб чиқилган услублардан фарқли ўлароқ ўзларининг умумлаштирилган рейтингларини аниқлаш усулини, яъни республиканинг ўзига хос ривожланишини инobatга олган ҳолда қўлланиладиган усулни ишлаб чиқдилар.

Ушбу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Энг аввало банклар балансларига асосланиб, мутлақ молиявий кўрсаткичлар аниқланади (67-жадвал).

Банк баланси:
Мутлақ молиявий кўрсаткичлар манбалари

№	Мутлақ кўрсаткичлар	Балансдаги			
		шакл рақами	қатор	устун	жадвал (изох)
1	2	3	4	5	6
1.	Капитал А	0110BS	32	–	–
2.	Капитал В	–	VII	Г	3004СAB “Банк капитали ҳисоби”
3.	Жами активлар	0110BS	14	–	–
4.	Рискни ҳисобга олган ҳолдаги жами активлар	–	8	–	3006СAR “Рискни ҳисобга олган ҳолда аниқланган активлар” (Балансортти активлар)
5.	Ликвид активлар	–	6	–	1-жадвал 0022AAL “Ликвидлик таҳлили”
6.	Зудлик билан ликвид шаклини олувчи активлар	–	1+2+3+4	Б (2 ва 3 қатор)	0024AAL “Банк активлари таҳлили”
7.	Даромад келтирувчи активлар	0110BS	3+4+5+6+7++8+9	–	–
8.	Жами мажбурият	0110BS	25	–	–
9.	Талаб қилиб олувчи мажбуриятлар	–	13	Б	0026AAL “Банк мажбурияти таҳлили” жадвалининг Б устунидagi 1.2; 1.3; 5 ва 9 қаторлари қийматларисиз
10.	Депозитлар	–	1+4+8	Ж	0026AAL “Банк мажбурияти таҳлили”
	Ўки	–	4	–	2106ДМС «Мижозлар турлари бўйича депозитлар тўғрисида ҳисобот»

11.	Жалб қилинган маблағлар	0110BS	16+17+18+ +19+21	–	–
12.	Соф фойда (зарар)	0204 IS	11	–	«Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот»
13.	Фоиздан даромад	0204 IS	1л	–	«Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот»
14.	Фоиздан харажат	0204 IS	2л	–	«Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот»
15.	Даромадлар (ялпи даромад)	0204 IS	1л+4е	–	«Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот»
16.	Харажатлар	0204 IS	2л+5е+7з	–	«Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот»

Аниқланган мутлақ кўрсаткичлар асосида ҳар бир банк фаолиятининг турли томонларини тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади (68-жадвал).

68-жадвал.

Рейтинг: Нисбий кўрсаткичлар

№	Нисбий кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	И з о х
1	2	3	4
1.	Капиталнинг етарлиги (F_1)	$F_1 = X_1, X_2, X_3$	<ul style="list-style-type: none"> • Бу кўрсаткич учта молиявий коэффициент асосида ҳисобланади. У банк капиталининг етарлилик даражасини, яъни таваккал қўйилган маблағларни банкнинг ўз капитали билан қоплай олиш даражасини ифодалайди. • K_B – капитал В A_p – рискни ҳисобга олган ҳолда жами активлар • M – жами мажбуриятлар • K_A – капитал А A – жами активлар • Бу кўрсаткич банкнинг қай даражада фойда билан ишлаётганини ифодалайди, яъни банкнинг ўз ва жалб қилинган молиявий маблағларини қўпайтириш қобилияти
	• Таваккалчилик коэффициенти (X_1)	$X_1 = \frac{K_B}{A_p}$	
	• Карз бўйича капитал (X_2)	$X_2 = \frac{K_B}{M}$	
	• Капитал коэффициенти (X_3)	$X_3 = \frac{K_A}{A}$	
2.	Банкнинг даромадлилиги (F_2)	$F_2 = X_4, X_5, X_6$	

<ul style="list-style-type: none"> • Активлар бўйича кайтим (X_4) • Активлар бўйича даромад (X_5) • Капитал бўйича даромад (X_6) <p>3. Банк ликвидлиги (етарлилик даражасини, яъни таваккал кўйилган маблагларни банкнинг ўз капитали билан қоплай олиш даражасини ифодалайди.)</p> <ul style="list-style-type: none"> • Умумий ликвидлик коэффиценти (X_7) • Қарзларнинг депозитларга нисбати (X_8) • Хусусий ликвидлик коэффиценти (X_9) 	$X_4 = \frac{\Phi_c}{A}$ $X_5 = \frac{D_\phi}{A_d}$ $X_6 = \frac{\Phi_c}{K_B}$ $F_3 = X_7 \cdot X_8 \cdot X_9$ $X_7 = \frac{A_d}{M_{\text{ж}}}$ $X_8 = \frac{K_B}{L}$ $X_9 = \frac{A_3}{M_{\text{тк}}}$	<p>(Φ_c) – соф фойда</p> <ul style="list-style-type: none"> • D_ϕ – фоииз(дан)ли даромад A_d – даромад келтирувчи активлар <ul style="list-style-type: none"> • Бу кўрсаткич банкнинг ўз мажбуриятларини дарҳол бажариш қобилиятини англатади, яъни банкнинг мижозлар олдида ўз мажбуриятларини вақтида бажариш имкониятини ифодалайди. • A – ликвидлик активлари • $M_{\text{ж}}$ – жаъми мажбуриятлар • D – депозитлар • A_3 – зудлик билан ликвид шаклини олувчи активлар • $M_{\text{тк}}$ – талаб қилиб олувчи мажбуриятлар.
--	---	--

Қайд қилинган ҳар бир кўрсаткич (F_1 , F_2 , F_3) учтадан нисбий молиявий кўрсаткичларни ўз ичига камраб олади. «Якуний рейтинг» эса охириги пировард баҳо бўлиб, агрегатланган (комплекс) рейтинг (F) деб юритилади. Таҳлил якунида банклар бешта кўрсаткич натижаларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланадилар:

Якуний рейтинг мезонлари

<p>1 балл – Соғлом банк фаолиятдан далолат беради.</p> <p>2 балл – Банк барқарорлигига таъсир қилувчи камчиликларни инobatга олган ҳолда банк умуман соғлом ҳисобланади.</p> <p>3 балл – Банкнинг молиявий камчиликлари мавжудлигидан далолат беради.</p> <p>4 балл – Банкнинг жиддий камчиликлари мавжудлиги сабабли бош назорат органларининг дарҳол аралашуви талаб қилинади.</p> <p>5 балл – Келажакда банкнинг банкротликка учраши хавфи мавжуд, ташки манба ва акционерларнинг молиявий ёрдамларига муҳтож.</p>

10.3. Тест топшириқлари ва масалалар

268. Рейтинг – бу:

- а) фақат муайян объект тўғрисидаги натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича зоят муҳим восита ҳисобланади;
- б) фақат муайян субъект тўғрисидаги натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича зоят муҳим восита ҳисобланади;
- в) муайян объект ва субъект тўғрисида натижавий баҳо бўлиб, қарор қабул қилиш бўйича зоят муҳим восита ҳисобланади;
- г) фақат бизнес соҳасига баҳо бериш воситасидир.

269. Қуйида қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири банк рейтингларини аниқлашнинг миқдорий кўрсаткичларига тааллуқли?

- а) капиталнинг етарлилик даражаси;
- б) активлар суммаси;
- в) активлар сифати;
- г) даромадлилик даражаси.

270. Қуйида қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири банк рейтингларини аниқлашнинг сифат кўрсаткичларига тааллуқли?

- а) банк ликвидлиги;
- б) депозитлар;
- в) кредитлар;
- г) даромад суммаси.

271. Қуйида қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири банк рейтингларини аниқлашнинг сифат кўрсаткичларига тааллуқли?

- а) капиталнинг етарлилик даражаси;
- б) банк ликвидлиги;
- в) даромадлилик даражаси;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

272. «СAMEL» тизими 1978 йилда:

- а) Франция банкларининг бирида ишлаб чиқилган;
- б) Германия банкларининг бирида ишлаб чиқилган;
- в) АҚШ банкларининг бирида ишлаб чиқилган;
- г) Италия банкларининг бирида ишлаб чиқилган.

273. «СAMEL» тизимида «С» ҳарфи:

- а) активлар сифатини ифодалайди;*
- б) капиталнинг етарлилик даражасини ифодалайди;*
- в) банкнинг бошқарув сифатини ифодалайди;*
- г) банкнинг ликвидлилик даражасини ифодалайди.*

274. «СAMEL» тизимида активлар сифати, яъни «А»:

- а) банкнинг ўз миқдорларини кафолатлаш учун зарур бўлган хусусий сармояси миқдорини ифодалайди;*
- б) банкнинг келгусида ўсиши учун етарли бўлиш нуқтаи назаридан унинг даромади ёки фойдасини тавсифлайди;*
- в) банкнинг оддий ва қутилмаган мажбуриятларни йўқотишларсиз бажара олиши учун зарур даражада маблағ билан таъминланганлигини тавсифлайди;*
- г) активларнинг даражасини ва балансдан ташқари модаларни, шунингдек, гумонли активлар ва зарарларни таснифлаш асосида муаммоли қарзларнинг молиявий таъсири аниқлайди.*

275. 274-тест топшириғида қайси бир жавоб «СAMEL» тизимидаги «Е» ҳарфини, яъни «Банкнинг даромадлилик даражаси»ни ифодалайди?

- а) б*
- б) а*
- в) г*
- г) в*

276. 274-тест топшириғида қайси бир жавоб «СAMEL» тизимидаги «L» ҳарфини, яъни «Банкнинг ликвидлилик даражаси»ни ифодалайди?

- а) б*
- б) в*
- в) г*
- г) а*

277. «СAMEL» тизимида «М» ҳарфи, яъни «Банкни бошқарув сифати»ни таҳлил қилиш ёрдамида:

- а) банк фаолиятининг самарадорлик даражасини;*
- б) банк сиёсати, қонун ва йўриқномаларга амал қилиш даражаси;*
- в) банк сиёсатининг қай даражада мақсадга мувофиқ шакллантирилганлик даражаси баҳоланади;*
- г) нотўғри жавоб йўқ.*



278. «CAMEL» тизимида эиг юкори баҳо:

- а) 1 кўрсаткичи билан белгиланади;*
- б) 2-3 кўрсаткичи билан белгиланади;*
- в) 4 кўрсаткичи билан белгиланади;*
- г) 5 кўрсаткичи билан белгиланади.*

279. Агар банкнинг якуний рейтинги «5» балл билан баҳоланса, у ҳолда:

- а) соғлом банк фаолиятдан далолат беради;*
- б) банк барқарорлигига таъсир қилувчи камчиликларни инобатга олган ҳолда банк умуман соғлом ҳисобланади;*
- в) келажакда банкнинг банкротликка учраши хавфи мавжуд, ташқи манба ва акционерларнинг молиявий ёрдамларига муҳтож;*
- г) банкнинг жиддий камчиликлари туфайли бош назорат органларининг дарҳол аралашуви талаб қилинади.*

280. Банк балансида қайси бир кўрсаткичлар мутлақ молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади?

- а) капиталнинг етарлилиги;*
- б) ликвид активлар;*
- в) банкнинг даромадлилиги;*
- г) хусусий ликвидлик коэффициенти.*

281. Ушбу китобнинг иловасида келтирилган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тўғрисидаги қисқача маълумотлар», хусусан, банкларнинг баланс ҳисоботларига асосланиб уларни (30 та) қуйидаги белгилар бўйича уч гуруҳга (тенг интервал асосида) бўлинг:

- а) капиталнинг етарлилик даражаси;*
- б) банк ликвидлиги даражаси;*
- в) даромадлилик даражаси;*
- г) молиявий ҳолат кўлами.*

Олинган натижалардан фойдаланиб банклар рейтингини аниқланг. Уларни эгаллаган ўринлари бўйича ранжирланг.

10.4. Назорат учун саволлар

- 279. Банк рейтингини аниқлаш зарурияти нимада?
- 280. Банк рейтинги қандай усулларда аниқланади?
- 281. Банкларни баҳолаш (рейтингини аниқлаш) нинг қандай тизимларини биласиз?
- 282. «CAMEL» тизими тўғрисида нималар дея оласиз?

283. «CAMEL» рейтинг тизимида энг юкори баҳо неча балл ҳисобланади?

284. «С» – банк капиталининг етарлилиги қандай ҳисобланади?

285. «А» – активлар сифати қандай баҳоланади?

286. «Е» – банкнинг даромадлилик даражаси қандай аниқланади?

287. «L» – банкнинг ликвидлик даражаси қандай аниқланади?

288. «М» – банкни бошқарув сифати қандай аниқланади?

289. «Ахбор-рейтинг» агентлиги тўғрисида нималар дея оласиз?

290. Банкларнинг умумлаштирилган (агрегатланган) рейтинги қай тартибда аниқланади?

БАНК ИШИ ФАНИДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ¹

I. Тижорат банкларининг ресурслари ва активлари

1.1-топшириқ

Тижорат банки баланси

(минг сўм)

№	Баланс-даги ҳисоб рақам	Ҳисоб рақамлар номи	Тижорат банки		Филиал
			Йил бошига	Йил охирига	1 январь ҳолатига
		Актив			
1	10101	Айланма кассадаги нақд пуллар	6700	56100	1430
2	10107	Банкоматлардаги нақд пуллар	300	500	
3	10301	ЎзР МБ даги вакиллик ҳисоб варағи	4400	11500	
4	10309	ЎзР МБдаги мажбурий заҳиралар ҳисоб варағи	300	2800	
5	10501	Бошқа банклардаги вакиллик ҳисоб варақлари	11000	7900	
6	10701	Давлат хазина векселлари	1700	2200	980
7	11100	Дисконтсиз сотиб олинган дебиторлик қарздорлик (факторинг)	1100	2800	
8	12100	Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар	2400	3000	
9	12501	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли ссудалар	10	14800	
10	12600	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли ссудалар	840	900	
11	12700	Давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли ссудалар	10150	8700	21370

¹ Ушбу масалалар тўплами "Банк иши" кафедрасининг доценти Х.Кашапов томонидан ёзилган.

12	12901	Қўшма корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар	20	700	
13	13100	Хусусий корхона ва корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар	10580	13700	
14	12605, 13105	Муддати ўтган ссудалар	100	200	
15	14900	Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли ссудалар	300	900	
16	15000	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узок муддатли ссудалар	3400	6800	
17	15100	Давлат корхоналарига берилган узок муддатли ссудалар	22200	26300	
18	15300	Қўшма корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар	2100	2900	
19	15500	Хусусий корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар	10400	22900	
20	15700	Суд томонидан кўриб чиқилаётган ссудалар	100	300	
21	15900	Инвестициялар	1100	2200	630
22	16300	Ҳисобланган фоизлар	4200	5500	30
23	16500	Банкнинг мол-мулки	6500	11600	3570
24	17519	Республика бюджети (махсус харажат)	1400	2200	
25	19900	Бошқа активлар	1000	1700	27030
		Жами активлар	102300	209500	55030
		Қайта кўриб чиқилган ссудалар	4200	5200	
		Пассив			
1.	20206	Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари	4300	57100	25830
2.	20200	Юридик шахсларни талаб қилиб олгунча депозитлари	15100	32800	
3.	20406	Жисмоний шахслар-	1700	5000	10

		нинг жамғарма депозитлари			
4.	20200	Юридик шахсларнинг жамғарма депозитлари	400	1600	
5.	20606	Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари	2600	7000	3340
6.	20600	Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари	700	500	
7.	21602	ЎзР МБ қисқа муддатли ссудалари	5400	140	10
8.	21605	Бюджетдан ташқари фондларнинг қисқа муддатли ссудалари	10		
9.	22000	ЎзР МБнинг узок муддатли ссудалари	20200	22000	
10.	22005	Бюджетдан ташқари фондларнинг узок муддатли ссудалари	2800	5100	
11.	22006	Бошқа банкларнинг узок муддатли ссудалари	5200	13200	
12.	22400	ҳисобланган фоизлар	220	400	10
13.	22602	Аккредитлар бўйича депозитлар	8400	4600	
14.	22613	Мижозларнинг валюта бозорларида конвертация қилинган маблағлари	1620	3400	
15.	22618	Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари	10	100	
16.	23202	Клиринг транзакциялари	500	1100	
17.	23620	Молия вазирлиги фондидан олинган мақсадли маблағлар	1800	2600	
18.	23400	Бюджет даромадлари ва маблағлари, ҳамда бошқа тушумлар	4000	14300	
19.	29800	Чиқарилган жамғарма ва депозит сертификати	180	300	

		катлари			
20.	29800	Бошқа мажбуриятлар	1220	2360	20840
		Жами мажбуриятлар	76500	173600	50400
		Капитал			
1.	30315	Имтиёзли акциялар	150	150	140
2.	30318	Одий акциялар	9850	9850	1950
3.	30309	Умумий заҳира фонди	4400	6000	
4.	30904	Имтиёзли кредитлаш учун заҳира фонди	2900	5200	
5.	31200	Таксимланмаган фойда	8490	12000	4530
6.	31501	Ўсишни баҳоланган кийматининг бошланғич кийматдан ортиши	10	2700	380
		Капитал жами	25800	35900	7000
		Жами пассив	102300	209500	55030
		Маълумот учун			
1.		Баланс активи бўйича қайта кўриб чиқилган ссудалар суммаси	4200	5200	
2.		Шу жумладан берилган ссудалар: А) давлат корхоналарига Б) хусусий корхона ва корпорацияларга	3400	4500	
3.		Баланс пассивининг 29800 ҳисоб рақами бўйича заҳира мажбуриятларига қуйдагилар қиради: А) миқозлар билан ҳисоб-китоблар Б) ҳаракатсиз депозитлар В) бошқа мажбуриятлар	700 10 20 1000	700 10 20 870	
		Жами	1030	900	

Йил боши ва охирига тижорат банки баланси бўйича қуйдагиларни аниқланг:

1.1. Банк капитали, депозитлар, олинган ссудалар (банклараро кредитлар) ва бошқа ресурс гуруҳлари бўйича ресурслар таркиби ва тузилишини.

1.2. Пул шаклидаги ликвид активлар, қимматли қоғозлар, берилган ссудалар, инвестициялар, хорижий валюта ва банк мулки бўйича активлар таркиби ва тузилишини.

1.3. Банк даромадлиги нуқтаи назаридан активлар таҳлилини.

1.4. Ссуда тури ва субъектлари бўйича кредит қўйилмалар таркибини.

1.5. Қайта кўриб чиқилган, муддати ўтган, суд жараёнидаги, яъни ўз вақтида қайтарилмаган ссудалар таҳлилини амалга оширишни.

1.6. Банкнинг I ва II даражали капитали, уларнинг салмоғи ва ўсиш суръатларини.

1.7. Депозитлар таркибини.

1.8. Банклараро кредитлар таркиби ва тузилишини.

1.9. Банк капитали етарлилик даражасини.

1.9. Рискка тортилган активлар ҳисобини тузинг.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида мажбурий захира фондига депонентланиши лозим бўлган маблағлар ҳисобини тузинг. Захира талабларига тегишли депозитларнинг меъёри 15% ўрнатилган.

1.11. Тижорат банки филиали бўйича активлар ва пассивлар таркибини таҳлил қилинг ва улар бўйича хулоса қилинг.

Юқоридаги топшириқларни бажаришда аналитик жадваллар тузиб, унда сумма, салмоқ ва ўзгариш суръатларини кўрсатилиши тавсия этилади. Ҳар бир топшириқ бўйича хулоса беринг.

II. Тижорат банки фаолиятининг молиявий натижалари ва уларни прогнозлаш

2.1-топширик

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот (млн.сўмда)

№	Номи	ўтган даврда	ҳисобот даврида
	1. Ғоизли даромадлар		
1.1.	ЎзР МБ даги ҳисоб варақалар бўйича ғоизли даромадлар	240	150
1.2.	Қимматли қоғозлар олди-соттиси бўйича ғоизли даромадлари	-	10
1.3.	Берилган ссудалар бўйича ғоизли даромадлар	8170	12470
1.4.	Инвестициялар бўйича ғоизли даромадлар	-	60
1.5.	Бошқа ғоизли даромадлар	290	630
1.6.	Ғами ғоизли даромадлар	аникланг	
	2. Ғоизли харажатлар		
2.1.	Депозитлар бўйича ғоизли харажатлар	4410	2620
2.2.	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича ғоизли харажатлар	10	30
2.3.	Олинган ссудалар бўйича ғоизли харажатлар	1600	1600
2.4.	Бошқа операциялар бўйича ғоизли харажатлар	300	630
2.5.	Ғами ғоизли харажатлар	аникланг	
2.6.	Ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун захирага тўловлар	360	730
	3. Соф ғоизли даромадлар (ғойда)	аникланг	
	4. Ғоизсиз даромадлар		
4.1.	Ғисоб-китоб касса хизматлари учун комиссиян даромадлар	21140	29160
4.2.	Ғорижий валютадаги ғойда	430	1900
4.3.	Қимматли қоғозларни олди-сотдиси ҳисоб рақами бўйича ғойда	320	300
4.4.	Инвестициялар бўйича ғойда ва дивид.	430	500
4.5.	Бошқа ғоизсиз даромадлар	150	360
	Ғами ғоизсиз даромадлар	аникланг	
	5. Ғоизсиз харажатлар		
5.1.	Комиссион харажатлар	1180	2540
5.2.	Ғорижий валютада йўқотишлар	90	900
5.3.	Қимматли қоғозларни олди-сотдиси ҳисоб рақамлари бўйича йўқотишлар	10	10
5.4.	Бошқа ғоизсиз харажатлар	4800	6900
5.5.	Ғами ғоизсиз харажатлар	аникланг	

6. Операцион харажатлар		
6.1.	Иш хақи ва ходимлар учун бошка харажатлар	4270 6740
6.2.	Офис ижараси ва сакланиши	13330 2080
6.3.	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	190 260
6.4.	Маъмурий харажатлар	1180 1730
6.5.	Репрезентация ва хомийлик	220 320
6.6.	Асосий воситаларни эскиришига харажатлар	720 1370
6.7.	Суғурта, солиқ ва бошка харажатлар	1820 2720
6.8.	Юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун захира	10 50
6.9.	Жами операцион харажатлар	аниқланг
7. Соф фойда		
7.1.	Фойданинг умумий суммаси	аниқланг
7.2.	Даромад солиги (33%)	аниқланг
7.3.	Соф фойда (зарар)	аниқланг

Юқоридаги “Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот”дан фойдаланиб қуйидагиларни аниқланг:

1. Соф фоизли даромадлар (фойда)ни, умумий суммасини ва умуман банк бўйича соф фойдани.

2. “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот кўрсаткичларининг ўсиш суръатларини.

3. Банкнинг барча даромад (фоизли ва фоизсиз бирга олинганда) ларининг таркиби ва тузилишини.

4. Таҳлил натижалари бўйича хулоса ва таклифлар келтиринг.

2.2-топширик

Ҳисобот йилида тижорат банкининг кредит қўйилмалари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларни ташкил этди: (млн. сўмда)

1/И-62. 1/У- 70. 1/Х- 70.

1/II-60. 1/VI- 69. 1/Х-82.

1/III-66. 1/VII-63. 1/XI-80.

1/IV-68. 1/VIII-67. 1/XIII-78.

Ссудалар бўйича ҳисобот йилидаги фоизли даромадлар - 18900 минг сўмни ташкил этди. Келгуси йилда кредит қўйилмаларнинг ўртача 20% га йиллик ўсиши башорат қилинмоқда, ссудалар бўйича фоиз ставкаси 2 фоиз пунктига пасайиши кутилмоқда.

Қуйидагиларни аниқланг:

1. Ҳисобот йили учун:

А) кредит қўйилмаларнинг ўртача йиллик суммасини;

Б) ссудалар бўйича фоиз ставкасининг ўртача даражасини.

2. Келгуси йил учун: кредитлар учун фоизлар бўйича даромадларнинг башорат қилинаётган суммасини.

3. Кредитлар учун фоизлар бўйича даромадларнинг ошиши ёки камайишига омилларнинг таъсирини.

2.3-топширик

Ҳисобот йилида тижорат банкининг қимматли қоғозларни сотиш бўйича айланмаси 6 млн сўмни ташкил этди. Сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқ 2 % ни ташкил этди. Акция курсининг ўртача ўсиши 10%ни ташкил этди.

Келгуси йил прогнози бўйича қимматли қоғозларни сотиш бўйича айланма 25% га ўсади, сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги ўртача фарқ эса 0,2 пунктга камаяди.

Ҳисобот йилида бошқа фоизли даромадлар 380 минг сўмни ташкил этди. Келгуси йилда фоизли даромадларни 135 минг сўмга ўсиши кутилмоқда.

Аниқланг:

1. Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобот йили ва келгуси йил учун даромадни.

2. Бошқа фоизли даромадлар суммасини.

3. 2.1 ва 2.3-топшириқлар асосида қуйидаги шакл бўйича фоизли даромадларнинг умумий суммасини:

№	Фоизли даромадлар	Ҳисобот йили учун	Келгуси йил учун	Ўзгариш (+/-)
1.	Ссудалар бўйича			
2.	Қимматли қоғозлар бўйича			
3.	Бошқа фоизли даромадлар			
	Жами фоизли даромадлар			

2.4-топширик

1. Ҳисобот йилида депозитларнинг ўртача йиллик қиймати 32 млн. сўмни ташкил этди. 4 млн. сўм фоизлар тўланган. Келгуси йилда депозитларни 50 % га ўсиши башорат қилинмоқда. Кредит баҳосининг пасайиши муносабати билан депозитлар бўйича фоизларнинг ўртача даражаси 2,5 пунктга тушиши кутилмоқда.

2. Олинган банклараро кредитларнинг ўртача йиллик қиймати 30 млн. сўмни ташкил этди, улар бўйича йиллик фоиз ставкаси 29% ташкил этди. Банк капитали ва депозитларининг қийматининг кўпайиши билан банклараро кредитлар суммаси 5 млн. сўмга камайд. Улар бўйича фоиз ставкаси 2 пунктга пасаяди.

3. Ҳисобот йилида бошқа фоизли харажатлар 1 млн сўмни ташкил этди, келгуси йилда 10% га ўсиши кутилмоқда.

Аниқланг:

– депозитлар бўйича тўланадиган фоизларни башорат қилинаётган қийматини;

– банклараро кредитлар бўйича тўланадиган фоизларни башорат қилинаётган қийматини;

– бошқа фоизли харажатлар ва умумий фоизли харажатлар қийматини.

2.5-топширик

Ҳисобот йили ва келгуси йилга мумкин бўлган йўқотишлар учун захирага ажратмалар кредит қўйилмалар суммасидан 1% ни ташкил этади. (2.2-топширик)

Аниқланг:

1. Ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун захирага ажратмаларни ҳисобот ва келгуси йил учун суммасини.

2. 2.2-2.5 топширик маълумотлари асосида ҳисобот ва келгуси йил учун фоизли даромад (фойда)ни ва соф фоизли даромадни ҳамда қуйидаги шакл бўйича ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини:

т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йилида	Келгуси йилда	Ўсиш суръатлари (%)
1.	Фоизли даромадлар			
2.	Фоизли харажатлар			
3.	Фоизли фойда			
4.	Ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун захирага ажратмалар			
5.	Соф фоизли фойда			

2. Келгуси йил учун фоизли фойда башорат бўйича хулоса тузинг.

2.6-топширик

Фоизсиз даромадлар

Тижорат банки ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширгани учун белгиланган тарифлар бўйича йиллик дебет айланмаси суммаси, касса операциялари бўйича пул чекларини тўлаш бўйича айланмадан келиб чиққан ҳолда комиссия тўловларни олади. Белгиланган кўрсаткичлар бўйича банк қуйидаги маълумотларга эга:

Т/р	Операция	Тариф	Ҳисобот йили учун	Келгуси йилга башорат
1.	Мижозлар ҳисобварақлари бўйича дебет айланмаси бўйича олинган комиссия тўловлар дифференциацияси			
	1 млн. сўмгача	0,6	15	11,1
	1 млн. – 10 млн. сўм	0,5	100	12,0
	10 млн. – 100 млн. сўм	0,4	625	8,0
	100 млн. сўм ва ундан ортиқ	0,3	400	15,0
2.	Жами тўланган йўл чеқлари	0,5	400	10,0

3. Ҳисобот йилида депозит ҳисобварақларини очиш, аккредитив ва бошқалар бўйича операциялар 100 бирликни ташкил этди. Тариф – ҳар бир операция бўйича 4 минг сўм этиб белгиланган. Келгуси йилда шундай операциялар 10 % га кўпаяди.

4. Ҳисобот йилида бошқа фоизсиз даромадлар 2 млн. сўмни ташкил этди. Келгуси йилда улар 20 %га кўпаяди.

Аниқланг:

Ҳисобот йили учун ва келгуси йил прогнози бўйича ҳисоб-китоб, касса ва бошқа операциялар учун комиссия тўловлар учун суммасини, фоизсиз даромадларнинг умумий суммасини аниқланг.

2.7-топширик

Ҳисобот йилида тижорат банкининг фоизсиз харажатлари 12000 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан (минг сўм):

1. МБ ҳисоб марказлари ва бошқа банкларнинг хизматлари учун харажатлар – 600 минг сўм.

2. Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича харажатлар – 400 минг сўм.

3. Бошқа харажатлар – 200 минг сўм.

Келгуси йилда ҳисоб маркази хизматлар ҳажми 25% га ва тарифи 5%га, қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича йўқотишлар -20% га ва бошқа харажатлар 10%га ўсиши башорат қилинмоқда. Кейинги йил башорат бўйича фоизсиз харажатлар суммасини аниқланг.

2.8 - топширик

Ҳисобот йилида тижорат банкининг операцион харажатлари 10400 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан (минг сўмда):

1. Иш хақи, мукофот ва ходимларга кўшимча тўловлар – 800

2. Хоналарни сақлаш - коммунал харажатлар – 8000

3. Почта-телеграф, канцелярия харажатлари – 600

4. Асосий воситалар эскириши – 300

5. Бошқа операцион харажатлар – 700

Келгуси йилда ходимларни ва иш ҳақи фондини 20% га қисқартиш кўзда тутилган. Қолган ходимларнинг меҳнат ҳақи 10% га оширилади. Янги йил бошидан уч штат бирлигидан иборат янги бўлим тузиш кўзда тутилган. Ойлик иш ҳақи фонди 150 минг сўм қилиб белгиланган.

Келгуси йилнинг 1 июлидан коммунал харажатлар 25% га, почта-телеграф харажатлари 20% га оширилади.

Келгуси йилнинг 1 апрелидан 2000 минг сўмлик янги асосий воситалар киритилади, уларнинг йиллик эскириши 8%. Бошқа операцион харажатлар 80 минг сўмга ошади.

Келгуси йил башорати бўйича операцион харажатларнинг умумий суммасини аниқланг.

2.9-топширик

2.2 - 2.8 топшириқлар маълумотлари ва уларнинг ечими асосида тижорат банки фойдасининг умумий суммасини аниқланг.

2.10-топширик

Тижорат банки имтиёзли кредитлаш фондига фойданинг умумий суммасидан 20% ни ўтказди.

Умумий суммадан (солиққа тортиладиган фойда) 50% фойдадан солиқ бюджетга ўтказилади.

Акционерлар йиғилишининг қарори бўйича соф фойда қуйидагича тақсимланади:

1. Захира фондига – 25 %

2. Акционерларга дивидендлар тўлашга – 20 %

3. Банк инфратузилмасини ривожлантиришга – 25 %

4. Ижтимоий мақсадларга – 15 %

5. Бошқа мақсадларга – 5 %

6. Тақсимланмаган фойдага – 10 %

Тижорат банкининг соф фойдаси ва унинг тақсимланишини ҳисобот йили ва келгуси давр учун аниқланг.

III. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

3.1-топшириқ

1 сентябр ҳолатига тикув фирмасининг депозит ҳисоб рақамида 90 минг сўм мавжуд эди. Сентябрь ойида куйидаги пуллик операциялар амалга оширилди (минг сўм):

1. Савдо корхоналари ва бошқа буюртмачилардан тайёр маҳсулот (тикув маҳсулотлари)ларини сотишдан маблағлар келиб тушди – 4540.

2. Савдо фирмасига (тижорат) кредитга уч ой муддатга тикувчилик маҳсулотлари жўнатилди – 300.

3. Иш ҳақини тўлашга чек бўйича банкдан нақд пул олинди – 600.

4. Сотиб олувчидан суд қарорига асосан дебиторлик қарзи ундирилди – 110.

5. Маҳсулот етказиб берувчилардан турли товар-моддий қийматликлар сотиб олинди:

– газлама, ип - 2200

– фөрнитура - 200

– тикув машиналари -120

6. Нақд ҳисоб-китоб бўйича майда хўжалик материаллари сотиб олинди – 10

7. Фирма магазини орқали тикувчилик маҳсулотлари сотишдан банкка нақд пуллар топширилди - 190

8. Тўланди:

– электр энергияси учун-150

– транспорт харажатлари учун-80

– реклама учун -20

9. Олдиндан тўлов сифатида сотиб олувчилардан маблағлар келиб тушди – 185

10. Давлат бюджетига тўланди

– фойда солиғи -170

– иш ҳақидан солиқ -180

11. Уч ойлик (тижорат) кредитга электр мосламалар сотиб олинди-280

12. Фирма ишчиларига иш ҳақи тўланди -590

13. Пенсия фондига пул маблағлари ўтказилди -160

14. Банкнинг қисқа муддатли ссудаси қайтарилди - 400

15. Тўланган солиқдан ортган суммани солиқ инспекцияси қайтарди-40

16. Маҳсулот етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан муносабатларда шартнома интизомини бузганлиги учун жарима санкциялари:

– тўланган - 25

– олингани - 35

17. Хомийлик сифатида болалар уйига ўтказилди - 30

18. Банкка тўланди:

– кредит учун фоиз -15

– ҳисоб-китоб-касса хизматлари учун комиссия тўловлар - 130

19. Хизмат сафари учун фирма ходимига нақд пул берилди - 40

20. Фонд биржасида ишончли АЖнинг акциялари сотиб олинди - 500

21. Фирма ходимларига мукофотлар тўланди -70

Фирманинг қайси пуллик операциялари депозит ҳисоб рақамида акс эттирилишини кўрсатинг. 1 октябрга сальдони чиқаринг.

3.2-топшириқ

Февраль ойида корхона депозит ҳисоб рақамига 4 млн. сўм пул маблағлари келиб тушди. Иш кунлар сони – 20, шартномада зарурий эҳтиёжлар учун ўртача кунлик тушумнинг 5% миқдориди лимит кўзда тутилган. Март ойига зарурий эҳтиёж учун лимит суммасини ҳисобланг ва амалиёт бўлимига топшириқ беринг.

3.3-топшириқ

Улгуржи савдо фирмасининг депозит ҳисоб рақамига I чорак учун 18600 минг сўм, қурилиш ташкилотининг ҳисоб рақамига 8680 минг сўм пул маблағлари келиб тушди. I чоракда иш кунлари сони - 62, зарурий эҳтиёжлар учун лимит фирма учун 2% белгиланган, қурилиш ташкилоти учун-5% (ўртача кунлик тушумдан).

II чоракда маблағларни бериш лимитини ҳисобланг ва амалиёт бўлимига топшириқ беринг.

3.4-топшириқ

Корхона ҳисоб рақамига 10 март куни маҳсулот сотишдан тушум келиб тушди:

А) I вариант бўйича 610 минг сўм

Б) II вариант бўйича 280 минг сўм

Зарурий эҳтиёжлар учун лимит 10 минг сўм. Корхонанинг №2-картотекасида балансдан ташқари 90963 “муддатида тўланмаган ҳисоб ҳужжатлари” ҳисоб рақамида қуйидаги ҳужжатлар мавжуд:

№	Хужжат номи	2-картотекага жойлаштирилган сана	Минг сўм
1.	Маҳсулот етказиб берувчининг тўлов талабномаси	25-феврал	120
2.	Тўловлар бўйича тўлов талабномалари: А) бюджетга солиқлар Б) сугурта бўйича В) пенсия фондига	5 март 2 март 6 март	80 20 10
3.	Иш ҳақини тўлашга ариза, тўлаш муддати 9 март	9 март	150
4.	Иш ҳақидан солиқларни тўлаш бўйича тўлов топшириқномаси	9 март	100

Шу кунни ўзида корхона тўлов топшириқномасини тақдим этди:

А) зарурий эҳтиёжлар лимитни ҳисобидан 10 минг сўмга эҳтиёт қисмлар учун

Б) 40 минг сўмга транспорт хизмати учун

Белгиланган кетма-кетликда ҳисоб-китоб ва пул ҳужжатларни тўловини I ва II вариантлар бўйича алоҳида тўловни амалга ошириш ва корхонанинг баланс ва балансдан ташқари ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни акс эттириш лозим.

3.6.-топшириқ

(3.5. топшириқнинг давоми)

I вариант бўйича ҳар бир календар кун учун 0,1% пеня ҳисобланишини инобатга олиб, ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўловини амалга ошириш керак

3.7-топшириқ

ЎзСҚБ нинг Хамза филиалига маҳсулот етказиб берувчи 10 апрель (чоршанба) кунни товар-транспорт ҳужжатлари билан куйидаги сотиб олувчиларга тўлов талабномалари қўйилди:

1. №301 Наманган шаҳар “Пахтабанк” филиали томонидан хизмат кўрсатиладиган “А” сотиб олувчига 250 минг сўмлик товар суммасига;

2. №302 ЎзСҚБ Чилонзор филиалида хизмат кўрсатиладиган “Б” сотиб олувчига хизматлар учун 90 минг сўмга

3. Хамза филиалини ўзида хизмат кўрсатиладиган мижозларга:

А) №303 “В” сотиб олувчига 150 минг сўмга товарлар учун

Б) №304 Иссиқлик энергияси учун 85 минг сўмга, шу жумладан “Г” сотиб олувчига ҚҚС 15 минг сўм.

Шу банкни ўзида хизмат кўрсатиладиган сотиб олувчиларни депозит ҳисоб рақамларида тўлов ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун етарли миқдорда пул маблағлари мавжуд. ЎзСҚБ Хамза филиалини ҳаракатларини кўрсатинг ва операцияларни баланс ва балансдан ташқари ҳисобварақларида акс эттиринг.

3.8-топширик

“Ўзпахтабанк” амалиёт башқармасига 10-14 май кунлари тўловчи- сотиб олувчиларга тўлов талабномалари келиб тушди.

15,16,22 ва 23 май кунлари – дам олиш кунлари.

№	Маълумотлар	Сотиб олувчи-тўловчилар				
		А	Б	В	Г	Д
1.	Тўлов талабномалар рақами	301	402	503	604	705
2.	Келиб тушиш санаси	12.05	10.05	11.05	10.05	14.05
3.	Қиймати - минг сўм	120	150	40	180	230
	Шу жумладан ҚҚС	-	-	-	-	80
4.	Тўлов талабномаси тури	бир шаҳар	шаҳарлараро	бир шаҳар	бир шаҳар	шаҳарлараро
5.	Мақсади	товар	хизмат	электр энергия	товар	товар
6.	Акцепт муддати (сана)	аникланг				
7.	Тўлов муддати (сана)	аникланг				
8.	Сотиб олувчилар муносабати	акцепт	акцепт	-	рад этилган	акцепт
9.	Тўлов кунига депозит ҳисоб рақамида маблағлар мавжудлиги	140	200	30	250	280

Банк операцияларини кўрсатиб, акцепт ва тўлов муддатини аникланг, баланс ва балансдан ташқари проводкаларни ўтказинг.

3.9- топширик

ЎзСҚБ Чилонзор филиалига 10 апрель (чоршанба) куни Андижон тўқимачилик комбинатининг тўлов талабномаси келиб тушди. Талабнома тикув фирмасига 3200 минг сўмга газлама учун тўловга тақдим этилган. 16 апрелда товарга буюртма берилмаганлиги сабабли 700 минг сўмга акцепт рад этилди.

Фирманинг депозит ҳисоб рақамида шу кунда 500 минг сўм бор эди. 20 апрел куни тўлов талабномаси қисман 800 минг сўмга тўланди. Якуний тўлов 26 апрел куни амалга оширилди. Шартномада

тўловни кечиктирганлик учун ҳар бир кунга 0.1 % пеня тўлаш кўзда тутилган.

Банкнинг баланс ва балансдан ташқари операцияларини про-водкалар билан кўрсатинг:

- а) тўлов талабномаси келиб тушган санада;
- б) вақтинчалик тўлов кунда;
- г) якуний тўлов санасида.

3.10-топширик

Тўловчининг банкида 11,12,13- сонли тўлов талабномалари 2-картотекага жойлаштирилди ва ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.1 % пеня ҳисоблаган ҳолда маблағ пайдо бўлиши билан тўловлар амалга оширилди.

Т/р	Тўлов талабномаси рақами	Минг сўм	2-сонли картотекага жойлаштирилиши	Тўлов	
				сана	минг сўм
1.	11	500	1.04	16.04	300
				25.04	якуний
2.	12	80	21.04	21.04	тўлиқ
3.	13	320	30.04	15.05	200
				20.05	якуний

Пеняни ҳисоблаган ҳолда тўлов талабномалари бўйича тўловнинг амалга оширилишини кўрсатинг.

3.11-топширик

ЎзСҚБ нинг Яккасарой филиалига 2 июнь (пайшанба) куни ЎзСҚБ Хамза филиалидан тўлов талабномаси келиб тушди. Талабнома бўёқ учун 900 минг сўмга, тўловчи-тўқимачилик комбинатига ёзилган. Комбинат 6 июн куни “баҳо кўтарилган” сабабини кўрсатиб, 180 минг сўмни қисман рад этди.

Тўлов талабномасини тўлаш кунда комбинат депозит ҳисобварағида 500 минг сўм бор эди. Охириги тўлов 21 июнь куни амалга оширилди.

Талабнома келиб тушган кунда, акцепт рад этилган кунда ва тўлов амалга оширилган кунда банк операцияларини баланс ва балансдан ташқари про-водкаларда акс эттиринг.

3.12-топширик

Сотиб олувчи корхона банкка тўлов топширикномасини такдим этди:

А) шу банкни ўзида хизмат кўрсатиладиган маҳсулот етказиб берувчига олинган маҳсулот учун 500 минг сўмга, 202-сонли топширикнома;

Б) маҳсулот етказиб берувчига (бошқа банкда хизмат кўрсатиладиган) товарлар учун олдиндан тўлов бўйича 150 минг сўмга, 203-сонли топширикнома.

Тўловчининг депозит ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд:

А) I вариант бўйича -800 минг сўм;

Б) II вариант бўйича -120 минг сўм;

В) III вариант бўйича -200 минг сўм.

Ҳар бир вариант бўйича банк операцияларини аниқланг ва уларни ҳисобварақларда акс эттиринг.

3.13-топширик

Тўловчи депозит ҳисобварағида маблағлар:

А) I вариант бўйича йўқ

Б) II вариант бўйича 660 минг сўм

Корхона тўлов учун банкка тўлов топширикномасини тақдим этди, (минг сўм):

№51 Маҳсулот етказиб берувчига 300

№52 Бюджетга ҚҚС 400

№53 Пенсия фондига 100

№54 Транспорт харажатлари учун 150

№55 Иш ҳақидан бюджетга солиқлар 250

№56 Электр энергияси учун зарурий эхтиёжлар лимити чегарасида 20

№57 Алимент 10

№58 Ижтимоий суғурта бўйича 40

I ва II вариантлар бўйича банк хатти-ҳаракатларини кўрсатинг.

Қайси тўлов топшириқлари ижро учун қабул қилинмайди?

3.14-топширик

“Малика” фирмаси ЎзСҚБ нинг Собир Рахимов филиалига 200 минг сўмга копланган чақириб олинмайдиган аккредитив очиш учун электрон ариза Андижон “Электроаппарат” заводи билан ҳисоб-китоб қилиш учун берилди. Маҳсулот етказиб берувчига “Пахтабанкнинг” Андижон шаҳар филиалида хизмат кўрсатилди. Шартнома бўйича аккредитивни амал қилиш муддати маҳсулот етказиб берувчи банкида 15 кунни ташкил этади. Сотиб олувчи банкининг

хатти-ҳаракатини кўрсатиш лозим. Барча операцияларни банк ҳисобварақларида акс эттиринг.

3.15-топширик (3.14-топшириқнинг давоми)

“Пахтабанк”нинг Андижон филиалига 10 июнь куни “Малика” фирмасидан “Электроаппарат” заводи билан ҳисоблашиш учун аккредитив келиб тушди. Маблаглар вакиллик ҳисобварағига келиб тушди. Шартнома бўйича аккредитивнинг амал қилиш муддати 15 кун.

Завод товар-транспорт ҳужжатлари билан “Малика” фирмасига электродвигателлар жўнатилганлиги тўғрисидаги ҳисобварақлар реестрини 15 июнда 120 минг сўмга ва 20 июнда 70 минг сўмга ҳисобварақлар реестрини тақдим этди.

Куйидагиларни:

1. “Пахтабанк”нинг Андижон филиалига келиб тушган аккредитив бўйича операцияларни ҳисоб рақамлари бўйича акс эттиринг.
2. Аккредитивдан тўловлар бўйича операцияларни акс эттиринг.
3. Махсулот етказиб берувчи банкида аккредитивни ёпилиш муддатини ва мижоз ҳаракатларини аниқланг.

3.16-топширик

СҚБнинг Собир Рахимов филиали ва “Пахтабанк” Андижон филиали ҳамда “Малика” фирмаси ўртасида кафолатланган (қопланган) аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида шартномалар имзоланган. Бошқа шартлари 3.14 ва 3.15-топшириқлардаги билан бир хил. Кафолатланган аккредитивлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк хизматлари ҳақи 1% қилиб белгиланган.

Куйидагиларни аниқланг:

1. Сотиб олувчи банкида аккредитивни қўйиш бўйича ҳаракатлари ва операцияларини.
2. Аккредитив келиб тушиши, тўланиши ва ёпилишида махсулот етказиб берувчи банкида банк ҳаракатлари ва операцияларини.
3. Сотиб олувчи банкида аккредитив ишлатилиши ва ёпилиши ҳамда банк хизматларини тўлаш бўйича ҳаракатлар ва операцияларни кўрсатинг.

3.17-топширик

“Зафар” фирмасида қуйидаги молиявий ҳолат юзага келган (минг сўм):

1. Хўжалик суди ундириб олиш тўғрисида буйруқ чиқарди:

А) мебель фабрикасидан дебиторлик қарздорлигини “Зафар” фирмаси фойдасига – 80;

Б) “Зафар” фирмаси фойдасига олдин олинган товар учун асосиз акцептни рад этилган сумма – 70.

2. “Зафар” фирмасидан ундиришга:

А) муддати ўтган солиқ тўловлари бўйича солиқ инспекцияси томонидан -70

Б) кечиктирилган бадаллар бўйича Нафақа фонди томонидан-30

Пул маблағлари тўловчилари ва олувчиларига бир банкда хизмат кўрсатилади. Кўрсатилган барча тўловлар бўйича ҳужжатлар банкка бир кунда, 20 августда тақдим этилган. Мебель фабрикаси тўловни амалга ошириш учун етарли маблағга эга, “Зафар” фирмасини ҳисобварағида эса 15 минг сўм мавжуд.

Қуйидагиларни бажаринг:

1. Кўрсатилган тўловлар бўйича қайси ҳисоб-китоб шакллари қўлланади ва улар қандай амалга оширилади (қайси тўлов ҳужжати ва ким томондан банкка тақдим этилади)

2. “Зафар” фирмасининг банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни акс эттиринг.

IV. Айланма маблағлар ва корхонанинг кредитга лаёқатлилиги

4.1-топширик

Корхона баланси бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

№	Модда номи	Йил бошига	Йил охирига
1.	Устав капитали	760	7800
2.	Қолдиқ киймаг бўйича асосий воситалар	5500	5500
3.	Капитал қўйилмалар	900	700
4.	Захира капитали	150	200
5.	Мақсадли тушумлар ва фондлар	250	300
6.	Таксимланмаган фойда	400	600
7.	Қиска муддатли кредитлар	3100	2500
8.	Ишлаб чиқариш захиралари	2800	2900
9.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	800	900

10.	Маҳсулот етказиб берувчилар-кредиторлар	1300	800
11.	Тайёр маҳсулот	1800	1200
12.	Дебиторлар - сотиб олувчилар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	1500	1200
13.	Иш ҳақи бўйича қарздорлик	200	250
14.	Ижтимоий сугурта бўйича қарздорлик	100	150
15.	Аванс тўловлари	400	300
16.	Сотиб олувчи ва буюртмачилардан олинган аванслар	500	250
17.	Пул маблағлари	1300	1500
18.	Бюджет бўйича қарздорлик	400	350
19.	Узоқ муддатли кредитлар	1000	1000
20.	Назорат суммаси	30000	28400

Йил боши ва охирига қуйидагиларни аниқлаш лозим:

1. Ўзаро нисбатни, яъни:

А) узоқ муддатли ва айланма активлар ўртасидаги;

Б) Ўз ва жалб қилинган маблағлар (мажбуриятлар) ўртасидаги.

2. Айланма маблағларнинг тузилиши ва жойлаштирилиши таркибини.

Йил бошига меъёр 1000 минг сўм ва йил охирига маҳсулот захираси ҳолатини аниқланг.

3. Йил бошида меъёр 4000 минг сўм ва йил охирига-1400 минг сўм бўлса, ўз айланма маблағларини мавжудлиги, уларни сақланиши, ортиқчаси ёки етишмаслигини аниқланг.

4. Айланма маблағлар шаклланиш манбаларининг тузилиши ва таркиби.

Юқорида кўрсатилган топшириқларни қуйидаги шакл бўйича бажариш тавсия этилади:

№	Модда номи	Йил бошига		Йил охирига		Таркибининг ўзгариши
		Минг сўм	салмоги	Минг сўм	салмоги	
	Жами					

4.2-топширик

А ва Б корхоналар бўйича айланма маблағлар меъёрини аниқлаш учун қуйидаги маълумотлар мавжуд:

№	Кўрсаткичлар	Корхона	
		А	Б
1.	Йиллик бизнес режа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари	28800	16000
2.	Айланма маблағлар меъёри:		
	А) кунларда	60	90
	Б) 1 сўмлик харажатга тийинларда	11,7	25
	В) абсолют суммада	аниқланг	

Айланма маблағлар меъёрини аниқланг.

4.3-топширик

“Ўзбекенгилсаноат” корхонаси бўйича айланма маблағлар меъёри 45 кун ва 1 сўмга харажатлар меъёри 12,5 тийин қилиб белгиланган. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 54 млн.сўм. Абсолют суммада айланма маблағлар меъёрини аниқланг.

4.4-топширик

Корхона баланси бўйича (4.1.-топширик) асосий кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларини аниқлашда яқин 3 ойда қайтарилиши лозим бўлган узоқ муддатли кредитлар йил бошига мавжуд эмас, йил охирига 400 минг сўм.

Йил боши ва охирига кўра қуйидагиларни аниқланг:

- А) коплаш коэффициентини;
- Б) ликвидлик коэффициентини;
- В) мухторлик коэффициентини.

4.5-топширик

Корхона айланма маблағларини айланишини ва савдо рентабеллигини ҳисоблашда баланс маълумотларидан (4.1-топширик) ташқари қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

1. Ҳисобот йилида 40 млн. сўм ва олдинги йилда 36 млн. сўмлик маҳсулот сотилган.

Фойда ҳисобот йилида 6000 минг сўм ва олдинги йилда 5040 минг сўмни ташкил этган.

2. Ҳисобот йилида айланма маблағлар қолдиғи 1/IV га-8200 минг сўм, 1/VIIга-7800 минг сўм, 1/Xга-7700 минг сўмни ташкил этди.

3. Айланма маблағларнинг ўтган йилдаги ўртача қолдиғи 8800 минг сўмни ташкил этди.

Ҳисобланг:

1) Ҳисобот ва ўтган йилларда айланиш коэффициенти ва айланма маблағларнинг кунларда айланишини.

2) Маҳсулот сотиш рентабеллигини.

4.6-топширик

4,1; 4,4 ва 4.5-топшириқлар маълумотлари ва ечимлари асосида, умумлаштириладиган кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари жадвалини тузинг, кредитга лаёқатлилиқ синфини ва корхонани кредитлаш шартлари қуйидаги шакл бўйича аниқланг:

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши
		коэффициент	класс	коэффициент	класс	
1.	Қоплаш коэффициенти					
2.	Ликвидлик коэффициенти					
3.	Мухторлик коэффициенти					
4.	Ўз айланма маблағларини мавжудлиги					
5.	Айланма маблағлар айланиши:					
	А) айланиш коэффициенти					
	Б) кунларда айланиши					
6.	Маҳсулот реализацияси					
7.	Сотиш рентабеллиги					
8.	Нотўловлар:					
	А) банк ссудалари бўйича					
	Б) ҳисоб ҳужжатлари бўйича					

4.7-топширик

Корхона тижорат банки филиалига товар моддий қимматликлар гарови асосида хом ашё сотиб олиш мақсадида ссуда олиш учун мурожаат қилди.

Заёмчи банкка кредит ҳужжатларини тўлиқ пакетини тақдим этди. Кредитга лаёқатлилиқни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун йил

охирига баланс ва ҳисоботлар, ҳамда бошқа ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд (млн сўм):

№	Кўрсаткич	Тикув АЖ	Трикотаж АЖ	Пойафзал АЖ	Тўқимачилик АЖ
I. Ҳисобот маълумотлари					
1.	Баланс жами	40	18	32	26
2.	Узоқ муддатли активлар	15	6	14	10
3.	Айланма активлар	25	12	18	16
4.	Шу жумладан захира ва харажатлар	13	7	10,5	11
5.	Қиска муддатли мажбуриятлар	12	7,5	15	17
6.	Узоқ муддатли ссуда, кредит ва заёмлар	1	2	1,5	-
7.	Ўз маблағлар манбалари	27	9,5	15,5	9
8.	Ҳисобот йилида соғувдан тушум	189	126	144	54
9.	Фойда	21	18	10,8	0,5
II Бошқа маълумотлар					
1.	Айланма маблағлар меъёри	12,5	5,4	3,5	7
2.	Ҳисобот йили учун айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи	29,4	23,1	16	16,5
3.	Ўтган йилда айланма маблағларни кунларда айланиши	61	63	36	90
4.	Ўтган йилда самарадорлик (%да)	10,5	14,0	8,0	6,0

1. Корхона кредит қобилияти кўрсаткичларини аниқланг, яъни:

- қоплаш коэффициентини;
- ликвидлик коэффициентини;
- мухторлик коэффициентини;
- меъёрларга нисбатан ўз айланма маблағларининг мавжудлиғи;
- айланма маблағлар айланишини;
- маҳсулот сотиш самарадорлигини;
- кредитга лаёқатлилиқ синфини.

2. Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини кўриб чиқиш натижа-сида ссудани бериш ёки аризани қайтариш тўғрисида хулоса бериш.

V. Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлаш

5.1-топширик

Фирма банкка хом ашё ва материалларни сотиб олишга 4,3 млн. сўмга ссуда олишга ариза берди. Фирма қуйидаги мулкни ссуда бўйича гаров учун қўйиши мумкин:

млн. сўм

1. Бино ва иншоотлар - 6,0
2. Асбоб ва ускуналар - 6,0
3. Ишлаб чиқариш захиралари - 5,8
4. Тайёр маҳсулот қолдиқлари - 2,5
5. Давлат хазина мажбуриятлари (ДХМ) - 3,0

Ссуданинг максимал суммасини ДХМ бўйича гаровга нисбати - 90% ва бошқа қимматликлар бўйича - 80% ни ташкил этади.

Аниқланг:

1. Гаровга қабул қилиш учун банкка қайси мулк тури маъқулрок.
2. Гаров тури ва суммаси.

5.2-топширик

5 март куни корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш учун материал сотиб олишга 4 млн. сўмлик ссуда олиш учун ариза билан мурожаат қилди. Кредит пакетининг бошқа ҳужжатлари билан бир қаторда банкка ссудадан фойдаланиш даврига пул оқимлари таҳлили киритилган бизнес-режани тақдим этди.

Ссудаларни олиш ва қайтаришдан ташқари пул оқимлари (минг сўмда)

№	Ойлар	Пул оқимларини тушуми-кириб келиши	Тўловлар-чиқиб кетиши
1.	Март	16	20
2.	Апрел	22	22
3.	Май	25	23
4.	Июн	27	24

Аниқланг:

1. Ойлик суммаларни икки санага бўлиб ссудани қайтариш муддатини.
2. Операцияларни банкнинг балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича акс эттиринг.

5.3- топширик

Тижорат банки томонидан 5 март куни 4 ой муддатга ишлаб чиқариш учун материалларни сотиб олишга корхонага ссуда расмийлаштирилди.

Фоиз ставкаси – йиллик 24%. Ссуда товар-моддий қимматликлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш учун берилди: 6 март - 1200 минг сўм, 11 март – 1500 минг сўм ва 16 март - 1300 минг сўм. Қайтариш муддатлари 11 ва 16 май, ҳамда 16 ва 26 июнь кунлари 1 млн. сўмдан қилиб белгиланган. Ссуда ўз вақтида ҳисоб рақамига тайёр маҳсулот сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қайтарилди.

Қуйидагиларни бажаринг:

1. Ссуда ҳисоб рақами бўйича ссудани бериш ва қайтариш операцияларини акс эттиринг.

2. Март, апрель, май ва июнь ойлари учун фоиз суммасини ҳисобланг.

5.4-топширик

Банк томонидан 11 апрель куни корхонага 6 млн. сўмга ссуда берилди. Фоиз ставкаси – йиллик 18%. Ссудани қайтариш муддатлари 16 май ва 16 июн 3 млн сўмдан белгиланган.

Ссуда шартномасида муддати узайтирилган ссудалар бўйича биринчи ойда фоиз ставкасини 1,5 марта ва иккинчи ойда 1,5 марта кўпайиши кўзда тутилган.

Аниқланг:

1. Муддатли ва муддати ўтган ссуда ҳисобварақлари бўйича операцияларни акс эттиринг.

2. Апрель, май ва июнь учун муддатли ва муддати ўтган ссуда ҳисобварақлари бўйича фоизларни ҳисобланг.

5.5-топширик

Банк ва тикув фирмаси ўртасида тузилган кредит шартномасида газлама сотиб олишга 4 ойга ссуда берилиши кўзда тутилган. 20 август куни шу сумма ҳисобидан 500 минг сўмга аккредитив очилди ва аванс тўлови бўйича тўлов топшириқномаси тўланди. Олдиндан тўлов маҳсулот етказиб берувчи билан 2 млн. сўмлик шартнома суммасини 15% ини ташкил этади. Ссуданинг қолган қисми газлама учун маҳсулот етказиб берувчиларни ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш учун ишлатилди.

Аниқланг:

1. Газламалар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари суммасини.

2. Ссуда ҳисоб рақами бўйича ссудани бериш операцияларини акс эттиринг.

5.6-топшириқ

(5.5-топшириқнинг давоми)

3500 минг сўмга тиқув фирмасига берилган ссуда бўйича қайтариш муддатлари куйидагича ўрнатилган:

15 октябрь -1000 минг сўм;

15 ноябрь – 1000 минг сўм;

15 декабрь-1500 минг сўм.

15/X ва 15/XI га олинган муддатли мажбуриятлар бўйича ссуда ўз вақтида қайтарилди. 2 декабрда фирма 400 минг сўмга ссудани муддатидан олдин қайтаришга тўлов топшириқномасини тақдим этди.

Ссудани охириги қайтариш кунида (15/XII) фирма ҳисоб рақамида 600 минг сўм мавжуд эди.

Куйидагиларни бажаринг:

1. Ссуда ҳисоб рақами бўйича ссудани қайтариш бўйича операцияларни акс эттиринг.

2. Ссудани бериш ва қайтариш бўйича операцияларни 91901 “Қисқа муддатли ссудалар бўйича заёмчилар мажбуриятлари” балансдан ташқари ҳисобвараги бўйича акс эттиринг.

5.7-топшириқ

Йиллик (чораклик) баланс ва молиявий ҳисоботлар бўйича куйидаги кўрсаткичларга эга маҳсулот етказиб берувчилар тижорат банкининг мижозлари ҳисобланади:

№	Кўрсаткичлар	Корхона				
		А	Б	В	Г	Д
I Молиявий натижалар						
1.	Маҳсулот сотишдан тушум	24	12	15	30	40
2.	ҚҚС	4	2	3	5	6
3.	Соф тушум					
4.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	14	11	14	20	27
5.	Фойда (+), зарар (-)	аниқланг				
II Баланс маълумотлари						
1.	Ўз маблағлар манбалари	4	1	3	6	8
2.	Узоқ муддатли активлар	3	2	5	4	3
3.	Узоқ муддатли кредит ва заёмлар	1	-	1	1	-
4.	Ўз маблағларининг мавжудлиги (+), баланс ноликвидлиги (-)	аниқланг				

Қайси маҳсулот етказиб берувчилар билан банк факторинг хизматини кўрсатади ёки бу хизматни кўрсатишга рад этади?

5.8-топширик

Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудрат ташкилотлари қуйидаги сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича факторинг ссудасини олиш имкониятини аниқлаш мақсадида банкка маҳсулотлар олди-сотдиси ва бажарилган ишлар бўйича шартномани тижорат банкига тақдим этди:

т/р	Маҳсулот етказиб берувчи ва пудратчи	Сотиб олувчи ва шартноманинг айрим шартлари	Нима учун
1.	А мебел фирмаси	1. Вилюят касалхонаси 2. Маърифат базаси 3. Тиббий таъминот базаси 4. “Рустам” савдо фирмаси	Мебель учун Мебель учун Мебель учун Мебель учун
2.	Б асбоб-ускуна курувчи завод	1. Машинасозлик заводи 2. Асбоб-ускуналарни бутлаш базаси	Асбоб-ускуналар учун Асбоб-ускуналар учун
3.	В тўқимачилик фабрикаси	1. Тихув фабрикаси 2. Бартер бўйича моделлар уйи 3. Тўқимачи савдо базаси 4. “Газламалар” дўкони тўловни сотувдан кейин амалга ошириш шarti билан	Газламалар учун Газламалар учун Газламалар учун Газламалар учун
4.	Г қурилиш ташкилоти	1. Кондитер фабрикаси 2. “Шарқ” АЖ	Уй қурилиш учун Цех биносини қуриш учун

Қайси тўловчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича банк факторинг хизмати кўрсатади ёки уни рад этади, сабабини тушунтиринг?

5.9-топширик

Факторинг ссудасини олиш мақсадида маҳсулот етказиб берувчилар банкка сотиб олувчилар томонидан акцептланган тўлов талабномалари нухсаларини юк ҳужжатлари билан тақдим этди.

Т/р	Кўрсаткичлар	Маҳсулот етказиб берувчилар		
		А	Б	В
1	Тўлов талабномалари суммаси, млн. сўм	400	900	600
2	Шартнома бўйича ссуда суммаси, % да	70	80	75

Аниқланг:

А) ҳар бир маҳсулот етказиб берувчи бўйича ссуда суммасини;

Б) банкда факторинг ссудасини бериш бўйича операцияларни баланс ва балансдан ташқари ҳисоб варақлари бўйича акс эттиринг.

5.10-топширик

Тўлов талабномалари бўйича (5.9-топширик) тўлов амалга оширилди, улар бўйича:

Т/р	Кўрсаткичлар	Маҳсулот етказиб берувчилар		
		А	Б	В
1	Ссуда берилган сана	11/IX	16/IX	21/IX
2	Ссудани тўлаш ва қайтариш санаси	31/X	26/X	21/X
3	Ойлик қайта молиялаштириш ставкаси, % да	2,0	1,25	1,5
4	Тўлов талабномаси суммасидан факторинг хизматлари учун комиссия. % да	2.5	2.0	2.0

Аниқланг:

А) факторинг ссудаси бўйича фоиз ставкасини;

Б) кредит учун фоиз ва комисион тўловлар суммасини;

В) тўлов талабномалари тўлови бўйича ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар суммасини;

Г) ссуда қайтарилиши, банк даромадларини олиши ва маблағларни маҳсулот етказиб берувчилар ҳисоб рақамларига ўтказилиши бўйича операцияларни банкнинг баланс ва балансдан ташқари ҳисобварақлари бўйича акс эттиринг.

5.11-топширик

Банк томонидан маҳсулот етказиб берувчи билан 500 минг сўмга 90 кундан кейин тўлаб бериш муддати билан сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарздорликни сотиб олиш (регресс ҳуқуқсиз факторинг) га махсус шартнома тузилди.

Кредит учун фоиз – 4%, банк хизматлари учун комисион ҳақ – 3%, риск учун тўлов – 5%.

Аниқланг:

1. Банкни маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи билан ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилишини.

2. Маҳсулот етказиб берувчининг тўлов талабномаси дисконти ва тўлов суммасини.

3. Операцияларни баланс ва балансдан ташқари ҳисобварақлари бўйича акс эттиринг.

5.12-топширик

Тошкентдаги “Мебель” АЖ ЎзСҚБ филиалига регресс ҳуқуқсиз факторинг хизматлари, яъни Фарғона шаҳрида жойлашган “А” сотиб олувчи банк билан 900 минг сўмга ҳисоб-китоблар бўйича 3 ойдан кейин тўловни амалга ошириш муддати билан банкка дебиторлик қарзини сотиш ҳақида мурожаат қилди. Фарғона банкларининг маълумоти бўйича “А” корхона молиявий барқарордир, “Б” корхона эса 700 минг сўмга муддати узайтирилган ссудалар ва 1500 минг сўмга 2-картотекаси мавжуд.

МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси ойига 2%, кўпайиш коэффиценти 1,8 марта, банк rischi билан боғлиқ комиссия тўловлар – 6%.

Аниқланг:

1. Қайси сотиб олувчи билан ҳисоб-китоблар бўйича банк факторинг хизматларини кўрсатиш мумкин.
2. Маҳсулот етказиб берувчи тўлов талабномасини банк дисконти ва тўлови суммасини.

5.13-топширик

Айланма маблағларни тўлдириш мақсадида ссуда бериш учун корхоналар баланси бўйича 1 октябр ҳолатига қуйидаги маълумотлар берилган:

Т/р	Кўрсаткичлар	Корхоналар	
		А	Б
1	Ўз маблағлари манбалари	7000	5200
2	Узоқ муддатли активлар	4500	3900
3	Узоқ муддатли кредитлар	800	500
4	Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги	аниқланг	
5	Меъёрий кўрсаткич	4800	4000
6	Ўз айланма маблағларининг етишмаслиги	аниқланг	

Айланма маблағларни тўлдиришга берилиши мумкин бўлган кредит суммасини аниқланг.

5.14-топширик

Корхонага декабрда айланма маблағларни тўлдиришга ссуда 1 октябр ҳолатидаги баланс бўйича 1500 минг сўм миқдориди берилди.

Ташкилий-техник чора-тадбирлар режаси бўйича январдан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ва таннархни тушириш имкониятини берадиган янги технологик линия-

ни киритиш кўзда тутилган. Корхона ҳар ойда 70 минг сўм миқдорида қўшимча фойда олади.

I чорак учун кредит фоизи ва ссудани қайтарилиши, ҳамда уни тўлиқ қайтарилиши муддати (чорак) ни аниқланг.

5.15-топширик

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатидаги баланс бўйича сентябрда корхонага айланма маблағларини тўлдиришга йиллик 24 % ставкаси билан 1750 минг сўм миқдорида ссуда берилди.

Ташкилий-техник чора-тадбирларда қўшимча фойда олиш кўзда тутилган:

А) Жорий йилнинг октябр ойидан маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш.

Б) Келгуси йилнинг апрелидан ҳар ойда 50 минг сўм, 1 июлдан 60 минг сўм, қўшимча фойда берадиган янги технологик линияни ишга тушириш.

Ссуда бўйича фоиз ва асосий қарзни қайтариш ҳар чорак охирида амалга оширилади.

Қуйида келтирилган шакл бўйича чораклар бўйича қўшимча фойда, кредит учун фоиз, асосий қарзни қайтариш ва ссуда қайтарилишининг охириги муддатини аниқланг.

Т/р	Кўрсаткичлар	Жорий йилнинг IV чораги	Келгуси йил			
			I ч	II ч	III ч	IV ч
1	Чорак бошига ссуда бўйича қарздорлик					
2	Қўшимча фойда					
3	Кредит учун фоиз тўлаш					
4	Ссуда бўйича асосий қарзни қайтариш					

Изоҳ: кредит учун фоизларни минг сўмгача яхлитлаш мумкин.

5.16-топширик

А ва Б корхоналари декабрда айланма маблағларини тўлдиришга ссуда олди. Кейинги йил 1 июль ҳолатига баланс бўйича айланма маблағларни тўлдириш жараёнини назорат қилишда қуйидагилар аниқланди:

Т/р	Кўрсаткичлар	Корхоналар	
		А	Б
1	Ўз айланма маблағларининг етишмаслиги	1150	1400
2	Ссуда бўйича қарздорлик	1200	1300

Қуйидаги топшириқларни бажаринг:

1. А ва Б корхоналари бўйича айланма маблағлар етишмаслигини тўлдириш жараёнига баҳо беринг.

2. Банк ва корхона ҳаракатларини кўрсатинг.

5.17- топшириқ

“Наврўз” ширкат хўжалигининг келгуси йилга пуллик даром ва харажатлари 300 млн. сўм миқдорида кўзда тутилган. Улар рақлар бўйича қуйидагича тақсимланган (% да):

Т/р	Кўрсаткичлар	I ч	II ч	III ч	IV ч	Йил
1	Пул даромадлари	10	15	30	45	100
2	Пул харажатлари	15	25	25	35	100

Кредитга бўлган эҳтиёж ва уни қайтариш муддатларини аниқла

05.18-топшириқ

Фермер банкка жорий ишлаб чиқариш харажатлари учун (урлик, минерал ўғит, ёқилги, машина, трактор нархи хизматлари б.) 2200 минг сўм миқдорида 6 ой муддатга ссуда олиш учун мужаат қилди.

Кредит ойига 1 %.

Фермер буғдой етиштиради ва бизнес-режа бўйича қуйидагилар кўзда тутилган.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Ер майдони	га	20
2	1 гектардан ҳосил	ц	40
3	Ялли йигим	тонна	аниқланг
4	ўз эҳтиёжларига харажатлар	тонна	аниқланг
5	Сотишга мўлжалланган	тонна	аниқланг
6	1 кг сотиш баҳоси	сўм	120
7	Тушум	минг сўм	аниқланг
8	Буғдой ишлаб чиқаришга харажатлар	минг сўм	4640
9	Соф даромад	минг сўм	аниқланг
10	Тушумнинг 40 % шахсий истеъмолга сарфланади	минг сўм	аниқланг
11	Бўш пул маблағлари: – кредит бўйича фоизларни тўлаш – ссуда бўйича асосий қарзни қайтаришга йўналтиради	минг сўм	аниқланг

Аниқланг:

1. Бизнес режадаги барча кўрсаткичларни.

2. Фермерга суда берилиш имконияти ва қайтарилишини таъминлаш имконияти тўғрисида хулоса беринг.

5.19-топширик

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган фермер банкка қорамолни боқиш ва гўштга топшириш учун сотиб олишга ссуда бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилди. Шартномага асосан қорамол бошқа фермер хўжалигидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича бир бошга 250 минг сўмдан 12 бош олинади. Бизнес режада қуйидагилар кўзда тутилган:

1. Сотиб олинаётган молнинг ўртача тирик вазни – 200 кг
2. Вазни ўртача кунлик кўшилиши - 450 г.
3. Ўртача сотиш баҳоси, 1 кг тирик вазн – 1800 сўм
4. Қорамолни сақлаш ва боқиш бўйича харажатлар фермернинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.
5. Икки ишчига ойига 25 минг сўмдан иш ҳақи берилади.
6. Емнинг бир бошга ўртача кунлик харажатлари – 8 кг.
7. 1 кг емнинг ўртача баҳоси – 20 сўм.
8. Биноларни сақлаш, транспорт ва бошқа харажатлар – 709 минг сўм.

9. Бюджетга солиқларни тўлаш, ҳар ойда – 100 минг сўм.

Фермер 2 йилга 12 ой имтиёзли давр билан ссуда беришни сўраган. Ссудани қайтариш муддатлари иккинчи йилда ҳар чоракда – 16 февраль, 16 май, 16 август ва 16 ноябрда тенг суммаларда белгиланган. Фоиз ставкаси – йиллик 20 %.

Биринчи йили ссуда бўйича фоизлар ҳисобланади, лекин тўланмайди. Уларни тўлови иккинчи йилда тенг бўлақларда асосий қарз ва шу йилга ҳисобланган фоизлар билан бирга амалга оширилади.

Қорамол сотишдан тушум иккинчи йилда чораклар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I ва II чоракларда – 26 % дан, II ва III чоракларда йиллик суммани 24 % дан. Қорамолни сақлаш ва боқиш бўйича харажатлар I ва IV чоракларда 27 фоиздан, II ва III чоракларда 23 % ни ташкил этади.

Аниқланг:

1. Ссуда ҳажми ва йўналишини.
2. Ссуда ишлатилишини иккинчи йилида қорамол сотишдан тушумни.
3. Қорамолни сақлаш ва етиштириш бўйича фермерни йиллик харажатларини.

4. Биринчи ва иккинчи йилларда ҳисобланган фоизлар ва иккинчи йилда уларни тўланиши суммасини.

5. Пул оқимларининг ҳисоб-китобини тузинг ва ссудадан фойдаланишнинг иккинчи йилида ссудани қайтариш имконияти амалда мавжудлигини чораклар бўйича аниқланг.

Ҳисоб-китобда қуйидаги шаклдан фойдаланиш тавсия этилади:

Т/р	Кўрсаткичлар	I ч	II ч	III ч	IV ч	Йил
1	Тушум					
2	Харажатлар					
3	Фоизларни тўлаш					
4	Ссудани қайтариш					
5	Пул маблағларининг бўш қолдиғи					

5.20-топширик

Фермер ва пахта тозалаш заводи пахта хом ашёси етиштириш ва сотиб олиш ҳамда пул авансини бериш ва уни қайтариш тўғрисида контрактация шартномаларини тузишди.

Фермер 120 га майдонда пахта етиштиради, ҳосилдорлик 1 га дан 30 ц, 1 тонна пахта хом ашёси терилган навини сотиб олиш баҳоси 500 минг сўмни ташкил этади.

Пахта тозалаш заводи март ойида, банкдан кредит олиб, шартнома бўйича пахта сотиб олишнинг умумий миқдорининг 30 % и миқдорида пул авансини фермер ҳисоб рақамига ўтказди.

Сентябрь ойида фермер заводнинг тайёрлов пунктига 40 тонна пахта хом ашёсини топширди, кондицион оғирлик – 95 %.

Аниқланг:

1. Фермернинг ялпи даромадини.
2. Фермер олган пул авансининг миқдорини. Бу операцияни банк ҳисобварақлари бўйича акс эттиринг.
3. Тайёрлов пункти томонидан пахта хом ашёси учун тўланган суммани.
4. Ссудани қайтариш, пул аванси бўйича операцияларни акс эттиринг.

5.21-топширик

Пахта тозалаш заводи туман ширкат хўжаликлари ва фермерлари билан контрактация шартномаларини, тижорат банки билан кредит линиясини очиш йўли билан пахта хом ашёсини сотиб олиш учун ссуда олиш тўғрисида кредит шартномасини тузган.

Сентябрь ойида пахта заводининг тайёрлов пунктлари кишлок хўжалиги корхоналаридан I ўн кунликда кондицион оғирлик бўйича I тоннаси учун 5 минг сўм, II – 7 минг сўм, III ўн кунликда 8 тоннасининг ҳар I тоннаси учун 8 минг сўмдан қабул қилди. Пахта тозалаш заводи банкка депозит ҳисобварағидан пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотларидан тушумнинг 80% ини ссуда қайтаришга ўтказиш тўғрисида топширик берди.

Сентябрь ойида тушум I ўн кунликда 100 млн. сўм, II – 175 млн. сўм ва III-20 млн. сўмни ташкил этди.

Пахта тозалаш заводининг ссудани олиш ва қайтариш бўйича операцияларини акс эттиринг.

5.22- топширик

Йиллик бизнес-режа бўйича савдо ташкилотининг чакана товар айланмаси 720 млн. сўмни ташкил этди. Устама миқдори – 20%. Маҳсулотни киритиш бўйича транспорт харажатлари – 2%. Товар захираларининг меъёри – 30 кун.

Аниқланг:

1. Таннарх бўйича товар айланишини.
2. Абсолют суммада товар захираларининг меъёрини.

5.23- топширик

Универсал магазин банкдан кундалик эҳтиёж товарларининг мажбурий ассортиментни сотиб олишга ссуда олди. Савдо тушуми ҳар куни (шанба, якшанбада ҳам) соат 18⁰⁰ да инкассация қилинади. Савдо тушуми инкассацияси қуйидагича:

Сана	Кунлар	Инкассо қилинган тушум суммаси	Шу жумладан, мажбурий ассортимент товарларини сотишдан тушум
1	Душанба	650	150
2	Сешанба	700	180
3	Чоршанба	650	200
4	Пайшанба	850	220
5	Жума	800	190
6	Шанба	750	210
7	Якшанба	900	230

Муомала харажатларини белгилаш ва фойда олиш учун мажбурий ассортимент товарлари бўйича савдо устамаси 20 % ни ташкил этади. Савдо тушуми махсус ҳисоб рақамидан асосий депозит

ҳисоб рақамига жума куни душанба-пайшанба учун, сешанба куни жума –якшанба учун ўтказилади.

Тушумнинг қолган қисми кундалик эҳтиёж товарларининг мажбурий ассортиментига олинган ссудани қайтаришга йўналтирилади.

Аниқланг:

1. Савдо тушумини асосий депозит ҳисоб рақамига ва мажбурий ассортимент товарларидан тушумининг ҳисоби бўйича махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилиши бўйича операцияларини акс эттиринг.

2. Мажбурий ассортимент товарлари бўйича жума ва сешанба савдо устамасининг асосий депозит ҳисоб рақамига ўтказинг.

3. Мажбурий ассортимент товарлари бўйича ссуда қайтарилишини амалга оширинг.

5.24-топширик

Тижорат банки томонидан берилган кредитларнинг сифати ва юзага келиши мумкин йўқотишларни қоплашга шакллантирилган захираси ҳажми бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Т/р	Кредит сифати	Йил бошича млн. сўм	Йил охирига, млн. сўм	Захира меъёри,%да
1	Яхши	34,2	61,0	-
2	Стандарт	12,0	22,0	10
3	Қониқарли	6,3	17,0	25
4	Шубҳали	4,8	6,0	50
5	Умидсиз	2,7	2,5	10
Жами		60,0	100	-

Қуйидагиларни бажаринг:

1. Йил боши ва охирига банк кредит портфелининг сифатини таҳлил қилинг.

2. Ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар суммасини ҳисобланг ва банк ҳисобварақларида акс эттиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1997 йил 24 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 2 октябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-тижорат Халқ банкни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 25 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 21 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1999 йил 15 январь.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2000 йил 19 май.
9. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган).
10. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 10 ноябрда 1080-сон билан рўйхатга олинган).
11. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган).
12. Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида Низом (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 ноябрда 534-сон билан рўйхатга олинган).
13. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида Низом

- (Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 19 февралда 1010-сон билан рўйхатга олинган).
14. Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 14 январда 1201-сон билан рўйхатга олинган).
 15. Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 14 январда 1199-сон билан рўйхатга олинган).
 16. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида – Т.: "Ўзбекистон", 2005. - 528 б.
 17. Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: "Ўзбекистон", 2009. 54 б.
 18. Ўзбекистон Республикаси банк тизими/ Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -296 б.
 19. Абдуллаева Ш. ва бошқалар Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: IQTISOD- MOLIYA, 2006. - 118 б.
 20. Абдуллаева Ш. Банковский менеджмент и маркетинг. Учебное пособие./ Ш. Абдуллаева, М. Файзуллаева, О. Галак, Д. Абидинова. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007. - 182 б.
 21. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик/ – Т.: Тошкент, 2003. - 312 б.
 22. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш – Т.: Молия, 2002. - 304 б.
 23. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик/. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2006. - 576 б.
 24. Деньги.Кредит.Банки./ О.И. Лаврушина. - М.: НОРУС, 2007. – 319 с.
 25. Кашапов Х. Сборник задач по курсу "Банковское дело"/ Х. Кашапов. – Т.: "Iqtisod-Moliya", 2005. - 36 с.
 26. Норқобилов С. Банк аудити. Ўқув қўлланма/ - ТМИ, 2004. - 150 с.
 27. Пул, кредит ва банклар. Дарслик./ Ш.З. Абдуллаева. - Т.: ТМИ, 2007. - 347 с.
 28. Селищев А.С. Денги. Кредит. Банки/ А. С. Селищев. - Питер: Спб., 2007. - 432 с.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. БАНК ИШИ – МУСТАҚИЛ ФАН	
1.1. Банк иши фанининг предмети ва объекти.....	6
1.2. Банкнинг вазифалари.....	15
1.3. Банк фаолиятини ташкил қилиш ва банк таркиби.....	20
1.4. Банк иши ва унинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши	27
1.5. Таянч иборалар.....	30
1.6. Тест топшириқлари ва масалалар.....	30
1.7. Назорат учун саволлар.....	33
2- боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ	
2.1. Марказий банк – юридик шахс.....	35
2.2. Марказий банкни бошқариш.....	39
2.3. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш воситалари.....	44
2.4. Марказий банкнинг пул тизими ва пул муомаласини таш- кил этишдаги ҳамда валютани тартибга солишдаги роли.....	50
2.5. Марказий банкнинг назорат функцияси.....	80
2.6. Марказий банкнинг молиявий аҳволи.....	88
2.7. Таянч иборалар.....	92
2.8. Тест топшириқлари ва масалалар.....	93
2.9. Назорат учун саволлар.....	100
3- боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ	
3.1. Тижорат банклари тўғрисида умумий тушунчалар.....	103
3.2. Тижорат банклари ресурслари ва уларнинг капитал базаси	115
3.3. Банк активининг таркиби ва сифати.....	123
3.4. Банк активи ва пасивини бошқариш.....	136
3.5. Тижорат банкининг даромади ва фойдаси.....	142
3.6. Тижорат банкининг тўлов қобилияти ва ликвидлиги.....	153
3.7. Банк ҳисоботи.....	177
3.8. Таянч иборалар.....	202
3.9. Тест топшириқлари ва масалалар.....	203
3.10. Назорат учун саволлар.....	211
4- боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ	
4.1. Тижорат банкларининг пасив операциялари.....	214
4.2. Тижорат банкларининг инвестицион функциялари.....	226
4.3. Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операциялари	236
4.4. Тижорат банкларининг лизинг операциялари.....	240
4.5. Тижорат банкларининг қимматли қозғалар билан операциялари	271

4.6. Тижорат банкларининг халқаро операциялари.....	277
4.7. Таянч иборалар.....	293
4.8. Тест топшириқлари ва масалалар.....	294
4.9. Назорат учун саволлар.....	300
5- боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ	
5.1. Кредит сиёсатининг моҳияти.....	303
5.2. Кредит, унинг функциялари ва турлари.....	307
5.3. Кредит шакллари.....	315
5.4. Кредитлаш тамойиллари ва кредит бериш тартиблари.....	324
5.5. Микрокредитлаш.....	335
5.6. Имтиёзли кредит бериш.....	341
5.7. Таянч иборалар.....	347
5.8. Тест топшириқлари ва масалалар.....	347
5.9. Назорат учун саволлар.....	352
6- боб. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОЛИШ ЛАЁҚАТЛИ- ЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР	
6.1. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини белгиловчи мезонлар....	354
6.2. Пул оқими ва унинг кредитга лаёқатлиликини баҳолашдаги роли	374
6.3. Таянч иборалар.....	384
6.4. Тест топшириқлари ва масалалар.....	384
6.5. Назорат учун саволлар.....	389
7- боб. КРЕДИТ ШАРТНОМАЛАРИ	
7.1. Шартнома тўғрисида тушунча ва унинг турлари.....	391
7.2. Кредит ва қарз шартномалари.....	398
7.3. Банк омонатлари ва ҳисобварағи шартномалари.....	403
7.4. Таянч иборалар.....	411
7.5. Тест топшириқлари ва масалалар.....	411
7.6. Назорат учун саволлар.....	413
8- боб. БАНК РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ	
8.1. Банк рисклари ва уларнинг турлари.....	414
8.2. Рискларни аниқлаш тартиби.....	424
8.3. Рискларни бошқариш усуллари.....	434
8.4. Таянч иборалар.....	442
8.5. Тест топшириқлари ва масалалар.....	442
8.6. Назорат учун саволлар.....	454
9- боб. БАНК ФОИЗИ ВА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ	
9.1. Банк фоизи ва ундан фойдаланиш механизми.....	456
9.2. Фоиз rischi, уларни баҳолаш ва бошқариш усуллари.....	462
9.3. Фоиз ставкалари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....	465
9.4. Таянч иборалар.....	477

9.5. Тест топшириқлари ва масалалар.....	477
9.6. Назорат учун саволлар.....	480
10- боб. БАНК РЕЙТИНГИ ВА УНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ	
10.1. Банк рейтингини аниқлаш усуллари.....	482
10.2. «Ахбор-рейтинг» агентлиги.....	494
10.3. Тест топшириқлари ва масалалар.....	502
10.4. Назорат учун саволлар.....	504
Банк иши фаидан масалалар тўплами.....	506
Адабиётлар	541

**Ё.АБДУЛЛАЕВ, Т.ҚОРАЛИЕВ,
Ш.ТОШМУРОДОВ, С.АБДУЛЛАЕВА**

БАНК ИШИ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи

Ҳ.Тешабоев
Г.Нуриддинова

Боснишга рухсат этилди 09.09.2009. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
Ҳисоб-нашр табоғи 34,25 б.т. Адади 100. Буюртма № 147

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти,
100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография
усулида чоп этилди.
100084, Тошкент, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60^А-уй